

АБДУРАҲИМ  
ЭРКАЕВ



МАЪНАВИЯТШУНОСЛИК



2

АБДУРАҲИМ ЭРКАЕВ

# МАЪНАВИЯТШУНОСЛИК

**Маънавият методологияси  
ва праксиологияси**

*2-китоб*

УЎК: 17.022.1

КБК: 87.60

Э 78

**Эркаев, Абдурахим.**

Э 78 Маънавиятшунослик. 2-китоб [Матн]. Маънавият методологияси ва праксиологияси / А. Эркаев. – Тошкент: «Маънавият», 2018. – 456 б.

ISBN 978-9943-04-366-4

Таниқли файласуф олим, маънавият ва маърифат, миллий гоа ҳамда мафкура соҳасининг кўзга кўринган вакили Абдурахим Эркаевнинг «Маънавиятшунослик» номли икки жилдли йирик тадқиқоти мазкур фаннинг тарихий илдиэлари, такомил босқичлари, уларни ўрганиш борасидаги муқтақиллик йилларида амалга оширилган ишлар таҳлилига бағишланган.

Китобнинг биринчи жилди «Маънавият онтологияси ва феноменологияси», иккинчи жилди эса «Маънавият методологияси ва праксиологияси» деб номланишидан ҳам билиш мумкинки, тадқиқотда мазкур қадриятнинг деярли барча жиҳатлари қамраб олинган.

Китоб олий ўқув юртларининг талабалари, магистрлари, ўқитувчилар, маънавий-мафкуравий тарбия, тарғибот-ташвиқот билан шуғулланувчи мутахассислар ва кенг китобхон оммасига мўлжалланган.

УЎК: 17.022.1

КБК: 87.60

### **М а с ъ у л м у х а р р и р л а р :**

*Алишер Қодиров – Республика Маънавият ва Маърифат маркази раҳбари.*

*Раҳмон Қўчқоров – Тошкент Давлат юридик университети доценти, ф.ф.н.*

### **Т а қ р и з ч и л а р :**

*Акмал Саидов – юридик фанлари доктори, академик.*

*Санжар Чориев – фалсафа фанлари доктори, профессор.*

*Қарши Давлат университети Илмий кенгашининг  
2018 йил 29 майдаги 11-сон Қарори билан  
нашрга тавсия этилган.*

ISBN 978-9943-04-366-4

© «Маънавият», 2018

## 1. МАЪНАВИЯТНИНГ ИЛМИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

Ҳар бир фан ўз соҳасига оид илмий билимлар беради. Уларни турли тадқиқот усуллари, воситалари орқали аниқлайди. Ҳар бир фан ўрганаётган соҳасини, нарс ва ҳодисаларни, улар ўртасидаги боғлиқлик ва муносабатларни, ўз хусусиятидан, ўз предметидан келиб чиқиб тадқиқ этади. Бу жараёнда у барча фанларга хос илмий тадқиқот усуллари ва воситалари билан бир қаторда, фақат ўзига хос баъзи бир усуллар ва воситалардан, асбоб-ускуналардан, ўлчов кўрсаткичларидан ва ҳ.к. фойдаланади.

Фаннинг вазифаси тадқиқот соҳасига, объектига тааллуқли илмий ҳақиқатни аниқлашдир. Бу ҳақиқатга эришадиган йўлни юнон тилида метод, фан қўллайдиган барча умумий ва конкрет ёндашувлар, усуллар ва воситаларни эса методология (*метод* – йўл; *логос* – таълимот) деб аталади. Методология бевосита илмий янгиликларни кашф этмайди, янги билимлар бермайди, балки янги билимларга қандай эришишни кўрсатади, мавжуд ва аниқланган билимларнинг, илмий хулосаларнинг тўғрилиги ёки хатолигини аниқлайди, баҳолайди. Бу хатоларга тадқиқот усули ва воситалардаги қайси камчиликлар сабаб бўлгани, нималар илмий таҳлил, умумлаштириш ва хулоса чиқаришда адашишга олиб келганини аниқлашда ёрдам беради. Бошқача айтганда, илмий методология фан тўғрисидаги таҳлилий таълимотдир. Лекин методологиянинг билвосита илмий кашфиётлар қилишдаги аҳамияти улкан. У муайян фанга илмий ва ижтимоий мўлжал беради, йўлчи юлдуз, компас вазифасини ўтайди, олдида турган конкрет ва долзарб вазифаларни, мақсадларни, уларга элтувчи йўлларни, воситаларни аниқлаб олишга кўмаклашади. Буларсиз эса ҳеч бир фанни самарали ривожлантириб бўлмайди, чунки методологиясиз илмий кашфиётлар ё содир бўлмайди, ё стихияли

кашф этилади. Баъзан эса кашфиётнинг мазмун-моҳияти, илмий ва амалий аҳамиятини на олимлар, на жамият муносиб баҳолай олади. Натижада, янги ғоя, янги кашфиёт қоғозда қолиб кетаверади. Жамият уларни тўғри баҳолаб, амалда қўллашига ўн йиллар, ҳатто асрлар ўтиб кетади.

«Маънавиятнинг илмий методологияси» фани маънавият соҳасига оид ҳаққоний, объектив илмий билимларга эришиш усуллари, воситалари тўғрисидаги таълимотдир. У маънавият соҳасини ўрганувчи фанларга ўзига хос илмий йўл-йўриқ ва мақсад беради, илмий мезон ва мўлжал вазифасини бажаради. Бунинг учун у, энг аввало, «маънавият» тушунчаси мазмун-моҳиятининг ўзи қай даражада тўғри аниқлангани, уни ўрганишга қайси илмий-эътиқодий позициялардан, илмий-ижтимоий мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб ёндашилганини таҳлил қилади.

Кимдир маънавиятга материалистик, кимдир идеалистик, кимдир кўпроқ диний, кимдир эклектик (ҳар хил ёндашувларни механик қориштириш, аралаштириш), кимдир кўпроқ сиёсий-мафкуравий нуқтаи назардан ёндашиши мумкин. Кимдир миллий маънавият ривожланишини баҳолашда ўтмишни ортикча идеаллаштириши, ёки, аксинча, қолоқ ҳисоблаб, унга беписанд қараши мумкин. «Маънавиятнинг илмий методологияси» фани тадқиқотчиларни илмий-эътиқодий, сиёсий-мафкуравий қарашлари туфайли аввалдан бирёқлама хулоса чиқармасликка ундайди. Уларга фаннинг илмий холислик, мантикийлик, тарихийлик, тадқиқот жараёнида мавҳумликдан аниқликка кўтарилиш, ўрганилаётган ҳар бир нарса, ҳодиса, объект қотиб қолмаган, балки зиддиятларга бой, ўзгарувчан, ривожланувчан жараён эканлигини, ҳар бир қатъий хулоса чиқариш учун етарлича илмий далиллар, асос бўлиши лозимлигини эслатиб туради. Чунки тадқиқотчи ҳиссиётдан, ўз диди, истакларидан, сиёсий қарашларидан келиб чиқиб эмас, балки холис илмий важ ва далилларга таяниб хулоса қилиши лозим. Ушбу муносабат билан Аристотелнинг «Платон менинг дўстим, лекин ҳақиқат кадрлироқдир» деган сўзларини эслаш лозим.

Юқорида келтирилган усуллар барча фанлар учун, жумладан, «Маънавиятнинг илмий методологияси» учун

хам умумийдир. Аммо ҳар бир фан уларни ўз хусусиятларидан келиб чиқиб қўллайди. Методология қуйидагиларда намоён бўлади:

1. Тадқиқотчининг, олимнинг дунёқараш ва эътиқоди билан боғлиқ илмий позициясида. Олим ўрганаётган ҳодисалар, предметларга, жумладан, маънавиятга ўзининг илмий, диний, сиёсий-мафкуравий позициясига ҳамда ўз даври фанининг эришган ютуқлари, қарашларига мувофиқ ёндашади. Ижтимоий ҳодисалар тадқиқ этилаётганда, авторитар ёки либерал, миллатчилик ёки байналмилалчилик, миллий нигилизм, космополитизм ёки миллий ва умуминсоний қадриятлар муштараклигини ҳисобга олиб, ўз позициясини белгилайди. Олимнинг дунёқарашини ва позициясини маълум шахсий психологик мойилликлари ва қизиқишлари, диди таъсирини сезсада, асосан, жамиятнинг эришган тараққиёт даражасини ва олимнинг олган тарбиясини, эътиқоди билан белгиланади.

2. Мавзу ва тадқиқот объектини, предметини ҳамда материалларини танлашда. Булар олимнинг у ёки бу фанга ихтисослашганидан ташқари, унинг мавзу долзарблигини ва илм-фан, жамият учун аҳамиятини баҳолашида, «ижтимоий буюртма»ни тўғри ёки хато тушунишида, маълум илмий ғояларга, анъаналарга, қарашларга, илмий концепцияларга мойиллигида кўринади. Тадқиқотчи олим юксак илмий салоҳиятга эга бўлса, жамиятнинг, илм-фан ёки ишлаб чиқаришнинг энди вужудга келаётган талабларини, тенденцияларини интиутив ёки онгли равишда пайқайди. Бу борада бошқалардан бир қадам олдинда юради. Шунга яраша у мавзу танлайди, тадқиқотнинг предмети ва объектини белгилайди, материаллар тўплайди. Бу тадқиқотнинг конкрет усуллари, воситаларига ҳам тааллуқли. Уларни ўз илмий позициясини ва эътиқодидан келиб чиқиб тадқиқ қилади.

3. Олимнинг объектив, изчил ва тизимли илмий фикрлай олишида, бир бирига номувофиқ, зид ёндашувларни қориштириб юбормаслигида, таҳлил ва умумлаштириш салоҳиятида, яъни тафаккур маданиятида.

4. Илмий тадқиқотнинг усуллари, воситаларини ўзлаштириб олганлик даражасида, уларни ўрганилаёт-

ган нарса ва ҳодисалар хусусиятига мос қўллай олишида, бошқача айтганда, тадқиқот маданиятида.

5. Илмий тадқиқот натижаларини, аниқлаган фактларини, чиқарган хулосаларини фандаги илмий назариялар, қарашлар ҳамда умумий дунёқараш, эътиқод билан боғлай олишда.

Тафаккур ва тадқиқот маданиятидаги камчиликлар олимнинг конкрет хатоларга йўл қўйишига, нотўғри таҳлил ёки тажриба ўтказишига, хато натижаларга келишига сабаб бўлади. Ёки масаланинг айрим муҳим томонлари, қирралари, ички мазмун-моҳиятини охиригача, тўлиқ ўрганилмай қолишига олиб келади. Бешинчи бандда баён қилинган ва қўлга киритилган натижаларни умумий назария ва дунёқараш билан боғлай олиш методологиянинг оқибат самараси ва мақсадидир. Агар илмий тадқиқот натижалари, аниқланган фактлар, тенденциялар, янги алоқалар, зиддиятларни мавжуд умумий назария билан тушунтиришнинг имкони бўлмаса, икки ҳолат юз бериши мумкин.

*Биринчиси* – тадқиқот натижалари шубҳа остига олиниб, қайта текширилади ва аниқлик киритилади. Тадқиқотнинг конкрет усулларида ёки бирламчи далиллардаги хатоликлар, ёки таҳлил ва умумлаштиришдаги, ҳисоб-китобдаги хатоликлар ёки қайсидир алоқалар ҳисобга олинмай қолганлиги ва шу каби турли сабабларга кўра, умумий натижа хато бўлиши мумкин. Қайта текшириш жараёнида йўл қўйилган хатолар, камчиликлар бартараф этилади.

*Иккинчиси* – тадқиқот натижалари тўғри, ҳеч қандай хато ёки чалкашликларга йўл қўйилмаган. Тадқиқот жараёнининг ҳар бир босқичи тўғри ўтказилган. Лекин олинган натижа мавжуд назарияга тўлиқ ёки қисман зид келмоқда. Бундай ҳолда назарияга ўзгариш, аниқлик киритилади ёки умумий янги назария яратилади. Агар бундай қилинмаса, методологик инқироз юз беради. Ўша фаннинг барча натижаларини тўғри баҳолаш мезонлари ноаниқ бўлиб қолади.

Илмий методология ўрганилаётган соҳанинг, агар у жамиятга оид ҳодиса бўлса, ижтимоий-тарихий ривожланиш қонуниятларини, унга илмий, ёки диний – эътиқодий

омиллар таъсирини, тарихий шахсларнинг фаолияти таъсирини, ўша давр жамиятининг умумий маданий савиясини, ижтимоий-маънавий муҳитини, мафқурасини ҳисобга олишни ўргатади. Шундай қилиб, илмий методологиянинг ижтимоий-тарихий, эътиқодий, илмий, маданий, индивидуал-ижтимоий асосларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

«Маънавиятнинг илмий методологияси» фанининг асосий мавзуларини, албатта, аввало маънавият тушунчаси (категорияси)дан ташқари, маънавиятнинг тарихий вужудга келиши, ривожланиш қонуниятлари, намоён бўлиш шакллари, маънавиятни ўрганишга турлича ёндашувлар, маънавият ва унинг таркибий қисмлари ўртасидаги муносабатлар ва шу каби кўплаб назарий масалалар ташкил этади.

Албатта, Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат, очик фуқаролик жамиятини қуриш, уни мудом ривожлантириш, маданиятимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар билан бойитиб бориш, халқимизга ўзлигини англатишни янада чуқурлаштириш ва комил инсонни тарбиялашнинг маънавият билан боғлиқ муаммоларининг методологик масалалари ҳам мазкур фанинг асосий мавзулари қаторига киради.

Ўз навбатида, ҳар бир йирик мавзу кўплаб конкрет муаммолар ва масалаларга бўлинади. Мисол учун, комил инсонни тарбиялаш, аввало, комиллик тушунчаси нимани англатишини, комил инсонга қўйиладиган талаблар ҳар бир тарихий босқичда ўзгариб, ривожланиб, конкретлашиб боришини билишни тақозо этади. Комил инсон масаласи бугунги ахборот асрида мафқуравий иммунитетни шакллантириш, ахборот хуружига, бузғунчи ғояларга, оммавий маданият ниқоби остидаги аксилмаданият босимига қарши тура олиш масалалари билан чамбарчас боғланган. Ёки инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари масаласи унинг ижтимоий масъуллиги ва ахлоқи масалалари билан муштарақликда қаралиши лозим. Агар ижтимоий масъуллик ва ахлоқ унутилса, инсоннинг ҳар қандай худбинлиги, ҳирси, нафси, маиший бузуклиги оқланиши лозим. Бундай ҳол Ғарб мамлакатларида кўп кузатилади. Булар методология билан бевосита боғлиқ назарий ва ама-



лий масалалардир. Демак, методологиянинг асосий талаби ҳар бир масалани атрофлича, ҳар томонлама, бошқа масалалар билан боғлиқда, алоқадорликда ўрганишдир. Ўрганиладиган нарса ва ҳодисалар ривожланувчан, ўзгарувчан, қотиб қолмаган, айна пайтда, барқарорлик ва беқарорлик тенденцияларини ўз ичига олувчи жараён-дир. Маънавият ҳам ана шундай зиддиятли, ўта мураккаб таркибли, ички ва ташқи зиддиятларга бой, барқарорлиги ўта нафис ва мўрт, беқарорлиги тез-тез намоён бўладиган, айна пайтда ўта катта куч-қувватга эга руҳий-ижтимоий салоҳиятдир.

«Маънавиятнинг илмий методологияси» фани предмети ўрганишнинг илмий-услубий асосларини икки гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳ – умумфалсафий ёндашувлар ва тамойиллар: объективлик, конкретлик, мантиқийлик, тарихийлик, тизимлилик (системавийлик), структуравий (тузилмавий)лик, мавҳумликдан аниқликка кўтарилиш, диалектик мантиқ ва қонунларни (қарама-қаршилиқлар бирлиги ва кураши, миқдор ва сифат бирлиги, инкорни инкор этиш қонунлари) ҳисобга олиш.

Фалсафий ёндашувлар анъанавий метафизик ва диалектик ёндашувларга бўлинган. XX асрнинг иккинчи ярмида синергетик ёндашув вужудга келди. Синергетик ёндашув диалектик ёндашувнинг бир шаклидир. Агар анъанавий диалектик ёндашувни ўрганилаётган объектдаги зиддиятлар, аввалги сифатларнинг ўзига хос синтези қизиқтирса, синергетик ёндашувни кўпроқ конфликтга айланган зиддиятни ечиш, ҳал қилиш, босиб ўтиш, турли тизимлар ўртасидаги умумийлик, ўхшашлик қизиқтиради. Агар анъанавий диалектик ёндашувни жамият ривожланишидаги синфий кураш, ижтимоий революциялар роли кўпроқ қизиқтирса, синергетикани ижтимоий (синфий) шериклик, жамиятнинг эволюцион тараққиёти кўпроқ қизиқтиради. Синергетика узлуксиз ривожланишнинг эволюцион назариясидир. У инқилобий сифат ўзгаришларини инкор қилмайди, балки уларни ривожланишнинг дискрет шакли ҳисоблайди.

Тўпланган билимларни умумлаштириш, тартибга солиш, тизимга келтириш, илгари шаклланган илмий қарашлар, тизимлар билан боғлаш, улардаги фарқли

хусусиятларни ва фан олдидаги вазифаларини аниқлаш умумфалсафий усуллар ва тамойиллар ёрдамида амалга оширилади. Умумфалсафий усулларни қўлламадан, бирор фан ҳақиқий илмга айлана олмайди, балки ижтимоий тажриба, ишлаб чиқариш берадиган билимлар тўплами, кундалик онг даражасида қолиб кетади.

Иккинчи ёндашув – хусусий илмий ҳамда фақат шу фанга хос усуллар, ёндашувлар, тадқиқот воситаларидир. Уларни тадқиқот қилиш ва ўрганиш методикаси дейиш мумкин. Методика фақат ўқитиш ва ўрганишга хос ҳодиса эмас. Методика, аввало, фан олдига қўйилган конкрет вазифани бажариш, белгиланган аниқ мақсадга эришиш учун қўлланиладиган услублар, воситалар, экспериментлар (тажрибалар), таҳлил этиш ва умумлаштириш услублари (масалан, статистик ва математик усуллар, формалаштириш, моделлаштириш ёки диахроник ва синхроник тадқиқот ёки социологик тадқиқот усуллари) мажмуи, тизимидир.

Ҳар бир фан фақат ўзи ёки унга яқин турган фанлар қўллайдиган илмий-тадқиқот усулларига, воситаларига эга.

Давлат университетлари ва педагогика институтлари талабаларига турли хил ўқитиш методикаси яхши таниш: дарс мавзусини тушунтиришда ўқитувчи ҳар хил кўргазмали воситалардан, аудио, - видеоматериаллардан, компьютер ва ахборот технологияларидан, интерфаол усуллардан фойдаланиши мумкин. Шу сабабдан улар методика деганда, кўпроқ педагогик усулларни кўз олдига келтиради. Аслида методика кенг тушунча. Муҳандислик-техник, қишлоқ хўжалиги, табиатшуносликка оид бошқа олий ўқув юртлари ва факультетлари талабларига турли хил экспериментлар, тажрибалар ўтказиш, моделлаштириш услубияти яхши маълум.

Методология тор мазмунда умумфалсафий, умумилмий усуллар тизимига нисбатан қўлланилади ва методикадан (услубиятдан) фаркланади. Аммо кенг мазмунда методология умумфалсафий, умумилмий усулларни ва методикани бирлаштиради. Зеро, методикани, конкрет натижага, аниқ мақсадга эришиш вазифасини фаннинг

умумий вазифасидан – объектив ҳақиқатни, объектив қонуниятни аниқлаш вазифасидан ажратиб бўлмайди.

Хусусий фанлар, жумладан, маънавият ҳодисалари ва жараёнларини ўрганадиган фанлар натижалари, яъни хусусий илмий факт, ғоя, хулоса методология ёрдамида умумий илмий-фалсафий назариялар, дунёқараш ва эътиқодий таълимотлар хулосалари, ғояларидан келиб чиқиб баҳоланади, улар билан боғланади.

Мураккаб зиддиятли, кўпқатламли ва кўптаркибли тизимларни ўрганишда, олинган натижаларга баҳо беришда, уларни мавжуд илмий назариялар, билимлар билан боғлашда фалсафий ёндашувга, кенг мазмунда қўлланиладиган методологияга зарурат кучаяди. Бу, бир томондан, билиш жараёнининг мураккаблашиб бориши билан, иккинчи томондан – ижтимоий муносабатларнинг янада ранг-баранглашиб, бойиб бориши ҳамда илмий-техника тараққиёти туғдираётган янгидан-янги ахлоқий, эстетик, ҳуқуқий, сиёсий, экологик ва бошқа ижтимоий муаммолар билан боғлиқ. Масалан, ирсий модификациялашган организмларни яратиш, клонлаштириш, одам миясига чиплар улаб, уни қисман киборгга айлантириш, одамлар онги билан манипуляция қилиш ва кўплаб шу каби муаммолар тобора долзарблик касб этмоқда. Мазкур жараён объектив равишда маънавиятнинг ҳар томонлама чуқур ўрганишни, бинобарин, маънавиятнинг илмий методологиясини ҳам ривожлантиришни тақозо этади.

Маънавият кўнгилдагидек ривожланиши учун объектив шарт-шароитлар ва субъектив омиллар бир-бирига маълум даражада мос келиши лозим. Жамият иқтисодий жиҳатдан анча ривожланган, таълим, маданият, ОАВ, дам олиш ва бўш вақтни мазмунли ташкил этишнинг моддий базаси яхши бўлиши мумкин. Лекин аҳолининг интилишлари, хоҳиш-истаклари бир томонлама шакланса, жамиятда, одамлар ўртасида бегоналашиш кучли, меҳроқибат паст, индивидуализм ва эгоизм устун, анъанавий кадриятлар деформацияга учраган бўлса, маънавият яхши ривожланмайди. Қашшоқ, иқтисодий қоқоқ жамиятда эса илм-фан, таълим, маданиятни ривожлантириш қийин кечади. Одамларнинг субъектив интилишлари, ўзаро меҳроқибати, жамоавийлиги қанчалик юқори

бўлмасин, маънавият ва маданиятни ривожлантиришга маблағ етишмайди, маънавий эҳтиёжлар юксалмайди, турғунлик қарор топади.

Маънавиятни тадқиқ этиш, маънавий меросни баҳолаш, ундан фойдаланиш, урф-одатлар, кадриятлар тизими-мини такомиллаштириш, уни умуминсоний кадриятлар ҳисобига бойитиш, умуман олганда, маънавий тикланиш ва юксалиш борасида кўплаб илмий муаммолар ўз ечимини кутиб турибди. Баъзи тадқиқотлар маънавиятни тор диний мазмунда Оллоҳ ҳақиқатининг сир-асрорлари сифатида талқин қилса, бошқалари уни тор материалистик, яна бирлари тор идеалистик талқин қиладилар. Маънавиятга фрейдистик ва умуман руҳий таҳлил ёки вульгар социал-дарвинизм, формал структуравий, позитивистик, семиотик нуқтаи назардан ёндашувлар учрайди. Уларнинг ҳар бирида ўзига хос кузатувлар, баъзан оригинал фикрлар учраса-да, умуман олганда, уларнинг назарий ва амалий самараси паст. Фрейдистик ва вульгар социал-дарвинистик ёндашувлар эса ноилмий ва амалий жиҳатдан зарарлидир.

Кейинги йилларда маънавий ҳаётга оммавий маданият таъсирида кўнгилочар индустрия сифатида қараш, анъанавий ахлоқий кадриятларнинг талай қисмини, жумладан, оила институтини инкор қилиш, сохта «кадриятлар»ни тарғиб этиш қабилар кузатилмоқда. Бундай уринишлар «инсон ҳуқуқлари», «сўз ва ахборот эркинлиги», «толерантлик», «гендер тенглиги» ва кўплаб бошқа ғояларни бирёқлама, ғаразли талқин қилиш орқали асосланмоқда. Буларга ҳолис илмий баҳо бериш учун, биринчидан, маънавиятни ўрганувчи фанларни, иккинчидан, маънавиятнинг илмий методологияси фанини ривожлантириш зарур. Аҳоли, айниқса, ёшлар бунёдкор ғояларни бузғунчи ғоялардан ажратишни, кўраётган, ўқиётган, тинглаётган ахборотни ҳолис таҳлил қила олишни билишлари керак.

Аҳолининг, ёшларнинг қизиқишларини ҳисобга олиб бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, ОАВ, айниқса, телевидение, нашриётлар тематик режалари ва ҳордик чиқариш, дам олишни таъминловчи маданият муассасалари, турли хил кўнгилочар томошаларнинг, электрон ўйинларнинг мазмунини, тарбиявий таъсирини кўта-

риш жамиятнинг умумий маънавий-маданий савияси, соғлом маънавий эҳтиёжлари ўсишига боғлиқ. Илм-фан, таълим-тарбия, адабиёт ва санъат, маданият ва спорт, соғлиқни сақлаш, ОАВ ва маънавият билан боғлиқ бошқа ижтимоий соҳаларда давлатдан илмий асосланган сиёсат олиб бориш талаб этилади. Илмий асосланган сиёсат эса фақат методология негизидагина ишлаб чиқилади, вужудга келади. Уни амалга ошириш яна ижрочиларнинг методологияга таянишини тақозо этади. Чунки ҳар қандай пухта тузилган дастурларни ва давлат сиёсатини жойлардаги ижрочилар ҳис-ҳаёжонга берилиб бирёқлама нотўғри тушунишлари, талкин қилишлари, сохталаштиришлари мумкин. Бежиз ўзбекларда «Қош қўяман деб, кўз чиқарди» деган мақол бор эмас. Демак, методология, оқибат натижада, жамият тараққиётининг давлат сиёсати билан боғлиқ жиҳатларига ҳам таъсир кўрсатади.

Инсоннинг маънавий онги, инсоний фазилатлари ва камчиликлари дастлаб оилада шаклланади. Бу жараён ҳеч қачон тўхтаб қолмайди. У боғча, мактаб, таълим-тарбия муассасаларида, меҳнат жамоасида, маҳаллада ўз тенгқурлари ва катталар билан бўлган мулоқотлари ва алоқаларида давом этади. Инсон маънавияти шаклланишига жамиятнинг кўплаб институтлари, бугунги кунда аввало ОАВ, кўнгилочар маданият муассасалари кучли таъсир кўрсатади. Бу таъсирлар зиддиятларга тўла. Айниқса, субмуҳит таъсири доимо ҳам ижобий бўлавермайди. Баъзан у ҳатто ўта салбий кўриниш олиши мумкин. Салбий таъсирларни имкон қадар камайтириш, ижобий таъсирлар самарасини кучайтириш учун яна маънавиятни ҳар томонлама турли фанлар ёрдамида ўрганиш ва бу билан боғлиқ илмий-методологик масалаларни назардан қочирмаслик керак.

«Маънавиятнинг илмий методологияси» фани тарих, этика, эстетика, сиёсатшунослик, социология, ижтимоий психология, педагогика, санъатшунослик, маданиятшунослик ва бошқа кўплаб ижтимоий-гуманитар фанлар билан боғланган. Философиянинг билиш назарияси, ижтимоий философия, муайян масалаларда этика, эстетика фанлари маънавиятнинг илмий методологияси фани учун назарий асос, йўл кўрсатувчи, ижтимоий мўлжал

берувчи фанлардир. Ўз навбатида маънавиятнинг илмий методологияси фани маънавият асослари, маънавият назарияси ва тарихи, тарих, сиёсатшунослик, социология, адабиётшунослик, маданиятшунослик, психология, педагогика ва бошқа хусусий ижтимоий-гуманитар фанлар учун маънавият масалалари бўйича умумий назария вази фасини бажаради. У мазкур фанларнинг далилларига, материалларига, ғоялари ва хулосаларига таянади, улардан фойдаланади, ўз предмети доирасида уларни бирлаштиради, умумлаштиради ва ўз назарий концепцияларини, баҳолаш, ижтимоий ва илмий мўлжал кўрсатиш тизимини ишлаб чиқади. Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат ва демократик очиқ фуқаролик жамиятини мустахкамлаш, аҳолининг ижтимоий фаоллигини ошириш, давлат идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, баркамол авлодни вояга етказиш маънавий тарбияни кучайтиришни, бинобарин, маънавият методологиясини ривожлантиришни тақозо этади.

## **2. МАЪНАВИЯТГА ИЛМИЙ ЁНДАШУВ ВА ТАМОЙИЛЛАР МОҲИЯТИ**

Маънавиятга ёндашувлар фикр юритаётган кишининг, тадқиқ этаётган олимнинг эътиқоди, дунёқараши, илмий ва ижтимоий-сиёсий позицияси, илмий мактаби анъаналарига мувофиқ ҳар хил бўлади. Энг аввало, маънавиятга дунёвий ва диний нуқтаи назардан ёндашишни фарқлаш мумкин. Дунёвий ёндашув маънавиятнинг келиб чиқишини, мазмун-моҳиятини, ижтимоий вази фаларини ғайритабиий ва ғайриижтимоий кучлар, илоҳий омиллар ва илоҳий мақсад билан боғламайди. Диний ёндашувлар эса, аксинча, боғлайди. Диний ёндашувга биноан, эзгулик, бурч, виждон, нафс, ҳирс, диёнат, гўзаллик, адолат ёки тубанлик, разиллик, золимлик ва ҳ.к. келиб чиқишига кўра ғайритабиий кучларнинг инсонга таъсири, тўғри ёки хато йўл кўрсатиши, ундаши натижасидир. Исломда барча ижобий туйғулар, интилишлар, эзгуликлар Оллоҳдан, унинг кўрсатмаларидан, барча салбийлари эса шайтондан.

Дунёвий ёндашувларни илмий ва ноилмий ёндашувларга бўлишимиз мумкин. Илмий ёндашувлар объектив,

аниқ далилларга таянади, изчил тарихийлик ва мантикийлик, бус-бутунлик ва қисм муштарақлиги, тизимийлик, мавҳумликдан аниқликка кўтарилиш тамойилларидан, турли илмий таҳлил ва умумлаштириш усулларидан фойдаланади. Маънавий ҳодисаларнинг сабабларини, ҳаракатлантирувчи кучларини топишга ҳаракат қилади. Холислик, объективлик илмий ёндашувнинг биринчи шартидир. Ижтимоий детерминизм (сабаб-оқибат алоқадорлиги), ворисийлик, анъанавийлик ва янгила ниш, миллийлик ва умуминсонийлик нуқтаи назардан уларни ўрганиш, ҳар хил асоссиз уйдирмаларга, фантастик тасаввурларга, айниқса, эҳтиросларга ва бошқа номантикий, нооқилона омилларга берилмаслик илмий ёндашувнинг асосий белгисидир. Илмий ёндашув ўрнаётган жараёндаги ноаниқ, номаълум жиҳатларни ҳеч қачон ғайритабiiй сабабларга йўймайди. Балки уларни илмий муаммо сифатида эътироф этади ва чуқурроқ тадқиқ этишга, асл сабабларини аниқлашга эътиборини қаратади. У турли илмий фаразларни олға суриши мумкин, лекин номантикий фантастик уйдирмаларни эмас. Илмий фаразлар ҳеч қачон мантиққа зид келмайди. Улар ҳали аниқланмаган, кашф этилмаган объектив алоқалар, қонуниятлар тўғрисидаги мантикий тахминлардир.

Илмий ёндашув фалсафий-эътиқодий жиҳатдан материалистик ёки идеалистик бўлиши мумкин. Материалистик ёндашув маънавийтни ижтимоий ҳодиса, инсон эҳтиёжлари, ижтимоий муносабатларни англаб олиш ва уларни тартибга солиш заруратининг маҳсули, моддий-иқтисодий базис устида пайдо бўлган мафкуравий қурилма (Маркс), деб ҳисоблайди. Идеалистик ёндашув эса ғоя бутун борлиқнинг, табиатнинг, жамиятнинг, инсоннинг, маънавийтнинг бирламчи асоси, яратувчиси деб ҳисоблайди. Идеалистик ёндашувга биноан, ижтимоий борлиқ ижтимоий онгни эмас, аксинча, ижтимоий онгнинг асосий барқарор тушунчалари, меъёрлари, қадриятлари жамият ҳаётини, одамлар муносабатларини, фаолияти ва интилишларини – ижтимоий борлиқни белгилайди. Инсоният қўлга киритган барча ютуқлар, кашфиётлар, воқеалар, курашлар, умуман, кишилик жамияти тарихи асосида турли ғоялар, уларнинг амалга ошири-

лиши, ғоялар ўртасидаги зиддиятлар ва курашлар ётади. Қисқа қилиб айтганда, инсоният тарихи – бу ғоялар тарихидир. Кўриниб турибдики, идеалистик ёндашув инсон ақл-заковати ярагувчилигини жамият ривожланишининг асоси, деб билдики, бу онтологик жиҳатдан баҳсли бўлса-да, функционал жиҳатдан тўғри ва илмийдир. Лекин идеалистик ёндашув инсон онги, ақли, ғоялари трансцендент ҳодиса, яъни туғма, жамиятдан ва инсоннинг ўзидан ташқаридаги ҳодиса (Кант) ёки Мутлақ Ғоянинг, Мутлақ Рухнинг инсонда синтезлашув (Ҳегел) ҳодисаси, деб ҳисоблайди. Буни эса мантиқан исботлаб бўлмайди. Материалистик ёндашувлар диалектик ёки метафизик кўринишларга эга. Улардан ташқари яна вульгар-материалистик бўлиши мумкин, аммо у ноилмийдир. Вульгар материалистик ёндашувларга социал-дарвинизмни мисол қилиб келтириш мумкин. Социал дарвинизм биологик қонунларни, хусусан, яшаш учун турлараро ва турлар ичидаги курашни жамиятга, жамият ҳаётига, шу жумладан, маънавий ҳаётга нисбатан қўллаш натижасида вужудга келган. Бугун нозик шаклларда мавжуд бўлган «цивилизациялараро тўқнашув» концепцияси, моҳиятига кўра, социал-дарвинизмга тааллуқли.

Дунёвий ноилмий ёндашувлар ранг-баранг ва чигал шаклларда учрайди. Улар кўпроқ кундалик онг, ҳаётий тажриба, турмушнинг ҳар хил муаммоларига дуч келган кишиларда уларнинг сабаб-оқибат боғлиқликларини, алоқаларини нотўғри тушуниш ёки ҳис-ҳаяжони, туйғулари босимида ҳосил бўлган бирёқлама муносабати натижаси бўлиши мумкин. Ноилмий ёндашувлар баъзи тадқиқотчиларнинг маънавиятга бирёқлама ёндашуви, ҳодисанинг бирор жиҳатини мутлақлаштириши оқибатида ҳам вужудга келади.

Ҳис-ҳаяжонлар, бирёқламалик, нарса ва ҳодисаларни мутлақлаштириш, турли хил тасодифларга, ҳаёлий алоқадорликларга ишониш маънавий ҳодисаларга, жамият ва инсонга нисбатан ноилоҳий, аммо иррационал қарашларни, муносабатларни келтириб чиқаради. Масалан, ҳар хил ирим-сиримларга, белгиларга, рақамларга ишониш бунга мисолдир. Ўтмишда одамлар кометалар (халқ тилида думли юлдузлар) ҳар хил табиий офатлар-



га, эпидемияларга сабаб бўлади, деб қаттиқ ишонганлар, ҳозир ҳам бундай кишилар йўқ эмас. Бошқа мисол: сайёраларнинг бир бирига нисбатан эгаллаган жойи, бурчаги ва ш.к. лар туғилаётган боланинг тақдирига, одамларнинг кундалик ҳаётига таъсир кўрсатишига ишонадиган одамлар кўп. Мунажжимларнинг башоратлари, тузган гороскопларини чоп этадиган газета ва журналларнинг, телеканалларнинг эса сон-санови йўқ.

Буюк кишиларнинг шахсига сиғиниш, даҳо ижодкорлар шахсини ва қолдирган меросини идеаллаштириш ёки ўтмишга, ўтмиш маданияти ва урф-одатларига нотанқидий, мутлақлаштириш нуқтаи назардан баҳо бериш ҳам моҳиятан иррационалдир.

Маънавиятга гуманизм (инсонпарварлик) ва демократия ёки уларнинг муқобиллари – авторитаризм ва тоталитаризм ғояларига таянадиган муносабатлар кузатилади. Маънавиятнинг вазифаси инсоннинг соғлом эҳтиёжларини қондириш, унинг қобилиятлари ва истезоддини ўстириш, камол топишига, эркин ва масъулиятли шахс бўлиб етишишига, ўз имкониятларини юзага чиқаришига, ташаббускор бўлишига хизмат қилишдир, деб тушунилса, маънавият, маънавий ҳаёт инсонпарвар ва демократик тус олади.

Маънавиятнинг вазифаси давлат манфаатларига инсон манфаатларини бўйсундириш, ҳукмрон мафқурани ўрнатиш, одамларнинг турмуш тарзини, ўй-фикрларини бир қолипга солиш, бошқача фикрлайдиганларни «қайта тарбиялаш», жамият аъзолари устидан ёппасига назорат ўрнатишни асослаш деб тушунилса ва мамлакатда шундай муҳит яратилса, маънавият авторитар, тоталитар ва ногуманистик мазмун касб этади. Адабиёт ва санъат, гуманитар ва ижтимоий фанлар оддий тарғибот-ташвиқот воситасига айланиб қолади, маънавий ҳаёт ва ижтимоий фикр ўта мафқуралашади. Холислик, эркинлик, ижодкорлик қаттиқ босим остида қолади.

Маънавият доимий ривожланувчи, жонли жараён бўлгани учун унга диалектик ёндашиш зарур. Диалектика тараққиёт, ўзгариш, ҳаракатланиш, бир сифатдан иккинчи сифатга ўтиш, тараққиёт жараёнининг ички зиддиятлари, манбалари, ташки таъсирлари ва алоқалари

тўғрисидаги фандир (аниқроғи фалсафанинг илмий усули ва мантиғидир). У нафақат метафизикага, шунингдек, ҳар қандай догматизмга, ўзгармас бирор ғоя, идеал ва таълимотни ҳақиқат деб ҳисоблашга қатъиян қарши усулдир. Фанда догматизм атамаси мавжудки, у илм-фан ва ижтимоий ҳаётда баъзи кишиларнинг бирор эскирган ёки хато ғояга қаттиқ ёпишиб олишини, замон ўзгаришлари ва талабларини яхши ҳис қилмаслигини, қарашларини замон талабларига мослаштира олмаслигини билдиради.

Маънавиятнинг мураккаб соҳаларида, ижтимоий онг шакллари – фалсафа, дин, илм-фан, адабиёт ва санъатда у ёки бу ғоянинг, меъёрнинг, асарнинг, таълимотнинг тўғри баҳоси, кадр-қиммати ўз-ўзидан юзага чиқиб қолмайди. Шу сабабдан баъзи кишиларда уларга нисбатан нотанқидий муносабат, қуллук қилиш, уларнинг тўғрилигига қаттиқ ишониш вужудга келади. Айни муносабат догматик ёндашувдир. Билиш жараёни учун соғлом шубҳа – скепсис ва танқидий муносабат, баҳс-мунозара жуда зарур. Бу, айниқса, маънавият каби мураккаб тўзилмалар ижтимоий ҳодисаларни ўрганишда зарур.

XX асрнинг иккинчи ярмидан технократик қарашлар олдинги ўринларга чиқа бошлади. Чунки бу даврга келиб илмий-техника тараққиёти янги сифат босқичига кўтарилди. Ишлаб чиқариш менежменти вужудга келди. Атом энергияси ўзлаштирилди, ахборот технологиялари кенг тарқала бошлади, космик кемалар, космик телеалоқа йўлдошлари, рақамли телеалоқа ва ҳатто дастурлаштирилган дастгоҳлар, машина ва асбоб-ускуналар, биотехнологиялар ва генлар инженерияси пайдо бўлди. Натижада, инсоният олдида турган ҳар қандай муаммони менежерлар ва фан-техника ҳал қила олади, деган ишонч мустаҳкамланади.

Технократия – техника ва бошқарув сўзларидан ташкил топган, у юксак технологиялар, машиналар ривожланган шароитда жамиятни сиёсатчилар, юристлар эмас, балки мутахассислар, технократлар турли хил дастурлар, кўрсаткичлар асосида бошқариши лозим, деб ҳисоблайди.

Технократик қарашлар айрим масалалар бўйича жамият ҳаётининг деярли барча йўналишларида аста-секин

дастуриламалга айлана бошлади. Технологиялар ҳамма соҳа – давлат бошқарувидан тортиб ўқитиш тизимигача, киноасарлари яратишдан (компьютер графикаси ёрдамида), сахналарда, шаҳар майдонларида ва биноларида махсус эффектлар яратишгача кириб келди.

Хатто ҳар хил сиёсий технологиялар пайдо бўлди. Улар сайловларда муайян номзод ёки партиянинг ғолиб келишини таъминлашдан тортиб, Ғарбга нисбатан номаъқул сиёсат юритаётган баъзи бир давлат раҳбарларини ағдариб ташлаш, «рангли инқилоб» уюштиришгача бўлган кенг спектрни ўз ичига олади. Технократик қарашлар ва ёндашувларнинг, албатта, ижобий жиҳатлари бор. Масалан, электрон ҳукумат ва парламентлар, ҳар хил ҳисоботлар, тўловлар, алоқалар ва ш.к. софтвер соҳасига оид ютуқлар одамларга катта қулайликлар туғдириши баробарида ҳукумат, парламент, маҳаллий ҳокимият фаолиятидан тўлароқ хабардор бўлиш (чунки улар ўз сайтларида қабул қилаётган ҳужжатлари, қарорларини жойлаштиради), демократияни мустаҳкамлаш, бинобарин, давлат идораси фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш имконини яратади.

Лекин технократик қарашлар, умуман олганда, жамият ва инсонга, маънавий ҳаётга бирёқлама ёндашувдир. У, биринчи навбатда, инсоннинг кўнгил дунёсини, туйғулари, кечинмалари, эҳтиросларини, орзу-ҳавасларини инкор қилади ёки уларга иккинчи даражали ҳодиса, инсоннинг заифлиги, деб қарайди. Устуворлик ақлга, билимга, аниқ ва реал ҳисоб-китоб асосида пухта ишлаб чиқилган режага (орзу-ҳавасга эмас) берилади. Технократик қарашлар ўз баҳоларида мақсадга мувофиқлик тамойилига таянади. Технократик қарашларга биноан, маданият маҳсулотлари, адабиёт ва санъат асарлари фақат одамларнинг маълум ахборотга нисбатан эҳтиёжини қондиради, овутади, дам олдиради, бўш вақтини тўлдиради, руҳий ва жисмоний чарчоғини чиқариб, организмнинг функцияларини тиклайди. Шу сабабли улар керакли ва фойдали. Лекин улар жамиятнинг бирорта жиддий муаммосини ечиб беролмайди. Демак, иккиламчи аҳамиятга эга. Технократик қарашлар, аён бўлмоқдаки, адабиёт ва санъат инсон руҳияти ва кўнгил дунёсининг парвози, кашфиёти ва яра-

тувчилиги, нозик туйғулари, қудратли эҳтирослари эканлигини яхши тушунмайди. Инсон инсоний туйғуларсиз – уят, хаё, виждон амри, виждон азоби, бурч, адолат, гўзаллик, меҳр-оқибат, муҳаббат, ҳамдардлик, ҳайрихоҳлик ва ш.к. туйғуларсиз ҳайвондан фарқ қилмас эди. Ота-боларимиз тўғри таъкидлаганларидек: «Ишксиз – эшак, дардсиз – кесак».

Технократик қарашлар устунлик қилиб, анъанавий қадриятлар – оилавий қадриятлар, қариндошлик, дўстлик, ўртоқлик, аксарият ахлоқий, эстетик қадриятлар инкор қилинмоқда.

Технократик қарашлар оммавий маданиятнинг тез тарқалишига, юксак маданият деформацияга учрашига, инсон тобора машинанинг, компьютернинг бир бўлагига айланиб боришига, жамиятда, одамлар ўртасида бегоналашиш кучайишига замин яратмоқда.

Албатта, жамият илм-фан ютуқларидан тўла фойдаланиши, улар ёрдамида кўплаб ишлаб чиқариш, иқтисодий, озиқ-овқат таъминоти, экологик, саломатлик, ахборот олиш, телекоммуникацион ва минглаб бошқа муаммоларни ҳал қилиши зарур. Лекин, айти пайтда, инсон ҳаёти фақат табиий-моддий, биологик ёки ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳарбий эҳтиёжларни қондиришдан иборат эмас. Инсоннинг бу соҳалардан мустақил руҳий-маънавий, хиссий ва интеллектуал эҳтиёжлари бор. Баъзан уларни аниқ ифодалашнинг ўзи қийин. Ақл бу ерда иш бермайди. Қахрамон, бурчини бажариш учун, била туриб, ўлимга тик боради. Унинг қарори мақсадга мувофиқликка қарама-қарши. Фидойи зот ўз ғояси учун онгли равишда тинч-осойишта ва тўқ ҳаёт кечиришдан воз кечади. Теварак атрофдагиларнинг кулгусига қолади ёки улар билан ихтилофга, қарама-қаршилиқка боради. Оч-яланғоч, қийин ҳаёт кечиради, мақсадига ё етади, ё етолмай беиз дунёдан ўтиб кетади. Агар шундай зотлар, қахрамонлар бўлмаса, жамият ривожланмас, инсон юксалмас эди. Бинобарин, технократик ёндашувга инсонпарварлик етишмайди. Улар гуманистик қарашлар билан бойитилиши, эзгулик ва гўзаллик билан чамбарчас боғланиши лозим.

Икки оғиз сўз прагматик ёндашув ҳақида. Прагматизм амалий ижобий натижага эришишга қаратилган хатти-

ҳаракатларни оқловчи ва асословчи фалсафий оқимдир. У ғоя ва тушунчалар, эътиқоднинг амалий аҳамиятини, ижобийлигини, ҳаётда кераклигини, фойдалилигини аниқлайди. У билиш жараёнида тажриба, эксперимент ўтказишга катта аҳамият беради. Прагматизмнинг аҳамияти давлат сиёсати ва халқаро алоқаларда анча баланд. Давлат турли мафкуравий, эътиқодий ғоялар, мезонларга мувофиқ эмас, балки объектив заруратдан, ўз халқининг манфаатлари йўлида амалий ижобий натижага эришиш заруратидан келиб чиқиб сиёсат юритиши зарур. Иқтисод мафкурадан холи бўлмоғи лозим.

Прагматизм сиёсатда, амалиётда, маданий алоқаларда зарур ҳолларда ўзаро келишиш, бир бирига ён босиш, муросага бориш ва ҳамма учун фойдали натижага эришишга қаратилган. Лекин прагматизм принципсизликни, бебурдликни, вазиятга қараб хамелеон (букаламун)дек ўзгаришни билдирмайди. У муросагўйлик тарафдори, аммо бебурдлик тарафдори эмас. Индивидуал даражада прагматизм инсоннинг ақли расо, пухта режа тузаётганда иложи борича барча жиҳатларни ҳисобга олишида, ҳавойи, амалга ошмас ишларга эмас, кучи етадиган реал ишларга кўл уришини билдиради. Дарвоқе, атаманинг ўзаги, «прагмас» юнонча иш деган маънони англатади.

Маънавиятга прагматик ёндашув деганда, биз, аввало, унга ҳар хил мафкуравий қолип ва андозалар, синфийлик, партиявийлик, даҳрийлик ёки диний ва диний-мистик, эзотерик бирёқламаликсиз холис ёндашишни, оқибат натижада маънавият ривожланиши учун керакли илмий-назарий ёки илмий-амалий ёхуд ижтимоий-сиёсий, ташкилотчилик хулосасига келиб қарор қабул қилишни назарда тутамиз.

Прагматизм масалага идеалда қандай бўлиши лозим, деган тушунчадан эмас, амалда қандай имконга эгамиз, деган тушунчадан келиб чиқиб ёндашади. У зарурат ва имкониятни бирдек ҳисобга олишга интилади. Ҳавойи романтизмга берилмайди.

Ҳукмрон мафкура ўрнатилмаслиги, қарашлар ва фикрлар хилма-хиллиги, тафаккур ва эътиқод эркинлиги, маънавиятни ривожлантиришда миллий ва умуминсоний кадриятларни уйғунлаштириш каби тамойилларга

риоя қилиш дунёқараш ва маънавиятга, кенгрок олсак, маънавий ҳаётга прагматик ёндашувдир. Маънавиятга умумий прагматик ёндашувдан ташқари, унинг алоҳида соҳаларини ривожлантиришга нисбатан ҳам мазкур усул қўлланилади. Чунки ҳар бир соҳанинг ўзига хос хусусиятлари бор. Масалан, илм-фан ривожланишига, аввало, давлатнинг ва йирик акционерлик жамиятлари, холдингларнинг муайян мавзуларни махсус тадқиқ этиш бўйича берган буюртмалари, дастурлари, ажратган маблағлари, грантлари улкан ижобий таъсир кўрсатади. Аммо адабиёт ва санъат моддий базасини ривожлантириш, ижодкорларни моддий қўллаб-қувватлаш катта аҳамият касб этса-да, фалон мавзуда фалон мазмунда асар яратишни талаб қилиш адабиёт ва санъатга фақат зарар келтиради. Илм-фанга буюртма бериб, қўллаб-қувватлаш уни ривожлантиришга прагматик ёндашув ҳисобланса, адабиёт ва санъатга буюртма бериш (архитектура ва дизайндан ташқари), шаклан прагматик ёндашув бўлса-да, мазмунан унга зиддир.

Прагматик ёндашув соҳанинг мазмун-моҳиятига путур етказса, у ҳақиқий ҳисобланиши мумкин эмас. Совет даврида ватанпарварлик, қаҳрамонлик, фуқаровий бурч талқини анча бирёқлама эди. Улар одамларнинг шахсий ва оилавий манфаатларидан гўёки кўпчиликнинг, жамиятнинг манфаатларини, аслида эса давлат манфаатларини устун қўйишга, фидойиликни, ўзининг манфаатларини давлат манфаатларига қурбон қилишни одамлар онгига сингдиришга қаратилди. Инсон қадр-қиммати фақат тузумга содиқлик билан ўлчанди. Тузум камчиликларини, ҳаётдаги етишмовчиликларни танқид қилган киши, ким бўлишидан қатъи назар, жазоланди. Натижада аста-секин одамлар коммунистик ахлоқ меъёрларига ишончини йўқота бошлади. Чунки, шоир топиб айтганидек:

*Дунёда одамзод яшамас ахир,  
Фақат иродасин синамоқ учун*

*(А. Орипов)*

Диалектика қонунига биноан, меъёр бузилса, ҳар қандай жараён, ҳолат, нарса ўзининг тескарисига айланади. Шахс ва жамият, фуқаро ва давлат манфаатлари бирдек

ҳисобга олинса, имкони борича уйғунлаштирилса, қарама-қарши қўйилмасагина, масалага прагматик ёндашув таъминланади. Демак, прагматик ёндашув меъёрга амал қилиб, зарурат талабидан четга чиқмасдан иш тутишдир.

Прагматизмни утилитаризм, меркантилизмдан фарқлаш керак. Маънавият соҳасида улар фойдадан кўра, кўпроқ зарар келтиради, чунки ҳамма нарсани оқибат иқтисодий ёки бошқа бир амалий фойда билан алмаштиради. Масалан, чайқовчилик (меркантилизм кўринишидан бири) иқтисодда, савдода фойда келтиради, ammo маънавиятга зарар келтиради. «Сиздан угина, биздан бугина» деган тамойил, меъёр ахлоқий утилитаризм ва меркантилизмга мисолдир. Аслида бу таъмагирлик ёки ғаразли мақсадда ўзаро келишиш деб аталади.

Синергетик ёндашув тўғрисида қисман гапирилган эди. Уни батафсилроқ баён қиламиз. Синергетика тадрижий ривожланишга (эволюцияга) кўпроқ урғу беради, уни борлиқнинг умумий, универсал қонуни ҳисоблайди. Тадриж (эволюция) одамлар ўртасидаги муносабатларда инсон ва жамият, инсон ва табиат ёки жамият ва табиат ўртасидаги бирликда, муштарақликда, ўзаро таъсирда намоён бўлади.

Синергетика тараққиёт жараёнида барқарорлик ва беқарорлик, мувозанат ва мувозанатсизлик, тартиблилик ва тартибсизлик, ўзаро боғлиқлилик ва боғлиқсизлик ва ҳ.к. ўртасидаги диалектик муносабатлардан келиб чиқиб, ўз объектини тадқиқ этади. Масалан, инсон дунёқараши, бир томондан, барқарор, оилада, мактабда, ўқишда, ишда, одамлар билан бўладиган турли-туман алоқалар жараёнида ўзлаштирилган тушунчалар, баҳолар, қарашлар ва қадриятлар тизимидан ташкил топади. Улар анча собит ва барқарор. Иккинчи томондан, у янги ғояларни, билимларни ўзлаштириши, жамиятда ва табиатда содир бўлаётган ҳодисаларни, янги муаммоларни англаб бориши жараёнида қисман ёки кескин ўзгаради. Бозор иқтисодиётига ўтиш халқимизнинг мулкка, савдо-сотикқа, тадбиркорликка муносабатини сезиларли даражада ўзгартирди. Экологик хавф-хатар ва муаммоларни чуқурроқ англаш бу борадаги қарашларимизни анча конкретлаштирди ва инсонпарварлаштирди. Ёки ҳар хил сиёсий ва диний-экс-

тремистик ҳаракатлар пайдо бўлиши диннинг моҳиятини, вазифаларини, эътиқод эркинлигини, инсон масъуллигини жамиятни барқарор ривожлантириш зарурати билан боғлаб тушунишга олиб келмоқда. Илгари дунёқараш тушунчаси инсоннинг (жамиятнинг) борлиқ ҳақидаги барча барқарор, собит ва энг муҳим қарашлари тизими сифатида таърифланар эди. Бундай таъриф умуман олганда тўғри, аммо анча умумий ва мавҳумдир. Синергетика туфайли дунёқараш барқарорлик ва беқарорлик, қатъий ишонч ва иккиланишлар чамбарчасланиб кетган зиддиятли ҳодиса эканлигига кўпроқ эътибор қаратиш зарурлиги аёнлашди. Агар шундай қилинмаса, маънавий тарбия самарадорлиги кўнгилдагидек бўлмайди. Синергетик ёндашувда бу борада илмий усулнинг мавҳумликдан конкретликка кўтарилиши яна бир бор юзага чиқмоқда.

Адабиёт ва санъатда синергетика қўллайдиган таъмоиллар объективлик ва субъективлик бирлигини, уларнинг бир бирига таъсир механизмни ҳар томонлама таҳлил қилишда, асарнинг объектив мазмунини, образлар тизимини, айниқса, қаҳрамон характери ва ҳаракатидаги зиддиятларни, муаллиф нияти ва ўқувчининг уларни қай даражада ва қандай идрок этиши ўртасидаги муносабатларни тадқиқ этишда қўл келади. Анъанавий адабиётшунослик ва санъатшунослик асар мазмунини, ғоясини, бадиий усули ва воситаларини, образлар тизимини, бу борадаги ютуқ ва камчиликларни батафсил таҳлил қилар эди. Аммо муаллиф ва асар, асар ва ўқувчи муносабатлари, муаллифнинг, жамиятнинг, ўқувчининг бадиий тафаккуридаги беқарорлик таъсири етарлича таҳлил этилмас эди. Асар қаҳрамони ва умуман бадиий жараён кўпроқ барқарор табиий-тарихий ривожланиш ва ижтимоий детерминизм асосида талқин қилинар эди. Асар қаҳрамонининг ўй-фикрлари, кечинмалари, ижобий ёки салбий хатти-ҳаракати, характери, ҳаётий позицияси ижтимоий ва психологик жиҳатдан далилланар, асосланар эди. Имкон даражасида иррационал, тушунарсиз ҳолатлардан қочишга ҳаракат қилинарди. Синергетик ёндашув асарни ва бадиий жараённи ўрганишни анча чуқурлаштирди. Индетерминистик ва онгости омиллари таъсирини эътироф этди.



Синергетика эволюцияга беқарорлик барқарорликдан кам таъсир кўрсатмаслигини, мураккаблашув тизимнинг мохиятидан кўра, унинг беқарор, тасодифий алоқалари ва бошқа хаотик жараёнларга кўпроқ боғлиқлигини очиб берди.

Маънавиятга боглаб ушбу қонуниятни шарҳлаш учун иккита мисол келтирамиз. Масалан, 3–4 нафар ўсмир бола бир киоска (дўконча)даги молларни шўхлик қилиб ўғирлади. Бу уларнинг муҳтожлиги ёки оилада, мактабда нотўғри тарбия олгани, ўғирликка мойиллиги борлиги туфайли юз бермаган бўлиши мумкин. Ўсмирларнинг ўғирлик қилишига ижтимоий сабаб бўлмаган: ҳаммаси яхши оиладан, ўзларига тўқ, ўқишлари ҳам, хулқ-атвори ҳам шу пайтгача жойида бўлган. Улардан бири ҳазил тарикасида дўкончанинг эшигини бузишни, ундан арзимаган нарсани олишни тасодифан таклиф этган, ким кўркса, кўшилмасин деган. Жўралари «кўрқок» деган ном олмаслик учун розилик билдирган. Таклиф қилган бола «мен ҳазиллашдим» дея олмаган. Чунки бундай десам, ўзим кўрқокқа чиқаман, деган хаёлга борган. Натижада, жиноят содир этилган. Тасодифий психологик ҳолат, кайфиятдаги беқарорлик болалар маънавиятини ўша дамда, қисқа муддатга емириб юборган. Энди иккинчи – ижобий мисолни келтирамиз: ижодкор шахс тасодифан бир воқеани кўриб қолиб ундан таъсирланади ва асар яратади. Асар ушбу воқеага бағишланмаган, илгаридан муаллиф уни миясида пишириб юрган ёки, аксинча, янги бир усул, воситалар устида ўйлаб юрган-у, аммо ечимини шу пайтгача тополмаган. Тасодифан гувоҳ бўлган ҳаётий, маиший, бадийликдан узоқ воқеа янги бадий услубни топишга туртки бериб юборган. И. Ньютоннинг бошига олма гўёки тушиши, гравитация қонунини, Д. Менделеевнинг тушига карта пасьянси кириши кимёвий элементлар даврий тизими кашф этилишига сабаб бўлгани тасодифлар заруриятларнинг юзага чиқиши, англаб олиниш шакли эканига мисолдир.

Тасвирий санъатда XX аср модернистик оқимларига француз рассоми Анри Матисс кучли таъсир кўрсатган. Унинг ўзи эса аср бошида ўтказилган бир кўргазмада Бехзод миниатюралари билан танишиб қолиб, излаб юр-

ган услубни кўргандай бўлган ва классик тамойилларнинг айримларидан, хусусан, перспектива, яримтон ва ш.к. лардан воз кечиб, ўз услубини яратган. У Бехзод усулини кўчирган эмас. Аммо айнан Бехзод услуби унга янги услуб яратишга ёрдам берган. Ўз навбатида Матисс услуби турли модернистик оқимларнинг янги услублари пайдо бўлишига таъсир кўрсатган. Классик барқарор услуб кўплаб модернистик беқарор услублар билан алмашган.

Синергетика воқеа-ҳодисаларни, жумладан, ижтимоий ҳодиса ўлароқ маънавиятни ўрганишда илм-фан ҳамма нарсани аниқ ва атрофлича тушунтириб беролмаслигини, бу гайритабиий ва илоҳий омиллар мавжудлиги билан эмас, балки илм-фаннинг ўз замонаси даражаси билан боғлиқлигини яна бир бор кўрсатди. Айни пайтда синергетика илмий билиш жараёнини янги усул ва тамойиллар билан бойитди.

Позитивизм мумтоз фалсафа муаммоларидан ва усулларидан воз кечишни ёқлаб чиқди. Чунки худонинг борлиги ёки йўқлигини исбот қилиб бўлмаганидек, мумтоз фалсафа олға сураётган ғоялар ва муҳокама қилаётган кўплаб муаммоларни илмий жиҳатдан исботлаш ёки инкор қилиш имкони йўқ. Бехуда сафсатабозлик қилиш ўрнига, позитивизм одамларга ижобий (позитив) фойда келтирадиган муаммолар билан шуғулланиш лозим, деган ғояни олға сурди. Фақат амалий ижобий натижа берадиган илмий усуллар орқали олинган билимлар позитивистлар назарида ҳақиқий билимлар ҳисобланади. Исботланмайдиган, фойда бермайдиган фалсафий мулоҳазалар эса ҳақиқий эмас ёки пуч билимлардир. Позитивизм фалсафадан дунёқараш ва эътиқод билан боғлиқ муаммоларни олиб ташлашга ҳаракат қилди. У фақат мантиқ ва математик усуллар ёрдамида исботланиши мумкин бўлган ёки шундай формал усулларга зид келмайдиган ҳодисаларни, билимларни, исботларни тан олади. Динга, эътиқодга, мафкурага, инсоннинг психологик дунёсига, онг ҳодисаларига оид мулоҳазаларни ё инкор қилади, объектив билим ва қадрият сифатида тан олмайди ё уларни жўнлаштириб, ўзига хос рамз, белги даражасига туширади. Позитивистик усуллар лингвистика (тилшунослик) ва семиотикада анча тарқалган. Айнан улар

ва қисман этнокультурологик формал таҳлиллар орқали маънавиятга позитивистик ёрдашувлар амалга оширилади. Улар асосан мантиқий – формал характерга эга. Аммо маънавиятнинг баъзи соҳаларини ва масалаларини, айтишлик, этник маданиятни ўрганишда анча самаралидир.

Инсон ва жамиятга, бинобарин, маънавиятга экзистенциалистик ёндашишлар ҳам анча кенг тарқалган. Экзистенциализм яхлит таълимот эмас. Унда М. Хайдеггер, К. Ясперс, Ж-П, Сартр номлари билан боғлиқ ҳамда айрим миллий мактаблар билан боғлиқ йўналишлар эътироф этилади. Лекин барча экзистенциалистик таълимотлар учун инсон мавжудлиги бирдан-бир ҳақиқатдир. Ҳар қандай фалсафа, фалсафий билим инсондан бошланади ва инсон билан тугайди. Инсондан ташқари ҳеч қандай ҳақиқат йўқ. Инсон ўзлигини, ўз эҳтиёжларини англайди, ўз олдига онгли равишда мақсад қўяди. Айни пайтда ҳар бир инсон, унинг онги, интилишлари индивидуал, такрорланмас. Табиат тўғрисидаги мулоҳазалар ва бошқа ҳар қандай ҳодиса тўғрисидаги фикрлар, мулоҳазалар, билимлар, ҳеч қандай ҳақиқат инсон эҳтиёжлари ва борлигидан ташқарида йўқ, бўлганда ҳам ҳеч қандай маънига, қийматга эга эмас. Бу тамойилни жамиятга, ижтимоий ҳодисаларга, жумладан, маънавиятга нисбатан қўлласак, алоҳида инсон онги, иродаси ва фаолияти борлиқнинг (бизнинг мисолда маънавиятнинг) марказида туради ва уни ҳаракатлантирувчи кучга айланади. Инсондан ташқарида улар маънига, кадр-қимматга эга эмас.

Инсоннинг моҳияти, экзистенциализмга биноан, инсондан ташқарида эмас, унинг ичида, аниқроғи, ўзлигини англаш даражаси ва мазмунида. Бу билан экзистенциализм бошқа фалсафий оқимлар ва диний таълимотлардан фарқ қилади. Маълумки, бошқа фалсафий оқимлар инсон моҳиятини ундан ташқарида, масалан, ижтимоийликда (жамоавий мавжудот, «сиёсий ҳайвон» ва ҳ.к), ақл ва тилда, яратувчиликда кўрган. Дин ҳам инсон моҳиятини Оллоҳ иродасига, Оллоҳ томонидан инсонга ато этилган, ҳайвонотда йўқ фазилатларда кўради. Экзистенциализм эса инсондан ташқаридаги объектив мавжудлик ҳақида эмас, балки алоҳида, конкрет олинган инсоннинг ўзлигини англаши, қарашлари, идеаллари ҳақида баҳс юритади.

Инсон ўзидан юкори турган мавҳум борлиқ ортига беркинмайди. У ўзининг хатти-ҳаракатлари, ишлари, уларни оқибатлари учун тўлиқ жавобгардир.

Экзистенциализм, бир томондан, кескин индивидуализмни ёқлаб, жамоавийликни етарлича ҳисобга олмайди, иккинчи томондан – у инсонни ўз қилмишлари, ишлари учун жавобгар ҳисоблайди. Инсонни борлиқнинг марказига қўйиш ва ўз фикри-зикри, ишлари учун масъул деб ҳисоблаш экзистенциализмни инсонпарварлик ва эзгулик позицияларида мустаҳкам ушлаб туради. Экзистенциализм, камчиликларга қарамасдан, инсонпарвар ва эзгуликка зид келмайдиган таълимотдир. Албатта, экзистенциализм инсон иродаси, яъни эркин танлаши ва фаолияти жамият билан боғлиқлигини яхши билган. Инсон ўз танлашида ва фаолиятида тўлиқ эркин эмас, у бошқалар билан ҳисоблашишга, биргаликда ҳаракат қилишга мажбур. Айнан инсоннинг танлаш ва фаолият юритишда тўлиқ эркин эмаслиги унинг мавжудлигининг фожеавийлигини, бахтсизлигини белгилайди. Инсон бошқа одамлар билан биргаликда фаолият юритишида (мулоқотда, меҳнатда, ижодда, ижтимоий-маиший турмушда, ижтимоий-сиёсий фаолиятида ва х.к) кимларгадир буйсунишга, ўз эркинлигини чеклашга, кимларнидир бўйсундиришга, уларнинг эркинлигини чеклашга мажбур. Шу сабабдан ижтимоий муносабатларда, одамларнинг ўзаро алоқалари ва биргаликдаги фаолиятида ҳеч қандай холислик, объектив ҳақиқат бўлиши мумкин эмас. Ҳар бир индивиднинг ўз ҳақиқати бор. Бинобарин, ҳақиқат – «субъективликдир».

Экзистенциализм ҳар қандай илмий дунёқарашни, ҳар қандай умумий кадриятлар объективлигини тан олмайди. Бошқа таълимотларни инсонни тадқиқ этишда илгаридан шаклланган андозалар, умумий хулосалар, анъаналар, илмий тушунчалар, тамойиллар, усуллардан фойдаланишда айблайди. Тирик инсон, жонли ҳаётни қолипга, формал назарияга солиб бўлмайди. Объектив ҳақиқатни, умумий манфаатларни тан олмаслик экзистенциализмнинг заиф томонидир ва унинг гуманистик мазмунига бироз пугур етказди. Экзистенциализм шахсни ижтимоийлаштириш ҳам шундай оқибатларга олиб келади, деб ҳисоблайди. Экзистенциализмга хос баъзи унсурлар XIX

аср 70–80 йилларида кўзга ташлана бошлаган бўлса-да (бу Ғарб жамияти ва Ғарб рационализи инкирози натижаси эди), у асосан I жаҳон урушидан кейин шаклланди. Шахс манфаатларини «умумий» манфаатлар, сиёсий мафқуралар курбонига айлантириш, миллионлаб одамларнинг жангларда, фронт ортида эса очликдан қирилиб кетиши, яна миллионлаб одамларнинг ногиронларга айланиши, очарчилик, яшаб қолиш учун ўғрилик, талончилик, фохишалик қилишга кўплаб аёлларнинг мажбур бўлиши экзистенциализмнинг жамиятни инсонга душман деб ҳисоблашига ва инсоннинг ижтимоийлашуви уни асл табиатидан бегоналаштиради, дейишга ва бу масалада айрим экзистенциалистларнинг кескин позицияларда туришига, шубҳасиз, таъсир кўрсатган. Инсон кўркувда яшайди. Экзистенциализм фикрича, фаннинг вазифаси инсонга нималарга бўйсунуш, нималарга қарши исён кўтаришни ўргатиш эмас, балки нималарга тайёр туриш лозимлигини очиб беришдир.

Экзистенциализм маънавиятга индивидуал, алоҳида олинган инсон эркинлиги, унинг асл, ҳақиқий табиати, аутентлигидан келиб чиқиб ёндашади ва баҳо беради. Ҳақиқий маънавият инсоннинг асл мавжудлигини таъминлаши лозим. Шу сабабдан «ким маънавиятга содиқ бўлса, аутентлидир, аутент инсон маънавиятга содиқдир» деган экзистенциализмнинг хулосаси бор. Экзистенциализм жамият ва табиат инсоннинг асл мавжудлигига таҳдид солувчи, душман куч эканлигини, инсон уларга мослашиш жараёнида ўзининг асл табиатидан (аутентлигидан) чекинганини, инсоннинг асл табиати фақат «чегаравий ҳолатлар»да намоён бўлишини таъкидлайди. Экзистенциализм инсонни оммавийлаштириш уни ўз шахсидан бегоналашишга олиб келишини таъкидлайди ва оммавий маданиятни инкор қилади.

Табиийки, маънавиятни ўрганишга бошқа ёндашувлар ҳам бор. Уларнинг ҳаммасини ҳатто қисқача таҳлил қилиш кўп вақт ва жой талаб қилади. Бошқа мавзулар кўрилаётганда имконига қараб улар ҳақда тўхталиб ўтамиз. Мавзуни мухтасар қилиб, шуни таъкидлаш лозимки, ҳар бир ёндашувда диққатга сазовор жиҳатлар бор. Фақат

уларни ортикча баҳоламасдан, йўригига қараб, тўғри фойдаланиш зарур.

Маънавиятни ўрганишга ҳар томонлама илмий ёндашув, турли илмий тамойилларни, усул ва воситаларни қўллай олиш жамиятнинг маънавий ҳаётини, одамларнинг маънавий муносабатларини тўғри ташкил этишга йўналтиришга, маънавий маданиятни самарали ривожлантиришга, маънавий тарбияни амалга оширишга ёрдам беради.

### **3. МАЪНАВИЯТНИНГ ФАЛСАФИЙ-ОНТОЛОГИК МАЗМУНИ**

Маънавиятнинг фалсафий-онтологик мазмуни деганда, биринчи навбатда, маънавият категориясининг моҳияти тушунилади. Биз бу масалани биринчи китобнинг илк мавзуларида кўриб чиққан эдик. Бу сафар маънавий жараённинг, маънавий борлиқнинг моҳияти тўғрисида методологик нуктаи назардан қисқача фикр юритамиз. Мазкур масалага қайтмаслигимиз ҳам мумкин эди. Аммо «Маънавиятнинг илмий методологияси» фани ўқув дастурида ушбу мавзу алоҳида берилган ва унга хато фикр кириб қолган. Айнан ўша хато фикрга муносабат билдириш учун ушбу мавзуга яна мурожаат этишга тўғри келди. Чунки методологиянинг асосий вазифаси турли хатоликларнинг олдини олишдир. Дастурдаги хато ҳақда сал кейинроқ гапирамыз. Дастур мавзуси саволлари «маънавий борлиқ» тушунчасидан бошланади.

Борлиқ тушунчаси фалсафанинг фундаментал категориялари қаторига киради. Борлиқ юнонча онтос дейилади. Логос – сўз, таълимот. Онтология борлиқ тўғрисидаги фалсафий таълимотдир. Онтологиянинг асосий масаласи нарса ва ҳодисаларнинг, коинот, табиат, жамиятнинг, кенг маънода борлиқнинг моҳияти нимада, унинг бирламчи субстрати (қурилиш ашёси) нимадан ташкил топган, деган масаладир. Айнан ушбу саволга берган жавобига қараб файласуфлар материалистлар ва идеалистларга бўлинган.

Борлиқ тўғрисидаги фалсафий тушунча билан унинг турли соҳаларда намоён бўлиш шакллари, кўринишлари,

табийки, боғлиқдир. Маънавий борлиқ, ўз аниқловчиси ифодалаб турганидек, моддий борлиқ эмас. Маданиятни ҳам биз бир бирига муқобил моддий ва маънавий маданиятларга, жамият ҳаётини ҳам моддий ва маънавий ҳаётга бўламиз. Демак, маънавий борлиқ – бу, аввало, жамиятнинг онг, тафаккур, турли ғоялар, қадриятлар, орзу-ниятлар, улуғ мақсадлар, идеаллар, эътикод, дунёқараш, илмий ва бадий ижод, таълим-тарбия, одоб-ахлоқ, ибодат ва тақво ва ш.к.лар билан боғлиқ ҳаётдир.

Ижтимоий онг шаклларига мувофиқ, унда предметлашган, амалда асар ёки фаолиятга айланган ахлоқий, ҳуқуқий, сиёсий, бадий, илмий, диний, фалсафий маданиятлар ва ҳ.к. мавжуд. Маънавий борлиқ, шундай қилиб, «соф» маънавият қаторида предметлашган маънавий маданиятни ўз ичига олади. Одамлар турмуш кечириш жараёнида ўзаро ранг-баранг алоқаларга, муносабатларга киришадилар. Бу жараёнда ҳар бир киши ўз қарашлари, эътиқодига, олган тарбиясига мос ҳаракат қилади. Қандайдир фикрларни, алоқалар, муносабатларни, тақлифларни маъқуллайди, ижобий баҳолайди ёки маъқулламайди. Чуқурроқ ўйлаб қаралса, инсоннинг ўзини тутиши, нима дейиши, хулқи, қиладиган ишлари унинг эркин ихтиёрий танлашининг юзага чиқиши экан. Бу эса ироданинг юзага чиқишидир. *Ирода* инсоннинг, миллатнинг эркин танлаши, ўз олдига аниқ мақсад қўя олиши ва унга эришишга ички куч-ғайратини, руҳиятини, ақл-идрокини қарата олиш қобилияти ўлароқ *маънавий борлиқнинг онг ва маънавий маданиятдан биров фарқ қиладиган яна бир кўринишидир*. Маънавий муҳит ҳам маънавий борлиқнинг ажралмас қисмидир. Аввал бу ҳақда анча гапирилган эди.

Лекин маънавий борлиқ тушунчаси маънавият билан чекланмайди. У яна тарбия тизимини – боғчалар, мактаблар, коллежлар, олий ўқув юртлари, масжидлар, ижодий уюшмалар, ҳаваскорлик тўғараклари, илмий тадқиқот тизими – академиялар, ИТИ, конструкторлик бюролари, илмий лабораториялар ва ш.к., урф-одатлар, умуман, одамларнинг мафкуравий, ижтимоий-сиёсий ва бошқа муносабатларини ва уларни тартибга солувчи, ташкил-

лаштирувчи давлат ва жамият институтларини бирлаштиради. Чунки улар бевосита ёки билвосита маънавий фаолият билан ҳам шуғулланади.

Жамият фақат одоб-ахлоқли, қонунларга, тартиб-қоидаларга қатъий риоя этадиган кишилардангина иборат эмас. Афсуски, хоинлик, кўрқоқлик, жиноятчилик, ўғрилик, ахлоқсизлик, зўравонлик ва бошқа салбий ҳолатлар, яъни маънавиятсизлик ҳолатлари бор. Булар ҳаммаси маънавий борлиқнинг ижобий ёки салбий унсурларидир. Жамият уларга қарши кураш олиб борадиган, адашганларни тўғри йўлга соладиган тузилмаларни яратган, улар фаолиятининг ҳуқуқий-меъёрий асосларини ишлаб чиққан. Улар ҳам маънавий-ижтимоий борлиқнинг бир бўлагидир. Суд-ҳуқуқ тизими фақат жазоловчи эмас, тарбияловчи институт ҳамдир. Моддий борлиққа кирмайдиган барча ижобий ва салбий ҳодисалар маънавий борлиқ тушунчасини ташкил этади.

Маънавий борлиқ ижтимоий ҳодисадир. Маънавият табиатда мавжуд бўлмаганидек, маънавий борлиқ ҳам, табиатда йўқ. Мутлақ Ғоя, Мутлақ Рух, Жаҳоний Ақл каби тушунчалар объектив идеализмга хос, аслида Худо, илоҳий яратувчи деган тушунчалардан моҳиятан фарқ қилмайди. Худо бор-йўқлигини илмий жиҳатдан тасдиқлаб ёки инкор қилиб бўлмайди. Унга ишониш ёки ишонмаслик мумкин, холос. Коинотда маънавий борлиқ мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги маълум эмас.

Ҳар қандай ижтимоий ҳодиса каби маънавият инсон ақл-заковати ва фаолиятининг маҳсулидир. Маънавиятни, маънавий борлиқни инсоннинг ақли, ҳиссиёти, бунёдкорлик қобиляти, истеъдоди яратади.

Ижтимоийлаша бошлаган, илк уруғ-жамоаларда яшган инсон маънавий борлиқнинг илк, жўн шаклини яратган. Унда онг, тафаккур вужудга келган. Шу сабабдан у олдига онгли мақсад қўя олган ва мақсадига етишиш учун ақл-заковатини, куч-ғайратини сафарбар этган, яъни у ақлли мавжудот бўлиш қаторида иродали мавжудот бўлган. Маънавий борлиқ асосида инсон ақл-заковати ва иродаси туради, дея хулоса қилиш мумкин. Бу биринчи хулосадир.



Жамиятда аста-секин мулкий нотенглик, у билан бир-га ҳуқуқ, қонун қабул қилувчи, амалга оширувчи сиёсий институт – давлат пайдо бўлди. Жамият дунёқараши, қадриятлар тизими, одамлар ўртасида муносабатлар, уларни тартибга солувчи меъёрлар тизими ўзгарди. Маънавий жараён, маънавий борлиқ ривожланиши асосида, шундай қилиб, жамият билимлари, дунёқараши, онги, қадриятлар тизими – меъёрлар, қоидалар, идеаллар ўзгариши, юксалиши туради. Улар одамларнинг ўзаро муносабатларини, жумладан, мулкий ва иқтисодий муносабатларини ҳам белгилайди. Ўз навбатида мулкий ва иқтисодий, ижтимоий муносабатлар маънавий жараёнга, маънавий борлиққа таъсир кўрсатади. Улардан қайси бири бирламчи ва белгиловчи деган саволга аниқ жавоб бериш қийин. Илм-фанда ушбу масалада ҳам бир-бирини тўлиқ инкор этувчи икки – материалистик ва идеалистик қараш қарор топган. Энг изчил ва илмий материалист К.Маркс ижтимоий борлиқ ижтимоий онгни, иқтисодий базис мафқуравий устқурмани белгилайди деса-да, инсон яратувчилиги ва меҳнати асосида гоё, онг ётишини, инсон яратадиган ҳар қандай маҳсулотни аввал миясида лойихалашини, қандай яратишни (ишлаб чиқаришни) аввал ҳаёлан тасаввур этишини таъкидлайди. Унинг барибир материализмга устунлик бериши моддий эҳтиёжларни маънавий эҳтиёжларга нисбатан бирламчи деб ҳисоблаши оқибатидир. К.Маркс инсон санъат, илм-фан, сиёсат ва ш.к. билан шуғулланиши учун аввал қорни тўқ, усти бут, хавфсизлиги таъминланган бўлиши лозим, деб ҳисоблайди. Ушбу эҳтиёжлар эса, биринчи навбатда, моддий эҳтиёжлардир, улар иқтисодий ва моддий куч орқали қондирилади. Ф.Энгельс ҳам инсон онги шаклланишида меҳнатга, моддий эҳтиёжлар қондирилишига бирламчиликни берса-да, меҳнатнинг ўзи олдида онгли мақсад қўйиб, табиатни қайта ишлаш эканига урғу беради. Инсон анатомиясининг ўзгариши (қўл ва мия функцияларининг ривожланиши ва шу каби) ҳам онгни меҳнат фаолияти ривожланиши, янги-янги эҳтиёжларнинг ва мақсадларнинг, ижтимоий мўлжалларнинг пайдо бўлиши билан тушунтирилади. Маркс ва Энгельс издошлари улардек нозик, диалектик фикр юритол-

мас эдилар. Натижада, улар салафларининг қарашларини бироз сохталаштирдилар, баъзи ҳолларда вулгарлаштирдилар. Ушбу масалада диалектик ёндашув хатонинг олдини олишда қўл келади. Бизнинг ўрта асрларда яшаган буюк мутафаккирларимиз бу масалада, асосан, дуалистик қарашлар тарафдори бўлганлар. Бу иккинчи хулосадир.

Ақлий меҳнатнинг жисмоний меҳнатдан ажралиб чиқиши оқибатида давлат, ҳуқуқ қаторида дин, черков, адабиёт, санъат, илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият жамиятнинг алоҳида, нисбатан мустақил институтига айланган.

Жамият тараққиёти жараёнида моддий ишлаб чиқариш, илм-фан, адабиёт ва санъат ривожланиш босқичлари, даврлари, сиёсий бошқарув ва ҳокимиятнинг тарихий такомиллашуви, шакл ва воситаларнинг ўзгариши маънавиятнинг ретроспектив иқтисодий, сиёсий, интеллектуал, эътиқодий асосларини ташкил этади.

Ҳар бир жамият хусусиятларига, тараққиёт даражасига, дунёқарашига, эътиқодига хос маънавиятни ажратишимиз мумкин. Масалан, ибтидоий жамият маънавияти, аграр жамият (қулдорлик, феодализм жамиятлари) маънавияти, индустриал ва постиндустриал (капиталистик, социалистик жамиятлар) маънавияти ва ҳ.к. Маънавиятни таснифлаш, биринчи галда, унинг ижтимоий характеридан келиб чиқади. Бундан ташқари, таснифлашда бошқа мезонлар ҳам олиниши мумкин. Диний-фалсафий, илмий-техникавий ва информатсион, миллий-этник ва ҳ.к. Мазкур мезонларнинг барчаси оқибат-натижада ижтимоий характерга эга, улар табиий-биологик мезонлар эмас.

*Юқорида келтирилган ўқув дастурида маънавиятнинг ижтимоий характери, унинг шаклланишида ирсий омилларнинг ўрни, деган савол бор.* Айтиш лозимки, ушбу савол анча ноаниқ ифодаланган. Дастурдаги ифода шаклидан вульгар материализмнинг, хусусан, социал-дарвинизмнинг ҳиди келади. Ахир, ирсият биологик организмларга хос, ижтимоий ҳодисаларга эмас! Наврўз байрами қатор халқлар учун маънавий қадрият, ўтганлар руҳини ёд этиш, таъзия очиш ва бошқа ҳар қандай урф-одатлар маънавий ҳаётимизнинг бир бўлаги. Наврўз

шаклланишига ёки тўй-тамошалар шаклланишига ирсият қандай таъсир кўрсатган? Маънавиятнинг шаклланишига ирсият таъсир кўрсатишини тан олсак, унда ғайриилмий иркчилик ва шовинистик назариялар тўғрилигини ёқлаган бўламыз. Ўзимиз истамаган ҳолда ривожланган халқларни (европаликларни) бошқа халқлардан ирсий жиҳатдан устун, истеъдодлироқ деган хулоса қилишимиз лозим бўлади. Мантиқан бундан яна қоқоқ халқлар маданиятини кўтариш учун уларнинг ирсиятини яхшилаш керак, деган гоё келиб чиқади. Натижада, Гитлернинг «олий ирк» ва евгеника тўғрисидаги ғайриилмий гоёлари қайта тирилади. Балки, дастурлар тузувчилари ўтмишда (қисман ҳозир ҳам) мавжуд бўлган «элитар назария»ни кўзга тутиб, маънавиятнинг ижтимоий ҳодиса сифатида шаклланишга ирсий омиллар таъсири, деган иборани қўлагандир. «Элитар назария»га биноан, маданиятни (маънавиятни) жамиятнинг элитасига, юқори табақаларига, хослар қатламига мансуб кишилар яратади. Улар, туғма истеъдодига, бунёдкорлик салоҳиятига кўра, оддий, қора авомдан анча устун. «Элитар назария» оддий халқнинг яратувчилик қобилиятини, истеъдодини камситади. Буни тугма, ирсий ҳусусият сифатида тан олади. Элитар назария гоёвий мазмунга кўра нодемократик, аристократиянинг ва буржуазиянинг синфий назариясидир. Демократик, илмий қарашларга мувофиқ, маданиятни, маънавиятни бутун халқ, нафақат «элита», шунингдек, келиб чиқиши оддий кишилар ҳам биргаликда яратади. Антик даврнинг буюк донишманди, масалчи-шоири Эзоп кул бўлган. Исломи динининг, бинобарин, ислом маънавиятининг, цивилизациясининг асосчиси Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) етимликда ўсган, ёшлигида туякашлик қилган. Украин мумтози адабиётининг асосчиси Т.Г. Шевченко крепостной бўлган. Замонавий кимё асосчиларидан бири ҳисобланган Д.И. Менделеев сибирлик оддий сандиксоз устанинг ўн тўртинчи фарзандидир. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Албатта, юқори табақа вакиллари оддий меҳнатқашларга нисбатан болаларига ўқиш, илм-фан, адабиёт ва санъатни эгаллаш учун зарур тарбия бериш имконидан

фойдаланган. Юқори табақа вакиллари ақлий меҳнат ва жамият ҳаётини ташкил этиш, бошқариш билан шуғулланган. Шу сабабдан маънавий маданиятнинг катта профессионал билим ва маҳсус тажриба, салоҳият талаб этадиган соҳалари ривожланишига улар салмоқли ҳисса қўшган. Аммо маънавий ҳаёт фақат профессионал ижоддан иборат эмас. Қолаверса, профессионал ижодда ҳам оддий халқ вакиллари ҳиссаси улкан. Хуллас, дастур тузувчилари нимани кўзда тутганларидан катъи назар, масалани хато қўйганлар.

«Маънавиятнинг ижтимоий характери, унинг шаклланишига» эмас, унинг ривожланишига хизмат қиладиган ижодкор шахсларга ирсий омилларнинг таъсири тўғрисида гапириш мумкин. Зеро, илғор ғоялар, буюк кашфиётлар дастлаб истеъдоди, қобилияти кучли шахслар миёсида туғилади, кейин бутун халқнинг, бутун инсониятнинг мулкига айланади. Гилдирак ибтидоий жамиятда яшаган қайсидир даҳонинг тафаккури маҳсулидир. Ёки буюк аждодимиз ал-Хоразмий томонидан арифметикага «ноль» (арабча – ас-сифр) рақамининг киритилиши ўнлик системаси ва замонавий математик тафаккурнинг асосини ташкил этди. Балки, дастур тузувчилар айнан шуни, ижодкорларга ирсий омиллар таъсирини назарда тутганлар? Лекин дастурда савол ижтимоий ҳодиса сифатида маънавият шаклланишига ирсий омиллар таъсири қабалида қўйилган. Агар савол «маънавият ривожланишига ирсий омиллар таъсири» кўринишида тузилгандаям, методологик жиҳатдан ноқис бўларди. Чунки маънавиятнинг шаклланиши ва ривожланиши асосида қайсидир шахснинг даҳоси эмас, балки ижтимоий-тарихий зарурат ётади.

Ньютон туғилмаганда, инсоният шу пайтгача бутун олам тортишиш қонунини, Эйнштейн бўлмаганда, нисбийлик назариясини кашф этмасдан қолармиди? (Дарвоқе, нисбийлик назарияси, маълум бўлишича, Эйнштейнгача Анри Пуанкаре томонидан кашф этиб қўйилган). Фақат ижоднинг индивидуал турларида, фандан фаркли, муаллифнинг субъектив интуицияси ва ғоялари устунлик қилувчи адабиёт ва санъатда ижодкор шахснинг роли такрорланмасдир. Лекин адабиёт ва санъат шаклланиши ва

ривожи ҳам ижтимоий-тарихий зарурат туфайли юз бе-  
ради.

Назаримизда, дастурни тузувчилар табиат ва жами-  
ят қонунларининг намоён бўлиш, амалга ошиш йўлла-  
ри ҳар хиллигини тушунмаганлар. Натижада, ижтимоий  
ҳодисалар объектив характерга эғалигини унутиб, уларни  
ирсий омилларига тобе қилиб қўйганлар.

Ўқув дастурида маънавиятнинг универсал тамойилла-  
ри ва парадигмал хусусиятлари деган савол бор. Қисқача  
универсал тамойилларни эсласак (эзгулик ва ёвузлик,  
гўзаллик ва хунуқлик, адолат ва адолатсизлик, эркинлик  
ва қарамлик, инсонпарварлик ва зулм ва ҳ.к.) ойдинла-  
шадики, улар барча замонлар, жамиятлар, халқлар учун  
аҳамиятли умуминсоний тамойиллар, маънавий мезон-  
лардир. Уларни тушуниш, талқин қилиш давр, жамият  
ва муайян халқлар яшайдиган шароит, давлат тузумига  
қараб бироз ўзгарса-да, моҳиятан барқарордир. Масалан  
эзгулик, меҳр-оқибат, ҳалоллик, гўзаллик, адолат, инсон-  
парварлик, эркинлик, она тили ва Ватанини севиш (ватан-  
парварлик), садоқат ва ш.к. тамойиллар, ҳаётий мўлжал-  
лар моҳиятан универсалдир, ҳамма даврлар, тузумлар,  
халқлар учун қадриятдир.

Айниқса, элементар ахлоқий меъёрлар (айни пайтда  
қадриятлар, яшаш принциплари – тамойиллардир) уни-  
версал характерга эга. Барча халқлар тўғрилиқни маъ-  
қуллайди, ёлғонни, ўғрилиқни қоралайди. Ҳамма халқлар  
камтарлиқни, ибo-ҳаёни маъқуллайди, манманлиқни,  
сурбетлиқни, олифталиқни хуш кўрмайди.

Маънавиятнинг универсал тамойиллари муқаддас ди-  
ний китобларда ҳам, қаҳрамонлиқ эпослари, дostonларда  
ҳам, халқ мақоллари, кўшиқлари, ривоят ва эртақларида  
ҳам, буюк ижодкорлар асарларида ҳам ўз ифодасини топ-  
ган, улуғланган, инсонийлиқ меъёрлари сифатида қайд  
этилган. Тавротдаги (Қадимий Аҳднинг биринчи беш  
китоби, Мусo пайғамбарга ваҳий бўлган) 10 аҳдда,  
Қуръон сураларида, Конфуций таълимотида, Ману ко-  
нунларида (қадимги Ҳиндистон), турли халқларнинг оғза-  
ки ижоди ва ёзма маънавий меросида биз жуда ўхшаш  
кўрсатмаларни, меъёрларни, қоидаларни учратамиз. Улар  
маънавиятнинг универсал тамойилларидир

Маънавиятнинг парадигмал хусусиятлари деганда, биз унинг қандай тартибда ва қоидалар асосида ривожланиши, ўзгаришини, ҳар хил шаклларда, вазиятга қараб, намоён бўлишини назарда тутамиз. Парадигма юнонча намуна, мисол деган мазмунни билдиради. Масалан, тилшунослиқда отнинг келишиклар тартибида турланиши, феълнинг замонларда тусланиши парадигма дейилади. Шунингдек, фикрларни исботлаш ва қиёслаш учун тарихдан келтирилган мисол (далил) ҳам парадигма дейилади.

Маънавиятнинг парадигмал хусусиятлари, биринчи навбатда, унинг диалектика қонунлари, ижтимоий қонунлар ва маънавиятнинг ўзига хос қонунларига мувофиқ ривожланишида, такомиллашишида, ўзгаришида кўринади. Ижобий, мусбат омиллар таъсирида у ижобий томонга ўзгаради, бойийди. Салбий, манфий омиллар таъсирида у қашшоқланади, салбий томонга ўзгаради. Илм-фан, техника ва технологиялар гуркираб ўсиши, маънавиятда технократик қарашлар кучайишига, анъанавий қадриятларга эътибор биров пасайишига олиб келди. Баъзи мамлакатларда диннинг аҳамиятини ва ролини нотўғри талқин қилиш, ундан ғаразли сиёсий мақсадларда фойдаланишга интилиш диний-экстремистик ҳаракатларнинг янги шакллари тўғдириди. Ғарб мамлакатларида инсон ҳуқуқлари, сўз ва ахборот эркинлигини бирёқлама, формал ва баъзи ҳолларда вульгар талқин қилиш, Ғарб ахлоқини, менталитетини салбий томонга силжитди. Маънавиятда содир бўлаётган ижобий ва салбий ўзгаришларнинг бирортаси бебабаб, ўз-ўзидан юз бермаётир.

Маънавиятнинг ўзи ҳам жамият ҳаётига, ижтимоий борлиққа таъсир кўрсатади. Маънавий онг юксалса, одамлар эзгуликка, яхшиликка, гўзалликка, адолатга, эркинликка интилса, халқнинг, миллатнинг иродаси мустаҳкам бўлса, ўз олдига юксак мақсадларни қўйиб, унга эришишда қийинчиликлардан чўчимаса, бутун куч-ғайратини, ақл-заковатини сафарбар этса (булар ироданинг юзага чиқишидир), маънавий муҳит барқарор ва янгиликларга хайрихоҳ бўлса, ижтимоий ва маданий ҳаёт ҳам, маънавиятнинг ўзи ҳам ривожланади. Маънавият ва жамият ривожланиши бир-бирини тақозо этади.

#### 4. МАЪНАВИЯТНИНГ МЕТОДОЛОГИК МОҲИЯТИ

«Маънавиятнинг илмий методологияси» фани ўқув режасида ушбу мавзу «Маънавиятнинг методологик моҳияти» номида берилган. Мавзунинг бундай ифодаси хато ва ғализ. Методология фанга тегишли бўлади, унинг объекти ва предметига эмас. Методология илмий тадқиқот ва бошқарув усуллари назариясидир. Маънавиятнинг методологик моҳияти эмас, балки маънавиятни ўрганувчи фанларнинг методологик моҳияти дейилса, мантик бузилмас эди.

Мавзунинг биринчи саволи – «Маънавий ҳодиса ва жараёнларнинг ижтимоий-услубий характери» – дея белгиланган. Шак-шубҳасиз, маънавий ҳодиса ва жараёнлар ижтимоий характерга эга. Биз бу ҳақда ўтган мавзуларда анча фикр юритдик. Лекин маънавий ҳодиса ва жараёнларнинг ўзи, агар у тадқиқот, таълим ёки фаолият, бошқарув шаклида олинмасдан, тадқиқот объекти сифатида олинса, қандай услубий характерга эга бўлиши мумкин?

Фикримиз аниқроқ бўлиши учун, табиий ҳодиса ва жараёнларга савол шаклини кўчирамиз ва қиёслаймиз. «Ёмғир ёғишининг (момақалдироқ гумбирлашининг, вулқон отилишининг ва ҳ.к. истаган мисолни олиш мумкин) табиий-услубий характери» деган иборада мантик борми? Тўғри, ёмғир ёғиши табиий ҳодиса, табиий жараён. Лекин у услубий характерга эгами? Ёмғир ёғишини тадқиқот этишининг услубияти география, гидрометрология, физика (атмосфера физикаси), амалий математика (ёмғир ёғиш жараёнининг математик моделини яратиш) мавжуд бўлиши мумкин. Ёмғирнинг ўзи булутларнинг паст-баландлигига, ҳаракатига, шамол тезлигига ва бошқа табиий шарт-шароитларга қараб, турли шаклларда: секин томчилаб, ўртача, жала, изғиринли қаттиқ довул ва ҳ.к. кўринишларда ёғиши мумкин. Бу жараённи турли услубларда ўрганса бўлади. Танланган услуб ўрганаётган фан ҳамда муайян тадқиқотда қўйилган вазифа хусусиятига боғлиқ.

Ёмғирнинг табиий ҳодиса сифатида услубий характери бўлмаганидек, алоҳида тизим сифатида олинган маънавият ҳам ижтимоий ҳодиса сифатида услубий ха-

рактерга эга эмас. Саволда ҳеч қандай мантиқ йўқ. Биз бежиз илмий билишнинг методи сифатида тарихийлик ва мантиқийликни алоҳида ажратиб кўрсатмаймиз. Мантиқийлик бизни турли илмий атамаларнинг, жим-жимадор илмийсимон ибораларнинг қўлланилиши оқибатида юзага келадиган хатолардан сақлайди.

Дастурда масала «ижтимоий-услубий» тартибда қўйилмоқда. Масалани бундай йўналишда қўйиш мумкин. Унда олдинги ўринга маънавиятни ўрганиш эмас, балки маънавий ҳаётни ташкил этиш, бошқариш, маънавиятга турли жамиятларнинг қандай муносабатда бўлиши каби масалалар таҳлили чиқади.

Методология ўрганилаётган маънавий жараён, ходисанинг, аввало, ғоявий-этиқодий мезони ва негизини, жамиятнинг типини, асосий талабларини ва эҳтиёжларини аниқлайди. Чунки ғоявий-этиқодий мезонлар жамият эҳтиёжларини, маънавиятнинг тарихий ўзига хослиги ва тадрижий хусусиятларини белгилайди. Масалан, аграр жамиятда маънавият кўпроқ диний-этиқодий ғоялар асосида ривожланган. Лекин бу, дунёвий ғоялар, табиий-илмий ва муҳолифлик мазмунидаги ижтимоий-гуманитар ғоялар ҳеч қандай роль ўйнамаган, дегани эмас.

Жамият юксалиши маънавият юксалишига, маънавият юксалиши жамият юксалишига, бинобарин, ҳар икки жараён инсон юксалишига олиб келади. Жамиятнинг моддий-иқтисодий, диний-этиқодий асослари ўзгариши, унинг бир сифатдан иккинчи сифатга, бир тузумдан иккинчи тузумга ўтиши маънавиятни ҳам, инсонни ҳам янгилайди. Жамиятда янгича мафкура, янгиланган кадриятлар тизими, бошқача фикрлайдиган, дунёқараши, қизиқишлари, ижтимоий мўлжаллари ўзгарган инсон қарор топади. Маънавиятнинг, кадриятлар тизимининг янгиланиши, ўз навбатида, таълим-тарбия тизимини, ахлоқий қоидаларни, баъзан ҳатто диний қарашларни, маросимларни ислоҳ қилади.

Маънавият функциялари объектив табиий-тарихий равишда амалга ошади. Ҳеч ким, ҳеч қандай давлат ҳокимияти ворисийликни, таълим-тарбияни, асрлар давомида шаклланган ахлоқий, эстетик, диний меъёрларни, кадриятларни, урф-одатларни бекор қилолмайди, улар-



нинг моҳиятини тубдан ўзгартириб ташлашга ҳам ожизлик қилади. Лекин маънавият ўз функцияларини қандай бажаришига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин. Давлат сиёсатининг таъсири барча замонларда (ибтидоий тузумдан ташқари; унда давлатнинг ўзи ҳали вужудга келмаган) кучли бўлган. Фақат давлат тузуми, муайян ҳокимият инқирозга учраган пайтлардагина давлат сиёсатининг маънавиятга таъсири пасайган. Ёки замонавий ғарб демократик давлатларида маънавий ҳаётнинг баъзи соҳаларига давлат бевосита аралашмай қўйган. Маънавият функцияларига диний мафқуранинг таъсири ҳам ўтмишда индустриал жамиятгача кучли бўлган, чунки диний ташкилот давлатдан ажратилмаган, давлат сиёсатини маънавий ҳаётда амалга оширувчи институтлардан етакчиси ҳисобланган. Шу боис давлатнинг кучидан фойдаланган. Амалда маънавий ҳаётда давлат сиёсати ва диний ташкилот фаолияти бирлашиб кетган. Фақат айрим ҳолларда – ё давлат ҳокимияти чуқур инқирозга тушганда, ё давлат кескин ислохотлар ўтказиб, диний ташкилотни бироз четга суриб қўйганда, диний ташкилот доирасида расмий давлат ҳокимиятига қарши муҳолифат гуруҳи вужудга келган.

Расмий давлат сиёсати, маънавият функцияларини бекор қилолмаса-да, унга сезилар таъсир кўрсатишни турли усуллар ёрдамида амалга оширади. Масалан, қонунлар орқали, цензурани жорий қилиш, ёки аксинча, бекор қилиш ёрдамида, дин ва черков масалаларини тартибга солиш, адабиёт ва санъат, илм-фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, ОАВни ривожлантириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, солиқ имтиёзлари бериш, тегишли соҳаларга кадрлар тайёрлашни рағбатлантириш ва ҳ.к.

Эркин демократик сиёсат олиб борилса, қонун устуворлиги таъминланса, ижодий ташаббуслар рағбатлантирилса, маънавият ўз функцияларини самарали адо этади. Аксинча, эркинликлар чекланса, цензура маънавий ҳаётни қаттиқ назорат остига олса, ижодий ташаббуслар чекланиб, фақат давлат расмий мафқурасига мос ўзанга йўналтирилса, маънавият ўз функцияларини самарали бажара олмай қолади. Одамлар онгига баъзи бир хато, ҳатто

экстремистик ғоялар мажбуран сингдирила бошлайди. Ұзгача фикр юритадиганларга шубҳа билан қаралади, баъзан улар турли кўринишларда таъқиб қилина бошлайди. Маънавий муҳит бузилади. Ижтимоий кўрқув кучаяди.

Маънавият ўз функцияларини самарали бажариши учун инсонпарвар, демократик давлат сиёсати қаторида яна жамиятнинг моддий-иқтисодий ривожланиши катта аҳамият касб этади. Қашшоқ жамиятда маънавий эҳтиёжлар ўсмайди, янгилари вужудга келмайди. Одамлар бир иложини топиб, кунини ўтказиш, бола-чақасини боқиш билан овора бўлиб қолади. Эҳтиёжлар ўсмаса, маънавият ривожланмайди. Моддий жиҳатдан жамиятнинг ривожланиши одамларда янги эҳтиёжлар туғилишига, илм-фанга, сиёсатга, маданиятга, янги касбларни эгаллашга интилишни озиқлантиради. Маънавият ўз функцияларини самарали бажариши учун олға сурилган янги ғоялар, маънавий юксалиш дастурлари иқтисодий ва ташкилий жиҳатдан таъминланган бўлиши лозим.

Дин аграр жамиятда маданиятлар ва цивилизацияларнинг мафкуравий-интеллектуал асосини ва бошқалардан ажратиб турувчи асосий хусусиятларни ташкил қилади. Цивилизациялар бир-биридан ишлаб чиқариш технологиялари бўйича деярли фарқ қилмаган. Фарқ қисман мулкчилик ҳуқуқи ва шаклида, асосан, эътиқод ва унинг асосида шаклланган маънавий маданиятда кўзга ташланган.

Шу сабабдан кулдорлик ва феодализм тузумида давлат бошлиқларининг бир қисми ўзларини черковнинг ва диний жамоанинг бошлиғи ҳам, деб эълон қилганлар. Бундай давлатлар фанда теократик давлат дейилади. Дунёвий давлат ҳисобланганларида эса давлат бошлиғи диний жамоанинг, диннинг бош ҳомийси, ҳимоячиси макомини олган. Масалан, Амир Темур ўзини ислом динининг бош ҳомийси ва ҳимоячиси сифатида кўрсатган. Шундай қилиб, аграр жамиятда маънавият дин таъсирида фаолият кўрсатган ва ривожланган.

Ҳеч бир дин турли мамлакатларда, ҳар хил табиий ва ижтимоий шароитда яшайдиган барча умматлари учун бир хил ҳуқуқий ва ахлоқий қоидалар ишлаб чиқолмайди,

ҳатто такво қоидалари ягона тизимга эга эмас. Уларда ҳамма учун умумий муқаддас китоб ва эътиқод арконларидан ташқари, ўзаро у ёки бу даражада фарқ қиладиган меъёрлар, қоидалар ёки умумий қоидаларнинг турлича талқинлари бор.

Индустриал жамиятда дастлаб ҳурфикрлилик ривожланди, илм-фан, адабиёт ва санъат, ҳуқуқ гуркираб ўсди. Халқ таълими, соғлиқни сақлаш тизими жамиятнинг узвий ва муҳим тузилмасига айланди.

Индустриал жамият алоҳида инженер-техник, иқтисодчи ва бошқарувчи зиёлилар қатламини яратди. Жамият ҳаёти ҳар томонлама интенсивлашди, алоқалар рангбаранглашди.

Ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаётнинг тезлашуви зарур ахборот олишга эҳтиёжни ҳаддан ташқари кучайтириб юборди. Натижада, минглаб турли-туман газеталар, журналлар, ахборот агентликлари вужудга келди, почта ва телеграф ривожланди. Индустриал жамият эҳтиёжлари давлат ва жамият институтларида, ҳокимият идораларида, турли хил муассаса ва ташкилотларда ишлайдиган мутахассислар сонини кескин кўпайтириб юборди. Улардан ҳам махсус билимларни эгаллаш талаб этилар эди. Хулоса қилиб айтганда, индустриал жамият таълимни жамиятнинг ҳал қилувчи, муҳим тармоғига айлантирди.

Фан-техника, таълимга ўхшаб, жамиятнинг муҳим, тизимлашган узвий бўлагига айланди. Аграр жамиятда, Улуғбек каби илм-фанга қизиқадиган, маърифатли киши ҳокимият тепасига келиб қолса, олимларни (санъаткорлар ва адибларни ҳам) теварагига тўплаган. Илмий тадқиқотларга шароит яратган. Лекин фан ишлаб чиқаришнинг, иқтисодиётнинг алоҳида тармоғи даражасига кўтарилмаган. Фанга ҳомийлик қилган ҳукмдорнинг ворислари унинг ишини давом эттирмаса, олимлар гуруҳи тарқалиб кетаверган. Илмий тадқиқотлар тўхтаб қолган.

Индустриал жамиятда дин маънавиятнинг асосий ташкил этувчи, бошқарувчи мақомини йўқотади. У маънавиятнинг ахлоқ, ҳуқуқ, адабиёт ва санъат, илм-фан, сиёсий қарашлар каби алоҳидалашган тизими даражасига

тушиб қолади, маънавий ҳаётдаги расмий имтиёзларидан маҳрум бўлади. Кўп ҳолларда Европанинг секуляризациялашган мамлакатлари аҳолисининг юкори, ўқимишли ва ўрта ҳол қатламларида ҳамда индустриал ишчиларнинг бир қисми томонидан дин инкор қилина бошлади. Атеистик қарашлар анча тарқалди. Секуляризация ва айниқса атеистик қарашлар жамият маънавиятига жуда зиддиятли таъсир кўрсатди. Бир томондан, маънавий ҳаётда хурофат ва бидъат унсурлари кескин камайди, хурфикрлик, маънавий, ижодий эркинлик ўсди. Иккинчи томондан, салбий унсурлар – худбинлик, ёлғон, сохталик, очкўзлик, фаҳш, нафс ва ҳирс аграр жамиятга нисбатан анча кўпайди.

Постиндустриал жамиятда баъзи эски зиддиятлар бартараф этилди, долзарблигини йўқотди. Аммо янги зиддиятлар пайдо бўлди, эскиларидан сақланиб қолганлари шаклан ва мазмунан биров ўзгарди, айримлари анча кескинлашди. Инсон ҳуқуқларини, гендер тенглигини тушуниш, талқин қилиш анча формал ва вульгар кўринишлар ола бошлади. Оила ва никоҳ масалаларида эркинлик қаторида емирувчи тенденциялар кўзга ташланиб қолди. Айрим давлатларда биржинсли никоҳлар қонунлашди. Маънавий ҳаётда оммавий маданиятнинг тутган ўрни бекиёс кенгайди. Постиндустриал жамиятда маънавият функцияларида яна янги йўналишлар пайдо бўлди. Яна айрим функцияларида сезиларли ўзгаришлар юз берди, айрим мумтоз кадриятлар деформацияга учраб, қайта кўриб чиқила бошлади.

Хуллас, маънавий ҳаётни ташкил этиш, ривожлантириш, бошқаришга ҳар бир жамият ўз эҳтиёжларидан, талабларидан, ҳақиқий ёки сохта ғояларидан, услублари ва имкониятларидан келиб чиқиб ёндашади ва уларни амалга оширади. Жамият ҳаётининг барча соҳаларида, шу жумладан, ҳатто моддий-иқтисодий ҳаётда ҳам, маънавият муайян ижтимоий вазифаларни бажаради. Ишлаб чиқариш корхонасида меҳнат қилаётган одамларнинг бир бирига муомаласи, муносабати, бир бирини қўллаб қувватлаши ва ёрдам бериши, ёки, аксинча, бегоналашиши, носоғлом рақобати, келишмовчиликлари уларнинг маънавиятида-

ги ижобий ва салбий жиҳатларга бориб тақалади. Оилада, маҳаллада, умуман жамиятда одамлар алоқалари ва муносабатларининг барча кўринишлари маънавийлик – ахлоқийлик, эзгулик ва ёвузлик, нафосат – гўзаллик ва хунуклик, қонунийлик – адолат ва адолатсизлик ва ҳ.к. нуқтаи назардан баҳоланиши, таҳлил этилиши мумкин. Маънавиятшунослик фанисиз ижтимоий онгдаги, маданиятдаги юксалишлар ёки инкирозлар, турғунликлар ва эволюциялар сабабларини чуқур ва ҳар томонлама тушуниш қийин. Чунки маънавиятга ташқи – ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, эътиқодий омиллардан ташқари, ички омиллар, маънавиятнинг бус-бутун тизим сифатидаги ва тизим таркибига кирувчи нисбатан мустақил қисмларининг ички ривожланиш хусусиятлари, қонунлари таъсир кўрсатади. Айнан иккинчи гуруҳ омиллари фалсафа, тарих, социология, политология, диншунослик ва бошқа ижтимоий фанлар назаридан бироз четда қолади ёки умумий тарзда чуқур ўрганилмасдан, қайд этилади.

Биз жаҳон илм-фанига интеграция бўлиб бормоқдамиз. Ўтган тузумда ундан анча ажралиб қолган эдик. Натижада, ижтимоий-гуманитар фанларда хориж олимлари томонидан кашф этилган, ривожлантирилган кўплаб янги илмий усулларни, айниқса, турли фанлар туташувида юзага келган илмий усулларни яхши ўзлаштирмаган эдик. Бу камчиликларни бартараф этишда ўзбекистонлик олимлар жадал изланишлар олиб бормоқда. Структурализм, конструктивизм, семиотика, синергетика усуллари ва ёндашувлари илмий тадқиқотларга, олий таълимда ижтимоий фанларни ўрганиш тизимига аста-секин кириб келмоқда. Лекин ҳамон эски ёндашувлар инерцияси кучли. Янгича ёндашувларни ўзлаштириш осон кечаётгани йўқ. Баъзи ҳолларда дунёвий ва диний, рационал ва иррационал ёндашувларни механик бирлаштириш ва бошқа турли кўринишдаги хатоларга йўл қўйилмоқда. Анъанавий шаклдаги фалсафа, иқтисодиёт назарияси, политология, социология, диншунослик каби фанлар янгиланиши қаторида миллий ғоя ва маънавиятни ўрганувчи қатор янги фанлар пайдо бўлди. Уларнинг шаклланиши ва такомиллашиши давом этмоқда.

## **5. ОЛИЙ ТАЪЛИМ БАКАЛАВР БОСҚИЧИДА МАЪНАВИЯТНИ ЎРГАНУВЧИ ФАНЛАР ДАСТУРЛАРИНИНГ ҚИСҚАЧА МЕТОДОЛОГИК ТАҲЛИЛИ**

Ўзбекистонда маънавият масалаларини таълим тизимида ўрганиш анча барқарорлашди. Ўқув дастурлари, дарсликлар, қўлланмалар такомиллашиб, савияси ўсиб бормоқда.

Маълумки, янги фан, уни ўргатадиган предметлар бирданига такомил ҳолда вужудга келиб қолмайди. Бунинг учун анча вақт, амалиёт синови, илмий изланишлар, баҳслар, ҳар хил методологик ёндашувларни қўллаш тажрибаси керак. Баҳслар бўлиши, баъзан улар анча кескин тус олиши ёш, шаклланиши давом этаётган фанлар учун табиийдир. Бундан мазкур фикр-мулоҳазалар ҳам холи эмас. Билдирилган айрим кескин фикрлар, эътирофлар муаллифнинг ўзга фикрларга нисбатан беписандлигини ёки ғаразли муносабатини билдирмайди. Балки унинг маънавиятни ўрганишга оид фанларнинг илмийлик даражаси янада юксалиши истагини ифодалайди. Чунки бўлажак мутахассис малакаси тегишли фанлар ўқув дастурларининг, қўлланма ва дарсликларининг илмий-назарий савиясига, методологик жиҳатдан масалаларнинг тўғри қўйилиши ва ҳал қилинишига, машғулотларнинг методик таъсирчанлиги ва самарадорлигига боғлиқ. Илмий-назарий савия, ютуқ ва камчиликлар, хатолар бевосита методология тўғрилигидан ёки хатолигидан келиб чиқади. Биз 2016–2017 ўқув йилларига мўлжалланган «Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими» йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлашга мўлжалланган фан дастурларини қисқача таҳлил қилишга қарор қилдик.

Ўқув дастурлари билан танишиш кўрсатадики, улар бир неча умумий камчиликларга эга. Дастурни тузишда муаллифлар тарихийлик ва мантиқийликка, илмий мавҳумликдан конкретлиликка кўтарилишга, системавий (тизимли), структуравий (тузилмавий), конструктивистик, семиотик, синергетик, информацион (ахборотли) ва ш.к. ёндашувларга, таҳлил ва умумлаштиришга, қиёсий-тарихий ва бошқа илмий усулларга етарлича амал

қилишмаган. Тўғри, илмий усулларни ва ёндашувларни қўллаш фан хусусияти ва мавзудан келиб чиқади. Уларнинг барчасини қўллаш бирдан бир мақсад эмас. Аммо уларнинг зарурлари ва ўша мавзу учун самарадорларини, албатта, эслаш лозим. Акс ҳолда, мустақил ва замонавий фикрлайдиган, жаҳон илм-фани ютуқларидан яхши хабардор мутахассисларни тарбиялай олмаймиз. Кўпчилик дастурларда ўша фаннинг фундаментал тушунчаси мазмун-моҳиятини ойдинлаштиришга, унга таъриф беришга қаратилган бирорта савол йўқ. Масалан, «Миллий ғоя тарихи ва назарияси» фан дастурида «ғоя нима» деган савол қўйилмаган. Талабаларга бир неча йил давомида «ғоя нима» деган савол бераман. Ҳаммаси яқдиллик билан «ғоя – инсон тафаккурининг маҳсули» дея жавоб беради. Ғоянинг мазмун-моҳиятини, борлиқнинг муайян шакли ёки турли муносабатларнинг мавҳум тушунчавий образи эканини, яъни инъикос шакли эканини талабалар деярли билмайди. Фаннинг фундаментал, тизим ярагувчи асосий тушунчасини аниқ билмайдиган талаба фаннинг ўзини ҳам қониқарли ўзлаштира олмайди.

Синергетик, структуралистик, семиотик, конструктивистик ва бошқа замонавий усуллар тўғрисида-ку гапирилмаса ҳам бўлади. Ҳатто анъанавий усул ва ёндашувларни қўллашда хатоликлар бор. Саволлар қўйилиши ва кетма-кетлигида изчиллик йўқ. Асосан фактларни, воқеа, ҳодисаларни ёки республика конституцияси, қонунлар ва бошқа расмий ҳужжатлардаги, обрўли шахслар нутқлари, китобларидаги фикрларни баён қилиш билан чекланилган. «Миллий ғоя тарихи ва назарияси» фан дастурига, назаримизда, миллий ғоялар шаклланиши тарихи ва эволюциясига бағишланган кўшимча иккита мавзу киритиш зарур. Миллий ғоялар кишилар тарихий бирликларининг муайян даврдаги консолидацияси, миллий озодлигини сақлаш, тиклаш, мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг кишилар тарихий бирликлари эволюцияси билан боғлиқлиги масаласига урғу берилиши лозим.

Янги даврда Европада миллий ғоялар дастлаб миллий давлатлар шаклланиши, феодал тарқоқликка, маҳаллийчиликка қарши кураш, умумий адабий тил, умумий миллий бозор учун курашнинг воситаси сифатида ву-

жудга келган ва капиталистик таракқиётга йўл очган эди. Кейин аста-секин ўша миллий ғоялар Европа мамлакатларининг мустамлакачилик ва боскинчилик сиёсатини асослаш томон эволюция қилиб, миллатчилик ва шовинизм ғоясига айланганини талабаларга етказиш лозим.

Миллий ғоя конкрет-тарихий мазмунга эга, асло абстракт (мавҳум) идеалларни ифодаламайди. Миллий ғоя мазмунининг ижобий, бунёдкорлик ёки салбий вайронкорлик, зўравонлик касб этиши, унинг асосига қўйилган ижтимоий мўлжалга, унга миллатчилик унсурлари кириб қолмаслигига, миллий манфаатларнинг умуминсонийлик талабларига қарама-қарши қўйилмаслигига, ёки, аксинча, миллатчилик, миллий эгоизм ғоялари қўйилишига боғлиқ. Бошқа халқларнинг манфаатларига, тили, маданияти, динига беписанд қаралса, миллий ғоя миллатчилик томон оғиб кетади, деструктив, вайронкор кучга, зўравонликни оқловчи сиёсий мафкурага айланади.

Мазкур фан дастури жаҳон тажрибасини таҳлил қилмайди, у асосан мустақил Ўзбекистоннинг миллий ғояси ва мафкураси мазмунини баён қилишга бағишланган. Шундай бўлса-да, миллий ғоямиз тарихига жуда кам эътибор берилган, назариясига эътибор ундан ҳам кам. Кўпроқ баёнчилик ва эътирофлар билан чекланилган. Муаммони қўйиш, таҳлил ва умумлаштириш анча саёз. Илмийликка нисбатан мафкуравийлик устунлик қилади.

Назаримизда, миллий ғоя этнографик тушунча эмаслигини, фақат титул миллатнинг манфаатларини, олий мақсадларини ифодаламаслигини таъкидлаб, унинг умуммиллий (Ўзбекистонда яшовчи барча миллат ва элатларнинг манфаатини ифодалашини), умуминсоний мазмунмоҳиятини очиб бериш керак. Бунда миллат, миллийлик тушунчаларининг турли мазмунда ишлатилиши, масалан, давлат мазмунида (БМТ атамасида), давлат фуқаролари, халқи мазмунида (америка миллати, бразилия миллати), муайян жамиятга тегишлилик, мансублик (миллий ғоя) ва, ниҳоят, анъанавий мазмунда этник мансубликни ҳам англатишини, бизнинг миллий ғоямиз, миллий мафкурамиз давлат мафкураси эмаслигини ҳам, ўзбекларнинг этник мафкураси эмаслигини ҳам талабалар билишлари зарур. Шунда улар бу масалада чалғимайди.



«Этномаданият» фани дастури ҳам методологик камчиликлардан холи эмас. Дастурнинг биринчи мавзуси анъанавий тарзда мазкур фаннинг предмети, мақсад ва вазифаларига бағишланган. Лекин, минг афсуски, уларнинг бирортаси аниқ шакллантирилмаган. Дастурнинг биринчи саволи қуйидагича баён қилинган:

*«Этномаданият атамасининг этно ва маданият сўзлари қўшилмасидан таркиб топган бўлиб, фан сифатида бирор халқнинг келиб чиқиши (бу борада ўзбек халқи), унинг маданияти, турмуш тарзи, маънавий-маърифий хусусиятларини тарихий жараён (давр)ларда раванқ топиб, ҳозирги кунимизгача ривожланиб келаётган маънавий ҳамда маданий меросини ўрганишга қаратилганлиги»* (дастур тузувчиларнинг имлоси ва услуги сақланган – А.Э.). Этномаданият предметини ўта кенгайтириб, унга этнология предметини ҳам киритиш, маданий ва маънавий меросларни эса бир-биридан алоҳида ҳодисалар, деб ҳисоблаш илмий жиҳатдан тўғри эмас. Дастурнинг дастлабки мавзуларида этномаданият асосан халқ ўйинлари ва фольклор сифатида ёритилган. Этномаданиятни ҳақнинг турмуш тарзи ва иқтисодиёти, меҳнат тақсимооти билан боғлашга ҳаракат қилинган. Аммо муаммо етарлича очиб берилмаган, илмий далилланмаган. Баёнчилик бўлиб қолган.

Этномаданият биринчи галда муайян халқнинг табиий-иқлим ва ишлаб чиқариш шароити, бошидан кечирган тарихий воқеалари таъсирида шаклланган миллий менталитети, психологияси, эътиқоди, турмушга, табиатга муносабати, жумладан, фалсафий, диний, ахлоқий, эстетик қарашлари ҳамда урф-одатлари, маросимлари, маиший ирим-сиримларига бориб тақалади. Этномаданият халқнинг яратувчилик фаолиятида, амалий хулқ-атворида, муносабатларида уларнинг предметлашган шаклидир. Дастурда булар ҳақида ё умуман сўз юритилмаган (масала қўйилмаган), ё шунчаки йўл-йўлакай юзаки эътироф этиб кетилган.

«Этник ва ижтимоий хотира» мавзуси. Ижтимоий ва этник хотира асосан ономастика, адабиёт ва санъат асарлари даражасига туширилган. Масала анча тор ва бирёқлама қўйилган. Этник хотира фақат исмлар, ада-

биёт, санъат асарларидагина мужассамланмайди. Ижтимоий хотира эса ундан-да кенг тушунча. Дарвоке, ономастика (исмлар тўғрисидаги тилшунослик йўналиши) ономастика деб берилган, яъни исмлар мистикаси бўлиб қолган. Майли, буни техник хатоликка йўямиз. Этник ва ижтимоий хотира исмлар, жой номлари, адабиёт ва санъатдан ташқари халқнинг жонли ҳаёти, тарих фанида, йилномалар, археологик қазилмаларда, буюк шахсларнинг таржимаи ҳоллари, азиз валий зотлар манокибларида, урф-одатлар, анъаналар, байрамларда ва ҳ.к.да ҳам акс этади. Булар ҳақида фикр юритилмаган. Натижада, этник ва ижтимоий хотира тушунчаларининг мазмуни, унинг ташувчилари яхши очиб берилмасдан қолган. Кейинги мавзу: «Топонимика – этнос онгининг таркибий қисми». Унинг биринчи саволидан ташқари барча саволлари катағон қилинган халқлар этник онгига, туғилган жойидан қувғин қилинишининг оқибатларига бағишланган. Масалага жуда бирёқлама ёндашилган.

Мазкур фан дастурини такомиллаштириш учун қуйидагиларни унга киритиш мақсадга мувофиқдир.

1. Дастурнинг дастлабки мавзуларидан бирига этномаданият ва миллий маданият тушунчаларининг нисбати – айнияти, фарқи ва зиддиятлари тўғрисида алоҳида савол киритиш лозим. Улар муносабати, диалектикаси анча мураккаб, айниқса, кўпмиллатли ва кўпконфессияси мамлакатларда.

2. Ҳозирги замон цивилизацияси, илмий-техника тараққиёти, АКТ, оммавий маданиятнинг этномаданиятга таъсири таҳлил қилиниши ва ҳар томонлама ўрганилиши зарур. Бунга алоҳида мавзу ажратиш керак.

3. Мультикультурализм, «цивилизациялараро тўқнашув» концепцияларига ҳамда миллий маданиятларнинг ўзаро таъсири, бир-бирига яқинлашуви, ушбу жараёндаги ижобий ва салбий тенденцияларни ўрганишга алоҳида мавзу бағишлаш тўғри бўлади.

«Глобаллашув асослари» фани дастурида «Глобаллашув тўлқинлари. Глобаллашувнинг асосий даврлари» деган саволлар 2 ва 3-мавзуларда айнан такрорланган. Глобаллашувнинг мазмун-моҳияти очиб берилмасдан, унга таъсир кўрсатувчи омиллар ҳақида гапирилади.

Аввал «Глобаллашув ва дунёнинг йўналиши масаласи» кўйилиб, кейин ортга қайтилган ва «глобаллашув феномен сифатида» ва изидан «глобаллашув феномени» деган саволлар жой олган. Ушбу саволлар нимаси билан бири-биридан фарк қилади? Учинчи мавзу «Глобаллашувнинг миллий ривожланишга ўтказётган таъсири ва унинг оқибатлари» дея номланган. Фақат мавзунинг охири саволи унга алоқадор, мавзу номининг биринчи қисмини айнан такрорлайди, иккинчи қисми – «оқибатлари» эса хатто эсланмайди. Яъни мавзу бошқа, саволлар бошқа!

Дастурнинг «Сиёсий жараёнлар глобаллашуви» мавзусида глобаллашувнинг сиёсий жараёнларга зиддиятли таъсири, баъзан ўта салбий оқибатлари тўғрисида бирор-та савол кўйилмаган. Глобаллашувнинг фақат ижобий жиҳатлари, халқаро ҳамкорликка оид баёнчилик мазмунидаги саволлар дастурдан жой олган. Ахир «демократияни олга силжитиш», «коррупцияга қарши кураш», «инсон ҳуқуқлари», «демократик кадриятларни ҳимоя қилиш» ниқобидаги «рангли инқилоблар»ни уюштириш амалиёти ҳам глобаллашув туфайли пайдо бўлди. Оқибатлари маълум: Ливия, Тунис, Миср, Ироқ, Сурия, Украина, уларнинг аксариятидаги ички фуқаролик урушлари, сон-саноксиз қурбонлар, миллионлаб қочоқлар, жиноятчиликнинг ўсиши, ноқонуний қурол-яроқ савдоси, одам савдоси, наркобизнеснинг, терроризмнинг бутун дунёга ёйилиши – булар ҳаммаси глобаллашувнинг салбий оқибатларидир. Улар ҳақда ҳам гапириш лозим, фақат ижобий тенденциялар ҳақида эмас.

«Иқтисодий жараёнларнинг глобаллашуви ва миллий манфаатлар» мавзусида ҳам жараённинг фақат ижобий жиҳатларини эътироф этувчи ва ҳамкорлик доирасидаги ютуқларни кўрсатувчи саволлар акс этган. Гўёки дунёда геосиёсий рақобат, неокOLONIALISTIK, неоимпериалистик, «бир кутбли дунёни» (АҚШ) «икки кутбли дунёга» (Россия), хатто «кўп кутбли дунёга» (Хитой ва бошқа мамлакатлар) айлангириш муаммолари йўқдек. Бу муаммо аслида дастурнинг аввалги сиёсий жараёнлар глобаллашуви мавзусида ўрганилиши зарур эди. Буюк давлатлар, хусусан, АҚШ томонидан дунёнинг энергия ва минерал ресурсларга бой ёки ҳарбий-стратегик аҳамиятга

эга минтақаларини ўзлари учун «ҳаётий муҳим зона» деб эълон қилиниши ўша минтақаларда яшаётган халқларнинг иктисодий ва сиёсий манфаатларига мос эмас-ку! Дастур жараёни илмий ўрганадиган компас эмас, балки ижобий мазмундаги мафкуравий ахборотга, тарғиботташвиқотга айланиб қолган. Илмийликдан мафкуравийлик устунлик қилган.

Холис илмий билим бериш, мафкуравийликка оғиб кетмаслик маъносида дастурнинг «Маданият соҳасида глобаллашувнинг моҳияти» мавзуси саволлари анча яхши тузилган. Умуман, битта саволдан бошқалари, талабга жавоб беради. Уларни яна бироз тўлдириш лозим. «Динлараро муносабатларнинг глобаллашуви» мавзуси ҳам анча яхши тузилган. Фақат саволлар, мавзуда белги-ланганидек, динлараро муносабатларга эмас, балки диний қарашлар ва динларнинг глобаллашувига тааллуқли. Шу сабабдан мавзу ифодасини саволларга мослаштириш керак. Саволларнинг ўзига келсак, улар орасига илмий-методологик жиҳатдан унчалик тўғри бўлмаган савол кириб қолган. У шундай тузилган: «Сўфизмда (*тасаввуф*) глобал муаммоларнинг кўтарилиши». Сўфизм Эрон, Мовароуннахр, Хуросонда катта мавқе касб этган сўнгги Ўрта асрларда (XV–XVI асрлар) глобаллашувдан дарак ҳам йўқ эди. Сўфизмнинг шаклланиши ва мумтоз ривожланиши даври (IX; XI–XIV асрлар) ҳақида гапириб ўтиришнинг ўзи ортқча. Глобаллашув даври бўлган замонавий жамиятда эса бирорта мамлакатда сўфизм таъсирчан расмий ҳатто ярим-расмий мафкура ёки ҳаракат эмас. Кўпчилик салафия оқимлари томонидан бидъат сифатида бугун қораланмоқда. Кўриниб турибдики, глобаллашувнинг ўзига ҳам, глобал муаммоларга ҳам сўфизмнинг ҳеч қандай алоқаси йўқ.

«Дунё динлари тарихи» фани дастури, қисқа қилиб айтганда, талабга жавоб бермайди. Биринчидан, саволлар кўйилишига ва сонига кўра, дастур эмас, машғулотлар режаси бўлиб қолган. Иккинчидан, бу асосийси, дин тарихи бўлгандан кейин, динлар ижтимоий-тарихий эволюцияси, улардаги ғоявий оқимларнинг, мазҳабларнинг, ички ва ташқи қурашларнинг тарихи, эволюцияси, қисқача бўлса-да, ёритилиши лозим. Черков (масжид) ва давлат

муносабатлари тарихи ҳам. Ҳозирги даврдаги диний-ғоявий, мафкуравий жараёнларни келтириб чиқарган омиллар ретроспектив таҳлил қилиниши ва улар тарихий жараён билан боғланиши керак эди. Фан дастури амалда диншунослик фанининг қисқача ва муваффақиятсиз такрори бўлиб қолган.

Миллий гоё, маънавият асослари, ҳуқуқ таълими йўналишининг асосий фани «Маънавиятшунослик» дастури тўғрисида. Мазкур фан 5–6 семестрлар давомида ўқитишга мўлжалланган. Тўрт бўлимдан, 31 мавзудан иборат. Унга 374 соат аудитория, 70 соат мустақил ўрганиш соатлари ажратилган.

Дастурга умумий баҳо берадиган бўлсак – эклектика, турли диний ва дунёвий, иррационал ва рационал ёндашувларнинг механик қоришувидан иборат. Илмий ёндашув аксарият ҳолларда унутилган. Аниқ илмий муаммони ифодалаш ўрнини мафкурабозлик ва баъзан публицистик образли пафос эгаллаган. Бир неча мисоллар келтирамиз. «Маънавият ва маърифатнинг ўзаро алоқадорлиги. Шахс ва миллат маънавий тақомилининг ўзаро уйғунлиги» мавзусида шундай савол бор: *«Исломгача маънавият – асотири тафаккурдан миллий ўзликни англаш сари»*. Биринчидан, социумнинг уруғ-жамоа ва қабила каби тарихий бирликларининг ўзлигини англашини ўша давр нуқтаи назаридан миллий ўзликни англаш дейиш мумкинми? (Бугунги кун нуқтаи назаридан, шубҳасиз, миллий онгимиз, маънавиятимизнинг тарихий илдизидир. Чунки ворисийлик қонуни асосида кишилар тарихий бирлигининг юқори шакли ўзидан аввалги тарихий бирликлар онги, маънавиятидаги аҳамиятли ва яшовчан унсурларни ўзлаштиради. Масалан, бугунги ўзбек миллати маънавияти ўзбек элатининг, ўзбек уруғ-қабилаларининг маънавий ютуқларини ўз таркибига олган. Бунга мумтоз адабиётимиз ва қаҳрамонлик эпослари мисолида ҳам амин бўлиш мумкин). Иккинчидан, тафаккур тарзи (асотири тафаккур тарзининг илк тизимлашган шакли) ва ўзликни англаш мутлақо бошқа-бошқа тушунчалардир. Улар бир сатҳда, ёнма-ён турувчи ва мазмунан муштараклик ташкил қилувчи тушунчалар эмас, ўрталарида ворисий ёки иерархик боғланиш йўқ. Тафаккур тарзи асотирий,

диний, мистик ёки анъанавий-дунёвий, илмий, рационал, иррационал ва ш.к. ибораларда таснифланиши мумкин. У фикр юритиш услубидир. Ўзликни англаш эса социумнинг ўз шахсий ва этник, ижтимоий – миллий идентлигини (айниятини), ўтмишини, насл-насабини билишини, ўз манфаатларини тўғри англашини, келажак тараққиёт мақсадларини тўғри тушунишини билдиради. Миллий ўзликни англаш учун кишининг диний ёки дунёвий, материалистик ёки идеалистик фикр юритиши аҳамиятсиз.

Саволларнинг давомини келтирамиз: *«Ислоҳ минтақа маънавияти доирасида миллий маънавиятимиз такомилли ва маърифат йўллари: а) Сунна босқичи – ибрат мактаби; б) Ислоҳ маърифатчилиги босқичи – илм маърифати; в) Тафаккур тариқатлари босқичи – риёзиёт маърифати; 2) Мажоз тариқи босқичи – меҳр маърифати».* Ислоҳ даври маънавиятини босқичларга бўлиш, назаримизда, анча сунъий ва субъектив. «Сунна босқичидан» кейинги «Ислоҳ маърифатчилиги босқичи»да (кейинги босқичларда ҳам) суннага амал қилиш тўхтаганмиди ёки иккинчи даражага тушиб қолдимиз? Ёки Сунна босқичида ислоҳ маърифати масалалари долзарб эмасмиди? Аксинча, ислоҳ маърифатининг асосий ғояси ягона Оллоҳга эътиқод қилиш, мушриклик ва жоҳилий қарашлардан халос бўлиш энг долзарб масалалардан эди. Фақат ифодаси кўпроқ оғзаки эди. Ислоҳ илоҳият илми ва олимлари дастлабки авлодлари шаклланиши давом этаётган эди. Ёзма манбалар энди вужудга келётган эди. Аммо ислоҳ маърифати масаласи – маъжусийликдан, мушрикликдан ислоҳга ўтказиш, ягона Оллоҳга ишонтириш, жоҳилликдан маърифатга ўтказиш аҳамияти жуда баланд эди. Илмий таснифлашда ёки тарихий жараёнларни босқичларга бўлишда, одатда, объектив мезонлар, тамойиллар олинадики, уларга таяниб нарса ва ҳодисалар синфларини бир-биридан аниқ ажратиш мумкин бўлади. Дастур тузувчилар тақлиф қилган тамойиллар субъектив бўлиб, улар асосида ислоҳ ривожланиш босқичларини бир-биридан аниқ ажратиш қийин. Дастур тузувчилари маърифатчилик босқичи деганда, тасаввуфни назарда тутган бўлсалар керак. Маърифат йўллари (шакллари) аталишига келсак – ибрат мактаби, илм маърифати, риё-

зиёт маърифати, меҳр маърифати – бундай тасниф хийла субъективдир, объектив илмий асосга эга эмас. Кўпроқ дастур тузувчилар субъектив тасаввурларини ифодаловчи пафосли бадиий-образли ифодалардир.

Мавзу саволларининг давоми: *«Янги даврда миллий маънавиятимиз такомилининг бош муаммоси – сиёсий ва маънавий тараққиёт масаласи. Хавос ва авом»*. Янги давр деганда дастур муаллифлари мустақиллик даврини назарда тутган бўлсалар керак. Чунки савол мазмунидан шу келиб чиқади. (Маълумки, тарихчилар уни «энг янги давр» дейдилар). Муаллифларга икки эътироз бор: нега фақат «сиёсий ва маънавий ҳаёт уйғунлиги» – бош муаммо? Иқтисодий ва маънавий ҳаёт-чи? Биринчи президентимиз И.А.Каримов бежиз иқтисодиёт ва маънавиятни қушнинг икки қанотига қиёсламаган, сиёсат ва маънавиятни эмас. Иккинчи эътироз: нега ушбу саволдан кейин «хавос» ва «авом» масаласи қўйилган. Мумтоз адабиётимизда халқни хосларга (хавосга) ва саводсиз, маърифатсиз омиларга (авомга) бўлиш урф бўлган. Аслида бу халққа беписанд синфий-табакавий ёндашувдир. Мустақиллик даврига нисбатан бундай ёндашувни қўллаб бўлмади.

Дастурнинг учинчи бўлими «Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари» деб номланган. Унда биринчи бўлимдаги асосий гоюлар яна такрорланган. Фақат улар тарихий мисоллар билан аралаштириб кўпиртирилган. Саволларда яна ўша субъективлик, илмийликнинг заифлиги, масалаларни аралаш-қуралаш қўйиш кузатилади.

Мана дастур мавзуларидан бир намуна: Мавзу «Миллий маънавиятимиз такомилининг асосий даврлари. Ибтидоий жамоа даврида илк маънавият унсурларининг шаклланиши». Биринчи савол: *«Миллий маънавиятимиз такомилининг даврлари»*. Иккинчи ва кейинги саволлар: *«Миллий маънавиятимиз тарихини ўрганишда манбалар аҳволи. Осори-атиқалар ва ёзма ёдгорликлар. Бевосита ва билвосита маълумотлар. Этнографик маълумотлар. Турли манбаларнинг қиёсий таҳлили. Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонида турк эли маънавий такомилининг рамзий ифодаси»*.

*Қадимги маънавиятимизни англаб етиш қийинчиликлари. Уруғ-жамоанинг пайдо бўлиши – дастлабки*

маънавият нишонаси. Ибн Халдун ибтидоий жамоа ва шаҳар жамоаси ҳақида. «Авесто»да ибтидоий жамоа маънавияти унсурларининг акс этиши. Жамшид (Жима вахишта) ҳақидаги асотир. «Авесто»да табиатга муносабат ва ҳозирги экологик муаммолар».

Мавзу саволларини батафсил шарҳлаб ўтирмаймиз. Лекин бир неча фикрларни айтиб ўтамиз. Биринчи савол миллий маънавиятимиз даврлари ҳақида эди. Савол мазмунига қўшимча саволлар ёрдамида аниқлик киритилмасдан ёки даврларга бўлишнинг илмий-тарихий критерийлари (мезонлари) ҳақида сўз ҳам очмасдан, историографик манбаларга ўтиб кетилган. Ва улар орасида Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин»и келтирилган. Мавзу эса, эслатамиз, миллий маънавиятимиз такомил даврлари ва хусусан уруғ-жамоа даврида илк маънавият унсурлари шаклланиши ҳақида кетмоқда. «Фарҳод ва Ширин»да ибтидоий жамиятда миллий маънавиятимизнинг илк куртаклари қандай вужудга келгани ва ривожлангани акс этганми? Навоийдан кейин уруғ-жамоанинг вужудга келиши ҳақида гап кетади ва Ибн Халдуннинг фикрлари эсланади. Ибн Халдуннинг ўзи Навоийдан (XV) кейин келтирилган. На тарихийликка, на мантиқийликка риоя қилинган, ўрта асрлардан кейин қадимги даврга мурожаат этилган. Ибн Халдундан кейин (XIVаср) «Авесто»га қайтилган. Ундаги Жима тўғрисида афсонага ўрин берилган. Аслида асотирлар, ривоятлар ва ҳ.к. аввал, кейин эса илм-фандаги фикрлар келтирилиши зарур, тескариси эмас. Ҳаммаси остин-устин. Бири – тоғдан, бири – боғдан. Ибтидоий жамоа маънавияти ҳақида сўз юритиб «Авесто»даги табиатга муносабатдан ҳозирги экологик муаммоларга ўтилган. Бунисига нима дейсиз? Менимча, бошқа шарҳлар ортикча. Дастурнинг бошқа мавзуларига кирган саволларни таҳлил қилиб ўтирмаймиз. Юмшоқ қилиб айтганда, улар илмийлик ва ўқув предмети талабларига жавоб бермайди.

Магистрлар учун мўлжалланган фан дастурлари илмий-методологик савияси жиҳатидан бакалавр дастурларидан кам фарқ қилади. «Маънавиятнинг илмий методологияси» фани дастуридаги баъзи мавзуларда учрайдиган кўпол хатоларни биз тегишли мавзуларда



айтиб ўтамиз. Дастурда баъзан мавзу бошқа, унинг саволлари бошқа. Масалан, 3-мавзу «Маънавий соҳанинг генезиси ва ижтимоий тарихий эволюцияси ҳақида илмий қарашлар», деб номланган. Лекин маънавиятнинг келиб чиқиши (генезиси) ва маънавий соҳанинг шаклланиши ҳақида бирор сўз йўқ. Бундай ҳоллар устида тўхталиб ўтирмаймиз, фақат конкрет савол илмий жиҳатдан нотўғри бўлса, у ҳақда гапираемиз.

Мулоҳазалар якунида қуйидагиларни таъкидламоқчи эдик. Фан дастурларида илмий-танқидий руҳ деярли йўқ. Асосан баёнчилик, эътироф этиш (бу ҳам анча заиф ва тўлиқ эмас). Муаммолар, уларнинг ечимлари ҳақида кам гапирилган, кўпроқ ютуқлар эътироф этилган. Таҳлил жуда оқсоқ. Кўпинча таҳлил ва умумлаштириш ўрнини мафкуравий муносабат эгаллаган. Ахир таҳлил орқали илмий муаммони, унинг турли қирраларини тадқиқ этишда қўлга киритилган ютуқлар, мавжуд камчиликлар, олдинда ечимини кутаётган вазифалар аниқланади. Таҳлил ва умумлаштиришсиз фан йўқ. Мулоҳазалар исботланмайди, шунчаки баён ва эътирофга айланади, матн илмий эмас, мафкуравий характер касб этади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, унинг ўқув-услубий бирлашмалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаши миллий гоё, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими йўналиши бўйича бакалаврлар ва магистрлар тайёрлаш юзасидан мутахассислик фанлари дастурлари, дарсликлари ва ўқув қўлланмаларини танқидий-ижодий қайта кўриб чиқиши, уларнинг янги авлодини яратишга илмий-педагогик кучларни сафарбар этиши мақсадга мувофиқдир.

## 6. МАЪНАВИЯТНИНГ ГНОСЕОЛОГИК АСОСЛАРИ

Маънавиятнинг ривожланиши бевосита жамият томонидан олам, табиат, ижтимоий борлик, инсон, уларнинг турли-туман ўзаро алоқаларини билиш, орттирган, ўзлаштирган билимларга таяниб жамият ҳаётини, муҳитини, одамларнинг яратувчилик салоҳиятини юксалтириш билан боғлиқ. Инсоннинг ўзаро муносабатларини тартибга

соладиган меъёрларни яратиши ҳаётий тажрибаси да-  
вомида орттирган билимларига боғлиқ. Билиш жараёни  
маънавиятнинг гносеологик асосларини ташкил этади.

Маънавиятни бус-бутун тизим, система сифатида  
олсак, ижтимоий онг шакллари унинг қисмлари ҳисоб-  
ланади. Табиийки, бус-бутунлик ривожланиши унинг  
қисмлари ривожланишига боғлиқ. Ахлоқий онг ва ахло-  
қий маданият юксалса, янги гоёлар, меъёрлар билан  
бойиса, у бутун маънавият мазмунига ижобий, барака-  
ли таъсир кўрсатади. Ахлоқий онг ва ахлоқий маданият  
қашшоқланса, бузғунчи гоёлар унда кўпайса, маънавият  
ҳам маълум даражада йўқотишларга дуч келади. Худди  
шундай ижтимоий онгнинг бошқа ҳар бир шакли ривож-  
ланиши ёки турғунлиги, инқирози бутун маънавиятга  
маълум даражада таъсир қилади.

Ижтимоий онг шакллари ривожланиши, аввало,  
ушбу соҳада жамиятнинг амалий ва назарий билимлари-  
нинг ўсиши, янги билимлар асосида янги гоёлар, меъёр-  
лар, янгича ижтимоий муносабатлар шаклланиши, эски-  
ларининг такомиллашиши билан боғлиқ. Билишнинг ўзи  
қийин, машаққатли ва зиддиятли жараён. У бир чизикли  
ва узлуксиз эмас. Айниқса, нарса ва ҳодисаларнинг мо-  
ҳиятини билиш ҳеч қачон силлиқ кечмайди.

Мазкур жараён билмасликдан билишга, оддий, жўн би-  
лимлардан мураккаб билимларга, нарса ва ҳодисаларнинг  
воқелигидан (намоён бўлишидан) моҳиятини билишга  
томон ривожланади. Моҳиятининг биринчи сатҳидан ик-  
кинчисига, иккинчисидан учинчисига қараб чуқурлашади.  
Инсон, жамият билишдан амалиётга, яратувчиликка ўта-  
ди. Билиш жараёнида кўплаб қийинчиликлар учрайди,  
кўплаб хатоларга йўл қўйилади. Бир бирига тамомила  
зид, бир бирини тўлиқ инкор қилувчи ёхуд мос келмай-  
диган хулосалар, қарашлар, назариялар вужудга келади.  
Баъзи бир хато хулосалар, билимлар, нотўғри тасаввур-  
лар асрлар давомида ижтимоий онгда яшаши мумкин.

Ҳаққоний билимлар қаторида нотўғри, хато билим-  
лар, билиш жараёнининг ютуқлари қаторида камчиликла-  
ри ҳам маънавиятда ўз аксини топади. Ҳаққоний билим-  
лар асл қадриятларни яратса, нотўғри, хато билим-  
лар сохта қадриятлар вужудга келишига сабаб бўлади.

Маънавиятнинг билиш жараёни билан боғлиқлиги унинг юксалишида ёрқин кўзга ташланади. Инсон дунёқараши, ижтимоий онг шакллари турли хил хурофат ва бидъатлардан, урф-одатлар қолоқ унсурлар ва иллатлардан халос бўлиб бораверади. Аммо тўлиқ кутилолмайди. Чунки уларнинг эскилари ўрнига янгилари пайдо бўлиши қаторида инсон кексайиши давомида радикал фикрлашдан аста-секин консерватив ва догматик фикрлашга ўтади. Баъзан турли табиий офатлар, ижтимоий ларзалар (инқилоблар, инқирозлар, урушлар, очарчилик ва эпидемиялар ва ҳ.к.) хурофот ва бидъатни жонлантиради, озиқлантиради. Лекин жамият тараққиёти жараёнида билиш маънавиятни умуман юксалтиради. Инсонпаварлик, тенгхуқуқлилик, ижтимоий адолат, толерантлик, хурфикрлик, виждон эркинлиги, тафаккур эркинлиги каби ғоялар ижтимоий-гуманитар фанлар, адабиёт, санъат ривожланиши жараёнида, жамиятни, инсонни илмий ва бадиий билиш жараёнида вужудга келади ва тарқалади. Маънавиятдаги мавжуд баъзи бир салбий ҳолатлар, бирёқлама қарашлар, айрим замонавий сохта қадриятлар ҳам, афсуски, билишдаги камчиликларга бориб тарқалади.

Билиш асосан тафаккур билан боғлиқ. Инсон сезги органлари – кўриш, эшитиш, таъм, ҳид, тери орқали сезиш органлари берган ахборотни ақли ёрдамида таҳлил қилади, умумлаштиради. Билиш шакллари тафаккур шаклларига ва тарзига мос бўлади. Рационал ва иррационал тафаккур тегишлича рационал ва иррационал билиш шакллари юзага келтиради. Худди шундай метафизик ва диалектик, догматик, релятивистик, эклектик, дунёвий ва диний, асотирий, конкрет образли, бадиий ва илмий тафаккур шакллари ва тарзлари мос равишда билишнинг догматик ва релятивистик, эклектик, дунёвий ва диний, асотирий, бадиий ва илмий шакллари юзага келтиради. Тафаккур тарзи воқеликни идрок этиш ва унга муносабатга кўра, рационал (ақлга, мантиққа асосланган) ва иррационал (ақл ва мантиқ доирасидан чиқадиган, уларга зид ёки ботиний ишончга, ғайришуурий, мистик омилларга таянадиган) каби кўринишларга бўлинади. Бундан ташқари, тафаккур тарзи, аниқроғи, услуги, воқеликни

таҳлил қилишига ва умумлаштиришига кўра, метафизик ёки диалектик бўлиши мумкин. Шундай қилиб, тафаккурнинг гносеологик асослари масаласи оқибат натижада тафаккур тарзи ва шаклларига бориб тақалади.

Назарий тафаккур ҳақида гап кетганда, рационал тафаккур кўпроқ Фарбга, иррационал тафаккур кўпроқ Шарққа хос деган қарашлар анча кенг тарқалган. Аслини олганда, рационал ва иррационал тафаккур тарзи шарқий ва ғарбий тамаддунлар, маданиятлар моҳиятидан, географик омиллар ёки динлар хусусиятидан келиб чиқмайди. Ўтироф этилган омилларнинг барчаси тафаккурга маълум даражада таъсир кўрсатиши мумкин, холос. Европа мамлакатларида, VI–VIII асрларни кўя турайлик, IX–XIV аср охиригача, яъни Уйғониш даври (Ренессанс)гача иррационал тафаккур ҳукмрон эди.

Аксинча, IX–XII асрларда ислом дунёсида илмий тафаккурда рационализм устун эди. Ҳатто ислом илоҳиёти – калом рационализмга таянар эди. Ислом оламида Чингизхон истилосидан кейин маънавият ва рационал тафаккурда чуқур инқироз бошланди. Лекин шунда ҳам XV аср ўрталаригача рационал тафаккур таъсири иррационал ва мистик тафаккурдан кам эмас эди.

Ҳар бир тарихий даврда рационализм ва иррационализмга хизмат қилувчи ижтимоий сабаблар етарли бўлади. Диний асотирий, мистик қарашлар тўлиқ устун бўлган муҳитда, шароитда ҳам инсон рўзгорини тебратиш, ишлаб чиқариш билан шуғулланиш, савдо-сотик қилиш, кўни-кўшнилари ва жамоаси билан турли-туман иқтисодий, ижтимоий, маиший алоқаларни амалга оширишда рационал фикр юритади. Рўзгори учун керакли дон-дун, озиқ-овқат, кийим-кечак, ўтин, рўзгор буюмларини жамғаради, аниқ ҳисоб-китоб қилади. «Тишни берган Худо ризкни ҳам беради», деб мўъжиза кутиб ўтирмайди. Ва, аксинча, динсизлик, меркантилизм, мақсадга мувофиқлик авжига чиққан даврларда ҳам иррационал фикрлаш тўлиқ йўқолмайди. Инсон қандайдир олий ҳақиқатга, олий адолатга, яхшиликка ишонч билан яшайди. Бу ишонч унга руҳий-психологик мадад, ҳаётига яшайдан мақсад беради. Лекин прагматизмга ва технократик қарашларга мойил замонавий жамиятда психологик

омиллардан ташқари иррационализмни озиклантирувчи ижтимоий сабаблар ҳам талайгина. Масалан, ҳозирги замон ғарб рационализи инқироzi сабаблари орасида геосиёсий, сиёсий, ижтимоий-сиёсий омиллар, XX асрда юз берган жаҳон урушлари ва янги термоядро уруши хавфи, ўша пайтлардаги икки тузум ўртасидаги зиддият ва бошқа шу каби сабаблар, демографик ва экологик муаммолар, илмий-техника тараққиёти, АКТ вужудга келтирилган жамият ва табиат, инсон ва жамият, реаллик ва вертуаллик ўртасидаги зиддиятлар бор.

Тафаккурнинг иррационал мазмун касб этишига жуда кўп бошқа сиёсий ва ижтимоий омиллар таъсир кўрсади. Ижтимоий бегоналашув, зулм, ижтимоий кўркув, ижтимоий турғунлик, ҳукмрон мафкуранинг мавжудлиги, ахборот хуружи ва маънавий таҳдидлар, ижтимоий адолатнинг бузилиши, мумтоз кадриятларнинг деформацияга учраши, одамларнинг ижтимоий идеалларга, ҳар хил баландпарвоз ғояларга ишонмай кўйгани ва шу каби омиллар иррационализмни озиклантиради.

Рационализмнинг ривожланишида иқтисодий ҳаётдаги ўзгаришлар сабабли амалий тафаккурнинг мазмунан ва шаклан бойиши катта роль ўйнаган. Амалий тафаккур қадим замонларданок инсоннинг яшаш учун кураш заруратидан келиб чиқиб ривожланган. Аввало, меҳнат куруллари яшаш ва такомиллаштириш, ов қилиш, озик-овқат учун яроқли ўсимликларни топиш, ўзини ҳимоя қилиш қадимги аجدодларимиздан ақл билан иш тутишни талаб қилган. Инсон тараққиётининг турли босқичларида амалий тафаккурда рационал унсурлар кўпайиб бораверган.

Рационал тафаккур ривожланишини такозо этган ижтимоий-тарихий омилларнинг энг қудратлиларидан бири – бу шаҳарларнинг вужудга келиши эди. Нисбатан тор жойда турли маҳаллаларнинг жойлашуви одамлар ўртасидаги муносабатларни қатъий қоида ва меъёрлар ёрдамида тартибга солишни, аҳолининг хавфсизлигини таъминлашни, юқумли касалликлар тарқалишининг, ичимлик суви ифлосланиши ва очликнинг олдини олишни талаб қилар эди. Бу масалаларни ҳиссиёт эмас, фақат ақл ёрдамида ҳал қилиш мумкин эди.

Тафаккурда рационализмнинг узил-кесил устунлик қилиши, охир-оқибатда, индустриал жамиятнинг вужудга келиши билан боғлиқ. Завод-фабрикаларнинг пайдо бўлиши, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришнинг объектив усулларига, уни амалга оширадиган мутахассисларга – оқилона фикрлайдиган инженерлар, техниклар, ҳисобчи-бухгалтерлар, иқтисодчилар, малакали ишчилар ва ш.к.ларга эҳтиёж туғдирди. Бундан ташқари, бозордаги рақобат ишлаб чиқариш воситалари, технологиялар, ишчи-хизматчилар билими ва малакасининг муттасил ўсишини тақозо этди. Бу эса халқ таълими, ўрта махсус ва олий таълим, илм-фан ва технологик кашфиётларнинг юксалишига таъсир кўрсатди. Ишлаб чиқарувчи ўрта асрлардагидек ўз хоҳиши, диди ва кайфиятига қараб эмас, балки объектив заруратга, бозор талабига қараб фаолият юритадиган бўлди. Мактаблар, турли касб-хунар, ўрта махсус ва олий таълим муассасаларининг ҳамда алоҳида илмий тадқиқотлар олиб боровчи институтлар, янги технологиялар, техник ва асбоб-ускуналар яратиш билан шуғулланувчи конструкторлик тузилмаларининг вужудга келиши, айниқса, фундаментал назарий ва амалий фанларнинг юксалиши рационал тафаккурни янада ривожлантирди. Энди тафаккур мазмунига баҳо берганда, унинг нафақат рационал ёки иррационаллиги, шунингдек, янада юксакроқ мезонлар қўлланиб, унинг илмийлиги ёки ноилмийлиги қайд этила бошлади.

Илмий тафаккур шунчаки рационал тафаккур бўлиб қолмасдан, изчил мантикийликка, холис илмий далилларга асосланган теран тафаккурдир. Ноилмий тафаккур эса, мантиқ ва рационалликка асосланганда ҳам, далиллари хатоларидан холи бўлмаган, охиригача текширилмаган, ёки нотўғри усулларга асосланган тафаккурдир. Иррационал тафаккур, ўз-ўзидан аёнки, ноилмий тафаккурнинг бир кўринишидир.

Илмий тафаккурда, умуман илм-фанда, интуитив кашфиётлар, эвристик тафаккур учраб туради. Лекин ички сезги ва топагонлик тафаккури, маълум даражада трансцендентлик мазмунига эга бўлса-да, аслида инсоннинг аввал олган билимларига, қизиқишларига,

интилишларига боғлиқ бўлиб, ғайритабиий ҳодиса эмас. Ньютон бутун олам тортилиш қонунини олма тушгани ёки Менделеев даврий системасини туш кўргани учун кашф этмаган. Улар илмий фаолияти давомида ушбу масалалар билан шуғулланиб келган. Олма тушиши ва туш кўриши туртки бўлган, холос.

Шарқ мамлакатларида мустамлакачилик давригача ўрта асрларда қарор топган эски қоидалар ўзгармай турди, чунки саноат ишлаб чиқариши оилавий ҳунармандчилик даражасида қолиб кетди, шу сабаб мануфактуралар, йирик цехлар, фабрика, заводлар вужудга келмади. Ишлаб чиқариш тақозо этадиган инженер-техник ходимлар, бошқарувчи ва ҳисоб-китоб юритувчи бухгалтерлар, иқтисодчилар каби мутахассислар алоҳида ижтимоий қатлам сифатида шаклланмади. Иқтисодиёт, технологиялар билан боғланган илм-фан, конструкторлик фаолияти, амалий тадқиқотлар ривожланмай қолди. Бу шарқ халқлари онгида рационал тафаккур кенг ёйилишини ва ривожланишини қаттиқ чеклаб қўйди. Диний иррационал тафаккур таъсири сақланиб қолинди. Қолоқликдан қутилиш Шарқ халқларига, жумладан, ўзбек халқига қимматга тушди: улар мустамлакачиликни бошдан кечиришга мажбур бўлдилар.

Тафаккур тарзи оламни акс эттиришда фойдаланадиган воситаларига кўра, конкрет-образли ёки мавҳум тушунчавий, оламни ўрганишга муносабатига кўра, рационал ва иррационал турларга бўлинади. Инсон кўпроқ кундалик турмушда, бадий ижодда асосан конкрет образлардан фойдаланади. Масалан, нарса ва предметларни аниқ тасвирлайди, ранглардан, бўёқлардан, товушлардан, имо-ишоралар ва пластик ҳаракатлардан ва ш.к. ёрқин аниқ воситалардан фойдаланади.

Бирор ҳодисанинг, предметнинг хоссаларини таҳлил қилаётганда, ўрганаётганда, янги хоссаларини излаб, кашфиётларга, амалий ихтиролар қилишга интилаётганда, инсон кўпроқ мавҳум тушунчалар, гоаялар ёрдамида мулоҳаза юритади. Конкрет-образли тафаккурга адабиёт ва санъат, мавҳум тушунчавий тафаккурга эса фан мисол бўла олади. Лекин ҳар иккала тафаккур тарзи нафақат бадий ёки илмий мулоҳазаларда ва асарларда, шунинг-

дек, инсон фаолиятининг бошқа кўринишларида ҳам учрайди. Тафаккур ёрдамида инсон янги билимлар яратди. Янги билимларнинг мазмуни тафаккур услубига, хусусияти ва тамойилларига боғлиқ. Рационал тафаккур рационал билимларни, диний тафаккур диний билимларни, илмий тафаккур илмий билимларни яратди ва ҳ.к.

Тафаккур тарихий шакллари ўзгариши билан одамларнинг онгидаги олам модели ҳам ўзгарди. Анъанавий тафаккурга хос моделда олам марказлашган йирик қуддорлик ва феодал давлатининг ўзига хос самовий нусхасидир. Унинг тепасида Кришнага, Зевсга ўхшаган бош худо ёки иудаизм, христианлик, исломдаги каби ягона, ёлғиз худо турибди. Анъанавий тафаккурда илмий қарашлар диний қарашлар билан аралашиб кетган. Шу сабабдан жамиятнинг барча аъзолари, бир-икки шаккок олимлардан ташқариси олам тузилиши адолатли жамият ва инсон табиати ҳақида анъанавий тасаввурларга эга бўлган.

Тафаккур секуляризациялашуви ва рационаллашуви жараёнида олам, жамият ва инсон тўғрисидаги тасаввурлар, улар асосида яратилган моделлар ўзгарди. Энди бу моделларда диний асотирларга ўрин йўқ эди. Аммо тасаввурларнинг илмийлиги ўз даври фалсафаси ва бошқа фанлари тараккиёт даражаси имкониятлари билан чекланган эди. Бу табиийдир. Тафаккур эркинлиги ўсиши, илм-фан ривожланиши жараёнида бутун олам ва жамият модели ҳақидаги тасаввурлар ёпиқ тизимдан очик ўзгарувчан тизимга қараб эволюция қилди.

Демократик ва эркин жамият қуриш, маънавиятни юксалтиришнинг муҳим фундаментал шартларидан бири – тафаккур эркинлигига кенг йўл очишдир. Эркин тафаккурнинг асосий белгиларидан бири – ижобий маънодаги фаоллик ва мустақилликдир. Лекин бунга эришиш ҳеч бир даврда осон кечмаган. Чунки ҳар бир давр тафаккурга ўзи бериши мумкин бўлган даражадан ортик эркинлик беролмайди. Ҳар бир даврда муайян мафкуравий клишелар, қолиплар, меъёрлар асосида фикрлашнинг барқарор андозалари вужудга келади. Фақат мустақил ва фаол тафаккургина самарали, яратувчи бўлади. Тафаккури бировга қарам киши унинг кўрсатмаларини бажаради,



ижодий ташаббускорлик кўрсата олмайди. Унинг фаоллиги бажарувчи даражасида қолиб кетади, ижодкорлик, яратувчилик даражасига кўтарилмади.

Совет давлатида қарор топган авторитар, маъмурий буйруқбозликка асосланган бошқарув, доҳийпарастлик, коммунистик мафқуранинг яккахукмронлиги тафаккурдаги иррационалистик унсурларни озиклантириб турди ва аста-секин тоталитар тафаккур унсурларини шакллантирди. Тоталитар тафаккур феодализм шароитида эмас, балки давлат бошқарув машинаси, назорат ва ташвиқот-тарғибот усуллари, оммавий ахборот воситалари ривожланган индустриал ва постиндустриал мамлакатларда репрессив авторитар бошқарув шароитида вужудга келади. Феодализм даврида ёппа назорат ўрнатиш имконияти йўқ эди. Феодализм давридаги мафқура авторитар бўлсада, тоталитар даражага кўтарилмаган. Бунга жамиятнинг техник тараққиёт даражаси, хусусан, назорат машинасининг заифлиги имкон бермаган.

Тоталитар мафқура реал ёки ўйлаб топилган таҳдидлар, ҳавойи утопик олий миллий мақсад теварагида қисқа давр мобайнида оммада ташаббус уйғотиши, халқни маълум даражада бирлаштириши мумкин. Буни Сталин ва Гитлер давридаги собиқ СССР ва Германия мисоли тасдиқлайди.

Карл Поппернинг куйидаги фикрида жон бор: «Қадимги ва янги тоталитар ҳаракатларнинг кучи – биз уларга қанчалик ёмон муносабатда бўлмайлик – шунга асосланганки, улар анчайин реал ижтимоий эҳтиёжларга жавоб беришга уринадилар». Тоталитар тафаккур воқеликни ноадекват, яъни бузиб, ноҳаққоний акс эттиради. У, биринчидан, воқеликка тор синфийлик ва партиявийлик ойнаги орқали қарайди. Ижтимоий воқеа ва ҳодисаларга, жамият аъзолари хатти-ҳаракатларига, шахслар фаолиятига сиёсий ва мафқуравий тус беради, уларни ҳукмрон мафқура ва расмий сиёсат нуқтаи назаридан баҳолайди. Лекин унга мудом сиёсий ҳолислик ва илмийлик етишмайди. У жамият ҳаёти казармача бир хил, одамларнинг фикрлаши эса бир чизиқли бўлишига интилади. Қарашлар, фикрлар плюрализмини-ку қўя турайлик, ҳатто ўз мафқураси доирасида ҳам бир вариантликка, бир чизикликка интилади. Шу боис

большевиклар фракционликка қарши тиш-тирноғи билан курашган. Айрим тоталитар давлатларда расман бир неча партия фаолият юритиши мумкин. Аслида эса улар ўрта-сида ҳақиқий тенгҳуққуқликка, очиқ сиёсий ва мафкуравий курашга йўл қўйилмайди. Ҳар хил кўзбўямачиликлар, жамоатчилик фикрини чалғитиш орқали гўёки партиялар кураши ҳақида тасаввур ҳосил қилинади.

Иккинчидан, тоталитар тафаккур мураса нималигини билмайди, тажовузкорликка мойил. Масалан, жанговар атеизмда ва сиёсий, мафкуравий муҳолифларини таъқиб қилишда юқорида қайд этилган хусусиятлар яққол намоён бўлади. У ўз қарашларини жамиятга, кишилар онгига зўравонлик билан мажбурлаб сингдиришга интилади. Тоталитар тафаккур коммунистик, атеистик мафкурага эмас, диний мафкурага ҳам асосланиши мумкин. Унда баъзи бир ҳолатлар шаклан тесқари намоён бўлса-да, моҳияти ўзгармайди. Масалан, улар ҳам ўз мафкураларини, қарашларини зўравонлик, тазйиқ билан сингдиришга, вазиятга қараб, оммавий зўравонликларни, репрессияларни (ёки террорчиликни) амалга оширишдан қайтмайди. Тоталитар тафаккур ЖАР ва собиқ Жанубий Родезияда аввалги тузум давридагидек ашаддий ирқчиликка, апартеидга ёки баъзи бир мамлакатларда бўлганидек, фашистик мафкурага асосланиши мумкин. Унда ҳам моҳият ўша-ўшалигича қолади.

Учинчидан, тоталитар тафаккур раҳбар фикрларига кўр-кўрона итоат этади. Уларни танкидий қабул қилишга мутлақо ожиз. Бу борада унга нафақат мустақиллик, шунингдек, ирода ҳам етишмайди.

Бошқа томондан, тоталитар тафаккур ташувчиси ўзига нисбатан хизмат поғонасида паст турган киши фикрини тўлиқ инкор этиши, ҳеч иккиланмасдан бу фикр устидан, унинг тўғри ёки нотўғрилигидан қатъи назар, қулиши, масҳара қилиши мумкин.

Тоталитар тафаккур учун давлат цензураси ва назоратидан ташқари шахснинг «ички цензураси», ўзини-ўзи назорат қилишнинг ўта қучлилиги хос. Чунки тоталитар тафаккур туғилиши замирида ижтимоий кўрқув ва репрессия хавфи ётибди. Инсонга хос ўз жонини сақлаш инстинкти репрессив тоталитар тузум шароитида, Э.Фромм

тўғри таъкидлаганидек, расмий қарашларга зид келади-  
ган ҳар қандай муқобил ғояни онгости қатламига сиқиб  
киритиб юборади.

Тўртинчидан, тоталитар тафаккур мазмунан ўзига хос  
«синкретик» тафаккурдир. Сиёсий ва мафкуравий якдил-  
лик, синфийлик, партиявийлик ва жанговар атеизм унинг  
ички «муштарақлигини» ва бўлинмаслигини таъминлай-  
ди, танқиддан, «ревизионистик» ва «оппортунистик» ун-  
сурлар аралашиб қолишидан ҳимоя қилади (агар у диний  
тоталитар бўлса, гўёки ширк ва куфрдан ва х.к.).

Лекин, шунга қарамасдан, у эклектик тафаккур тарзи-  
дир. Чунки унда рационализм ва иррационализм, илмий-  
лик ва валюнтаризм, коллегиял фикрлаш ва авторитаризм  
унсурлари механик тарзда қоришиб кетган.

Муросасизлик, ўзгача фикрловчилар билан келиша  
олмаслик тоталитар тафаккурни тажовузкорликка (аг-  
рессивликка), муҳолифларини таъқиб қилишга ундайди.  
Зиёлиларнинг аксарияти ва оддий кишилар тузум уни ёт  
фикрловчи кишилар қаторига қўшмасин деб, садоқатини  
ошқора намойиш қилишга интилишининг, ҳукмрон маф-  
курага нисбатан маддоҳлик (мадҳиябозлик) қилиб, турли  
мажлисларда сохта фаоллик кўрсатишининг ҳам сабаби  
аслида ижтимоий кўрқувдир. Агар тоталитар жамиятда  
диний мафкура ҳукмронлик қилса, фуқаролар белгилан-  
ган тартибда ибодатда қатнашади, диний урф-одатларни  
оғишмай ижро этади.

Аён бўлмоқдаки, маънавият мазмуни, илғор ғояларга  
йўғрилиши жамиятда вужудга келган муҳитга ва тафак-  
кур тарзига бевосита боғлиқ. Ижтимоий-сиёсий тузум  
мазмуни, тамойиллари ва тафаккур тарзи маънавиятнинг  
гносеологик асосини ташкил қилади. Тафаккур эркинли-  
гини ва маънавий онг юксалишини таъминлаш учун янги-  
ча дунёқараш ва фикрлаш тарзи шаклланиши зарур. Чун-  
ки тафаккур ижтимоий борлиқнинг механик инъикоси  
эмас ва ўз-ўзидан борлиқ томонидан белгиланиб, вужуд-  
га келиб қолмайди. Бир томондан, унга ижодий фантазия  
ва трансцендентлик хос. Иккинчи томондан, у инерция  
кучига эга. Шу боис анъанавий, авторитар ва қолоқ кон-  
серватив тафаккур унсурлари демократик тамойиллар  
ўрнатилган эркин жамиятларда ҳам авом онгида сезилар-

ли ўрин эгаллаши мумкин. Бошқача айтганда, ижтимоий борлик ўзгариши билан унга мутаносиб равишда ижтимоий онг, тафаккур бирданига ўзгариб қолмайди.

Ўзбекистоннинг ривожланган мамлакатлар қаторига қўшилишга интилиши биздан ҳар қандай арзигулик илмий-техникавий, технологик, иқтисодий, маданий ва ижтимоий янгиликларга, ютуқларга очик бўлган жамият қуришни, ижтимоий онгни, маънавиятнинг ғносеологик асоси – эркин, либерал тафаккурни тарбиялашни талаб қилади.

Маънавиятнинг ғносеологик асослари масаласи ўзининг илмий-методологик жиҳатидан ташқари, аниқ амалий методологик йўналишига эга. Чунки Ўзбекистонда янги жамият барпо этиш ижтимоий онгни, одамларнинг оламга, инсонга ва жамиятга муносабатини ўзгартиришни тақозо этади.

## **7. МАЪНАВИЯТНИНГ ПРАКСИОЛОГИК МАЗМУНИ**

Праксиология – практика (амалиёт), ҳаракатчанлик ва логос (сўз, таълимот) тушунчаларидан ясалган. Праксиология жамиятшуносликнинг ўзига хос соҳаси бўлиб, у турли амалларнинг (ҳаракатларнинг) ёки улар йиғиндисининг, тизимининг услублари (методикаси) самарадорлигини аниқлаш нуктаи назардан ўрганadi. Бошқача айтганда, праксиология амалий ҳаракат усуллари самарадорлиги тўғрисидаги таълимотдир.

Маънавият жамият ва инсон ҳаётининг барча соҳаларига у ёки бу даражада амалий таъсир кўрсатиши туфайли праксиологик мазмун касб этади. Инсон ўз дунёқараши, эътиқоди, кадриятлари, идеалларидан келиб чиқиб бутун оламга, жамиятга, ҳаётга, бошқа кишиларга муносабатини белгилайди. Теварак-атрофда содир бўлаётган воқеаларни, бошқаларнинг ва ўзининг хулқ-атворини, фаолиятини баҳолайди, ҳаётий режалар тузади, уларни амалга оширишга интилади, ўз ҳаётини, фаолиятини олдига қўйган мақсадларига мувофиқ куради. Айнан ушбу ҳолатда маънавиятнинг праксиологик мазмуни юзага чиқади.

Маънавиятнинг праксиологик мазмуни деганда, биринчи навбатда, унинг амалиёт билан боғлиқлиги, охир-оқибат амалиётда (таълим-тарбияда, хулқ-атворда, фаолиятда, яратувчанликда ва х.к.) юзага чиқиши, предметлашиши, маънавиятнинг қайси омиллари қай даражада амалиётга самаралироқ таъсир кўрсатиши, ва, ниҳоят, маънавиятнинг инсон ва жамият ҳаётида муайян вазифаларни бажариши назарда тутилади. Маънавиятнинг праксиологик мазмуни тушунчасидан маънавиятга праксиологик ёндашув тушунчасини фарқлаш лозим. Кейинги тушунча маънавиятга илмий-назарий ёндашувни эмас, илмий-амалий ёндашувни англатади. Яъни маънавиятга жамият ҳаётининг муҳим амалий томони ҳамда маънавиятга инсоннинг, жамиятнинг муайян эҳтиёжларини қондирувчи, инсон ва жамиятни ривожлантирувчи омил сифатида қарабини билдиради.

Маънавиятнинг праксиологик мазмуни ва унга праксиологик ёндашув, биринчи навбатда, маънавий тарбияда, умуман, тарбиянинг барча йўналишлари ва кўринишларида намоеън бўлади. Тарбия тўлиғича маънавиятга қиради: иқтисодий тарбия, касбга ўргатиш, меҳнат тарбиясининг турли кўринишлари, жисмоний тарбия ҳам маънавиятга тааллуқли, иқтисодга ёки бошқа бир соҳага эмас. Чунки улар инсон онгига, тафаккурига таъсир қилиш, билимини ошириш, иродасини чиниктириш, яратувчилик салоҳиятини кўтариш орқали инсон шахсини шакллантиради. Иқтисодий ёки касбий тарбия олган кишининг ўз билимлари ва кўникмаларидан амалда фойдаланиши – бу бошқа гап. Чунки уни моддий-иқтисодий эҳтиёжларини қондиришга йўналтиради. Таълим-тарбия жараёни эса, яъни билим бериш, меҳнат, ишлаб чиқариш кўникмаларини ўргатиш, меҳнатга маълум муносабатни шакллантириш – бу маънавият, маънавиятни амалиётда қўллаш. Бошқача айтганда, маънавият праксиологик характерининг намоеън бўлишидир.

Маълумки, инсоннинг ҳар қандай фаолияти аниқ мақсадни кўзлайди. Инсон аввал миясида қиладиган ишининг режасини тузади, қандай натижага эришишини тахмин қилади. Мақсадни белгилаш, уни амалга ошириш воситалари ва усулларини танлаш унинг маъна-

виятига, имон-эътикодига, билимлари ва фойдаланадиган кадриятларига, меъёрлари ва тамойилларига боғлиқ. Кимдир мақсадига етишиш учун ҳеч нарсадан тоймайди, номақбул, бошқаларга ёки жамиятга зарар етказувчи усулларни қўллайди. Эзгулик, раҳм-шафқат, инсоф ва диёнатни унутади ёки уларни ўз фойдасидан келиб чиқиб, бирёқлама талқин қилади. Кимдир, аксинча, ўз олдига эзгу мақсадларни қўяди. Уларни амалга оширишнинг бошқаларга, жамиятга зарар етказмайдиган, ҳатто ҳаммага фойда келтирадиган мақбул усулларини ва воситаларини танлайди. Гап бу ерда фақат буюк, улуғвор мақсадлар ва ишлар ҳақида кетмаяпти. Айтилганлар инсон фаолиятининг ҳамма турларига тааллуқли. Кимдир савдо-сотикда ҳалолликни устун қўйса, кимдир харидор ҳақини тош-гарозидан уриш ёки маҳсулотини ортиқча нархлаш, ҳисобкитобда «ўз фойдасига адашиш»ни ўзига эп билади.

Шундай қилиб, маънавиятнинг праксиологик мазмуни мақсад, усул ва восита танлашда ҳам намоён бўлади.

Мақсад воситани оқлайдими, деган муаммо олимларни кўпдан безовта қилиб келган, турли баҳсларга сабаб бўлган. Италиялик мутафаккир Н.Макиавелли (1469–1527 йиллар) сиёсий мақсадларга эришиш учун давлат бошлиғи умумқабул қилинган одоб-ахлоқ меъёрларига зарур ҳолларда риоя этмаслиги мумкин ёки эзгу мақсад ҳар қандай ноахлоқий воситаларни оқлайди, деган ғояни олға сурган. Тўғри, бундай хато фикрга Н.Макиавеллининг ўзи зўравонлик, ахлоққа, ҳалолликка нисбатан беписанд бўлгани учун келмаган. У жонажон Ватани Италия кучли марказлашган давлатга бирлашиб, гуллаб-яшнашини истар эди. У яшаган даврда Италия турли князликларга бўлиниб кетган, айрим вилоятлари француз, айрим вилоятлари Австрия монархлари ярим мустамлакаси эди. Макиавелли Медичилар 16 аср бошларида вужудга келган вазиятдан фойдаланиб, Италияни бирлаштириши мумкинлигини ҳис қилиб, Медичини бунга рағбатлантириш мақсадида асарини ёзган. Юксак, олижаноб мақсад баъзи ҳолларда давлат бошлиғининг айрим ваъдаларини бузишини оқлайди. Ҳалол лафз ва ваъдадан бундай ҳолларда ҳукмдор устун туради, дейди. Макиавелли фикри бугунги кунгача турли баҳсларга сабаб бўлиб келаётир. Гума-

низм ривожланиши туфайли олимлар мақсадга эришиш усуллари инсонга зарар етказса, ахлоққа зид келса, зўравонликсиз мақсадга эришишнинг иложи топилмаса, бундай мақсаддан воз кечиш лозим, у қанчалик олижаноб, фойдали бўлмасин, зулм ва зўравонликни, ғайриинсоний, ногуманистик усулларни оқлай олмайди, деган хулосага келишди. Демак, *мақсад ҳар доим ҳам воситаларни оқлай олмайди, ва аксинча.*

Мақсаднинг ўзи эзгуликдан йироқ ёки ҳавойи, ноҳаётий, ҳаёлпарастликка, нотўғри қарашларга, назарияларга асосланса, унга инсонпарвар, мақбул усуллар, воситалар ёрдамида эришиб бўлмайди. Мақсад воситани оқламаслиги ёки ҳавойи, утопистик мақсадга ҳеч қандай воситалар, қурбонлар билан ҳам эришиб бўлмаслигини СССР давлати ва жамияти тақдири (бошқа социалистик мамлакатлар тақдири ҳам) кўрсатди. Социализм ғояси аслида ижтимоий адолат ва тенгликни тарғиб қилар эди. У адолат ва ижтимоий тенгликни қарор топтирувчи, ҳар томонлама уйғун ривожланган эркин инсонни тарбияловчи жамият қуришни мақсад қилиб қўйган эди. «Ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-соадати учун» тамойили социализмнинг асосий шиори эди. Ҳақиқатан, социализм бу борада улкан ишларни амалга оширди. Халқ ёппасига саводхон бўлди, хурофот ва бидъатнинг аксариятидан қутилди. Сиёсий-мафкуравий соҳаларда анча танқидий ва ижодий фикрлашга ўрганди. Маданий савияси кескин ўсди. Амалда янги типдаги инсон шаклланди. Бундан кўз юмиш ярамайди. Лекин ҳаёт социалистик ғоя кўп жиҳатдан ҳавойи, утопик эканини кўрсатди.

Социализмни қуриш усуллари ва воситалари эса зўравонликка, инсон эҳтиёжларини, манфаатларини, фикрлари ва қарашларини писанд қилмасликка, ғоявий муросасизликка, мутаассибликка (синфийлик ва партиявийликка) асосланди. Натижада, социализм қуриш мақсадида миллионлаб одамлар қурбон қилинди, мол-мулкидан, эркинлигидан айрилди, қатағонга учради. Одамларнинг келиб чиқиши, диндорлиги, дунёқарашининг ўзгачалиги уларни таъқиб ва қатағон қилишга сабаб бўлди. Социализм – эзгу мақсад – саробга айланди. Социалистик амалиёт иккиюзламачилик ахлоқини туғдирди. Дохийлар

шахсига сиғиниш, мадҳиябозлик, сўзда, тилда втанпарварлик, фидоийлик, ичида лоқайдлик, тузумга нисбатан танкидий муносабат, маиший ҳаётда, ишлаб чиқаришда ташмачилик, ўғрилик, порахўрлик, қўшиб ёзишлар ва ҳ.к. буни исботлаб турибди. Социализмда ижтимоий ҳаёт сохталикка ва одамлар онгига сингдирилган кўрқувга таянар эди.

Маънавият ва амалиёт муносабатлари анча мураккаб ва зиддиятли.

Бруно Ясенский шундай ёзган: «Душманлардан кўрқма – нари борса улар сени ўлдириши мумкин. Дўстлардан кўрқма – нари борса, улар сенга хиёнат қилиши мумкин. Бефарқ одамлардан кўрқ – улар сени ўлдирмайди ҳам, сотмайди ҳам, фақат уларнинг жим ва бепарво қараб туриши туфайли ер юзида хиёнат ва қотилликлар содир бўлаверади».

Демак, шартли равишда олсак, уч тоифа одамда маънавият ва амалиёт турлича намоён бўлади. Лекин одамлар уч тоифага – дўст, душман ва бефарқларгагина бўлинмайди. Айниқса, ҳозирги инсоний ва ижтимоий муносабатлар ўта хилма-хиллашиб кетган шароитда. Энди кўп ҳолларда инсоний алоқаларда ҳам, давлатларнинг халқаро муносабатларида ҳам прагматик ёндашув, прагматик сиёсат устунлик қилмоқда. Энди инсон кўпроқ дўстлари билан эмас, балки бизнес ёки касбий иши бўйича ҳамкорлари билан мулоқотда бўлади, улфатчилик қилади. Шахсий симпатия ёки антипатия (ёкиш ёки ёқмаслик) – иккинчи даражали бўлиб қолди. Бундай ҳол инсон маънавий-ахлоқий қадриятларини ўзгартираётир. Маънавий-ахлоқий қадриятлар мазмун-моҳияти (онтологияси) ва амалиётда қўлланилиши (праксиологияси) ўртасида зиддият пайдо бўлмоқда.

Мазкур зиддият чуқурлашиб, инсон (шахс) маънавий дунёсининг конфликтига айланса, у ўз ечимини топиши лозим. Ё инсон ўз маънавий-эътиқодий қадриятларидан воз кечиб, бошқа янгича қадриятлар тизимига ўтиши, ё ўзининг мулоқот даврасини, улфатлари даврасини ўзгартириши керак. Кўпинча, ҳаётда инсон дўстларидан, ўз ҳаётининг принципларидан тўлиқ воз кечмаслиги баробарида фойдали алоқалардан, муваққат улфатлардан ҳам воз



кечмайди. Кейингилар давраси, вазиятга қараб, ўзгариб, янгиланиб туради.

Маънавиятнинг праксиологик характери ва мазмуни инсоннинг қандай ижтимоий позиция эгаллаганида, унинг ижодий фаоллиги ёки нофаоллигида ҳам воқелашади. Ҳаётгий позиция – инсоннинг онгли равишда эзгулик ёки ёвузлик томонида, тараққиёт (прогресс) ёки ортга кетиш (регресс), маънавий юксалиш (ўзининг худбинлигидан, нафси, ҳирсига қарамлигидан, бачкана туйғулари ва майда меркантил интилишларидан қутилиш, юксак идеалларга интилиш) ёки маънавий тубанлашишни (нафси, ҳирси, худбинлиги, золимлиги, ноҳалоллиги ва ш.к. ортиши) томонида бўлишини билдиради. Инсон онгли ёки интуитив равишда ўз ҳаётгий позициясини танлайди. У ёки бу томонга, у ёки бу тамойиллар тизимида ўтади. Фақат ўзига ва ҳаётга ўта бефарқ, жамиятдан, ҳаётдан кўнгли қолган ёки ҳали шахс сифатида шаклланиб улгурмаган ўсмир ёшларда ёки маънавий дунёси ўта қашшоқ кишиларда аниқ ҳаётгий позиция бўлмаслиги мумкин.

Маънавиятнинг, унинг доирасида миллий ғоя ва мафкуранинг асосий праксиологик вазифаси инсонга онгли равишда аниқ ҳаётгий позицияни эгаллашни, фаол бўлишни, ўз эътиқоди, позицияси учун кураша олишни тарбиялашдир. Бу бунёдкор гоёларни, юксак ижтимоий идеалларни билиш, уларга интилиш қаторида мафкуравий иммунитетни шакллантиришни билдиради. Мафкуравий иммунитет – маънавият праксиологиясининг намоён бўлиш шаклидир.

Хулоса қиладиган бўлсак, маънавият инсонга турли хил билим, меъёрлар, қоидалар, қадриятлар, ижтимоий мўлжал, идеал бериш орқали праксиологик мазмун касб этади. Инсон мақсад ва воситалар танлашда, амалий ҳаётда маънавиятга, маънавий баҳолар ва талабларга таянади.

Маънавиятнинг праксиологик вазифаларини унутиш, яъни унинг иқтисодий тараққиётдан, сиёсий бошқарув ва суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш вазифаларидан, жамиятнинг амалий ҳаётгидан ажратиш салбий ҳолатларга олиб келади. Жамиятда ғоявий догматизм, ғоявий мутаассиблик кучаяди, дунёқараш тораяди. Инсон камолоти

унинг ички дунёсига, камсукумлиги ва камтарлигига қаратилади, инсоннинг йирик тадбиркорлик, технологик ва ислохотлар қилиш ташаббуслари, моддий ва ижодкорлик эҳтиёжлари етарлича рағбатлантирилмайди. Натижада, жамият ижтимоий-иқтисодий ва интеллектуал қоқоқликка юз тутлади. Бунга мисол қилиб кўплаб мамлакатлар, халқлар тарихини, жумладан, ўз халқимиз тарихини келтириш мумкин. XVI асрдан бошлаб бизда маънавиятнинг праксиологик вазифалари унутила бошланди. Гўё динга, инсоннинг камолотига катта эътибор қаратилди. Амалда эса XIX асрга келиб қоқоқ халққа айланиб, мустақилликдан ажралдик.

Маънавият жамият тараққиётига, аввало, инсон камолоти, таълим-тарбия, ижтимоий идеология орқали таъсир кўрсатади. Инсон таълим-тарбияни дастлаб оилада, боғча ва мактабда олади. Оила ва мактабдан кейин таълим-тарбия жараёнида жамиятнинг аксарият институтлари қатнашади. Жамоатчилик фикри, урф-одатлар, ижтимоий муҳит ҳар бир инсон дунёқарашига, эътиқодига, хулқига, жамиятда ўзини қандай тутишига, ҳатто қандай кийинишига таъсир қилади. Демак, оила, мактаб, маҳалла (қишлоқ), урф-одатлар, жамоатчилик фикри, жамиятнинг таълим-тарбия билан шуғулланувчи барча институтлари маънавиятнинг праксиологик мазмуни ва вазифаларини юзага чиқарувчи воситалардир.

Маънавий қадриятлар адабиёт ва санъат, илм-фан ва дин орқали ҳам ўзлаштирилади. Уларнинг тарқалишида ОАВ, маданият муассасалари, диний ташкилотлар катта роль ўйнайди. Маънавиятнинг ривожланишида, умуман жамиятнинг маънавий ҳаётида давлат сиёсати катта аҳамият касб этади. Давлат сиёсати инсонпарвар ва адолатли бўлса, мамлакатда оқилона ислохотларга барча соҳаларда кенг йўл очилса, шахс ва жамият манфаатлари давлат манфаатлари билан мутаносиб ҳимоя қилинса, кафолатланса, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий юксалишга эришилади. Бундай шароит ва муҳитда фикрлар хилма-хиллиги, тафаккур эркинлиги қарор топади. Демократик муносабатлар, инсон ҳуқуқлари, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти асослари мустаҳкамланади. Тафаккур мафкуравий тазйикдан, босимдан қутилади.

Одамлар турли соҳаларда ва масалаларда ташаббус кўрсатишдан, ўз фикрини, таклифларини очик айтишдан чўчимайди. Жамият эркинлашади ва инсонпарварлашади. Аксинча, давлат зўравонлик сиёсатини юритса, цензура фикрлар хилма хиллигини, тафаккур эркинлигини, демократияни чекласа, иқтисодиёт ҳам, маънавият ҳам турғунликка, инқирозга учрайди.

Муайян жамият маънавиятида етакчилик қиладиган тамойилларнинг мазмун-моҳияти – инсонпарварлиги, эзгулиги, адолатпарварлиги (ёки уларнинг муқобили) – маънавиятнинг инсон камолоти ва жамият тараққиётига таъсир кўрсатиш хусусиятларини, яъни праксиологик хусусиятларини белгилайди.

Маънавиятнинг инсон ва жамиятнинг соғлом эҳтиёжларини рағбатлантириш орқали уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишида, ўзаро мувозанатга келтиришида ҳам унинг праксиологик мазмуни ва вазифалари яна бир бор намоён бўлади. Инсоннинг юксак интилишлари маънавиятга, тубан истаклари маънавиятсизликка алоқадор. Маънавийлик асосида қуриладиган муносабатлар инсон ва жамият ҳаётини энгиллаштиради, инсонийлик, ҳалоллик, ўзаро иззат-ҳурмат, ишонч, меҳр-оқибат, ўзаро ёрдам, жамоавийлик мустаҳкамланади. Аста-секин ижтимоий муносабатлар зўравонликдан ҳалос бўла бошлайди. Ижтимоий ва шахслараро муносабатларни зўравонликдан ҳалос этиш, толерантликни ўстириш ва инсонпарварлаштириш маънавиятнинг муҳим праксиологик вазифаларидан биридир.

Маънавий муносабатлар ўзининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, ахлоқий ва ғоявий-мафкуравий асосларига эга.

Маънавий муносабатларнинг улардан ташқари бошқа ғоявий-мафкуравий асослари ҳам бор. Аввало, маънавий муносабатларга илмий ва диний ғоялар таъсири анча кучли. Дунёвий эътиқод, илмий дунёқарашнинг маънавий муносабатларни такомиллаштириш ва ривожлантиришдаги аҳамияти бекиёслигини алоҳида таъкидлаш лозим. Жамият, бир томондан, тарихий-табiiй ривожланади. Меҳнат қуроллари, ишлаб чиқариш воситалари ва технологиялардаги янгиликлар, ютуқлар тўпланиб бораве-

ради, улар охир-оқибатда барча ижтимоий муносабатлар, шу жумладан, сиёсий, ҳуқуқий, мафкуравий муносабатлар янги сифат босқичига кўтарилиши учун моддий-иқтисодий пойдевор бўлади.

Лекин, иккинчи томондан, ҳар қандай яратувчилик ғояси, бу янги меҳнат қуролиари, асбоб-ускуналар, мураккаб машина-механизмлар бўладими ёки жамиятни бошқариш усуллари, қонунларни, сиёсий, ахлоқий ва диний меъёрларни, урф-одатларни такомиллаштириш бўладими – аввало кимнингдир ёки бир вақтда бир гуруҳ илғор кишиларнинг онгида, шуурида туғилади. Аста-секин бу ғоялар ёйилади, тарқалади. Жамият тарихан ўз умрини яшаб бўлган, эскирган ғояларни, қондалар ва урф-одатларни янгилари, уларга нисбатан анча илғорлари билан алмаштириб боради. Замонавий жамиятда илмий-техник, технологик, ижтимоий-гуманитар, сиёсий ва ҳуқуқий ғояларнинг аксарият кўпчилиги дастлаб илмий ғоя сифатида шаклланган.

Бугунги зиддиятларга, мафкуравий кураш ва геосиёсий рақобатга тўла дунёда одамларнинг онгига, қарашларига, эътиқодига, хоҳиш-истаклари муайян йўналишда шаклланишига таъсир кўрсатиш, манипуляция қилишнинг самарали усуллари яратиш устида кўплаб илмий ва мафкуравий институтлар иш олиб бормоқда. Баъзи бузғунчи ғоялар тарқатилмоқда. Улар ёрдамида ижтимоий-сиёсий барқарорлик бузилмоқда, ички низолар, турли гуруҳларнинг қарама-қаршилиги келтириб чиқарилмоқда. Бошқариладиган хаос уюштирилиб, «рангли инқилоблар» содир этилмоқда. Бунга миллиардлаб маблағлар сарфланяпти. Тажовузкор, ҳар хил мазмундаги реклама, жумладан, сиёсий реклама, ахборот хуружи, турли-туман маънавий таҳдид усуллари, воситалари қўлланилмоқда. Кўпинча улар инсон ҳуқуқлари, сўз ва ахборот эркинлиги каби важлар ёрдамида оқланмоқда ҳам. Булар одамларнинг дунёқарашига, ижтимоий-маънавий муносабатларига зиддиятли, айрим ҳолларда ўта салбий таъсир қилмоқда.

Динни никоб қилиб олган бузғунчи ғоялар ҳақида ҳам шундай дейиш лозим. Айрим ислом мамлакатларида диний-экстремистик оқимлар, гуруҳлар аҳоли онгига тер-

роҳ ва тажовузқор тарғибот орқали ғоявий-мафкуравий мутаассибликни сингдиришга ҳаракат қилмоқдалар. Булар одамларнинг ўзаро муносабатларига ҳам, жамият муносабатларига ҳам салбий таъсир қилмоқда. Ушбу муносабат билан яна таъкидлаш жоизки, бузғунчи ғояларга нисбатан мафкуравий иммунитетни шакллантириш маънавиятнинг бош праксиологик вазифалари сирасига киради.

Шундай қилиб, маънавиятнинг праксиологик характери жамият қандай ривожланишига таъсир кўрсатади. Юқсак маънавият – жамиятнинг олға ривожланиши гарови. Камчиликларга бой маънавият жамиятни зиддиятли ривожлантиради, ижтимоий ларзаларга туртки бўлади. Бузғунчи ғояларга таянадиган мафкурага асосланган маънавият (аниқроғи, маънавиятсизлик) жамиятни чуқур инкирозга, деформацияга дучор қилади.

Маънавият праксиологиясида тарбия бош йўналишни ташкил этишини назарда тутиб, мазкур китобнинг иккинчи қисмини маънавият тарбиясига бағишладик. Шу боисдан китобнинг ўзини «Маънавият методологияси ва праксиологияси» деб атадик.

## 8. МАЪНАВИЯТНИНГ АКСИОЛОГИК ТАМОЙИЛЛАРИ

Аввалги мавзуларда турли муносабатлар билан маънавият – қадриятлар тизими сифатида ҳам мавжудлиги ва баҳолаш, ижтимоий мўлжал бериш, йўналтириш вазифаларини бажариши ҳақида гапирган эдик. Аксиология аксис – қимматли, кадрли ва логос – сўз, таълимот тушунчаларидан яралган. Уни ўзбекчага қадриятшунослик, деб ўгириш қабул қилинган. Маънавиятнинг аксиология билан алоқаларини таҳлил қилиш учун дастлаб қадриятлар тушунчасини кўриб чиқамиз.

Қадриятлар инсон, жамият учун аҳамиятли, уларнинг турли эҳтиёжларини қондириш учун хизмат қиладиган, ҳаётини енгиллаштиришга, юксалтиришга, ижтимоий муҳитни ва муносабатларни яхшилашга қаратилган нарсалар, предметлар, ижобий ғоялар, меъёрлар, идеаллар, тамойиллар, мезонлардир. Уларни моддий ва маънавий

қадриятларга бўлиш мумкин. Моддий қадриятларга табиат, табиий бойликлар, меҳнат воситалари, завод-фабрикалар, моддий маҳсулотлар, шаҳар, кишлоқлар ва шу қабилар киради. Маънавий қадриятларга дунёқараш ва эътиқод асосларини ташкил этувчи илмий-фалсафий, диний, ахлоқий, эстетик, сиёсий, ҳуқуқий, бадиий, конкрет-илмий гоялар, билимлар ва қарашлар, назариялар, таълимотлар киради. Улар илмий, бадиий, диний асарларда, асору атиқаларда, меъморчилик обидаларида, юридик қонунларда, сиёсий мафкурада, урф-одатларда мужассамланади ва аксини топади. Халқ оғзаки ижоди ва амалий-безак санъати ҳам маънавий қадриятларининг юзага чиқиш ва мавжудлик шакллари дир.

Лекин инсон учун нима аҳамиятли, катта қимматга эга, ҳақиқий қадрият нима, деган саволга жавоб бериш осон эмас. Худди шундай моддий ва маънавий қадриятларнинг ўзаро муносабати, инсон учун қайси кўпроқ «фойда» келтириши, аҳамиятлироқ эканлиги жуда бахсли масала. Шу сабабдан илм-фанда бу борада кўплаб бахслар юритилган. Уломалар ўртасида ҳам диний қадриятлар тўғрисида яқдил фикр йўқ.

Аксиология (қадриятшунослик) ёки аксиологик ёндашув борлиқнинг икки жиҳатини: реаллик (воқелик)ни ва маънавиятни инсон учун кадр-қимматга эга хоҳиш-истаклар ва интилишлар объекти сифатида тадқиқ этиш жараёнида вужудга келади. Аксиологиянинг бош вазифаси – борлиқнинг умумий структурасида (тузилмасида) қадрият қандай ўрин эгаллашини ва унинг реалликнинг фактларига қандай муносабатда бўлишини кўрсатишдир. Масалан, бирор рўзғор буюми оила учун керак, фойдали, у оиланинг нормал турмуш кечиришига хизмат қилади, қандайдир эҳтиёжларини тўлдиради. Шу сабабдан у “моддий қадрият” ҳисобланади. Унинг одамлар учун кадр-қиммати амалий фойдалилиги билан белгиланади. Рўзғор буюми оиланинг қанчалик кўп ёки қанчалик мураккаб эҳтиёжларини қондирса, шунчалик оила учун қадри баланд ҳисобланади. Заргарлик буюми-чи? У ҳеч қандай амалий эҳтиёжни қондирмайди. Бироқ рўзғор буюмига нисбатан нархи баланд, гўёки «қадрлироқ». Нега? Гап шундаки, заргарлик буюми одамларнинг биринчи

галда эстетик эҳтиёжларини қондиради, уларни безайди, чиройлироқ кўрсатади. Иккинчидан, заргарлик буюми ўз эгаларининг жамиятдаги мавкеидан, «тўқлигидан», гўёки дидининг нозиклигидан далолат беради. Аслида, мутлако тескари бўлиши мумкин. Диди нозик, зиёли ва юксак маданият соҳиблари ортиқча зеб-зийнатни ёқтирмайди. Зеб-зийнатга муккасидан кетган киши маънавияти чекланган, молпараст ёки мақтанчок, ўз-ўзини кўз-кўз қилишни ёқтирадиган кимса бўлиши мумкин. Заргарлик буюми амалий-безак санъати маҳсулотидир. Уни яшаш жуда катта ижодий маҳоратни, меҳнатни талаб қилади. Бундан ташқари, заргарлик буюми ноёб материаллардан – олтин, кумуш, платина, уларнинг қоришмалари, бошқа кам учрайдиган металллардан, қимматбаҳо тошлардан ясалади. Уларнинг нархи баландлиги ҳам шу икки сабабдан. Лекин масалага тор «фойдалилик» нуктаи назаридан ёндашсак, ҳар қандай амалий аҳамиятга эга нарсаларни қадрият деб аташимизга тўғри келади.

Аслида эса қадрият деганда биз ҳар қандай буюм ва предметни назарда тутмаймиз. Аксинча, кўпроқ шахс ва жамият ҳаёти учун ўта зарур, катта аҳамиятга эга нарсаларни (моддий ёки маънавийлигидан қатъи назар) қадрият ҳисоблаймиз. Масалан, инсоннинг биоижтимоий мавжудот сифатидаги ҳаётий зарур эҳтиёжларини таъминлайдиган нарсалар қадриятдир. Булар тоза ҳаво, тоза сув, қулай иқлим, унумдор тупроқ – табиат, хавф-хатарсиз, тинчлик осойишталикда, аҳиллик ва хайрихоҳлик муҳиtida яшаш, ўз имкониятларини, қобилиятини юзага чиқариш учун одамлар биргаликда меҳнат қилиш, умр кечириш, турли алоқаларга киришиш жараёнида ўзаро муносабатларини тартибга солувчи ахлоқий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маиший, диний ғояларга, меъёрларга, қоидалар, қонунларга эҳтиёж сезадилар. Мазкур ғоялар меъёрлар, қоида ва қонунларнинг энг муҳимлари – миллий ва умуминсоний аҳамиятга эгалари қадрият даражасига кўтарилади.

Одамларда билим олиш, олам сир-асрорини, жамиятни, ўз-ўзини чуқурроқ тушуниш эҳтиёжлари бор. Бу эҳтиёжларни илм-фан, адабиёт ва санъат асарлари қондиради. Бинобарин, энг яхши илмий ва бадий ғоялар,

уларни акс эттирган илмий-бадий асарлар ҳам қадриятдир. Одамлар оилаларга, маҳаллалар, қишлоқ ва шаҳарларга бирлашади. Уларни амалга оширувчи урф-одатлар, анъаналар, байрамлар тизими вужудга келган. Халқнинг урф-одатлари ва ҳ.к. ҳам қадриятдир.

Илмий гоя ва кашфиётларнинг қадриятлилиги масаласи, аниқроғи, уларнинг мезони янада мураккаб ва айрим ҳолларда ўта зиддиятли. Уларни бирёклама баҳолаб бўлмайди. Айтайлик, атом ядросининг парчаланиши билан боглиқ кашфиётлар. Улар, бир томондан, бизнинг билимларимизни, дунёқарашимизни бойитди. Физикада янги йўналиш – ядро физикаси, квант механикаси шаклланди. Ўз навбатида ядро физикаси физиканинг бошқа соҳаларига, бошқа фанларга – механикага, астрономияга, химияга, математикага, биологияга, машинасозликка жуда улкан ижобий таъсир кўрсатди. Дадил айтиш мумкинки, электрон ҳисоблаш машиналари, замонавий компьютерлар биринчи галда ядро физикаси эҳтиёжларини қондириш учун, унинг илмий-ижтимоий буюртмаси туфайли вужудга келди. Ахборот телекоммуникация технологиялари, биотехнологиялар ва генлар инженерияси, кўплаб бошқа замонавий технологиялар билвосита ядро физикаси ютуқлари ва технологияларининг бошқа фанларда қўлланилиши туфайли ривожланди. Лекин ядро физикаси ўз кашфиётлари ёрдамида атом энергияси ва бошқа амалий ютуқлар қаторида атом ва термойдро қуроллари яратди, бутун инсониятнинг ҳаётини, яшаб қолишини хавф остига қўйди.

Ядро физикаси ютуқлари, кашфиётлари – илмий қадрият, ядро энергетикаси – моддий-иқтисодий қадрият, ядро қуроллари эса ҳеч қандай қадрият эмас, дейиш осон. Аммо баъзи сиёсатчилар, жамоат арбоблари фикрига кўра, ядро қуроллари учинчи жаҳон урушининг олдини олди, рақиб мамлакатлар учун ўзаро тийиб туриш механизмига айланди. Чунки ядро урушида ғолиб бўлмасдан, ҳамма кирилиб кетиши мумкин. Ядро қуроллари душман худудига етказишнинг самарали усулини топишга интилиш баллистик ракетасозликни ривожлантирди. Оқибатда космонавтика, илмий-тадқиқот ишларини бажарувчи космик станциялар, ҳатто коинотни ўрганувчи



обсерватория, телекоммуникация йўлдошлари, ердаги, океанлардаги, атмосферадаги ўзгаришларни аниқлаб, ерга узатувчи сунъий йўлдошлар яратилди. Хўш, энди ядро физикаси ютуқларини аксиология нуктаи назардан қандай баҳолаймиз?

Биотехнологиялар ютуқларини баҳолаш ҳам осон эмас. Илмий ғоя сифатида улар, шак-шубҳасиз, илмий кадриятлардир. Биотехнологиялар, генлар инженерияси яратган маҳсулотлар реал фактлар сифатида эса зиддиятли. Ирсий ва айрим оғир касалликларни даволашда, одамларнинг ишдан чиққан аъзоларини сунъий биологик аъзолар билан ёки нанотехнологик аппаратчалар билан янгилаш улкан аҳамият касб этади. Аҳоли сонининг ер юзидида шиддат билан кўпайиб бораётгани, демографик вазиятнинг кескинлашуви, серҳосил ерларнинг янги шаҳар ва қишлоқлар, турар жойлар, завод-фабрикалар, савдо, маиший, маданий объектлар қуришга ажратилиши озик-овқат ва қишлоқ хўжалиги ҳам ашёси билан таъминлаш муаммоларини кескинлаштирамоқда. Ўсимликларнинг сермаҳсул турларини ўстиришни талаб қилмоқда. Гектарига 50–60 центнер ҳосил берадиган ўсимликлар ўрнига 150–200 центнер ва ундан кўпроқ ҳосил берадиган ўсимликлар зарур. Бундай навларни фақат генетик модификациялаш орқали яратиш мумкин. Жаҳонда генетик модификациялашган ўсимликларни экиш майдони йилдан йил катта суръатларда кенгайиб бормоқда.

Иккинчи томондан, генетик модификациялашган маҳсулотлар инсон организмига, бундай маҳсулотларни доимий истеъмол қиладиган кишилардан туғиладиган болаларнинг ирсиятига қандай таъсир қилиши мумкинлигини ҳеч ким билмайди. Балки, салбий таъсир кўрсатмас. Балки, инсоният келажагини хавф остига қўяр. Саволга жавоб йўқ. Демак, уни аксиологик нуктаи назардан баҳолашнинг имкони йўқ.

Биологик қуролларни, панэпидемияларни келтириб чиқарувчи, даволаб бўлмас касалликларни кўзгатувчи вирусларни яратиш, шак-шубҳасиз, ёвузликдир. Шундай қилиб, кадрият сифатидаги гоълар ва улар туфайли яратилган воқелик, предметлар ўртасидаги муносабатлар ўта зиддиятли. Предметнинг ўзи кадрият бўлиши ҳам,

аксилқадрият – ёвузлик бўлиши ҳам мумкин. Бадий ғоялар, образлар ва уларнинг предметлашган шакли асарлар, маданият маҳсулотлари тўғрисида ҳам шундай дейиш мумкин. Фаҳшни, зўравонликни, қотилликни ва инсоннинг бошқа тубан майлларини, эҳтиросларини эстетиклаштириб (жозибали, гўзал қилиб) тасвирлайдиган асарлар, қанчалик юксак бадий маҳорат билан яратилмасин, асл қадрият мақомини ололмайди. Кўпчилик Ғарб олимлари оммавий маданиятга нисбатан умуман қадриятлар тушунчасини қўллаб бўлмаслигини эътироф этмоқдалар.

Қадриятлар масаласи зиддиятли ва мураккаблиги боис унга ёндашувлар ҳар хилдир. Ғарб аксиологиясида қадриятлар назариясининг куйидаги турлари мавжуд: натуралистик психологизм, трансцендентализм, персоналистик онтологизм, маданий-тарихий релятивизм ва социологизм.

Натуралистик психологизм қадрият деганда инсон эҳтиёжларининг биопсихологик талқинини тушунади. Қадриятларнинг ўзлари тажриба орқали амалда кузатишган воқеликнинг, реалликнинг фактлари сифатида қайд этилиши, аниқланиши мумкин. Натуралистик психологизм вакиллари қадриятларни «фойдалилиги» ва «инструменталлиги» асосида стандартлаштиришга эътибор қаратадилар. Таъкидлаш жоизки, қадриятларни қайд этиладиган ҳодиса сифатида талқин қилиш уларни амалда предметлар воқелиги билан чалкаштириб юборишга, предмет ва қадриятни айният деб ҳисоблашга олиб келади. Ҳар қандай фойдали буюм қадрият эмаслиги тўғрисида биз юқорида гапириб ўтган эдик.

Аксиологик трансцендентализмга мувофиқ, қадрият – бу идеал борлик, меъёр борлиғидир. У тажриба билан эмас, балки «соф», трансцендентал ёки «меъёрий» онг билан айниятдир. Бошқача айтганда, қадрият – бу инсон тасаввуридаги мукамал предмет, мукамал, камчиликларсиз, нуқсонларсиз, ўз соҳасидаги эришилган чўққи. У бизнинг онгимизда мавжуд идеаллар тизими. Бирор конкрет нарса ва ҳодисаларга баҳо берганда, биз ўшаларнинг қандай бўлиши лозим, деган хаёлимиздаги идеаллардан келиб чиқамиз. Идеал предмет сифатида

қадриятлар инсоннинг эҳтиёжлари ва хоҳиш-истакларига боғлиқ эмас. Аммо идеал борлиқ реалликка таяниши зарур. Бу зиддиятни ҳал қилишга уриниш аксиологик онтологизм вакиллари инсондан устун турадиган «логос» ғоясини олға суришга олиб келади. Персоналистик онтологизм вакили Шеллер қадриятлар олами реаллиги амалда мавжудлиги илоҳий, «замондан ташқарида аксиологик сериялар» (нусхалар) томонидан кафолатланади, инсон эса уларнинг, яъни илоҳий аксиологик нусхаларнинг номукамал аксидир, деб ҳисоблайди. Шахснинг типи у амал қиладиган қадриятлар иерархияси (поғонаси) билан белгиланади. Қадриятлар иерархияси деганда, қайси қадриятларга устунлик берилиши, қайсиларининг уларга бўйсунуши назарда тутилади. Масалан, эзгулик қадрият сифатида ким учундир шахсий бахт-саодатдан, бурчига содиқлик, оғир дамда хоинлик қилмаслик ўз жонидан, ҳаётдан ҳам устун туриши мумкин. Кимдир ўз ҳаётини бурчидан устун қўйиб, хоинлик қилиши мумкин. Биринчи ҳолда биз бурчига, қасамёдига содиқ қолиб, душман кўлидан ўлим топган кишини қахрамон, ҳақиқий инсон деб, иккинчи ҳолда қўрқоқ, хоин кимса, деб баҳолаймиз. Шахсларнинг типи, шундай қилиб, у амал қиладиган қадриятлар иерархиясига боғлиқ.

Маданий-тарихий релятивизм (нисбийлик) тенгхукукли қадриятлар тизими хилма-хиллиги тамойилига амал қилади. Уларни тарихий метод (усул) ёрдамида билиб олиш мумкин. Қадриятлар тизими нисбий, қотиб қолган эмас, у жамият билан бирга ўзгаради, ривожланади. Қадриятлар нисбийлиги нафақат тарихий жараён давомида, ҳатто бир тарихий давр ичида ҳам намоён бўлади. Чунки қадриятлар турли манфаатлар, эътиқодлар билан боғлангани учун бир вақтнинг ўзида турлича тизимларга бўлинади. Масалага бундай ёндашув ўзининг анча ижобий жиҳатларига эга. У амалда конкрет маданий-тарихий заминдан ажралган, мавҳум абадий қадриятларнинг фақат қандайдир бир тизимини тан оладиган қадриятлар назариясини инкор этади. Бошқа назариялар устида тўхталиб ўтирмаймиз. Юқорида келтирилган фикрлардан аён бўладики, қадриятлар инсон учун аҳамиятли, норматив (меъёрий) характерга эга. Инсон қадриятларга амал

қилишига, мўлжал олишига қараб ўз хатти-харакатини, хулқини, фаолиятини, интилишларини, орзу-ҳавасларини белгилайди.

Кимдир хасис, зикна, молпарастликка мойил бўлади. Унинг учун бойлик барча қадриятларнинг боши, қадриятлар иерархиясида энг юқори поғонани эгаллайди. Кимдир мансабпараст. У юқори лавозимга эришиш учун лаганбардорлик қилади, ўзидан юқори лавозимдаги мансабдорларга ялтоқилик билан хизмат қилади. Зарур бўлса, пора беради. Унинг учун юқори лавозимга эришиш қадриятлар иерархиясида биринчи поғонани эгаллайди. Унинг қадриятлар мўлжали мансабга, бошқалардан устун туришга, хукмронликка, бу орқали обрў-эътибор қозонишга интилишдир. Молпарастлик ва мансабпарастлик орқали бирлашган кишилар жамият учун хавфли шахсларга айланади. Чунки улар мансабни бойлик орттириш манбаига айлантиради. Порахўрликни, коррупцияни авж олдиради, халқ ва давлат манфаатларига, пора олиб, хиёнат қилишдан тоймайди. Албатта, аксарият кишиларнинг қадриятлар мўлжали ижобий. Улар ноинсофликни, ноҳалолликни ўзлари учун номақбул ҳисоблайди. Молдунёдан, мансабдан, шахсий фойдадан ҳалолликни устун қўяди.

Меъёрийликда, инсон кўнгли ва ақлининг мазмун-моҳиятини ташкил қилишда, инсонга юксак туйғулар, орзу-ҳаваслар, мақсад ва идеаллар беришда маънавиятнинг аксиологик моҳияти намоён бўлади. Инсон танлаган мақсад, идеал – бу унинг маънавий ижтимоий мўлжалидир. У қадриятлар тўғрисидаги ўз қарашларидан келиб чиқиб воқеликка, предметлар ва ҳодисаларга, ғоя ва меъёрларга баҳо беради. Қадриятлар мўлжали шахс ички (ботиний) тузилмасининг муҳим унсурини ташкил этади. Улар инсоннинг ҳаётий тажрибаси, барча ижобий ва салбий ҳиссий кечинмалари томонидан мустаҳкамланган. Инсон ўзи учун аҳамиятли, биринчи даражали қадриятларни аҳамияти пастларидан ажратган. Натижада, инсоннинг қадриятлар мўлжали, кенгроқ олинса, ижтимоий мўлжали шаклланади. Инсоннинг қадриятлар мўлжали маънавият таъсирида шаклланади ва маънавий мўлжаллар, маънавият шаклида юзага чиқади. Қадриятлар мўлжали-

нинг шаклланган тизими шахс барқарорлигини таъминловчи онгнинг ўзига хос меҳварини (ўқини, умуртқасини) ташкил этади. Қадриятлар мўлжали эҳтиёжлар ва манфаатлар томон йўналтирилган маълум хулқ-атворни ва фаолиятдаги ворисийликни юзага чиқаради. Шу сабабдан қадриятлар мўлжали шахс мотивацияси (рағбати)ни белгиловчи ва тартибга солувчи омилдир. Қадриятлар мўлжали онг ва онгости даражасида ҳаракат қилади ва инсоннинг иродавий кучини, диққатини ва ақл-заковатини белгилайди. Шахснинг ривожланган қадриятлар мўлжали – унинг етуқлигини, ижтимоийлашиш меъёрини кўрсатади. Ва, аксинча, қадриятлар қашшоқлиги инсоннинг маънавияти ҳам қашшоқлигидан, унинг шахси ички тузилмасида ташқи рағбатлар, объектнинг бевосита таъсири кучлилигидан далолат беради. Яъни у кўзига яхши кўринган нарсани, ёқиб қолган ғояни, фикрни, асарни нотанқидий, ўйламасдан қабул қилади. Улар эса зарарли, бузғунчи, сохта ғоялар билан аралаш бўлиши мумкин.

Ўтмиш ғосору атиқаларимиз, санъатимиз ва адабиётимиз дурдоналари, халқ оғзаки ижоди, урф-одатлари, ахлоқий, бадиий, илмий, диний мероси миллий қадриятларимиздир. Улар аждодлардан авлодларга ўтиб, авайлаб-асраб келинмоқда. Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз ва бошқа шаҳарлардаги меъморчилик ёдгорликлари биз учун қадрли, муқаддас ва маънавий бойликдир. Ал Хоразмий, Форобий, Фарғоний, Беруний, Ибн Сино ва бошқа даҳоларимиз қолдирган илмий мерос, Аҳмад Югнакий, Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Рабғузий, Алишер Навоий, Бобур, Машраб асарлари, ғазаллари ҳам маънавий бойлигимиздир. Ислом илм-фанига, илоҳиётига, фикҳ илмига бекиёс ҳисса қўшган ал-Бухорий, ат-Термизий, Мотурудий, Абул-Муъин Насафий, Барокат Насафий, Марғиноний ва биз номларини қайд этмаган бошқа диний олимларимиз қолдирган мерос халқимиз маънавий қадриятлар хазинасида салмоқли ўрин эгаллайди. Биз улар билан ҳаққоний равишда фахрланамиз. Айни пайтда улар бутун инсониятнинг маънавий бойлигидир. Шу сабабдан улар жаҳоннинг ривожланган тилларига таржима қилинган, хориж мутахассислари томонидан ўрганилиб, тарғиб этилади. Меъморий ёдгорларимизни дунёнинг ҳар

томонларидан туристлар келиб томоша қилади. Уларнинг суратлари туширилган альбомлар, буклетлар, почта маркалари, ҳужжатли фильмлар бутун дунёга тарқатилади. ЮНЕСКОнинг бутун инсониятнинг номоддий, маънавий мероси рўйхатига улар киритилган.

Демак, улар нафақат ўзбек халқи учун, шунингдек, бутун инсоният учун ҳам катта кадр-қимматга эга. Уларда миллийлик билан бир қаторда умуминсонийлик мужассамлашган. Агар миллийлик сохта эмас, ҳақиқий кадриятни ифодаласа, у умуминсонийликка айланади. Асл миллийлик умуминсонийликнинг мавжудлик шаклидир. Ҳеч бир халққа, ҳеч бир миллатга тегишли бўлмаган умуминсоний адабиёт, санъат ёки умуман кадрият йўқ. Жаҳон адабиёти деганда биз Гомер, Софокл, Эсхил, Еврипид, Вергилий, Фирдавсий, Низомий, Деҳлавий, Саъдий, Ҳофиз, Жомий, Навоий, Бобур, Бедил, Данте, Шекспир, Гете, Пушкин, Толстой, Диккенс, Бальзак, Гюго, Чехов, Горький, Жеймс Жойс, Пруст, Камю, Тагор, Маркес, Борхес, Ч. Айтматов, Абдулла Орипов каби даҳо адибларни назарда тутамиз. Лекин улар, биринчи галда, ўз миллий адабиётларининг асл вакиллари дидир. Улар асарларида, аввало, ўз миллати вакиллариининг образларини яратганлар, халқининг руҳий дунёси, ғам-ташвишлари, умид ва орзу-истакларини кўрсатганлар.

Маънавиятнинг ҳамма тузилмаларида миллийлик ва умуминсонийлик нисбати бир хил эмас. Халқ оғзаки ижодида, бадиий адабиёт ва санъатда, урф-одатларда миллийлик кўпроқ. Бадиий тафаккур, ифода ва тасвир воситаларида – бирида максимал (адабий асар тилида), бирида камроқ (мусиқа), бирида жуда кам (тасвирий санъат фойдаланадиган бўёқнинг ўзида) – миллийлик белгилари бор. Асарнинг гоёвий мазмуни, тарғиб этувчи кадриятлари (инсонпарварлик, эзгулик, гўзаллик ва х.к.) эса умуминсонийликдир. Асарнинг бадиий мазмуни асл инсоний кадриятларни миллий ҳаёт, миллий материаллар (образлар) орқали ифодалайди. Шу сабабдан дурдона асарлардан миллатидан, динидан қатъи назар ҳамма завқланади, катта маънавий озик олади. Адабиёт ва санъатнинг бу хусусияти нафақат миллий, айни пайтда умуминсоний аҳамият касб этади.

Адабиёт ва санъатдан фаркли, асл илмий ғоялар, кадриятлар миллий хусусиятга эмас, умуминсоний хусусиятга эгадир. Улар ўз халқидан ташқари бутун инсониятга хизмат қилади, бутун инсониятнинг маънавий мулкига айланади. Эвклид геометрияси, Пифагор теоремаси, ал-Хоразмий алгебраси, Ньютон ва Эйнштейн очган физика қонунлари миллийлик белгиларига; хусусиятларга эга эмас. Уларни ҳар бир халқ ўз тилида ўқиб-ўрганса-да, мазмунан улар тўлиқ умуминсоний аҳамият касб этган, чунки объектив ҳақиқатни ифодалайди.

Адабиёт ва санъат асарларида эса объективлик билан бир қаторда субъективлик бор. Унда миллий менталитет, воқеликни ўзига хос идрок этиш ва ифодалаш, миллий руҳият унсурлари сақланиб қолган. Ҳақиқий, асл дурдона асар миллийлик (шаклда, ифодада, тасвирда, ҳаётий материалда) ва умуминсонийлик (бадий ғояда) чамбарчаслигидир.

Кадриятлардаги объективлик ва субъективлик диалектикаси анча мураккаб ва чалқаш. Эзгулик кадрият сифатида қандай объектив мазмунга эга, деган саволга дабдурустдан жавоб бериш қийин. Чунки эзгулик ғоя, меъёр, баҳо, мезон сифатида нисбий характерга эга. У даврга, халқлар яшайдиган шароитга, фаолият юритувчи ижтимоий гуруҳларга қараб ўзгариб туради. Айни пайтда эзгуликда объективлик, умумийлик, барқарорлик унсурлари бор. Акс ҳолда у кадрият даражасига, мезон даражасига кўтарила олмас эди. Ундаги объективлик, умумийлик, барқарорлик, энг аввало, жамият ривожига ва инсон камолотига хизмат қила оладиган унсурлардир. Инсон ва жамиятга фойда келтирадиган, манфаатларига, соғлом эҳтиёжлари ўсишига хизмат қиладиган, улардаги ижобий жиҳатларни мустаҳкамлайдиган, эркинлиги ва масъулиятини оширадиган, ижодий ва бунёдкорлик ғайратини, ҳаётга, гўзалликка ошурфталигини уйғотадиган ва рағбатлантирадиган меъёрлар, ғоялар, бировга амалий кўрсатиладиган ёрдам, далда берувчи ва қўллаб-қувватловчи сўзлар – ҳаммаси эзгуликдир. Шу боис эзгулик, бошқа кадриятлар каби, жамият ва одамлар томонидан умумий меъёр сифатида қабул қилинади.

Қадриятлар маънавий юксалиш асосидир. Инсон қадриятларни ўзлаштириши, уларни ўз эътиқодига айлантириши жараёнида комиллик томон юксалади. Қадриятларни ривожлантириш авлодлар ўртасида, жамият тараққиётида ворисийликни таъминлайди. Ҳар қандай ғоя ва тушунча, агар миллий манфаатларга, бугунги ва эртанги орзу-интилишларга, тараққиёт талабларига жавоб бермаса, қадрият бўлолмайди. Ушбу ҳақиқатни унутиш, миллий қадриятларни бирёқлама, сунъий равишда улуглаш ва идеаллаштиришга олиб келиш мумкин. Бу эса тараққий этишда жамиятни чалғитади, миллий ман-манликка, ўтмиш билан маҳлиё бўлишга, қадриятлар мўлжалида адашишга олиб келади.

Қадриятлар мўлжаланинг тўғри олинishi жамият тараққиётини тўғри прогнозлаш, илмий асосланган дастурлар ва режалар тузиш имконини беради. Бу ижтимоий ҳаётнинг барча шакллари ва йўналишларига тааллуқли, шу жумладан, маънавий юксалишга ҳам.

## **9. ИЖТИМОЙ ОНГ ШАКЛЛАРИ ВА МАЪНАВИЯТ**

Маънавий онг тизим сифатида ижтимоий онгнинг барча шакллари тааллуқли. Унга ижтимоий онгнинг муҳим, аҳамиятли унсурлари, қадрият даражасига кўтарилган ғоялари, баҳолари, меъёрлари, идеаллари киради. Маънавият ижтимоий онгнинг моҳияти, ўзаги, ядроси. Ижтимоий онг эса маънавиятнинг мавжудлиги, воқелиги, юзага чиқишидир. Фалсафага, динга, ахлоққа, нафосатга, сиёсатга, ҳуқуққа ёки ижтимоий онгнинг бирор бошқа аниқ шаклига тааллуқли бўлмаган маънавият, маънавий ғоя, меъёр ёки қадрият йўқ, бўлиши мумкин эмас. Ҳалоллик, инсонпараварлик, адолат тушунчалари бир вақтнинг ўзида ижтимоий онгнинг бир неча шаклига – ахлоққа, динга, ҳуқуққа тегишли. Тенгҳуқуқлилиқ, демократик эркинлик сиёсий ва ҳуқуқий онг тушунчаларидир. Эзгулик, виждон, бурч, бахт-саодат ахлоқий онг тушунчаларидир. Гўзаллик эса эстетик онга тааллуқли. Ижтимоий онг ва маънавий онг нисбатини қуйидагича тасвирлаш мумкин: маънавий онг ижтимоий онгга кира-



ди, унинг ядросини ташкил этади. Ижтимоий онг шаклларига маънавий онг шакллари мос келади. Аммо ижтимоий онг маънавий онгга нисбатан анча кенг ва анча беқарор.

Ижтимоий онг шакллари бир-бири билан яқиндан боғланган, уларнинг маънавиятга кирадиган қисми маънавий онг даражасида умумий яхлит тизимни ташкил қилади. Шу боис улар ўртасида ўтиб бўлмас чегара йўқ. Улар бир бирига таъсир кўрсатади, бир бирини бойитади, ривожлантиради. Уларнинг бир бирига ўзаро таъсир кўрсатишида маънавият умумий замин ҳамда боғловчи, бирлаштирувчи, тартибга солувчи, бирининг ютуғини иккинчиси ўзлаштиришда узатувчи восита вазифасини бажаради. Ҳар бир ижтимоий онг шакли маънавият билан умумий муштарақлик, алоқадорликдан ташқари, хусусий, конкрет алоқаларга киришади. Бу улардан ҳар қайсининг ягона маънавият тизимида ўзига оид тушунча, ғоя ва мўлжалларни акс эттиришида маънавий онгга тегишли ахборотни, билимни етказиб беришида намоён бўлади. Масалан, ахлоқ ҳақидаги тушунчаларни, ғояларни, билимни, ахлоқий мўлжалларни маънавият сиёсий онгдан эмас, айнан ахлоқий онгдан олади.

Ижтимоий онгнинг бир шаклига оид тушунча унинг бошқа шаклида ҳам қўлланилиши, талқин этилиши мумкин. Биз юқорида айрим тушунчалар, меъёрлар ижтимоий онгнинг бир неча шаклига оидлигига мисоллар келтирдик. Энди ижтимоий онгнинг аниқ бир шаклига мансуб тушунчанинг бошқа шаклда қўлланилишига ва талқин қилинишига мисол келтирамиз. Масалан, бурч – ахлоқий тушунча. Аммо у ҳуқуқ доирасида ҳам қўлланилиши ва талқин қилиниши мумкин. Масалан, амалдорнинг хизмат бурчига содиқлиги. Бурчига хиёнат қилиб ёки совуққон муносабатда бўлиб, уни тўлиқ бажармасдан одамларга, жамиятга, давлатга зарар келтирган киши қонун олдида жавоб беради: ё жиноий, ё маъмурий жазога тортилади. Бурч ҳуқуқда муайян зарурий хатти-ҳаракатни содир этиш ёки этмаслик сифатида талқин қилинади. Виждон тушунчаси ҳам ахлоққа тегишли. Аммо виждон эркинлигини юзага чиқаришда инсон эркин бўлиши қаторида бошқаларга зиён етказмаслиги керак. Буни қонун ҳимоя

қилади ва таъминлайди. Виждон эркинлигини юзага чиқаришда бошқаларга халал берган ёки зиён етказган кимса ҳам, ташкилот ҳам қонун олдида жавоб беради.

Ижтимоий онгнинг муайян шаклига оид ғоя, тушунча унинг бошқа шаклида хусусий ҳолатларни англатувчи, ифодаловчи ғояга, тушунчага айланади. Ижтимоий онг маънавиятнинг мавжудлик ва воқе бўлиш шакли сифатида маънавият билан ўзаро алоқаларда моҳият ва ҳодиса муносабатларини намоён этади. Маънавий онг ижтимоий онгнинг моҳияти, ижтимоий онг маънавий онгнинг воқелигидир. Зарур ҳолларда маънавият ижтимоий онгга, ижтимоий онг эса маънавияга айланади. Масалан, инсон кадр-қиммати, ҳуқуқлари ва эркинликлари, инсонга эъзозли ва ғамхўрли муносабат жамиятнинг эътиқоди, мафқураси даражасига кўтарилса, у ижтимоий онг ҳодисасига айланади. Ижтимоий онгдаги ғоялар одамлар хулқ-атворини, жамият институтлари фаолиятини белгиласа, маънавий ҳаётнинг, маънавиятнинг узвий бўлагига айланади.

Бундан ташқари, ижтимоий онгнинг ҳар бир алоҳида шакли – фалсафа, дин, илм-фан, адабиёт ва санъат, сиёсий онг, ҳуқуқий онг – нисбатан мустақил тизимни ташкил этади ва мустақил ижтимоий функцияларни (вазифаларни) бажаради. Фалсафа ва дин одамларнинг дунёқарашини, эътиқодини, оламга муносабатини шакллантиради. Инсон ва жамият онгининг, бинобарин, маънавий онгнинг ҳам, умуман, маънавий маданиятнинг эътиқодий асосини ташкил этади. Ахлоқ ва ҳуқуқ жисмоний ва юридик шахслар, одамлар, ташкилотлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солади. Ижтимоий ҳаётни маълум томонга йўналтиради, меъёрлаштиради, баҳолайди, баъзи бир хулқ-атворлар, фаолият турларини чеклайди, тақиклайди, баъзиларини рағбатлантиради ва ҳ.к. Эстетик онг, адабиёт ва санъат одамларни «гўзаллик қонунлари бўйича» ўзларини, атроф-муҳитини ўзгартиришга, такомиллаштиришга, ижодкорликка ундайди. Ҳаётда фаол ижтимоий позицияни эгаллашга, яхшиликни ёмонликдан, гўзалликни хунуқликдан, юксакликни (улуғворликни) тубанликдан фарқлашни ўргатади. Инсон қалбини тарбиялайди.

Сиёсий онг жамият ҳаётини ташкил этиш ва бошқарувни такомиллаштиришда, демократик ҳуқуқий дав-

латни қарор топтиришда, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини юзага чиқаришда катта аҳамият касб этади. Бу билан жамият маънавияти ривожланишига кучли таъсир кўрсатади. Айни пайтда сиёсий онгнинг инсонпарварлашуви, либераллашуви ёки авторитар мазмун касб этиши сиёсий режим қаторида жамиятнинг маънавиятига боғлиқ. Муайян мамлакатда миллий консолидация даражаси кучли, адолат, эркинлик ғоялари, маънавият яхши ривожланган бўлса, ҳеч қачон нодемократик сиёсий режимлар ўрнатилмайди. Ҳарбий фитна ва тўнтаришлар орқали бундай режим ўрнатилиб қолганда ҳам, умри қисқа бўлади. Тарих гувоҳлик берадики, қайси мамлакат халқига миллий жипслик етишмаса, турли синфлар, табақалар ўртасида ҳокимият учун талашлар кучайиб, сиёсий парокандалик содир бўлса, ўша мамлакатда турли хил диктатуралар, сиёсий режимлар ўрнатилиши мумкин. Россияда октябрь тўнтариши ва пролетариат диктатураси ўрнатилиши, Германияда Гитлер бошчилигидаги национал-социалистларнинг ҳокимият тепасига келиб фашистик диктатура ўрнатилиши, Италияда Муссолини, Испанияда Франко фашистик режимлари ва бошқа қатор давлатларда ҳарбий режимларнинг қарор топиши турли ижтимоий гуруҳларнинг носоғлом рақобати, миллий жипсликнинг етишмаслиги, маънавий ва сиёсий парокандалик туфайли юз берган эди.

Жамиятнинг фалсафий ва сиёсий онги мамлакат ривожланишида тарихий бурилиш, тарихий янгиланиш юз бераётганда унинг ҳаётига, шу жумладан, маънавий ҳаётига ҳал қилувчи таъсир кўрсатиши мумкин. Тарихий бурилиш, тарихий янгиланиш деганда, жамиятнинг бир ижтимоий-иқтисодий тузумдан бошқасига ўтиши назарда тутилади. Бу борада, айниқса, феодализмдан (аграр жамиятдан) капитализмга (индуриал жамиятга) ўтиш даври кўплаб мисоллар беради. Европада буржуа инқилоблари даврида жамиятнинг сиёсий онги кучли ривожланган, ижтимоий онгнинг бошқа шаклларига қаттиқ таъсир кўрсатган, улар орасида етакчига айланган эди. Аграр жамиятнинг сиёсий тузуми (асосан монархия), бошқарув усуллари, маънавий ҳаётнинг етакчи эътиқодий институти – дин ва черков қаттиқ танқидга учради. Сиё-

сий ғоялар, қарашлар таъсирида революцион йўл билан давлат ва жамият институтлари, маънавий-маданий ҳаёти қайта қурилди. Черков давлатдан, мактаб черковдан ажратилди. Черков цензураси расмий бекор қилинди. Ахлоқ, адабиёт ва санъат зўравонлик воситасида тубдан ўзгартирилмаган бўлса-да, янгича мезонлар, тамойиллар, хурфикрлилик ва ҳуқуқий эркинлик асосида ривожлана бошлади.

Индустриал жамиятда табақавий имтиёзлар бекор қилинди. Қонун олдида ҳамма тенглаштирилди. Қонунчилик асослари ва қонунлар тизими қайта кўриб чиқилди. Натижада, жамиятнинг янги ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданияти шаклланишига замин яратилди. Булар ҳаммаси фуқаронинг ҳеч ким олдида шахсан қарам бўлмаслиги, жамият аъзоларининг тенгҳуқуқлигини, эркинлигини ёқловчи фалсафий ва сиёсий ғоялар, қарашлар таъсирида рўй берди. Фалсафий ва сиёсий қарашлар таъсирида Европада XVIII асрдан бошлаб маънавиятнинг кўплаб соҳаларига танқидий рух, догматизм ва эски қарашларни танқид қилиш, рационал тафаккур, хурфикрлилик, тараккийпарварлик ғоялари кириб келди ва ривожлана бошлади. Инсонпарварликни тушуниш анча кенгайди ва чуқурлашди. Булар жамиятнинг маънавиятига, умуман, ижтимоий ҳаётга каттиқ таъсир кўрсатди. Барча соҳаларда рақобат қарор топди. Индивидуализм кучайди. Одамлар кўпроқ ўз манфаатларини ўйлай, ўз фойдасини кўзлай бошлади. Меҳр-оқибат, баъзи бир анъанавий қадриятлар, ахлоқий меъёрлар деформацияга учради. Янги жамиятга хос ютуқлар, юксалиш, илғор ғоялар билан бир қаторда салбий унсурлар, ахлоқий иллатлар кўпайди.

Илм-фаннинг, биринчи галда табиатшуносликнинг ривожланиши натижасида инсоннинг яратувчилик, ижодкорлик фаолияти кескин ўсди. Илмий билимлар асосида табиий жисмларнинг, ашё ва бойликларнинг физикавий, кимёвий хоссалари, улардан янги маҳсулотлар олиш усуллари кашф этилди. Табиий бойликларни, хом ашёларни қайта ишлайдиган машина ва механизмлар, завод ва фабрикалар яратилди. Бу иқтисодий кескин ривожлантириб, саноат инқилобига олиб келди. Натижада, индустриал жамият тез ривожланди. Ижтимоий-иқтисодий, сиёсий

тузум, маънавий ҳаёт тубдан ўзгарди. Кўриниб турибдики, ижтимоий онг шаклларининг ўзгариши, юксалиши маънавиятни ҳам, жамиятни ҳам тубдан янгилади.

Ижтимоий онг шаклларининг маънавиятга таъсир йўналишлари ҳақида гапирганда, қуйидагиларни таъкидлаш мумкин. Биринчидан, ижтимоий онг, аввало, соф маънавиятга, яъни маънавий онгга таъсир кўрсатади. Инсоний ҳис-туйғулар, ғоялар, меъёрлар, идеаллар ижтимоий онгнинг тегишли шакллари – фалсафа, дин, ахлоқ, нафосат ва ҳ.к. орқали қарор топади. Маънавий онг ижтимоий онгнинг энг муҳим биринчи даражали унсурлари, тузилмаларидан ташкил топган бус-бутунлик ва системавийлик касб этган қисмидир. Иккинчидан, ижтимоий онг предметлашган шаклда маънавий маданиятга айланади. Маънавий маданият тизими ижтимоий онг шаклларига мувофиқ турли маданиятларга бўлинади. Ўз навбатида уларнинг ҳар бири алоҳида тизимни ташкил этиб, таркибий қисмларга бўлинади. Учинчидан, улардан баҳраманд бўлиш, уларни ўзлаштириш жараёнида инсоннинг шахси, маънавий қиёфаси шаклланади. Ижтимоий онгнинг ривожланганлик ва предметлашганлик даражаси жамиятнинг маънавий ривожланиш даражасини, маънавий муҳитни белгилайди.

Тўртинчидан, ижтимоий онг шаклларининг тегишли меъёрларга, кадриятларга, идеалларга айланиши инсоннинг ҳаётий позициясига, ижодий салоҳияти ўсишига таъсир кўрсатади. Ижтимоий онг шаклларининг умуман ва ҳар шаклнинг алоҳида таъсир босқичларини жамият тараққиётининг тарихий босқичлари ҳамда таълим, коммуникация воситалари, матбаа, ахборот технологиялари ва ОАВ ривожланиш даражасидан келиб чиқиб ҳам таҳлил этиш мумкин. Масалани ўрганишга ёндашув қайси мезонлар ва тамойиллар танланишга боғлиқ.

Ижтимоий онг шаклларининг маънавиятга таъсир даражасини ўрганишда онгнинг икки даражаси – кундалик онг, ижтимоий психология ва назарий онг, ижтимоий идеология назарда тутилиши мумкин. Социумнинг турли кўринишларга – алоҳида инсонга (индивидуал даража), оилага, жамоага, турли ижтимоий гуруҳлар, табақалар, синфларга (коллектив даража), бутун халққа (миллий да-

ража) таъсири ҳақида фикр юритиш ҳам мумкин. Социумнинг турли шакллари маънавиятига ижтимоий онг ва унинг ҳар бир шакли бир хил таъсир кўрсатмайди. Ҳар бир кишининг ўз қизиқишлари, эҳтиёжлари, ҳаётий тажрибаси, такрорланмас руҳий-психологик, эмоционал ва ақлий-интеллектуал хусусиятлари бор. Кимдир сиёсатга камроқ кизиқади, адабиёт ва санъатга эса кўпроқ ихлос кўяди. Кимдадир ижтимоий-гуманитар фанларга мойиллик кучли, кимдадир табиатшунослик ва аниқ фанларга. Қизиқишига, мойиллигига, эҳтиёжларига, қобилиятига қараб ҳар бир киши ижтимоий онгнинг муайян шаклларига кўпроқ, бошқаларига камроқ эътибор қаратади. Социумнинг юқорироқ ташкилий шаклларида корпоратив (жамоавий) эҳтиёжлар ва манфаатлар унинг ижтимоий онг шаклларига муносабатини белгилайди.

Нафақат ижтимоий онг шакллари маънавиятга, шунингдек, маънавият ҳам тизим сифатида уларга акс таъсир кўрсатади. Ижтимоий онг шаклларида ҳар бири яхлит система (тизим) бўлган маънавиятнинг қисмларидир. Бинобарин, улар ўртасидаги алоқалар, шу жумладан, ўзаро таъсир қисмининг тизимга, тизимнинг қисмга таъсири кўринишида амалга ошади. Юқорида айилгандардек, маънавият (тизим, система) доирасида ижтимоий онг шакллари (қисмлар) ўзаро бир бири билан боғланади ва бир бирини бойитади.

Маънавиятнинг турли тарихий ривожланиш босқичларида ўша давр тақозо этган етакчи ғоялар, тамойиллар, ҳатто, маънавий онг шакли бўлади. Улар жамият ҳаётининг барча соҳалари, йўналишлари мазмунида у ёки бу тарзда акс этади. Ўрта асрларда дин ва диний ғоялар шундай роль ўйнаган бўлса, Уйғониш даврида инсонпарварлик, Маърифатпарварлик даврида тенгхуқуқлилиқ ва эркинлик, XIX–XX асрларда мустамлака Шарқ ва Лотин Америкаси халқлари маънавиятида миллий озодлик ғоялари асосий роль ўйнади. Адабиёт ва санъат, матбуот ва публицистика, илм-фан, ижтимоий фикр ва қарашлар мазкур ғояларни асослашга ва тарғиб этишга киришади. Илғор зиёлилар онгли равишда мазкур ғояларнинг ташувчиларига ва ривожлантирувчиларига айланади. *Маънавият ижтимоий онгнинг барча шакллари асосий ғояни*

*ҳар томонлама ифодалаш ва ривожлантиришга ундай-ди ва уларнинг мазмунини ушбу ғоялар билан бойитиб, тарихий давр муаммоларига жавоб беришга йўналтиради. Ушбу ғоялар қадриятлар тизимининг бош мезонига, баҳолаш тамойилига айланади.*

Бизнинг халқимиз тарихида шундай аҳволни XIX аср охири XX аср бошларида жадид маърифатпарварлари, зиёлилари, ҳатто илғор, ватанпарвар муллалар фаолиятида кузатамиз.

Маънавият даражасида ижтимоий онгнинг конкрет шакллари бир бирига таъсир кўрсатиши натижасида улар учун умумий мезонлар, баҳолар, қадриятлар вужудга келади. Масалан, гўзаллик ахлоқийлик, эзгулик билан туташади ва аксинча. Бадиий образ мазмуни ахлоқийликка зид келса, гўзал ҳисобланмайди. Хулқатвор бирор ғаразни кўзламаса-да, эзгуликка зид келмаса-да, кўпол, дағал ва кўримсиз бўлса, гўзалликка мос келмаса, ижобий баҳоланмайди. Биринчи ҳолатда биз бадиият, нафосат ҳодисасини фақат эстетик мезонлар ёрдамида эмас, шунингдек, ахлоқий мезонлар ёрдамида ҳам баҳоламоқдамиз. Иккинчи ҳолатда эса ахлоқий ҳодисани баҳолашда эстетик меъёрлардан ҳам фойдаланмоқдамиз.

Худди шундай ягона маънавий тизим доирасида сиёсий онг ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий онг сиёсий онгни, дунёвий эътиқод диний эътиқодни, фалсафий онг илм-фанни, илм-фан фалсафани бойитади. Бу жараёни бирёқлама ва жўн тушунмаслик керак. Бойитиш ҳар икки томондан у ёки бу унсурларни олиб, уларни механик қориштиришни билдирмайди. Ижтимоий онг шаклларининг бир бирини бойитиши ранг-баранг кўринишларда кечиши мумкин. Айрим ҳолларда бу жараён бир биридан тегишли ғояларни, баҳоларни, меъёрларни бевосита қабул қилиш кўринишида кечса, айрим ҳолларда бу методологик ёндашув, таҳлил ва умумлаштириш усулларини ўрганиш, қабул қилиш бўлиши мумкин. Айрим ҳолларда эса ўзаро муҳолифлик, баҳс туфайли ҳар икки томон ўз позициясини, ҳулосаларини асослаш учун мулоҳазаларни чуқурлаштиришга, янги далиллар топишга уринади. Шундай қилиб, улар бир бирини нафақат бевосита, бил-

восита ҳам бойтади. Бунга мисол қилиб, фан ва динни келтириш мумкин.

Маънавият ижтимоий онг шакллари ривожланиши учун, шундай қилиб, умумий асос ролини ўтайди. Маънавий бойликларни, кадриятларни ўзлаштириш жараёнида ҳар бир авлоднинг ижтимоий онги ривожланади. Онгнинг предметлашуви – маданиятга айланиши, истеъмом қилинган маданият маҳсулотининг – онгга айланиши узлуксиз, доимий кечадиган жараёндир. Мазкур жараёнда маънавият ва ижтимоий онг шаклларининг диалектикаси – ўзаро таъсири, бир бирига айланиши, бир бирини бойитиши, улар ўртасидаги муштараклик ва қарама-қаршилик намоён бўлади.

Маънавий меросни, маънавий амалиётни ўзлаштириш ижтимоий онгнинг барча шаклларини бойтади. Ушбу маънода ҳам маънавият ижтимоий онг шаклланишининг асоси, ривожланишининг омили ҳисобланади.

## 10. ИЛМ-ФАН ВА МАЪНАВИЯТ

Илм-фан ижтимоий онг шакли сифатида маънавиятнинг муҳим таркибий қисмидир. У олам, табиат, жамият ва инсоннинг ўзи ҳақида объектив, холис билим беради. Илм-фанда ижтимоий онгнинг бошқа шаклларидан – дин, ахлоқ, эстетик онг, сиёсий онг ва ҳуқуқдан фаркли, алоҳида ҳиссий-эмоционал даража йўқ. Ахлоқда, маълумки, уят, ибо, ҳаё, хурсандчилик, хафа бўлиш, кониқиш, виждон азоби, виждон амри ва ш.к. туйғулар билан боғлиқ ҳиссий-эмоционал даража бор. Ҳиссиёт, туйғулар илм-фаннинг ўзига эмас, балки олимга ҳамда илм-фанни тарғиб этувчи ва ўқитувчи шахсга тааллуқлидир. Илм-фан диндан, ахлоқдан, адабиёт ва санъатдан нафақат ҳиссий эмоционал даражасининг йўқлигига кўра, шунингдек, тушунчаларининг мавҳумлиги, мавҳум тушунчалар ёрдамида мантиқий мулоҳазалар юритиш ва хулоса қилиши билан ҳам фарқ қилади. Адабиёт ва санъат оламни конкрет образлар ёрдамида акс эттиради. Рассом сурат, ранг-буёқ ёрдамида аниқ манзараларни ёки инсоннинг портретини яратади. Сурат ҳаёлий фантастик бўлган тақдирда ҳам, биз уни аниқ қиёфада тасвирланганининг гувоҳи



бўламиз. Картинада рассомнинг ҳис-ҳаёжони, оламни ўзича идрок этиши, айтмоқчи бўлган ғояси тасвирланаётган предмет ҳолатида, кўринишида акс этади. Бастакор товушлар гармонияси ёрдамида, шоир сўзлар ёрдамида асар яратади. Улар яратган образлар аниқ, уларни кўриш, эшитиш, ҳис қилиш мумкин.

Илмий тушунча эса мавҳум, уни кўриб, эшитиб, ҳис қилиб бўлмайди. Уни ақл ёрдамида қисман тасаввур этиш мумкин, лекин кўпроқ у ақл ёрдамида мазмунан тушунилади. Масалан, тезлик, оғирлик, ёруғлик, кўшиш, айириш, бўлиш, кўпайтириш каби тушунчаларни ақл ёрдамида қисман тасаввур этиш мумкин, аммо квадрат илдиз, масса, гравитация, синус, косинус, ирсий код каби бироз мураккаброқ тушунчаларни ақл ёрдамида ҳам тасаввур қилиб бўлмайди. Биз уларнинг мазмуни нимани англатишини биламиз. Улар ёрдамида тегишли фанлар ўз тадқиқотларини ўтказиб, ўрганилаётган предмети тўғрисида объектив, холис илмий ахборотни; ўрганилаётган предметнинг хоссаларини, бошқа предметлар билан алоқасини, фаолият кўрсатишини, ривожланиш қонуниятларини ва ҳ.к. ларни аниқлайди.

Адабиёт ва санъат кўпроқ кўнгилга, инсоннинг ҳиссий эмоционал дунёсига оид бўлса, илм-фан, биринчи навбатда, унинг ақлий дунёсига оиддир. Лекин бу адабиёт ва санъат инсоннинг ақл дунёсига таъсир кўрсатмас экан, дегани эмас. Адабиёт ва санъат олам, инсон, жамият тўғрисида конкрет- образли билим бериб, инсоннинг ақлий ривожланишига, ҳаётий позициясини белгилашига, онгли равишда ўз идеалини шакллантиришига жуда катта ҳисса қўшади. Бежиз Карл Юнг онгостига, онгсизликка оид ҳодисаларни биринчи бўлиб фан вакиллари эмас, балки адиблар, адабиётчилар кашф қилганини эътироф этмаган.

Лекин фан ўрганаётган предметни ҳар томонлама таҳлил этиб, натижаларини умумлаштириб, ўз соҳасига оид умумий, хусусий қонунларни, қонуниятларни, алоқадорликларни кашф этади. Бу билан бизнинг оламни, жамиятни, инсонни тўғри ва теранроқ тушунишимизга имкон беради. Фан ютуқларидан фойдаланиб биз ҳаётимизни обод ва фаровон этамиз, жамиятни такомиллаштирамиз, яратувчилик имкониятларини оширамиз.

Фан жамият ҳаётининг барча соҳаларига – иқтисодиётга, маънавиятга, ижтимоий-сиёсий соҳага бирдай баракали таъсир кўрсатади. Иқтисодиёт ривожланишига фан янги технологиялар, асбоб-ускуналар, механизмлар, замонавий ишлаб чиқариш воситалари, сунъий ва композит хом ашёлар, энергиянинг янги турларини ўзлаштириш, кадрларни янги технологияларга ўргатиш орқали ҳисса қўшади. Маънавият ривожланишига фан ижтимоий онгни холис, илмий ғоялар, тушунчалар, қарашлар, таълимотлар билан бойитиш, илмий дунёқараш ва эътиқодни шакллантириш, ижтимоий онгни хурофот, бидъат, иримириимларга, турли сохта қадриятларга ишонишдан сақлаш, диний ва дунёвий мутаассибликдан қисман ёки тўлиқ халос этиш орқали ҳисса қўшади.

Инсониятнинг дастлабки объектив, холис, тўғри билимлари амалий тажриба орқали тўпланган. Ақлий меҳнат жисмоний меҳнатдан ажралгач, ижтимоий онгнинг алоҳида шакли ва ижтимоий институт сифатида илм-фан вужудга келган. Энди илмий билимлар, ғоялар, қарашлар тизимлаштирилган ва фаолият турларига қараб ихтисослаштирилган. Шундан буён аста-секин илм-фаннинг жамият ҳаётидаги роли муттасил ортиб келган. Иқтисодиётни, одамлар ҳаётини, турмушини оқлона ташкил қилиш, бошқаришни такомиллаштириш эҳтиёжлари, инсон табиатини, руҳиятини, ақлий қобилиятини, соғ-саломатлиги омилларини билиш, табиат ҳодисаларининг хусусиятларини, қонуниятларини холис ва ҳар томонлама аниқлаш эҳтиёжлари, инсоннинг ўз турмушини яхшилаш ва юксалтириш эҳтиёжларини қондириш маънавият ва илм-фан ўртасидаги алоқадорликнинг, муштаракликнинг ижтимоий асосларини ташкил қилади.

Илм-фан, ижтимоий онг шакли ўлароқ, маънавий ҳодиса, маънавиятнинг таркибий қисмидир. У, биринчи навбатда, инсоннинг ақлини, илмий тафаккурини, олам, воқелик ҳақидаги холис ва чуқур билимларини, дунёқарашининг, эътиқодининг илмий-назарий асосларини шакллантиради. Илм-фан шаклан, мазмунан ва ижтимоий вазифаларига кўра ранг-барангдир. Уни қуйидагича таснифлаш мумкин: аниқ фанлар, табиат тўғрисидаги фанлар, жамият ва инсон тўғрисидаги фанлар.

Гуманитар фанларнинг жамият тараққиётига таъсири табиатшунослик фанлариникидан кам эмас. Маънавият тараққиётида эса сезиларли даражада устун. Ижтимоий муносабатларни, ижтимоий институтларни, жамиятни қайта қуриш, давлат бошқарувини, ҳуқуқни ислоҳ қилиш, тузумни ўзгартириш, янгилавиш ва янгиликларни ҳар бир соҳага жорий қилишга қаратилган ғоялар кўпинча дастлаб ижтимоий-гуманитар фанларда олға сурилади. Жамиятга улкан мақсадларни, идеалларни, кадриятлар мўлжалини асосан ижтимоий-гуманитар фанлар беради, уларни ва уларга эришиш йўллари, воситаларини асослайди, одамларни белгиланган мақсад йўлида сафарбарликка чорлайди. Сафарбалликни, ташкилий ишларни эса сиёсий ва жамоат ташкилотлари, яъни давлат ва жамият институтлари амалга оширади.

Шундай қилиб, илм-фан маънавиятнинг интеллектуал, гносеологик, методологик ва кўп жиҳатдан праксиологик асосини ҳамда ушбу вазифаларни бажарувчи алоҳида шаклини, алоҳида тизимини ташкил қилади.

Маънавиятнинг илмийлик мақоми ва мезонлари – мураккаб, чигал масала. Чунки маънавиятда объективлик ва субъективлик, динийлик ва дунёвийлик, рационализм ва иррационализм, кўнгил дунёси ва ақл дунёси бирлашиб, чамбарчаслашиб кетган. Шу сабабдан соф илмий ёки соф ноилмий маънавият йўқ.

Илмийлик кўпроқ назарий онгга тегишли тушунча. Лекин назарий онгда ҳам хато тушунчалар, қарашлар, илмий жиҳатдан хато хулосалар, таълимотлар баъзан учрайди. Илмийликнинг ўзи нисбий ва конкрет-тарихий тушунча. Ўз даври учун илғор, илмий ҳисобланган назариялар фан тараққиёти жараёнида тўлдирилиб ёки қайта кўрилиб, тубдан ўзгартирилиши, ҳатто бекор қилиниши мумкин. Лекин улар бугунги кун талабига жавоб бермасда, ўз даври учун илмийлик мақомини сақлаб қолади. Чунки улар мантиққа, ўша даврда аниқланган илмий далилларга таянган, объектив ҳақиқатни муайян даражада акс эттирган. Демак, маънавиятнинг илмийлик мақоми ва мезони доимий мутлақ ўзгармас эмас, балки нисбий ва ўзгарувчандир. У конкрет-тарихий давр илм-фани тараққиёти даражасидан келиб чиқади.

Илмийликнинг мезонлари нималардан иборат деган саволга қисқача объективлик, рационаллик (оқилоналик ва мантиқийлик), ҳаётий ҳақиқатга, реалликка, давр талабига мос келиш (адекватлик), яъни жамиятнинг ривожланиш тенденцияларини ва тарихий заруратни ҳаққоний, тўғри акс эттириш, ифодалаш дейиш мумкин. Илм-фан доимий ривожланишда. У бойиб, қарашлари ва назарияларига аниқликлар ва ўзгартиришлар киритиб бораверади. Собит, ўзгармас қоидалар, қонунлар ҳар доим ҳам кашф этилавермайди. Кашф этилганда ҳам улар кўпроқ ўша фан ўрганаётган объектнинг элементар ва таркибий тузилмасига, баъзи бир фундаментал алоқаларига тааллуқли бўлиши мумкин. Мисол тариқасида Эвклид геометриясини, Пифагор теоремасини, Архимед қонунини, ал Хоразмий алгебрасини ва ш.к.ларни келтириш мумкин. Улар кўпроқ математикага, механика ва физикага ҳамда бошқа фанларнинг элементар тушунчаларига хос. Мураккаб назарий масалаларни тушуниш, ифодалаш, тадқиқотлар мазмунининг чуқурлашиб бориши ривожланувчан, бинобарин, нисбий – релятивистик жараёндир. Шу боис илмийлик мезонини кўпроқ фан методологияси ва илмий тафаккурга, маънавий даражасида умуман тафаккурга, дунёқарашга нисбатан қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий муносабатларда ижтимоий шерикликка устуворлик берилмоқда. Бу совет даврида қўлланилган ленинча синфийлик ва партиявийлик мезонларидан воз кечилганини билдиради. Турли синфлар, табақалар, гуруҳлар дунёқарашда бир-бирига ўхшамайдиган баҳолар, мафкуравий қарашлар бўлсада, уларни миллий ғоя бирлаштиради. Чунки у халқнинг умумий мақсадларини ифодалайди.

Дунёқараш мазмунига, воқеликни идрок ва акс эттиришига кўра илмий ва ноилмий бўлиши мумкин. Илмий дунёқараш табиат, жамият ва инсон тўғрисидаги турли фанлар берган объектив билимлар негизида шаклланади, уларнинг ҳулосаларига таянади. Нарса ва ҳодисалар хусусиятларини, ривожланиш қонуниятларини, моҳиятини охиригача тушуниб етмаган, ҳали ўрганиш давом этаётган вазиятда у аввал қўлга киритган илмий билимларига, қонунларига, усулларига таянади. Уларнинг қайси

тамонларига аниқлик киритиш, янгилаш, нималар билан бойитиш лозимлигини аниқлайди. У етишмаган билимларни ёки тадқиқот усулларини мистик мулоҳазалар ёрдамида тўлдирмайди, балки ақлий мулоҳазалар ёрдамида ривожлантиришга ҳаракат қилади. Бу мантиқийлик усули дейилади.

Мантиқийлик формал ёки диалектик усулларга таянади. Формал мантиқ хулосалари умумийликдан хусусийлик орқали алоҳидаликка ёки, аксинча, алоҳидаликдан хусусийлик орқали умумийликка келади. Биринчи усул дедукция (дедуктив усул), иккинчиси индукция (индуктив усул) дейилади.

Диалектик мантиқ формал мантиқдан фарқли предмет ва ҳодисаларга барқарор статик нарсалар сифатида эмас, балки доимий ҳаракатдаги зиддиятли, бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтувчи, аввалги ҳолатини инкор этувчи, ривожланувчи ҳодисалар сифатида қарайди. Уларга жараён сифатида конкрет шарт-шароитларни, вазиятни, вақтни (даврни) ҳисобга олиб ёндашади. Жараённинг ўзгаришини, ривожланиш босқичларини аниқлайди. Бу усулда мантиқийлик билан бир қаторда тарихийлик қўлланилади. Диалектик мантиқ миқдор ўзгаришлар маълум шароитда сифат ўзгаришига олиб келишини, дастлабки ҳолат янги сифатда инкор этилишини, янги сифат ҳам ривожланиш жараёнида инкор этилишини (инкорни инкор этиш қонуни юзага чиқади), янги сифат вужудга келишини, бу жараёнда бирламчи ҳолат ва унинг инкорига хос бўлган баъзи жиҳатлар синтез бўлишини тан олади. Шу сабабдан диалектик мантиқ ўзида билиш назарияси ва усулини (методологиясини) мужассам этади. Диалектикада мантиқ, назария ва усул бирлиги юзага чиқади.

Илмий дунёқарашга ҳолислик (объективлик), тарихийлик ва мантиқийлик бирлиги, ижтимоий амалиёт ва фан далиллари билан исботлаш мумкинлиги ҳосдир. Лекин фан ҳар доим ҳам тезда ҳолис далилларни аниқлайвермайди. Бунинг учун баъзан узоқ йиллар давомида тадқиқот олиб бориш талаб этилади. Бу жараёнда баъзан адашишлар юз беради. Шу сабабдан илмий дунёқараш анча зиддиятли, секин, аммо изчил ва барқарор

ривожланади, муттасил бойиб боради. Унга бир-бирини тўлиқ инкор этувчи қарама-қаршиликлар хос эмас.

Фан тараққиёти жараёнида доимо янги илмий муаммолар, демак, янги зиддият пайдо бўлади. Аслида илмий муаммо нима? *Илмий муаммо шу пайтгача муайян фан эришган ютуқлар, ҳал қилган муаммолар натижаси, оқибатидир.* Элементар заррачалар кашф этилиши ва келтириб чиқарган муаммоси физика фанининг Ньютон давридан XIX аср охиригача эришган ютуқлари натижасидир. Элементар заррачаларни Ньютон, Фарадей, Максвелл даврида кашф этиш мумкин эмас эди.

Шундай қилиб, *илмий муаммо – илмий тараққиётнинг ўзига хос якуни, эришган ютуғидир, оқибатидир.* Айни пайтда у ўша фаннинг бундан кейинги ривожланишининг *бошланғич нуқтаси, сабабидир.* Чунки фан янгидан аниқланган муаммонинг ечимини қидиради. Ҳар хил тадқиқотлар, экспериментлар, тажрибалар ўтказилади, ҳар хил усулларни, воситаларни қўллайди. Тажриба, эксперимент учун шу пайтгача қўлланилмаган янги илмий асбоб-ускуналар ихтиро қилинади, янги лабораториялар, курилмалар, илмий текшириш базаси яратилади. Бир вақтнинг ўзида назарий тадқиқотлар олиб борилади, ҳисоблар қилинади, янги тенгламалар, формулалар ўйлаб топилади ва ҳ.к. Охир-оқибат илмий муаммо ҳал қилинади, аммо унинг хулосаси ва якуни сифатида яна янги муаммо юзага чиқади.

Илмий дунёқараш инсон туйғуларини, ҳис-ҳаяжонини, завқ-шавқини, фантазиясини инкор қилмайди. Уларни биофизиологик, психологик, ижтимоий-фалсафий ва бошқа фанлар нуқтаи назаридан тушунтиришга, сабаблари ва таъсир этувчи омилларини аниқлашга ҳаракат қилади. Лекин, тан олиш керакки, бу жуда мураккаб иш, инсон ҳис-ҳаяжонига, туйғуларида оқилона тушунтириш мумкин бўлмаган томонлар кўп.

Илм-фаннинг ўзига эмоционал даража йўқ бўлсада, у ҳам инсоний туйғуларга, ҳис-ҳаяжонга, фантазияга билвосита муҳтож. Биринчидан, ижтимоий туйғулар илм-фаннинг ўзига одамларнинг муносабати қандай бўлишини белгилайди. Иккинчидан, илм-фан вакиллари инсонлардир. Уларнинг кўнгил дунёси қанчалик бой, кў-

таринки бўлса, ишида самара шунча юқори бўлади. Учинчидан, олимга, мутафаккирга ижодий фантазия керак. Ҳар қандай ижод – бу ҳозирча йўқ нарсани, ҳозирча яратилмаган, кашф этилмаган нарсани хаёлан кўра билиш, тасаввур қилишдир. Лекин илмий дунёқараш ҳавойи хаёлпарастлик эмас. Хаёлпарастлик ноилмий дунёқарашга хос.

Ноилмий дунёқараш диний бўлиши шарт эмас. Кундалик онгдаги ноилмий дунёқарашнинг аксар мазмуни диний эмас. Дунёвий қарашларда ҳам ноилмийлик кенг тарқалган. Масалага бир томонлама ёндашув, у ёки бу жиҳатини мутлақлаштириш ёки ҳисобга олмаслик, юқорида таъкидланганидек, хатоларга, фикр ва хулосалар чалкашли, эклетик (қоришиқли), ноилмий бўлишига олиб келади. Ҳақиқий тўғри далилларга таянган қарашларнинг ҳар хил хатолар, ноҳаётий, диний ва мистик тушунчалар билан аралашиб, қоришиб кетиши, барқарор қатъий позициянинг йўқлиги эклектик дунёқараш дейилади.

Эклектик дунёқараш вазиятга қараб товланиб, баҳоларини, муносабатини ўзгартиради. Агар бундай дунёқараш эгаси ахлоқий беқарор инсон бўлса, у сиёсий ва ахлоқий қарашларида вазиятга мослашувчан конформистга, иродаси заиф бўлса, маълум шароитда хоинликка мойил инсонга айланади. Шу сабабдан инсонда дунёқарашни, ҳаётга оқилона муносабатни тарбиялашда унинг онгида турли илмий ва ғайриилмий қарашларнинг механик тарзда қоришиб кетмаслигига эътибор қаратиш лозим. Тўғри, ҳамма масалада инсон «соф илмий» қарашларга эга бўлиши имконсиз. Лекин асосий принципал масалаларда ноилмий қарашлар илмий қарашларга нисбатан устунлик қилишига йўл қўйиб бўлмайди.

Иррационал дунёқараш эгалари орасида нисбатан юксак савияли, турли билимларни эгаллаган, аммо охиروқибатда ҳис-туйғуларга, ижодий интуиция ва даҳо истеъдод имкониятларига, буюк зотларнинг, ижодкорларнинг «қалб кўзи» билан ҳақиқатни кўра олишига ишончи баланд бўлган кишилар алоҳида ажралиб туради. Улар кўпроқ зиёлилар ва ижодкорлар орасида учрайди. Лекин иррационал дунёқараш эгаларининг аксарият кўпчилиги саводи ва билимлари паст, хурофат, бидъат, мистика таъсирига тушган авом кишилардир. Улар баъзан ақл бо-

вар қилмас мўъжизаларга, уйдирмаларга ишонади. Уларнинг ишонувчанлигидан турли алдоқчилар, фирибгарлар, қаллоблар, ромчи-фолбинлар, экстрасенслар, сиёсий авантюристлар ва ш.к.лар фойдаланади.

Христиан мамлакатларида ҳар хил шайтоний мазҳаблар, охири замоннинг мана-мана содир бўлишини кутиб, унга одамларни тайёрлаётган секталар учрайди. Ислоҳ мамлакатларида эса одамларнинг диний қарашларидан ҳокимият учун сиёсий қурашларда фойдаланиш кенгайиб бораётир.

Таълим-тарбиянинг муҳим вазифаларидан бири илмий дунёқарашни, ҳаётга оқилона муносабатни шакллантиришдир. Аммо бу жуда қийин ва мураккаб вазифа. Илмий рационал дунёқарашни нисбий тушуниш керак. Ҳеч бир шахс, ҳатто энциклопедик, қомусий билимларга эга бўлса-да, барча фанларни ўзлаштира олмайди, барча масалалар бўйича тўла-тўқис илмий қарашларга эга бўлмайди. Энг буюк, даҳо шахслар ҳам ўз соҳаларида жуда самарали, янги ғояларни олға суриб, илғор қарашларга эга бўлса-да, бошқа соҳаларга оид кўплаб масалалар бўйича қоқоқ ёки хато фикрловчи бўлиши мумкин. Шу сабаб улар дунёқарашни зиддиятларга тўла. Жаҳон адабиётининг буюк намояндалари О. Бальзак, Л. Толстой, Ф. Достоевский, М. Горький дунёқарашлари бунга мисол бўлади.

Илм-фан арбоблари орасида бундай шахслар адабиёт ва санъат вакилларига нисбатан кам эмас. Иккинчи жаҳон уруши йилларида атоқли немис олимларидан бир қисми, Гитлерни ёмон кўрса-да, фашистик режимга сидқидилдан хизмат қилган эди. Чунки улар ватанпарварликни, ватанга садоқатни сиёсий тузумга хизмат қилиш билан чалқаштирган эдилар. Совет олими акад. А.Д. Сахаров мисоли жуда характерлидир. У совет водород бомбасининг отаси ҳисобланади. Қурулганиш пойғаси даврида СССРнинг АҚШ билан ядро қуруллари борасида мувозанатини таъминлашга, бошқача айтганда, СССР давлат тузумини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшган олимлардан биридир. Лекин 60-йиллар охиридан бошлаб у совет мафкура-сига ва сиёсатига қарши чиқа бошлади.

Олимларнинг илмий ва сиёсий, илмий ва ахлоқий, илмий ва диний қарашларига хос зиддиятларни кўплаб кел-



тириш мумкин. Чарльз Дарвин анча диндор киши бўлган. У олим сифатида турларнинг келиб чиқиши ва эволюцияси (тадрижи)ни тадқиқ этган, назариясини яратган. Кўпйиллик илмий изланишлар, тадқиқотларнинг якуний умумлашмаси ва хулосаси бўлган бу назария Дарвиннинг диний эътиқодига зид чиқиб қолган. Натижада, Дарвин тугал назариясини, ҳамкасблари ва шогирдлари илтимосларига қарамасдан, тириклигида эълон қилмаган. Олимларнинг шахсий дунёқараши зиддиятларига турли илмий мактаблар орасидаги методологик ва концептуал зиддиятлар кўшилиб, манзара янада чигаллашиб кетади.

Маънавий жараёнлар илм-фан тараққиётига таъсир кўрсатади. Таъсир хусусиятлари, кўринишлари турлича кечади. Биринчидан, маънавий жараёнлар илмий тадқиқотларнинг объектига, айрим ҳолларда предметига айланади. Чунки жамият уларнинг мазмун-моҳиятини, ривожланиш тенденцияларини тушунишни, уларни тартибга солишни, ижобий жиҳатларининг таъсирини кучайтиришга, салбийларини юмшатишга ҳаракат қилади. Маънавият тадқиқот объекти сифатида ижтимоий-гуманитар фанларга кўплаб мавзулар, йўналишлар беради. Иккинчидан, маънавиятнинг ўзи, маънавий онгда содир бўлган ўзгаришлар натижасида вужудга келган янги эҳтиёжлар илм-фан олдига янги вазифалар қўяди, ижтимоий буюртма беради. Маърифатпарварлик давридан келаётган маънавиятнинг ижтимоий адолат, инсонпарварлик, тенгҳуқуқлик ғоялари индустриал жамиятда турли-туман утопик социалистик, анархистик, коммунистик таълимотлар яратилишига, капиталистик бозор муносабатларини, умуман капиталистик тузумни танқид қилувчи ҳар хил назариялар, уларга муқобил равишда капитализмни ёқловчи, ҳимоя қилувчи назариялар, янги ижтимоий-гуманитар фанлар (социология, ижтимоий психология, политология кабилар) пайдо бўлишига таъсир кўрсатди. Мумтоз ижтимоий-гуманитар фанларда ҳар хил янги йўналишлар, масалан, философияда диалектик ва тарихий материализм, ижтимоий философия, кўплаб ҳар хил оқимлар шаклланди. Бу жараён – маънавиятнинг ижтимоий буюртмаси натижасида илм-фаннинг янги йўналишлари, янги таълимотлар ва назариялар шаклланиши давом этмоқда.

Учинчидан, маънавий жараёнлар ижтимоий-гуманитар фанларнинг эътиқодий ва гуманистик позициясига, тадқиқот объекти ва предметиға муносабатининг ўзгаришиға таъсир кўрсатмоқда. Масалан, мафкуравий плюрализм ва толерантлик, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тамойиллари анъанавий қадриятларға, кўплаб янгидан пайдо бўлган ижтимоий муаммолар ечимига бошқача кўз билан қарашни, уларни демократия ва либерализм нуқтаи назаридан баҳолашни тақозо этмоқда. Аммо, таъкидлаш жоизки, янгича кўз қарашлар, демократия ва инсон ҳуқуқларини тушуниш, афсуски, баъзи ҳолларда формал ва вульгар характер касб этмоқда, асл маънавиятға, асрлар давомида шаклланган анъанавий қадриятларға зид келмоқда. Мисол тариқасида зўравонлик, даҳшат ва ахлоқий бузуқликни тарғиб этувчи фильмлар, китоблар инсоннинг ахборот олиш ҳуқуқи билан оқланаётганини келтириш мумкин. Лекин толерантлик ва бугунги кунда кенг тарқалаётган ижтимоий шериклик ғоялари индустриал жамият маънавиятида сезиларли ўрин эгалламаган, ҳатто инкор қилинар эди. Натижада, жамиятни тубдан бузиб қайта қуришни, синфий ларзалар ва революцияларни асословчи тажовузкор руҳдаги анархистик ва коммунистик таълимотлар машҳур бўлди. Жамиятни ислоҳотлар йўли билан эволюцион ривожлантириш тарафдори бўлган баъзи социалистик таълимотлар марксистлар томонидан оппортунизм, ренегатлик (ўз фикридан воз кечиб, душман томонға қочиб ўтиш) деб баҳоланди. Марксизмни ижодий ривожлантиришға бўлган уринишлар ревизионизм, деб эълон қилинди. Бу таълимотлар адабиёт ва санъатға, оммавий ахборот воситаларига (ўша вақтларда асосан вақтли матбуот), жамоатчилик фикриға қаттиқ таъсир кўрсатди.

XX аср даҳшатли синфий курашларға, ўта қонхўр революциялар ва икки марта жаҳон урушларига, сонсаноксиз минтақавий урушларға, миллий озодлик ҳаракатларига гувоҳ бўлди. Икки тизим – капитализм ва социализм ўртасидаги қуролланиш пойғасига табиатшунослик фанлари ва идеологик совуқ урушға ижтимоий-гуманитар фанлар сафарбар этилди. Икки тизим ўртасидаги кураш маънавиятнинг илм-фан ривожига зиддиятли

таъсирини яхши кўрсади. Табиатшунослик ва техника фанлари жамият ривожланиши учун зарур кашфийётлардан ташқари оммавий қирғин қуроллари – атом ва термоядро қуроллари, бактериологик ва кимёвий қурооллар, уларни манзилига етказувчи воситалар яратишга буюртма олдилар. Гуманитар фанлар одамлар онги билан манипуляция қилишга ҳам йўналтирилди.

Маънавиятнинг илм-фан ривожланишига ижобий таъсирини мустақиллик йилларида Ўзбекистонда кечган ва давом этаётган жараёнлар мисолида аниқ равшан кўриш мумкин. Ўзбекистон ижтимоий-гуманитар фанлари коммунистик мафкуранинг партиявийлик, синфийлик, даҳрийлик мезонларидан, тамойилларидан қутилиб, ижодий эркин ва илмий ҳолис бўлиш имконини қўлга киритди. Лекин бу имкониятдан қай даражада самарали фойдаланамиз – ўзимизга боғлиқ. Имконият, албатта, ривожланган фан дегани эмас, балки бунинг учун зарур шарт-шароит яратилишидир. Барча ижтимоий-гуманитар фанларда янги йўналишлар, мавзулар, янгича тадқиқот услублари, воситалари вужудга келди. Маънавият жараёнларини алоҳида ўрганадиган янги ихтисослашган фанлар пайдо бўлди. Улар шу пайтгача нафақат миллий фанимизда, умуман, жаҳон илм-фанида йўқ эди. Маънавият тушунчасини Ғарб олимлари ўзбекчадан айнан олиб, таржима қилмасдан ишлатмоқдалар. Бу кўп нарсани англатади.

## 11. ИЖТИМОЙ ФАНЛАР ВА МАЪНАВИЯТ

Ижтимоий фанлар жамиятни ўрганувчи фанлар бўлгани учун табиий фанларга нисбатан сиёсат билан кўпроқ боғланган. Маълумки, давлатнинг жамият ҳаётини ташкил қилиш, йўналтириш ва бошқариш фаолияти сиёсат дейилади. Сиёсат, шунингдек, партияларнинг давлат ҳокимияти учун курашидир. Ибтидоий жамиятдан кейинги жамиятлар ҳаётининг қайси соҳасини олмайлик, ўрганмайлик, унда бевосита ёки билвосита сиёсатнинг ижобий ёки салбий таъсирини кўрамиз. Демак, уларни ўрганувчи фанлар бу таъсирни қайсидир даражада аниқлайди, таҳлил этади. Шу сабабдан, истаса-истамаса, ижтимоий фанлар сиёсий мазмун ва аҳамият касб этади.

Ижтимоий фан муайян масалада ҳокимият ҳақида, бугунги аҳвол ҳақида бир оғиз ҳам гапирмаслиги мумкин. Мавзу бундан 15–20 йил, ҳатто 1–2 аср аввалги воқеаларга бағишланган бўлиши мумкин. Лекин жамият ҳаётида, воқеалар ривожда, шу жумладан, ҳокимият қарорларида ўхшашлик, ўзига хос тарзда, шаклан бироз ўзгариб сиёсат такрорланиши ёхуд илмий мақолада, асарда бугунги сиёсатга ишора этилмоқда, ўтмиш амалдорлари ва идоралари тимсолида аслида бугунги тузум танқид қилинмоқда, деган таассурот ўқувчида пайдо бўлиши мумкин. Бундан ташқари, ўтмишдан давлат сиёсати, амалдорлар фаолияти таҳлил қилинади, уларга баҳо беради. Таҳлил ҳам, баҳо ҳам маълум даражада сиёсий мазмун касб этади. Ижтимоий фанларнинг бундай хусусияти унинг предмети ва объектидан келиб чиқади.

Ҳар қандай фан, ижтимоий фанлар бундан мустасно эмас, ҳолис, объектив ва ҳаққоний билимга интилади. Кимларнингдир манфаатини кўзлаб, аниқланган далилларини яшириши, бирёқлама ёритиш ёки хато қилиши, йўл кўйилган хато туфайли нотўғри хулоса қилиши эҳтимолдан холи эмас. Хатодан ҳеч ким кафолатланмаган. Аммо ғаразли мафкуравий-сиёсий ният, ноҳолислик туфайли қилинган хулосадан адашиб, илмий далиллар етишмаслиги ва шу каби «узрли» важлар туфайли қилинган хато хулосаларни фарқлаш керак. Ҳақиқий фан давлатга, бирор партияга, сиёсий гуруҳга бевосита боғланиб, уларнинг хизматкорига, чўрисига айланмаслиги, ҳолислик ва ҳақиқатга ҳар қандай вазиятда ҳам содиқ қолиши керак. Илмий ҳолислик ижтимоий фанларнинг, сиёсатдан устун туришини талаб этади. Аммо амалда ҳар доим ҳам шундай бўлавермайди. Тоталитар жамиятларда ижтимоий фанлар аксарият ҳолларда режимнинг маддоҳига, ёрдамчисига, баъзан муҳолифига, танқидчисига айланади.

XVIII асрда француз маърифатпарварлари сиёсатдан устун тура олган эдилар. Улар ҳокимиятни ҳолис танқид қилган, баъзи масалаларда адашсаларда, самимийлик, ҳақиқат ва ҳолисликка хиёнат қилмаган эдилар. XIX асрда ижтимоий фанлар тарафкашлик, синфий манфаатларни ҳимоя қилиш томон ўзгарди, очикчасига сиёсий-мафкуравий тус олди. Айниқса, революцион таълимотлар.

Ижтимоий фанларда аста-секин синфийлик тамойили шаклланди. Марксизмгача ушбу тамойил француз буржуа тарихчилари томонидан кашф этилган эди. Марксизм унга онгли ижтимоий мўлжал, илмий мезон макomini берди. Баъзи масалаларда илмийликдан мафкуравийлик устунлик қила бошлади. Айниқса, бу утопик социализмга, анархизмга, майда мулкчилик мазмунидаги социалистик таълимотларга хос. Мумтоз марксизм ҳам баъзан мафкуравийликни илмийликдан устун қўйишдан холи эмас. Таъкидлаш жоизки, мумтоз марксизмда кўпроқ материалистик бирёқламалик кузатилади. Аммо марксизмнинг турли хил вариантлари – австромарксизм, ленинизм, троцкизм, сталинизм, маоизм ва шу қабиларда биз илмийлик унутилганини ёки сиёсий мақсадга, коммунистик мафкурага тўла бўйсундирилганини кўрамыз. В.И. Ленин синфийлик мезонини максимал даражага кўтариб партиязвийлик, дин танқидини ва секуляризацияни курашчан, жанговор атеизм тамойилига ва динни таъқиб, қатағон қилиш амалиётига айлантирди. И.В. Сталин синфийлик, партиязвийлик, жанговор атеизм тамойилларини онгли равишда қўллаб, партиязга, совет тузумига очикчасига маддоҳлик қилмайдиганларни шубҳали, ҳатто ёт унсурлар, халқ душманлари, деб эълон қилди.

Ижтимоий фанларнинг сиёсатга боғлиқлиги давлат ва ижтимоий фанлар ўртасида турли муносабатларни юзага келтиради. Нодемократик, айниқса, тоталитар жамиятлар ижтимоий фанлар вакилларига турли хил кўринишларда: рағбатлантириш, мукофотлаш, хизмат поғоналари бўйлаб кўтариш ёки аксинча, кўркитиш, ишдан бўшатиш, маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиш орқали босим ўтказишга, уларни ўзига тўлиқ бўйсундириб олишга ҳаракат қилади. Тоталитар тузумда расмий ижтимоий фанлар давлат тарғиботининг унсурига, унинг сиёсатининг «илмий асословчиси»га айланади. Норасмий, яширин ижтимоий фанлар, агар тўлиқ яқсон этилмаган бўлса, тузумга мухолифлик қилади. Демократик жамиятда ҳокимият идоралари ижтимоий фанлар билан ҳамкорлик қилади. Уларга турли йирик ижтимоий аҳамиятли масалаларни ўрганишга, социологик тадқиқотлар ўтказишга, илмий прогнозлар қилишга буюртма беради, грантлар

ажратади. Колониализм шароитида мустабид давлатлар, ҳозирги даврда геосиёсий устунликка, етакчиликка интилаётган неоимпериалистик давлатлар ҳам ижтимоий фанларни ўз чўрисиغا айлантиришга интилганини кўрамиз. «Рангли инқилоблар»ни амалга ошириш, жаҳон жамоатчилиги онги билан манипуляция қилишда улар фалсафа, сиёсатшунослик, социология, тарих, культурология фанлари материалларидан, ютуқларидан, усулларидан усталик билан фойдаланмоқда. Тўғри, мазкур фанларнинг юқоридаги сиёсий найрангларда бевосита айби йўқ.

Турли йирик трансмиллий компанияларга, давлатга, мавжуд тизимга хизмат қилувчи ҳар хил фондлар ҳам баъзи йўналишлар бўйича ўз илмий марказларини, институтларини тузади. Улар ижтимоий онгда, одамлар кайфиятида юз бераётган ҳар қандай энг кичик ўзгаришларни ҳам қайд этиб, ижтимоий онг ва жамият ривожланишининг долзарб ва истикболдаги тенденцияларини аниқлашга уринади. Бу билан тузумни, жамиятни ҳар хил ножоиз, салбий ҳолатлардан ҳимоя қилишга, уларнинг олдини олишга, одамлар онгини бошқаришга (онг билан манипуляция қилишга), керак бўлса, одамларни ҳақиқий муаммоларидан чалғитишга ҳисса қўшади. Лекин ҳақиқий илм-фан вакиллари баъзи илмий буюртмаларни бажаришда улар билан ҳамкорлик қилса-да, кўп принципиал масалаларда ҳолислик ва мустақиллик йўлини тутади.

Ижтимоий фанларнинг иқтисодий негизлари тўғрисида батафсил гапиришнинг ҳожати йўқ. Илм-фан ва иқтисодиёт ўртасидаги алоқалар тўғрисида биз аввалги мавзуларда анча тўхталган эдик. Аввал айтилганларга шуни қўшимча қилиш жоизки, ижтимоий фанлар доирасида макро – ва микроиқтисодиётни ўрганувчи фанлар тизими мавжуд. Ушбу маънода иқтисодиёт ижтимоий фанларнинг нафақат моддий базасини, шунингдек, уларнинг бир гуруҳи учун тадқиқот объектини ҳам ташкил қилади. Иқтисодиёт эҳтиёжлари, иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш, иқтисодиётга мутахассис тайёрлаш зарурати инсон онги, руҳиятини, инсоний муносабатларни ўрганувчи ижтимоий философия, психология, педагогика, социология, културология каби фанларга ижтимоий буюртма беради.

Инсонпарварлик, тенгхуқуқлик, эркинлик, демократик кадриятлар, халқпарварлик, тараққийпарварлик, ватанпарварлик ижтимоий фанларнинг маънавий негизлари ҳисобланади. Мазкур тамойиллардан бирига амал қилмаслик ёки етарлича ҳисобга олмаслик ижтимоий фанларни у ёки бу даражада адашишга, бирёқламаликка ёки тадқиқотларининг ва хулосаларининг саёз бўлишига олиб келади. Инсонпарварлик, эзгулик, юксак идеаллар унутилса, тенгхуқуқчилиқ, демократик эркинликлар инкор қилинса, тажовузкор, зўравонликни, миллатчилик ва шовинизмни ёқловчи назариялар, таълимотлар вужудга келишига йўл очилади. Танкидий, ижодий ёндашув, тараққийпарварлик ғоялари етарлича ҳисобга олинмаса, догматизм, турғунликни ёқловчи аксилинсоний ўтмишни идеаллаштирувчи ғоялар, қарашлар ижтимоий фанларга кириб кела бошлайди. Ватанпарварлик, халқчилик заифлашса, миллий нигилизм кучаяди ва ҳ.к. Маънавият ижтимоий фанлар олдига юксак мақсадлар, вазифалар қўяди, юксак идеаллар ва кадриятлар мўлжаллини беради.

Магистрлар тайёрлаш бўйича биз юқорида бир неча бор мурожаат этган «Маънавиятнинг илмий методологияси» фан дастуридаги бир савол «Ижтимоий фанларнинг шаклланишида нақлий ва ақлий билимлар нисбати» дейилади. Савол моҳият-мазмунига қўра хато қўйилган.

Нақл – ўтмишдан келаётган ривоят, афсона, асотир, матал ва ҳ.к.лардир. Унинг тўғрилиги, бўлиб ўтганлиги, ҳақиқат ёки ҳақиқатга яқинлигини исботловчи далиллар, ҳужжатлар, манбалар йўқ. Оғиздан-оғизга ўтиб келган, яъни нақл қилинган. Ривоятлар, афсоналар, асотирлар кимдир томонидан ёзиб олинган ёки бирор мутафаккир асарида ундан фойдаланган бўлиши мумкин. Аммо ўшанда ҳам у тарихий реал факт сифатида эмас, балки нақл, ривоят сифатида қайд этилган. Ҳар қандай илм-фан, шу жумладан, ижтимоий-гуманитар фанлар нақл, ривоят асосида шаклланиши мумкин эмас. Нақлга таянадиган фан илмийлигини йўқотади, ривоятлар тўпламига айланиб қолади. Фан объектив долзарб ва тарихий фактларга, мантикка (ақлга) таянади. Турли фактларни, ҳодисалар, воқеаларни, жараёнларни ҳолис таҳлил қилиб, умумлаштирамасдан, фақат нақл, афсона асосида на фалсафани, на

иктисодиёт назариясини, на социологияни, на этикани, на тарихни, на психологияни, на бошқа фанларни яратиб бўлади. Нақл, ривоят, афсона, асотир ижтимоий фанларнинг тадқиқот объектини ташкил қилиши мумкин, холос. Олим муайян ҳодисанинг асл сабаби номаълум бўлиб, уни аниқлашнинг иложи йўқлигида, ўша ҳодиса сабабига гўёки оид ривоятни келтириши мумкин, бироқ уни ҳақиқат эмас, ривоят эканини таъкидлаб ўтади. Тарих фанининг отаси Ҳеродот форслар ва юнонлар ўртасида бўлиб ўтган урушларнинг асл сабаби номаълумлигини қайд этади ва шундай ривоятни келтиради: гўзал Еленани трояликлар ўғирлаб кетган. Юнонлар Трояни қамал қилган. Урушда шаҳар тўлик вайрон этилган. Ўзларини Осиёнинг масъул мутасаддилари деб ҳисоблайдиган форслар Троя қасоси учун гўёки юнонларга қарши уруш қилган. Кейин бир уруш иккинчисини ва ҳ.к. келтириб чиқараверган. Бу юнонларнинг ривояти. Форсларда эса бошқа ривоят – савдо-сотикда юнонларнинг ноҳалоллиги, форсларнинг савдо кемаларини талаб кетиши, жиноятчиларни яшириш гўёки сабаб қилиб келтирилиши қайд қилинган ва булар ривоятдир, асл сабаби номаълум, дея Ҳеродот яна бир бор таъкидлаган. Адабиёт ва санъат турли афсоналар, ривоятлардан кенг фойдаланади. Аммо адабиётшунослик ва санъатшунослик фанлари уларни маълум бадий ғояни ифодалаш воситаси сифатида таҳлил қилади, тушунтиради. Бунда у илмий тафаккурга, ақлга таянади, нақлга эмас.

*Ижтимоий фанларда ақл ва нақлнинг ҳеч қандай нисбати йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас.* Улар фақат ақл ёрдамида, аниқроғи, илмий тафаккур, илмий таҳлил ва умумлаштириш, аниқланган билимларни, фактлар ва хулосаларни тизимлаштириш ёрдамида шаклланади. Муайян ижтимоий фанга нақл қай даражада илашиб, кириб қолса, у шу даражада ноилмийлик касб этади.

Хўш, ижтимоий фанларда «ақл ва нақл нисбати» деган қараш қаёқдан пайдо бўлди? Назаримизда, бу марксизмнинг синфийлик ва даҳрийлик тамойилларидан воз кечилгандан кейин, айрим «пешқадам» олимлар диний мерос ва илоҳият методологиясидан фойдаланиш фанни бойитади, деб ҳисоблашлари натижасидир. Ақл ва нақлга



таяниш, нақлни тўла инкор этмаслик ислом илоҳиётининг оқимларидан, эътиқодий мазҳабларидан бўлмиш мотуру-дия таълимотининг асосий методологик тамойилларидан бири. Илоҳиёт тамойилини нотанқидий, механик тарзда ижтимоий фанларга кўчириш, динийлик ва дунёвийликни эклектик қориштириб юбориш натижасида ўқув дастурига ушбу савол кириб қолган. Мотурудий диний илмларда ақл ва нақлга таяниб иш тутиш лозимлиги тамойилини олға сурди. Чунки дин аждодлардан келаётган асотирларсиз, ривоятларсиз, анъаналарсиз яшай олмайди. Диндаги ҳамма ривоятларнинг мазмун-моҳиятини ақл ёрдамида тушунтириб бўлмайди. Ишончга, эътиқодга ўрин қолдириш лозим. Ақлдан ташқари, ҳиссий мушоҳадаларга таянилмасдан Пайғамбардан, саҳобалар, тобеъинлар, шунингдек, ўтмиш пайғамбарларидан ва бошқа аждодлардан етиб келган нақллар, ишончли хабарлар (мутавотир хабарлар) инкор қилинса, дин инқирозга учрайди. Улар диний эътиқоднинг асосидир. Шундай қилиб, ислом илоҳиятига Мотурудий ақл ва нақлни турли нисбатларда қўллаш тамойилини киритади. Лекин улар нисбатида устунликни ваҳий бўлган илоҳий хабарларга (Қуръон хабарларига, қудсий ҳадисларга) ва Пайғамбардан келган хабарларга (пайғамбарнинг саҳиҳ ҳадисларига) беради. Ҳасан Ашъарий ҳам нақл тамойилини ҳар томонла таҳлил қилди. Унинг хулосаси ҳам Мотурудийникига ўхшаш.

Диний фанда қўллаш мумкин ва жоиз бўлган нақлни дунёвий фанда қўллаш мумкин эмас. Агар бундай қилинса, дунёвий фан ё диний тус олади, ё илмийлик, мантикийлик мазмунини йўқотади. Икки ҳолатда ҳам фан илмийлик мақомидан маҳрум бўлади.

Ўқув дастурида «Ижтимоий фанларнинг миллий ва диний асослари» деган мантиқан ва мазмунан хато ифодаланган савол бор. Ижтимоий фанларнинг, табиатшунос-лик фанларига ўхшаб, на миллий, на диний асоси бор. Ўзбекнинг кимёси ва физикаси немиснинг кимёси ва физикасидан, христианларнинг ва мусулмонларнинг ма-тематикаси бир биридан фарқ қилмаганидек, ижтимоий фанлар ҳам бир биридан фарқ қилмайди. Чунки фанлар-нинг илмий ва диний белгиси, хусусияти йўқ. Илм-фан – умуминсоний ҳодиса. Ҳозирги замонавий ўзбек тилшу-

нослиги ривожланишига ўзбек бўлмаган Поливанов, Боровков, Решетов ва бошқалар муносиб ҳисса қўшдилар. Ваҳоланки, тилнинг ўзи миллатнинг энг муҳим белгиси. Аммо тилшунослик – миллий ва диний ҳодиса эмас, умуминсоний ижтимоий ҳодисадир. Ўзбек тилини бошқа миллат вакиллари – англизлар, японлар, руслар, французлар ўрганса, унда келишиқлар сони кўпайиб ёки камайиб қолмайди. Феъл замонлари ҳам ўзганрмайди. Миллатидан қатъи назар, барча олимларнинг тилдаги муайян ҳодиса бўйича хулосалари бир хил ёки яқин бўлади. Баъзан эътиқодий ва илмий позицияси, қўллаган методологияси ҳар хил бўлса, аниқланган факт талқини ўзаро мос келмаслиги, сиёсий талқинда ҳатто қарама-қарши бўлиши мумкин, холос. Ўзбекистонда бошқа ижтимоий фанлар, кадрлар тайёрлаш масалалари, олий таълимни йўлга қўйиш бўйича ҳам рус ва бошқа миллат вакилларининг ҳиссасини қайд этиш лозим. Ўз навбатида, ўзбек олимлари собиқ Иттифоқ ва Россия фанининг ривожланишига муносаб ҳисса қўшдилар. Фан, ижтимоий фанлар шу жумладан, агар тадқиқотда, усул танлашда адашиб кетмаса ёки бошқа хатоликларга йўл қўймаса, объектив, тўғри фактларни, қонунларни аниқлайди. Объектив фактлар, қонунлар на индивидуал, на миллий менталитетга, на диний қарашларга боғлиқ. Фалсафага фан сифатида қаралса, у ҳам миллий характерга эга эмас. Аммо фалсафага донишмандлик, ҳаёт ҳақидаги мулоҳазалар, ҳикмат сифатида, яъни фан эмас, рефлексия дея қаралса, у қисман миллий характер касб этиши мумкин.

Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотларни ёки сиёсий жараёнларни ўрганадиган олим америкалик баптист, германиялик лютеран, ўзбекистонлик мусулмон бўлиши мумкин. Агар улар масалага тўғри, ҳолис ёндашсалар, илмий натижалари, хулосалари ўхшаш бўлади. Уларнинг миллати ва дини илмий тадқиқотлари натижаларига таъсир кўрсатмайди.

Ижтимоий фанларнинг ҳеч қандай диний асослари йўқлигини, ҳатто диний манфаатлар билан бевосита боғланмаслигини таъкидлаш керак. Дин, диний маданият, миллий маданият ва менталитетга дин таъсири, черковнинг (мачитнинг) халқ тарихида ҳар хил роль ўйна-

гани (баъзан ижобий, баъзан салбий) тегишли ижтимоий фанларнинг тадқиқот объектига айланиши мумкин. Бундан ортиқ эмас.

Миллийлик билан алоқадорлик, миллийлик таъсири масаласи бу ерда бироз мураккаброқ. Ижтимоий фанлар мазмунан ва шаклан миллий белгиларга, хусусиятларга эга бўлмаса-да, улар муайян мамлакатларда ривожланади. Шу мамлакатлар, халқларнинг манфаатларига, эҳтиёжларига хизмат қилади. Шу мамлакат учун долзарб ва аҳамиятли мавзуларни биринчи галда тадқиқ этади. Ушбу маънода «миллийлик» фаннинг предмети, тадқиқ этиш усуллари, методологияси ва методикасига эмас, балки тадқиқ объектига, мавзуларига алоқадор. Муайян фанга ўша мамлакат олимларининг қўшган ҳиссаси баъзан «миллий(лик)» аниқловчиси билан боғлаб қўлланади. Масалан, «ўзбек фалсафаси» деган тушунча фалсафанинг этник хусусиятларини эмас, ўзбек олимларининг фалсафа фанига қўшган ҳиссасини, мазкур фаннинг халқимизнинг, жамиятимизнинг юксалиши билан боғлиқ мавзуларини, соҳаларини англатади. Бундан ташқари, ўзбек фалсафасининг ўзига хос анъаналари, мактаблари назарда тутилиши мумкин. Лекин улар ҳам бевосита миллий-этник хусусият касб этмайди. (Бу ерда фалсафага рефлексия эмас, фан дея қаралмоқда).

Фалсафа ва бошқа ижтимоий фанларнинг миллий менталитет билан боғлиқ қандайдир ўзига хос унсурлари, жиҳатлари бўлиши мумкин. Улар бу фанларга шаклий, ифодавий ёки аксиологик ранг-баранглик бағишлайди, холос. Аммо унинг умуминсоний характериға путур етказмайди. Ижтимоий фанлар ўз функцияларига, вазифаларига, моҳиятиға ва илмийлик хусусиятларига, ривожланиш қонуниятларига кўра табиатшунослик фанларидан фарқ қилмайди. Табиатшунослик фанлари ҳам қайси мамлакатға тегишли бўлса, шу мамлакат халқи эҳтиёжлари, манфаатларидан келиб чиқиб йўналишларини, мавзуларини танлайди. Масалан, ўзбекистонлик агрономлар ва ўсимликшунослар учун пахтачилик, дон, полиз, сабзавот ва мева, картошка ҳамда бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари берадиган ўсимликларни ўрганиш долзарб ва ижтимоий аҳамиятли. Британиялик ёки шведиялик деҳқонлар ва

олимлар учун пахтачиликни ўрганиш долзарб илмий муаммо эмас. Бизлар учун қорақўлчиликка оид тадқиқотлар долзарб, зарур ҳисобланса, шведлар ва финлар учун бугучилик шундай аҳамият касб этади. Табиийки, бизда қорақўлчилик – чорвачилик илмининг асосий йўналишларидан бири алоҳида фан, скандинав халқларида эса – бугучилик.

Ижтимоий фанлар бу борада табиатшунослик фанларидан, яна бир бор таъкидлаймиз, фарқ қилмайди. Ҳагтоки, бир фан доирасида ўхшаш ва бир хил муаммолар, мавзулар тадқиқ этилаётганда, жамиятнинг ривожланиш тенденциялари, шароитларидан, истикболи ва манфаатларидан келиб чиқиб, мавзунинг турли томонларига эътибор қаратилиши мумкин. Масалан, демография масалалари Ғарб мамлакатларида туғилишнинг кескин камайиб кетиши, аҳолиси таркибида кексаларнинг улуши тез кўпайиб бораётгани, бу кўплаб ижтимоий-иктисодий муаммоларни туғдираётгани, четдан ишчи кучини таклиф қилиш натижасида ҳамда жаҳоннинг нотинч минтақаларидан кўплаб мухожирлар келаётгани янги муаммоларни тугдираётгани билан боғлаб ўрганилишни тақозо этади. Ривожланаётган Осиё ва Африка мамлакатларида эса демография масаласида урғу аҳолининг тез кўпайиб кетиши, туғилишни оптималлаштириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳолини боқиш ва шу каби муаммоларга эътиборни қаратишни талаб қилмоқда. Муаммоларнинг ҳар хиллиги демография фанининг илмий-методологик асосларини ўзгартираётгани йўқ. Хуллас, ижтимоий фанлар миллий ва диний асосларга эга эмас. Улар миллий ва диний ҳаёт билан боғлиқ мавзуларга, объектларга эга, холос.

Барча фанлар ижтимоий онгнинг ягона, муштарак илмий шаклини, тизимини ташкил этади. Улар ўзаро чамбарчас боғланган. Уларнинг бажарадиган асосий ижтимоий вазифаси бир хил – жамиятга хизмат қилиш, унинг объектив, ҳаққоний билимларга бўлган эҳтиёжини қондиришдир. Одамларнинг турмуш фаровонлигини юксалтириш учун кашфиётлар қилиш табиатшунослик, инженер-техник ва кишлоқ хўжалиги фанлари ҳамда иктисодиёт фанларининг вазифасидир. Одамлар ўрта-сидаги муносабатларни ташкил этиш, тартибга солиш,

бошқариш, жамиятни такомиллаштириш, ривожлантиришга оид зарур билимларни бериш, инсон тарбиясини яхшилаш, ижодкорлик, бунёдкорлик қобилиятини ўстириш эса ижтимоий-гуманитар фанлар зиммасидаги вазифалардир. Маҳаллий, минтақавий ўзига хослик ҳар бир фан ўз предметидан, имкониятларидан келиб чиқиб бу вазифаларни қандай бажаришида, фанларнинг предметида намоён бўлади.

Аниқ фанлар (математика) ва табиатшунослик фанларининг ривожланиши жамиятнинг умумий илмий савиясини, тадқиқот маданиятини кўтаради. Бу ижтимоий фанларга ҳам баракали ижобий таъсир қилади. Ижтимоий фанларнинг ривожланиши уларга, ўз навбатида, акс таъсир кўрсатади. Фалсафанинг, хусусан, мантикнинг ривожланиши математик мантик вужудга келишига, математикларнинг методологик қарашларига таъсир кўрсатган. Масалан, Кант қарашлари ва фалсафий тизими буюк математик Гаусс ва унинг мактаби қарашларига, Достоевскийнинг фалсафий қарашлари ва бадиий асарлари Эйнштейнга таъсир кўрсатган. Эйнштейн ҳатто «мен барча математик ва физиклардан кўра кўпроқ Достоевскийдан ўргандим» деган. Бунда Эйнштейн, албатта, илмий билимларини эмас, балки ҳаётий билимларини, ҳаётга, жамиятга, инсонга муносабатларини назарда тутган. Психология фанининг тиббиётга, биринчи галда психиатрияга, психоанализга таъсирини, тилшунослик, структурализм ва семиотиканинг ахборот технологиялари вужудга келишига (математика ва физика фанлари қаторида) таъсирини қайд этиш лозим. Лекин ижтимоий ва табиатшунослик фанларининг ўзаро таъсирини ортиқча баҳолаб юбормаслик керак. Бир фан иккинчи фаннинг усуллари ва хулосаларини механик тарзда, ўйламасдан, ўз хусусиятларини ҳисобга олмасдан қабул қилса, натижа умуман салбий бўлиши ҳеч гап эмас. Дарвиннинг турлар ўртасида ва ичида яшаш учун кураш қонунини айрим жамиятшунослар ўз соҳаларида нотанқидий механик қўллашлари натижасида ғайриилмий ўта вульгар социал-дарвинизм пайдо бўлган эди. Фанларнинг ўзаро алоқалари, бир бирини услубий бойитиши жуда ранг-баранг. Ижтимоий фанларнинг айрим статистик, структуралистик, социологик, моделлаш-

тириш, прогнозлаш усулларида математик ҳисоб-китоб, график усуллар, эҳтимоллик назарияси ва бошқа усуллар кенг қўлланилмоқда.

Иқтисодиёт фанларининг ривожланишини эса математика таъсирсиз тасаввур этишнинг ўзи мумкин эмас. Бугун математик усуллар тилшунослик, адабиётшунослик фанларининг баъзи йўналишларига чуқур кириб келди, дейиш мумкин. Айниқса, роботлар ва сунъий интеллект яратиш кейинги ярим асрда олиб борилган изланишлар ҳатто «математик лингвистика» (математик тилшунослик) деган атама ва фан йўналиши пайдо бўлишига олиб келди. Интегратив жараёнлар жадал давом этмоқда. Яқин келажакда янги-янги фанлар, шу жумладан, ижтимоий фанларда, уларда янги илмий йўналишлар, интегратив усуллар шаклланишига шубҳа йўқ. Лекин фанлар ўрта-сидаги фарқ камайиб борса-да, тўлиқ йўқолмайди. Чунки ҳар бир фаннинг ўз вазифаси, ўз предмети бор.

## 12. МАЪНАВИЯТ ТИЗИМИДА ДИННИНГ ЎРНИ

Дин, ахлоқ каби, маънавиятнинг бирламчи пойдевори ва мавжудлик шаклларида биридир. Инсон ҳайвонот олаmidан ажралиб, ўзлигини англай бошлаши жараёнида кундалик турмушда дуч келаётган барча саволларга жавоб тополмас, билимлари етишмас эди. Ибтидоий одам тушунмайдиган табиат ҳодисалари, сирларига, ҳаёт муаммоларига кўп дуч келарди У мазкур ҳодисаларни келтириб чиқарувчи ва бошқарувчи ғайритабиий кучлар борлигига ишонар эди. У тажриба ва кузатишлар орқали ҳеч бир нарса сабабсиз юз бермаслигини билиб олган эди. Билмаган нарсалар сабабларини ибтидоий одам, табиийки, кўзга кўринмас, сеҳрли ва илоҳий кучларга боғлай бошлади.

Ибтидоий одамда онг ва фаҳм-фаросат, ўз хатти-ҳаракати, иши натижасини олдиндан тасаввур эта олиш анча ривожланиб, мавҳум фикрлаш куртаклари пайдо бўлади. Лекин кўплаб ҳодисаларнинг сабабини аниқлашга унинг ақли, билими ожизлик қиларди. Билмаган нарсалардан у чўчир, кўрқар эди. Қўрқув бор жойда, одамга

ёрдам, нажот керак. Бу ёрдамни у ақли, билими ўсиб ривожланиши давомида аждодлар руҳидан, турли сеҳрли, тилсимли буюмлардан, ғайритабиий кучлар – фаришта-лар, жинлар, маъбудлар, худолардан кидирди. Уларга сиғинди. Уларнинг хайрихоҳлиги ва ёрдамига эришиш учун садақалар берди, қурбонликлар келтирди. Диний ғоялар, тушунча ва қарашлар биринчи галда ибтидоий одамнинг табиат ва ҳаёт олдидаги ожизлиги, билимлари етишмаслиги, улардан кўрқиши, бу кўркувни енгиш ва амалий ишлар – озиқ-овқат, ов қилиш, бошпана қуриш ва ҳ.к. билан шуғулланиш учун эзгу кучлардан кўмак олиш истаги туфайли шакллана бошлади.

Бошқа томондан, баъзи бир турмуш қоидалари, меъёрларини одамлар онгига сингдириш, ножўя, зарарли хатти-ҳаракатлардан уларни тийиш учун яна кўркув керак эди. Агар уларга рия этмасанг, самовий кучлар сендан норози бўлади, жазолайди, деган ғоя зарур эди. Ибтидоий одамнинг тажрибаси, билимлари ортиб, уруғ-жамоадҳошлари билан муносабатлари хилма-хиллаши-ши давомида диний қарашлари кенгайиб, чуқурлашиб борди. Ибтидоий синкретик онг парчаланганидан кейин диний онг ва диний амалиёт қадимги цивилизацияларда алоҳида тизимни ташкил этди. Энди дин нафақат жамиятнинг маънавий ҳаётида, шунингдек, ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳам етакчилик қила бошлади, чунки бу даврда давлат пайдо бўлган эди. Барча илмлар, ёзув, адабиёт, меъморчилик, санъат, ибодат, байрамларни нишонлаш, марҳумларни дафн этиш ва маросимларни бажариш тартиб-қоидалари қоҳинлар қўлида мужассамланди. Давлат ҳокимияти, подшоҳлик худолар иродаси билан боғланди. Баъзи мамлакатларда подшоҳлар худонинг ўғли, деб эълон қилинди. Масалан, Миср фиръавнларини. Дин маънавият ривожланишининг асосига ва ҳаракатлантирувчи кучига айланди, индустриал жамият ва капиталистик муносабатлар қарор топмагунча шундай бўлиб қолди.

Дин эътиқоднинг, дунёқарашнинг, бинобарин, маънавиятнинг фалсафа билан биргаликда концептуал негизини ва мазмунини ташкил қилади. Фалсафа – эътиқод, дунёқарашнинг илмий-рационал негизи, илмий-манتيкий мазмуни. Дин эса кўпроқ эмоционал, руҳий ишонч неги-

зи ва асотирий мазмунидир. Узоқ асрлар давомида барча халқларда, барча минтақалар ва қитъаларда инсон маънавий ҳаётида дин етакчилик қилган, индустриал жамиятгача белгиловчи роль ўйнаган. У имло, ёзув, турли соҳадаги асарлар, китоблар пайдо бўлишига, тўпланиб авлоддан авлодга ўтишига самарали ижобий таъсир кўрсатган. Саводхон кишилар, дастлабки тадқиқотчилар, тарихчилар, йилномачилар, файласуфлар, астрономлар, математикларнинг кўпчилиги дин вакиллари – руҳонийлар, коҳинлар эди. Айниқса Қадимги Миср, Бобил, Ҳиндистон цивилизациялари учун ушбу ҳолат жуда характерлидир. Ўрта асрларда христиан монастирлари ушбу вазифани давом эттирди. Бундан ташқари, христиан дини тасвирий санъат, архитектура, мусиқа санъатларини ўзига хизмат қилдириш орқали уларни ривожлантирди.

Ислом дини таълимни оддий бошланғич мактабдан то олий мадрасаларгача тасарруф этиб, умматларнинг саводли, маърифатли бўлишига ёрдам берди. Меъморчиликни ва математикани, табиатшуносликни, тиббиётни, яъни дунёвий илм-фанни ривожлантиришга жуда улкан ҳисса қўшди. Кўп ҳолларда буюртмачи вазифасини ўтади. Масжидлар, мадрасалар қуриш, қиблага аниқ мос келадиган томонини белгилаб, меҳробни ўрнатиш, Маккага йўлни адашмай топиб бориш ислом мамлакатларида геометрия ва механика (ҳандаса илми, муҳандислик), астрономия ва математика (нужум ва риёзиёт илмлари) фанларини рағбатлантирди. Ўзидан аввалги муқаддас китоблар – Таврот, Инжилдан фарқли, Қуръон илмни биринчи ўринга қўйди. Боғдодда халифа Ҳорун ар-Рашид қурдирган «Байтул ҳикма» ўзигача бўлган юнон, лотин, санскрит, хитой, сурёний, иброний, форс тилларида битилган машхур илмий китобларни тўплаб, араб тилига таржима қилишга киришди. Айтиш мумкинки, жаҳон илмий тафаккури илк бора, Қуръон кўрсатмалари туфайли, бир жойда араб тилида тўпланди, ўзаро мулоқотга киришди. Ахлоқ ва ҳуқуқ ривожланишида барча динларнинг, хусусан, исломнинг аҳамияти беқиёсдир. Ислом шариат ва фикҳ орқали ҳуқуқий меъёрларга таъсир қилди. Аммо, яна бир эслатиш жоизки, ахлоқ ва ҳуқуқни дин яратмайди. Улар дин каби ижтимоий онгнинг мустақил шакллари ва жамият инсти-



туглариدير. Капитализм вужудга келгунча дин хукмрон мафкура ва етакчи маънавий институт сифатида ахлоқ ва хукукка ўта кучли таъсир кўрсатгани – бошқа гап.

Тоза ва нотоза, истеъмолга яроқли ва яроқсиз, қилиш мумкин ёки мумкин эмас каби тушунчалар, меъёрлар диний мазмун касб этди. Улар ҳалол ва ҳаром каби диний-меъёрий шаклларда ифода қилина бошлади. Бундан ташқари, ислом динининг ўзи имон, гуноҳ, куфр, макрух, увол, савоб каби меъёрларни ахлоққа киритиб, уни бойитди. Бошқа динлар ҳам ахлоққа ўзларининг кўплаб меъёрларини киритдилар. Бу эзгулик, ёвузлик, адолат, виждон, тўғрилиқ, ёлғон ва бошқа ахлоқий меъёрлар мазмунини тушунишга, талқин қилишга ўз таъсирини кўрсатди, улар мазмунини анча кенгайтирди, баъзи талқинларга диний тус берди. Маънавиятнинг, ахлоқнинг бундай ривожланиши ибтидоий даврдан ўрта асрлар охиригача объектив қонуният эди. Чунки ахлоқнинг баъзи тақиқларини аҳоли онгига сингдириш, одамларни уларга ихтиёрий бўйсундириш қийин эди. Дин зино, ўғрилиқ, одам ўлдириш, зўравонлик ва ҳ.к.лар гуноҳ эканлигини эълон қилиб, гуноҳкорларни келгусида, нариги ҳаётида қаттиқ жазо кутиши билан кўрқитди. Дин ахлоқий меъёрлар тарқалишига ва мустаҳкамланишига ёрдам берди.

Динда зоҳирий ва ботиний жиҳатлар мавжуд. Зоҳирий жиҳат бу – тақво, дин талабларига мувофиқ яшаш, сиғиниш, маросимларни ва бошқа фарзларни адо этиш ва ҳ.к. Ботиний жиҳат – бу имон-эътиқод. Сидқидилдан Оллоҳга ишониш, уни севиш, унга интилиш. Зоҳирий жиҳат аввало исломда аркон ад-дин деб аталадиган 5 та маросимчилик талабини (қалима келтириш, номоз, рўза, закот ва ҳаж) бажаришда, ботиний жиҳат 7 та ақидани қалбан тан олишда ва сидқидилдан уларга ишонишда (Оллоҳга, фаришталарга, муқаддас китобларга, пайғамбарларга, тақдирга, охиратга ва ўлимдан кейин қайта тирилишга ишониш) намоён бўлади. Булардан ташқари, диннинг зоҳирий ва ботиний жиҳатлари инсоннинг амалий диний хулқ-атвори, фаолияти ва диний онги, тафаккурининг барча эврилишларида юзага чиқади.

Табиийки, диндорлар диний саводхонлиги, билими, диний тафаккурининг мустақиллиги борасида бир хил эмас.

Дин асосларини яхши, пухта ўзлаштирганлар қаторида яхши билмайдиган авомлар бор. Улар аксарият кўпчиликни ташкил қилади. Уларнинг имони кўпроқ тақлидий, тахлилий эмас. Тақлидий имон (қандайдир обрўли шахс диний қарашлари ва ғояларини нотанқидий қабул қилиш) ҳар хил адашишлардан, хавф-хатардан холи эмас. Тақлид қилинаётган имон, ғоялар, таълимот тўғри бўлса, инсон-парварликка зид келмаса – яхши. Агар диний экстремистик ғоялар билан аралаш бўлса, хавфлидир. Тахлилий имон – имон мустақиллигидир. Имон эгаси дин, эътиқод масалаларида ўз фикрига эга, уларни ўзича диний манбалар, китоблар ва мантиққа таяниб асослайди. Унинг фикрлари хато бўлиши мумкин, лекин мустақил ақлга, диний завқ-шавққа, интуицияга (ботиний идрокка) таянади. Тақлидий имон мустақил эмас. У тўғри бўлгандаям, имон эгасининг ўз фикрига эмас, балки диний обрўли шахс қарашларига, умумқабул қилинган доғмаларга таянади.

Шундай қилиб, дин, биринчидан, ижтимоий-маданий ютуқларни тўплаб, сақлаб, бойитиб бориш вазифасини (аккумулятив функция) бажарган. Иккинчидан, дин келгуси авлодларга тўпланган маънавий бойликларни уза-тишга, уларни ўзлаштиришга ёрдам берган. Бу билан у маданий-маънавий ворисийликни, давомийликни таъминлаган (маънавий-маърифий ворисийликни таъминлаш функцияси). Учунчидан, дин одамларнинг ўзаро алоқаларини, жамият ҳаётини тартибга солган, бошқарган (регулятив функция). Тоат-ибодатдан оила ва никоҳ масалаларигача, олди-бердидан, савдо-сотикдан мулк ва меросхўрлик масалаларигача, увол-савоб, ҳалол-ҳаром масалаларидан адолат ва тожу тахтни мерос қолдириш ёки ҳукмрон сулолани алмаштириш масалаларигача дин аралашган. Маълум меъёрлар ва қоидалар орқали уларни тартибга солган.

Тўртинчидан, юқорида айтиб ўтилгандек, дин одамларга ишонч, нажот, умид бахш этган, қўрқувни енгилда кўмаклашган, бошига оғир мусибат тушганда юпатган, руҳий мадад берган. Диннинг ушбу вазифаси – содир бўлган йўқотишни, руҳий кемтикни, етишмовчиликни тўлдириш руҳий компенсаторлик функцияси, дейилади. Ижтимоий онгнинг бирор бошқа шакли дин каби руҳий-компенсатор-

лик вазифасини кенг миқёсда бажара олмайди. Уларнинг ҳар бири фақат ўз соҳасидагина чекланган ҳолда компенсаторлик вазифасини бажаради. Диннинг компенсаторлиги эса универсал мазмунга ва кўринишга эга.

Диннинг маданий-маънавий аккумулятив, маънавий-маърифий ворисийликни таъминлаш, ижтимоий-регулятив, компенсаторлик функциялари индустриал жамиятга унинг инсон ва жамият маънавий ҳаётида етакчилик қилишини белгилади. Дин ўрта асрларда таълим-тарбияни, маиший маданият, урф-одагларни тўлиқ ўзига бўйсундирди, уларни бошқарди. Лекин фанни ўзига тўлиқ бўйсундира олмади. Улар ўртасида гоҳо пинҳона, гоҳо очиқча баҳс кузатилди.

Диннинг яна бир вазифаси – бу инсон олдига умумий, энг юксак мақсадни қўйишдир. *Ҳаққа, ҳақиқатга, юксак идеалга ишониш ва уларга этишишни ўз мақсадига айлантириш инсон ҳаётига маъни бағишлайди.* Тадқиқотчи, конструктор, умуман, ҳар қандай ижодкор, оиласи – рўзгорини тебратаётган, бола-чақасини тарбиялаётган оддий меҳнаткаш маълум ғояларга, нарсаларга қизиқади, маълум мақсадга интилади, унга эришиш мумкинлигига ишонади. Бундай қизиқиш, интилиш, ишонч бўлмаса, инсон ҳаётида маъни қолмайди.

А. Эйнштейн айнан инсоннинг энг юксак мақсадлари ва уларга қизиқишини, эришиш мумкинлигига қатъий ишончни диний эътиқод, диндорлик деб ҳисоблаган. Бу қизиқишнинг, эътиқоднинг мазмуни илоҳий Зотга бориб тақаладимиз, йўқми ёки соф дунёвий мазмунга эгами – фарқи йўқ. Унинг фикрича, фан инсонга олий мақсад беролмайди, балки унга эришиш йўлини кўрсатади ва илмий тадқиқотлар бу йўлда қудратли воситага айланади. Бундай олий мақсадни инсонга дин беради. Албатта, А. Эйнштейн фикрини мутлақлаштириб, инсон ҳаёти, яшашдан мақсадини фақат дин, диндорлик белгилар экан, қабилда тушунмаслик керак. Лекин унинг фикрида маълум рационал мағиз бор. Ҳақиқатан, фан инсон олдига умумий мақсад қўя олмайди, у конкрет, аниқ мақсадлар ва ҳал қилиниши мумкин бўлган актуал ёки лозим бўлган стратегик мақсадлар қўяди. Бу мақсадлар инсон ҳаётининг маънисини, моҳиятини ташкил қилмайди, бал-

ки ҳаётини енгиллатишга, мазмунини аниқ ютуқлар билан янада бойитишга, ривожлантиришга хизмат қилади.

**Фан ва дин муносабатлари.** Фан ва дин ижтимоий онгнинг турли шакллари сифатида фақат жамиятга хос ҳодисалардир. Уларнинг иккаласи ҳам инсонга, жамиятга хизмат қилади. Ҳар қайсининг ўзига хос, такрорланмас, бошқалар бажара олмайдиган вазифалари бор. Фақат баъзи бир вазифалари ўхшаш. Лекин айти пайтда фан ва дин ўртасида зиддият бор. Уларни тўлиқ бир бирига қарама қарши қўйиш ҳам, сунъий равишда бирлаштириш ҳам хато. Дин фаннинг, фан диннинг ўрнини ҳеч қачон боса олмайди. Фан оламнинг холис далиллар ёрдамида асосланган, исботланган инъикоси бўлса, дин оламнинг фантастик, иррационал, нореал инъикосидир. Ҳар иккаласи ҳақиқатга даъво қилади. Фан ўз «ҳақиқатини» амалий ёки мантикий далиллар орқали исботлашга уринади. У инсоннинг ҳиссиётига, ишончига ёки кўрқувига эмас, балки ақлига, тафаккурига мурожаат этади. У адашиши, нотўғри хулоса чиқариши, нарса ва ҳодисалар мазмун-моҳиятини нотўғри талкин қилиши мумкин. Лекин у мудом ақлирасоликка таянади, мантиққа зид иш тутмайди. Ҳатто турли фарзларни олға сурганда ҳам уларни мантиқан, назарий асослашга интилади.

Дин эса исботга эмас, ишончга, баъзан кўр-кўрона ишончга таянади, инсоннинг ҳиссиётига мурожаат этади. Ўз «ҳақиқатини» асослаш учун турли ривоятларга, асотирларга, нақлга, назарий мазмундаги мантикий чайқовчиликка, мантикий уйдирмаларга таянади. Бундан дин табиат ва жамиятдаги мавжуд нарса ва ҳодисаларни, далилларни тўлиқ инкор қилар экан-да, деган хулоса келиб чиқмайди. У объектив мавжуд нарсаларни, эришилган илмий-техник ва амалий ютуқларни тан олади. Фақат дин уларни эътироф этиш баробарида ўзича талкин этади, Яратганнинг иродаси билан боғлайди. Фан ўз даврининг, жамият тараққиётининг қўлга киритган имкониятлари билан чегараланган. У жавоб беролмайдиган, тушунтира олмайдиган саволлар, масалалар ҳеч қачон қамаймайди. Бир саволга жавоб топилса, бир масала ечилса, янгилари пайдо бўлаверади. Ушбу ҳолат доимо диний мазмундаги чайқовчиликлар учун замин бўлиб хизмат қилади.

Инсон эътиқоди, дунёқараши – жуда мураккаб, зиддиятли ҳодиса. У ҳеч қачон соф диний ёки соф илмий бўлмади. Баъзи кишиларда у кўпроқ илмийликка, баъзиларда кўпроқ динийликка мойиллик кўрсатади. Ҳозирги даврда айрим зиёлилар, олимлар, дин арбоблари томонидан фан ва динни «яраштириш», бирлаштиришга уринишлар тез-тез кўзга ташланмоқда. Муқаддас китоблар асотирлари, оламни Аллоҳ томонидан яратилиши ҳозирги замон илм-фани, хусусан, квант механикаси ва коинот тўғрисидаги замонавий назарияларга зид эмаслиги, Дарвин назарияси хато эканлиги ҳақидаги мақолалар, китоблар чоп этилмоқда. Фаннинг баъзи бир хулосаларига сунъий равишда муқаддас китобларнинг олам яратилиши ва тузилиши тўғрисидаги диний ривоятлар «мослаштирилмоқда», бу мақсадда улар мажозий, рамзий образ ёки код тизими сифатида талқин қилинмоқда. Бундай талқинлар замирида ҳеч қандай илмий далиллар йўқ, улар, нари борса, мантиқий чайқовчиликдир, холос. Кўп ҳолларда бундай уринишлар ҳатто шаклан зиддиятлардан холи изчил мантиқий чайқовчилик даражасида ҳам эмас.

Фан ва динни сунъий равишда бирлаштиришга ҳеч қандай ҳожат йўқ. Уларни чалкаштирмаслик керак. Буюк аждодларимиз Форобий, Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Улугбек, Али Қушчи ва бошқа даҳолар фан ва диннинг вазифаларини чалкаштирмаганлар. Улар комил мусулмон бўлганлари ҳолда, илм-фан билан чуқур шуғулланганлар. Диний мутаассиблик эътиқодини ва даъволарини рад этганлар. Ушбу муносабат билан Ибн Синонинг уни куфрда айблаганларга қарата «Агар мен мусулмон бўлмасам, демак, бу дунёда мусулмоннинг ўзи йўқ экан», деган жавобини эслаш ўринлидир. Ўрта асрларда дин ва фан ўртасидаги зиддиятларни четлаб ўтиш мақсадида «икки ҳақиқат» – «диний ҳақиқат» ва «илмий ҳақиқат» ғояси илгари сурилган. Айниқса, бу ғояни Ибн Рушд ҳар томонлама асослашга уринган.

***Дин ва нафосат.*** Дин адабиёт ва санъат ривожланишига қаттиқ таъсир кўрсатган. Қадимги ва антик даврларда мифология, ўрта асрларда эса асосан дин ҳукмрон мафкура сифатида адабиёт ва санъатнинг ғоявий мазмунини белгилаган. Бундан ташқари, санъатнинг баъзи

турлари, масалан, антик давр ҳайкалтарошлиги, архитектураси биринчи навбатда диний буюртмаларни бажарган. Қадимги Грецияда дастлаб фақат худолар ва мифологик қахрамонлар ҳайкаллари ясалган. Сўнгра олимпия ўйинлари қахрамонлари ва буюк олимлар, арбоблар, подшоҳлар бюстлари ясала бошлаган. Меъморчилик санъати ёрдамида барпо этилган ҳашаматли ибодатхоналар бевосита диний вазифани бажарган. Подшоҳларнинг улкан саройлари, қасрлари ҳокимият, келиб чиқишига кўра, илоҳий эканлигини тасдиқлашга хизмат қилган. Сарой аъёнлари, киборлар яшайдиган меъморий бинолар оқибат натижада ҳокимиятга, ҳокимият орқали худога (худоларга) яқинликдан далолат ҳисобланган. Оддий фуқаролар меъморлик санъати қўлланилмайдиган кулбалар ва уйларда яшаган.

Антик давр диний қарашларида тақдир, қисмат, ёзуқ деб турлича аталадиган тамойил устунлик қилган. Унга биноан, инсон эркин эмас, ўз тақдирини ўзгартира олмайди. Унинг тақдири, қисмати азалдан, у туғилмасдан аввал белгиланган. Инсон тақдирга тан бериши лозим. Адабиёт, санъат, архитектура шу ғояни изчил тарғиб этган. Диний асотирлар, ривоятлар антик ва ўрта асрлар мобайнида адабиёт ва тасвирий санъатнинг асосий мазмунини ташкил этиб келди. Мусиқа ва рақс ҳам дин буюртмаси ва таъсиридан холи қолмади. Улар дастлаб асосан турли диний ва эътиқодий байрамларни, анъана ва маросимларни бажариш воситаси сифатида ривожланди. Кейинчалик ҳукмдорлар ва бадавлат кишиларнинг ҳузур-ҳаловатиغا, одамларнинг тўй-томошаларига кириб борди.

Ислом мамлакатларида ҳам дин ҳукмрон мафкура сифатида адабиёт ва санъатга кучли таъсир кўрсатди. Исломга мос келмайдиган ҳайкалтарошлик, мусаввирлик (расм чизиш) дастлаб мутлақо тақиқланди. Меъморчилик, кейинчалик мусиқа ислом буюртмаси ва талабларига мослашди. Адабиёт эса дастлаб ортодоксал, мумтоз ислом таъсирида, ўрта асрларда Эрон, Хуросон, Мовароуннаҳр, Ҳиндистондаги мусулмон халқлари адабиёти эса тасавуф таъсирида ривожланди. Аммо, яна бир бор таъкидлаш жоизки, биринчидан, адабиёт ва санъат дин туфайли вужудга келмайди. Улар ижтимоий онгнинг мустақил

шакллариدير. Иккинчидан, адабиёт ва санъат ҳеч қачон тўлиқ дин таъсирига тушиб қолмайди, баъзан эса ҳукмрон диний қарашларга нисбатан танкидий, ҳатто мухолифлик руҳидаги ғояларни ифодалайди. Айрим риёкор шайхлар, дин пешволари танкидини биз барча буюк адиблар ижодида, жумладан, Навоий, Бобур асарларида учратамиз.

Халқ оғзаки ижоди, хусусан, қахрамонлик эпослари (достонлар), лирик термалар, ашулалар, лапарлар, айтишувлар, халқ рақслари, каштадўзлик деярли тўлиқ дунёвий мазмунга эга, уларда баъзи бир диний унсурлар учраса-да, улар кўпроқ қахрамоннинг маълум давр кишиси эканлигини кўрсатади, асарнинг ғоявий мазмунини ташкил этмайди. Тўғри, кўп асрлар мобайнида адабиёт ва санъат динга хизмат қилиб келган. Адабиёт ва санъат ёрдамида дин одамлар онгига таъсирчан, жонли образлар орқали етиб борган, ўз мавқеини мустаҳкамлаган. Адабиёт ва санъат диннинг такомиллашишига, тадрижига, ислоҳ қилинишига катта ҳисса қўшган. Тасаввуфнинг ўрта асрларда Эрон, Хуросон ва Мовароуннаҳрда етакчи ўринга чиқишида адабиётнинг роли катта. Айтилганлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, нафақат дин ҳукмрон мафкура ўлароқ қадимги, антик ва ўрта асрларда адабиёт ва санъатга кучли таъсир кўрсатди, шунингдек, уларнинг таъсирида ўзи ҳам мавқеини мустаҳкамлади, такомиллашди ва ривожланди.

Европа Уйғониш давридан жамиятнинг маънавий ҳаётида диннинг аҳамияти пасая бошлади. Адабиёт ва санъат баъзан динга очикча ғоявий мухолиф сифатида ўзини кўрсатди. Масалан, Боккачонинг «Декамерон» асари, буюк италян рассомларининг антик ёки Библия асотирлари мавзуларида яратилган картиналарида яланғоч инсон танаси тасвирлангани тўғрисида шундай дейиш мумкин. Улар ўрта аср христиан ахлоқига зид эди. Уйғониш ва Маърифатпарварлик даври рассомлари яланғоч эркак ва аёлларни тасвирлаб, оддий инсоний муҳаббатни куйладилар. Бу билан христиан динининг ахлоқий ва эстетик мезонларига очикча қарши чиқдилар. Ғарб ижтимоий онги, маънавияти дин ва черков таъсиридан қутила бошлади. Дин ва черков таъсиридан қутилиш секуляризация дейилади. Секуляризация атеизм, динга ишонмаслик ва

уни инкор қилиш эмас, балки динни хусусий ишга айлан-тириш, давлат ва жамият институтларини (динийлардан ташқари) черков таъсиридан озод этишдир.

Секуляризация жараёнида аста-секин черков дав-латдан, мактаб черковдан ажратилди. Энди дин дав-латнинг мафкуравий ташкилоти вазифасидан, ундан келиб чиқадиган цензорлик ва ғоявий бошқарувчилик ҳуқуқларидан маҳрум бўлди. Бу, ўз навбатида, Ғарб мам-лакатларида хурфикрлик, илм-фан, таълим, адабиёт, са-нъат, маданият гуркираб ўсишига, инсон омили юксали-шига олиб келди.

Лекин кейинчалик Ғарб жамиятида индивидуализм ва вульгар антропоцентризм тамойиллари, одамларнинг ўзаро ижтимоий бегоналашуви кучайди. Секуляризация жараёнида Ғарб жамияти нафақат диндан, балки ташқи диний тус олган кўпгина ахлоқий қадриятлардан ҳам, аф-суски, воз кечди. Нагигада, Ғарб маънавиятида аста-се-кин салбий унсурлар кўпая борди. Чунки дин инсоннинг ички, руҳий олами яхлитлигини сақлашда, миллий ахлоқ ва ижтимоий қадриятларни ташқи тажовуздан ҳимоя қилишда ёрдам беради. У инсонни худбинликдан, нафс ва ҳирсдан, очкўзликдан, бойлик орттириш, шахсий ман-фаатларни ҳамма нарсадан устун қуйиш ҳирсидан ёки ўзига ёт салбий таъсирдан сақлайди.

Исломи мамлакатларида «ўрта асрлар» чўзилиб кетди. Дин мутлақ ҳукмрон мафкурага айланиб бўлган, унга хос догматизм бутун жамият ҳаётини, иқтисодий муно-сабатларгача, қамраб олган эди. Ривожланиш, ижтимоий тараққиёт тўхтаб қолганди. Оқибатда деярли барча ислом мамлакатлари, Туркиядан ташқари, XIX аср охирига ке-либ ё ўз мустақиллигини тўла, ё қисман йўқотиб, мустам-лака ва яриммустамлака мамлакатларга айланди. Эрон, Бухоро амирлиги, Афғонистон каби давлатлар яриммус-тамлака – Россия ва Буюк Британия империяларининг протекторатлари эди.

*Диннинг маънавиятга зиддиятли таъсири.* Динга хос ички зиддиятлар жамият ҳаётида кескин ўзгаришлар юз берганда аниқроқ кўринади. Мустамлакачилик даври-да, бир томондан, ислом миллий онгни, миллий маданият ва урф-одатларни ўзига хос тарзда ҳимоя қилди. Аҳолини



«ғайридин», «кофирлар» билан аралашиб ассимиляция бўлиб кетишидан сақлади. Мустамлакачилик даврида уруғ-қабила динларига сиғинадиган, тараққиёт даражаси паст халқларнинг деярли барчаси ўз тилини йўқотиб, мустамлакачилар тилига ва динига ўтиб кетди. Мисол тариқасида Африка, Шимолий ва Жанубий Америка, Осиёнинг баъзи бир қабилалари ва халқларини келтириш мумкин. Аммо ислом, индуизм ва буддизм тарқалган халқларда биз бундай ҳолатни кузатмаймиз. Уларнинг мутлақ кўпчилиги ўз эътиқодларида собит қолдилар. Улар она тилини, урф-одатларини, адабиёт ва санъатини, умуман, миллий маданиятларини сақлаб қолдилар. Уларни Ғарбдан, метрополиядан ўзлаштирган янги сўзлар, тушунчалар, маданий ютуқлар ҳисобига янада бойитдилар. Ушбу далил диннинг миллий ва маданий муҳофазакорлик аҳамиятини аниқ кўрсатади. Миллий озодлик ҳаракатига жаҳон динлари муайян ҳисса қўшганини эътироф этиш лозим. Улар озодлик кураши йўлида аҳолининг турли қатламларини бирлаштиришда ўзига хос умумий мафкураравий замин, платформа вазифасини ўтаган эди. Чунки турли синфларга, ижтимоий қатламларга мансуб, яшаш шароити ва турмуш муоммолари, манфаатлари ҳар хил бўлган, маданий савияси ва саводхонлик даражаси кескин фарқ қиладиган кишиларни ягона сиёсий мафкура асосида бирлаштириш қийин. Дин эса уларнинг ҳаммаси учун ягона эътиқод ва мафкура эди.

Аммо, иккинчи томондан, расмий руҳонийлар тезда мустамлакачи маъмурият билан тил топишиб кетди. Тақдири азал, мўминлик, худонинг бандасига юборган синовни, ҳокимият, подшолик Аллоҳдан, амри подшо – вожиб ва шу каби турли диний меъёрлар ва тамойиллар ёрдамида халқни чалғитиб, мустамлака маъмуриятига содиқлик билан хизмат қилдилар. Одамларни тақдирига тан беришга чақирдилар. Тўғри, руҳонийлар орасида ватанпарварлари кам эмас эди. Уларнинг айримлари миллий озодлик ҳаракатида фаол қатнашиб, ўз жонини қурбон қилдилар. Айнан ушбу мисолда динга хос ички зиддият яна бир бор намоён бўлади.

Догматизм динни замон талабларига мос ривожланиб, такомиллашиб боришига халақит беради, маънавий

турғунликка, миллий маҳдудликка ундайди. Шу сабабдан ҳар қандай дин аста-секин ҳаётдан ортда қола бошлайди, одамларнинг эркинлигини чеклайди. Ислом дини билан ҳам шундай ҳол юз берди. IX-XII, сўнгра қисман XIV ва XV асрларда юксак тараққиётни таъминлай олган, илм-фанни, айниқса, математика, астрономия, тиббиёт фанларини, адабиёт, санъат, маданиятнинг бошқа соҳаларини замонасининг энг юксак чўққисига кўтара олган ислом ижтимоий тараққиётни сақлаб қололмади. Илм-фан ва адабиёт, санъат, маданият чуқур инкирозга учради.

Одамларда аста-секин ташаббус сўниб, боқимандалик, Оллоҳдан ризқ кутиш, мўъжиза кутиш кучайиб кетди.

Динни ҳаёт талабларига мослаб бориш учун, бошқа соҳалардаги каби, унда ислоҳотлар ўтказиб туриш лозим. Лекин бу жуда қийин, ҳатто хавfli иш. Европада Реформация 125 йил давом этган урушларга олиб келди ва оқибатда капитализм руҳига мос протестантизмни қонунийлаштирди. Фақат мустамлакачилик домига тушиб қолгандан кейин ислом мамлакатларида илғор зиёлилар ва руҳонийлар озодликка, тараққиётга эришиш учун исломни ислоҳ қилиш ғоясини олға сурдилар. Лекин жамият уларни тушунмади, қабул қилмади. Ислоҳотчиларнинг ўзлари ҳам XIX аср охири – XX аср бошларида (ҳозиргача) диний ислоҳотларни турлича тушунар эдилар. Уларнинг баъзилари исломни Ғарб либерализми ғоялари билан яқинлаштириб, замонавийлаштириш тарафдори бўлса, бошқалари исломни кейинги асрларда булғаган хурофот ва бидъатдан тозалаш, аждодларнинг солиҳ йўлига қайтиш – ас-салаф ас-солиҳ – ғоясини илгари сурдилар. Шу тариқа аста-секин салафия оқими вужудга келди. Ислом ислоҳотчилари (муслихун) Муҳаммад Абдо (Абдух), Абдурахмон ал-Кавкабий, Рашид Ридо, Абдуллоҳ Нодим салафияга асос солди, дейиш мумкин. Лекин, таъкидлаш жоизки, салафияда кейинчалик, консерватив ва радикал тенденциялар кучайиб, устунлик қилиб кетди.

XIX аср 80-йилларида Европада қувғинда яшаган мисрлик муслихун шайх М.Абдух (1849–1905) ва XX аср бошларида Россияга, Фаластинга саёҳат қилган бизнинг Бехбудий таассуротларида ижтимоий ҳаёт ва диний

карашларни ислоҳ қилиш тўғрисида ўхшаш ғоялар учрайди. Муҳаммад Абдухнинг куйидаги фикри эътиборлидир: «Ғарбга бордим, у ерда ҳақиқий исломни кўрдим, бироқ мусулмонларни кўрмадим. Шарққа қайтдим. Бу ерда мусулмонларни кўрдим-у, исломни кўрмадим». М.Абдух айтмоқчики, ислом маърифат, илм-фан, саъй-ҳаракат, ташаббускорлик дини. У боқимандаликни, текинхўрликни, жаҳолатни, саводсизликни хушламайди. Ҳар бир киши бирор фойдали иш билан банд бўлиши лозим (Бежиз Оллоҳ номидан «Сендан – ҳаракат, мендан – баракат» деган ҳикмат нақл қилинмайди).

Европада М. Абдух ана шу талабларга мос ҳаётни кўрди: ёшлар мактабга боради, ўқийди, ҳунар ўрганади, катталар завод-фабрикаларда, турли-туман хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнат қилади, ишсизлар меҳнат биржаларига боради, иш излайди, шарқдагидек бозорларда, муқаддас жойларда, кўчаларда тиланчилик қилмайди. Илм-фан, техника ютуқлари халқ хўжалигида, одамларнинг маиший турмушида кенг тарқалган. Одамлар тоза, озода яшайди. Меҳмонхоналар озода. Тўшакларда қордек оппоқ чойшаблар, ванна хоналарда оппоқ сочиқлар, совуқ ва иссиқ сув. Мақтаблар, ўқув юртлари, касалхоналар, кутубхоналар, кироатхоналар, музейлар, галериялар, театрлар ва бошқа маданий-маърифий муассасалар кенг тарқалган. Ахир булар мумтоз ислом талабларига моску! Шу сабабдан Абдух «Ғарбга бордим, у ерда ҳақиқий исломни кўрдим...» дейди. Ўз юрти ва қўшни ислом мамлакатларида аҳоли ислом фарзларини бажариб, шариат талабларига мос яшаса-да, яъни мусулмон бўлса-да, мамлакатларнинг ўзларида исломнинг илм-маърифатга, маданиятга, бунёдкорликка, тараққиётга интилиш талаблари унутилиб қўйилганини Муҳаммад Абдух янада чуқурроқ ҳис қилди. Ва исломнинг гуркираб ривожланган, ижтимоий тараққиётнинг маънавий асоси бўлган даври тамойилларига, аждодларнинг солиҳ йўлига – маърифатга, илм-фанга, ташаббусга, тараққиётга қайтишга чорлайди. Айнан шундай илм-маърифатга, тараққиётга даъватларни Бехбудий асарларида учратамиз.

Ислом мамлакатлари истиқлолга эришгандан кейин жуда мураккаб иқтисодий, ижтимоий-сиёсий қийинчи-

ликларга дуч келди. Бозор муносабатларининг ривожланиши ўтиш даврида иктисодий аҳволни янада оғирлаштирди, жамиятда ижтимоий табақаланишув кучайди. Сахнага турли сиёсий гуруҳлар, партиялар чикиб, хокимият учун ўзаро курашни бошлаб юборди. Баъзи бир сиёсий гуруҳлар барча қийинчиликларда собиқ мустабид давлатларни айблади. Улар ўз тарафдорларини кўпайтириш, ички мухолифларига ва Ғарбдан келаётган неокOLONиализм хавфига қарши курашда исломдан фойдаланишга, уни сиёсийлаштиришга, унинг никоби остида ҳатто ҳарбий тўнтаришлар ва кўпоровчиликлар қилишга уринди. Бундай уринишлар ҳамон давом этмоқда. Натижада, янги шаклдаги сиёсийлашган ислом экстремизми вужудга келди.

*Диний экстремизмга қарши кураш зарурати.* Диний мутаассиблик (фанатизм) у ёки бу даражада барча динларда доимо бўлган. Мутаассиблик – ақидапарастлик асосида вужудга келади. Маълум ақидаларга қаттиқ берилиб, бошқаларни инкор қилиш, тан олмаслик мутаассибликни туғдиради.

Мансур Ҳаллоҷ, Насимий, Машраб суфиёна қарашлари учун реакцион ақидапарастлар томонидан қатл қилинган эди. Яқин Шарқ мамлакатлари мисолида кескин ислоҳотлар, сиёсий беқарорлик ақидапарастликни, диний мутаассибликни озиклантирганини кўрамиз.

Мутаассиблик асосида диний ҳиссиётга ўта берилиш, ўзга диний қарашларга тоқат қилолмаслик, фақат ўз қарашларини бирдан-бир тўғри деб ҳисоблаш, бошқаларга бу қарашларни мажбуран сингдиришга уриниш, кўп ҳолларда эса диний билимларнинг, имон эркинлигининг етишмаслиги ётади. Айнан шундай уринишлар экстремизмга олиб келади. Юқорида қайд этилганлар ақидапарастликнинг гносеологик ва психологик илдиларидир. Мутаассибликнинг ўзи бевосита экстремизм ва терроризмнинг бир кўриниши эмас, у онг ҳодисасидир. Аммо мутаассиблик, ақидапарастлик, ўз навбатида, экстремизм ва терроризмнинг ижтимоий-психологик асосини ташкил этади. Фанатизмдан экстремизмгача, экстремизмдан терроризмгача эса бир қадам.

Аслида экстремизм ва терроризмнинг ҳақиқий динга алоқаси йўқ. Барча динлар инсонпарварликни, эзгуликни, адолатни ёқлайди. Экстремизм ва терроризм динни ўзига никоб қилиб олиб, диний саводи паст бўлган ёки ҳаётий тажрибаси кам, диний қарашлари заиф ва беқарор кишиларни чалғитади. Диний мутаассиблик, экстремизм, терроризм маънавиятни ич-ичидан емиради. Инсонни зомбига – манқуртга айлантиради, маданият ёдгорликларини, музейларни, бошқа динга, ўз динининг ҳатто бошқа мазҳабига оид бебаҳо қўлёзма асарларини йўқ қилади. Буни афғон толиблари ва ислом давлати (ИШИД) жангарилари томонидан баъзи ёдгорликлар ваҳшиёна йўқ қилингани тасдиқлайди.

Ўзбекистон дунёвий тараққиёт йўлидан бормоқда. У демократияни, ҳуқуқий давлат асосларини мустаҳкамлаб, очиқ фуқаролик жамиятини қурмоқда. Миллий ғоямизнинг асосий тамойиллари орасида миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик алоҳида ажралиб тургани бежиз эмас. Конституциямизда виждон эркинлиги мутаҳкамлаб қўйилган, давлатимизнинг бу борада тегишли қонуни мавжуд. Виждон эркинлиги, биринчидан, ҳеч бир киши диний эътиқодга кўра таъқиб қилиниши ёки ҳуқуқлари чекланиши мумкин эмаслигини, иккинчидан, унинг истаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқи борлигини тан олади. У диндорларни атеистлар ёки бошқа динга мансуб кишилар тажовуздан, камситишидан ҳимоя қилиш, диний-эътиқодий ҳуқуқларини таъминлаш каторида динга ишонмайдиганлар ҳуқуқини диний мутаассибликдан, экстремизм тажовуздан, ҳақоратидан, босимидан ҳимоя қилишни билдиради. Эътиқод ва виждон эркинлиги қонуни, бошқа қонунлардек, барчага баробар, унинг олдида барча тенг. Лекин ташқи ёт таъсир остида ҳамда айрим ички кучларнинг ҳокимиятга ноқонуний йўл билан интилиши оқибатида мамлакатимизга диний-экстремистик, акидапарастлик, халифатни тиклаш никобида айирмачилик (сепаратистик) ғояларини олиб киришга уринишлар бор. Натижада, «соф ислом», «ислом халифати» ғоялари никобида аслида диний экстремизм ва айирма-

чилик (сепаратизм) ғояларини одамлар онгига киритишга муҳолифларимиз ҳаракат қилмоқдалар. Биз уларга қарши кураш олиб бормоғимиз, ёшларда мафкуравий иммунитетни кучайтirmoғимиз, асл исломий кадриятларни аҳолига тўғри тушунтиrmoғимиз лозим.

### 13. МАЪНАВИЯТ ВА АХЛОҚ

Ахлоқ маънавиятнинг бирламчи негизларидан ҳисобланади. Азалдан маънавият тушунчаси ахлоқ тушунчаси билан жуда яқин боғланган. Ҳатто баъзи ўринларда у маънавиятнинг маънодоши сифатида қўлланилади. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да «маънавий» сифатининг иккинчи мазмуни «ахлоқий» деб берилган. Чоп этилаётган баъзи китобларда маънавият баъзан ахлоқ ва эътиқоднинг синоними сифатида ишлатилади. Бу, айниқса, Ғарб тилларига хос, чунки улар маънавиятнинг луғавий синонимларини динийлик мазмунида қўллайдилар.

Маънавият ахлоқдан бошланиб, ахлоқда мужассамлашади. Жамиятнинг барча ютуқлари, илм-фан, сиёсат, адабиёт ва санъат, урф-одатлар ва умуман маданият, охири оқибатда, инсон ҳаёти, муносабатлари, хулқ-атвори яхшиланишига, эркинлик даражаси ўсишига хизмат қилади. Шу сабабдан биз ахлоқни маънавиятнинг бирламчи пойдевори ва якуний куббаси деймиз. Кўп тилларда «маънавий муҳит» тушунчаси ахлоқий муҳит, ахлоқий иқлим ва ш.к. атамалар билан алмаштирилади.

Шарқ маънавияти (нафақат ислом мамлакатлари, шунингдек, Хитой, Ҳиндистон, Жануби Шарқий Осиё мамлакатлари, Корея ва Япония ҳам) ядросини, мағзини ахлоқ ташкил этади.

Ахлоқ маънавият вужудга келишига ва ривожланишига катта ҳисса қўшгани каби, маънавият ҳам ахлоқ ривожланишига катта таъсир кўрсатади. Маънавият тизимида ахлоқ такомиллашади, сайқал топади, чунки унга маънавиятнинг бошқа таркибий қисмлари – фалсафа, дин, адабиёт ва санъат баракали таъсир кўрсатади. Ахлоқий тушунчалар ва категорияларнинг мазмун-моҳиятини фалсафа ва илм-фан бойитса, чуқурлаштиради, унга янада

аниклик киритса, ривожланиш омилларини очиб, кўрса-тиб берса, адабиёт ва санъат ахлоқий тушунча ва катего-рияларга ҳаётийлик, образли аниклик бағишлайди, турли вазиятларда қандай юзага чиқишини кўрсатади, инсон руҳий олами ва тақдири билан боғлайди.

Жамият тараққиёти давомида ахлоқий тушунчалар, меъёрлар, ғоялар бойиб, мураккаблашиб, инсонпарвар-лик даражаси юксалиб боради. Мураккаб ахлоқий ту-шунчалар – эзгулик ва ёвузлик, виждон ва виждонсизлик, бахт ва бахтсизлик, инсонпарварлик ва аксилинсоний-лик, садоқат ва хоинлик кабиларнинг мазмунига, миллий шарт-шароитлардан ташқари, турли ижтимоий гуруҳлар, табақалар, синфлар манфаатлари, мафкуралари, тарихий ўзгаришлар ҳамда сиёсий, геосиёсий, курравий (глобал) муаммолар таъсир кўрсатади.

Ахлоқ ҳаётнинг барча соҳаларида – оилада, маҳаллада, меҳнатда, ишлаб чиқаришда, шахслараро, гуруҳлараро, миллатлараро ва х.к. алоқаларда одамларнинг ўзаро му-носабатини ва қарашларини тартибга солади. У ижтимо-ий-сиёсий кучга (давлат ва маъмурий органлар кучига) эмас, балки жамоатчилик фикрига таянади. Ахлоқий қоидаларни ва талабларни бажармаган кишиларга нис-батан теварак-атрофдагиларнинг муносабати совуқ бўл-ган, уларни кўпол равишда бузганлардан эса одамлар юз ўгирган, жумладан, қишлоқдан, маҳалладан қувган. Шу сабабдан ахлоқий талаблар ва меъёрларга одамлар ихтиё-рий бўйсунган. Ахлоқий ғоялар, меъёрлар, тамойиллар умумижтимоий мазмунга эга ва муайян маданият вакил-ларининг барчаси учун баробар.

Оддий (элементар) ахлоқий тушунчалар – салом-алик, уят, алдамаслик, тўғрилиқ, ростгўйлик, ўзаро ёр-дам, меҳр, ҳаромдан ҳазар қилиш, ёлғончи, фирибгар, мақтанчоқ кишиларга салбий муносабат ва шу кабилар меъёрий мазмунга эга. Улар одамларнинг кундалиқ му-носабатини, алоқаларини, турмушини тартибга сола-ди. Ахлоқий меъёрлар ундовчи (рағбатлантирувчи) ва чекловчи (тақиқловчи) вазифаларини бажаради. Оддий ахлоқий меъёрлар умуминсоний характерга эга. Улар ин-сон табиати такомиллашуви билан бевосита боғлиқ. Шу

сабабдан улар, тилидан, динидан, маданиятидан қатъи назар, ҳамма халқлар учун моҳиятан бир хил, аммо шаклан баъзан анча фарқ қилиши мумкин.

Ҳамма халқларда у ёки бу кўринишда салом-алик бор, барча халқлар тўғри сўзни, ростгўйликни ёқтиради, ёлгонни ёмон кўради, қоралайди, Ҳамма халқларда қариндош-уруғлар, кўни-кўшнилар, жамоадошлар бир бирини оғир дамларда қўллаб-қувватлаган, ёрдам берган ва ҳ.к. Оддий ахлоқий меъёрлар одамларни бирлашишга, биргаликда қийинчиликларни енгишга, бир бирини қўллаб-қувватлашга ундаган. Бу билан одамларнинг жамоавийлик туйғусини, ижтимоийлашиш даражасини, маънавиятини юксалтирган, қадриятларнинг тизимли пойдеворини яратган. Бирлашиш, жамоавийлик туйғуси ва меъёрлари одамларнинг моддий ва маънавий яратувчилик имкониятларини оширган.

Оддий кундалик меъёрларни ифодаловчи тушунчалардан ташқари, юқорида таъкидланганидек, умумий универсал ахлоқий тушунчалар ҳам бор. Улар ахлоқ категориялари, деб аталади. Ахлоқнинг асосий категорияларига қуйидагилар киради: эзгулик ва ёвузлик, инсонпарварлик, бурч, виждон, ватанпарварлик, бахт-саодат. Албатта, булардан ташқари адолат, ишқ (муҳаббат), садоқат, завқ-шавқ (лаззат), ҳақгўйлик (ҳақиқатпарварлик) ва шу каби муҳим мураккаб ахлоқий тушунчаларни ажатиб кўрсатиш мумкин. Лекин улар, охир-оқибат, юқоридаги категорияларнинг маълум вазиятда намоён бўлиш шаклини ифодалайди. Масалан, садоқат бурчнинг ёки виждоннинг, адолат инсонпарварлик ва эзгуликнинг конкрет кўринишидир. Ҳузур-ҳаловат (лаззат, завқ-шавқ) бахт-саодатнинг муайян ҳолатда юзага чиқишидир.

Аслини айтганда, барча ахлоқий ҳодисаларни, баҳо ва тушунчаларни икки категория – эзгулик ва ёвузликка келтириб боғлаш мумкин. Аммо инсонпарварлик, бурч, виждон, бахт-саодат, ватанпарварлик кабиларнинг инсон ва жамият маънавий ҳаётида тутган ўрни шу қадар аҳамиятлики, уларни алоҳида категориялар сифатида ўрганиш маъқул топилган.

Эзгулик инсоннинг ақлли, маънавий ва ижтимоий мавжудот сифатида такомиллашишига, унинг соғлом



эхтиёжлари ўсишига, камчиликлари камайишига, ижодий имкониятлари, салоҳияти юзага чиқишига ёрдам беради. Ва, аксинча, ёвузлик инсон шахсиятини ич-ичидан емиради, унинг ҳаётга, жамиятга, ҳатто ўз-ўзига нотўғри муносабатини шакллантиради, салбий хусусиятларини кўпайтиради, худбинлик, масъулиятсизлик, жаҳолат ботқоғига ботиради. Ушбу муносабат билан маърифат бу – эзгулик; жаҳолат бу – ёвузлик; эзгулик бу – масъулият; ёвузлик – масъулиятсизлик; эзгулик бу – сахийлик, бағрикенглик; ёвузлик бу – зикналик, ҳасислик, худбинлик; эзгулик – ўзгаларга хайрихоҳлик, мафкуравий толерантлик; ёвузлик – ўзгаларга бепарқлик, ўзгача фикрлар, қарашларга, кадриятларга тоқатсизлик, дейиш ҳам мумкин.

Виждон ахлоқ илми – этиканинг энг зиддиятли категорияларидан биридир. Қадимги Рим файласуфлари виждонни инсоннинг ўз хатти-ҳаракатларини ё қоралайдиган, ё оклайдиган ички овоздир, деб ҳисоблаганлар. Стоиклар виждонни инсоннинг ўз ўзини сақлаш, ички уйғунликка эришиш воситаси сифатида талқин қилади. Диний-фалсафий қарашларга мувофиқ, виждон Худо томонидан инсонга уқтирилган ақл қонунидир (*lex rationis*). Исломда виждон (диёнат) Оллоҳ инсонга ато этган туйғу ва мажбурият, у кўпроқ кўнгилга мансуб. Европа мутаффакирлари орасида ҳам виждонда туғма «ахлоқий туйғу», ҳис-ҳаёжон катта ўрин эгаллашини тан оладиганлар бор. Масалан, инглиз файласуфи А.Шефтсбери (1671–1713) ахлоқий туйғу инсонда туғма бўлади, деб ҳисоблаган. Буюк немис файласуфи И.Кант виждон ва бурч ўртасида тенглик аломатини қўйган, виждонни инсоннинг ўз бурчини англаб олиши ва бажариши, деб ҳисоблаган. Бурч категорияси Кант этикасининг асосий ядросини ташкил қилади. Бурчига содиқ киши виждонли, бурчига ҳиёнат қилган киши эса виждонсиздир. Бурч категорияси талқинидан келиб чиқиб, Кант яна ўзининг иккита «қатъий императив» ва «инсон мақсаддир» деган ахлоқий қонунларини таърифлайди.

Виждон тўғрисидаги қарашлар ривожланиб, чуқурлашиб бораётир. XX асрнинг машҳур мутаффакирларидан бири Э.Фромм психоанализ усулларини ҳисобга олиб, виждонни «авторитар» ва «инсонпарвар» виждонларга бўлишни таклиф этди. Авторитар виждон, Фромм

фикрича, ташки обрўнинг – ота-она, давлат ёки муайян маданиятда тан олинган бошқа ҳар қандай обрўнинг, яъни ташки ҳодисанинг – ғоянинг, фикрнинг, қарашларнинг, таълимотнинг инсоннинг эътиқодига, ички эҳтиёжига, заруриятига, шахсининг бир бўлагига айланишидир. Бу ташки ҳодисанинг интернализациялашуви дейилади.

Инсон ота-она, черков, давлат, жамоатчилик фикри каби обрўларни онгли ёки онгсиз равишда ахлоқ меъёрларини, қонунларини белгиловчилар, деб қабул қилади ва бу меъёрларни ўзлаштириб, ўз шахсининг бир бўлагига – виждонига айлантиради. Виждон инсон хулқ-атворини ташки обрўдан кўрқишга нисбатан самаралироқ бошқаради. Чунки ташки обрўдан қочиб қутулиш мумкин, аммо виждонингдан яширина олмайсан. Авторитар виждон соҳиби қадриятлар, эзгулик ва ёвузлик тўғрисида ўз мулоҳазаларига эмас, балки обрў томонидан белгиладиган талаблар ва тақиқларга таянади. Агар бу талаблар эзгуликка мос бўлса, виждон инсон хулқини яхшилик, бунёдкорлик томон йўналтиради. Ва, аксинча.

Обрў талабларининг виждон меъёрларига айланишига сабаб, уларнинг тўғрилиги ёки фойдалилигида эмас, балки обрў томонидан кўрсатмага айлантирилганидир. Ушбу меъёрлар хато ёки ҳатто ғайриинсоний бўлганида ҳам виждоннинг унсури сифатида барқарордир. Масалан, Гитлерга ёки Сталинга тўлиқ ишонган киши жирканч, ноинсоний кўрсатмаларни бажараётганида, жаллодлик қилаётганида, хизмат бурчимни адо этаётирман, деб ўйлаган ва виждон азобини ҳис қилмаган.

Фроммнинг авторитар виждон ҳақидаги фикрлари, мулоҳазалари анъанавий ва тоталитар жамиятлар моҳиятини, уларнинг инсон онгига, маънавиятига салбий таъсирини чуқурроқ тушунишда ёрдам беради.

Инсоннинг ахлоқий эътиқоди тайёр андозавий меъёрлар, обрў кўрсатмалари асосида кўр-кўрона эмас, балки унинг танқидий тафаккуридан ўтиб, танланиб, онгли қабул қилинсагина, гуманистик виждон шаклланади. Гуманистик виждон эгаси ўз хатти-ҳаракатларини обрў томонидан белгиланган меъёрларга, талабларга мослигига қараб эмас, балки эзгулик ва ёвузлик мезонларига мувофиқ ижобий ёки салбий баҳолайди. Агар ўз хатти-

ҳаракатини салбий баҳоласа, виждони уни қийнайди. Хатосини тузатишга ундайди. Гуманистик виждоннинг самарадорлиги ҳам шундадир.

Энди Кант таълимотида баён қилинган асосий ахлоқий қонунга қайтамыз. И.Кант «Амалий ақл танқиди» (1788 й.) асарида «категорик императив» (қатъий буйрук, амр) тушунчасини қўллайди. Категорик императив Кант этикасининг асосий қонунидир. У икки тезисда ифодаланади: «хатти-ҳаракатинг шундай максимага (талаб, меъёрга – А.Э.) мос келсинки, унга риюя этиб, сен айни пайтда унинг барча учун умумий қонунга айланишини истагил». Бу «ўзинга раво кўрмаган нарсани бошқаларга ҳам раво кўрма, сенга маъқул келган нарсадан бошқалар ҳам баҳраманд бўлишини истагил» деган ахлоқий қонуннинг ўзига хос қатъий амр шаклидаги фалсафий ифодасидир.

Иккинчиси: «хатти-ҳаракатинг шундай бўлсинки, бутун инсониятга ўз сиймонгда ҳам, ҳар қандай бошқа кимса сиймосида ҳам, доимо мақсад деб билган ҳолда муносабатда бўлгил ва ҳеч қачон унга восита сифатида муносабатда бўлмагил». Кантнинг ушбу фикрлари Европа мумтоз гуманизмининг чўққисидир. Инсон давлат машинасининг мурвати ёки «буюк қурилишлари»нинг оддий ғишти эмас, тараққиётнинг оддий материали эмас. Давлат ҳам, ҳар қандай «буюк қурилиш», ислохот, тараққиёт ҳам инсон учун. Инсон – ижтимоий тараққиётнинг, давлат ва жамият фаолиятининг мақсади. Улар пировардида инсоннинг юксалишига хизмат қилиши керак.

Кейинги асрларда Европа гуманизми турли сабабларга кўра анча зиддиятли ривожланди. Илғор мутафаккирлар, адабиёт ва санъат арбоблари мумтоз гуманизм ғояларига содиқ қолиб, уларни ривожлантирган бўлса, айрим назариячилар шахс манфаатларини, хоҳиш-истакларини, индивидуализмни ортиқча баҳолаб юбордилар. Улар фикрича, инсон манфаатларининг устуңлиги, хоҳиш-истакларининг рўёбга чиқиши, ҳаётдан тўйганича лаззат олиши инсонни бахтли қилади. Лекин лаззат, завқ-шавқ нафсга ва ҳирсга айланса, инсонни бахтли эмас, бадбахт қилади, унинг маънавий дунёсини емиради.

XX асрда бу вульгар антропоцентризмга олиб келди. Инсоннинг ҳар қандай майл-истаклари, агар улар зўра-

вонлик ва қотилликка, ҳокимиятни куч ёрдамида ағдариб ташлашга қаратилмаган бўлса, ахлоқий жиҳатдан тўғри, деб талқин қилина бошлади. Натижада, сексуал эркинлик, гомосексуализм, биржинсли никоҳлар, фоҳишабозлик, наркоиндустрия ва ш.к. ғайриахлоқий ҳодисалар авж олиб кетди.

Юқорида ахлоқ маънавиятнинг бирламчи негизларидан бирини ташкил этиши айtilган эди. Шу сабабдан кўплаб файласуфлар ахлоқни, ахлоқшуносликни ўз таълимотларининг асосига қўйган. И.Кант ўз таълимотининг асосига этика фанини – ахлоқшуносликни қўйган. Сократ (Сукрот) фалсафаси ахлоқ масаласига асосланган.

Баъзи олимлар ахлоқни ҳатто ижтимоий воқеликни (жамиятни) яратувчи куч қаторига киритади. XX асрнинг машҳур мутафаккирларидан бири Альберт Швейцер шундай деган: «Воқеликни шакллантирадиган кучлар ичида биринчиси – маънавият ва ахлоқ. Қолган барчаси озми кўпми иккинчи даражали». А. Швейцер маънавият тушунчасини динийлик, диний эътиқод ва диний маданият мазмунида қўллаган. Унинг фикрича, инсоннинг Хаққа эътиқоди, Хаққа интилиши – маънавият. Бу йўлда ўзини ўзи тартибга солиб, иродасини, фикри-хаёлини маълум мақсадга эришишга қаратиши – ахлоқ. Ижтимоий воқеликни, яъни жамиятни ва инсонни маънавият ва ахлоқ яратди. Швейцер маънавиятдан (динийликдан) бунёдкорликка элтувчи «жонли ахлоқ»ни устун қўяди. Жонли ахлоқни Швейцер оқилона яратувчилик, самарали фаоллик, аниқ реал мақсадга интилиш, деб ҳисоблайди. «Жонли ахлоқ йўлига» фақат рационал тафаккур, рационал билимлар орқали чиқиш мумкин. У ғарб рационализими, маънавияти ва ахлоқи инқирозидан чиқишга иррационализм ва мистикага берилиб, рационализмдан воз кечиш эвазига эмас, балки рационализмнинг сифат жиҳатидан янги, теранроқ шаклига ўтиш орқали эришиш мумкин дейди. Энг олий қадрият – ҳаётга ошуфталик ва шукроналик ҳиссини туймоқдир, деб ҳисоблайди мутафаккир. Одоб-ахлоқ қоидаларини, меъёрлари, тушунчаларини эгаллаш шахс дунёқарашини кенгайтиради, маънавиятини бойитади, унда юксак ахлоқий фазилатларни шакллантиради. Инсоннинг амалий хулқида, фаолиятида бу фазилатлар

намоён бўлади. Ахлоқий фазилатлар шахс маънавиятининг мавжудлик ва зухур (намоён) бўлиш шаклидир.

Ахлоқий меъёрлар жамиятнинг умумий талабларига, дунёқараши ва қадриятлар тизимига мослашади. Ахлоқ ўз навбатида уларга кучли акс таъсир кўрсатади. Маънавий ҳаётнинг ҳеч бир соҳаси – илм ҳам, фан ҳам, адабиёт ҳам, сиёсат ҳам – ахлоққа очикча зид, у билан ҳисоблашмасдан ривожлана олмайди. Ғаразли мақсадларни кўзлаганда, ахлоқни очикча инкор қилиш орқали эмас, балки унинг баъзи меъёрларини нотўғри талқин қилиб, сохталаштириб, ўзига йўл очади. Беҳаёликни, фаҳшни кўрсатувчи фильмлар бирданига пайдо бўлгани йўқ. Жамоатчилик фикри зимдан аста-секин бунга тайёрлаб борилган. Дастлаб, муҳаббат гўзаллиги, табиийлик ва реализм беҳаёлик эмаслиги, бадиий адабиётларда муҳаббат саҳналари, тасвирий санъатда, ҳайкалтарошлиқда инсоннинг яланғоч бадани тасвирланишида фақат ўзи ахлоқсиз одамгина бузукликни кўриши, маърифатли, маданиятли кишилар бунда гўзалликни туюши каби ғоялар, қарашлар, тарғиб этилди. Булар тўғри ғоя эди, аммо «шаҳвоний инқилоб» учун, сексиндустрия пайдо бўлиши учун етарли эмас эди. Ғарб кишиси онгига инсон эркинлиги, инсоннинг эркин танлаш ҳуқуқи, ахборот олиш ҳуқуқи ва бошқа кўплаб тушунчалар ёрдамида шаҳвониятни кўрсатиш ахлоққа зид эмас, аксинча, ҳаёт ҳақиқатини кўрсатишдир, иккиюзламачилик қилмасдан, табиийликни кўрсатишдир, яъни ахлоқийдир, деган фикр сингдирилиб борилди.

Ахлоқ билан нафақат алоҳида кишилар, шунингдек, адабиёт ва санъат, илм-фан, дин, ҳуқуқ ва бошқа барча ижтимоий институтлар ҳисоблашишга мажбур. Уларнинг ҳар бирида ахлоққа тааллуқли янги муаммолар пайдо бўлиб туради, кўпчилик фундаментал ахлоқий муаммолар уларда доимий равишда мавжуд.

Жамият юксалиши жараёнида турли ахлоқий (этик) таълимотлар ва тизимлар вужудга келди. Улар муайян табиий-тарихий шароитда яшовчи халқларнинг асрлар давомида тўпланган турмуш тажрибаси, мақсад ва интилишлари, дунёқараши ва эътиқоди таъсирида шаклланган. Шу сабабдан турли халқларнинг ахлоқий қарашларида, уларнинг алломалари яратган таълимотларида умумин-

соний қадриятлар билан бир қаторда ўзига хос урф-одатлар, талаблар, турмуш тарзи қоидалари, диний-эътиқодий қарашлар, ўша мамлакат ва минтақа шарт-шароитлари тақозо этадиган бошқа талаблар ўз аксини топган. Улар биргаликда одамларни табиат ва жамиятнинг ўзгарувчан шарт-шароитларига мослаштиришга, аҳил яшашларига, турмуш қийинчиликларини индивидуал ва жамоавий тарзда енгишга ўргатади. Шу сабабдан Аристотель ахлоқни оламни билиш учун эмас, балки амалий фаолият учун зарур деб ҳисоблаган.

Суғориладиган деҳқончилик ҳудудларида яшайдиган халқларда, хусусан ўзбекларда, жамоавийлик туйғуси, қариндош-уруғлари, қўни-қўшнилари, қишлоқдошларига муносабати серёгин, сунъий суғориш қўлланилмайдиган Европа халқлариникидан сезиларли фарқ қилади. Чунки ҳар йили арик-зовурларни тозалаш, ўн-ўн беш чақиримдан ҳайров қазиб келиш, томорқалари ва экинзорларига ўзаро келишиб, навбатма-навбат сув олиш уларни яқинроқ бирлашишга, бир-бирларидан ёрдамни аямасликка сабаб бўлган. Серёгин иқлим шароитида одамларда бундай эҳтиёж юзага келмаган. Ҳар бир оила алоҳида, кучи етганча деҳқончилик қилган. Наतिжада уларда жамоавийлик туйғусига нисбатан индивидуаллик туйғуси кучлироқ ривожлана бошлаган. Лекин бу уларда жамоавийлик туйғуси мутлақо йўқ дегани эмас.

Жамоавийликсиз жамиятнинг ўзи бўлмайди. Бу тушунчаларнинг ўзаги битта. Ахлоқ табиий шарт-шароитлардан ташқари ижтимоий-сиёсий, иқтисодий шарт-шароитларни, талабларни ҳисобга олади, ўз меъёрларини улардан келиб чиқиб белгилайди. Зарур бўлса, урф-одатларга ўзгартириш киритади ёки уларнинг маҳаллий вариантларини яратади. Масалан, меҳмондўстлик кўп халқлар қаторида ўзбекларнинг юксак маънавий меъёрларидан биридир. Лекин Ўзбекистоннинг ҳар бир вилоятида меҳмондўстлик ўз хусусиятларига эга. Шаҳарликларнинг меҳмондўстлиги қишлоқ аҳолисиникидан, марғилонликларники қўқонликларникидан, қаршиликларники самарқандликларникидан биров бўлса-да фарқ қилади. Европа халқларида эркак ва аёлларнинг биргаликда қўнғилхушлик учун меъёрида спиртли ичимлик истеъмол қилиши ахлоқсизлик

хисобланмайди. Ислом мамлакатларида эса бирга ўтириб овқатланишиёқ ахлоқсизлик, беҳаёлик хисобланади. Ҳар қандай спиртли ичимликлар эса ҳаромдир.

Хулоса қилиш мумкинки, ахлоқ асосида энг аввало объектив зарурат туғдирган туйғулар, тушунчалар, баҳолар, меъёрлар, қоидалар, қарашлар ва таълимотлар ётади. Айни пайтда уларга одамларнинг диний эътиқодлари, фалсафий, эстетик, ҳуқуқий, сиёсий қарашлари, маданий савияси катта таъсир кўрсатади.

Ахлоқий тушунчалар, меъёрлар, ғоялар ривожланиши уларнинг инсонпарварлик даражаси юксалишида намоён бўлади. Ўрта асрлардаги, ҳатто бир аср аввалги ахлоқий меъёрлар анча ўзгарганини, одамларга нисбатан талаблар юмшаганини кўриш қийин эмас. Масалан, ўша даврда камбағал авом кишига ёки хотин-қизларга муносабат ҳозиргидан анча салбий томони билан ажралиб турган.

Ахлоқнинг келиб чиқиши ва ривожланишини баъзи олимлар, айниқса илоҳиёт илми вакиллари дин билан боғлайдилар. Шубҳасиз, дин ахлоқий тушунча ва меъёрларнинг бир тизимга келишида, такомиллашиб, ривожланиб боришида улкан аҳамият касб этган. Ахлоқий ва диний қарашлар бошқа қарашлар каби, ибтидоий одамнинг синкретик онғида бир-биридан ажралмаган ҳолда узвий ривожланган. Шу сабабдан дин ахлоқни яратди, деган фикр унчалик тўғри эмас. Худди шундай ахлоқ ҳам динни яратмайди. Ахлоқ ва дин ижтимоий онгнинг азалдан яқин, аммо нисбатан мустақил шакллари дир. Баъзи мамлакатларда (Хитой) ахлоқий меъёрлар ва қоидалар тизими мутлақлаштирилиши оқибатида улар догматик мазмун касб этган ва динга айланган. Конфуцийлик, даосизм, қайсидир маънода ҳаттоки буддизм ноилоҳий динлар дир. Уларнинг монотеистик динлар каби сиғинадиган ягона илоҳи (худоси) ёки политеистик динлар каби худолар гуруҳи йўқ.

Ушбу мисол дин ахлоқни эмас, ахлоқ динни яратар экан, деган хулосага асос бўлмайди. Диннинг муайян шакли илоҳий ёки ноилоҳийлигидан қатъи назар ижтимоий онгнинг зарур шакли сифатида бино бўлган. Бунда у турли «қурилиш» материалларидан, шу жумладан, ахлоқдан фойдаланган. Ахлоқнинг ривожланишига дин

қанчалик улкан таъсир кўрсатган бўлса, диннинг ривожланишига ахлоқ ҳам шунчалик акс таъсир кўрсатган, уни одамларнинг, жамиятнинг реал эҳтиёжлари билан боғлаган. Ахлоқнинг таъсири ноилоҳий динларда янада кучлироқ бўлган дейиш мумкин.

Ахлоқ инсон ва жамият фаолиятининг барча кўри-нишлари ва йўналишларига таъсир кўрсатади. Улар ахлоқийлик тамойилига мос бўлишлари лозим. Масалан, нафақат ҳуқуқ, балки давлат сиёсати ҳам ахлоқийлик касб этиши керак.

Давлат сиёсатида инсонга ғамхўрлик, инсон ҳуқуқлари, умуман инсонпарварлик асосий мақсадга айланмоғи шарт. Энг яхши, тараққиётга элтадиган дастурлар, уларни амалга ошириш усуллари инсонга, унинг саломатлигига ёки эркинлигига, ҳуқуқларига зиён етказса, ёки иктисодий эксплуатацияни кучайтирса, улардан воз кечиш керак. Ўтмишда ушбу масалада турлича қарашлар бўлган. Кўпчилик манфаати учун озчилик манфаатлари қурбон қилинган. Бундай ҳолатларни ахлоқ нуқтаи назаридан баҳолаш ҳеч қачон осон бўлмаган. Баъзан уларни оқлаш мумкин, кўпинча эса мутлақо оқлаб бўлмайди. Масалан, урушда душманни чалғитиш мақсадида, кам сонли аскарлар билан қайсидир жойда ҳужумга ўтилиб, асосий кучлар билан бошқа жойдан зарба берилган. Душманни чалғитиб жанг бошлаган гуруҳ катта талофатлар кўрган, ҳатто тўлиқ ҳалок бўлган. Лашкарбоши ғалаба қозониш учун онгли равишда аскарларнинг бир қисмини ўлимга юборган. Агар бу уруш халқни, Ватанни босқинчилардан, қаттол душмандан ҳимоя қилиш мақсадида олиб борилаётган адолатли уруш бўлса, лашкарбоши қарорини ахлоқий дейиш мумкин. Агар адолатсиз, босқинчилик уруши бўлса, уни ахлоқий жиҳатдан оқлашнинг иложи йўқ.

Нафақат сиёсат, шунингдек ирода ҳам ахлоққа мувофиқ бўлса, ижобий натижаларга олиб келади. Ирода эркин танлашнинг юзага чиқиши ўларок, аслида, ахлоқ ҳодисасидир. Инсон ҳар қандай қарор қабул қилишдан аввал унинг оқибатлари, одамларга ва жамоага (жамиятга) фойда келтирмаганда ҳам, зиён етказмаслиги тўғрисида ўйлаши керак. Эркин танлаш – ахлоқий танлашдир. Аскарларини ўлимга жўнатаётган кўмондон, оммавий



кирғин куролини яратаётган олим, яқин кишиси содир қилган жиноятни фош этиш ёки яшириш муаммосига дуч келган кишининг қабул қиладиган қарорлари биринчи галда ахлоқийлик жиҳатдан баҳоланади.

Ахлоқий танлаш жамият тараққиёти жараёнида инсон фаолияти турлари каби хилма-хиллашиб, мураккаблашиб боради. Бу, айниқса, фан ва илмий билиш муаммоларига тааллуқли. Булар ҳақида гапиришдан аввал, инсон дуч келадиган дилеммалар масаласини эслаш ўринлидир. Дилемма икки қарама-қарши, бир-бирини тўлиқ истисно қиладиган нарсадан биттасини танлаш муаммосидир. Масалан, ойлик маоши бола-чақасини боқишга, рўзғорини тебратишга етмаётган кичик амалдор пора олиши, ҳожатманд кишиларга кўрсатган хизмати учун совғасалом олиши ахлоққа мос келадими? Ёки бурч ва кўнғил (муҳаббат) дилеммаси. Бола-чақа, оила олдидаги бурчга содиқ қолиш керакми, ёки бошқани севиб қолган кўнғилга кулоқ тутиб, оиладан, бола-чақадан воз кечиш керакми? Душман кўлига тушган асир бурчига содиқ қолиб, ўлимни танлаши ёки хоинлик қилиб жонини кутқариши мумкинми? Инстинктга қай даражада ён босса бўлади? Бундай дилеммаларга дуч келган одам ўзининг маънавияти, ахлоқий салоҳиятидан келиб чиқиб қарор қабул қилади.

Фан ва ахлоқ масаласи ҳам мураккаблашиб бормоқда. Илмий билиш, фан ютуқларини амалиётда қўллаш чегараси тўғрисидаги баҳслар йилдан-йил кучаймоқда. Оммавий қирғин куроллари – термоядро, кимёвий, биологик куроллар тўғрисидаги баҳслар охириги 70–100 йилдан буён давом этмоқда. Улар қаторига бугун ирсий модификацияланган маҳсулотлар, ҳайвонларни ва одамларни клонлаштириш муаммоларини ҳаёт кун тартибига қўйди. Жамоатчиликнинг фикри бу борада қарама-қарши. Табиат сирларини билишга интилиш, янгидан-янги билимларни эгаллаш инсоннинг ҳайвондан ажратиб турадиган яна битта моҳиятли хусусиятидир. Бусиз юксалиш, тараққиёт юз бермайди. Инсон янги илмий-техникавий, технологик ютуқларга интилмаса, жамият турғунликка юз тутуди, охир-оқибатда ҳалокатга учрайди. Тез кўпаяётган инсоният ўзини ўзи боқа олмай, панэпидемиялар ва табиат катаклизмларидан ўзини ҳимоя қилолмай қолади. Хуллас, ахлоқий танлаш муаммоси долзарблашиб бормоқда.

Глобаллашув шароитида ХХ асрдаги курравий муаммолар – ядро уруши хавфи, демографик портлаш (аҳоли сонининг ривожланаётган мамлакатларда кескин ўсиб кетиши) ва одамларни боқиш, табиатни асраш муаммолари қаторига яна энергетик муаммолар, наркобизнес, ноқонуний қурол-ярқ савдоси, халқаро терроризм ва диний экстремизм, одам савдоси каби янги муаммолар кўшилди. Эски муаммолар эса янада кескинлашди. Масалан, экологик муаммолар.

Шу сабабдан атмосферани булғамаслик мақсадида энергиянинг муқобил турларидан фойдаланиш, ишлаб чиқаришни ва истеъмолни чеклаш зарурати мавжуд. Аммо инсонда истеъмолчилик психологияси шу қадар ривожланиб кетганки, у нафсини, ҳирсини тийишнинг уддасидан чиқолмай қолган. У табиатни ашаддий эксплуатация қилишга, унинг миллиард йиллар мобайнида ҳосил бўлган бойликларини ишлатишга мажбур. Фойдаланилаётган конлар 20–25 йилда тугамоқда, истеъмолни ўстириш учун янгидан-янги конлар очилмоқда. Улар қисмати ҳам ўтмишдошлариникига ўхшаш – 20–25 йилда тугайди. Бугун денгизлар, океанлар тубидаги конларни топиш ва қазиб олиш бошланди. Агар инсоният истеъмолни чекламаса, тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш улушини йилдан-йил ошириб бормаса, ҳалокатли муаммоларга дуч келиши тайин. Истеъмолни камайтириш учун мавжуд психологияни, турмуш тарзини, кадриятлар тизимининг кўплаб меъёрлари ва баҳоларини ўзгартириш керак.

Кўриниб турибдики, келажакда инсониятнинг яшаб қолиш масаласини ечиш иқтисод, энергетика, янги технологиялар қаторида ахлоқ масалаларига – истеъмолни онгли камайтиришга, одамлар психологиясини ва табиатга муносабатини тубдан ўзгартиришга боғлиқ. Қайд этилган муаммолар ечимини сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва техник соҳалардан излаш билан чекланиб қолмасдан, маънавий-ахлоқий соҳалардан ҳам излаш зарурлиги глобал этикага, халқаро муносабатлар ва жаҳон халқларининг эркин мулоқот ва ҳамкорлик қилишига, глобал ахлоқий меъёрлар ва қоидаларга янги ижтимоий антропологик назарияга эҳтиёж туғилмоқда.

## 14. МАЪНАВИЯТ ВА НАФОСАТ

Нафосат ҳам ахлоққа ўхшаб маънавиятнинг бирламчи асосларидан ҳисобланади. Агар ахлоқ одамлар муносабатларини тартибга солиб, ижтимоий ҳаёт, биринчи навбатда одамларнинг моддий ва маънавий ишлаб чиқариши учун шарт-шароит яратса, нафосат инсоннинг моддий ва маънавий яратувчилигини, бунёдкорлик салоҳиятини ўстиради, уни гўзаллик қонунларига мос бўлишини таъминлайди.

Эстетик меъёрлар гўзалликка мос ҳаракат ва ижод қилишга ундаш орқали инсон қалбини, туйғуларини но-зиклаштирган, унинг хулқидаги, ишидаги беўхшовликни, хунукликни чеклаган. Меҳнат билан бир қаторда эстетик эҳтиёжлар инсоннинг яратувчи, ижодкор мавжудот сифатида юксалишига хизмат қилган. Инсоннинг воқеликка муносабати аввало унинг меҳнатида, амалий фаолияти ва кундалик турмушида юзага чиқади. Дехқон ўз ариғини, эгатларини, уват ва полларини текис ва тўғри олишга, даласига аниқ геометрик шакл беришга интилади. Дуррадгор тахтасини текис рандалаб, бежирим буюм ясашга ҳаракат қилади. Уй бекаси хонадонини озода сақлаб, чиройли безашни истайди. Кийиниш маданияти ҳам маълум талабларга асосланган. Инсон онгли ёки онгсиз равишда жамиятда мавжуд эстетик талабларга мос бўлишга интилади.

Лекин одамларнинг воқеликка эстетик муносабатини махсус ифодаладиган соҳа ҳам бор. Бу санъатдир (адабиёт ҳам назарда тутилмоқда). Санъат маънавий яратувчиликнинг, гўзаллик яратишнинг энг ёрқин ва самарали соҳасидир.

Эстетик туйғу, эстетик кечинмалар ва завқ-шавқ эстетик онгнинг жуда муҳим қуйи даражасини, айтиш мумкинки, пойдеворини ташкил қилади. Эстетик онгнинг юқори даражаси эстетик тафаккур, тегишли тушунчалар, ғоялар, баҳолар, қарашлар, назариялар, таълимотлардан, эстетик идеалдан иборатдир. Инсон эстетик объект билан алоқа қилганда туғилган туйғу биринчи галда мулоҳазалар, таҳлил асосида эмас, балки тўғридан-тўғри вужудга келган таассуротлар туфайли ҳосил бўлади. Бу

таассурот инсоннинг аввалдан шаклланган қизиқишига, дидига боғлиқ эмас. Даврада қизиқ латифа эшитиб қолган киши унинг мазмунини таҳлил этиб ўтирмасдан, ҳамма қатори кулади. Кейинчалик латифа мазмунини чақиб кўриб, унинг бироз кўполлигидан, беҳаёлигидан ҳафсаласи пир бўлиши мумкин.

Эстетик туйғу бирламчи ҳолатда инсон қалбининг эстетик ҳодисага бевосита акс садоси бўлиб, бирор ғаразни, манфаатни кўзламайди. Эстетик кечинмалар, завқ-шавқ, эстетик лаззат, теран қониқиш эстетик туйғунинг мураккаброқ шаклда тизимли юзага чиқишидир. Улар асосида инсоннинг эстетик диди, поэтик таъби шаклланади. Дид туйғуга акс таъсир кўрсатади, унга йўналиш беради. Агар эстетик туйғу ғараз ва манфаатдорликдан холи бўлса, дид ўзига маъқул эстетик ҳодисаларни танлайди, унда қизиқиш, «ғараз» мавжуд. Дид тарбияси учун фақат туйғулар, кечинмалар, завқ-шавқ камлик қилади. Дид гўзаллик, юксаклик ёки уларнинг акси – хунуклик, тубанлик ҳақидаги тушунчалар, ғоялар, баҳоларни билишда, эстетик ҳодисани онгли танлашда ва шу кабиларда юзага чиқади.

Эстетик онгнинг кейинги юксакроқ эстетик тафаккур билан боғлиқ унсурлари – эстетик тушунчалар, ғоялар, категориялар, мулоҳазалар, тизимлаштирилган қарашлар, назариялар, таълимотлар, ва ниҳоят, эстетик идеалдир. Уларни батафсил таърифлаб ўтирмаймиз. Лекин эстетик онгга, айниқса, унинг юқори даражасига асос, негиз бўлган, мазмуни ривожланишига ўта кучли таъсир кўрсатадиган эстетик категориялар тўғрисида алоҳида тўхталиш керак.

Эстетик категориялар, ахлоқий категориялар каби, жуфт ва муқобил: гўзаллик ва хунуклик (сулувлик ва тасқаралик), жожеавийлик ва комедиявийлик, юксаклик ва тубанлик. Баъзан илмий ва публицистик адабиётларда улуғворлик ва пасткашлик категориялари қайд этилади. Аслини олганда, улар кўпроқ ахлоқий тушунчалардир. Айниқса, пасткашлик тушунчаси инсоннинг маънавий ноқислигини, ўзгаларга нисбатан ҳасадини, ғирромлик, сотқинлик қилишини, худбинлигини ифодалайди. Эстетикадаги юксаклик ва тубанлик биринчи навбатда ин-

соннинг юксак идеалларини, орзу-интилишларини, олий мақсадларини, қаҳрамонлигини ёки оддий ҳаётини, маиший интилишларини, қувлигини, муғомбирлигини ёки лакмалигини, соддалигини, кўрқоқлигини, улардан келиб чиқадиган эстетик баҳоларни ифодалайди. Шу сабабдан трагедиялар юксак жанрга, комедиялар тубан жанрга оид ҳисобланади. Трагедияни улуғвор жанр дейиш, балки мумкиндир, лекин комедияни пасткаш жанр дейиш асло ножоиз. Қадимда само ва худолар билан боғлиқ ҳодисалар (асотирлар), ривоятлар юксак мифлар, одамларнинг ердаги ҳаётига тааллуқли асотирлар, ривоятлар тубан мифлар деб аталган. Уларнинг пасткашликка мутлақо алоқаси йўқ. Трагедияларнинг юксак жанр дейилишига асосий сабаб – антик даврда фожеавий зиддиятнинг тақдири азал ва қаҳрамон ўртасидаги, бошқача айтганда, худолар хоҳиш-истаги ва қаҳрамон хоҳиш-истаги ўртасидаги зиддият тушунилган. Қаҳрамон ўз тақдирини, қисматини ўзгартиришга ҳаракат қилиб, енгилган, ҳалок бўлган. Худолар иродасининг юз бериши билан боғлиқ воқеаларни тасвирловчи жанр юксак жанр ҳисобланган. Аксинча, ердаги турмуш ташвишларини ифодаловчи жанр тубан (қуйи) жанр, дея баҳоланган. Бу атамаларнинг дастлаб ҳалокат билан тугайдиган қайғули воқеаларни, ёки ижодий, қувноқ воқеаларни тасвирлашга алоқаси бўлмаган.

Эстетик категориялар ўзида инсониятнинг кўп асрлик тажрибасини, ижодий яратувчанлигини ифодалайди. Улар гўзаллик яратиш амалиётини асрлар давомида таҳлил қилиш, баҳо бериш, маънавий ва тарбиявий аҳамиятини англаб етиш, умумлаштириш асосида шакланган. Эстетик категорияларда оддий ва мураккаб эстетик тушунчалар, ғоялар, баҳолар, турли-туман қарашлар ва назариялар, буюк мутафаккирларнинг бу борадаги таълимотлари бирлашади, мужассамлашади. Шу сабабдан ҳатто битта категориянинг мазмунини тўлиқ очиб бериш учун қалин китоб ҳам камлик қилади.

Гўзаллик категорияси асосида шаклан уйғунлик, симметрия, мутаносиблик, ихчамлик, мазмунан эзгулик, инсонпарварлик ётади. Кўриниши, шакли дабдабали, ортиқча зеб-зийнатларга тўла буюм ёки санъат асари мазмунан саёз, пуч, эзгулик ва инсонпарварлик билан

йўғрилмаган, ёхуд уларни етарлича ифодаламаган бўлса, гўзал ва мукамал ҳисобланмайди. Асардаги шакл ва мазмуннинг бир-бирига мослигига, олға сурилаётган ғоянинг эзгулигига, инсонпарварлигига эришилсагина мукамаллик, гўзаллик вужудга келади. Асар шаклан анча мукамал, образлари, тили ва услуби жуда таъсирчан бўлсада, олға сураётган ғояси қолоқ, реакцион, тарғиб этаётган қадриятлари сохта бўлса, у мукамаллик ва гўзалликка даъво қилолмайди. Халқ уни қабул қилмайди.

Кант фикрича, гўзаллик «объект ҳақидаги соф субъектив тасаввурдир». Диднинг мулоҳазаси билим берувчи мулоҳаза эмас. Предмет, агар унга нисбатан манфаатдорлик бўлмасагина, тушунчасиз (яъни мулоҳаза юритмасдан, бевосита завқ уйғотса – А.Э) умумий «зарурий завқ-шавқ» объекти сифатида тасаввур этилсагина ва «максад тўғрисида тасаввурга эга бўлмасдан», «максадга мувофиқлик шаклига эга бўлса», гўзал ҳисобланади (И.Кант. Соч. 5 т., М., 1966, 188, 245, 240-бетлар). У гўзаллик асосида ҳеч қандай объективликни кўрмайди. Кантнинг «объектив предметлар ва субъектив тафаккур ўртасида мустаҳкам қарама-қаршилик мавжудлиги тўғрисидаги» қарашларини Ҳегел инкор қилади. Гўзалликни Ҳегел «ғоянинг объектив ҳиссий кўриниши», деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, табиатда ғоя аниқ намоён бўлмайди, санъат эса гўзалликни ифодалаш учун ғоя ва образнинг тўла мувофиқлигини зарур даражада таъминлай олади. Санъатдаги гўзаллик – бу идеалдир. (Ҳегел. Соч. 12 т., М., 1938, 61-б.)

Санъат, айниқса, реалистик санъат асарлари ҳаётнинг энг жирканч томонларини, жамиятнинг иллатларини, инсоннинг тубанлигини, сотқинлигини кўрсатиши, тасвирлаши мумкин. Асарнинг мукамаллиги, гўзаллиги у акс эттирган воқеалар ва объект хусусияти, чиройи билан эмас, балки ғояси илғорлиги, образларининг таъсирчан чикқани, адибнинг, санъаткорнинг маҳорати билан ўлчанади. Кундалик онгдаги чиройли, гўзал деган тушунчадан гўзаллик категорияси ўз мазмунининг ўта мураккаблиги, зиддиятлилиги ва теранлиги билан фарқ қилади.

Хунуклик инсон табиатининг, ахлоқининг бузуқлигидир. Инсон яратган буюм, адиб ёзган асар нафс ва хирс,

шахват ва зўравонликни тарғиб этса, ёки шунга хизмат қилса, биз уни гўзалликнинг муқобили – хунуклик деб баҳолаймиз. Хунуклик ва гўзаллик ўртасида аниқ чегара ўтказиш қийин. Ҳатто баъзан хунуклик шаклан жозибали, чиройли шаклда воқе бўлиши мумкин. Агар гўзаллик инсон маънавиятининг юксалишига, ахлоқининг шаклланишига, инсоннинг ҳар хил бачкана, майда-чуйда нафси ва ҳирси камчиликларидан халос бўлишига хизмат қилса, хунуклик инсон маънавиятининг ич-ичидан емрилишига, дидининг пасайишига, юксак туйғуларининг сўнишига, тубан эҳтирослари, ҳирси ва нафсининг кучайишига сабаб бўлади. Афсуски, оммавий маданиятнинг баъзи намуналари ва унинг ниқоби остидаги аксилмаданият хунукликка, ёвузликка хизмат қилмоқда. Хунуклик санъатда кўпинча беўхшовликда ва уйғунликнинг бузилишида эмас (ушбу ҳолат маҳорат етишмаслиги, непрофессионализмдир), балки ёвузликнинг, яъни ахлоқсизлик, беҳаёлик, зўравонлик, қотиллик, ўғрилик ва ҳ.к.ларнинг жозибали қилиб тасвирланишида, эстетиклаштиришида юзага чиқади.

Фожеавийлик категориясининг даҳшатли, кўрқинчли воқеаларни тасвирлашга, асар қаҳрамонларининг ҳалок бўлишига бевосита алоқаси йўқлигини таъкидлаш лозим. Бугун экранларда тез-тез намойиш қилинадиган қотиллар, вампирлар, манъяклар, кўрқинчли махлуқлар тўғрисидаги триллер фильмлар, асарлар трагик (фожеавий) асарлар эмас. Бундай асарларнинг мутлақ кўпчилиги инсон руҳияти юксаклигини эмас, тубанлигини кўрсатади, инсонда тубан мойилликларни, инстинктларни, тажовузкорликни уйғотади. Фожеавийлик эса инсон руҳияти, маънавиятининг юксаклигини кўрсатувчи асардир.

Фожеавийлик нимада юзага чиқади? Ушбу саволга кониқарли жавоб бериш анча мушкул. Европа Уйғониш ва Маърифатпарварлик даврлари асарларида, хусусан, Шекспир ижодида, шунингдек ундан кейинги даврларда фожеавийлик табиатини тушуниш, антик даврга нисбатан ўзгариб, дунёвийлашди. Энди фожеавийлик адабиётда тақдир азал ҳукмининг муқаррарлигида эмас, балки жамият ва инсон, эски қоқоқ анъанавий ахлоқий қарашлар ва янгидан пайдо бўлаётган илғор ғоялар ўртасидаги му-

росасиз зиддият туфайли янги илғор ғоя ташувчисининг ҳалокатида ўз аксини топа бошлади. Ф.Энгельс жожеавийлик моҳияти – вужудга келган янги тарихий зарурат ва уни амалга ошириш учун объектив ва субъектив шарт-шароит етишмаслиги ўртасидаги зиддиятлардир, деб ҳисоблайди. Асар қайси мавзу ва воқеалар асосида яратилмасин, у жамият ва инсон тараққиётидаги муҳим тарихий оғриқли заруриятларни, коллизияларни кўрсата олсагина, трагик (жожеавий) асарга айланади. Айтайлик, объектив тарихий зарурият у ёки бу қаҳрамон ҳаракатида бўй кўрсата бошлади, лекин бунга ҳали жамиятдаги шарт-шароит, одамларнинг онги, ҳатто асар қаҳрамонининг ўзи тайёр эмас. Натижада, янгилик куртаклари ҳалок бўлади.

Жожеавийликка гўёки комедиявийлик муқобил ҳисобланади. Бир вақтлар аслида шундай бўлган. Бугун трагик асарлар яратилмаётир. Аммо комедиявий асарлар сони камайгани йўқ. Унинг жанрлари хилма-хиллашиб бораётир. Гап шундаки, комедиявийлик юксак жанрга эмас, тубан жанрга киради. Юксак жанрлардан юксак идеалларни, ғояларни ифодалаш талаб этилади. Қолаверса, идеаллар ва юксак ғояларни ифодалаш учун қаҳрамон, унинг яшаш муҳити оддий, кундалик ҳаётдагидек эмас, балки фавқулодда ўзига хос бўлиши лозим.

Ҳаёт эса аслида фақат улғувор мақсадлардан, буюк орзу-интилишлардан ва олий туйғулардангина иборат эмас. Турмушда жуда оддий, аммо ўта зарур эҳтиёжлар шунчалик кўпки, уларга инсон ғарқ бўлиб, кўпинча юксак идеалларни эслашга вақт ҳам тополмайди. Муҳтож ёки манфаатдор киши ҳожатини чиқарувчи шахсга ёкишга интилади, уни мақтайди, кўнглини кўкларга кўтаради, ҳатто жиддийроқ алдовдан ҳам тоймайди. Ҳаётдаги бундай воқеалар бироз бўрттирилиб, маҳорат билан қаламга олинса, сахналаштирилса, ёки фильмларда кўрсатилса, комик асар вужудга келади. Албатта, қувлик билан носамимий айтилган мақтовларга лақма, ёки ўзига бино қўйган киши учади. Теварак атрофида кузатиб турганлар эса унинг устидан кулади.

Комедиявийлик кулги, қувноқлик орқали жамиятни ва инсонни иллатлардан, камчиликлардан қутилтириш,



гердаиб кетган, оёғи ердан узилган кишини ерга тушириб, тўғри йўлга солишга уринишдир. Қолаверса, комедиявийлик инсонга кулгу оркали маънавий ҳордик беради, асабларини дам олдиради, кундалик ҳаётига ранг-баранглик киритади. Шу сабабдан комедиявийликка ўтқир сатира – иллатларни фош этиб, қаттиқ танқид қилиш ҳам, нозик ва ўта нафис юмор ҳам, бироз дағалрок масхарабозлик ҳам, баъзан анча бепарда мазмундаги латифалар ҳам киради. Комедиявийлик шаклан ниҳоятда бой. Комик асар ўз шаклига мос келмайдиган ёки унга қарама-қарши мазмунни ифодалаш мумкин. Шу сабабдан кўпчилик олимлар ушбу қарама-қаршилик тасвирланаётган манзара, баён қилинаётган воқеаларнинг кескин номувофиқлиги (контраст) комедиявийлик табиатини ташкил қилади, деб ҳисоблаган. Кант комедиявийликни тубанликнинг юксакликка, Шопенхауэр ахлоқликнинг оқилликка, Ҳегел ёлғоннинг, сохталикнинг мустаҳкам ҳаққонийликка номувофиқлиги, улар ўртасидаги зиддият ва ҳ.к. деб талқин қилганлар. Бачкана, аҳамиятсиз нарса буюкликка даъво қилса, кўрқоқ киши ўзини ботир қилиб кўрсатишга ҳаракат қилса, албатта, кулгили чиқади.

Санъат борликни, воқеликни ақс эттиришига қараб, тасвирий санъатга ва ифодавий санъатга бўлинади. Тасвирий санъатга рассомлик, графика, ҳайкалтарошлик киради. Ифодавий санъатга мусиқа, адабиётнинг лирик жанрлари, замонавий рақс, ашула киради. Адабиёт, театр, кино санъатида тасвир ва ифода бирдай, баравар мужасамланган. Ибтидоий рақслар, асосан, тасвирий санъатнинг пластик жанрига мансуб. Уларда раққослар турли ҳайвонларнинг қилиқларини, феълени, ёки ов, жанг, меҳнат жараёнларини тасвирлайди. Ҳозирги замонавий рақсларда ҳам тасвирий унсурлар кўп, аммо айни пайтда унда инсон кайфияти, руҳияти ифодаланади. Балет ва опера, театр санъати жанри ўларок, ўзида тасвирийлик ва ифодавийликни бирлаштирган. Санъатнинг синтетик (қўшма) турларида тасвирийлик ва ифодавийлик ўртасида аниқ чегара ўтказиш қийин. Бадиий тафаккур хусусиятлари санъатнинг ҳар бир турида ўзгача намоён бўлади. Бу санъатнинг «тилига», ифодавий ёки тасвирий табиатига боғлиқ.

Адабиёт сўз санъати сифатида ўз образларини тил (бадий тил) ёрдамида яратади. Адабиёт ишлатадиган сўз оддий мулоқот тили сўзларига мос келса-да, унда кўшимча образлилик, рамзийлик ва экспрессивлик (таъсирчанлик) бор. Мулоқот тилида биринчи ўринда сўз мазмунидаги ахборот турса, бадий асар тилида биринчи ўринда образлилик, экспрессия туради. Албатта, асар матнидан юлиб олинган алоҳида ҳар бир сўз образлилик хусусиятини намоён қилмайди. Аммо биргаликда олинган бадий асар сўзлари фақат «ахборот» бериб қолмасдан, борлик ҳолатини тасвирлайди, жонлантиради, маълум кайфиятни, руҳиятни ифодалайди, ўқувчининг ҳиссиётини, юксак тўйғуларини уйғотади.

Санъатнинг ҳар бир тури ўзининг образ ясовчи «қурилиш материали»га эга. Тасвирий санъат учун ранг-бўёқлар, мусиқа учун товушлар, ашула учун ижрочи овози, рақс учун пластик ҳаракат ва ҳ.к. Рассом сурат ва турли ранглар ёрдамида ўз образини яратса, бастакор турли оҳанглар ёрдамида яратади. Агар рассом картинаси асосида сурат бўлмаса, санъат асари вужудга келмайди. Абстракт санъат (абстракционизм) рангларни шунчаки чалпиш эмас, балки ҳолат оламини фантастик рангли тасвирлар ёрдамида ифодалашдир. Бадий тафаккур ривожланиши жараёнида тасвирий санъатда ифодавийлик, ифодавий санъатда тасвирийлик кучайиб борди. Замонавий тасвирий санъат ўзининг баъзи оқимларида умуман тасвирдан, суратдан воз кечишгача, тўла ифодавийликка ўтишга уринмоқда. Лекин унутмаслик керакки, санъатнинг ҳар бир турининг меъёр чегараси бор. Агар ундан ўтилса, ўша санъат тури емирила бошлайди, ёки бошқа турга айланиб қолади.

Бадий тафаккур борлик ҳақиқатини англаб олишнинг, оламини, инсоннинг ички дунёсини, руҳиятини образлар ёрдамида билиб олишнинг эстетик йўналишидир. Оламини, одамларни, жамиятни биз, аввало, амалий тажрибамиз, одамлар билан мулоқотда, турли маиший, ахлоқий, ишлаб чиқариш, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа муносабатларга кириши орқали англаб, билиб оламиз. Улардан олиннадиган билим кундалик онгимизга тааллуқли. Махсус билимларни эса илмий ва бадий тафаккур асосида

оламиз. Бадий тафаккур эса аниқ образли тафаккурдир. У турли-туман жонли ҳис қилиш ва тасаввур қилиш мумкин бўлган образлар – ранглар, оҳанглар, сўзлар, ўхшатишлар, сифатлашлар, муболағалар (метафоралар), рамзлар, тимсоллар, аллегориялар (мажозлар) орқали борлиқ ҳақиқатини ё тасвирлайди, ё ифодалайди, ё бир вақтнинг ўзида ҳар иккаласини амалга оширади.

Санъат ёрдамида инсон борлиқнинг кўздан яширин ёки аниқ-равшан кўринмайдиган, шу пайтгача ўзи эътибор қилмаган жиҳатларини, зиддиятлари ва қонуниятларини аниқроқ, равшанроқ кўради ва идрок этади. Санъат одамларни ҳаёт талабларига мослаштиради, қийинчиликларни ҳаёлан енгиб ўтишга, улар билан курашишга ўргатади ва иродасини чиниктиради. Болаларга мўлжалланган эртақлардаёқ, ўгай она, золим ота, ялмоғизлар, жинлар, девлар, аждарҳолар образи учрайди. Бола ёшлигидан эртақ орқали кўрқувни ва ёвуз кучларни енгишга руҳан тайёрланади. «Кўз олдида илк намоён бўлган ҳақиқатни англаб, инсон энди теварақда фақат даҳшатни ва борлиқнинг беъманилигини кўради, энди унга Офелия қисматининг рамзийлиги тушунарли, энди у ўрмон маъбуди – Силеннинг донишмандлигини кашф этди; бундан унинг кўнгли айнимоқда. Бу каби ирода учун жуда катта ҳафв-хатар пайдо бўлганда, халоскор сеҳргар – соғломлаштириш тилсимидан хабардор санъат келади; фақат ёлғиз угина даҳшат ва яшашнинг беъманилиги тўғрисидаги фикрларни шундай тасаввурларга айлантира оладики, улар билан ҳар ҳолда яшаш мумкин; даҳшатлиликни бадий енгиб ўтиш сифатида юксаклик тўғрисидаги ва беъманилик туғдирган жирканчдан бадий қутилиш сифатида комедиявийлик тўғрисидаги тасаввурлар айнан шундайdir»<sup>1</sup>, деб ёзади Ф.Ницше «Фожеанинг мусиқа руҳидан туғилиши» асарида. Шу сабабдан у «санъат фақат табиат воқелигига тақлидгина эмас, айнан бу воқелиқнинг метафизик (фалсафий – А.Э.) тўлдирувчисидирки, воқелиқни енгиб ўтиш учун унинг ёнига кўйилгандир»<sup>2</sup>, – дея хулоса қилади.

<sup>1</sup> *Фридрих Ницше*. Рождение трагедии из духа музыки. – С.-П.: «Азбука», 2012. 79-б.

<sup>2</sup> Ўша асар, 187-б.

Биз аввал Ҳегелнинг санъат гўзалликни ифодалаш учун ғоя ва образнинг тўла мувофиқлигини зарур даражада таъминлай олади, санъатдаги гўзаллик – бу идеалдир, деган фикрини келтирган эдик. Айнан идеални ифодалаш азалдан санъатни гўзаллик яратишнинг алоҳида турига айлантирди. Идеал кўпроқ ижобий қахрамон (ёки трагик қахрамон) образи ва у олга сурган ғояларда, танқидий реализмда эса жамият ва инсон кирдикорларини фош этишда ифодаланади.

Шу сабабдан шарқ адабиётида ўрта асрларда, Европа адабиётида Уйғониш ва Маърифатпарварлик даврлари адабиётида биз юксак идеалларни ифодаловчи Фарҳод, Искандар, Мажнун, Дон Кихот, Биатриче, Ҳамлет каби ҳамда XVIII ва XIX асрларда романтизм усулида яратилган адабиётда кўплаб ижобий қахрамонларни кўрамиз. Аммо улар бугунги ўқувчи томонидан ёки мажозий (шарқ ўрта асрлар адабиёти ва Данте ижоди), ёки бироз сунъий, китобий образлар каби қабул қилинади (Монтескье, Вольтер, Шиллер, Гюго). Бошқа ҳолларда «ижобий қахрамонлар» кўпроқ саргузашт, детектив ва турли хил кўнгилочар адабиётларга (кинофильмларга) ёхуд болалар адабиётига хос. Жиддий, юксак адабиётнинг фақат ўсмирлар ва катта ёшдаги болаларга бағишланган асарларида Робинзон Крузо, Гулливер, граф Монте Кристо, д'Артанян (А. Дюма), Роб Рой, Квентин Дорвард (В. Скотт), Жюль Верн, Майн Рид, Фенимор Купер, Артур Конан Дойл каби ёзувчилар яратган образларда биз ижобий қахрамонларга дуч келамиз. Мазкур адиблар асарлари ҳаммаси тарихий-саргузашт, саргузашт, фантастика ва детектив жанрига оиддир.

Инсон кадр-қиммати, маънавий ва ҳуқуқий эркинлиги учун кураш ўрта асрлар, Уйғониш ва Маърифатпарварлик даврлари адабиётининг олдида турган асосий ижтимоий вазифа эди. Инсонга ўз кадр-қимматини, ўзлигини англатиш, бу мақсадда унга ибратли, тақлид учун намуна бўладиган образни кўрсатиш керак эди. Бу инсоннинг ички дунёси, руҳиятини бадий таҳлил қилиш ва билишдан муҳимроқ эди. Шу сабабдан ўша даврда идеал қахрамонлар образлари яратилди. XIX аср 30-йилларидан бошлаб Европа адабиёти инсонни ҳар томонлама

чукуррок ўрганишга ўтди ва танқидий реализм усулини ўзлаштирди. Бу пайтга келиб Европада индустриал жамият тез ривожланаётган, табақавий, синфий имтиёзлар бекор қилинган, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги эълон қилинган эди. Адабиёт ва санъат олдидаги ижтимоий вазифа энди умуман инсон эркинлигини ҳимоя қилиш масаласидан конкрет, тарихий типик ва айна пайтда индивидуал такрорланмас инсонни улуғлаш ва ҳимоя қилиш томон силжиди. Гуманизмнинг мазмуни конкрет тирикчилик қилаётган реал одам билан боғланди.

Бадиий асарнинг мукамаллиги, гўзаллиги унинг ижобий қаҳрамон образини яратишида эмас, гўзалликни тарғиб этиш ёки чиройли ҳаётни кўрсатишида эмас, балки маҳоратли яратилган образлар, воқеалар орқали эзгулик ва инсонпарварликни изчил ҳимоя қилишида намоён бўлади. Буюк рус ёзувчиси Л.Н.Толстой замондоши Ф.М.Достоевскийнинг «Жиноят ва жазо» романини ўқиб, ниҳоятда гўзал асар, деб баҳо берганда, айнан асарнинг эзгулик ва инсонпарварлик ғоясини назарда тутган. Аслида асарда тасвирланган воқеалар, оғир турмуш, суд-хўрлик, қотиллик ва ҳ.к. асло гўзал, чиройли турмушга дахлдор эмас.

Шаклда хунуқлик симметрия ва уйғунлик, мутаносиблик ва меъёр бузилишида намоён бўлади. Санъат асари учун шакл ва мазмуннинг ўзаро мувофиқ келиши муҳим. Шакли беўхшов, ҳатто бирозгина меъёри, унсурлар нисбати бузилган, композицион тузилмаси унчалик моҳирона яратилмаган асарни унинг илгор ғояси кутқара олмайди. Халқ бундай асарларни юксак бадиият намунаси сифатида эмас, балки тарғибот-ташвиқот адабиёти сифатида қабул қилади, мутахассислар эса унга айнан шундай баҳо беради.

Юқорида фожеавийлик категориясининг даҳшатли, кўрқинчли воқеаларини тасвирлашга, асар қаҳрамонларининг ҳалок бўлишига бевосита алоқаси йўқлиги таъкидланган эди.

Гуманизм, инсон эркинлиги ва ҳурфикрлилиги ғоялари инсонни тақдири азалнинг ўйинчоғи сифатида тасвирлашдан, яъни фожеавий тақдирга маҳкум этиб кўрсатишдан воз кечишни, уни реал, дунёвий ҳаёт муам-

молари, инсоний муносабатлар, ғалаба ва мағлубиятлар, юксаклик ва тубанлик эҳтиросларига тўла ҳолда кўрса-тишни тақозо этди. Бадий тафаккур чуқурлашди, ранг-баранглик ва рационаллик, ҳаётийлик касб этди.

Ромео ва Жульетта нега ҳалок бўлди? Чунки улар-нинг оилалари, аниқроғи оталари бир-бирига душман эди. Улар яшаган давр қоидалари, нотўғри тушунилган оила шаъни, ғурури бир бирига ён босишни, мурасага боришни заифлик, кўрқоқлик деб баҳолар эди. Хонадон-лар ярашишни истаганда ҳам кимдир биринчи қадамни кўйиши керак эди. Ана шу биринчи қадамни кўйган оила жамоатчилик назарида шаънини, кадр-кимматини пастга урган ҳисобланарди. Ўша муҳитда ғурур ва шаън кибрга айланиб қолган эди. Натижада ёш ошиқлар оилавий душ-манликнинг қурбони бўлдилар.

Шекспирнинг бошқа бир буюк образи Ҳамлет асли-да отаси учун қасос олувчи, тахтни қотиллик ва ёлғон ёрдамида кўлга киритган амакисига қарши курашувчи, шон-шуҳрат ва довруққа интилаётган қаҳрамон эмас. Шекспир асарида отаси учун қасос олувчи – Лаэрт, тахтга ишқибоз Клавдий, шон-шуҳратга интилувчи эса Польша ерларига ҳарбий юриш уюштирган швед шахзодаси Фор-тинбрас. Ҳамлет – ихтиёри ўз кўлида бўлишини истаган, эркинликка ташна, ўрта асрлар қоқоқ анъаналаридан бе-зор, лекин уларга бўйсунушга мажбур инсон. Унга юрти – Дания зиндон бўлиб туюлади. Ҳамлетнинг даври ҳали етиб келмаган. У келажак одами. Унинг қарашлари, иде-аллари юзага чиқиши учун объектив шарт-шароит мав-жуд эмас. Шу сабаб у ҳалокатга маҳкум. Отелло қалби, кўнгли беғубор, ҳаммага ишонувчи инсон. У ҳам келажак одами. У ҳасад, фисқу-фасод, зимдан олиб борилаётган фирром курашлар, фитна, ёлғон ва тухмат қурбони.

Кўриниб турибдики, янги гоё тарихий зарурат си-фатида қаҳрамон интилишларида кўзга ташланмоқда, лекин кўпчилик бошқача фикрлайди, эски урф-одат ва турмуш қоидалари янги гоёни инкор қилади. Ижобий қаҳрамон ва юксак идеал кўрсатилган асарларда, албат-та, уларга қарши турувчи салбий қаҳрамон ва тубанлик кўрсатилиши керак. Акс ҳолда бадий конфликт юзага келмайди. Клавдийсиз Ҳамлет, Ягосиз Отелло образлари-

ни очиб беришнинг иложи йўқ. Трагик асар кўп ҳолларда ижобий ва салбий образлар тўқнашувини тасвирлаши шундан. Аммо трагик асар моҳияти ижобий ва салбий қаҳрамонлар тўқнашуви билан эмас, балки тарихий зарурият, ривожланишнинг янги тенденцияси ва қотиб қолган инертли ижтимоий вазият ўртасидаги конфликт билан белгиланади. Ижобий ва салбий қаҳрамонлар қарама-қаршилиқларнинг ташувчилари, холос. Трагик асарда мутлақо ижобий ва салбий қаҳрамон бўлмаслиги ҳам мумкин. Масалан, Софоклнинг «Шоҳ Эдип» ёки Шекспирнинг «Макбет», «Ричард III» ва бошқа айрим трагедиялари ижобий образни тасвирламайди.

Шекспир буюк гуманист сифатида Ромео ва Жульетта каби маъсум, беғубор ошиқларнинг, маънавий эркинликка интилувчи Ҳамлет, мард, софдил ва ишонувчан Отелло каби одамларнинг ҳали замони, афсуски, етиб келмагани, улар жамиятда ҳукм сураётган қолоқ ахлоқий меъёрларнинг, инсон макр-ҳийлаларининг қурбони бўлиши муқаррарлигини кўрсатди. Томошабин ва ўқувчилар қалбида мавжуд чиркин қоидаларга, эскирган ижтимоий анъаналарга, инсон тубанлигига қарши нафрат уйғотди.

Ҳегел фикрича, трагедиядаги қаҳрамон ўлими бу — шунчаки унинг йўқ қилиниши эмас, балки «куллик онги»дан халос бўлишидир. Қаҳрамон олий мақсад йўлида ўзини қурбон қилади. Айрим олимлар трагедиядаги ўлимни аслида боқийлик, ҳаёт давомийлиги тантанаси сифатида талқин қиладилар. Эзгулик, тараққиёт, абадий ҳаёт курашлар орқали, қурбонлар, ҳалокатлар орқали ўзига йўл очади. Шу сабабдан фожеавийлик алоҳида олинган инсон тақдирининг бадбахтлиги бўлмасдан, бутун авлоднинг, халқнинг, тарихий даврнинг бахтсизлигидир. Атоқли немис экзистенциал файласуфи К.Ясперс масаланинг айнан ушбу томонига эътиборни қаратади. Ҳақиқатан, Ҳамлет, Отелло, Ромео ва Жульетта бадбахтлиги уларнинг индивидуал бахтсизлиги эмас, балки улар авлодининг, минглаб ҳамлетлар, отеллолар, ромеолар, жульетталарнинг бахтсизлигидир.

Жамият ва инсон ривожланиши жараёнида улар ўртасидаги алоқалар, муносабатлар, зиддиятлар мазмуни ўзгариб боради. Индустриал жамиятда, юкорида

айтилганидек, Шекспир замонидаги табақавий имтиёзлар, олий табақаларнинг ахлоқ кодекслари, ўз шаънини (кўпинча ўз сўзини, инжиқлиги ва принципиаллигини) химоя қилиш учун дуэлга чиқиш ва ш. к. этикет талаблари бекор қилинди. Капитализм одамларни қонун олдида тенг қилиб қўйди. Янги тенденциялар ўзига энди қаҳрамонларнинг маънавий жасорати, кураш ва ҳалокати орқали эмас, балки ошқора иқтисодий ва сиёсий рақобат, пул ва бойлик, моддий ресурслар ва сиёсий технологиялар орқали йўл оча бошлади.

Қайноқ ва пок қалб, юксакларни кўзлаган мураса билмас руҳ, инсонни қаҳрамонликка, жасоратга ундовчи орномус ва виждон амри ўрнига аниқ ҳисоб-китоб, оқилона иш юритиш, иқтисодий фойда олиш, рақобатда енгилиб, касодга учраб қолмаслик, ҳар қандай йўл билан мансаб поғоналари бўйлаб ўсишга интилиш каби эҳтиёжлар устунлик қила бошлади. Ердаги ҳаёт, нафс ва ҳирс ташвишлари қаҳрамон учун энди само орзуларидан устун ва «кадрлироқ», аниқроғи фойдалироқ бўлиб қолди. Инсон дўст тутинишда кўпроқ унинг амалий фойдаси тегишини ҳисобга ола бошлади. Энди «дўстлар» даврасида идеаллари яқин маслакдошлар эмас, балки кўпроқ улфатлар, яқин ҳамкасблар, бизнес бўйича шериклар, ҳозир бири-бирига фойдаси тегадиган, эртага ҳатто рақибга айланиши мумкин кимсалар кўзга ташланади. Беғубор дўстликнинг, олий қадриятлар ва ғоялар атрофида бирлашишнинг, бундай ғояларга топинишнинг вақти ўтди. Уларга амал қиладиган, уларга содиқ кишилар Достоевскийнинг князь Мишкинига ўхшаганлар энди телба, хаёлпараст, ҳаётдан ортда қолган гўл, содда, гумроҳ дея баҳолана, калака қилина бошлади. Натижада юксак трагедиялар, олий идеалларни ифодаловчи ижобий қаҳрамонларни кўрсатадиган романтик асарлар яратишнинг вақти ўтди. Улар ўрнини шафқатсиз реалистик асарлар, жамият риёкорлигини, иллатларини фош этувчи романлар, қиссалар, ҳикоялар эгаллади.

Социалистик реализм гўёки ўзида танкидий реализм ва «революцион романтизм»нинг энг яхши жиҳатларини бирлаштириб, ижтимоий идеал ва ижобий қаҳрамонларга қайтишга ҳаракат қилди. Аммо ўша давр ҳаётининг зид-



диятларини тўғри кўрсата олган бир-икки уринишларни ҳисобга олмаганда, муваффақиятсизликка учради. Ижобий қаҳрамонлар ноҳаётий, сунъий, асарлар эса схематик, тарғибот-ташвиқотни ифодаловчи мафкуравий асарларга айланди. Замонимиз ижобий қаҳрамонини тасвирловчи асарларни ёзувчилардан талаб қиладиган танқидчиларимиз бир нарсани унутмасликлари керак: бундай асарлар ё ўрта асрлар ва маърифатпарварлик даври усулида, ё романтизм усулида яратилиши, ёки бутунлай янги бошқа бадиий усул ўйлаб топилиши лозим. Акс ҳолда бадиийлик ўлади. Чунки адабиёт турли ҳикоялар, ривоятлар, ибратлар ва панду-насихатларни мажозий ифодаловчи ҳамда юксак идеалларни ифодаловчи романтизм каби бадиий усул ва услубларни ўз тараққиёти жараёнида босиб ўтиб, ортда қолдирди. Тарих ғилдираги адабиёт ва санъат, бадиий билиш учун ҳам ортга айланиши даргумон. Бадиий усулнинг янада теранроқ ва, эҳтимол, синкретик шакли вужудга келмас экан, ижобий қаҳрамон орзуси хомхаёл бўлиб қолаверади, ёки юксак адабиётни кўнгилочар оммавий адабиёт ёхуд ўта мафкуралашган тарғибот-ташвиқот адабиёти даражасига туширади. Социалистик реализм муваффақиятсизликларидан сабоқ олиш керак.

Бадиий адабиёт ривожланишининг ички қонуниятини мажозий ва рамзий-романтик схематик образлардан ҳаётини конкрет, жонли инсон образларини яратишга олиб келди. Тўғри, дастлаб бу образлар романтизм руҳида кучли шахсларнинг фавқулодда мураккаб шароитларда ўзини кўрсатиши, илғор ғояларга содиқлигини тасвирлар эди. Лекин инсон фақат фавқулодда (экстремал) шарт-шароитларда, мурасимсиз юксак ғоялар гирдобидида кун кечирмайди. Турмушнинг ҳар хил катта-кичик муаммолари, баъзан ўта шафқатсиз талаблари ва курашлари инсондан кўпинча кўтаринки руҳдаги ҳаёлпараст эмас, оддийгина реалист бўлишни талаб қилади. Санъат юксак идеалларни ифодаловчи романтизмдан, инсон психологияси ва ҳаққоний ижтимоий муносабатларни очиб берувчи, уларни инсонпарварлик (гуманизм) нуқтаи назаридан танқид қилувчи реализмга ўтиши табиий эди.

Дастлаб танкидий реализм кўпроқ салоҳияти, қобиляти баланд, курашчан, ёки жамиятдан қоникмайдиган кучли шахсларнинг образини кўпроқ яратди. Тезда у оддий «кичик» одамлар, турли табақалар, маргинал қатламлар вакиллари ички дунёсини, кечинмаларини ҳам очиб берди. XIX аср давомида турли табақаларга, қатламларга мансуб инсонлар психологиясини кўрсатишда Европа адабиёти ва санъати катта мувафакқиятларга эришди. Рассомлар натуралистик услубда оддий кишилар портретини, оддийгина табиат манзараларини тасвирлай бошладилар. Мопассандек адиблар ўз танасини сотиб кун кўришга мажбур фоҳишалар ҳам инсон эканлигини, уларга ватанпарварлик, ҳалоллик, оналик туйғулари, меҳр-муҳаббат, ор-номус, гўзалликка ташналик ва бошқа нозик инсоний хислатлар бегона эмаслигини қаламга олди. Танкидий реализм санъати инсон онгининг, руҳиятининг барча пучмоқларига кириб борди. У онг ости бўсағасига етиб келди, аммо ундан ўта олмади. Чунки танкидий реализм ҳаётга рационал муносабатда бўлади. У тасвирлаётган нарсаларнинг ижтимоий ёки психологик сабабларини кўрсатиши, уларни «оқилона» асослаши лозим. Бундан ташқари, танкидий реализм «типик ҳолатлардаги типик персонажлар образини» яратишга мослашган бадийий усул. XX аср бошларида танкидий реализм инсонни бадийий ўрганиш ва тасвирлашда ўз имкониятларини деярли сарфлаб бўлган эди. Адабиёт танкидий реализм даража-сида тўхтаб қолиш мумкин эмас эди.

Адабиёт, бадийий тафаккур танкидий реализмни икки йўналишда енгиб ўтди. Биринчиси – Европа адабиёти инсон онгости ҳодисаларини, англамаган табиий майлларни тасвирлашга эътибор қаратди. Жеймс Жойс, Марсель Пруст, Альбер Камю, Франц Кафка, Виржиния Вульф иждолари бунга мисолдир. Иккинчиси – ривожланаётган мамлакатлар ва халқлар адабиётида реализм, романтизм, халқ бадийий ижоди, мифологик (асотирий) ва ҳатто магиявий тафаккур унсурларидан – бири озроқ, бири кўпроқ – фойдалана бошлади. Бу жараён айниқса Жанубий Америка адабиётида анча самарали бўлди. Бугун биз унинг «фусункор реализми», «хайратли воқелиги (реаллиги)»

хусусида кўп гапирамиз. Жорж Амаду, Алехо Карпентьер, Хорхе Борхес, Хуан Онетти, Габриель Гарсиа Маркес, Варгас Льоса, Хулио Кортасар, Пас, Вульфо, П.Козльо, Скорса, Лотин америкаси мамлакатлари адабиётида «хайратли вокелик» (Карпентьер ибораси) ярата олдилар. Бугун мазкур адабиётга нисбатан қўлланилаётган «сехрли реализм», «фусункор реализм» иборалари аслида Карпентьернинг ўша «хайратли вокелик – хайратли реалик» иборасидан келиб чиққан.

Ўрта Осиё адабиётида Чингиз Айтматов ижоди халқ асотирлари ва ривоятларини реализмга омихта қилишга ёрқин мисол бўла олади. Умуман ривожланаётган халқларнинг ёш адабиётлари ўз халқларининг ривоят ва афсоналарини, конкрет образли ва қисман сақланиб қолган синкретик бадиий усулини реализмга қўшиб бадиий усулни анча ривожлантирдилар. Буни Фозил Искандар, Юрий Ритхеу, Владимир Санги, Ион Друце, Алим Кешоков ва бошқа собиқ совет республикалари адиблари ижоди тасдиқлайди.

XIX аср Европа мумтоз адабиёти ва санъати ривожланишининг ички қонунияти, ички мантиғи XX аср бошларида модернизмга олиб келиши табиий эди. Шу сабабдан адабиётда ва тасвирий санъатда янги модернистик, ангардистик услублар, оқимлар пайдо бўлди. Тасвирий санъатда импрессионизм, авангардизм, кубизм, сюрреализм, абстракционизм ва бошқалар, адабиётда сюрреализм, символизм, футуризм, конструктивизм, имажинизм, экзистенциализм, онгости оқими ва ш.к.лар тарқалди. Айнан ушбу қонуниятга кўра, XX аср охири – XXI асрда шарқ халқлари, хусусан бизнинг адабиётимизда ва санъатимизда модернистик ва посмодернистик усулдаги асарлар пайдо бўлмоқда. Фақат ҳозирча янги усуллар адабиётимиз ва санъатимиз, халқимиз томонидан тўлиқ ўзлаштирилмагани сабабли баъзи асарлар нотабиий, сохта ва сунъийга, тақлидга ўхшаб қолаётир. Умумий савия хали паст. Лекин яхши асарлар ҳам йўқ эмас. Ушбу йўналишда ижод қиладиган йирик истеъдодлар пайдо бўлса, вазият ижобий томонга ўзгариши шубҳасиз.

Онгости ҳодисаларини таҳлил қилишга киришган Европа адабиёти инсон ҳаётининг маънисини, инсон та-

биатининг кўздан яширин зиддиятларини очди. Айрим адиблар инсон яшаётган жамият унинг ҳаётини ҳатто абсурдга – бемаъниликка айлантиришини, замонавий инсон қайси идеалларга, ғояларга ишонишни билмаслигини қаламга олди. Онгости оқимини, онгдан ташқариликни (трансцендентликни) акс эттирувчи дастлабки турли сюрреалистик, авангардистик, абстракционистик, футуристик, руҳий таҳлил ва экзистенциалистик услубдаги асарлар яратилди. Бундай асарларнинг тушқунлик руҳидаги хулосаси – мақсадсиз яшашнинг ўзи фожеа, бемаъ依ликдир. Мумтоз тушунчадаги эстетик фожеа бемаъ依лик фожеаси – мақсадсизлик билан алмаштирилди.

Бугун эса манзара янада чигаллашиб кетди. Оммавий маданиятга доир ёки унга яқин асарлар тобора кўпайиб бораётир. Эндиги адабиёт, экран ва сахна ижобий қаҳрамонлари – ҳар қандай иш қўлидан келадиган ақлли ва жангари суперинсонлардир. Улар ҳар хил жинойтчиларга, курол-яроқ ва наркотик сотувчи мафияга, гангстерларга, ядро ва космик куролларни эгаллаб олиб инсониятни мавҳ этмоқчи, учинчи жаҳон урушини бошламоқчи бўлган авантюристларга, баъзан даҳшатли махлуқлар ва вампирларга қарши курашдилар. Ҳамма ёки қон ва мурда босиб кетади, аммо асарда ижтимоий фожеа ва унинг бадий инъикоси эстетик фожеавийликдан урвоқ ҳам йўқ.

Комедиявийлик ҳақида икки оғиз гапириб ўтамыз. Комедия бир вақтлар тубан жанр, комик асарлар қаҳрамонлари тубан, ёки салбий персонажлар ҳисобланган. Аммо аслида ижобий ва салбий қаҳрамон масаласи анча мураккабдир. Адабиёт тарихида ижобий ва салбий қаҳрамонлар кутбий ҳодисалар сифатида мавжуд бўлсада, улар ўртасида аниқ чегара ўтказиш имконсиз.

Сервантеснинг Дон Кихоти, Шекспирнинг Фальстафи, И. Ильф ва Е. Петровнинг Остап Бендери, Гафур Ғуломнинг шум боласига нисбатан ижобий ва салбий деган баҳоларни қўллаш мумкинми? Комедиявий асарлар ижтимоий сатира жанрига мансуб бўлмаса, салбий қаҳрамонни тасвирламайди. Нозик юморларга оид асарларининг қаҳрамонлари ҳатто ижобий ҳисобланади. Мисол тариқасида халқ оғзаки ижоди қаҳрамони ўзимизнинг Насриддин Афанди образини эсланг.

Юксак идеаллар ва ғояларни ифодалайдиган асарларнинг қахрамонлари, унинг яшаш муҳити қарама-қарши томонлар кураши авж олган, мураса билмайдиган бўлиши лозим. Реал ҳаёт фақат инқилобий ёки ижтимоий курашлардан, буюк кашфиётлардан, жамият эса фақат юксак туйғулар ва идеалларни улуғлайдиган, ёки фақат ижод дарди билан яшайдиган кишилардангина иборат бўлмайди. Аксинча, жамият аъзоларининг мутлақ кўпчилиги ўз турмуш ташвишлари билан банд оддий инсонлардир. Аввал таъкидланганидек, турмушда кундалик, аммо ўта зарур эҳтиёжлар шунчалик кўпки, уларга оддий инсон фарқ бўлиб, кўпинча юксак идеалларни эшлашга вақт тополмайди. Турмуш, асосан, бир маромда, бир хил талабда давом этаверади. Реал ҳаётда одамлар ўртасида безарар англашилмовчиликлар, кулгили вазиятлар ҳам вужудга келади. Одамлар феъл-атвориға кўра ҳар хил. Кимдир камтар, камсўз, ишчан, меҳнатсевар, кимдир аксинча, мактанчоқ, сергап, дангаса. Кимдир содда ва лақма, кимдир муғомбир ва қув. Қорни оч киши биринчи навбатда егулик топишга уринади. Чўнтаги куруқ бўлса, кимнингдир ҳожатини чиқариб, бирор юмушини бажариб бир неча чақа ишлаб олишга ҳаракат қилади. Бундай ҳолларда қув, муғомбир киши потенциал иш берувчига ёкишга интилади, уни роса мактайди. Ҳаётдаги бундай воқеалар, вазиятлар, комик асар учун материал бўлади. Жамият ўз иллатларидан, камчиликларидан санъат ёрдамида фақат фожевийлик орқали эмас, балки комедиявийлик — ҳажв ва сатира, нозик юмор ва бироз дағалроқ латифалар, аскиялар, кулги орқали ҳам фориг бўлади.

Комедиявийликнинг рекреацион вазифасини — маънавий ҳордиқ бериш, асабларини дам олдириш вазифасини ҳам эшлаш лозим. Кулгу ва ҳажвияга эҳтиёжларнинг юқорилиги уларнинг рекреацион имкониятлари юқорилиги, демократик ҳаракат билан боғлиқ. Комик асар ўз шаклига мос келмайдиган ёки унга қарама-қарши мазмунни ифодалашни мумкинлигини, шу сабабдан кўпчилик олимлар ушбу қарама-қаршилиқ тасвирланаётган манзара, баён қилинаётган воқеаларнинг кескин номувофиқлиги (контраст) комедиявийлик табиатини ташкил қилади, деб ҳисоблашини айтиб ўтган эдик. Бачкана, аҳамиятсиз

нарса буюкликка даъво қилса, кўрқоқ киши ўзини ботир қилиб кўрсатишга ҳаракат қилса, албатта, кулгили чиқади. Бирок, яна Насриддин Афанди образини эсласак, унинг буюкликка, ҳеч қандай дабдабага даъво қилмаслигига, ўткир ақлга, юксак маънавий туйғуларга эга бўлса-да, комедиявий, аммо тубан персонаж эмаслигига амин бўламиз. Насриддин – халқ қаҳрамони, у китобий ёки элитар юксак идеалларни эмас, илдизлари теран халқона ҳаётий идеалларни ифодалайди. Бу комедиявийлик табиати анча мураккаб ва теран, айни пайтда демократик эканини кўрсатади.

Комедиявийлик фақат тубан жанр, деб талқин қилинса, ёки фақат кўнгилочар жанр деб тор тушунилса, унинг тарбиявий салоҳияти пасайиб кетади. Ҳатто тубанлик ва ахлоқсизликка айланиб қолади. Афсуски, оммавий маданият таъсирида баъзи қизиқчиларимиз кўрсатаётган сахналар, қочириқлар ва иборалар очиқчасига беҳаёликни, «белдан паст жой ҳажвияси»ни тасвирамқда.

Эстетик ғоялар, тушунчалар, меъёрлар инсон ва жамият билан бирга бадий тафаккур билан мувозий ривожланиб, ўзгариб боради. Чунки ижтимоий онг ва тажриба ўсиши, инсоннинг олам ҳақидаги тасаввурлари, билимлари, жумладан, эстетик тасаввурлари, билимлари кенгайиб, бадий тафаккури, бадий яратувчилик маҳорати ўсади. Адабиёт ва санъат ривожланиши, янги жанрларнинг ва бадий усулларнинг вужудга келиши биринчи галда жамиятнинг эстетик онги ва воқеликни бадий билиш эҳтиёжлари ўсиши туфайли юз беради.

Магистрлар ўқув дастурида «Рамз ва тимсол борлик ҳақиқатини бадий ифодалашнинг асосий воситалари» деган савол бор. Биз унга юкорида қисман жавоб бердик. Ҳақиқатан, санъатнинг тили ҳам, образлари ҳам рамздир, тимсолдир. Албатта, санъат ҳар қандай дуч келган рамздан, тимсолдан эмас, балки бадий рамздан, тимсолдан фойдаланади. Аммо унутмаслик керакки, рамз, тимсол нафақат бадий билишнинг, шунингдек, илмий билишнинг ҳам, хулқ-атвор ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг ҳам муҳим воситаларидир. Масалан, +, -, x, :, каср чизиғи, квадрат илдиз ва ш.к. рамзларсиз математикани тасаввур этиш қийин. Ҳар фаннинг – физиканинг, химиянинг ва шу каби фанларнинг ўз рамзлари, фойдала-

надиган тимсоллари бор. Қисқа рамзий белгилар орқали табиатнинг катта бир қонунини ифодалаш мумкин.

Лекин бадиий рамзларни илмий рамзлардан ва турли ахборотларни ифодаловчи (пештоқлардаги ёки светофорлар каби) маиший-амалий рамзлардан фарқлаш керак. Бадиий рамзда оддий ахборот эмас, балки экспрессив бадиий образ, бадиий ғоя мужассам.

Адабиёт ва санъатнинг ўзи ҳам, ҳар бир асари ва асарининг «тили» ҳам, асарда тасвирланган персонажлар образи ҳам ўша даврининг, ўша давр одамлари ва муносабатларининг, одамлар ички дунёси ва руҳиятининг рамзи, тимсолидир. Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романи қахрамони Отабек ўша даврда вужудга келаётган ёш илғор авлоднинг тимсоли, ўлим тўшагида ётган Қумушнинг қайнотаси Юсуфбек Ҳожи кирганда рўмолини тортиб, очилиб қолган сочлари ва юзини яширишга уриниши шарқ аёли одобининг рамзий ифодасидир. Адабиёт ва санъатдаги рамзларни, тимсолларни биз жонсиз белги, формал ифода ёки тасвир унсури деб эмас, балки ҳаётӣй ҳақиқат сифатида қабул қиламиз, унинг рамзийлигини, мажозийлигини унутамаиз. Масалдаги ҳайвонлар образи аслида мажозий усулда инсонлар феъл-атворини, муносабатларини тасвирлайди ёки ифодалайди.

## 15. МАЪНАВИЯТ ВА АДАБИЁТ

Адабиёт, нафосат, дин ва ахлоқ каби, маънавият яхлит тизим сифатида шаклланишида бош омиллардан бўлган. Ибтидоий синкретик онг асосида мифология ётади. Адабиёт (бу ерда халқ оғзаки ижоди, фольклор) мифологиянинг воқелашган, юзага чиққан шаклидир. Мифология оламнинг ибтидоий одам онгидаги инъикосигина эмас, шунингдек, маънавий-мафкуравий моделидир. Адабиёт (халқ оғзаки ижоди) ёрдамида ибтидоий инсоннинг онги, эътиқоди, олам ҳақидаги тасаввурлари ҳамда уруғ-жамоавий идентлиги шаклланган. Халқ оғзаки ижоди, мифология, уруғ-жамоаси, аждодлари тўғрисидаги ривоятлар, ҳикоятлар, табиат мўжизалари, ҳайвонлар ва уларнинг одамлар билан муносабатлари тўғрисидаги эртақлар, ҳар хил кўшиқлар, топишмоқ ва ҳикматлар ибтидоий инсон-

га ўзлигини англатишда, бошқалар билан жипслашиш ва биргаликда турмуш кечиришда муҳим таълим-тарбиявий вазифани бажарган. Жамият таракқиётининг юқорирок босқичларида ҳам адабиётнинг бу борадаги роли мутлақо пасаймади.

Ўз навбатида ягона бус-бутун маънавият тизимида адабиёт фалсафа, ахлоқ, дин, санъатнинг бошқа турлари таъсирида ривожланди. Адабиёт юксак ахлоқий гоёлар – эзгулик, гуманизм, бахт, виждон, қаҳрамонлик, ҳалоллик, сиёсий ва ҳуқуқий гоёлар – эркинлик, тенгҳуқуқчилик, адолат ва ҳ.к.ни куйлаб, уларнинг муқобилларини танқид қилиб ривожланди. Шу боисдан, адабиёт ва маънавиятнинг бир-бирига таъсири икки томонламадир.

Адабиёт – сўз санъати. У сўз воситасида ўз бадиий образларини яратади. Бадиий образлар конкрет-ҳиссий характерга эга. Уларни тасаввур этиш, кўз олдига келтириш мумкин. Адабий образларни биз иккига бўламиз: Биринчиси – асар қаҳрамонлари, персонажлари, баъзан баёнчиси образи. Иккинчиси – бадиий услублар, ўхшатишлар, сифатлашлар, муболағалар, истиоралар ва асар тилига, деталларни, воқеаларни яратиш маҳоратига тааллуқли бошқа воситалар, усуллар. Улар «образлар» истилоҳи орқали умумлаштирилган ҳолда аталади. Адабиёт образлар ёрдамида воқеликни бадиий аниқ акс эттиради ва қайта яратади. Масалан, Ойбекнинг «Навоий», Одил Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси», Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар», Қодирийнинг «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён», Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романларини ўқиган киши асар қаҳрамонлари яшаган даврни, одамларини, одоб-ахлоқ ва урф-одат қоидаларини, тафаккур тарзи ва феъл-атворини, орзу-ҳаваслари ва интилишларини, кучли ва заиф жиҳатларини билиб олади, аниқ тасаввур этади. Бошқа ҳар қандай адабий асар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Албатта, бу ерда гап яхши, муносиб асарлар ҳақида кетяпти, бўш, бадиийлик талабларига жавоб бермайдиган асарлар ҳақида эмас.

Бадиий асар воқеликнинг айнан нусхаси эмас, балки қайта яратилган моделидир. Шунинг учун асарда баён этилаётган воқеалар, акс этаётган ижтимоий муносабатлар, одамлар ҳаёти, алоқалари тасвирланаётган давр



муайян тарихий даврда яшаган жамиятнинг бадий моделидир. Асарда тасвирланган қахрамон образи, унинг ўй-фикрлари, туйғу ва эҳтирослари, орзу-хаваслари, мардлик ёки қўрқоқлиги ҳам муайян даврда яшаган, фаолият кўрсатган инсон моделидир. Аммо мазкур модель воқеликни фотографик ва бошқа формал нусхаларга нисбатан ҳар томонлама чуқурроқ, мужассам ва кенгрок, таъсирчан ва аниқроқ акс эттира олади. Бу муаллифнинг истеъдодига, маҳоратига боғлиқ. Масалан, юқорида санаб ўтилган тарихий романлардаги персонажларнинг аксарияти (тарихий шахслардан ташқари) тўқима образлардир. Лекин ўқувчи уларни жонли реал шахслар каби қабул қилади. Уларнинг ҳар бирининг ҳис-туйғулари, ўй-фикрлари, бошдан кечирган воқеалари, тақдири, ботирлиги-ю қўрқоқлиги, соддалиги-ю такаббурлиги, мардлиги-ю ҳиёнаткорлиги, ўзига хос индивидуал қилиқлари, гапириш усуллари бор. Улар худди жонли, реал кишилар каби, биринчидан, бировга ўхшамайдиган, такрорланмас, (ютуқ ва камчиликларга эга) индивидлардир. Иккинчидан, улар ўз замонасининг фарзанди, замонасига хос ўйлайди, фикрлайди, фаолият юритади, режалар тузади ва амалга оширади. Бадий образда индивидуаллик (такрорланмайдиган хусусий белгилар, жиҳатлар) ва типиклик (замонаси учун умумий белгилар, хусусиятлар) диалектик муштаракликни ташкил этади.

Адабиёт орқали инсон, аввало, ўзининг кимлигини билиб олади. Ҳатто ўзи ҳам ўйламаган, тасаввур қилмаган руҳий кечинмаларини, интилишларини, мойилликларини, одамларнинг ички дунёси мураккабликларини, қайси ҳолатларда у буюк жасоратларга қодир бўла олишини, қайси ҳолатлар қўрқоқлик ва хоинлик қилишини кўради. Буни ҳеч бир фан тўлиқ очиб беролмайди. Фақат адабиёт қайта яратиб, кўрсатиб беради. Адабиёт асари нимани тасвирлаши, ифодалашидан қатъи назар, унинг предмети инсон бўлиб қолаверади.

Адабий асар, воқеликни акс эттиришига кўра икки хил бўлади. Бири ҳаётни қандай бўлса, шундайлигича акс эттиради (албатта, бадий қонуниятга мувофиқ индивидуаллаштириб ва типиклаштириб). Бу реалистик ва натуралистик асарларга кўпроқ хос. Иккинчиси ҳаётни

қандай бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Ҳаётда аслида асарда тасвирланган воқеалар юз бермаган, аммо шундай воқеалар маълум ҳолатда юз бериши мумкин. Чунки тасвирланган муносабатлар ҳаёт ҳақиқатига зид эмас. Бундай асарлар реализмда ҳам, романтизмда ҳам (айниқса кейингисида) кенг тарқалган. Ушбу ёндашувда яна бир бадий усул ажралиб туради. *Бу ҳаётни қандай бўлиши лозимлигидан келиб чиқиб кўрсатишидир.* Унда, албатта, ижтимоий идеал, жамиятни, одамлар турмушини яхшилашга бел боғлаган, салбий ҳолатлар билан курашадиган ижобий қаҳрамон тасвирланади.

Ижтимоий идеалларни акс эттирувчи асарлар шарқ мумтоз адабиётига, хусусан, Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Дехлавий, Алишер Навоий, Жомий ва бошқа классиклар ижодига, Европа Уйғониш ва Маърифатпарварлик даврлари ҳамда романтиклари ижодига хос. Сервантес, Шекспир, Монтескье, Руссо, Вольтер, Даниел Дефо, Гете, Шеллер, Гюго каби адиблар кўпроқ воқеликни, ижтимоий муносабатларни бадий тасвирлашда, қаҳрамонлари образларини яратишда илғор идеаллардан, жамият ва инсон қандай бўлиши лозимлигидан (ёки қандай бўлмаслиги лозимлигидан) келиб чиққанлар. Уларнинг асарларида, албатта, ижобий қаҳрамонлар образи яратилган. Танқидий реализм асарларида ижобий қаҳрамон нисбий бўлиб қолди, аста-секин камайиб, йўқолиб қолди. Бальзак, Гоголь, Стендаль, Достоевский, Толстой, Диккенс, Теккерей асарларида ижобий қаҳрамонлар ё нисбий, ё умуман йўқ. Айнақса, сўнги асарларида.

Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» эпопеясида, шубҳасиз, ижобий образлар бор. Ота-ўғил, князь Волконскийлар, Пьер Безухов, капитан Тушин ва ш.к. Аммо улар романтик асарларидагидек фақат фазилатларга эга инсонлар эмас. Уларнинг ўз камчиликлари бор. Толстойнинг бошқа романларидаги Анна Каренина, Вронский, Нехлюдов образларига нисбатан ижобий ёки салбий баҳони қўллаб бўлмайди. Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар»ида, «Меҳробдан чаён»ида биз, шубҳасиз, ўзаро қарама-қарши қўйилган ижобий ва салбий қаҳрамонларга дуч келамиз. Модернистик асарларда ижобий ва салбий қаҳрамон ўртасидаги чегара умуман ювилиб кетди. Бугун

болалар ва ўсмирлар учун ёзилган яримромантик адабиётда ҳамда саргузашт ва детектив жанрларга мансуб кўнгилочар адабиётда ижобий қаҳрамонни учратиш мумкин. Болалар адабиётида ижобий қаҳрамон – ибратли образ, тақлид учун намуна. Маълум тарбиявий аҳамиятга эга. Кўнгилочар адабиётда, саргузашт ва жангарилик жанрларида эса ижобий қаҳрамон бу – супермен. У жонли одам образи эмас, балки қандайдир схематик қолипдир, унинг «ўлчови» битта: ҳаммадан устун ва истаган ишини қилишга «ҳақли». Шу сабабдан у тақлид учун намуна бўла олмайди. Жиддий, юксак адабиётда ижобий ва салбий қаҳрамонлар бўлиши ҳам, умуман бўлмаслиги ҳам мумкин. Юксак адабиёт қаҳрамонлари «бир ўлчовли» эмас, анча мураккаб, серқирра, зиддиятларга бой шахслардир. Қаҳрамонлар, образлар хусусиятидан, ўқувчига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатишидан адабий асарнинг маънавий қиммати келиб чиқади. Кўнгилочар адабиёт қаҳрамонлари ижобий бўлишига қарамасдан, ўқувчи онгига салбий таъсир кўрсатади, чунки у зўравонликни, кучни, ахлоқий тизгинсизликни эстетиклаштиради.

Биз юқорида адабиётнинг эпик турининг ҳаётни акс эттириш хусусиятлари тўғрисида гапирдик. Эпик тур ҳаётни воқеалар ривожланишида инсоний муносабатлар тизими орқали кўрсатади. Эпик жанрларга қаҳрамонлик эпослари, дostonлар, романлар, киссалар, ҳикоялар, ма-саллар, латифалар, эртақлар, ривоятлар, афсоналар, бирор воқеани баён қиладиган, тасвирлайдиган адабиёт жанрлари киради. Эпик турлардан ташқари адабиётда лирик тур бор. Эпик тур асосида воқеани тасвирлаш, баён қилиш жараёнида қаҳрамоннинг феъл-атвори, характери, ички руҳоний дунёси, интилишлари кўрсатилади. Лирик жанрларда тасвир эмас, ифода биринчи ўринга чиқади. Лирик қаҳрамоннинг ҳис-туйғулари, унинг завқ-шавқи, дарди, аламли изтироблари, умуман, руҳонияти, оламга муносабати ифодаланади, аммо тасвирланмайди. Шеърда воқеаларга оид унсурлар биринчи даражали аҳамиятга эга эмас. Ўша воқеага лирик қаҳрамоннинг муносабати, ўша воқеанинг унинг қалбида қандай акс садо бергани, завқ-шавқ, ўзига хос кайфият ёки алам, изтироб ўйғотгани муҳим. Лирик жанрларга ғазал, рубоий, мухаммас, қасида

ва классик шеърятимиздаги бошқа жанрлар, замонавий шеърлар мансуб. Чўлпон, Усмон Носир, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Рауф Парпи, Усмон Азим, Шавкат Раҳмон, Муҳаммад Юсуф шеърлари лирик жанрга мисол бўлади. Лирик жанрларда сюжет, воқеалар тизими конфликтнинг туғилиши, ривожланиши, авжга чиқиши (кульминацион нуқта), ечими бўлмайди. Лирик жанрлар асосан шеърӣ поэтик усулда (насрий назм кам учрайди) яратилади. Лекин ҳар қандай шеърӣ усул лирик жанрга оид бўлавермайди. Масал, дoston кўпроқ шеърӣ шаклда ёзилса-да, эпик жанрга тааллуқлидир.

Адабиётда учинчи тур сифатида баъзи олимлар драматургияни алоҳида ажратади. Баъзилари драматургиянинг эпос ва лирикадан фарқ қилувчи хусусиятларини тан олган ҳолда, уни эпик турнинг алоҳида жанри ҳисоблайди. Драматургия трагедия, комедия, драма жанрларига бўлинади. Драма жанри трагедиялар ва комедияларга нисбатан анча кўп тарқалгани боис ундан бутун тур атамасининг ўзаги олинган. Драматургия кўпроқ ўқишга эмас, балки саҳнада кўйиб, томоша қилишга мўлжаллангани учун, унинг саводсиз оми халққа таъсир кўрсатиш имконияти ўтмишда анча баланд бўлган. Бунинг устига, актёрлар ижроси, қаҳрамон образининг кўз ўнгида кечираётган ҳис-туйғулари, савдолари, кураши, ғалабаси ёки ҳалокати томошабин қалбида чуқур акс садо берган. Унинг маънавиятини бойитган, ҳис-туйғуларини тарбиялаган. Шундай қилиб, адабиёт инсоннинг маънавий эҳтиёжларини қондирган.

Адабиёт шахс ва миллат маънавиятини шакллантиришда ижтимоий онгининг бошқа шаклларига нисбатан кучлироқ ва кенгроқ имкониятга эга. Бу борада у билан на фалсафа, на дин, на илм-фан, на ахлоқ, на ҳуқуқ тенглаша олади. Чунки адабиёт инсоннинг ҳис-туйғуларига, тафаккурига, билимлари ва эътиқодига ҳар томонлама комплекс таъсир кўрсатади. Адабиёт инсонни аждодлар тажрибаси, руҳияти, қарашлари, маънавияти ва ибрати билан боғлайди.

Инсоннинг тарихий хотираси ва маънавий дунёси ўтмишда биринчи галда мифология, ривоятлар, эртаклар, халқ дostonлари, маросим кўшиқлари, халқ мақоллари, ҳикматлари, яъни адабиёт (бу ерда халқ оғзаки ижоди,

фольклор адабиёти) орқали шаклланган. Халқимизда ўтмишда миллий жипслик, ватанпарварлик, босқинчиларга қарши кураш, адолат, ор-номус, ғурур, меҳр-муҳаббат, севган ёрига садоқат, вафо, хоинликка, хиёнатга, кўрқоқликка, номардликка, ёлғонга, манманликка, мақтанчоқликка қарши нафрат каби туйғулар, тушунчалар шаклланишида «Гўрўғли» туркумига кирувчи дostonлар, «Рустамхон», «Алпомиш» дostonлари, халқ оғзаки ижодининг бошқа жанрлари жуда муҳим аҳамият касб этган.

Дин, ижтимоий онгнинг бошқа шакллари ўз ғояларини, меъёрларини, қадриятларини тарқатишда у ёки бу даражада адабиёт ёрдамидан фойдаланган. Кейинчалик ҳам шундай бўлиб қолган. Тасаввуф тариқатининг асосчилари Нажмиддин Кубро, Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд, Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий шеърлар, рубойлар, пандномалар ёзганлар. Умуман, тасаввуф таълимотининг халқ орасида тарқалиши ва мустақамланишида адабиёт хал қилувчи роль ўйнаган. Аҳмад Яссавийдан ташқари Сулаймон Боқирғоний, Сўфи Оллаёр ижоди ўзбек халқи орасида яссавияни, умуман тасаввуфни тарғиб этди. Ўрта Шарқ адабиётининг буюк намоёндалари Фаридиддин Аттор, Низомий, Саъдий, Ҳофиз, Навоий, Жомий, Машраб, Юнус Эмро ўзлари алоҳида тариқатларга асос солмаган бўлсаларда, тасаввуфни умуминсоний маънавий бойлик даражасига кўтардилар.

Адабиётнинг шахс ва миллат маънавиятини шакллантиришдаги роли тўғрисида яна бир мисол келтирамиз. Алишер Навоий ижоди ўзбек халқининг маънавий бойлиги, фахри ва ғуруридир. Аммо бундан бир аср муқаддам Навоий ижоди ва шахсини халқимиз қай даражада билар эди? Уни, асосан, ўқимишли зиёлилар озми-кўпми билган. Халқ орасида Навоий ҳақида бир неча ривоятлар бўлган, оддий халқ баъзан сайиллар ва тўйларда ҳофизларнинг Навоий ғазалларига басталаган айрим ашулаларини эшитиб қолган (радио, телевидение, патефон хали ихтиро қилинмаган). Қўлда кўчирилган девонлар жуда қиммат бўлишидан ташқари, Навоий асарларининг кўпчилигини жамлай олмаган. Шу боис ўқимишли зиёлиларнинг ҳам аксарияти Навоий ижодини етарлича билмаган, оддий авом кишиларни-ку қўя турайлик.

Навоийнинг 500 йиллигини нишонлашга тайёргарлик йилларида Ойбек «Навоий» романини, Иззат Султон ва Уйғун эса алоҳида драматик асар ёздилар. Ойбек романи халқимиз кўз ўнгида нафақат Навоийнинг жонли сиймосини гавдалантирди, шунингдек, Навоий яшаган тарихий давр, одамлар ҳаёти, феъл-атвори, ўзаро муносабатлари, давр дунёқараши, сиёсати, урф-одатлари, муҳити, маънавияти ҳақида ҳам аниқ тасаввур ва билимлар берди. Навоийни бутун халқ таниди, ўзининг яқин ҳамсуҳбатига, маслакдошига, ўқитувчи-устозига, нажоти ва идеалига айлантди. Бугун умумтаълим мактабларида, Навоий ижодидан ўқитиладиган намуналар, унинг биографиясини ўрганиш халқимиз маънавиятини шакллантиришнинг энг муҳим воситаларидан бирига айланди. Бу жараён Ойбек романидан бошланган эди.

Юқорида келтирилган мисоллар эпик турга мансуб жанрларнинг шахс ва жамият маънавиятини шакллантиришдаги аҳамиятини кўрсатади. Табиийки, савол туғилади: воқеалар, одамлар ўртасидаги муносабатлар ривожини тасвирламайдиган лирик жанрларчи? Лирик жанрлар инсоннинг энг нозик, энг яширин, энг қудратли қалб изтироблари ва парвозларини, нафрати ва муҳаббатини, фидойилиги ва қатъиятини ифодалайди. Ўқувчи қалбини ўйғотади, ларзага солади, завқ-шавққа кўмади, нозиклаштиради. Унинг дунёқарашига инсонийлик мазмунини бағишлайди. Халқимизнинг ўзлигини англашида, ғурурини шакллантиришида XX асрнинг 20–30-йилларида жадид шоирларининг, айниқса, Чўлпон ва Усмон Носир шеърларининг аҳамияти жуда беқиёс бўлди.

*«Кишан кийма, бўйин эгма,  
Ки сен ҳам ҳур туғулгансен».* –

*«Кулган бошқалардир, йиғлаган менман...» –*

каби Чўлпоннинг оташин сатрлари халқимиз ўзлигини англашда, истиқлолга талпинишида бирор романдан кам таъсир қилмаган. XX аср 60-йиллар иккинчи ярми – 70–80-йиллар давомида Чўлпон ва Усмон Носир каби халққа миллий ўзлигини англашда Абдулла Орипов ижоди асосий адабий омилга айланди. Абдулла Орипов-

нинг «Ўзбекистон» қасидаси, «Сароб» достони, «Тилла баликча», «Ўзбекистонда куз», «Она тилимга», «Темир одам» шеърларидан кейин унинг тенгдошлари ва янги авлод шоирларининг ватанпарварлик руҳидаги шеърлари, хусусан, Эркин Воҳидовнинг «Ўзбегим» қасидаси пайдо бўлди. Янги авлод – Усмон Азим, Муҳаммад Юсуф, Шавкат Раҳмон ватанпарварлик руҳидаги исёнкор шеърлар бита бошлади. А. Орипов ижоди ватанпарвар шоирларнинг янги авлоди етишиб чиқиши учун адабий-ғоявий замин бўлди. Ўзбек халқи миллий онгининг ўсиши, миллий ғурурининг кучайиши, мустақиллик ғоясининг халқ онгида тобора чуқур ўрнашишида ўзбек шеърятининг ҳиссаси жуда салмоқлидир.

Ижодкор эътиқоди, маънавияти, энг аввало, оламни қандай ҳис этишида, фаҳмлашида, идрокда акс этади. Кейин у кўрган, эшитган воқеаларини, ҳодисаларини ўз фалсафий, ахлоқий, эстетик, диний, сиёсий, ҳуқуқий, табиий-илмий қарашларидан келиб чиқиб фикран таҳлил қилади ва уларга баҳо беради. Кўрган, гувоҳ бўлган, эшитган воқеа ва ҳодисалар унинг қалбида, онгу шуурда акс садо беради, бу садо бадиий асарга айланади.

Асарнинг мавзусини, материалларини танлашда, уни яратиш жараёнида қайта-қайта ишлаш, ниманидир қўшиш, ниманидир қисқартириш, образлар, сўзлар, ўхшатишлар, метофоралар устида, сўзнинг таъсирчанлиги ва ўқувчига ҳолатни, детални аниқ тасаввур эттира олиши устида ишлашдаёқ ижодкорнинг ғоявий-бадиий позицияси, маънавияти акс этади. Мауллифнинг онгли равишда муайян ғояни олға суриши, унинг воқеа ва ҳодисаларни, ўз қаҳрамонлари ва персонажларини баҳолаши, унинг ижтимоий позициясини, эътиқодини, қадриятлар тизimini кўрсатади. Муаллиф истайдими-йўқми асарида ўз ички дунёсини, маънавиятини, инсоний қиёфасини билвосита ифодалайди. Кўпинча асар муаллиф номидан, у гувоҳ бўлган, кузатиб турган воқеалар, инсоний муносабатлар тизими сифатида баён этилади. Баъзан бошқа иштирокчи тилидан ёки номаълум шахс номидан баён этилади. Воқеа, ҳолат «баёнчиси» шахси ва муаллиф шахси бир эмас, албатта. Баён кимнинг номидан бўлиши бу

– бадий услуб, холос. Аммо асар ғоялари ва баҳоларида, шубҳасиз, муаллиф қарашлари яширин.

Муаллиф инсонпарвар, халқпарвар, ватанпарвар шахс бўлса, асарда инсонпарварлик, халқпарварлик, ватанпарварлик мотивлари ҳам кучли бўлади. Муаллиф қарашлари зиддиятли, унинг баъзи бир ғоявий-эътиқодий кадриятлари қусурдан холи бўлмаса, асар бу борада зиддиятли, қусурли бўлади. Асар муаллифи зўравон сиёсий режимга садоқатли бўлса, у қанчалик истеъдодли ҳисобланмасин, инсонпарварликка тўлиқ жавоб берадиган асар ёза олмайди. Ўртамиёна истеъдодлар тузум маддоҳига айланади. Муаллиф зўравонликка ёки изтироб чекишга шахсан мойил бўлса, асарда мазкур мойилликлар акс этади. Бежиз Карл Юнг онг ости ҳодисаларини, онгсизликни фандан аввал адабиёт кашф этганини айтмаган. Ҳақиқатан, психатрия ва психологияда садизм (бировларга азоб бериш орқали роҳатланиш), мазохизм (бошқа киши унга берадиган азоб-қийноқлардан лаззат ҳиссини туйиш) атамалари ушбу ҳодисаларни ўз асарларида ёзиб қолдирган муаллифлар – Маркиз де’Сад ва Зо-хер Мазох номидан олган. Бадий асарда объективлик ва субъективлик чамбарчас, узвий бирликни ташкил этишни қайд қилиб, субъективликнинг бир сабаби – муаллиф онги, шуурининг, маънавиятининг асарда акс этишидир.

Адабиёт санъатнинг синтетик, кўптартибли турлари учун бадий асос вазифасини ўтайди. Театр спектакли (телевидение ва радиоспектакллар), кинофильмлар, телефильмлар асосида, оммавий байрам томошалари ва тадбирлар асосида адабий сценарий ётади. Театр хусусиятларига кўра, адабий асар драматик пьеса, ашула ва рақслар билан аралаш пьеса, опера либреттоси, хореографик либретто (балет спектакллари учун) бўлиши мумкин. Айрим ҳолларда баъзи романлар, қиссалар, ҳикоялар сахналаштирилади. Бунда уларни сахна тилига кўчириш учун махсус сценарийлар ёзилади. Театрга нисбатан мазкур усулга кўпроқ кино санъати мурожаат этади. Театрнинг йирик адабий асарларни спектаклларга айлантириш имкониятлари кино санъати ва телефильмларга нисбатан анча чекланган. Кино ва телефильмлар кўпсерияли бўли-



ши мумкин. Улар вақт, замон, макон борасида, воқеаларни тасвирлашда чегара билмайди.

Театр, опера, балет, кино, телефильм – мустақил санъат турларидир. Уларга бадиий адабиётнинг фақат кўргазмали томошаси сифатида қараш ярашмайди. Уларнинг асарлари алоҳида бадиий қимматга эга. Санъатнинг бу турлари адабий асарнинг кўзгудаги акси эмас. Ҳатто адабий асар экранлаштирилганда ҳам амалда у асарнинг аниқ нусхаси бўлмайди. Балки асарнинг янги санъат қонунлари, воситалари бўйича қайта яратилган вариантдир. У аслида оргиналдан анча фарқ қилиши мумкин. Қайта саҳналаштирилган, экранлаштирилган мумтоз асарлар баъзан муаллиф матнидан, мумтоз анъанавий талқинларидан анча узоқлашиб кетиш ҳоллари учрайди.

Пьеса, либретто, сценарий улар учун бадиий материалдир. Лекин уни қандай талқин қилиш, қўшимча қандай бадиий ғоялар билан бойитиш, мазмунини замонавийлаштириш, бугунги кун одамлари қизиқишлари билан боғлаш, актёрлар ижросининг қандай воситаларидан фойдаланиш, қай даражада бадиийликнинг, ижронинг юксак чўққиларига кўтариш, энг аввало, режиссёрга, кейин актёрларга, рассомга, безакчига, костюмерга ва бошқа ижодий ходимлар истеъдодига боғлиқ. Шу боис, биз бир драманинг турли режиссёрлар, театрлар томонидан саҳналаштирилган асарларини қайта-қайта кўраверамиз. Чунки ҳар сафар умумий адабий материал асосида яратилган янги театр асарига дуч келамиз. Режиссёр талқинидан, ижодий маҳоратидан ташқари томошабинни актёрлар талқини, ижроси қизиқтиради. Ҳатто бир режиссёр саҳналаштирган спектаклдаги бир ролни икки буюк актёр фақат ўзларига хос жозиба ва маҳорат билан ижро этади.

Театр санъати вужудга келишининг негизида қадимда икки омил турган. Биринчиси – мифология. Иккинчиси – сиғиниш маросимлари. Мифология театр санъатига «адабий материал» берган. Бугун ушбу вазифани адабиёт бажармоқда. Сиғиниш маросимлари бу – шунчаки тақводорлик ёки оддий кўнгилочар ўйин эмас. Улар, бир томондан, ҳақиқатан жамоавий ижодий ўйин, иккинчи томондан, бу ўйин одамларни илоҳий кучлар билан

боғлаган, одамга рухий мадад берган, ғайритабийй ёвуз кучлар қаршисидаги ожизлигидан, кўркувдан халос этган. Чунки одамлар сиғинаётгани, диний маросим туфайли илохий кучлар уларни ҳимоя қилади деб ишонганлар. Сиғиниш маросими қаторида адабиёт (фольклор) ҳам ибтидоий одамнинг (нафақат ибтидоий одамнинг) ёвуз кучлар олдидаги кўркувини енгишга қисман хизмат қилган. Шу сабабдан халқ оғзаки ижодида, айниқса, эртақларда девларга, жинларга, алвастиларга, ялмоғизларга, баднийт афсунгарларга, ёвуз сеҳргарларга қарши қаҳрамонларнинг кураши кўп тасвирланади. Фольклор одамларни, айниқса, ёш болаларни ҳаёт қийинчиликларига, содир бўлиши эҳтимолдан холи бўлмаган ҳар хил экстремал ҳолатларга руҳан тайёрлаб борган, иродасини тарбиялаган. Театр санъатида маросим, жамоавий ўйин, адабиёт, индивидуал ўйин, таклид, ижро бирлашиб, қўшилиб, янги санъат тури пайдо бўлган. Асотир сиғиниш, адабиёт бадний материал берувчи таъминотчига айланди.

Театр санъати вужудга келгандан кейин адабиётнинг янги тури – драматургия пайдо бўлди. Дастлаб драмалар (трагедиялар ва комедиялар) қадимги диний ва маиший мазмундаги асотирларни (мифларни) қайта ишлаш, уларга замонасига мос қўшимча ғоявий мазмун бағишлаш йўсинида яратилди. Кейинчалик драмалар мифологик мавзулардан ташқари ҳаётий мавзуларни ҳам қаламга олди. Қадимги антик даврнинг буюк драматурглари Эсхил, Софокл, Еврипид, Аристофан асарлари бунга мисол бўла олади. Театр маънавий тарбиянинг муҳим воситасига айланди. У одамлар онгига диний ва дунёвий қадриятларни сингдириш, уларга риоя этмаслик қандай фожеаларга олиб келиши мумкинлигини (трагедиялар), ёки инсонни қандай шарманда-ю, шармсор қилиши, кулгили аҳволга тушириши мумкинлигини (комедиялар) жонли «кўргазмали» образлар ёрдамида намоиш қилди. Театрлар аста-секин ихтисослаша бошлади. Мумтоз трагедиялар, драмалар ва комедияларни намоиш қиладиган театрлардан ташқари бугун алоҳида ёш томошабинлар театри, сатира театри, кўғирчоқ театри, миниатюралар театри, опера ва балет театри, оперетта театри, мусикали драма ва комедия

театри, мимлар театри кабилар фаолият юритади. Театр ибрат мактабига айланди. «Театр – ибрат мактабидир», деган қанотли ибора, ҳикмат ўзбек драматургияси ва театрининг асосчиси Махмудхўжа Бехбудийга тегишлидир. Ўзбек театри қадимги антик даврда ривожланган. Юнон-Бақтрия давлатида Эврипид театри бўлган. Тилимиздаги «масхарабоз» сўзи юнонча «маскарас» (ниқоб кийган) сўзидан олинган. Кейин ислом таъсирида профессионал театр йўқолиб кетган. Аммо халқ театри – дорбозлар, масхарабозлар, миниатюрачилар театри сақланиб қолган.

Таъкидлаш жоизки, адабиёт қаторида мусиқа ҳам опера, оперетта, балет, мусиқали драма ва комедия театрларида «бадий материал» вазифасини ўтайди. Опера, оперетта ва балетда ҳатто мусиқа адабий материалга нисбатан етакчилик қилса-да, улар асарлари барибир «адабий материал» – либреттосиз вужудга келмайди.

Адабий ва мусиқавий материаллар бирикувидан санъатнинг яна бир тури шаклланади. Бу қўшиқ, ашуладир. Қўшиқ ҳам санъатнинг мустақил тури. Унда қўшиқ матни – шеърдан ва мусиқадан (куйдан) ташқари ижрочининг овози, маҳорати асосий роль ўйнайди. Шу сабабдан, биз бир ашулани ҳар хил ҳофизлар ижросида тинглаймиз, уларни ўзаро таққослаймиз. Овоз ва ижро маҳорати ашуланинг жозибadorлигини белгилайди. Чунки ашула биринчи галда овоз ёрдамида ижро этиладиган санъатдир, шеър ёки мусиқа эмас. Шеърий мазмуни унчалик чуқур, ҳатто анча саёз бўлган, аммо зўр маҳорат билан ижро этилган баъзи бир ашулаларнинг одамлар ўртасида машҳурлиги ҳам шундан. Айтилганлар мусиқавий матни саёз, аммо машҳур замонавий хитларга тааллуқли. Бу ашулада адабий ва мусиқавий материал эмас, ижро маҳорати етакчилигига яна бир мисолдир. Албатта, саёз ашулалар кўпайиши ва машҳур бўлиши одамларнинг дидига, маданий савиясига ҳам боғлиқ. Бироқ поп-арт, рок, рэп ва умуман ҳар хил жанрларга мансуб мазмунан саёз ашулалар, жумладан, анъанавий жанрлардаги саёз ашулалар кўпайиши ашуланинг адабиёт ва мусиқадан мустақил санъат эканлигини, фақат улардан ўз хусусияти ва зарура-тидан келиб чиқиб фойдаланишидан далолатдир.

Шундай қилиб, адабиёт жамиятнинг маънавий ҳаётида, инсон онги, тафаккури, ижодий фантазияси, ахлоқий ва эстетик қарашлари, умуман, маънавияти шаклланишида етачи ролардан бирини ўйнайди. Адабиёт ҳам тасвирлаш ва ифодалаш қувватига эга бўлганлиги сабабли санъатнинг бошқа турлари орасида етакчилик қилади. Бундан ташқари, адабиёт энг демократик санъат туридир. Мусикани, замонавий тасвирий санъатни, опера ва балетни тушуниш учун одам маълум даражада санъатнинг ушбу турларига хос шартлиликдан, образлар яратиш услубидан, бадиий воситалар тизимидан хабардор бўлиши лозим. Адабиёт бу борада инсондан минимал билимларни талаб қилади. Асарни ўқиш давомида инсон унда тасвирланган воқеаларни, манзараларни, одамларни, уларнинг ҳолатини ҳаёлан кўз олдига келтиради, тасаввур эта бошлайди. Бу унинг фантазиясини ривожлантиради. Экранда кўрсатилган, сахналаштирилган асардаги воқеалар, образлар эса режиссёр, актёр, рассом, костюмерлар, гримёрлар томонидан яратилган тайёр ҳолда намён бўлади. Шу сабаб томошабиннинг диққатини жалб қилади-ю, фантазиясини, ҳаёлотини унча ривожлантирмайди. Лекин кино ва театр санъати томошабинга аниқроқ «билим» беради, айниқса, фильм томошабинга мутлақо нотаниш табиий муҳит, халқ, давр воқеалари, одамлари, уларнинг ҳаёти, турмуш кечириш тарзи ва бошқа ноёб хусусиятлари тўғрисида бўлса. Баъзан театр санъатида шартлилик шунчалик кучлики, томошабин образни яртаётган актёрнинг ташқи қиёфасини реал образга мослигини унутиши керак. Масалан, Шекспирнинг «Ромео ва Жульетта» асари негизида опера спектакли ҳам, балет спектакли ҳам яратилган. Опера спектакллари баъзан 40 ёшдан кам бўлмаган артистлар ижро этади. Шекспирда эса Ромео ва Жульетта 14–15 яшар ёшлардир. 14–15 ёшда етук опера артистлари етишиб чиқмайди. Балетни ҳам асардагига нисбатан ёши бир мунча катта артистлар ижро этади. Операда биринчи навбатда артистнинг овози, хонандалик маҳорати муҳим. Балетда, табиийки, раққослик маҳорати. Опера ва балет ихлосмандлари артистларнинг ташқи қиёфасидан эмас, балки овози, пластикаси ва ижро маҳоратидан завқ олади.

Адабиётнинг ҳар қандай ғояни чуқур бадиий таҳлил эта олиш, ривожлантириш, бадиий аниқ воситалар, воқеалар, инсоний туйғулар, кечинмалар, ҳаётий зиддиятлар, конфликтлар орқали кўрсата олиш орқали ўқувчи онгини, маънавиятини тарбиялаш имкониятлари санъатнинг бошқа турларидан устундир. Шу сабабдан у санъатнинг бошқа турлари учун нафақат бевосита (театр, кино каби), шунингдек, билвосита ҳам бадиий-ғоявий асос бўла олади, жамиятнинг маънавий ҳаётида етакчилик қилади. Бу адабиётнинг эстетик эҳтиёжларни қондириш, инсон руҳий кечинмалари, ички дунёси, ижтимоий муносабатлари ҳақида билим бериши қаторида унинг тарбиявий вазифаси билан ҳам боғлиқ. Бежиз бизда «адабиёт» тушучасининг ўзаги «адаб» сўзидан олинмаган.

## 16. МАЪНАВИЯТ ВА СИЁСАТ

Сиёсий маданият юксалиши Ўзбекистонда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим шартлари сирасига киради. Шу сабабдан маънавий тарбия тизимида сиёсий тарбияга жуда катта эътибор қаратилмоқда. Сиёсат ва ҳуқуқнинг ҳозирги даврдаги аҳамияти ортиб бормоқда, чунки у бевосита инсон ва жамият тараққиётига бошқа институтларга нисбатан кучлироқ таъсир кўрсатади.

Таъкидлаш лозимки, сиёсат ва ҳуқуқ бир вақтда, бир-бирини такозо этиб, бир-бирига таяниб вужудга келган. Сиёсат ва ҳуқуқ негизида давлатнинг пайдо бўлиши ётади. Ҳуқуққа оид масалаларни навбатдаги мавзуда алоҳида кўриб чиқамиз. Бугунги мавзумиз маънавият ва сиёсат масалаларига бағишланади. *Давлат жамиятнинг сиёсий ташкилотидир. Давлатнинг ҳар қандай фаолияти сиёсат дейилади.* Масалан, давлатнинг иқтисодий соҳасидаги ташкилотчилик, муносабатларни тартибга солиш, мулк шаклларини муҳофаза қилиш, молия, солиқ, бюджет соҳаларида олиб бораётган тизимли ишлари иқтисодий сиёсат деб аталади. Ўз навбатида иқтисодий сиёсатнинг турли йўналишлари, нисбатан йирик тармоқлардаги тизимли ишлар ҳам сиёсат деб аталиши мумкин: аграр сиёсат, молия-кредит сиёсати, солиқ-бюджет сиёсати ва ш.к.

Давлатнинг иқтисодий сиёсатдан ташқари, жамият-ни идора қилиш, ижтимоий таъминот, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият соҳаларидаги, атроф муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш, ўз тузилмаларини демократлаштириш ва такомиллаштириш, давлат қурилиши ва ш.к. кўплаб фаолият йўналишлари мавжуд. Уларнинг барчаси давлат сиёсатининг тегишли шакллари дир.

Давлат ҳокимияти тепасига келиш учун турли парти-ялар, гуруҳлар ўртасидаги ўзаро кураш ҳам сиёсий маз-мунга эга. Фуқароларнинг давлат ҳокимиятига муноса-бати, сайловларда иштирок этиши, давлат идораларига турли таклифлар киритиши уларнинг давлат сиёсатида, бошқарувида қатнашаётганига мисолдир. Демак, сиёсат бу аввало, давлат ҳокимияти фаолияти ва ҳокимият учун кураш, сайловлар орқали давлат ҳокимиятини шакллан-тиришга, давлат бошқарувига жамоатчилик назорати орқали фуқаролар, аҳоли таъсиридир.

Маънавият ва сиёсат ўртасидаги алоқадорликни ил-мий тадқиқ этишнинг ўзига хос жиҳатлари бор. Биринчи-дан, давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, мафкуравий сиёсати маънавиятга, унинг ривожланишига қандай шарт-шароитлар яратмоқда ва яратиши лозим? Халқ таъ-лимига, соғлиқни сақлашга, илм-фанга, маданиятга дав-лат бюджетидан қанча ва қандай принциплар асосида маблағ ажратилмоқда? Маънавият соҳасини ривожлан-тиришга «қолдиқ» принципидан, яъни бошқа соҳалардан ортган маблағни йўналтириш принципидан келиб чиқиб ёндашилмоқдами ёки маънавият соҳаси устувор соҳалардан ҳисобланиб, етарлича маблағлаштириладими? Ушбу масалалар атрофлича ва холис таҳлил этилиши, бу борадаги мамлакат миқёсида ва ҳар бир ҳудудда эришил-ган ютуқлар, мавжуд камчиликлар аниқланиши лозим. Шунда маънавиятнинг моддий-иқтисодий ва ҳуқуқий иж-тимоий асосларини янада мустаҳкамлаш, бу борада аниқ ва самарали сиёсат олиб бориш имконияти кучаяди.

Иккинчидан, давлат сиёсати қай даражада маънави-ятнинг эркин ривожланиши учун мафкуравий ва ҳуқуқий шарт-шароит яратган? Фикрлар ва қарашлар хилма-хил-лиги, сўз ва эътиқод, ижод эркинлиги таъминланиши, ҳеч

бир мафкурунинг давлат мафкураси сифатида ўрнатилмаслиги маънавият ривожланишининг муҳим омилларидир. Совет даврида маънавиятга синфийлик ва партиявийлик позицияларидан ёндашиллар эди. Коммунистик мафкура давлат мақомини олган, кўппартиявийлик, фикрлар ва қарашлар ранг-баранглиги, сўз, эътикод эркинлиги тақиқланган эди. Бошқача фикрлайдиган кишилар сиёсий репрессияга (қатағонга) маҳкум этилди. Нима, Мунаввар қори, Фитрат, Чўлпон, Қодирий ва қатағон қилинган бошқа ўзбек зиёлилари ўғри, қароқчи, сиёсий қўпоровчи ёки террорист бўлганми? Йўқ, улар бошқача фикрлаганлар, эркин ижод қилишни истаганлар, холос. Улар ўз халқларининг эркин, мустақил яшашларини, тилини, маданиятини, урф-одатларини, имон-эътиқодини унутмаган ҳолда жаҳон илм-фани ва маданиятини эгаллашни истар эдилар. Улар коммунистик мафкурунинг партиявийлик, синфийлик, жанговор атеизм, ўтмиш маданий меросига беписанд қарашини, адабиёт ва санъатни социалистик реализм қолипига тикишини, ижод эркинлиги инкор қилинишини ҳазм этмадилар. Шу сабабдан улар «халқ душманлари» деган тавқи лаънат билан қатағонга учрадилар.

Маънавият эркин ривожланиши борасидаги давлат сиёсатини илмий ўрганиш, уни муттасил такомиллаштириш йўллари, усуллари аниқлаш, жойлардаги камчиликларни бартараф этишнинг аҳамияти улкандир. Дарвоқе, методология нафақат илмий тадқиқотлар тўғрилиги ва самарадорлигини, шунингдек, давлат сиёсати, бошқарув амалиёти, жойларда давлат сиёсати, қонун ва қарорлари бажарилишининг тўғрилиги ва самарадорлигини ҳам ўрганади.

Учинчидан, сиёсат ва маънавият алоқаларига тегишли яна бир йўналиш бу маънавият соҳасига: халқ таълими, илм-фан, адабиёт, санъат, маданият соҳаларига хизмат қиладиган кадрларни тайёрлашда давлат томонидан амалга оширилаётган ишлар, уларнинг самарадорлиги ва муаммоларидир. Дин масалалари бўйича кадрлар тайёрлашга давлат аралашмайди. Аммо диний масалалар, жумладан, диний мутахассислар тайёрланиши бўйича ҳам давлат сиёсат юритади. Бу масалаларни у қонун асосида тартиб-

га солади, аммо, яна бир бор таъкидлаймиз, диний ташкилот ва диний ўқув юртлари ички ишига аралашмайди.

Маънавият ва сиёсат соҳалари ўртасидаги алоқадорликни атрофлича холис ўрганиш, ҳар соҳанинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиш, маънавиятни сиёсатнинг чўрисига, маддоҳига айлантириб қўймасдан, эркин ривожлантиришни ўрганиш улкан илмий-методологик ва амалий аҳамият касб этади. Ўзбекистонда айнан маънавият эркин ривожланиши давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

Давлат ҳокимиятининг манбаи нимада? Қадимги антик даврда илк бор буюк файласуф Демокрит ҳокимиятнинг манбаи – *patio* (нацио), яъни миллат (халқ) деган фикрни олға сурган. Қадимги юнон шаҳар-давлатлари аксариятида ҳокимият ушбу тамойил негизида ташкил этилган. Кейинчалик давлат ҳокимиятининг манбаи – бу Яратган эгам, Худо билан боғланган. Худонинг хоҳиш-иродасига кўра, гўёки, унинг номидан бошқариш учун подшоҳлар, шоҳлар, султонлар, қироллар ва ҳ.к. танланган. Бинобарин, подшоҳ ҳокимияти, моҳиятига кўра, илоҳий ҳисобланган. Ҳеч ким подшоҳдан, агар ўзи подшоҳ ёки шаҳзода бўлмаса, тахтни тортиб олишга, ўзини подшоҳ, деб эълон қилишга жазм қилолмаган. Шу сабабдан Амир Темур ва темурийзодалар ўзига хон ёки султон дея хутба ўқитмаган. Бобур подшоҳ сифатида хутба ўқитганда, у ўзини темурий эмас, она томонидан чингизий сифатида бунга ҳақли ҳисоблаган. Шу сабабдан Бобур тузган давлатга европаликлар «Буюк Мўғуллар империяси» деган ном берган. Акс ҳолда Бобур ва унинг авлодлари унвони (ҳокимияти) қонунийлигини (легитимлигини) тан олишнинг иложи бўлмасди.

Демократик жамиятда давлат ҳокимиятининг манбаи шу давлатда яшовчи халқ, балоғатга етган, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга, ақлан соғлом фуқаролар ҳисобланади. Юқорида айтилганидек, қадимги юнонларда, хусусан, Афинада эркин эркак фуқаролар давлат ҳокимияти манбаи ҳисобланган. Энг муҳим қарорлар ва қонунлар бевосита уларнинг тўғридан-тўғри, ёпиқ-яширин овоз бериши ёрдамида қабул қилинган. Бунинг учун ҳар бир кишига оқ ва қора тошчалар тарқатилган. Улар тошчалар-



дан бирини хумга ташлаган. Кейин ҳамманинг кўз ўнгида хум ағдарилиб, оқ ва қора тошчалар саналган. Оқ тошчалар кўп бўлса, қарор лойиҳаси қабул қилинган.

Бошқа даврларда, ҳатто ўрта асрларда, фуқаролар давлатни идора этишда бевосита қатнашмаса-да, давлат ҳокимияти халқ фикрлари ва кайфияти билан қай даражададир ҳисоблашишга мажбур бўлган. Халқнинг давлат сиёсатидан норозилиги баъзан кўзғалон ва ғалаёнларга, баъзан ҳукмрон сулола ўзгаришига олиб келган. Жамият ривожланган, демократик тамойиллар мустақкамлангани сайин халқнинг жамиятга таъсир кўрсатиш имкониятлари ортиб бораверган. Шу сабабдан ҳар бир давлат ўз фуқароларининг сиёсий тарбиясига эътибор қаратади. Ватанига содиқ, давлат сиёсатини қўллаб-қувватловчи, қонунларга риоя этувчи фуқароларни тарбиялашга интилади. Сиёсат тузилмаси (структураси) куйидагилардан ташкил топади:

1. Ҳокимиятнинг вертикал ва горизонтал тузилмалари ўртасидаги муносабатлардан. Ҳокимиятнинг вертикал тузилмалари Ўзбекистонда уч поғонадан иборат. Биринчи поғонани маҳаллий ҳокимият идоралари – халқ депутатлари шаҳар, туман кенгашлари – вакиллик ҳокимияти; шаҳар, туман ҳокимлари ва уларнинг аппарати, шаҳар, туман давлат идоралари – ижроия ҳокимият; шаҳар туман давлат жиноий, хўжалик, фуқаролик судлари – суд ҳокимияти ташкил этади. Иккинчи поғонини тегишли тартибда вилоят бўғини, учинчи, юқори поғонани республика бўғини ташкил қилади. Республика бўғини тузилмаси маҳаллий ҳокимият тузилмасидан фарқ қилади. Давлат бошлиғи – Президент. Вакиллик ҳокимияти – Олий Мажлис икки палата – Сенат ва Қонунчилик палатасидан иборат. Суд ҳокимияти Конституциявий Судга, Олий Судга, Олий хўжалик судига бўлинади.

Давлат ҳокимиятининг горизонтал тузилмалари ҳар бир поғона ичидаги идоралардир. Улар ҳам қонун доирасида ҳокимга, судга ҳамда ўзларининг юқори бўғин ташкилотларига бўйсунди. Ҳокимиятнинг ҳар уч тармоғи (вакиллик, ижроия ва суд ҳокимиятлари) бир-биридан мустақил. Уларнинг ўзаро муносабатлари Конституция ва қонунлар орқали тартибга солинади.

2. Сиёсий институтлар: бунда биринчи галда давлат институти ва унинг тузилмалари назарда тутилади. Биз юқорида айтган давлат институларидан ташқари яна армияни, прокуратурани, яраштирув судларини, сиёсий партияларни, давлатга ва сиёсий партияларга тегишли ОАВларини, доимий характердаги марказий сайлов комиссиясини ва сайловлар пайтида тузиладиган муваққат сайлов комиссияларини алоҳида ажратиб кўрсатиш лозим.

3. Сиёсий маданият ҳақида батафсил мулоҳаза юритиш мақсадга мувофиқ. Зеро, у маънавий маданиятнинг таркибий қисмидир.

*Сиёсий тарбия маънавий тарбиянинг муҳим йўналиши ва шакли ўлароқ инсон омилини ривожлантиришга, инсоннинг эркинлик даражасини, яратувчилик, ижодкорлик имкониятларини юзага чиқаришга қаратилган. Сиёсий маданият қанча юқори бўлса, жамият шунча самарали ривожланади, ижтимоий-маънавий муҳит яхши, сиёсий барқарорлик мустаҳкам, инсон шунча эркин бўлади.*

Сиёсий маданият, биринчидан, инсон ва жамиятнинг тегишли онгини, тафаккурини билдиради. У социумнинг сиёсий туйғуларини, масалан, адолат туйғусини, жамиятдаги аҳволга, давлат идораларига хайрихоҳлигини ёки норозилигини, улар фаолиятини маъқуллаш ёки инкор этиш туйғуларини ҳамда турли сиёсий тушунчаларни, гояларни, баҳоларни, меъёрларни, назарияларни, таълимотларни, идеалларни ўз ичига олади. Иккинчидан, сиёсий ва ҳуқуқий анъаналар, сиёсий маданий меросни, давлат ва жамият қурилиши, давлатни идора қилиш шакллари (монархия, республика, диктатура, демократия, парламентар бошқарув) ҳамда ҳуқуқий давлат ва ҳ.к. тўғрисидаги ўтмиш ва ҳозирги замон файласуфлари, социологлари, ҳуқуқшунослари, сиёсатшунослари ёзган асарларни, сиёсий таълим тизимидаги тегишли адабиётларни, хужжатларни бирлаштиради.

Учинчидан, сиёсий амалиётни – одамларнинг, корхона ва муассасаларининг давлат идоралари билан ўзаро муносабатларини, фуқароларнинг давлат ҳокимияти тармоқларини шакллантиришга ва такомиллаштиришга муносабатини, қонунга риоя қилиш, қонун чиқариш ва ҳаётга жорий этишда қатнашиш амалиётини ифода эта-

ди. Кейинги ҳолатда сиёсий ва ҳуқуқий маданият бирлашиб кетади.

Сиёсий маданият индивидуал, жамоавий (корпоратив, касбий, табақавий, гуруҳий) ва миллий даражаларда намоён бўлади. Ҳар бир фуқаро ўз туйғуларига, тасаввурларига, қарашларига эга. Улар инсоннинг ёшлиқдан олган тарбиясига, билимларига, эътиқодига боғлиқ. Инсоннинг феъл-атвори, характери, табиий мойилликлари унинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятига муайян даражада таъсир кўрсатиши мумкин. Лекин улар ҳал қилувчи аҳамиятга эга эмас. Жамиятнинг тараққиёт кўрсаткичлари, эркинлик ва инсонпарварлик тамойилларининг одамлар онгига ва ижтимоий муносабатларга таъсири даражаси сиёсий маданиятга ҳал қилувчи таъсир кўрсатади.

Айрим кишилар қизиққон, ҳовлиқма, жаҳли тез, мулоҳаза юритиб ўтирмасдан бирор иш қилиб қўйишга мойил бўлади. Бундай хулқ-атвор хатоларга олиб келиши ҳеч гап эмас. Баъзи кишилар зиммасига масъулият олишдан, мустақил фикр юритишдан чўчийди. Уларга йўл бошловчи, етакчи керак. Улар жон-жон деб етакчининг ортидан эргашади, айтганини қилади. Чунки бу уларни қилган ишлари учун гўёки масъулиятдан озод қилади. Бирор ишқал чиқиб қолса, «биз фалончининг айтганини қилган эдик. У бизга нотўғри йўл кўрсатибди», дея ўзини оқлашга имкон қолдиради. Агар етакчи сиёсий авантюрист, қаллоб, гараз ниятли шахс бўлиб чиқса, масъулиятдан чўчидиган кишилар унинг қўлидаги қуролга айланиб қолади.

Ижтимоий-сиёсий фаоллик масаласи ҳозирги замон жамиятининг энг мураккаб, зиддиятли ва, айтиш мумкинки, бошоғриқ масалаларидан биридир. Баъзи бир ривожланаётган мамлакатларда фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги гуруҳбозликка, сиёсий курашда ҳатто экстремистик усулларни қўллашга, бир мамлакатнинг турли вилоятлари, ҳудудлари ўртасидаги келишмовчиликларга, низоларга, тўқнашувларга сабаб бўлмоқда. Осиё, Африка, Лотин Америкасининг қатор давлатларида шундай манзара анчадан буён кузатилмоқда. Бундай муаммолардан Европанинг айрим давлатлари ҳам холи эмас. Шимолий Ирландия, Испания давлатларидаги этник

сепаратизм (айирмачилик) билан боғлиқ экстремизм ва терроризмни, Украинадаги қонли воқеаларни, Европанинг қатор давлатларида неофашистик ва ўнг радикал кучларнинг сиёсий фаоллашганини, Канада ва Шотландияда сепаратистик кайфиятлар кучаяётганини эслаш жоиз. Яқин Шарқ, Шимолий ва умуман Африка қитъаси, Афғонистон ва Покистон қаби ислом мамлакатларида, Жанубий Африка ва Жануби-Шарқий Осиёнинг айрим давлатларида ҳокимият учун курашда қонуний демократик усуллар қаторида экстремистик ва террористик усуллар қўлланилмоқда.

Ривожланган ғарб мамлакатларида эса аҳолининг сиёсий фаоллиги пасаймоқда. Бунини фуқароларнинг сайловларда қатнашиш ва овоз бериш динамикаси сусайиб бораётгани, аҳолида сайловларга бефарқлик кучаяётгани кўрсатмоқда. Айрим ғарб мамлакатларининг сайлов тўғрисидаги қонунларида электоратнинг 30–40 фоизи овоз беришда қатнашса, сайлов қонуний ҳисобланади. Бундай пассивликнинг сабаблари турлича бўлиши мумкин. Лекин асосий сабаб фуқароларининг сайловлардан ҳафсаласи пир бўлганида.

Сайлов тизими ўша мамлакатларда шундай ташкил этилганки, қайси партияга овоз берма, жамият ҳаётида жиддий ўзгаришлар юз бермайди. Сайловларда ғолиб бўладиган партияларнинг фақат тактик мақсадларида, баъзи бир дастурий интилишларидагина фарқ бор. Ҳокимият тепасига келган партия ўзига яқин корпорациялар ва иқтисодий гуруҳларга кўпроқ давлат буюртмасини беради, ўзидан аввалги ҳокимият хатолари ва камчиликларини тузатиш мақсадида айрим жузъий ислохотлар ўтказиши (агар бунга зарурат туғилса). Лекин умумий сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тизим ўзгармадан қолаверади. Шу сабабдан ғарб мамлакатларида сайловларда овоз беришда қатнашмаётган норози фуқаролар сони ортиб бораётир.

Ғарб мамлакатларида сиёсий фаоллик пасайишининг яна бир сабаби замонавий ахборот-коммуникация воситаларининг ва оммавий маданиятнинг таъсирида реал воқеликдан кўра кўпроқ ўзининг виртуал дунёсида яшайдиган ижтимоий бефарқ, лоқайд, конформист одамлар сони

кўпайиб кетаётганидир. Ривожланаётган мамлакатларда мавжуд сиёсий тизимдан норозилик сиёсий фаолликнинг гуруҳбозлик, маҳаллийчилик, экстремистик кўринишларини кучайтираётган бўлса, ривожланган ғарб мамлакатларида сиёсий фаолликни сусайтирмоқда, айрим давлатларда эса сепаратистик кайфиятни озиклантирмоқда.

Сиёсий маданият фақат шахсга тегишли ҳодиса эмас. У, шунингдек, оилага, хўжалик субъектига, жамоат, нодавлат нотижорат ташкилотларига, фуқароларнинг ўзининг ўзи бошқариш органлари ва давлат идоралари фаолиятига ҳам тегишлидир. Шу сабабдан уларга сиёсий (ва юридик) ҳақ-ҳуқуқларини зарур даражада билиб олишларида, юзага чиқаришларида, қонун доирасида фаолият юритишларида, давлат идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда қатнашишларида ёрдам бериш, савиясини ошириш сиёсий (ва ҳуқуқий) тарбия орқали амалга оширилади. Таъкидлаш лозимки, сиёсий ва ҳуқуқий маданият ўзаро жуда яқин, диалектик бирликни, кўп ҳолларда бу бирликдаги айниятни ташкил қилади (албатта, диалектик бирлик фақат айниятдан эмас, шунингдек, фарқ, зиддият ва карама-қаршиликлардан ҳам иборатлигини эсдан чиқармаслик керак). Шу сабабдан сиёсий ва ҳуқуқий маданият ҳақида уларни бир-биридан ажратмасдан мулоҳаза юритиш хато бўлмайди. Сиёсий ва ҳуқуқий маданияти юксак демократик мамлакатларда фуқаролар, хўжалик юритувчи жамоалар, ҳар хил ташкилотлар ўз муаммоларини, баҳс ва келишмовчиликларни ўзаро келишувлар ёрдамида ёки қонуний йўл билан, суд орқали ҳал қилади. Фуқаролар, хўжалик субъектлари, ташкилотларнинг сиёсий ва ҳуқуқий савияси унчалик ривожланмаган мамлакатларда фуқаролар кўпроқ давлатнинг турли идораларига шикоят қилишга, аризабозликка одатланади.

Сиёсий маданият тушунчаси юқорида айтилганлар билан чекланмайди. Парламент ва ҳукуматнинг, маҳаллий вакиллик ва ижроия органларининг ҳамда суд ҳокимияти барча бўғинларининг профессионаллик даражаси сиёсий маданиятнинг жуда муҳим кўринишлари сирасига киради. Фуқаролар нечоғлик билимли, қонунга итоатгўй, хўжалик субъектлари ва жамоат ташкилотлари қонун

доирасида фаолият юритмасин, давлат ҳокимиятининг турли бўғинлари замон талаблари даражасида жамиятни бошқаролмаса, қарама-қаршилиқлардан холи бўлмаган, бирёқлама қонунлар, қарорлар қабул қилинса, ёхуд яхши қонунлар ва қарорлар қабул қилинганда улар ижросини таъминлаш учун жойларда ташкилотчилик, ҳокимиятнинг юқори бўғинида сиёсий ирода етишмаса, жамият аста-секин зиддиятларга, қийинчиликларга кўмилиб бораверади, ижтимоий-сиёсий барқарорлик бузилиб, инкирозга юз тутади. Шу сабабдан барча бўғиндаги давлат органлари ва идораларининг профессионаллик даражаси жамият сиёсий маданиятининг муҳим кўрсаткичи ва шаклидир.

Сиёсий маданият гоёвий ва диний бағрикенгликда (гоёвий-сиёсий ва диний толерантликда), ўзгалар эркинлигини, ҳуқуқини, бошқа миллатлар, элатлар тилини, эътиқодини, маданиятини, урф-одатларини тан олиш сифатида ҳам юзага чиқади. Ўз ватанини, она тилини чин дилдан севган киши бошқа миллат вакили ҳам ўз ватанини, она тилини севишга ҳақли эканини тан олиши ва ҳурмат қилиши лозим. Толерантлик кенг мазмунда адолатнинг бир кўринишидир. Ҳақиқий демократик эркин тафаккур, юксак сиёсий маданият тоқатли, гоёлар, мафқуралар хилма-хиллигига хайрихоҳ бўлади. *Аҳолида, айниқса, ёш авлодда кенг мазмундаги толерантликни шакллантириш сиёсий тарбиянинг мақсад ва вазифалари қаторига киради.* Толерантлик бор жойда жамият барқарор юксалиши учун зарур маънавий муҳит вужудга келади.

Сиёсий маданиятни тарбиялашнинг вазифаларидан бири аҳоли онгидан *ҳокимиятни персонификациялашни сиқиб чиқаришдир.* Ҳокимиятни персонификациялаш тушунчаси мансабни ва мансабдорни бир-биридан ажратмаслик, мансабдор хоҳиш-истагини, шахсий фазилатлари ва иллатларини мансабнинг ажралмас қисми деб ҳисоблашдир. Ўтмиш жамиятларида кўпинча қонун мансабдорнинг қарори, хоҳиш-истаги сифатида тушунилган. Лавозим, мансаб, хизмат мажбурияти объективлаштирилмаган, яъни кимнингдир онгига, қарашларига, эътиқодига, истаклари ва шахсий манфаатларига боғлиқ эмас, балки ижтимоий заруратини, жамиятининг зарур

эхтиёжларини ифодалайди, эркинлик ва демократиядан келиб чиқади деган мазмунда тушунилмаган ва мансабдор иродасининг, ҳимматининг бир бўлагига айлантирилган. Шу сабабдан одамлар мансабдорнинг кўнглини топишга, уни ўзларига фойдали қарор қабул қилишга кўндиришга турли йўллар билан уринганлар, илтимослар қилганлар, ялиниб ёлворганлар, пора, совға-салом беришга уринганлар. Айниқса, ўтмишда бошқарув аппарати кучли ривожланмаган, ҳар бир амалдорнинг хизмат вазифалари, бурчи ва масъулияти турли йўриқнома ва низомларда аниқ ёзиб қўйилмаган қолок мамлакатларда ҳокимиятни персонификациялаш одатга айланган.

Ҳокимиятни персонификациялаш ижтимоий психология даражасида фуқароларда мансабдорга нисбатан но-мукамаллик туйғуси ҳамда мансабдорпарастлик ва оқибатда шахсга сиғиниш вужудга келишига сабаб бўлади. Ижтимоий идеология даражасида демократик институтлар такомиллашуви йўлида ғовга айланади, чунки танкидий руҳ сўнишига, одамларда сиёсий кўркув ва тақиқловчи ички психологик цензор пайдо бўлишига, танкидий фикр юритувчи кишиларга нисбатан бегонасираш, ишонмаслик шаклланишига олиб келади. Сиёсий маданиятни шакллантириш жараёнида аҳолига, айниқса, таълим олаётган ёшларга ҳокимиятни персонификация қилиш хато эканлигини тушунтириш лозим. Мансабдор шахс у ёки бу мазмундаги қарорни қабул қилишга, у ёки бу ишларни бажаришга мажбурлигини, буни унинг хизмат бурчи ва қонун талаб этишини одамлар билишлари керак.

Ҳуқуқий демократик давлатда амалдор, мансабдор наинки, «ўзим хон, кўланкам майдон» қабилида ўзбошимчалик қилолмайди, ҳатто хизмат бурчига совуққонлик билан қарай олмайди, акс ҳолда танқидга учрайди ёки лавозимидан ажралади. Ҳокимиятни одамлар онгида деперсонификациялаш фақат маънавий тарбияга, хусусан, сиёсий ва ҳуқуқий тарбиягагина боғлиқ эмас. Бунинг учун яна одамларнинг турмуш даражаси нисбатан юқори, фуқаролик жамияти институтлари анча ривожланган бўлиши лозим.

Жамиятда доимо очикчасига ёки пинҳона ҳокимият учун ҳар хил гуруҳлар, партиялар ўртасида кураш кетади.

Демократик давлатларда бундай кураш қонун доирасида, очикча олиб борилса, нодемократик ва тоталитар давлатларда, одатда, гуруҳбозлик, турли хил носоғлом, яширинча кечадиган курашлар, иғволар, фитналардан холи бўлмайди. Улар охир-окибат суиқасдлар, сарой тўнтаришлари, оммавий ғалаёнлар, кўзғалонлар, ҳарбий тўнтаришлар кўринишини олиши мумкин. Демократик давлатларда сиёсий партиялар ҳокимиятга сайловлар орқали интилади. Мамлакат парламентида бир неча партиялар номзодларидан депутатлар сайланади. Мутлақ кўпчилик депутат ўринларини эгаллаган партия ижроия ҳокимиятни фақат ўз тарафдорларидан шакллантириши мумкин. Сайловларда ютиб чиққан, лекин 50 фоизидан кам ўринни эгаллаган партия ўзига ғоявий яқин партиялар билан келишиб, коалицион ҳукумат тузади. Парламентга сайланган бошқа партиялар ўз фракцияларини ташкил этиб, амалдаги ҳокимиятга нисбатан муҳолифлик қилади.

Муҳолифат ортида мазкур партияга овоз берган сайловчилар – аҳолининг бир қисми турибди. Муҳолифат жамият аъзолари муайян қисмининг қарашларини ва манфаатларини ифодалайди. *Халқ демократик жамиятда давлат ҳокимиятининг манбаи эканлигини ҳисобга олсак, муҳолифатга овоз берган фуқаролар эса шу халқнинг бир бўлаги, яъни у ҳам ҳокимият манбаидир.* Шу сабабдан демократик давлатларда сиёсий муҳолифат мавқеи баланд. Унинг ҳақ-ҳуқуқлари конституция ва тегишли қонунлар, парламент низоми билан аниқ белгилаб, мустаҳкамлаб қўйилади. Муҳолифат ҳақ-ҳуқуқларини юзага чиқариш амалда улар ортида турган аҳолининг (озчиликнинг) манфаатларини ҳимоя қилишдир. Демократиянинг асосий хусусиятларидан бири кўпчиликнинг иродасини амалга ошириш баробарида озчиликнинг манфаатларини ҳам ҳимоя қилишдир. Муҳолифат ҳар бир қонун лойиҳаси ёки ҳукумат қарорлари ва фаолиятига фаол муносабат билдириб, сиёсий баҳо бериб, баҳс юритади, ҳар хил таклифлар киритади.

Сиёсий муҳолифат икки хил бўлади. Биринчиси – конструктив, бунёдкор – ўз танқиди, холис кураши билан қонун лойиҳаларининг янада яхшиланишига, ҳукумат



тўғри ва самарали фаолият юритишига ёрдам берадиган мухолифат. Иккинчиси – деструктив, бузгунчи. У ҳокимиятни бошқарувчи партиянинг ҳар қандай қарорини, ҳатти-ҳаракатини фақат танқид қилади, кўпинча ноҳолис танқид қилади, пашшадан фил ясашга интилади, муро-сага жуда қийинчилик билан келади, баъзи масалаларда эса мутлақо келишмай тураверади. Натижада мамлакат ва жамият ривожланиши, одамлар турмуши учун муҳим қонунлар, қарорлар қабул қилиш, уларни ҳаётга тадбиқ этиш кечикиб кетади ёки умуман қабул қилинмай қолади. Деструктив мухолифат мамлакатда сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий инқирозни келтириб чиқариши мумкин. Агар жиддий масалада парламентда ёки коалицион ҳукуматда сиёсий партиялар ўртасида келишувга (консенсусга) эришилмаса, парламент ёки ҳукумат, баъзан ҳар иккаласи ҳам тарқатиб юборилади ва янгидан сайлов ўтказилади. Биз демократия, ҳуқуқий давлат, жамиятнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти масалаларига маънавий ва ҳуқуқ де-ган мавзуда яна қайтамыз.

Деструктив мухолифат юзага келмаслиги жамиятнинг маънавиятига, халқнинг жипслигига, сиёсий партиялар-нинг умуммиллий манфаатларни ўз манфаатидан устун қўя билишига боғлиқ. Умуммиллий манфаатларни теран англаш учун жамиятдаги турли партияларни, гуруҳларни, табақаларни, синфларни, ҳудудларни жипслаштирувчи гоё зарур. Бундай гоё миллий ғоядир. Миллий гоё жамият маънавиятининг ўзагини, моҳият-мазмунини ташкил эта-ди. Ўзбекистонда миллий ғояни халқ онгига сингдиришга катта эътибор берилаётгани ҳам шундан. Айтилганлар-дан хулоса қилиш мумкинки, *сиёсий маданиятни шакл-лантиришда миллий ғояга таяниш зарур*. Инсонпарвар-ликни ва миллий ғояни унутган сиёсий маданият, сиёсий тарбия куруқ сафсатабозликка, демогогияга, қоидалар, меъёрларнинг формал тарғиботига айланиб қолади, улар-ни инсон ва жамият ҳаёти билан боғлай олмайди.

Жамият самарали ривожланиши учун барча соғлом конструктив фикрлар ва қарашлар тенгҳуқуқлилиги ка-фолатланиши, ҳукмрон мафкура ўрнатилмаслиги лозим. Шу сабабдан Ўзбекистон Конституциясининг 12-мод-даси ушбу талабни мустаҳкамлаб қўйибди. Фикрлар ва

қарашлар хилма-хиллиги, ҳукмрон мафқуранинг ўрна-  
тилмаслиги мафқуравий плюрализм дейилади. Мафқу-  
равий плюрализм ва конструктив муҳолифат жамиятнинг  
ҳар томонлама юксалишига, жумладан, сиёсий мадани-  
ятнинг, демократиянинг чуқурлашишига ижобий таъсир  
кўрсатади. Турғунлик ва қолоқликни келтириб чиқарувчи  
догматизмнинг олди олинади.

Сиёсий арбобнинг маънавий қиёфаси қандай бўлиши  
лозимлиги тўғрисида кўп мулоҳаза ва баҳс юритиш мум-  
кин. Ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам бу масалада барча тан олган  
умумий фазилатлар, ҳислатлар қаторида, анча баҳсли,  
зиддиятли ҳислатлар ҳам санаб ўтилади. Антик давр-  
да-ёқ олимлар, хусусан, Платон давлатни файласуфлар,  
яъни донишмандлар, тафаккури ўткир, сермулоҳазали,  
шошмасдан қарор қабул қила оладиган, ҳар томонлама  
билимга эга кишилар бошқариши лозим деганлар. Абу  
Наср Форобий «Фозил кишилар шаҳри» асарида комил  
сиёсий арбобга қўйиладиган талабларни тизимлаштирган:  
«...у табиатан ўн иккита ҳислат – фазилатни ўзида бир-  
лаштирган бўлиши лозим»<sup>1</sup>. Буюк бобокалонимиз Амир  
Темур «Тузуқлар»ида салтанат ишларида тўрт нарсага  
– кенгашига, маслаҳат-у машваратга, қатъий қарорга, тад-  
биркорлик, хушёрлик ва эҳтиёткорликка амал қилиш ло-  
зим деган. У салтанат ишларининг ўнтадан тўққизтасини  
маслаҳат, машварат ёрдамида, биттасини қилич ёрдамида  
ҳал қилганини айтади. Ахлоқий танлаш масаласи муно-  
сабати билан Н.Макиавеллининг раҳбар давлат манфаат-  
лари йўлида умумталаб қилинадиган ахлоқий меъёрлар-  
дан бироз чекиниши мумкинлиги тўғрисидаги баҳсли,  
амалда нотўғри фикри келтирилган эди. Ҳозирги шид-  
датли замон ўта мураккаб, кўпқатламли ҳаёт ва ижтимо-  
ий муносабатлар сиёсий арбобга, раҳбарга қўйиладиган  
талабларни янада кучайтирди, конкретлаштирди. Давлат  
ҳокимияти уч мустақил тармоққа бўлинди. Ўзбекистон  
мустақилликка эришгач, партия яккаҳокимлигига чек  
қўйилди. Кўппартиявийликни фикрлар, қарашлар хил-  
ма-хиллигини таъминлаш юзасидан ислоҳотлар бош-  
ланди. Бу ҳам умуминсоний кадриятларнинг сиёсий

<sup>1</sup> Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Т.: 1993.159-б.

ислохотларда намоён бўлишидир. Қонун устуворлиги, барчага бирдайлиги, ҳуқуқий демократик давлат тузуми, эркин сайловлар – барчаси умуминсоний қадриятлардир.

Айни пайтда ҳокимлик институти, маҳалла институти-нинг янги асосда ислоҳ қилиниши халқимизнинг сиёсий маданий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга мисол бўла олади. Ўзбекистонда маданий меросга, ислом динига, буюк алломалар ва тарихий шахсларга муносабат холис ва эъозли бўлиши яна бир мисолдир.

Ўзбекистонда барча янгиланишлар, сиёсий ислохотлар бундан истисно эмас, «ислохотлар ислохот учун эмас, инсон учун» мақсадида амалга оширилмоқда. Сиёсий ислохотлар юртимизда инсонга ўз имкониятларини тўла юзага чиқариш учун тегишли демократик ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишни кўзлайди.

Албатта, янги жамият куришнинг, демократик ҳуқуқий давлат, очиқ фуқаролик жамияти куришнинг муваффақияти фуқароларнинг ватанпарварлигига бево-сита боғлиқ. Фуқаролик жамиятини барпо этиш ва ривожлантириш қатор вазифаларни марказий ҳокимият идораларидан маҳаллий бошқарув органларига, жамоат тузилмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тузилмаларига босқичма-босқич ўтказиб боришни англатади. Марказий ҳокимият тасарруфида конституцион тузумни ҳимоя қилиш, мамлакатнинг ҳудудий яхлитлиги ва мустақиллиги, ҳуқуқ-тартибот, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, ташқи сиёсат, пул ва валюта муомаласини тартибга солиш, экология, умуммиллий ва муҳандислик коммуникациялари ва шунга ўхшаш бошқа стратегик аҳамиятга эга масалалар қолади.

Қолган барча вазифалар, бозор иқтисодиёти, мулк масалалари, моддий фаровонлик ва ободончилик масалалари маҳаллий ҳокимият идоралари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ҳал қилиниши лозим.

Марказий ҳокимият ваколатларининг бир қисмини босқичма-босқич маҳаллий ҳокимият идоралари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиш жараёнида «аҳолининг касб ва ижтимоий таркиби манфаатларини тўлароқ ифодалаш ва ҳимоя қилишда

нодавлат, жамоат тузилмаларининг сонини кўпайтириш, сифатини яхшилаш, ҳуқуқ ва мавқеларини янада ошириш лозим. Чунки «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамият сари» деган сиёсий қурилиш дастурининг моҳияти шунда яққол намоён бўлади»<sup>1</sup>.

Тараққиётнинг бугунги босқичида давлат сиёсатининг инсонпарварлик, халқпарварлик мазмунини янада кучайтириш, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг мақсадларига етиш маъмурий ислохотларнинг янги концепциясига зарурат туғдирди. Натижада бундай концепция яратилди ва Президент Шавкат Мирзиёев Фармони билан 2017 йил 8 сентябрда тасдиқланди. *Унда шундай банд бор: «2) Қўйидагиларни назарда тутган ҳолда, вертикал бошқарув тизими ва ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамкорлигининг механизмларини такомиллаштириш:*

Давлат бошқарувини босқичма-босқич номарказлаштириш;

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий имкониятлари, роли ва жавобгарлигини кенгайтириш;

Маҳаллий давлат ҳокимияти тизимини ташкил этишда ҳокимиятлар бўлиниш принципининг амалий рўёбга чиқарилишини таъминлаш;

Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг долзарб масалаларини ҳал этишда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг ролини ва фаолият самарадорлигини ошириш»<sup>2</sup>.

Кўриниб турибдики, мазкур концепция давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги ислохотларни янада ижодий бойитишга, фуқароларнинг сиёсий фаоллиги ва маданиятини ривожлантиришга қаратилган. Буни концепциянинг IV йўналишининг 6 бандида қўйилган вазифа ҳам тасдиқлайди: «Келгусида маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва ҳокимлар фаолияти ус-

<sup>1</sup> *Ислоҳ Каримов*. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Асарлар. 7-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 1999. 389-б.

<sup>2</sup> «Халқ сўзи» газетаси, 2017 йил 9 сентябрь.

тидан таъсирчан жамоатчилик назоратини таъминлашга қаратилган ҳокимларни сайлаш тартибини жорий этиш»<sup>2</sup>. Ҳокимларни сайлаш фуқаролардан юксак сиёсий онг, маданиятни тақозо этади. Маҳаллийчилик, гуруҳбозлик, кариндош-уруғчиликдан холи бўла олиш, дастурларга холис баҳо бериб, ҳудуднинг умумий манфаатларини тор корпоратив манфаатлардан устун қўйиш электоратдан талаб қилинади. Булар эса умумий маънавий маданият билан боғлиқ.

## 17. МАЪНАВИЯТ ВА ҲУҚУҚ

Давлат ўз фаолиятини кимнингдир хошиш-истаги, амалдорнинг хаёлига келган фикр асосида юритмайди. У барча соҳада тегишли қонунлар, меъёрлар, қоидалар, қарорлар, йўриқномалар ва бошқа ҳужжатларга таяниб иш тутади. Бу ҳужжатларнинг бир қисми қонун актлари, қонун даражасига кўтарилган, ҳамма учун умумий ва мажбурий бўлган меъёрларни, қоидаларни, бурч ва жавобгарликни акс эттиради. Ҳужжатларнинг бошқа қисми қонуности актлари дейилади. Улар мазмуни қонунлардан келиб чиқади ва жамият ҳаётининг тегишли соҳаларида қонун талабларини юзага чиқаришга хизмат қилади. Қонун ва қонуности актлари ёрдамида давлат жамият ҳаётини тартибга солади.

Қонунларда ҳуқуқ ўз аксини топади. *Қонун бу муайян ҳуқуқнинг аниқ меъёрлар, қоидалар, жавобгарликлар мажмуи сифатида тизимли ифодаланишидир.* Қонунга, ҳуқуққа таянмасдан туриб, жамиятни, мамлакатни бошқариб бўлмайди. Бирор бир фуқарога, ташкилотга нисбатан ҳам ҳеч қандай чора кўриб, жазолаб ёки имтиёз бериб бўлмайди. Агар йўл қоидалари тизимга келтирилмаганда, ёзиб қўйилмаганда ва уларни бузганлик учун тегишли жавобгарлик аниқ белгилаб қонунларда ва қонуности ҳужжатларида акс этмаганда, қоидадан бузган кишига жарима солиш, маъмурий ёки жиноий жавобгарлик белгилаш мумкин бўлмас эди.

Қонунларда фуқароларнинг (инсон) ҳуқуқлари, хўжалик юрутувчи субъектлар, давлат идоралари, жамоат ва

<sup>1</sup> «Халқ сўзи» газетаси, 2017 йил 9 сентябрь.

нодавлат нотижорат ташкилотлари – ҳуллас, ижтимоий фаолиятнинг барча субъектлари ҳуқуқлари ўз аксини топади. Давлат ўз хавфсизлиги, ҳудудий яхлитлиги, фуқаролар ҳаёти, уларнинг мол-мулки хавфсизлиги учун жавобгар. Шунинг учун мудофаа, давлат чегаралари, қуролли кучлар, уларда фуқароларнинг хизмат қилиши ва ш.к.ҳамда инсон ҳуқуқлари, мулк тўғрисида жиноят, жиноят-процессуал, фуқаролик ҳуқуқлари тўғрисида, қонунлар қабул қилади ва амалга оширади. Давлат фуқароларининг даромад солиқлари, ҳар хил тўловлар миқдори ва тўлаш тартибини қонун ва қонуности ҳужжатлари орқали белгилаб қўяди. Ҳокимият учун сиёсий партияларнинг курашиш тартиби, уларнинг ҳуқуқ ва масъулияти тегишли қонунлар орқали мустаҳкамланган. Фуқароларнинг сайлаш, сайланиш ҳуқуқлари, сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш, фуқароларнинг давлат идоралари ва турли ташкилотларга мурожаат этиш ҳуқуқи ва мурожаатларни қўриб чиқиш тартиби ва ҳ.к.лар ҳам Конституция ва тегишли қонунлар билан тартибга солинган.

Шундай қилиб, давлат фаолияти – *сиёсат ҳуқуқсиз мавжуд бўла олмайди. Ўз навбатида ҳуқуқ сиёсат туйғули шаклланади.* Ҳуқуқ нима? Аввало, ҳуқуқ бу ижтимоий онг шаклидир. Унда одамларнинг, жамият тузилмаларининг, мамлакат ички ва ташқи алоқаларини қонуний тартибга солиш зурурати ва аниқ меъёрлари акс этади. Лекин бу таъриф ҳуқуқнинг онтологик мазмунини очса-да, унинг функционал моҳиятини очмайди, иккинчи ҳолатда ҳуқуққа шундай таъриф бериш мумкин: ҳуқуқ бу – муайян жамиятнинг ўз аъзолари турмуш кечириш, меҳнат қилиш, фаолият юритиш, алоқаларини амалга ошириш учун зарур бўлган ва қонун меъёрларида мустаҳкамлаб қўйган эркинлик ва масъуллик чегараларидир. Жамият ўз сиёсий ташкилоти – давлат орқали фуқаролар, ижтимоий гуруҳлар, хўжалик юритувчи субъектлар, маъмурий бирликлар ва бошқа тузилмалар ўз фаолиятини қай даражада ва қанчалик эркин, чекланмасдан амалга ошириши мумкинлигини қонунлар ёрдамида аниқ белгилаб қўяди. Қонунда белгиланган чегарадан ўтилса, маъмурий ёки жинсий жавобгарлик қўлланилади. Ҳуқуқда давлат ҳокимиятининг манбаи ўлароқ халқ иродаси воқе бўлади.

Чунки халқ, алал-оқибат, давлат ҳокимияти манбаидир. Бошқача айтганда, *ҳуқуқ бу халқ, миллат иродаси билан ўрнатилган эркинлик ва масъуллик даражасидир.*

Жамиятни бошқариш, турли-туман ижтимоий муносабатларни тартибга солиш мақсадида давлат ҳамма учун умумий ва мажбурий ҳисобланган қонунлар қабул қилади. Қонунларнинг умумийлиги ва мажбурийлигини таъминлаш, жамият аъзолари ва ташкилотларини қонунийлик доирасида ҳаракат қилишини таъминлаш учун давлат ихтиёрида турли амалдорлар, ҳуқуқ идоралари – милиция (полиция), прокуратура, хавфсизлик хизмати, суд бор. Вазият издан чиқиб, ушбу ташкилотлар кучи қонунийликни таъминлашга етмаса, бу ишга ҳатто армия жалб этилиши мумкин. Сиёсат ва ҳуқуқнинг ортида давлатнинг кучи турибди. Қонунга аксарият жамият аъзолари, жисмоний ва юридик шахслар ихтиёрий бўйсундилар. Биринчидан, қонун қанчалик қаттиқ ва шафқатсиз бўлмасин, усиз яшаб бўлмайди, жамиятни, мамлакатни идора қилиб бўлмайди. Қадимги юнонлар «қонун шафқатсиз, аммо у қонун» деганда шуни назарда тутганлар.

Иккинчидан, юқорида айтилганидек, қонун ортида давлатнинг кучи турибди, унга бўйсунмасликнинг иложи йўқ. Лекин фуқаролар қонунга ихтиёрий бўйсунмишлари учун, аввало, у адолатли, ҳаммага бирдай бўлиши лозим. Учинчидан, қонун эзгулик ва инсонпарварлик талабларига жавоб бериши, бир гуруҳ кишиларнинг, сиёсий ҳокимиятнинг, партиянинг, мансабдорнинг манфаатлари деб бошқа фуқароларга ва жамиятга зарар етказмаслиги керак. Адолат, инсонпарварлик, эзгулик, ҳақиқат каби меъёрлар маънавий қадриятлардир. Қонун қанчалик маънавий талабларга мос келса, шунча у инсон ва жамият учун фойдали бўлади, одамлар унга ихтиёрий бўйсунди. Бундай қонуннинг ўзи маънавий-ҳуқуқий қадриятга айланади.

Адолатли, инсонпарвар қонунлар яратишнинг маънавий мезонлари нимада? Ушбу саволга жавоб бериш учун аввал адолат ва инсонпарварликнинг ўзи нима, деган саволга жавоб бериш лозим. Адолат ва инсонпарварлик шунчаки раҳм-шафқат, ҳақиқатгўйлик ва саховат, инсонга керакли дамда ёрдам беришгина эмас. Булар ҳаммаси адолат ва инсонпарварликнинг воқелик шакллари бўл-

салар-да, уларнинг мазмун-моҳиятини тўла очиб бермайди, айниқса, ҳуқуқда. Чунки адолат ва инсонпарварликдан келиб чиқиб жинойтчиға нисбатан раҳм-шафқат қилиниб, у жазодан озод этилса, жабрланганлар ва бутун жамият зарар кўради. Адолат ва инсонпарварлик – конкрет-тарихий ва нисбий ҳодисадир. Ўрта асрларда адолатли ҳисобланган қонунлар, синфий-табақавий имтиёзлар, жинойий жазо турлари янги даврга келиб адолатсиз ва ногуманистик ҳисоблана бошлади. Қонунни қатъий амалға ошириш, қонунбузарға нисбатан мурасасиз бўлиш – адолат ва инсонпарварликка мос келади. Хўш, унда адолат ва инсонпарварликнинг объектив мезонлари борми?

Адолат ва инсонпарварликнинг объектив мезонларини одамларнинг бу ҳақда қандай ўйлашидан, нимани адолатли ва инсонпарвар ҳисоблашидан изламаслик шундоққина кўриниб турибди. Онг билан боғлиқ ҳодисалар объектив эмас, субъектив характерға эға. Балки, адолат ва инсонпарварлик мезонларини муайян қонун қай даражада жамиятдаги кўпчилик кишиларға, давлатға фойда келтиришидан ахтариш лозимдир. Бундай ҳолда яна баъзи бир зиддиятлар вужудға келиши эҳтимолдан холи эмас. Кўпчиликка ва давлатға фойда келтирадиган қонун, мазмунға кўра, адолатли ва инсонпарвар бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин. Тарихий тараққиёт жуда мураккаб жараён. Анъанавий муносабатлар, догматик қарашлар тўлиқ устунлик қиладиган турғун жамиятда кўпчиликка ва давлат тузумиға фойда келтирадиган қонун, моҳиятан, анъанавийликни ва турғунликни ёқлайди, жамиятдаги сифат ўзгаришларига, тараққиётға қарши туради. Бундай қонунни адолатли ва инсонпарвар деб бўлмайди.

Қонун инсонпарвар ва адолатли ҳисобланиши учун у бир неча талабларға жавоб бериши лозим. Биринчидан, у тарихий заруратға, замонавий тараққиёт талабларига мос келиши, улар билан зиддиятға бормаслиги лозим. Иккинчидан, у инсонда одамийликни, ижтимоийликни мустаҳкамлашға, унга ўз имкониятларини юзаға чиқариш, шахсини камол топтиришға хизмат қилиши, ҳеч бўлмаганда, бевосита ёки билвосита тўсик ҳосил қилмаслиги керак. Айнан шахс камолотиға хизмат қилишда қонуннинг инсонпарварлик моҳияти юзаға чиқади. Бундай қонун



фақат чекловчи эмас, ундовчи ҳам, фақат жазоловчи эмас, тарбияловчи ҳам бўлади. Тараққийпарварлик, халқпарварлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик каби маънавий кадриятларни қонунчиликнинг, қонун чиқарувчи парламент фаолиятининг асосий мезонига айлантириш адолатли ва шахс камолотига, эзгуликка хизмат қиладиган қонунлар яратиш имконини беради.

Ғарбда турли гуруҳларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий манфаатлар учун доимий ўзаро кураши муайян гуруҳлар фойдасини кўзлаб тегишли қонунлар ва қарорлар қабул қилинишига уринишларни туғдирди. Бу мақсади парламент ва ҳукуматга таъсир кўрсатишнинг ҳар хил усуллари, жумладан, парламент ёки ҳукумат аъзолари, экспертлар орасида тегишли лойиҳани олға сурувчи, ҳимоя қилувчи махсус гуруҳлар пайдо бўлишига олиб келди. Бу гуруҳлар лоббистлар, усул эса лоббизм деб аталади. Лоббизмни бирёклама баҳоламаслик керак.

Баъзан лоббистлар ёрдамида жамиятга фойдаси тегадиган долзарб қонунлар ва қарорлар қабул қилинади. Айрим ҳолларда эса лоббистлар тор доирадаги гуруҳлар манфаатини кўзлайди. Аммо парламентдаги бошқа гуруҳлар, муҳолифат ёки расмий ҳукумат, иложи борича, бунга қаршилик кўрсатади. Лоббизм демократик жамиятда демократик, ижобий тус олиши мумкин. Аммо демократия яхши ривожланмаган жамиятда у парламент ва ҳукумат фаолиятини муайян масалада ўз фойдасига қараб буриш, партиявий ва корпоратив гуруҳбозлик, регионал маҳаллийчилик қуролига айланади ва кўпроқ салбий аҳамият касб этади.

Ҳуқуқни ҳар хил тушуниш ва субъектив талқин қилишларга чек қўйиш зарур. Айниқса, турли сиёсий партиялар, иқтисодий гуруҳлар, мансабдор шахслар ҳуқуқни зарур ҳолларда ўзларининг тор ва ғаразли манфаатлари назаридан талқин қилишга, баъзан қонуннинг айрим меъёрларидан ўзларини соддаликка солиб, беҳабар эканлигини кўрсатишга уринадилар. Қонундан устун туришга, унга бўйсунмасликка интилувчи кимсалар доимо бўлган. Бундай кимсалар фирибгарлик, ўғрилик, талончилик, зўравонлик, қотиллик ва ш.к. жиноятларга мойиллик кўрсатган, жиноятчи гуруҳларга аъзо бўлган ва ҳ.к. Агар

мансабдор бўлса, порахўрлик ва мансабини суистеъмол қилиш орқали бойлик орттиришга, янада юқорироқ мансабни эгаллашга, бошқалар устидан ҳукмронлик қилишга интилган. Жамият ривожланиб, давлат бошқаруви мураккаблашгани сайин мансабдор шахслар сони, ҳокимият идораларида хизмат қилувчи аппарат ўсиб борган. Бу эса порахўрлик, коррупция, мансабни суистеъмол қилиш, давлат ва корхона (акциядорлар) маблағларини ўзлаштириш ва бошқа хилдаги жиноятлар кўпайишига олиб келган. Айнан ушбу хилдаги жиноятларни яшириш, ўзини оқлашга уринишлар ҳуқуқни, қонунларни субъектив талқин қилишга замин яратган. Бунга яна бир сабаб, балки бу сабаб асосийдир, *сиёсий режим ўз мухолифларини ҳокимиятдан, ҳокимият учун қурашдан четлаштириш, уларнинг етакчиларини, доҳийларини омма кўз ўнгиде обрўсизлантириш, зарур бўлса, қатагон қилиш мақсадида ҳуқуқни сиёсатга бўйсундирган, уни субъектив талқин қилган*. Барча диктатуралар ҳуқуқни сиёсатга бўйсундириб, субъектив талқин қилган. Ҳуқуқни субъектив, ғаразли мақсадларда талқин қилиш давлат бюрократияси билан боғлиқ эканлигига халқ мақолларида ишора бор: «Ўйнашмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан».

Ҳуқуқ асосан уч хилга бўлинади: а) қонунга таянувчи ҳуқуқ; б) прецедентлик (намунага асосланган) ҳуқуқи; в) талқиний ҳуқуқ. Ушбу тушунчалар нисбийдир. Ҳар қандай қонун шарҳланади, қонун чиқарувчи томонидан талқин қилинади. Акс ҳолда, унинг мазмунини жисмоний ва юридик шахслар, ҳатто юристлар яхши тушунмаслиги мумкин. Қонунларни шарҳлаш, талқин қилиш унинг мазмунини тушунишни ва амалиётда қўллашни бир хиллаштиришга, объективлаштиришга қаратилган. Талқиний ҳуқуқ деганда қонунни умуман шарҳлаш эмас, балки бир томонлама, кимларнингдир фойдасини кўзлаб ғаразли талқин қилиш назарда тутилади.

Талқиний ҳуқуқ, ғаразли мақсадларни кўзламаганда ҳам, хатолардан холи эмас. Баъзан ҳатто прецедентлик ҳуқуқига (намунага) асосланган ҳукмлар барча томонидан яқдиллик билан маъқулланмайди. Бунга ўтмишдан ва ҳозирги даврдан мисоллар келтириш мумкин.

Қонунга таянувчи ҳуқуқ қатъий равишда Конституция, мавжуд кодекслар, қонунларда белгилаб қўйилган меъёрлардан келиб чиқади. Баъзи бир мураккаб қонун ҳужжатларида аниқ акс этмаган ҳолатларда суд тегишли қонунга парламент томонидан ўзгартириш ёки қўшимча киритилишини ёки бошқа бир қонуний акт – парламент қарори, президент фармони қабул қилинишини кутиб туради. Конституцион суд янги ўзгаришларни маъқуллагандан кейин уларга таянади. Халқаро амалиётда қонунга таянувчи ҳуқуқ қаторида прецедентлик ҳуқуқи тан олинади.

Ҳаётда шундай вазиятлар вужудга келадики, улар бирор қонунда кўзда тутилмаган, уларга ҳуқуқий баҳо бериш, қарор қабул қилишда қонуннинг ҳужжатларда акс этган меъёрларига таянишнинг иложи йўқ. Ёки бошқа мисол: қонуннинг бир моддасига биноан ушбу ҳолат бўйича бундай, бошқа моддасига биноан тескари ҳукм чиқариш мумкин. Масалан, БМТ Низомида ҳар бир миллат, халқ ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга дейилади. Муайян ҳудудда яшовчи аҳоли, халқ шу пайтгача таркибига кириб келган давлатдан кўпчилик хошиш-иродасига кўра (референдумда аниқланади) ажралиб, мустақил давлат тузишга, ёки ўзга бир давлат билан қўшилишга ҳақли. Лекин Низомнинг бошқа моддасига биноан, ҳар бир давлат ўзининг ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилишга, унга хавф солувчи агрессияга (босқинчиликка) ёки айирмачиликка (сепаратизмга) қарши курашга ҳақли дейилган. Ушбу моддаларни ўзаро қарама-қарши қўйиш, ўзаро зид талқин қилиш мумкин. Амалда шундай ҳоллар бўлди. Косовонинг Сербиядан ажралишини (2008 й) Россия тан олмади, Сербиянинг ҳудудий яхлитлиги бузилмаслигини ёқлаб чиқди. Европа Иттифоқи ва БМТ, Европа суди Косово ажралишини тўғри, деб топди. Орадан кўп ўтмай, 2014 йилда Қрим масаласида энди Россия Қримнинг Украинадан ажралишини тўғри топиб, ўзига қўшиб олди, ЕИ ва БТМ эса Украина ҳудудий яхлитлигини ёқлади, қримликларнинг ўз тақдирини белгилаш ҳуқуқини тан олмади. Ушбу масала халқаро вазиятни таранглаштириб юборди.

Халқаро ҳуқуқни қўя турайлик. Жиноят, жиноят-процессуал, фуқаролик, фуқаролик- процессуал кодексларида, айниқса, мулк, мерос, оила, никоҳ, меҳнат, хўжалик ва

ш.к. кўплаб масалалар бўйича қонун ҳужжатларида кўзда тутилмаган ёки ечими аниқ белгиланмаган (моддаларнинг ёки турли хил мустақил қонунлар моддаларининг ўзаро мос келмаганлиги) мисоллар барча давлатларнинг суд амалиётида учраб туради. Бундай ҳолларда ушбу масалани ҳар томонлама ҳолис ўрганиб, биринчи кўриб чиқиб ҳал қилган суднинг қарори (ҳукми) бошқа судлар учун намуна бўлиб хизмат қилади. Ана шундай ҳуқуқ прецедентлик ҳуқуқи дейилади.

Талқиний ҳуқуқ – нисбий тушунча. У ўтмишда нодемократик тузумларда, нодемократик давлатлар, суд амалиётида кенг қўлланилган. Талқиний ҳуқуқни фақат салбий баҳолаш нотўғри. Ҳар бир ҳолат ҳолис ўрганилиб, ҳулоса қилиниши лозим. Тўғри, ҳеч қандай суд хатолардан қафолатланмаган, адашиши, адолатсиз қарор қабул қилиши мумкин. Шу сабабдан кассация шикоятлари институти ва қуйи суд қарорларини назорат тартибда юқори суд инстанциялари кўриб чиқиш механизми мавжуд. Аммо субъектив, баъзан эса очикчасига ғаразли, адолатсиз ҳукмлар, қонун меъёрлари давлатнинг, бирор бир синфнинг, табақанинг, сиёсий гуруҳнинг, ишлаб чиқариш субъектининг, мансабдор шахснинг, уюшган жиноий тўда ёки кимсанинг фойдасига субъектив талқин қилиниб, ижтимоий адолатни бузиш ҳоллари айнан талқиний ҳуқуқда кўп учрайди. Албатта, ҳар қандай ҳуқуқ шаклан қонунларда, қонун меъёрлари ва талабларида акс этади. У дунёвий юридик ёки диний юридик қонунлар бўлади-ми, бундан қатъи назар. Аммо талқиний ҳуқуқда мазкур меъёрлар тегишли вазиятларда ғаразли, волюнтаристик ёки ўзбошимчалик билан шарҳланиши ва қўлланилиши мумкин. Уларнинг суд амалиётида ҳолис қўлланилишини назорат қиладиган механизм заиф ёки сиёсий тизимга тўлиқ бўйсундирилган. Бунга мисол қилиб, собик СССР-даги, Сталин давридаги ва бошқа тоталитар режимлардаги суд-ҳуқуқ тизимини келтириш мумкин.

Талқиний ҳуқуқ соф ҳолда учрамайди. Талқиний ҳуқуқда қонун устуворлиги ва барчага бирдайлиги ҳар доим ҳам таъминланмайди, ҳуқуқ сиёсатга ва мафкурага бўйсундирилади. Талқиний ҳуқуққа ҳолислик, адолат, инсонпарварлик каби тамойиллар етишмаслиги, сиёсий

тузумнинг ғаразли мақсадларига ёки тор доиралар манфаатига хизмат қилиши туфайли у халқаро ташкилотлар ва жаҳон жамоатчилиги томонидан маъқулланмайди.

Жамият сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини кўрсатувчи мезонлардан бири – бу эркин сайлов тизими ва демократиянинг ривожланиш даражасидир. Ўз навбатида, сайлов тизимини такомиллаштириш ва демократияни ривожлантириш сиёсий ва ҳуқуқий маданият юксалиши учун ижтимоий шарт-шароит ва зарурият яратади. Эркин сайлов тизими фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини, аҳолининг давлат ҳокимияти марказий ва минтақавий органларини шакллантиришда иштирок этиш ҳуқуқини максимал даражада юзага чиқаради. Албатта, эркин сайлов тизими вужудга келиши учун, аввало, сайлов тўғрисидаги қонунлар мазмун-моҳиятига кўра такомилга етган, ижтимоий адолат тамойилига, халқаро ҳуқуқ меъёрларига тўла мос келиши, уларни амалга оширишнинг самарали механизми мавжуд бўлиши керак.

Демократия – халқ ҳокимияти дегани. Биринчи навбатда, эркин сайловлар орқали халқ ўз ҳокимиятини юзага чиқаради. Нодемократик тоталитар тузум *инсонга бошқарувнинг объекти сифатида қарайди*. Инсон мақсадга эришиш воситасига, давлат назорати ва кузатувининг объектига айланади.

*Демократия эса, аксинча, инсонга бошқарувнинг субъекти сифатида қарайди*. Демократик жамиятда инсоннинг ўзи турли жамоат ташкилотлари ишида, тadbирларида иштирок этиб, давлат идоралари фаолияти устидан назорат олиб борувчи субъектга айланади. Бундан ташқари, депутатлар ўз сайловчилари олдида ижроия ҳокимият вакиллари аҳоли олдида, ёки ОАВ орқали, кўпинча тўғридан-тўғри эфир кўрсатувлари орқали ҳисобот бериб борадилар, уларнинг танқидий фикрини, талаб ва таклифларини эшитади.

Демократия ривожланиши ҳуқуқий давлат вужудга келишининг муҳим шarti ва воситасидир. Ҳуқуқий давлат жамиятнинг шундай сиёсий ташкилотидирки, унда демократик меъёрлар, инсон ҳуқуқлари, қонуннинг барчага бирдайлиги ва барча учун (жисмоний шахслар – фуқаролар, юридик шахслар – корхоналар, муассасалар,

идоралар, шу жумладан, давлат идоралари ва х.к. учун) мажбурийлиги арконий (фундаментал) тамойилга, давлат тузумининг асл таянчига айланади. Ҳукукий давлатда жисмоний ва юридик шахслар манфаатларини қонун қафолатлайди ва қаттиқ ҳимоя қилади. Ҳеч ким, ҳатто давлат идоралари уларнинг ички ишларига ноқонуний аралашшига ҳақли эмас. Улар ўз муаммоларини қонун доирасида ечадилар. Шу боис, социум турли амалдорларнинг, назорат идораларининг ҳимматига ёки инжиқлигига, тамағирлиги ва порахўрлигига қарам бўлмасликларини ҳукукий давлат таъминлайди. Жисмоний ва юридик шахслар ўзларига нисбатан содир этилган ноқонуний хатти-ҳаракат, тазйиқ учун истаган мансабдорни, ташкилотни, давлат идорасини судга бериши мумкин.

Демократия ҳукукий давлатнинг узвий хоссаси ва вужудга келишининг асосий шарти, воситасидир. Ўз навбатида ҳукукий давлат демократиянинг янада юксалиши, ўсиши ва мустаҳкамланишининг омилдир. Ҳукукий давлатда демократик институтларнинг эркин фаолият юритиши, алоҳида шахс ва бутун жамиятнинг яратувчилик, ижодкорлик салоҳияти, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ташаббускорлиги юзага чиқиши учун турли имкониятлар вужудга келиб, кўпайиб бораверади. Бу йўлда сунъий тўсиқ пайдо бўлса, қонун доирасида тезгина баргараф қилинади. Айнан ҳукукий давлат қарашлар, мафқура-лар плюрализмини қафолатлайди. Демократик ҳукукий давлатда жамият ҳаёти турли хилдаги носоғлом сиёсий баҳсларга, партиявий қурашларга, амалдорларнинг инжиқлиги, бюрократлигига, маъмурий чора-тадбирлар қўлланилиши ёки қўлланилмаслигига бевосита боғлиқ қолмайди. Парламент ёки ҳукуматнинг инкирози мамлакат тараққиётига жиддий салбий таъсир кўрсатмайди. Ҳаёт ўз маромида давом этаверади. Ҳукукий давлатда инсон омилининг салбий таъсирини тўла истисно қилиб бўлмаса-да, амалдор субъективизмини, волюнтаризмини анча чеклаш, томонлар манфаатларини мувозанатга келтириш механизми вужудга келади.

Ўзбекистондаги давлат ва жамият қурилишидаги ислохотлар, сиёсий ва ҳукукий тарбия ана шундай тизимни яратиш мақсадини кўзлайди: «Бу ерда гап мамлака-

тимизда демократия тамойилларига асосланган, аввало, амалдаги Конституция ва қонунларга мувофиқ фаолият юритадиган, ҳеч қандай мансабдорлар, ҳатто энг кўзга кўринган вазифада ўтирган шахсларнинг ҳам субъектив хоҳиш-иродасига қарам бўлмасдан, ишни барқарор ва фаол ташкил қиладиган, ўз моҳиятига кўра жамиятимизнинг олга силжишига ҳалақит бераётган барча иллат ва асоратларни бартараф этишга қурби етадиган самарали тизимни вужудга келтириш ҳақида кетмоқда»<sup>1</sup>.

Айнан шундай тизим негизида фуқаролик жамияти қарор топади. Ижтимоий гуруҳлар, табақалар, турли қатламлар, синфлар манфаатлари, жамиятда эгаллаган мавқелари, ижтимоий жараёнларга таъсир кўрсатиш имкониятлари динамик (ҳаракатчан) мувозанатга келади, ўзини ўзи тартибга солади. Бунинг учун унга ташки ёки ички тайзиқ кўрсатиш, куч ишлатиб инқилобий ўзгариш қилиш шарт эмас. Бундай тизимнинг янги сифат кашф этиши эволюцион – тадрижий-табиий ривожланиш негизида кечади.

Албатта, юқорида айтилганлардан ҳуқуқий давлатда, фуқаролик жамиятида ҳамма нарса кўнгилдагидек, рисоладагидек бўлар, экан, зиддиятлар бартараф этилиб, одамлар фариштадек софдил бўлиб, ҳалол ҳаёт кечирар экан, деган хулоса келиб чикмайди. Ҳеч бир давлатда мутлақ тўғри, адолатли муносабатлар қарор топиб, фуқаролар 100 фоиз мукамал бўлмайди. Аммо демократик, ҳуқуқий давлат одамларга энг кўп ва қулай шароит яратадиган, ўзи эса узлуксиз ривожланиб, ижтимоий тараққиётни таъминлай оладиган сиёсий ташкилотдир. Демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти одамларнинг тафаккури эркин ва демократик бўлишини тақазо этади. Бундай тафаккур шахсга сиғинишнинг ҳар қандай кўринишини, ҳокимият персонификация қилинишини инкор этади. У жамиятда яратилган объектив шарт-шароитлар ва изчил олиб бориладиган сиёсий ва ҳуқуқий тарбия маҳсулидир.

---

<sup>1</sup> *Ислом Каримов*. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – провард мақсадимиз. – Т.: «Ўзбекистон», 2000. 11–12-бетлар.

*Ҳақиқий демократиянинг хусусиятларидан яна бири – давлатнинг (парламент ва ҳукуматнинг) озчилик манфаатларини, хоҳиш-иродасини инобатга олиши ва қондиришидир. Бундай демократия сиёсий маданият ва умуман маънавият анча юксалган, ҳукукий давлат қарор топган шароитда намоён бўлади.*

Таъкидлаш жоизки, демократиянинг, ҳукукий давлатнинг умумэтироф этилган тамойиллари, меъёрлари мавжуд бўлса-да, ягона универсал шакли йўқ ва бўлиши мумкин ҳам эмас. Чунки ҳар бир халқнинг, мамлакатнинг ноёб такрорланмас ўтмиши, тарихи, ўзига хос табиати, яшаш шароити, маданияти, ижтимоий ҳаёти, турли-туман муаммолари бор. Мутлақ бир хил инсонни топиш мумкин бўлмаганидек, мутлақ бир хил бўлган икки халқ, икки давлат ҳам йўқ.

Ҳуқуқ, ҳукукий онг, қонунларга итоатгўйлик, миллий истиқлол гоёси ва мафқураси, турли сиёсий партиялар мафқураси, ижтимоий гуруҳлар, қатламлар, фуқаролар интизоми, дунёқараши, психологияси, сиёсий фаоллиги, сиёсий маданияти маънавиятнинг таркибий қисмлари эканлигини ҳисобга олсак, уларнинг демократик, ҳукукий давлат қуришдаги ва жамиятни ривожлантиришдаги роли ва аҳамияти анча ойдинлашиб қолади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари маънавий қиёфасига қўйиладиган талабларни икки гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчиси – касбидан, лавозимидан, ижтимоий аҳволдан, жинсидан қатъи назар барчага қўйиладиган талаблар: ҳалоллик, инсоф, диёнат, камтарлик, хайрихоҳлик, меҳр-оқибатли, саховатли, тўғрисиўз, ҳақиқатгўй бўлиш ва бошқа умуминсоний ахлоқий-маънавий талаблар. Иккинчиси – ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар ходимларига, уларнинг касби хусусиятларидан келиб чиқиб, қўйиладиган талаблар. Ҳуқуқ идоралари ходимларининг иши кўп ҳолларда инсон тақдири, одамлар ҳаётининг хавфсизлиги, кўнглининг хотиржамлиги, адолат ва инсон ҳуқуқларини юзага чиқариш, жамият, давлат манфаатлари, ижтимоий-сиёсий вазият барқарорлигини сақлаш ва бошқа кўплаб ижтимоий аҳамияти юксак масалалар билан боғланган. Баъзан ҳуқуқ идоралари ходимлари фуқаролар ва давлат манфаатларини, ҳақиқатни ҳимоя



килиб, ўз ҳаётини хавф остига қўяди. Улар фуқаролар ва давлатга, жамиятга оид ўз хизматлари юзасидан кўплаб ошкор қилинмайдиган, сир сақланадиган ахборот ва маълумотларни биладилар. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларини турли йўллар билан ўзи томон ағдаришга, ўз муаммоларини ҳал қилиш учун уларга пора, совға-салом беришга, маишатга, маиший бузукликка тортишга ҳаракат қиладиган гуруҳлар, кимсалар учрайди. Хўжалик юритувчи ташкилотлар раҳбарлари орасида ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари билан «яқиндан, ўзаро манфаатли» алоқалар ўрнатишни истайдиганлар топилади. Хуллас, жамиятда ҳуқуқ идоралари ходимларига турли хил босим ўтказувчи, йўлдан оздиришга уринувчи омиллар кўп. Булар ҳуқуқ идораларида хизмат қилувчи ходимлар маънавий қиёфасига оддий фуқароларга нисбатан қаттиқроқ талаблар қўяди.

1. Аввало, ҳуқуқ идоралари ходимлари ўз соҳасини, ҳуқуқни, қонунларни яхши биладиган мутахассис бўлиш керак.

2. У одамлар дарди билан яшаши, одамларнинг дардини ўз дардидек қабул қилиши лозим. Хизмат бурчи ҳам ундан айнан шуни талаб қилади.

3. У хизмат бурчи ва қасамёдига ҳар қандай вазиятда ҳам содиқ қолиши, уларга хиёнат қилмаслиги, керак бўлса, жонини фидо қилишга тайёр турмоғи лозим.

4. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари ўз соҳасига оид билимлардан ташқари, ишчан, зарур ҳолларда кеча-кундуз ишлайдиган, жисмонан кучли, руҳияти (психологияси) барқарор, иродали, қатъиятли шахслар бўлиши талаб этилади. Агар у шахсий ҳузур-ҳаловатини, моддий манфаатини ўйласа ёки жаҳли тез, психологик жиҳатдан заифликка йўл қўйса, хизмат бурчини яхши адо этолмайди. Одамларга, жамиятга зарар келтиради.

5. У ўзи устида тинмай ишлаши, ностандард фикрлай олиши, билими ва профессионал маҳоратини доимо ошириб бориши, одамларнинг кайфиятини тўғри таҳлил қиладиган, ҳуқуқий аҳволни, кримоген вазиятни тўғри баҳолай оладиган бўлиши лозим. У одамлардан, жамиятдан узилиб қолмаслиги, доимо улар орасида бўлиши керак.

6. Уларда катта ҳуқуқ бор. Бу ҳуқуқдан тўғри фойдалана олиш, ҳеч кимга билиб-билмай зарар етказмаслик учун жавобгарлик ва масъулият туйғуси кучли бўлмоғи лозим. Улар ўзларига берилган ҳуқуқ айти пайтда зиммаларига улкан масъулият, жавобгарлик юклашини билишлари ва ички эътиқодига айлантиришлари шарт.

Жамият ривожланиши жараёнида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларининг маънавий қиёфаларига қуйиладиган талаблар ортиб боради. Бу талаблар 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ қабул қилинган ва қилинаётган Қонунлар, Президент Фармонлари каби қонун ҳужжатларида ҳамда уларни амалга оширишга қаратилган қонуности ҳужжатларида ўз аксини топган.

## 18. МАЪНАВИЯТ ВА МАФКУРА

Мафкура тушунчалар, гоёлар, баҳолар, меъёрлар, қарашлар, назариялар, таълимотлар ва идеаллардан иборат назарий онгнинг тизимлаштирилган қисмидир. Айнан тизимга келтирилгани, муайян системани ташкил этгани мафкурани шунчаки фикрлар йиғиндисидан ажратиб туради. Назарий онгнинг тизимлаштирилган қисми ўлароқ мафкура кўпроқ индивидуал эмас, жамоавий, ижтимоий характерга эга. Индивидуал онгда у акс этади, индивидуал онг унинг ривожланишига таъсир кўрсатади. Ижтимоий мафкура кенг мазмунда назарий гоёларни, мулоҳазаларни, қарашларни, концепцияларни, фалсафий, илмий, сиёсий, диний, иқтисодий, ахлоқий, эстетик, ҳуқуқий таълимотларни англатади. Ҳар қандай қарашлар тизими эмас, балки назарий қарашлар тизими ижтимоий идеологияга киради. Тор маънода мафкура сиёсий ва эътиқодий қарашлар тизимини англатади. Тор мазмундаги мафкура – бу сиёсий партиялар, диний ташкилотлар, мазҳабларнинг сиёсий ҳокимиятга, жамият ҳаётини муайян йўналишда ташкил этиб, бошқаришга бўлган даъволарини, концептуал гоёларини ва дастурини ифодалайди. Нодемократик ва тоталитар тузумларда айнан шундай мафкуралардан бири давлат макomini олиши мумкин.

Тор мазмундаги мафкурада сиёсийлашиш ва эътиқодий позиция биринчи ўринга чиқади.

Кенг мазмундаги мафкура ижтимоий онгнинг тафаккур билан боғлиқ юқори даражасига тааллуқли нафақат сиёсий ва эътиқодий гоялар, қарашларни, балки барча тизимлашган илмий, ахлоқий, бадиий, ҳуқуқий, иқтисодий, техникавий қарашлар ва ҳ.к.ларни ифодалайди. Билиш назариясидан ташқарида, айтайлик, ижтимоий философияда, социология, сиёсатшунослик, ижтимоий педагогика каби фанларда мафкура ҳақида гап кетганда, агар махсус таъкидланмаса, одатда тор мазмунодаги сиёсий мафкура назарда тутилади. Фақат философия ва билиш назарияси мафкурани тизимлашган барча назарий қарашлар йиғиндиси сифатида талқин қилади.

Маълумки, илм-фан ва назарий онг вужудга келганда жамият турли ижтимоий табақаларга, қатламларга, синфларга ажралиб, бўлинаётган давр эди. Табиийки, ҳар бир ижтимоий гуруҳнинг, табақанинг, синфнинг ўз иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа ижтимоий манфаатлари бор эди. Улар қайсидир жиҳатлари билан ўзаро яқин, мос бўлса-да, қайсидир жиҳатлари билан мос келмас, баъзан ҳатто қарама-қарши эди. Табақавий манфаатларни ифодалаб, ўзаро мос келмайдиган гоялар, фикрлар ва қарашлар шаклланиб, тизимлаша бошлади. Шундай қилиб, хилма-хил мафкуралар вужудга келди.

Мафкура муайян ижтимоий гуруҳларнинг (табақаларнинг, синфларнинг ва ш.к.) манфаатларини ифодаладиган, ҳимоя қиладиган гоялар, шиорлар, фикрлар, қарашлар, назариялар, идеаллар тизимидир. Йирик ижтимоий гуруҳлар ўзларининг сиёсий партияларини тузادилар. Сиёсий партиялари орқали ҳокимият учун курашадилар. Партияларнинг кураш тактикаси, стратегиясини асословчи қарашлар, фикрлар, муайян сиёсий вазиятда олиб борадиган тарғибот-ташвиқотининг мазмуни, шакли, сиёсий рекламаси, сайловларда, оммавий тадбирларда, байрамларда қўллайдиган, тарқатадиган шиорлари ҳам партия мафкурасининг ажралмас қисмидир. Шу сабабдан сиёсий мафкуралар қисман синфий характер касб этади, улар орасида баҳс, ғоявий кураш юзага келади.

Аммо мафкураларнинг синфий характери, марксизмга ўхшаб, мутлақлаштирмамаслик керак.

Сиёсий мафкурада синфий-табақавий манфаатлардан ташқари у ёки бу даражада умуммиллий, умуминсоний манфаатлар ҳам акс этади. Ҳокимият учун кураш очикчасига муросасизлик ва қарама-қаршилик шаклида кечганда синфийлик конфронтацион тус олиши, конфликтга айланиши мумкин. Миллий мустақилликка хавф туғилганда ватанпарварлик туйғуси жамиятнинг барча ижтимоий гуруҳларини қамраб олиши тарихда кўп кузатилган. Бундай пайтда конфронтация муросага келиши билан алмашади. Биринчи жаҳон уруши II-интернационалга кирган кўплаб социал-демократик партияларни синфий-пролетар байналмилалчиликдан миллатчиликка ўтиб кетишига олиб келган эди. Германияда ҳам, Россияда ҳам уруш бошланиши барча табақалар, синфлар вакилларини дастлаб бирлаштирган, ватанпарварликни кучайтирган эди. Бу мисоллар синфий-табақавий мафкураларда миллийлик мавжудлигини, маълум вазиятларда синфийликка нисбатан миллийлик (тўғри ёки нотўғри тушунилган, ижобий ёки салбий мазмундаги), аниқроғи, кўп ҳолларда миллатчилик устунлик қилиши мумкинлигини кўрсатади.

Индустриал жамият дастлаб Фарбда шаклланди. У, аввал айтиб ўтганимиздек, ашаддий эксплуатацияга, унинг оқибати ўларок синфий қарама-қаршиликка (конфронтацияга) асосланган эди. Индустриал жамият ижтимоий-синфий конфронтация, сиёсий инкилоблар, забастовка ва стачкалар жамиятидир. *Ижтимоий-синфий конфронтация, табиийки, худди шундай ўзига ўхшаш конфронтацион мафкураларни туғдирди.* Мафкуралар кураши синфий курашнинг бир турига айланди (сиёсий ва иқтисодий қарашлар қаторида).

Мафкуралар XIX аср давомида ва XX асрнинг 20-йилларигача синфлар ўртасида кескин муросасиз иқтисодий ва сиёсий курашни, қарама-қаршиликни рағбатлантириб турди, революцион ва контрреволюцион ҳаракатни йўналтирди. Дастлабки синфий кураш – забастовкалар, стачкалар, ғалаёнлар, иқтисодий муносабатларни ўзгартиришга, сиёсий ва ҳуқуқий эркинликларни жо-

рий қилишга қаратилган кўзғалонлар ва революциялар кўпроқ стихияли равишда юз берганди. Уларни баъзан айрим фавкулудда содир бўлган ҳодисалар келтириб чиқарган. Масалан, завод-фабрикалардаги авариялар, бир ёки бир неча ишчининг майиб-мажруҳга айланиши, ишдан қувилиши, ҳалок бўлиши бошқа ишчиларнинг норозилигини келтириб чиқарган. Улар стачка, забастовка уюштирган. Вазият кескинлашиб кетганда, бошқа завод-фабрика ишчилари уларни қўллаб-қувватлаб, намоёишга чиққан, забастовкаларга қўшилган. Кўпинча ишчилар оғир аҳволнинг, адолатсизликнинг асл сабабларини билмаган. Шунда мавжуд тузумнинг кирдикорларини фош этадиган, ишчилар курашига йўл-йўриқ кўрсатадиган, стихияли курашни аниқ мақсадларга йўналтирадиган социалистик, коммунистик таълимотлар аста-секин пайдо бўла бошлаган. Шундай қилиб, ишчиларнинг турли кўринишлардаги синфий мафкураси шаклланган.

Бундан ташқари, мавжуд тузумни оклайдиган, уни баъзи бир камчиликларини тузатиб, такомиллаштиришни асослайдиган қарашлар, мафкуралар ҳам, табиийки, вужудга келган. Ҳар икки йўналишдаги мафкуралар орасида қаттиқ кескин кураш кечган. Социалистик мазмундаги мафкураларнинг ўзи ҳам бир неча йўналишда ривожланган. Улар орасида баъзан жуда муросасиз ички кураш кузатилган. Баъзан бу кураш очикча душманликка, қарама-қаршиликка айланган. Масалан, эсерлар ва большевиклар кураши.

Постиндустриал жамиятда ижтимоий-синфий конфронтация йилдан йил сусайиб борди. Натижада, Ғарбда муросага мойил, ислохий ўзгаришлар, эволюцион ривожланиш тарафдори бўлган мафкуралар ривожлана бошлади. Аста-секин инқирозлар, кескин рақобат ва ишсизлик даражаси юқори шароитда юзага келган ижтимоий-синфий конфронтация ўрнига ижтимоий шериклик ғояси олға сурила бошлади. Чунки ижтимоий конфронтациядан, айтайлик, забастовкадан ҳар икки томон зарар кўради. Корхона синиб қолса, унинг ишчилари кўчада қолади. Табиийки, ижтимоий шерикчиликни асословчи мафкуралар пайдо бўлди.

Лекин синфий мафкуралар тарих саҳнасидан тўлик тушиб кетгани йўқ. Улар бугун Ғарб жамияти ҳаётида етакчилик қилмасалар-да, ҳозир ҳам норозиликлар, забастовкалар юз бериб туришига таъсир кўрсатаётир.

Мафкура тизимлашган назарий онг сифатида маънавий онгнинг муҳим таркибий қисмини ташкил қилади. Сиёсий партияларнинг тактик кураши билан боглиқ шиорлари, тарғибот-ташвиқот адабиёти ва тадбирлари бевосита маънавий ҳаётнинг ажралмас қисмидир. Одамлар онгига, сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий қарашларига, уларнинг жамиятга ва давлат ҳокимияти фаолиятига қандай муносабатда бўлишига, амалий хатти-ҳаракатига қаттиқ таъсир кўрсатади. Баъзан одамларнинг бир қисмини ҳатто чалғитади (баъзи экстремистик руҳдаги сиёсий партиялар ва диний оқимлар мафкураси).

Замонавий жамиятда, биринчи галда ривожланаётган мамлакатларда, бир томондан, турли кучларнинг, гуруҳларнинг ҳокимият учун кураши, аҳолининг иқтисодий ва ижтимоий аҳволдан норози қатламларини ўз томонига ағдариш мақсадида уларнинг онгига таъсир қилиш, иккинчи томондан, янги мустамлакачиликка, Ғарб мамлакатларининг иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий босимига, тажовузига қарши турли сиёсий-экстремистик ва диний-экстремистик мафкуралар юзага келишига сабаб бўлди. Ривожланаётган мамлакатлар аҳолисининг катта қисми чаласавод, сиёсий билимлари ва маданияти етарли эмаслиги уларнинг бундай мафкуралар таъсирига учишини таъминламоқда. Турли ижтимоий гуруҳларга, табақалар, уруғ-жамоаларга, қабилаларга бўлинган, муштарак миллат даражасига кўтарилмаган халқлар учун дин умумий бирлаштирувчи мафкурага, миллий идентлик омилига, белгисига айланган. Лекин аҳолининг аксарият қисми саводсиз ёки чаласавод бўлгани сабабли, аҳоли ҳақиқий диний таълимотни яхши билмайди. Натижада уларни алдаш, диний ғояларни, талаблар, меъёрлар, қоидаларни нотўғри, гаразли талқин қилиб, йўлдан оздириш мумкин. Амалда шундай бўлмоқда.

Европа мамлакатларида африкалик, осиелик қочоқлар, мухожирлар, улар билан боглиқ ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, маданий муаммолар кўпайиб бораётгани мил-

латчилик, ирқчилик руҳидаги қарашлар, мафкуралар кучайишига сабаб бўлаётир.

Мафкура миллий маънавият билан доимо диалектик алоқадорликда. Баъзан улар ўртасида айният муносабатлари, кўпинча фарқ, тафовут ва айрим ҳолларда қарама-қаршилик муносабатлари вужудга келади. Айният миллат ҳаётида, ижтимоий онгда кўпроқ тарихий бурилишлар юз берган, янгиланиш, ижтимоий ҳаёт ва муносабатларни тубдан ислоҳ қилиш гоёси бутун халқ онгини эгаллаган, умуммиллий манфаатлар барча хусусий, корпоратив ва табақавий манфаатлардан устун қўйилган пайтда юз беради. Албатта, баъзи бир кишилар, тарих саҳнасидан тушаётган синфлар, табақаларнинг реакцион вакиллари, ҳар хил маргинал қатламлар (жиноятчилар, дайдилар, гиёҳвандлар ва ш.к.) вакиллари юз бераётган ўзгаришларга, янги ғояларга салбий муносабатда ёки бефарқ бўлиши мумкин. Мутлақ бирлик ҳеч қачон юз бермайди. Аммо умуммиллий онгдаги, мақсаддаги яқдиллик, кўтаринкилик мафкура ва маънавият ўртасида айният вужудга келишига сабаб бўлади.

Бундан ташқари, кенг мазмундаги мафкурада, яъни сиёсий мафкурада эмас, ижтимоий онг шакллари – фалсафада, илм-фанда, динда, ахлоқда, адабиёт ва санъатда – онгнинг юқори даражасида бевосита тор синфий-табақавий манфаатларни ифодалашга нисбатан кўпроқ умуммиллий ва умуминсоний қадриятларни ифодалайдиган тушунчалар, ғоялар, меъёрлар, қарашлар, идеаллар мажассамланган. Мафкуранинг ушбу қисми маънавият билан кўп ҳолларда айниятни ташкил қилади.

Лекин муайян синфий-партиявий ёки сиёсий ҳаракат мафкурасининг ҳокимиятга интилишини, ўз моддий-иқтисодий аҳволини мустаҳкамлашини, даромадларини, ижтимоий-ҳуқуқий ва сиёсий мавқеини мустаҳкамлаш билан боғлиқ ғоялари уларга муҳолиф, рақиб партиялар, ҳаракатлар мафкурасига мос келмайди. Баъзан бутун миллий маънавиятга зид бўлади. Масалан, сиёсий партия ёки ҳаракат экстремистик руҳда тарғибот-ташвиқот олиб борса, курашнинг ноқонуний усулларидан, ёлғондан, ғояларни ва далилларни сохталаштиришдан, ижтимоий демагогиядан тоймаса, унинг мафкураси миллий маъ-

навиятга, умуман, миллий манфаатларга зид келади. Чунки бундай мафкура ноилмийлигидан, ғаразлигибидан ташқари, миллий консолидацияга (жипсликка) путур етказиб, миллатни бўлиб юбориши, ижтимоий-сиёсий барқарорликни издан чиқариши мумкин. Бунга ўтмишдан ҳам, бугунги кундан ҳам истаганча мисол топиш мумкин. Ислом Каримов тўғри таъкидлаганидек, мафкура полигонлари ядро полигонларидан кўпроқ кучга эга.

Мафкура қандай ҳолларда миллий маънавиятга у ёки бу даражада мос келади? Қисман бу саволга юқорида жавоб берилди. Яна шуни қўшимча қилиш лозимки, мафкура бунёдкор ғоялар асосида шаклланса, тараққийпарварлик ва инсонпарварлик, халқпарварлик, ватанпарварлик тамойилларига зид бўлмаса, ўзини миллат манфаатларини ифодаловчи ва ҳимоя қилувчи бирдан-бир тўғри мафкура, деб ҳисобламаса, бошқа қарашларга нисбатан толерант бўлса, унда танқидбозликка ва бошқа қарашларни фақат инкор қилишга нисбатан муросагўйлик ва яратувчилик устунлик қилса, миллий маънавият билан у ёки бу даражада уйғунлашади. Аммо мафкура ва миллий маънавият ўртасида тўлиқ уйғунлик юзага келмайди. Чунки маънавият тушунчаси мазмуни, биринчидан, мафкура тушунчасига нисбатан таққослаб бўлмас даражада кенг. Иккинчидан, миллий маънавият умумийликни ва собитликни, барқарорликни ифодалайди. Мафкура эса хусусийликни, собитлик қаторида нисбатан тез ўзгарувчи, сиёсий вазият ва конъюнктура билан боғлиқ ғояларни, тарғибот-ташвиқотни ҳам ўз таркибига олади.

Бунёдкор ғоялар асосида шаклланган мафкуралар, ўзларига тегишли ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини ифодалашидан қатъи назар, жамиятнинг, миллатнинг ривожланишига хизмат қилади. Улар миллий маънавиятдаги ранг-барангликлар бирлигини, муштараклигини ташкил этади. Яъни миллий маънавиятни ғоялар, фикрлар, қарашлар, назариялар, қадриятлар хилма-хиллиги билан бойитади. Бунёдкор ғоялар асосида шаклланган мафкуралар ўртасидаги баҳслар, соғлом рақобат, турли ижтимоий гуруҳлар, қатламлар, табақалар, синфлар манфаатларини тўлароқ ҳисобга олиш, демократия ва инсон эркинликларини ривожлантириш учун кўпроқ имконият яратади.



Буюк француз инкилоби тайёрлаган ва амалга оширган мафкурада, биринчи навбатда, буржуазиянинг манфаатларини ифодалар эди. Лекин, айти пайтда, у ўз даврининг илғор ғояларига, маърифатпарварлар таълимотига асосланган эди. У инсоннинг инсонга қарам бўлишига тўлиқ барҳам бериш, дворянлар ва рухонийларнинг табақавий имтиёзларини бекор қилиб, қонун олдида ҳаммани тенглаштириш, монархияни таг-томири билан қўпориб ташлаб, республика бошқаруви ва демократияни жорий қилиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари дахлсизлигини қонун ёрдамида мустаҳкамлаб қўйишни талаб қилди. У хусусий тадбиркорлик ва товар – пул муносабатлари эркин ривожланиши йўлидаги барча тўсиқларни олиб ташлашни эълон қилди. Булар эса, нафақат ҳокимият тепасига интилаётган буржуазия, шунингдек, барча табақаларнинг, бутун халқнинг манфаатларига мос эди. Ёки мустамлакачиликка қарши миллий озодлик ҳаракатларига бошчилик қилган партияларнинг мафкуралари ҳам нафақат мазкур партия оид бўлган ижтимоий синф ёки гуруҳларнинг, шунингдек, бутун халқнинг манфаатларини, хоҳиш-истакларини ифодалайди.

Аммо, таъкидлаш жоизки, синфий, партиявий мафкураларнинг миллий манфаатларга мос келиши доимий эмас, вақтинчалик ҳаракатга эга. Олдига қўйган асосий умуммиллий мақсадга эришгач, турли синфлар, табақалар, ижтимоий гуруҳлар ўзаро мафкуравий курашини, барча соҳалардаги рақобатини давом эттиради. Баъзан кечаги умумий кураш йўлидаги шериклар эркин ва мустақил тараққиёт йўлида ашаддий ракибларга айланишлари мумкин. Шу билан бир қаторда жамиятда ҳар хил ўзаро курашадиган мафкуралар мавжудлиги, агар улар ўртасидаги кураш носоғлом сиёсий, амалий курашга айланиб кетмаса, жамият ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Илғор ғояларга асосланганига қарамасдан, яқка ҳукмрон мафкура, аксинча, жамиятни турғунликка олиб келади.

Яккаҳокимликка интиладиган мафкура ижтимоий ҳаётни, миллий маънавиятни бирхиллаштиришга, ўзига мослаштиришга ҳаракат қилади. Нафақат ижтимоий-сиёсий, шунингдек, маънавий ҳаёт ҳам бирорта мафкура

яккаҳукумронлиги шароитида ранги-туси, андозаси, тартиб-интизоми бир хил, ижтимоий муносабатлари қатъий иерархиялаштирилган (поғоналаштирилган) ҳарбий-казармача бир хиллик касб этади. Ижтимоий онгда догматизм, маънавий ҳаётда, ижодда андозабозлик аста-секин устунлик қилади. Жамиятда турғунлик бошланади.

Бирорта мафқуранинг яккаҳокимлиги одамлар ўртасидаги муносабатларни ҳам издан чиқаради, инсон кадр-қимматини пастга уради. Яккаҳоким мафқура бошқа мафқурани сиқиб чиқаришга, қисман ёки тўлиқ тақиқлашга интилади. Бу билан жамиятни ривожлантиришнинг турли вариантларини ҳисобга олишга тўсқинлик қилади. Бундай бирёқламалик барча ижтимоий гуруҳлар, табақалар, синфларнинг манфаатлари етарлича ҳисобга олинмаслигига сабаб бўлади. Турли қарашлар, назариялар, таълимотлар ўртасидаги баҳсга, пировардида объектив ҳақиқатни излашга зарар этади. Одамлар ўз фикрини, қарашларини очик баён этишдан кўрқиб қолади ёки уларнинг ўз фикрини очик айтишида ҳеч қандай маъни қолмайди. Негаки, улар ҳисобга олинмайди. Натижада, одамларнинг бунёдкорлик ташаббуслари сўна бошлайди. Чунки расмий, ҳукмрон мафқурага мос келмаса, ташаббускор шахсга, гуруҳга нисбатан давлатда шубҳа уйғонади.

Баъзи кишилар ўзини давлат тузумига, унинг мафқурасига содиқ қилиб кўрсатиш учун дабдабали сохта мактовдан, носамимийликдан, ҳатто очикча ёлгон айтишдан тоймайди. Яккаҳоким мафқура шахсга сиғинишнинг турли шаклларини келтириб чиқаради. Айрим кишилар юқоридаги сабабларга ёки ўз рақибларидан ўч олиш ниятида сиёсий чақимчилик қилади, давлат идораларига улар устидан турли хил имзосиз хатлар ёки очикчасига тухмат, бўҳтон аралаш шикоятлар ёзишга одатланади. Одамлар ўртасида маънавий бегоналашиш, шубҳакорлик кучаяди, меҳр-окибат сусаяди.

Шундай қилиб, яккаҳоким мафқура, бир томондан, маънавиятни қашшоқлантиради, қолипга тиқади, андозалаштиради, бирхиллаштиради. Иккинчи томондан, одамларнинг маънавий онгини заҳарлайди ва инсоний муносабатларни издан чиқаради, ижтимоий кўрқувни жамият

ҳаётининг бошқарувчи омилига айлантиради. Айнан мазкур оқибатларга олиб келишда яккаҳоқимликка интилган мафқуранинг ғайриинсоний ва аксилмаънавий моҳияти намоён бўлади.

Шу сабабдан мустақил Ўзбекистонда мафқуравий яккаҳоқимликка, коммунистик мафқура мутлақлаштирган синфийлик, партиявийлик, жанговор атеизм тамойилларига, адабиёт ва санъатда қатъий, догматик андозага айланган «социалистик реализм» бадий усулига, давлат цензурасига барҳам берилди. Мафқуравий плюрализм, тафаккур эркинлиги, эътиқод ва виждон эркинлиги Конституцияда ва тегишли қонунларда мустаҳкамлаб кўйилди. Кўппартиявийлик ва мафқуралар хилма хиллиги жамият бирлигига, миллий жипсликка, миллий маънавиятга зиён етказмаслиги, аксинча, уларни бойитишга хизмат қилишига эришиш учун уларни бирлаштирувчи, умумий мақсад ва қадриятлар мўлжали билан таъминловчи миллий ғоя ва мафқура ишлаб чиқилди. Миллий ғоя ва мафқура жамиятнинг бурилишлар давридаги ҳамда таракқиёт жараёнидаги халқ ҳаётининг умумий жиҳатлари ифодасидир.

Миллий ғоя халқимизнинг мустақилликка, эркинликка, обод ва фаровон турмушга, ўзлигини, ўз имкониятларини тўла рўёбга чиқаришга қаратилган олий мақсадини, интилишини мужассам ифодалайди. Миллий ғоянинг, олий мақсаднинг мазмун-моҳиятини, унинг асосий тушунчалари, тамойиллари, қадриятлари, мезонлари, меъёрлари, бу мақсад йўлида ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоларни, амалга ошириш юзасидан дастурларни, чора-тадбирларни, вазифаларни миллий мафқура аниқлаб, белгилаб беради.

Ҳар қандай ислоҳотларнинг муваффақияти уларни жамият аъзолари тўғри қабул қилишига, қўллаб-қувватлашига боғлиқ. Миллий мафқура уларни халқ онгига етказишга, одамларни миллий ғояга, ислоҳотлар ғояларига содиқлик руҳида тарбиялашга хизмат қилади. Бунда унинг маънавий моҳияти намоён бўлади. Миллий мафқура халқимизга ўзлигини, ўзининг миллий манфаатларини чуқур тушунишга, билиб олишга, шахс ва жамият манфаатларини уйғунлаштиришга ёрдам беради.

Миллий мафкура ҳар бир алоҳида шахсга ҳам, бутун миллатга ҳам ўз ютуқлари қаторида камчиликларини англаб олишга, уларни бартараф этишга иштиёқ туғдириши, бу борада миллий иродани мустаҳкамлаши керак. Шунда миллий мафкуранинг маънавий моҳияти, яратувчилик салоҳияти янада ёрқинроқ юзага чиқади. Миллий мафкура халқимизни жипслаштиришга, одамларимизнинг маънавий комилликка интилишига хизмат қилади. Миллий истиқлол мафкураси тор синфий-табақавий мазмунга эга эмас, у аҳолининг муайян қатламининг, муайян табақасининг, синфининг манфаатларини эмас, бутун халқнинг, мамлакат аҳолисининг манфаатларини, бутун жамиятнинг манфаатларини акс эттиради. У синфийлик ва партиявийликдан холи. Унинг ортида давлат кучи ва ресурслари тургани йўқ. Зеро, у давлат мақомига эга эмас.

Давлат мақоми уч асосий мезонга, тамойилга таянади: 1) умумийлик (хамма учун бирдайлик); 2) мажбурийлик; 3) қонун билан мустаҳкамланганлик. Агар мазкур уч мезондан бирортаси бўлмаса, давлат мақоми вужудга келмайди. Миллий истиқлол мафкураси қонун билан мустаҳкамланмаган, у ҳеч кимга мажбурий эмас. У Ўзбекистон Конституциясининг 12-моддасига, ҳеч бир мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас, деган меъёрга зид эмас.

Миллий мафкура халқимиз томонидан ихтиёрий қабул қилинади. У давлат мафкураси эмас, балки фуқаролик жамияти мафкурасидир. Шу сабабли миллий мафкура ва миллий маънавият ўртасида кўпинча айният муносабатлари кузатилади. Хулоса қиладиган бўлсак, миллий истиқлол мафкурасининг маънавий моҳияти, биринчидан, халқимизга мустақил ривожланиш йўлини кўрсатиб беришида, иккинчидан, амалий бунёдкорлик ҳаракатларини, ислохотлар дастурини асослашда, учинчидан, тафаккур эркинлигини, фикрлар хилма-хиллигини тан олишида намоён бўлади. Тўртинчидан, ёш авлодда мафкуравий иммунитетни шакллантиришда, бешинчидан, миллий маданиятимизни, халқимиз онгини бузғунчи ғоялардан, ахборот хуружи ва маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилишда, олтинчидан, миллий ва умуминсоний кадрятлар муштараклиги асосида миллий маънавияти-

мизни ривожлантиришда, еттинчидан, комил инсонни тарбиялаш самарадорлигини оширишда юзага чиқади.

Миллий истиклол мафқурасини ривожлантиришда биз юқорида қайд этилганларни доимо ҳисобга олишимиз зарур. Миллий мафқура ҳеч қандай ҳолатда ҳам бево-сита ёки билвосита миллий маҳдудлик (миллий изоляци-онизм), миллий манманлик томон силжимаслиги керак. У давлат мафқураси сифатида талқин қилинмаслиги шарт. Миллий мафқуранинг кучи, маънавий таъсири миллий манфаатларни умуминсонийлик, илмий холислик, адек-ватлик ва халқаро ҳуқуқ меъёрларини ҳисобга олиб талқин қилишда, ифодалашда юзага чиқиши зарур, зинҳор маж-бурликда ва ҳуқуқий кафолатланганликда эмас. Шунда у кўпмиллатли Ўзбекистон халқини жипслаштириб, озод ва обод Ватанда эркин ва фаровон ҳаётни барпо этишдек улуғ ғояни амалга оширишга сафарбар эта олади. Шунда миллий мафқуранинг маънавий моҳияти янада ёрқинроқ намоён бўлади.

Шундай қилиб, мафқура маънавият билан чамбарчас боғлиқ. Аниқроғи, маънавий онгнинг бир бўлаги. Лекин мафқура кенг мазмунда ҳам, тор мазмунда ҳам маънавий онгга, маънавий маданиятга тўлиқ кирмайди. Чунки сиё-сий мафқурада кўпинча тор партиявий мақсадлар йўли-даги кураш, баъзан бу курашда сайловчиларни, аҳолини чалғитиш, алдаш, нотўғри, сохта ғояларни тарғиб этиш кучаяди. Улар маънавиятдан кўра кўпроқ унинг акси – маънавиятсизликка мисолдир. Кенг мазмундаги маф-қурада – фалсафа, дин, адабиёт, санъат ва ш.к. да ҳам субъектив қарашлар, хато ғоялар олга сурилиши мумкин. Табиийки, улар бевосита маънавият таркибига кирмайди, балки унга салбий таъсир кўрсатади.

## **19. МАЪНАВИЯТ ВА МИЛЛИЙ ҒОЯ**

Инсоният қўлга киритган барча моддий ва маънавий ютуқлар негизида қандайдир кашфиёт, қандайдир ғоя ётади. Аввал таъкидлаганимиздек, ғилдиракни ибтидоий жамиятда яшаган бизга номаълум даҳо ихтиро қилган. Халқларнинг ўзаро ҳамкорлиги, тинч-тотув яшаб, бир-би-

ридан ўрганиши, ёки аксинча, рақобатлари, тўқнашувлари асосида ҳам қандайдир ғоя, мафкура ётади.

Шундай қилиб, нафақат ютуқлар, шунингдек, инсоният бошига тушган ижтимоий кулфатлар (зилзила, сув тошқини, ёнғинлар, эпидемияларга ўхшаш табиий кулфатлар эмас) – урушлар, босқинчилик, ҳарбий тўқнашувлар, жиноятчилик, ўғрилик, зўравонлик ва ш.к.лар асосида ҳам қандайдир ғоя, бу сафар бузгунчи ёки хато ғоя туради. Шу сабабдан инсоният тарихини ғоялар тарихи сифатида ҳам ўрганиш мумкин ва жоиз. Бу, албатта, анъанавий тарих фани доирасидан четга чиқади ва фалсафа, маънавиятшунослик, маданиятшунослик ёки тадқиқ этилаётган ғояларнинг мазмун-моҳиятига кўра муайян ижтимоий-гуманитар фаннинг объектига айланади. Тарихни воқеалар, ҳодисалар, жараёнлар хронологик занжири сифатида эмас, ғоялар тарихи, ғоялар кураши тарихи эканига дастлаб буюк файласуф Ҳегел диққатни қаратган эди. Ҳегел учун ғоя табиий ва ижтимоий борлиқнинг, жумладан, инсоният тарихининг субстанциал асосини (қурилиш материалини) ва ҳаракатлантирувчи кучини, ривожланиш омилини ташкил этади. Шундай қилиб, тарихий жараён – бу ғоялар ривожланиши, улар ўртасидаги зиддият, кураш, конфликт, унинг ҳал қилиниши, янги ғоялар ва улар ўртасидаги зиддиятлар пайдо бўлишидир. Агар улар барҳам топса, тарих ҳам тугайди. Марксизм доирасида Ҳегелнинг мазкур фикри фалсафа тарихи фанининг предметиға бағишланган маърузада 1946 йилда А.А.Жданов (собик КПССнинг идеология масалалари бўйича котиби) томонидан айтилган эди. У масалаға ўта бир томонлама – синфийлик, синфий кураш нуқтаи назаридан ёндашган бўлса-да, унинг фикрида, хусусан, фалсафа тарихини ғоялар кураши тарихи сифатида талқин қилишда маълум рационал мағиз бор эди (Жданов фалсафа тарихи – бу 2,5 минг йиллик материализм ва идеализм ўртасидаги кураш тарихидир, деб талқин қилган эди).

Агар масалаға синфий кураш, синфий манфаатлар, партиявийлик ва курашчан атеизм, материализм ёки идеализмни улуғлаш, аввалдан белгиланган ижобий ёки салбий баҳолар нуқтаи назаридан эмас, балки илмий ҳолислик, миллий ва умуминсоний манфаатлардан келиб

чикиб ёндашилса, яхши илмий самарага эришиш мумкин. Шунда биз тарихни ҳам, инсоният ривожланишини ҳам, ижтимоий онг шаклларининг ва маданиятнинг юксалиш қонуниятини ҳам чуқурроқ, кенгроқ ва назарий жиҳатдан яхшироқ тушуниш имконига эга бўламиз. Ушбу маънода инсоният тарихини ғоялар тарихи сифатида талқин қилиш катта илмий-фалсафий аҳамиятга эга. У анъанавий тарихни ва муайян фанлар ривожланиш тарихини ўрганишни тўлдиради, инсон тафаккури маҳсули бўлган ва тарихий жараёнга таъсир қилган ҳар хил ғоялар билан бойитади. Аммо зинҳор анъанавий тарихни ҳам, муайян фанлар тарихини ҳам сиқиб чиқармайди, уларнинг ўрнини эгалламайди, балки, яна бир бор қайтарамиз, тўлдиради.

Тарих фани воқеалар, ҳодисалар, муносабатлар сабабини асосан ижтимоий-сиёсий омилларга, ижтимоий-иқтисодий манфаатларга, жуда кам ҳолларда психологик омилларга (жаҳл устида ёки ошику беқарорлик туфайли нотўғри қарор қабул қилиш, оқибатда ижтимоий-сиёсий барқарорлик, давомийлик бузилиши ва ш.к.) олиб бориб боғлайди. Баъзан мафкуравий омиллар, масалан, диний-этикодий келишмовчиликлар, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик кабилар сабаб қилиб кўрсатилади. Мафкуравий омиллар бундай шаклда ижтимоий-сиёсий омилларнинг бир кўринишидир.

Ғоялар мафкуравий омиллардир. Лекин улар орасида бевосита у ёки бу гуруҳнинг сиёсий манфаатига эмас, бутун жамиятнинг манфаатига, тарихий тараққиёт заруратига мослари талайгина. Булар қаторида, биринчи галда, илмий-техникавий ва технологик ғоялар, жамият ҳаётини ташкил этиш ва бошқаришни такомиллаштиришга, инсонпарварликни ҳимоя қилиш ва юзага чиқаришга қаратилган ғоялар киради. Айнан шулар ижтимоий тараққиётнинг асосий тенденциясини, стратегик интилишларини белгилайди. Турли синфлар, табақалар, гуруҳлар манфаатларини ифодаловчи ғоялар тўқнашуви тараққиётнинг тактик йўналишига, амалда қандай кечишига таъсир кўрсатади. Жамият ривожланишига таъсир кўрсатадиган яна бир ғоя бор. У тор мазмундаги илмий-техник ёки ижтимоий-сиёсий ғоя эмас, балки муайян халқни жипслаштирувчи,

унинг олий стратегик мақсадини, тарихий даъвосини ифодаловчи миллий ғоядир. У миллатнинг тарихи, яшаш тарзи билан чамбарчас боғланган келажак истиқболга оид асосий арконий ғоялар, тушунчалар, мезонлар, тамойиллар, кадриятлар негизда шаклланади.

Агар у бунёдкор ғоялар негизда шаклланса, муайян синф ёки табақанинг манфаатларини эмас, балки бутун халқнинг манфаатларини ҳамда мамлакат тараққиётининг асосий тенденциясини, стратегик олий мақсадларини ифодалайди. Миллий ғоя жамият ҳаётининг барча соҳаларида, бўғинлари ва поғоналарида консолидацион (жиқлаштирувчи) роль ўйнайди. Биринчидан, барча синфлар, табақалар, ижтимоий гуруҳлар миллий ғоя негизда ўз манфаатларини жамият манфаатлари билан мувозанатга келтиради. Иккинчидан, ҳокимиятнинг учта тармоғини ҳам миллий ғоя бирлаштиради. Учинчидан, стратегик тараққиёт йўналишини ва мақсадларини белгилаб беради. Тўртинчидан, жамият ҳаёти турли соҳаларининг ривожланишини, турли синфлар, табақалар сиёсий фаолиятини мувозанатга келтиради, тартибга солади. Бешинчидан, миллий ғоя комил инсонни тарбиялашга жамиятнинг таълим-тарбия тизимини, зарур моддий-иқтисодий ва маънавий-мафкуравий ресурсларини сафарбар этади.

Юқорида эътироф этилганлардан миллий ғоянинг ижтимоий тараққиётда турган ўрни ва аҳамияти келиб чиқади. Ушбу муносабат билан яна бир бор таъкидлаш жоизки, миллий ғоя бундай аҳамиятни касб этиши учун у инсонпарвар, тараққийпарвар, бунёдкор ғояларга асосланиши лозим. Агар миллий ғоя тажовузкор, бузғунчи ғояларга асосланса ёки улар қандайдир йўл билан қисман унинг таркибига илашиб кириб қолса, миллий ғоянинг жамият ва инсон тараққиётига таъсири зиддиятли ва салбий оқибатларга бой бўлади. Масалан, мустамлакачиликка, ўз халқи ва бошқа халқларга нисбатан зўравонлик кўлланилишига, бошқача фикрлайдиганларни аксилватанпарварликда айблаб, таъқиб қилишга ва ш.к. нохушликларга олиб келиши мумкин.

Ўзбекистоннинг миллий ғояси – озод ва обод Ватанда эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдир. У этник мазмунга эга эмас. «Миллий» сифати бу ерда этник мансубликни



англатмайди, балки жамиятга оидликни билдиради. Шу сабаб бизнинг миллий ғоямиз Ўзбекистонда яшовчи барча халқлар озодлиги, мустақиллиги ва фаровонлиги учун курашга чорлайди. Бир мамлакат ичида унинг қайсидир этник гуруҳлари эркин ва озод бўлиб, бошқалари қарам ва тутқин бўлиши мумкин эмас. Собиқ СССРда зимдан руслаштириш сиёсати олиб борилганига, чекка республикалар тараққиётига етарлича эътибор берилмаганига қарамасдан, рус халқининг ўзи ҳам, бошқалар каби, эркин эмас эди. У ҳам мустабид тузумнинг барча зўравонлигини, азоб-уқубатларини бошдан ўтказган эди.

Ўзбекистонда, адабиётларда келтирилишича, 130дан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшайди. Улар муштарак, бус-бутун Ўзбекистон халқини ташкил этади. Миллий ғоя уларнинг барчасига бирдай тааллуқли. Миллий ғоянинг бундай хусусиятларини мамлакат фуқаролари учун бирдай хизмат қиладиган бошқа қадриятларга киёслаш мумкин. Масалан, герб, мадҳия, байроқ юртимизнинг барча фуқароларини расмий анжуманларда, йиғинларда, тадбирларда, мусобақаларда бошқаларга танитади, уларнинг Ўзбекистонга мансублигини ифодалайди. Юртимизда яшовчи 130дан ортиқ миллат ва элатларнинг ҳар бири ўзининг байроғи, герби ва мадҳиясини яратмайди. Худди шундай уларнинг ҳар бири алоҳида ўз миллий ғоясини ҳам шакллантирмайди.

Ўзбекистоннинг миллий ғояси юртимизда яшовчи кўпмиллатли ягона халқнинг олий мақсадларини, орзу-истакларини ифодалайди. Бу миллий ғоямизни ҳаётга тадбиқ этиш кўпмиллатли Ўзбекистон халқининг озодлиги, мустақиллиги ва фаровонлиги учун курашининг амалий дастуридир, десак, хато бўлмайди.

Миллий ғоя ва маънавият ўртасида диалектик бирлик мавжуд. *Миллий ғоя халқнинг олий мақсадлари, идеаллари, эркинликка ва тараққиётга интилишининг мужассам ифодаси сифатида миллий маънавиятнинг моҳиятли, ўзак тушунчасини ташкил этади.* Миллий ғоя маънавиятни келажак мақсадларга йўналтиради. Унинг бугунги аҳволининг, савиясини, қадриятлар тизимини, меъёрлари ва баҳоларини миллат олдидаги олий мақсад нуктаи назаридан таҳлил қилиш имконини яратади. Ушбу маъно-

да миллий гоя маънавиятнинг ўзига хос мезонига, илмий критерийига айланади. Маънавиятнинг инсонпарварлик даражасини, юксалишини унинг қай даражада миллий гояга мослигидан, у билан уйғунлигидан келиб чиқиб аниқлашимиз мумкин.

Миллий гоя маънавиятнинг моҳиятли мазмуни, ядро-си сифатида маънавиятнинг бошқа таркибий қисмларини – ахлоқни, нафосатни, ҳуқуқни, илм-фанни, адабиёт ва санъатни, дунёвий ва диний эътиқодни, Ўзбекистонда яшовчи бошқа халқларнинг маънавий ҳаётини ўз теварагида бирлаштиради. Уларнинг фаолиятини, ривожланишини мувофиқлаштиради, уларга умумий ижтимоий мўлжал кўрсатади. Шу сабабдан миллий гоя ва маънавий юксалиш ўртасида уйғунлик вужудга келади десак, тўғри бўлади.

Миллий гоя ва маънавият ўртасидаги диалектик алоқаларни моҳият ва ҳодиса ўртасидаги алоқаларга қиёслаш мумкин. *Миллий гоя – моҳият, маънавият – ҳодиса.* Моҳият турли кўринишларда, шаклларда, ранг-баранг конкрет мазмунда воқе бўлади, юзага чиқади. Воқелик ўзгарувчан, ривожланувчан ҳодисадир. У, масалан, ахлоқ шаклида, ахлоқий қонун, категория, тушунча, гоя мазмунида ҳам воқе бўлиши мумкин. Лекин моҳият барқарор. Миллий гоя моҳият сифатида ахлоқда ҳам, ҳуқуқда ҳам, сиёсатда ҳам, нафосатда ҳам доимо инсонпарварликни, эркинликни, тараққийпарварлик ва фаровонлик гоясини ифодалайди.

Маънавият ифодалайдиган моҳият-мазмун илмий гоя билан уйғун бўлсагина, маънавият ички зиддиятлардан анча холи бўлади. Унинг турли тенденциялари ўртасида мувозанат, айният вужудга келади. Аксинча, маънавият ифодалайдиган моҳият-мазмун миллий гояга мос келмаса, ёки миллий гоянинг ўзида камчилик бўлса, у инсонпарварлик, эзгулик гояларидан биров чекинса, маънавият ички зиддиятларга, қарама-қаршиликларга бой бўлади. Унда нисбатан илғор, инсонпарвар гоялар қаторида консерватив, ҳатто реакцион, ногуманистик гоялар кўпайди. Бунга мисол қилиб ахлоқий муаммолар, жиноятчилик кўпайиб кетган ривожланган мамлакатларни, ёки экстремизм ва шу хилдаги жиноятчилар, ички қонли тўқнашувлар ка-

маймаётган айрим ривожланаётган мамлакатларни келтириш мумкин. Уларда ё миллий ғоя умуман йўқ, ё миллий ғоя тажовузкорлик ва ногуманистик жиҳатлар касб этган. Бунёдкорлик билан йўғрилган миллий ғоя халқнинг олий мақсадларини ифодлаш орқали уни амалий хатти-ҳаракатга ундайди, сафарбар этади, бирлаштиради. Миллий ғоя теварагида у ифодаланган мақсадга эришиш йўллари, усуллари ва воситаларини илмий жиҳатдан асословчи мафкура шаклланади, ижтимоий ҳаётнинг ҳар бир соҳаси ва йўналиши бўйича конкрет, аниқ дастурлар ишлаб чиқилади. Миллий ғоя шу боисдан халқимиз озодлиги, мустақиллиги ва фаровонлиги, жамиятимиз ҳар томонлама ривожланиши учун курашнинг дастуриламали, яъни амалий дастуридир деймиз. Чунки ҳар қандай амалий курашимиз, бунёдкорлик ишларимиз, стратегик ривожланиш дастуримиз негизини миллий ғоямиз ташкил этади.

Миллий ғоя ва маънавият ўртасидаги уйғунлик ҳақида гапирганда, биринчи галда биз Ўзбекистоннинг миллий ғояси ва маънавиятимиз ўртасидаги уйғунликни назарда тутамиз. Ҳақиқатан, миллий ғоямиз ифодаляйдиган озод ва обод Ватанда эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш ғояси халқимизнинг олий мақсадини, идеалини, асрий орзу-ҳавасини, интилишини акс эттиради. Маънавий меросимизни, тарихий хотирамизни тиклаб, ундан баҳраманд бўлиш ҳам шунчаки ўтмиш ҳақидаги қизиқишларимизни қондириш учун эмас, балки аждодлар тажрибасини ўзлаштириб, улар руҳиятидан мадад олиб, келажак тараққиёт учун таянч топиш мақсадини кўзлайди. Жаҳон халқлари маънавий ютуқларини, умуминсоний кадриятларни ўзлаштириш ҳам уларни миллий кадриятларимиз билан чамбарчаслаштириб, ўзаро бойитиб, келажак сари дадил одим ташлаш мақсадини кўзлайди.

Миллий ғоямиз ва маънавиятимиз уйғунлиги, айниқса, миллий ғоямизнинг асосий тушунча ва тамойилларида яққол акс этади. «Бутун инсоният тарихи, халқимизнинг неча минг йиллик ўтмиши аччиқ сабоқ ва хулосалар асосида бир ҳақиқатни исботлаб бермоқда, — деб ёзган эди Ислом Каримов. — Яъни, биз барқарор тараққиёт ва фаровон ҳаётга эришиш йўлида ўз олдимизга қандай режа

ва дастурларни қўймайлик, барча олижаноб орзу-инти-лишларимизни амалга оширишнинг ягона шартини ва гаровини – бу тинчлик ва осойишталикдир»<sup>1</sup>. Фикрларини давом эттириб, Ислом Каримов миллий ғоямизнинг асосий мазмунини ифодалайдиган йўналишлар орасида Ватан равнақи ва тараққиётини эътироф этади. У Ватан равнақи, аввало, унинг фарзандларига, уларнинг маънавий ва жисмоний камолотига бевосита боғлиқлигини қайд этади. Ватан равнақи ва халқ фаровонлиги масаласи ўзаро чамбарчас боғлиқ тушунчалар эканига диққатни жалб қилади. Мулоҳазаларни умумлаштириб, Ислом Каримов шундай хулосага келади: «Миллий ғоямизга қайси томондан таъриф ва баҳо бермайлик, халқимизни бирлаштирадиган бу олий мақсадлар (юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги – А.Э.) асрлар давомида унинг юрагидан, қалбидан жой олиб келган орзу-армон ва эзгу интилишлар билан чамбарчас боғлиқ эканига ишонч ҳосил қиламиз»<sup>2</sup>.

Халқимизнинг олий мақсад ва идеалларини акс эттирувчи бу учта асосий тушунчалардан ташқари миллий ғоямиз яна тўртта асосий тамойилга таянади. Булар – комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенгликдир. «Комил инсон» маънавиятнинг шахс тарбияси мақсадлари билан боғлиқ тизим яратувчи ва фаолият кўрсатишини, ривожланишини йўналтирувчи асосий гуманистик тамойилларидан биридир. «Ислохотлар ислохот учун эмас – инсон учун» тамойилини кенгайтириб, «жамият тараққиёти тараққиёт учун эмас – инсон учун» десак, хато қилмаймиз. Жамият тараққиётида инсон восита эмас, мақсадга айлансагина, комил инсонни тарбиялаш учун зарур ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий муҳит вужудга келади.

Ижтимоий тараққиёт инсонга муносиб турмуш шароити яратишга, унинг шахс сифатида ўз имкониятларини, қобилиятларини юзага чиқаришга қаратилиши лозим. Инсон – энг олий кадрини. «Инсон оламнинг меҳвари» деган нақл ҳам аслида инсон тараққиётнинг мақсади

<sup>1</sup> *Ислом Каримов*. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2015. 72–73-бетлар.

<sup>2</sup> Ўша асар, 75-б.

эканини англатади. Тараққийнинг, ижтимоий ҳаётнинг мақсади ўлароқ инсон нафси, ҳирси тизгинсиз, ўзининг худбин эҳтирослари ва манфаатларини ҳамма нарсадан устун қўядиган кимса бўлиши мумкин эмас. Аксинча, у жамият ва табиат билан, ўз ўзи (шахси) билан уйғун яшай оладиган шахс бўлиши лозим. Бунинг учун ундан маънан ва жисмонан комилликка эришиш талаб қилинади.

Халқимизнинг комил инсон тўғрисидаги қарашлари, идеали қаҳрамонлик эпослари – дostonларимизда ўз ифодасини топган. Гўрўғли, Алпомиш, Рустамхон, Кунтуғмиш ҳалол, мард паҳлавон, қўрқмас, жасур, эл учун, халқи учун жонини фидо қилишга тайёр, жисмонан ва ақлан етук, ватанпарвар ва ахлоқий қарашлари юксак кишилардир. «Авесто»да биз инсон комиллигининг асосий уч мезони акс этганини кўрамыз: эзгу фикр (ният), эзгу сўз, эзгу амал. Ўрта асрларда комил инсон ғояси ислом талаблари ва тасаввуф таълимоти доирасида ривожланди. Айниқса, Азизиддин Насафий ва Алишер Навоий асарларини алоҳида ажратиб кўрсатиш зарур.

Бугун биз комил инсон ғоясини ўз замонамиз талабларига боғлаб тушунамыз. Маънан етуклик чуқур билимларга, кенг дунёқарашга, мустаҳкам иродага, бузғунчи гояларга нисбатан кучли мафкуравий иммунитетга эга бўлишни, тараққийпарварликни, ўзгача қарашларга, маданиятларга, халқларга нисбатан толерантликни, ўз манфаатларини жамият манфаатлари билан уйғунлаштира олишни, умуминсоний қадриятларга содиқликни ва кўплаб бошқа конкрет талабларни билдиради. Жамият ривожлангани сайин комил инсонга қўйиладиган талаблар ортиб, бойиб бораверади.

Ижтимоий шериклик тамойили тўғрисида алоҳида тўхталиш керак. Ушбу тамойил анчагина мураккаб эканлиги, у баъзан тор ва бирёқлама талқин қилиниши мумкинлиги кейинги йилларда ойдинлашди. Маълумки, Ўзбекистонда «Ижтимоий шериклик» тўғрисида қонун қабул қилинди. Лекин қонун ҳам мазкур тамойилни маълум даражада бирёқлама тор тушуниш ва талқин қилишдан холи эмас. Қонун ижтимоий шерикликни давлат ҳокимияти (идоралари) ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасидаги ўзаро келишилган муносабатлар

сифатида талқин этади. Қонунда давлат ҳокимияти (идоралари) ва фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатлар ҳам ижтимоий шериклик экани қайд этилади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида алоҳида қонун мавжудлиги сабабли «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун уларни қайта такрорламайди. Бу тўғри.

Қайд этиш лозимки, давлат ҳокимияти ва нодавлат ноижорат ташкилотлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари муносабатлари ижтимоий шерикликнинг алоҳида йўналишларидир. Айти пайтда ижтимоий шериклик, биринчи навбатда, мулкка ҳуқуқий дахлдорлиги турлича бўлган синфларнинг, яъни иш берувчи, ишга ёлловчи мулкдорлар ва ишга ёлланувчилар шериклигидир. Индустириал жамиятда мулкдорлар ва ёлланма ишчи-ходимлар ўртасида муносабат кейингиларининг ашаддий эксплуатация қилинишига асосланган эди. Бу улар ўртасида ижтимоий конфронтацияни (қарама-қарши туришни), синфий курашни – забастовкалар, стачкалар, ғалаёнлар, инқилобларни – келтириб чиқарди. Постиндустириал жамиятда ижтимоий конфронтация анча юмшаса-да, тўлиқ йўқолмади. Лекин ички ва ташқи иқтисодий рақобат кучайди. Иқтисодий инқирозлар ҳам тўлиқ йўқолмади. Маълумки, инқироз пайтлари ишсизлар сони кескин кўпайиб кетади. Банкротга учраган корхонанинг нафақат мулкдорлари касодга учрайди, шунингдек, ишчи-ходимлари ҳам кўчада қолади. Иш топиш эса дарғумон. Иқтисодий инқироз шароитида забастовка ва стачкалар корхонанинг синиб қолишига сабаб бўлиши мумкин.

АҚШдаги Буюк Депрессия (1929–1934 йиллар; тўлиқ тикланиш учун яна 5 йил керак бўлган. АҚШ иқтисодиёти фақат 1939 йилда 1928 йил кўрсаткичларига чиққан) пайтида баъзи компаниялар ишчилари билан тил топишга, забастовка ва стачкаларнинг олдини олиш учун аввалдан уларга маълум масалаларда ён босишга, компаниянинг иқтисодий аҳволдан, кўрилаётган чоралардан хабардор қилишга ҳаракат қилди. Аста-секин ижтимоий конфронтация ўрнига ижтимоий шериклик қилиш ғояси туғила бошлади. Иккинчи жаҳон урушидан кейин 50-йиллар да-

вомида бу узил-кесил шаклланди. Ушбуда японларнинг хиссаси катта бўлди. Мулкдорлар (уларнинг номидан корхона маъмурияти) ва ёлланма ишчи-ходимлар (уларнинг номидан касаба уюшмаси ташкилоти ёки ишчилар сайлаган ваколатли комиссия) ўртасида жамоавий шартнома тузила бошлади.

Шартномаларда корхона тақдири учун ҳар икки томон (мулкдор ва ёлланма ишчи ходимлар) биргаликда жавобгарликни ўз зиммасига олиши, корхонанинг турли иқтисодий вазиятлардаги аҳволини ҳисобга олиб даромадларни, харажатларни келишилган ҳолда қайта тақсимлаш, меҳнат ва ижтимоий муҳофаза, ишчи-ходимларнинг малакасини ошириш, корхонани модернизация қилиш, иш ўринларини оптималлаштириш, реклама харажатлари – ҳуллас, корхона нормал ва самарали фаолият юритиши учун зарур барча масалаларда шериклик қилиш белгилаб олинди. Шундай қилиб, ижтимоий шериклик ғояси конкрет-аниқ тушунчалар билан бойиди ва ривожланди.

Ўзбекистонда туб ислохотлар бошланиб, бозор иқтисодиёти шаклланиши жараёнида ижтимоий ва мулкый табақаланишув юз бериши табиий эди. Мулкнинг турли шакллари вужудга келди. Улар тенгҳуқуқлилиқ асосида ривожланмоқда. Айни пайтда хусусий мулк ривожланишига устуворлик берилаётир. Шу сабабдан ислохотларнинг бошлариданоқ бозор иқтисодиётига ўтишда аҳолининг муҳтож қатламларини ижтимоий муҳофаза қилиш қаторида ижтимоий шерикликни қарор топтиришга эътибор кучайтирилди. Ижтимоий шериклик миллий ғоямизнинг асосий тамойилларидан бирига айланди.

Бугун Ўзбекистонда корхона мулкдори (унинг номидан корхона маъмурияти) ва ишчи-ходимларлар (улар номидан касаба уюшмаси бошланғич ташкилоти) ўртасида жамоавий шартномалар тузиш одатий ҳолга айланди. Худди шундай жамоавий шартнома вилоятлар ҳокимлиги, вилоят савдо-саноат палатаси ва вилоят касаба уюшмалари Кенгаши томонидан ҳам тузилмоқда. Бир неча йилдан буён республикамиз миқёсида шундай шартнома Вазирлар Маҳкамаси, Республика савдо-саноат палатаси ва Республика касаба уюшмалари Конфедерацияси томонидан тузилмоқда. Бу мисоллар миллий

Ғоямизнинг ижтимоий шериклик тамойили амалда ҳаётга қандай татбиқ этилаётганини кўрсатади. «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонун эса, кўриниб турибдики, амалиётдан, ҳаётдан бироз ортда қолган.

Миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик тамойилларини мустақил ўрганишни тавсия этамиз.

## 20. ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТ ВА МАЪНАВИЯТ

Инсон ер билан осмон ўртасида муаллақ яшамайди, ерда, табиат бағрида жойлашган жамиятда кун кечиради. Жамиятнинг ташки тузилмаси инсон томонидан ўзгартирилган, қайта яратилган, маданийлаштирилган табиатдир. Уй-жойлар, қишлоқ ва шаҳарлар, йўллар, экинзорлар, ариқ ва каналлар, меҳнат қуроллари, машина ва механизмлар, завод ва фабрикалар – бари табиатни, унинг маҳсулотларини, ерости ва ерусти бойликларини қайта ишлаш орқали юзага келган. Шу сабабдан жамият инсоннинг яшаш муҳити сифатида «иккинчи сунъий яратилган табиат» ҳам дейилади.

Экология атамаси юнонча ойкос – уй, ватан, логос – таълимот сўзларидан келиб чиққан. Бундан ташқари, ойкос ўзагидан ясалган яна бир юнонча атама бор – ойкумена. У табиатнинг инсон яшайдиган қисмини билдиради. Экология илмий атама сифатида икки мазмунда қўлланилмоқда. Биринчиси – экология биология фанининг ҳайвонлар, ўсимликлар, микроорганизмларнинг ўзаро ва атроф-муҳит билан алоқаларини, яшаш шароитининг ёмонлашиб кетмаслигини, биологик хилма-хилликни сақлаб қолишни ўрганадиган алоҳида қисмидир. Иккинчиси – ижтимоий экология инсон (жамият) ва атроф-муҳитнинг (табиатнинг) ўзаро алоқаларини, муносабатларини, табиат ресурсларидан оқилона фойдаланишни ўрганувчи жамиятшунослик (социология, социал философия ва ш.к.) фанининг таркибий қисмидир.

Инсон онгли меҳнат қила бошланганидан табиатга қайта ишлов беришга киришди. Ибтидоий одам ясаган биринчи тош қуролидан то замонавий лаборатория жиҳозларигача табиат бағридан юлиб олинган



маҳсулотлардан ясалган. Ибтидоий одам ўзининг атроф муҳит билан муносабатлари тўғрисида кўп ўйлаган. У табиатни ўзига асосан душман деб билган. Ундан қўрққан. Момақалди роқ гумбурлаши, яшин чакнаши, жала, бўрон, довул, йиртқич ҳайвонлар, заҳарли мевалар, илонлар, ҳашаротлар – ҳаммаси, гўёки, унга қарши эди. Бунинг устига ҳар доим ҳам ов ўнгидан келавермас, егулик ёввойи дон-дун ва мева-чева тез тугаб қолар, бошқа жойни излаш, доимо кўчиб юриш керак эди. Баъзан овчилардан кимдир овдан яраланиб қайтар, ҳатто ҳалок бўлар эди. Шу сабабдан ибтидоий одам табиат билан уйғун яшашига, уни «бошқарувчи» кучларни ўзига хайрихоҳ қилишига уринди.

Лекин ов ва термачилик билан шуғулланган ибтидоий одам (палеолит, мезолит даври) онгида борлиқни жонлантириш, табиатга сиғиниш эҳтиёжи бўлса-да, экологик қарашлар, тушунчалар деярли йўқ эди. Янги тош асрида (неолит) деҳқончилик ва чорвачилик ишлаб чиқаришнинг асосий турига айлангандан кейин оддий экологик ғоялар, қарашлар шакллана бошлади. Буни биз «Авесто»да яққол сезамиз. Дастлаб уларга диний тус берилди. Ерга ишлов бериб, дон сепиш, ҳосил етиштириш зулмат кучларига – девларга қарши курашнинг самарали усуллари билан бири ҳисобланди. Зардуштийлик тупроқ, ҳаво, сув ва оловни мукаддаслаштирди. Уларга оламнинг, борлиқнинг, табиатнинг, барча нарса ва предметларнинг моддий асосини ташкил этувчи унсурлар деб қаралди. Одамларнинг кундалик турмушида, маданиятида бу тўрт унсурга нисбатан эъзозли муносабатда бўлиш меъёрлари вужудга келди. Ариқлар, кудуклар, ҳовузлар, булоқлар, дарёлар (сув манбалари) тоза сақланиши, ифлос қилинмаслиги каби қоидалар шаклланди. Ҳозиргача уларнинг айримлари яшаб келмоқда. Масалан, кўчадан ариқ ўтган бўлса, ўзбеклар кўча супурганларида, ариқ томонга эмас, девор томонга қараб супурадилар. Сувга чанг ва чиқиндилар тушса, увол бўлади, деб ҳисоблайдилар. Бирор қуриган дарахтни кессалар, албатта, ўрнига, ёнига ёш кўчатни экадилар. Олов покланиш воситаси сифатида қабул қилинган сабали, жанубий Ўзбекистонда келин-куёв, албатта, гулхан теварагида уч марта айлана-

ди. Чорвадорлар бўғоз хайвонларни сўйишни, овлашни кадим замонлардаёқ тақиқлашган.

Ишлаб чиқариш ривожланиши табиий ресурслардан фойдаланишни мунтазам кўпайтириб келди. Бир далада сурункали бир неча йил давомида деҳқончилик қилиш, айниқса, бир ўсимлик турини ўстириш тупроқ унумдорлигининг пасайишига, далада зараркунандаларнинг кўпайишига сабаб бўлиши деҳқончилик билан шуғулланган минтақаларда жуда эрта пайқалган эди. Натижада, далага дам бериш, икки-уч йил ҳеч нарса экмасдан, ўз ҳолига ташлаб қўйиш ёки алмашлаб экиш, тупроқ таркибини маҳаллий ўғитлар (чириган нури, кул, эски деворлар тупроғи ва ш.к.) ёрдамида бойитиш усуллари ўзлаштирилди. Булар бевосита ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган дастлабки экологик билимлардир. Лекин бу билимлар жуда секин ўсди.

Молларни қандай асраш, касалликлардан ҳимоя қилиш, сутини, гўштини, жуни ва терисини истеъмолга фойдали этиб етиштириш учун нима билан боқиш, озуқа, ем-хашак жамғариш каби билимлар, кўникмалар тажриба асосида аста-секин кўпайиб бораверди. Ҳунарманд ҳам уй-рўзғор буюмларини, меҳнат қуроқларини инсон соғлиғига зарар етказмайдиган материаллардан яшашга уринди. Бунинг учун ҳар хил тупроқ, минераллар, тошлар, ёғочлар, кейинчалик металллардан яроқлиларни ажратиб олишни ўрганди. Деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик билан бирга ўзига хос илк экологик маданият шаклланди.

Аҳоли сони кўпайиб, янги ер майдонларини ўзлаштириш, экинзорларни кенгайтириш жараёнида инсоният илк бор йирик антропоген экологик муаммоларга дуч келди. Масалан, ҳозирги марказий Италия ҳудудида Рим империяси кучли ривожланган даврда узумзорлар ва экинзорларнинг анча қисми ботқоқлашиб кетди, боғдорчилик ва деҳқончиликка яроқсиз бўлиб қолди. Бу ирригация кенг қўлланилиб, мелиорацияга эътибор берилмагани туфайли юз берди. Аграр жамиятда, барибир, экологик онг ва экологик маданият анча паст эди. Тўғри, оз-оз бўлса-да, улар ривожланди, аммо жамият онгининг, маданиятининг алоҳида ихтисослашган соҳасини ташкил этмади. Ишлаб

чиқариш билимлари ва маданиятининг бир бўлаги сифатида қолаверди.

Индустриал жамиятда ҳам дастлаб экология масалаларига алоҳида эътибор қаратилмади. Аксинча, ишлаб чиқаришнинг экстенсив ривожланиши, янгидан-янги завод ва фабрикаларнинг кўпайиши, корчалонларнинг иложи борица кўп маҳсулот ишлаб чиқариб, бойишга интилиши табиий ресурслардан нооқилона, ҳатто ваҳшийларча фойдаланишни рағбатлантирди. Англияда катта майдонлардаги боғ-роғлар, ўрмонлар кесилиб, ўрнида момик жун берадиган қўйчилик фермалари вужудга келди. Чунки Англияда тўқиладиган жун матоларига жаҳон бозорида талаб катта эди. Завод ва фабрикалар мўриларидан чиқадиган тутун, ис газы, қурум шаҳарларнинг атмосферасини, ҳавони заҳарлади, улардан чиқадиган технологик сувлар дарёлар ва кўлларга оқизиб қўйилиб, сувни, балиқларни, сув жониворлари ва ўсимликларни заҳарлади. Натижада, ҳар хил касалликлар кўпайиб кетди. Индустриал жамиятнинг табиатга, атроф-муҳитга муносабатини буюк рус ёзувчиси И.С.Тургеневнинг «Оталар ва болалар» романининг қаҳрамони Евгений Базаровнинг қуйидаги сўзлари яхши очиб беради: «Табиат қошона, қаср эмас, балки устахонадир». Ёки кейинчалик пайдо бўлган бошқа бир қанотли ибора «Табиатдан хайр-эҳсон кутиб туrolмаймиз, уларни тортиб олиш бизнинг вазифамиздир». Аёнлашмоқдаки, индустриал жамиятда табиатга нисбатан истеъмомчилик муносабати устунлик қилган. Табиат ресурслари битмас-туганмас, чексиз ҳисобланган.

XIX асрда ер юзи аҳолиси анча кам эди. Индустриаллаштириш асосан Европа мамлакатларини, қисман АҚШ, Канада, Япония сингари айрим бошқа давлатларни қамраб олган эди. XX асрда индустриаллаштириш жаҳоннинг кўплаб мамлакатларига, барча қитъаларга тарқалди. Экологик муаммолар кескинлашиб кетди. Индустриаллаштириш даражаси паст мамлакатларда ҳам бу муаммолар вужудга келди. Биринчи галда кишлоқ хўжалиги суғорма, экинзорларини пестицидлар ёрдамида ҳашаротлар ва зараркунандалардан ҳимоялаш, ўғит ва дефолиантлардан фойдаланиш улардаги муаммоларни ҳатто ривожланган мамлакатларга нисбатан ҳам кескинлашти-

риб юборди. Ривожланган мамлакатларда маиший ва саноат чиқиндиларини, айниқса, XX асрнинг 70–80 йилларидан бошлаб атом электр станциялари чиқиндиларини сақлаш яна бир улкан экологик муаммога айланди. Фукусимадаги, Чернобилдагига ўхшаш техноген экологик ҳалокатлар, Орол денгизи ҳавзасидаги сингари қишлоқ хўжалигида сувдан нотўғри фойдаланиш оқибатида антропоген табиий ҳалокатлар юз берди.

XX асрнинг 60-йилларидан жамиятнинг экологик онгида кескин силжиш содир бўлди. Аста-секин баъзи пестицидларни (ДДТга ўхшаш) ишлаб чиқариш тўхтади. Завод ва фабрикаларни шаҳарлардан биров четда қуриш ва шаҳар марказларидан кўчиришга киришилди (баъзи давлатларда 50-йиллардан бошлаб), завод мўриларига заҳарли моддаларни тутиб қолиб, камайтирадиган филтрлар ўрнатилди. Технологик сувлар учун махсус резервуарлар қурилиб, имкон борича тозаланиб қайта ишлатила бошлади. Айниқса XX аср охирларида экологик муаммоларни англаш, инсониятнинг келажакда яшаб қолиши табиат ресурсларидан тежамли ва оқилона фойдаланиш, табиатни экологик ҳалокатлардан асраш билан боғлиқлигини жаҳон жамоатчилиги тушуниб етди.

Атмосферада озон қатламининг емирилаётгани, озон туйнуқлари пайдо бўлиб, кенгаяётгани, иқлимнинг глобал исиши ва музликларнинг эриб бораётгани инсониятни кўрkitиб қўйди. Дастлаб Япониянинг Киото шаҳрида 58 та давлат вакиллари атмосферага саноат қорхоналаридан чиқаётган ис газлари миқдорини камайтириш, аэрозол сифатида озон қатламига зарар етказмайдиган газлардан фойдаланиш ва шу каби баъзи масалалар бўйича шартнома имзоладилар. Лекин унга АҚШ ва Хитой сингари атмосферага энг кўп саноат чиқиндиси ташлайдиган мамлакатлар қўшилмади.

Экологик вазият жуда кескинлашиб келаётир ва ҳамон давом этмоқда. Натижада, 2015 йил охирида Парижда янги битим имзоланди. Энди унда 195 мамлакат, шу жумладан, АҚШ ва Хитой ҳам қатнашди. Лекин Париж битими мажбурий ҳужжат эмас. Уни бажариш ёки бажармаслик ҳар бир давлатнинг ихтиёрий ишидир. Аммо Париж битими қабул қилинишининг ўзи бутун инсоният

экологик онгида катта силжиш юз берганини кўрсатади. АҚШ президенти Д.Трамп унинг мамлакати Париж битими талабларини бажармаслигини 2017 йилда эълон қилди. Бугунги кунда инсониятнинг экологик онги, билимлари, хавф-хатарни ҳис қилиш даражаси анча ўсди. Аммо экологик маданияти ҳанузгача давр талаби даражасида эмас. Бу аҳолининг маиший экологик маданиятига ҳам, давлатларнинг глобал экологик сиёсатига ҳам тааллуқли. Аҳолининг бир қисми дарахтлар баргларини, маиший чиқиндиларни, айниқса, полиэтилен, пластмасса ва сунъий материаллардан тайёрланган чиқиндиларни ёқиб юбормоқда. Айрим кишилар маиший ахлатларни ва чиқиндиларни ариқларга, оқар сувларга ташлашга одатланган.

Маълумотларга кўра, жаҳон океанига ҳар йили 8 миллион тонна полиэтилен идишлари, пакетлари ва бошқа чиқиндилар ташланмоқда. Маълумки, улар сувда эримайди, денгиз жонворлари уларни истеъмол қилмайди. Агар аҳвол шундай давом этса, яқин келажакда полиэтилен идишлар сони жаҳон океанида балиқлар сонидан кўпайиб кетади. Ҳар йили жаҳон океанига 12–15 миллион тонна нефть чиқиндиси, хом ашёси тўкилаётгир. Нефть ташувчи танкерларнинг ҳалокати, аварияси, денгиз тубидан ўтган нефть қувурларининг ёрилиши, денгиз шельфидан нефть қазиб олаётган қурилмалардаги авариялар, танкерлар ва йирик кемаларни ювиб тозалашда тушадиган чиқиндилар жаҳон океанини булғамоқда. Бир томчи нефть тахминан 1 кв.метр сув юзини ёгли пленка билан қоплайди. Бугун жаҳон океанининг жами 361 миллион квадрат километрдан иборат юзасидан 150 миллион квадрат километрдан ортиғи нефть пленкаси билан қопланган. Бу жаҳон океанини ҳалок этиши учун етарли. Яхшиямки, сув тўлқинлари, шамоллар, бўронлар, довуллар сув юзини вақтинча бўлсада, пленкадан очиб, сувни аралаштириб туради.

«Global Footprint Network» маълумотларига кўра, 2017 йил август ойидан бошлаб инсоният йилига табиий ресурсларни табиат бир йилда тиклай олиш ҳажми ва имкониятидан кўпроқ истеъмол қила бошлади. Гап ер усти ресурслари ҳақида кетмоқда. Ер ости бойликлари аллақачон фақат камайиб бораётгир, чунки улар бир йилда

эмас, миллион йиллар давомида шаклланади. Дунёда бир йилда ишлатилаётган ёғоч, ёғоч маҳсулотлари ҳажми бир йилда ўсиши мумкин бўлган ўрмон дарахтлари ҳажмидан ортик. Натижада, ўрмонлар кесилиб, чўллар кенгаймоқда. Чучук ва сифатли ичимлик суви захираси камайиб бораётир. Қаердадир қаттик сурункали курғокчилик, ўрмон ёнғинлари, қаердадир кучли сурункали ёмғирлар оқибатида сув тошқинлари, экинзорлар ва шаҳар, қишлоқлар қаттик зарар кўрмоқда. Табиатда яшовчи жониворлар ўрмонларда ҳам, чўлларда ҳам, океанларда ҳам камайиб бораётир. Биологик хилма-хилликка путур етмоқда.

БМТ маълумотларига кўра, ҳозирнинг ўзидаёқ бир миллиарддан ортик киши хавфсиз ичимлик сувидан фойдаланиш имкониятига эга эмас. Ривожланаётган мамлакатлардаги 80 фоизга яқин касалликлар сабаби ичимлик суви сифатига бориб тақалади. Тупроқ эрозияси ҳам уни тиклаш суръатларидан устунлик қила бошлади. Мутахассислар 10–15 йилдан кейин сув ресурсларининг глобал инқирози юз беришини, 2030 йилга келиб эса ер қурраси аҳолисининг ярмидан кўпи чучик сувсиз қолишини башорат этмоқдалар.

Юқорида айтилганлардан вазият нақадар таҳликали экани аён бўлади. Лекин инсоният мазкур муаммоларни тўлиқ ҳал қилиш чорасини топмаса-да, уларнинг салбий оқибатларини минималлаштириш йўлларини топиши мумкин. Бунинг учун бир неча ижтимоий-гуманитар, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий, маънавий-эътиқодий муаммолар ҳал қилиниши лозим. Биринчидан, «демографик портлаш» давом этишининг олди олиниши зарур. Аҳолининг тез ўсиб бораётгани табиат ресурсларидан экстенсив фойдаланишни ҳам ўстирмоқда. Оилани режалаштириш, туғилишни камайтириш турмуш фаровонлиги, хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллиги ўсишига бевосита боғлиқ. Бундан ташқари, соғлиқни сақлаш тизими, маиший маданият, озиқ-овқат ва моддий таъминот қанча юқори бўлса, туғилиш шунча камаяди. Қолоқ мамлакатларда туғилиш кўрсаткичларининг жуда баландлиги ўтмишда болалар ўлимининг юқори бўлгани ва насл қолдиришни кафолатлаш инстинкти кучайгани билан боғлиқ.

Санитария-гигиена ва маиший маданият пастиги, юкумли касалликлар тез тарқалиши, тиббий хизмат етарлича ва қониқарли эмаслиги, тоза ичимлик суви етишмаслиги, очарчилик ва турли табиий офатлар туфайли қоқоқ мамлакатларда бир оиланинг ўн-ўн беш боласидан 2–3 таси яшаб қолган. Насл қолдириш табиий инстинкти ва оилани ҳимоя қилиш, оилада ишчи кучини кўпайтиришга қаратилган ижтимоий инстинкт туғилишни рағбатлантирган. Ўтган асрнинг 60–70 йилларидан бошлаб БМТ, Халқаро Қизил Ярим Ой ва Қизил Хот Жамияти, ЖССТ (Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти), бошқа халқаро ташкилотлар, илгор мамлакатлар ёрдамида миллий истиклолга эришган ривожланаётган мамлакатларда таъминот ва тиббиёт, таълим ва маданият даражаси анча ўсди. Турли соҳалар бўйича, жумладан, таълим ва тиббиёт бўйича миллий мутахассислар пайдо бўлди. Улар ривожланган мамлакатларда ўқиб, мутахассислик эгаллаб қайтдилар. Натижада, бу мамлакатларда болалар ўлими кескин камайди. Аҳолининг сезиларли қисмини кириб кетадиган йирик панэпидемиялар олди олинди. Аҳоли ёппасига халқаро ташкилотлар кўмагида эмланди. Бу гуманистик ҳаракатлар болалар, одамлар ўлимини кескин камайтирди. Аммо табиий ва ижтимоий инстинктни енгиш, одамлар онгини ўзгартириш гуманитар ёрдам кўрсатишдан, таълим, соғлиқни сақлаш, иқтисодиётни ривожлантиришдан кўра анча қийин. Бунинг учун 2–3 авлод умри давомида мамлакат барқарор ривожланиши, 2–3 авлод алмашиб, дунёқараш тамомила бошқа янги авлодлар шаклланиши лозим. Ана шунда туғилиш анча камаяди.

Иккинчидан, ривожланаётган мамлакатларда ички ва ташқи сиёсий барқарорликка эришиш, регионал низоларни, маҳаллийчилик, қабила-уруғчилик, этник можароларни бартараф этиш керак. Учунчидан, ривожланаётган мамлакатларда иқтисодиётни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, таълим, соғлиқни сақлашни замон талаблари даражасига кўтариш зарур. Тўртинчидан, одамларнинг оилани режалаштириш, хомиладорликнинг олдини олишга нисбатан диний-этиқодий ва ҳуқуқий қарашларини ўзгартириш лозим. Хуллас, экологик муаммолар кескинлигини юмшатиш ва табиат ресурслари-

ни авайлаш биринчи галда демографик муаммони ҳал қилиш билан боғлиқ.

Бешинчидан, ўрмонлар кесилиб кетишининг, ўрмонлар ёнғиндан ҳалок бўлишининг олдини олиш, қазилма бойликлардан, ноёб минераллардан фойдаланишни камайтириш мақсадида сунъий ва композит материалларга, тикланадиган энергия манбаларига ўтиш ёки уларнинг ишлаб чиқаришдаги ва одамлар ҳаётидаги улушини сезиларли ошириш шарт. Бу борада анча ишлар қилинмоқда. Янги технологиялар жадал ривожланмоқда. Аммо турли халакит берувчи омиллар ҳам талайгина.

Давлатларнинг саноат корхоналарига, транспорт воситаларига қўяётган экологик талаблари ҳозирча локал характерга эга. Масалани тубдан ҳал қилмайди. Шу сабабли, таникли немис файласуфи В.Хёсле бундан чорак аср бурун (XX аср 90-йиллари) ўзининг глобал экологик концепциясини олға сурди. Хёсленинг мазкур концепциясининг рус тилида 1994 йил Москвада нашр этилган «Экология и философия» асарида батафсил баён қилинган. Унинг мазмуни ҳақида Муҳиддин Раҳимнинг «Пойимизда муз чатнаганда» номли мақоласидан билиб олиш мумкин («Тафаккур» журнали. 2014 йил 1-сон). Муҳиддин Раҳим мақоласидан иқтибос келтирамир: «Хёсле бугунги экологик вазиятни қуйидаги мажоз орқали ифодалайди. Тасаввур қилинган, сиз муз билан қопланган қўл устидасиз. Бир пайт оёғингиз остида қўққис дарз ҳосил бўлди. Миянгизда, ҳализамон қўл домига тортади, деган фикр ярқ этди. Лекин ҳалокатни ҳис этиш билангина жонингизни қутқара олмайсиз. Нажот топмоқ учун бу ҳис ҳаракатга айланмоғи лозим. Кўз қирини солсангиз, ордан кўра олдга йўл яқинроқ. Демак, шу томонга қараб юриш – қирғоққа етиб олиш даркор (В. Хёсле. Экология и философия, стр.7)».

Инсоният доимо тараққиётга интилади. Аммо тараққиётни турли даврларда турлича тушунган. Хёсле фикрича, у аграр жамиятда (антик ва ўрта асрларда) пастдан юқорига қараб интилиш, вертикал юксалиш сифатида тушунган. Индустириал жамиятда у горизонтал – ордан олға томон интилиш сифатида тушуниб, ҳамон шундайлигича қолмоқда. Бу бугун кечагидан, эртага бугундан яхшироқ,



тўкинрок, фаровонрок яшашни, моддий ва маданий истеъмол миқдори муттасил ошиб боришини билдиради. Бундай тушунишда тараққиёт қанча илгариласа, табиат шунча талон-торож этилади, шунча чиқиндига тўлади.

Ҳёсле фикрича. ҳозирги глобал экологик инқирозга сабаб бўлган уч омил бор: булар фан, техника ва иктисодиётдир. Лекин замонавий жамият улардан воз кеча олмайди, экологик инқироздан эса чиқиш зарур. Бунинг учун жамият тараққиётининг янги парадигмасига ўтиш зарур. Янги парадигмада «учлик» саклаб қолинган ҳолда, уни тубдан ислоҳ қилиш лозим. Биринчидан, фан бундан кейин пароканда эмас (экология ва тараққиёт масалаларида – А.Э.), балки узвий – бир бутун бўлиши, илмий тафаккур ўзагини эса эзгулик ғояси ташкил этиши лозим. Иккинчидан, ҳар қандай техникавий лойиҳага қўл уришдан олдин, агар бу лойиҳа салбий оқибатларни келтириб чиқарилиши тахмин этилса, ундан ҳеч иккиланмай воз кечилмоғи керак. Учинчидан, бозор иктисодиёти аҳоли эҳтиёжини қондиришда бошқа усуллардан афзал экани боис саклаб қолиниб, лекин эҳтиёжлар чексизлиги «касал»идан халос этилиши зарур.

Ҳёсле жамият фалсафий, ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий, иктисодий, демографик қарашларини, амалиётини ислоҳ этишга оид кўплаб таклифларни, ғояларни олга суради. Умумий манфаат деганда келгуси авлодлар манфаати ҳам кўзда тутиладими? Унда қай бир кадрият устунрок: бугунги авлоднинг фаровонлигими ёки келгуси насллар ҳаётими? Фаровонлик аслида ўзингни яхши ҳис этмок, яъни миқдор эмас, балки сифат-ку, дея хитоб этади. Ҳёсленинг яна бир муҳим фикрини келтирамиз: «Ҳозирча идеал давлат деганда, асосан, ижтимоий, демократик, ҳуқуқий давлат кўзда тутилган бўлса, бундан буён унга экологик деган сифат ҳам қўшилмоғи лозим. Бу эса эндиликда табиатни асраш давлатнинг энг муҳим вазифалари каторидан жой олади демакдир» (ўша асар, 137-б).

Ҳёследан ташқари бошқа олимлар ва Рим клуби ҳам экологик инқироздан чиқиш юзасидан қизиқ фикрларни билдирганлар. Уларнинг кўпчилиги аниқ чора-тадбирларни, таклифларни олға сурадилар. Бойиш хирси, трансмиллий компанияларнинг худбинлиги каби инқирозларнинг

сабабларини кўрсатадилар. Масалан, ўтган асрнинг 30-йилларидаёқ автомобиллар, тракторлар ва ички ёниш двигателларини, яъни нефть ёнилғисида ишлайдиган транспорт воситаларини эмас, электр энергияси ёрдамида ҳаракатланадиган транспортни ривожлантириш технологиялари кашф этилган. Лекин уларга йўл берилмаган. Чунки бу нефть компаниялари манфаатларига зид эди. Ҳозир ҳам муқобил транспорт воситалари, автомобиль ва моторлар ишлаб чиқаришга нефть компаниялари тўсиқ бўлмоқда. АҚШда яшаган буюк олим, ихтирочи Никола Тесла нефть ёқилғиси ишлатмайдиган электр двигателларни, электр энергиясини симсиз узатиш усулини кашф этган. Ўзига шундай принципа ишлайдиган автомобиль ҳам ясаб олган. У умрининг охирида АҚШ президенти Делано Рузвельт билан учрашиб, барча қўлёзмаларини бермоқчи бўлган. Аммо келишилган учрашувдан бир кун аввал сирли равишда ўлиб қолган. Тесланинг бирорта қўлёзмаси топилмаган. Олим нефть трансмиллий компаниялари ёллаган қотил томонидан ўлдириб юборилган, унинг илмий тадқиқотлари акс этган қўлёзмалари йўқ қилинган ёки ўғирлаб кетилган деган тахминлар йўқ эмас.

В.Хёсле, бошқа олимлардан фарқли, масалага ҳар томонлама ёндашади. Амалда у экология фалсафасини яратди, жамиятнинг янги экологик онги ва маданиятини яратиш концепциясини олга сурди. Фақат бугунгидан фарқ қиладиган янги экологик маданият келажакда табиат ва жамият уйғунлигини таъминлаши мумкин. Янги экологик онг ва маданият жамият миқёсида ҳам, алоҳида шахсда ҳам атроф муҳит соғлиги учун масъулиятни шакллантириши лозим. Келажак инсонининг муҳим моҳиятли белгиларидан бири табиат ва жамият билан уйғун яшай олишдир. Уйғунлик эса ўз хатти-ҳаракати, муносабатлари, эҳтиёжларини таъминлаш воситаларига, жумладан, табиатга, унинг ресурсларига оқилона ва масъулият билан ёндашишдир. Атроф-муҳит софлиги, ҳимояси учун масъулият, жавобгарлик сезиш келажак инсонининг маънавий қиёфасининг қирраларидан бирига айланади. Экологик онг ижтимоий онгнинг алоҳида нисбатан мустақил шаклига айланиши учун унинг ижтимоий онгнинг бошқа шакллари – фалсафа, дин, ахлоқ, нафосат, сиёсат ва ҳуқук

билан алоқаларини, бир-бирига ўзаро таъсири ва бир-бирини бойитишини кундалик онг ва назарий онг даражасида аввал бутун жамият англаб олоғи ва сўнгра уни ўз хатти-харакатининг алоҳида йўналишига айлантириб, предметлаштироғи лозим. Кундалик онг даражасида ҳозирча экологик онг анча оқсамоқда. Ижтимоий мафкура доирасида (назарий онг) эса давлатнинг, жамиятнинг сиёсий ва ҳуқуқий иродаси етишмаётир, иктисодий ва тор корпоратив манфаатлар умуминсоний ва миллий экологик хавфсизликка нисбатан устунлик қилаётир.

Экологик онгнинг, маданиятнинг ўсиши, табиат билан уйғун яшаш экологик муаммоларнинг ҳал қилинишига ижобий таъсир кўрсатади. Шунингдек, экологик муаммолар камайиши маънавиятга ижобий, аксинча, уларнинг кўпайиши, экологик танглик ва инкирозлар вужудга келиши салбий таъсир кўрсатади. Экологик муаммолар камайса, ҳаво тоза, сув тоза, тупроқ унумдор бўлади, дала-даштлар, ўрмонлар, адирлар инсон кўзини қувонтириб турса, одамларнинг эртанги кунига ишончи ортади. Ҳаётга ошуфталиги, шукроналиги кучаяди. Экологик инкирозлар, экологик хавф-хатар одамлар кўнглига ғулгула солади.

Глобал исиш туфайли абадий музликлар эриб кетса, жаҳон океани сатҳи 8–9 метргача кўтарилиб, денгиз бўйларида жойлашган мамлакатларнинг баъзилари бутунлай сув тубида қолиб кетиши, кўпчилиги ҳудудининг катта қисмидан айрилиши мумкин. Глобал исиш, охиروқибатда, янги муз даврига сабаб бўлиши мумкин. Чунки эришдан ҳосил бўлган енгил чучик ва ҳарорати паст сув жаҳон океани сатҳини қоплаб, Гольфстрим ва бошқа океаник оқимлар келтираётган иссиқликдан шимолий ҳудудларни маҳрум этади. Ҳатто океаник оқимларнинг айримлари тўхтаб қолиши ва кескин бошқа томонга бурилиб кетиши мумкин, дея ҳисобланмоқда. Унда ер юзининг одам яшашга қулай қисми кескин камайиб, ҳатто тўлиқ йўқолиб қолиши эҳтимолдан холи эмас. Атмосфера, жаҳон океанининг, сув ҳавзаларининг, тупроқнинг захарланиши, ўрмонларининг кесилиб кетиши ер қуррасини, муз қопламаса ҳам яшашга ноқулай қилиб қўйиши мумкин. Бундай хавф инсониятга, биринчи галда, хатарли ҳудуд мамлакатларда яшайдиган аҳоли онгига кўрқув

туйғусини сингдиради. Кўркув эса ташаббусларни бўғади, иродани фалаж қилиб қуяди. Бунёдкорлик, ижод билан шуғулланишни, орзу-ҳаваслар билан фарзандлар тарбиялашни, умуман, ҳаётни маъно-мазмунидан жудо қилади. Тўғри-да, қийналиб, ўқиб-ўрганиб касб эгаллаганимиздан, уй-жой қуриб, фарзанд ўстирганимиздан не фойда, агар булар эртага ҳалокатга учраб, ном-нишонсиз йўқолиб кетса.

Шундай қилиб, экологик тангликлар ва инқирозлар табиат катаклизмига олиб келгунча ҳам одамлар онгини, жамият маънавиятини издан чиқаради. Кучли давлатларнинг табиий бойликлари бор кучсиз мамалакатларга тазйиқини, тажовузини орттиради. Ҳозирданок буюк давлатлар жаҳоннинг қазилма бойликлари бор минтақаларини ўзлари учун ҳаётий-муҳим минтақалар, деб эълон қилгани, тегишли геосиёсат олиб бораётгани юқоридаги фикрни тасдиқлайди. Буюк давлатларнинг геосиёсий рақобати, трансмиллий компанияларнинг хасислиги ва янада бойиш ҳирси, бир томондан, табиат ресурсларидан тежамли ва оқилона фойдаланишга, бу борада жаҳон миқёсида келишилган сиёсат олиб боришга, иккинчи томондан, энергияни ва ресурсларни тежайдиган янги технологияларни жорий қилишга ҳалақит бермоқда.

Экологик жиҳатдан шубҳали маҳсулотлар кўпайиб бораётгани боис одамларнинг экологик тоза маҳсулотларни истеъмол қилишида кўпроқ даромад топиш, юлғичлик қилиш каби туйғулар, умуман, худбинлик кучайиб, меҳроқибат совиб кетаётир. Чунки ер юзида, айникса, қолок мамлакатларда аҳоли сонининг кескин ўсиб бораётгани уларни боқиш муаммосини ўткирлаштирмоқда. Натижада, серҳосил ўсимликлар ва чорва молларини кўпайтиришнинг анъанавий селекция усуллари етарли бўлмай қолди. Оқибатда эса ирсий (генетик) модификациялашган организмлар – ўсимлик навлари ва чорва моллари зотлари яратила бошлади. Ирсий модификациялашган маҳсулотлар инсоннинг келгуси авлодларига қандай таъсир кўрсатишини ҳеч ким билмайди. Шу сабабдан, қиммат бўлса-да, экологик тоза маҳсулотларга талаб ортмоқда. Бу эса, ўз навбатида, одамларда кўпроқ даромад қилиш, кўпроқ пул топиш ҳирсини кучайтирмоқда. Анъанавий ахлоқий,

умуман, маънавий кадриятлар аҳамияти пасаймоқда. Табиатга нисбатан юлғичлик, талон-торожлик муносабати, унга истеъмом объектлари сифатида қараш инсоннинг жамиятга, бошқа одамларга, ҳатто ўз-ўзига муносабатига ҳам кўчмоқда. Ҳаётдан, табиатдан, гўзалликдан завқланиш туйғусини ўтмаслаштирмоқда. Хуллас, экологик тангликлар ва инқироз маънавиятга жуда улкан салбий таъсир кўрсатаётир.

Экологик маданиятни оширишнинг маънавий омиллари ранг-баранг. Уларни ҳаммасини таҳлил қилиш ва мазмунини очиб бериш қийин. Биз фақат асосийларини санаб ўтаемиз: оилада бериладиган тарбия; боғча, мактаб ва умумтаълим тизими; касб-хунар ва олий таълим тизими; ишлаб чиқариш технологияларини экологик талабларга мослаштириш; ишлаб чиқариш субъектлари фаолияти устидан давлат идоралари ва жамоатчиликнинг қатъий экологик назоратини ўрнатиш; давлатнинг пухта ўйланган ва амалга ошириладиган экологик сиёсат юритиши; экологик талабларни бузган жисмоний ва юридик шахсларга нисбатан нафақат маъмурий чоралар (жарималар, огоҳлантиришлар), шунингдек, иқтисодий чоралар (фаолият юритишга рухсат берадиган лицензияларини олиб қўйиш ёки солиқ миқдорини кўпайтириш, маҳсулотини конфискация қилиш), зарур бўлса, жиноий чоралар кўриш; экологик стандартларни жамият ҳаётининг барча соҳаларига жорий қилиш; экологик меъёрий ҳужжатларни билишни кадрларни аттестация қилиш талабларига киритиш; корхоналар ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий фаолиятини экологик баҳолаш натижалари билан уларга бериладиган кредитлар фоизини, преференциялар, имтиёзларни боғлаш; экологик ҳаракат билан шуғулланадиган ННТлар сонини кўпайтириш; маҳалла, ҚФЙ қошида маҳаллий экологик комиссиялар тузиш; ОАВда тегишли рўқналар ташкил этиш ва ҳ.к. Экологик маданиятни юксалтириш омиллари орасида бу йўналишдаги Халқаро конвенциялар, халқаро ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш ва аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, трансчегаравий дарёлари, ўрмон ва чўллари, тоғлари ва бошқа умумий яхлит экологик зоналари мавжуд ўзаро қўшни давлат-

ларнинг табиатни муҳофаза қилиш бўйича умумий узок муддатли ва жорий чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқиб амалга ошириши катта аҳамиятга эга. Умумий экологик зоналарга эга мамлакатлар аҳолиси ўртасида табиатни асраш, ундан оқилона фойдаланиш юзасидан алоқаларни, халқ дипломатиясини йўлга қўйиш ҳам самарали омиллар қаторидан жой олади.

Кўриниб турибдики, бу омиллар таълим-тарбиявий, ишлаб чиқариш-технологик, иқтисодий, ҳуқуқий, давлат сиёсати ва фуқаролик жамияти билан, кадрлар тайёрлаш, уларни ва корхоналарни рағбатлантириш ва жазолаш билан, халқро ҳуқуқ ва алоқалар, халқ дипломатияси билан боғлиқ кўплаб хатти-ҳаракатларни, чора-тадбирларни қамраб олади. Уларнинг ҳар бирини ҳаётга жорий қилиш, амалиётда қўллаш самарасини ошириш алоҳида тадқиқотларни талаб қилади. Айниқса, оилада, боғча ва мактабда, халқ хўжалигининг, ишлаб чиқаришнинг бўлажак мутахассисларини тайёрлайдиган олий ўқув юрғларида экологик тарбияга, таълимга, экологик маданиятни шакллантиришга оид илмий-методик тадқиқотларни кўпайтириш ва таълим-тарбия тизимининг барча бўғинларига жорий қилиш лозим. Экологик маданият – экологик онгининг, билимларнинг предметлашган шакли эканлигини унутмаслик керак.

## 21. ГЛОБАЛЛАШУВ ВА МАЪНАВИЯТ

Глобаллашув замонавий тараққиётнинг бош тенденциясидир. У бутун ер қуррасига оид. Тараққиёт даражаси қандайлигидан, қайси қитъада жойлашувидан қатъи назар барча мамлакатлар, халқлар ҳаётига таъсир кўрсатувчи умумий омиллар, йўналишлар, қонуниятларни англатади. Атаманинг ўзаги глоб(ус) ер қуррасини билдиради. XX аср охириги чораги – XXI аср бошларида глобаллашув ниҳоятда тезлашди (интенсивлашди). У жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олди.

Чукоткада, Аляскада, Алеут оролларида, қумли, сувсиз саҳроларда ёки қалин чакалакзорларда яшайдиган кечаги ибтидоий қабилалар бугун телекоммуникация хизматидан, мобил алоқа ва интернетдан фойдаланиш им-

кониға эга. Бирор жойда янги ишлаб чиқариш корхонаси қурилса, лицензия сотиб олиб, унга энг янги технологияларни жорий қилиш мумкин. Ҳар қандай соҳадаги янгиликлар, ихтиролар, ютуқлар бутун инсониятнинг мулкига айланмоқда. Фақат уни яратган, ўйлаб топган кишининг, жамоанинг муаллифлик ҳуқуқи бузилмаса, бўлгани. Глобаллашув ҳар қандай аҳамиятли, қизик ғояларнинг, фойдали ва фойдасиз ахборотнинг, технологияларнинг, маҳсулотларнинг дунё бўйлаб тез тарқалишини ва амалиётга жорий этилишини билдиради. Ушбу имконият глобаллашувнинг замонавий жамият ҳаётига, тараққиётига зиддиятли, қарама-қарши таъсир кўрсатишини белгилайди.

Бир томондан, илғор ғоялар, технологиялар тез тарқалаётган, миллий маҳдудлик барҳам топаётган, ягона ахборот, мулоқот ва бозор макони шаклланаётир. Иккинчи томондан, миллий чегаралар нисбийлашиб, миллий маданиятлар, миллий идентлик катта босим остида қолмоқда, иқтисодий, сиёсий, маънавий таҳдидлар кучаймоқда, бузғунчи ғоялар тез тарқалмоқда. Иқтисодий, сиёсий, маънавий таҳдидларга қарши туриш, идентлигини сақлаш мақсадида баъзи мамлакатларда экстремистик ғоялар, ҳаракатлар тарқалмоқда. Булар глобаллашувнинг салбий оқибатларидир. XIX аср охири XX аср биринчи ярмидаги мустамлакачилик даврида мустабид миллат ўзига қарамларни очиқчасига иқтисодий жиҳатдан талаб, сиёсий жиҳатдан бўйсундирган ва тилини, дини ва маданиятини ассимиляция қилишга уринган. Глобаллашув туфайли бу таҳдидлар яширинча кўриниш олди ва бир неча марта кучайди.

Глобаллашув туфайли турли халқлар, мамлакатларнинг тараққиёт даражасидаги, ахборот билан таъминланиш борасидаги қарама-қаршиликларни бартараф этиш, кескин фарқни сезиларли камайтириш имкони вужудга келди. Тўғри, ҳали ўта қашшоқ, аҳолиси очарчилик ҳавфида яшайдиган, турли сиёсий ва этник гуруҳлар ўртасида ўн йиллаб қуроли тўқнашувлар давом этаётган, халқининг катта қисми саводсиз мамлакатлар бор. Улар тараққиётда жуда ортда. Ибтидоий уруғ-қабилачилик муносабатлари қолдиқлари ижтимоий-маънавий ҳаётида кенг тарқалган, ҳатто устунлик қиладиган қабилалар бор.

Аммо улар ҳам замонавий телекоммуникация воситаларидан фойдаланади ёки фойдаланиш имконига эга.

Гап бу ерда глобаллашувнинг халқлар тараққиёт даражасини тенглаштиргани устида кетаётгани йўқ. Яқин истикболда тараққиёт даражасидаги фарқ сақланади. Гап бу ерда глобаллашув янги имкониятлар яратгани ҳақида кетмоқда. XIX асрда европалик овчилар милтиқдан фойдаланган, ибтидоий қабилалар овчилари эса камондан. XX аср бошларида Шарқ халқлари деҳқонлари ерни омоч ва қўш ёрдамида шудгорлаган, Ғарб деҳқонлари плуг ва тракторлар ёрдамида ер ҳайдаган. Халқларнинг технологик тараққиёти ўртасида фарқ қарама-қарши эди. Бугун илмий-техника ютуқлари ишлаб чиқаришга жорий қилинган туфайли қарама-қаршилиқ йўқолди. Шарқ халқлари деҳқонлари тракторни аллақачон ўзлаштирди, ибтидоий муносабатлар сақланиб қолган уруғ-қабилалар овчилари замонавий қуроллардан фойдаланади. Лекин иқтисодий фаровонлик, даромад, ижтимоий-маданий ривожланиш даражасидаги, дунёқараш ва маънавиятдаги фарқ ҳамон катта.

Глобаллашув нафақат ишлаб чиқариш технологиялари, уй-рўзғор буюмлари, товарлар ва ахборотлар тарқалишига, шунингдек, маданий маҳсулотлар истеъмолига ҳам улкан таъсир кўрсатаётир. Телевидение, радио, видео-, аудио-компакт дисклар, интернет орқали адабиёт ва санъат асарлари, музейлардаги асору атиқалар, кутубхоналардаги бадиий ва илмий асарлар билан танишиш, улардан баҳраманд бўлиш, масофадан туриб билим олиш имкони вужудга келди. Аммо уларга нисбатан янада кўпроқ турли эстрада концертлари, шоу-томошалар, ижтимоий тармоқлар орқали виртуал мулоқотлар, ҳар хил электрон ўйинлар ва оммавий маданиятнинг бошқа стандартлашган, мазмунан саёз, баъзан одамларни чалғитувчи, маънавиятга салбий таъсир кўрсатувчи маҳсулотлар тарқалмоқда. Ахборот технологиялари ҳар 3-5 йилда янгиланмоқда. Булар глобаллашувни ниҳоятда тезлаштириб юборди.

Стандартлашган Ғарб оммавий маданияти маҳсулотларини истеъмол қилиш технологиялари ва товарлари, урбанизация қаторида одамларнинг турмуш тарзини,



кадриятлар тизимини, онгини, психологиясини маълум даражада яқинлаштирмоқда. Афсуски, бу жараён ҳам жуда зиддиятли кечмоқда, унда ижобий жиҳатлар қаторида салбий жиҳатлар кўп. Ўзаро яқинлашиш миллий маданиятларнинг ўзаро бойиши, ривожланишига нисбатан кўпроқ Ғарб оммавий маданияти андозаларига мослашуви, аксарият ривожланаётган халқлар маданиятларининг Ғарб маданиятига қисман ассимиляциялашуви, миллий хусусиятларининг қашшоқлашуви асосида кечмоқда. Ҳатто бой маданий анъаналарга, улкан ютуқларга ва интеллектуал салоҳиятига эга рус халқининг янги авлоди онгига, шурига, кадриятлар мўлжалига Ғарб оммавий маданиятининг таъсири хатарли тус олмоқда. Ғарб тилларидан рус тилига зарур, янги воқеликни англатувчи сўзлар қаторида, турли тасқара, жаргон сўзлар ёки русча эквиваленти бор, зарурати бўлмаган сўзлар ҳам кириб келмоқда ва унинг софлигига, тозаллигига хавф солмоқда, тил маданиятини тубанлаштирмоқда. Бу масала ўзбек тили ва маданияти учун ҳам долзарб. Бошқа нисбатан қолақ халқлар тили ва маданияти тўғрисида гапириб ўтирмаса ҳам бўлади.

Ривожланаётган мамлакатлар телеканаллари, бошқа ОАВ орқали тарқалаётган махсулотлар, савдо тармоқларида сотилаётган дисклар, ҳар хил электрон ўйинларнинг ҳажми шиддат билан кўпайиб бораётир. Қайси телеканалга, қайси мамалакатга боқманг, намоён этилаётган Ғарб фильмларининг салмоғи ўз фильмларига нисбатан бир неча баробар ортиқ. Глобаллашувнинг миллий маданиятларга таъсирининг ижобий томонлари орасида, шубҳасиз, илгор гуманистик ғояларнинг, айрим умуминсоний кадриятларнинг, замонавий эркин тафаккур унсурларининг тарқалиши, умумий маданий савиянинг ўсиши кўриниб туради. Салбий жиҳатлари эса баъзи бир бузғунчи ғояларнинг, ахлоқий, эстетик ва бошқа сохта кадриятларнинг тарқалишидан ташқари, миллий маданиятларнинг ўзига хослиги заифлашувида намоён бўлаётир. Глобаллашувнинг асосий салбий маънавий-сиёсий таъсири ҳақида ҳам унутмаслик керак. Бу демократияни, Ғарб кадриятларини олга силжитиш баҳонасида ривожланаётган мамлакатларга сиёсий тазйиқ ўтказиш, ички ишларига аралашшига ҳаракат қилиш, ривожланган

мамлакатларнинг хавfli ўзарo геосиёсий рақобатга киришиши, диний, мафкуравий-сиёсий, миллий ва маданий толерантликнинг тобора пасайиб бораётганидир.

XX аср давомида жаҳонда глобал ахборот фазоси (макони) шаклланиши интернетнинг 1989 йилда пайдо бўлиши билан яқунланди ва янги сифат босқичига кўтарилди. Аслида глобал ахборот маконининг шаклланиши бирданига рўй бергани йўқ, тахминан бир аср давом этди. Дастлаб капиталнинг миллий чегаралардан чиқиб, жаҳонда савдо-сотикнинг ривожланиши, турли биржалардаги нарх-наво ва котировкалар тўғрисида тадбиркорларнинг ишончли маълумотларни билиш эҳтиёжи жаҳон миқёсида телеграф, телефон алоқаларини, тезюрар транспорт воситаларини ривожланишини рағбатлантирди. Америка қитъаси ва Европа ўртасида Атлантик океани тубида телефон ва телеграф кабеллари ётқизилди. Қуруқлик ҳудудларида симёғочли алоқалар ўрнатилди. Биржалар, банклар, йирик ишлаб чиқариш, савдо, хизмат кўрсатиш, суғурта компаниялари, йирик сармоядорлар, корчалонлар турли хил информациялар билан алмаша бошладилар.

Уларга иқтисодий, молиявий информациялардан ташқари ижтимоий-сиёсий мазмундаги информациялар ҳам керак эди. Чунки бирор мамлакатда, минтақада савдо-сотик қилмоқчи, инвестиция киритиб, ўз савдо уйини ёки филиалини очмоқчи бўлса, ҳар хил хатарларни, ўша мамлакатдаги ижтимоий барқарорликни, тинч-тотувликни, давлат олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатни, хорижий ишбилармонларга муносабатни, қўшни давлат билан дўстона ёки таранглашган алоқаларни, аҳолининг фаоллик даражасини, харид қобилиятини, саводхонлиги ва маданий савиясини ва бошқа кўплаб омилларни ҳисобга олиши шарт. Бунинг учун тегишли информация ва информацияни ўз вақтида етказиб берувчи воситалар керак.

Телекоммуникация (узоқдан алоқа қилиш) воситалари тез ривожланди. XX асрда радио, телетайп, телевидение, ернинг сунъий йўлдошлари орқали трансконтинентал алоқа қилиш ва, ниҳоят, интернет вужудга келди. Трансмиллий компаниялар, халқаро миқёсида фаолият кўрсатаётган банклар учун иқтисодий, молиявий ҳисоботлар, савдо-сотик, алмашув, аудит ва ҳамкорликнинг ҳамма

учун бир хил бўлган халқаро стандартлари шаклланди. Бу талаблар маҳсулотлар сифатига, кўринишига, функционал вазифаларига, ишлаб чиқариш технологияларига аста-секин кўчди. Информациалар тарқатиш усуллари-нинг, низомларининг, қоидаларининг, инструкцияларининг, хўжалик ҳуқуқи меъёрларининг стандартлашуви, бирхиллашуви халқаро иктисодий алоқалар ривожланишига, трансмиллий компанияларга катта қулайлик туғдирар эди. Бунга эришиш учун жаҳон миқёсида узил-кесил қарор топган ягона ахборот макони зарур эди ва унинг шаклланиши табиий-тарихий тарзда давом этди. Юкорида айтилганидек, 1989 йил халқаро интернет тармоғи пайдо бўлишига олиб келди.

Интернет тизимининг маънавиятга таъсир кўрсатиш имкониятлари амалда чексиз. Аввал таъкидлаганимиздек, у ижобий ҳам, салбий ҳам бўлиши мумкин. Софтвер хизмати алоқа тизимида, замонавий жамият ҳаётининг барча соҳаларида инқилобий тўнтариш ясади. Интернетга уланган дунёнинг исталган кутубхонаси китобларидан, архивлари ҳужжатларидан фойдаланиш, таълим олиш, масофадан ўқиш, турли конференциялар, йиғилишлар ўтказиш, фикрлар ва ғоялар билан ўртоқлашиш имконияти вужудга келди. Ҳукуматга, парламентга, жамоат ва нодавлат ноτιжорат ташкилотларига сўров бериш, таклиф киритиш, умуман, сиёсий, ижтимоий, ижодий фаолликни намоён этиш мумкин. Сизни қизиқтирган ҳар қандай информацияни, жумладан, маданий-маънавий мазмундаги маълумотларни топиш, ундан фойдаланиш осонлашди. Ўз илмий, публицистик мақолаларингизни, асарларингизни, ижро этган кўшиқ ва рақсларингизни, тушган суратларингизни, ўтказган тадбирларингиз видео тасвирларини ва ҳ.к.ларни Интернетга жойлаштириб, бошқалар билан ўртоқлашишингиз мумкин. Интернет орқали ўзингизга ҳамсуҳбат, маслакдош топишингиз, бўш вақтларингизда турли хил электрон ўйинлар билан машғул бўлиш имкониятингиз бор.

Интернет реал оламни, реал фаолиятни виртуал олам, виртуал фаолият билан тўлдиради ва бойитади. Интернет ёрдамида сиз дунёнинг илғари ҳеч кўрмаган, аниқ тасаввурга эга бўлмаган жойларига, табиий кўрикхоналарига,

шаҳарларига, музейларига саёҳат қилишингиз, турли халқларнинг меъморий ёдгорликларини, урф-одатлари, маданий тадбирлари, байрамлари ва бошқа номоддий мероси ҳақида тасаввур ҳосил қилишингиз мумкин. Интернет миллий чегараларни билмайди.

Лекин интернет тармоғида жойлашган барча ахборотлар ижобий мазмунга эга эмас. Улар орасида ғоявий жихатдан шубҳали, ҳатто зарарли, сиёсий ва диний экстремизмни, ахлоқий бузуқликни, зўравонлик ва фаҳш-ни, нафс ва ҳирс тийиксизлигини тарғиб этувчи, инсон маънавиятини ич-ичидан емирувчилари бор. Афсуски, интернет орқали нафақат эзгу ниятли кишилар, шунингдек, ёвуз ниятли кишилар ҳам ўзларига маслақдош топмоқдалар. Турли акселижтимоий ҳаракатларини мувофиқлаштирмоқдалар. Халқаро ва миллий террористик гуруҳлар ўз сафига айрим ёшларни ёллашни шахсий мулоқотлар қаторида интернет ёрдамида амалга оширмоқдалар. Бундан ташқари, компьютернинг виртуал дунёси ва интернетдаги айрим ахборот кластерлари, айрим электрон ўйинлар инсоннинг ижтимоий, руҳий-интеллектуал мавжудот сифатидаги табиатини заифлаштирмоқда, нозик – инсонпарварлик, меҳр-оқибат билан боғлиқ томонларини емирмоқда.

Интернетнинг, ахборот технологияларининг инсон маънавиятига таъсири ҳақида яна кўп гапириш ёки сон-саноксиз мисоллар келтириш мумкин. Айтилганларнинг ўзи масала моҳиятини тушуниш учун етарли, деб ўйлаймиз.

Глобаллашув дунё миқёсида геосиёсий рақобатнинг кучайишига, миллий давлатчилик ва миллий манфаатлар иккинчи даражали деб қаралишига, миллий идентлик, миллий адабиётлар, санъат, бошқа маънавий кадриятлар инкор қилинишига сабаб бўлаётир. Кейинги тенденция, айниқса, Ғарб мамлакатларида яққол намоён бўлмоқда. Ҳатто адабиёт, санъат, маданият «ўлими» ҳақида баҳслар юритилмоқда. Миллий маданиятлар, адабиёт, санъат ўрнига ғоявий мазмунига кўра уларга кўп жихатдан қарши турадиган, мумтоз ва анъанавий кадриятларни тан олмайдиган оммавий маданият ёки ижодкорнинг ўта субъектив идрокни, онгости интилишларини ифо-

далайдиган «асарлар» ёйилиб бораётир. Шу сабабдан миллий идентлигини, менталитети ва қадриятларини, давлат мустақиллигини сақлаб қолиш, бошқа маънавий таҳдидларга қаршилиқ кўрсатиш, миллий иқтисодиётини ривожлантириш зарурати Ғарб мамлакатлари аҳолиси ўртасида глобаллашувга нисбатан салбий кайфиятни, норозилиқни туғдирмоқда. Антиглобалистлар ҳаракати авж олмоқда, радикал миллатчилик жонланмоқда. Айниқса, бундай кайфият «араб баҳори»дан кейин Европага сонсаноксиз муҳожирларнинг оқиб келиши туфайли янада кескин тус олди.

Глобаллашув, юқорида таъкидланганидек, объектив тенденция. Уни бекор қилиш имконсиз. Аммо унинг кескин зиддиятларини юмшатиш, ижобий жиҳатларидан оқилона фойдаланиш мумкин. Бунинг учун халқаро муносабатларни ҳуқуқий цивилизация асосларда қайта ташкил этиш, геосиёсий қарама-қаршилиқларни халқаро ҳуқуқ меъёрлари ёрдамида тинчлик ва ўзаро фойдали ҳамкорлик билан ҳал қилиш зарур.

Биз ўзбеклар ҳам, бошқа халқлар сингари, замонавий цивилизация, у туғдирган технологиялар, глобаллашувнинг таҳликали таъсиридан, оммавий маданиятдан воз кеча олмаймиз. Лекин уларнинг инсонга салбий таъсирини минималлаштиришга эришмоғимиз керак. Бунинг учун таълим-тарбия, биринчи галда, манавий тарбия мазмунини, усул ва воситаларини, замон талабларини ҳисобга олиб, такомиллаштириш зарур. «Бугунги кунда замонавий аҳборот майдонидаги ҳаракатлар шу қадар тигиз, шу қадар тезкорки, – деб ёзганди Ислон Каримов, – энди илгаридек, ҳа, бу воқеа биздан жуда олисда юз берибди, унинг бизга алоқаси йўқ, деб бепарво қараб бўлмайди. Ана шундай кайфиятга берилган халқ ёки миллат тараққиётдан юз йиллар орқада қолиб кетиши ҳеч гап эмас»<sup>1</sup>.

Глобаллашувнинг миллий ўзига хосликка, миллий маданиятларга, тилларга солаётган хавфи, инсон ахлоқи, маънавияти, қадриятлар тизимининг замонавий цивилизация ва оммавий маданият таъсирида деформацияга

---

<sup>1</sup> *Ислон Каримов*. Юсак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2015. 112-б.

учраши, демократияни олға силжитиш ниқобида неомустамлакачилик, геосиёсий манфаатлар тўқнашуви ва ш.к. нохуш тенденциялар, юқорида таъкидланганидек, жаҳонда антиглоболистик ҳаракат вужудга келишига сабаб бўлди. Антиглобалистларнинг кўпгина конкрет масалаларда ҳақлигини таъкидлаган ҳолда, умумий ёндашуви ва позицияси нотўғри эканлигини айтиш лозим. Чунки глобаллашувга қарши эмас, ундан гаразли ниятларда фойдаланаётганларга қарши курашиш керак.

Хулоса қиладиган бўлсак, глобаллашув маънавиятга ўта зиддиятли таъсир кўрсатаётир. Ота-боболарига нисбатан бошқача фикрлайдиган, бошқача қадриятлар тизимига амал қилаётган янги авлод генерацияси вужудга келмоқда. Улар аввалги авлодлардан ақллироқ, яхшироқ ҳам, соддароқ ва ёмонроқ ҳам эмас. Улар бошқача. Конкрет ва ранг-баранг ахборотга кўпроқ эга, ҳар қандай муаммо бўйича ахборот излаб топиш имконияти аввалги авлодга нисбатан бир неча баробар устун бўлса-да, тафаккур эркинлиги, таҳлил ва умумлаштириш, хулоса қилиш, ҳаётий вазиятларни олдиндан ҳаёлида моделлаштириш имкониятлари бироз пастроқ. Аммо тайёр хулосалар, тайёр моделларни, компьютер дастурларини ишга солиб, охир-оқибатда, тараққиётга эришиш имкониятлари эса юқорироқ. Глобаллашувнинг маънавиятга таъсири, шундай қилиб, ҳам ижобий, ҳам салбий.

## **22. МАЪНАВИЙ ҲАЁТДА АХБОРОТЛАШУВ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ**

Инсоният илм-фан, адабиёт ва санъат, ижоднинг махсус турлари билан ақлий меҳнат жисмоний меҳнатдан ажралиб чиққандан буён махсус шугулланади. Бу даврда аниқланган, тўпланган янги билимларни эслаб қолиш, сақлаш, янги авлодга ўргатиш ва мерос қолдириш доимо катта муаммо бўлиб келган. Уни ҳал қилиш йўлида одамлар тинимсиз изланган. Дастлаб одамлар қоя тошларга, гор деворларига ҳар хил пиктограммалар, суратлар, примитив (жўн) календарларни чизганлар. Бунинг учун табиий бўёқлардан фойдаланганлар. Кейинчалик, ақлий меҳнат инсон фаолиятининг алоҳида соҳасига айлан-

гач, ёзувни, ёзиш қуроллари ва материалларини ихтиро қилган. Улар узлуксиз такомиллаштирилган. Иероглифлар, миххатлардан аста-секин сўз бўғинлари ва алоҳида товушларни ифодалайдиган фонетик имлоларга, ёзишда фойдаланилган папирус, сопол тахтача, пергаментлардан қоғозларга ўтилган. Энг муҳим аҳамиятга эга бўлган маълумотлар, эпослар, асотирлар, ғоялар, тарихлар, конунлар тошларга, қояларга, эҳромларнинг йирик тош устунларига ўйиб ёзилган. Қадимги цивилизациялардан қолган бундай ёзувларнинг илмий, тарихий, умуман, маънавий кадр-қиммати бебаҳо. Ёзувлар, пиктограммалар, суратлар, сопол ҳайкаллар, ибодат ва сигиниш максадида ясалган буюмлар, халқ оғзаки ижоди асарлари – асотирлар, дostonлар, ривоятлар, эртақлар, кўшиқлар, топишмоқлар, латифалар ва ш.к.лар маънавий ҳаётни акс эттирувчи, унинг ахборотлаштирилган турли хил шакллари. Уларда ажодларимизнинг оламини қандай идрок ва тасаввур этиши, тушуниши, уни ўраб турган табиатга, ижтимоий муҳитга, одамларга муносабати тўғрисидаги ахборот мужассамланган. Пиктограммалар, қояларга, ғорларнинг деворларга туширилган, бир қарашда анча жўн суратлар маънавий ҳаётни ахборотлаштиришнинг илк ибтидоий шакллари. Зараутсой, Сармишсой ва бошқа жойлар пиктограммалари, суратлари ибтидоий ажодларимизнинг аввало ов қилинадиган, гўшти истеъмолга яроқли ҳайвонлар тўғрисидаги билимларини ҳамда ўша ҳудудда учрайдиган бошқа ҳайвонлар тўғрисидаги тасаввурларини акс эттиради. Баъзи саҳналарда ов жараёни, қандай ов қилиш кераклиги, ким қаерда туриши, қайси тарафдан овга яқинлашиши, қандай қурооллар билан ов қилиниши лозимлиги ва ҳ.к. тасвирланган.

Бу суратлар, пиктограммалар, биринчидан, ибтидоий ажодларимиз тажрибасини ахборотлаштирган. Иккинчидан, бу ахборот ёрдамида ёш авлод ов қилишга ўргатилган. Қайси ҳайвонга қарши қандай қуроол ишлатиш керак, ов қилинадиган ҳайвонга бир томондан ёппасига ташланмаслик, балки уни тор, қочолмайдиган ва эркин ҳаракат қилолмайдиган жойга қамаш, ўраб олиш, ўқ-ёй, найза каби қурооллардан фойдаланиш, ҳайвоннинг қайси жойига, қайси томирига жароҳат етказиш каби билимлар

пиктограммалар, суратларда мустаҳкамланган. Пиктограмма ва суратлар ахборотни тўплаш, сақлаш ва узатиш вазифаларини бажарган. Улар туфайли биз узоқ аждодларимиз билан ўзига хос тарзда мулоқот қиламиз, уларнинг ўй-фикрларига, маънавий дунёсига саёҳат қиламиз. Чунки ибтидоий пиктограмма ва суратлар бугун ҳам ўзига юклатилган ахборотни сақлаб, бизга узатиб келмоқда. Агар улар бўлмаганда, бизнинг ибтидоий аждодларимиз тўғрисидаги қарашларимиз анча қашшоқ бўлар эди.

Айниқса, бу борада археологик қазилмалар пайтида топилган ов ва меҳнат қуроллари, сигиниш ва ибодат маросимларини бажаришда қўлланилган буюмлар ўзларида жуда улкан ахборотни сақлайди. Биз бу ахборотларни илмий таҳлил қилиб, умумлаштириб узоқ аждодларимиз турмуш тарзи ва маънавий ҳаётини моделлаштирамиз, шакллари ва мазмунини тиклаймиз. Тасаввурларимиз аниқроқ бўлиши учун турли топилмаларни ўзаро қиёслаймиз, даврини, вақтини аниқлаш учун уларни радиоуглеродли усуллар ёрдамида ўрганамиз.

Қиёсий-тарихий усуллар ҳам ранг-барангдир. Топилмалар нафақат ўзаро қиёсланади, шунингдек, улар ҳар хил қадимги асотирлар, ривоятлар, нақлларнинг халқ хотирасида, оғзаки ижодида, этнографлар, фольклоршунослар ёзиб қолдирган намуналарида сақланиб қолган унсурлар билан ҳам таққосланади. Археологик артефактлар, ёдгорликлар бераётган ахборот ва халқ оғзаки ижоди, қадимги ёзма ёдгорликлар ахбороти бир-бирини тўлдиради. Натижада, манзара анча ойдинлашади, бизнинг тасаввуримиз аниқлашади ва бойийди. Масалан, С.Толстов Хоразмда ер ости манзилени (катта қальани) топган. У Авестода айтилган Вара деган шаҳарга мос келади. Авестода шундай асотир бор. Ахура Мазда Жима (Йима)га бутун дунёни сув босажагини, тирикликни, ҳаётни кутқариб қолиш учун ҳар бир ҳайвон, ўт-ўлан туридан, оловдан бир жуфтдан олиб сақлашни, бунинг учун ер остида Вара деган шаҳар қуришни буюради, шаҳар қандай тархда (лойихаси) бўлиши лозимлигини айтади. Хоразмда топилган ерости шаҳри айнан Авестода айтилган тархга мос келади.

Халқ оғзаки ижоди, асотирлар, ривоятлар, айниқса, қаҳрамонлик эпослари, дostonлар аждодларимиз бошдан



кечирган йирик тарихий воқеалар, улар ҳаёти, эътиқоди, кадриятлари, ахлоқий ва маънавий дунёси, ўй-ташвишлари, орзу-умидлари тўғрисида бебаҳо маълумотларни ўзида сақлайди. Халқ оғзаки ижодида очик ахборотдан ташқари, кодлаштирилган, турли рамзлар, мажозлар, метофора-образлар ичида яширинган ахборот ҳам мавжуд. Уларнинг калитини топиш, рамз ва мажозларини тўғри талқин қилиш осон эмас. Ахборотни кодлаштириш доимо бўлган. Мумтоз адабиётимизда араб алифбоси ҳарфларининг абжод ҳисобидаги муайян сонга тенглиги асосида шоирлар марсияларида, бирор воқеанинг, шахснинг тарихини, қабртошларга битилган лавҳаларга дафн этилган кишининг вафот йилини кодлаштирганлар. Бугунги даврда ахборотни кодлаштиришнинг турли усуллари, шакллари жуда ривожланган.

Ҳар қандай табиий, ижтимоий ҳодиса, воқеа, нарса, предмет маълум ахборот тизимининг ташувчисидир. Улар бир-бири билан турли даражада боғланган, бир-бирига таъсир кўрсатади. Ўзаро таъсирни уларнинг ахборот алмашуви, деб ҳисоблаш мумкин. Барча фанлар ўз предметлари нуқтаи назардан, биринчидан, ўрганаётган объектларида мавжуд бўлган объектив ахборотни аниқлайди. *Илмий тадқиқот – бу, аввало, ўрганилаётган нарса ва ҳодисалар тўғрисида ҳолис ва ҳаққоний ахборотни тўплаш, таҳлил қилиш ва умумлаштиришидир.* Иккинчидан, ўрганилаётган нарса ва ҳодисаларнинг бошқа нарса ва ҳодисалар, табиий ва ижтимоий муҳит билан алоқалари, ўзаро таъсири, бу таъсир остида уларнинг ўзгариши, эврилиши, тадрижи, яъни ўзаро ахборот алмашуви, биргаликдаги тадрижи (коэволюцияси), янги сифатларга ўтиши тўғрисида ахборот тўплайди, хулосалар чиқаради, ривожланиш хусусиятлари ва қонуниятларини аниқлайди. Демак, илмий тадқиқ этишга, умуман, билиш жараёнига ахборотлашиш методологиясидан келиб чиқиб ёндашиш мумкин ва жоиздир. Ахборот ёндашуви (информацион ёндашув) замонавий илмий методологиянинг истиқболли усулларида бирига айланиб бораётир.

Нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро таъсирини механик, физикавий, кимёвий, биологик, ижтимоий ахборот алмашув шаклларига бўлиш мумкин. Ўсимликка вегетация

даврида куёш энергияси, тупроқ ва унинг таркибидаги минерал ва органик моддалар, намлик, ҳаво (атмосфера) мўътадил ва ўсимлик учун оптимал таъсир кўрсатса, у яхши ривожланади ва, аксинча, ҳарорат ҳаддан ошиб кетса, намлик етишмаса, у қуриб қолиши мумкин. Чунки унинг ташқи муҳитдан, табиатдан олган ахбороти ундаги яшаш генлари фаолиятини тўхтатиб, ўлим, ҳалок бўлиш генларини ҳаракатга келтиради. Куз келиб, ҳаво ҳарорати ва босими ўзгариши, куёш радиацияси камайиши, кунлар қисқариб, дарахтларнинг танасидаги ширанинг шох ва танадан илдиз томон ҳаракат қилиб, илдизда тўпланишига олиб келади. Дарахт табиатдан олган ахборотига биноан баргларини тўкади, танасидаги намликни минималлаштиради. Акс ҳолда, қаттиқ совуқ тушса, дарахт танасидаги намлик (сув) музлаб, тўқималарини узиб, парчалаб юборади, дарахт ҳалок бўлади.

Информацион ёндашув, айниқса, мураккаб табиий ва ижтимоий ҳодисаларни бус-бутунлик ва тизим сифатида ўрганишда яхши самара беради. Бус-бутунлик ва унинг қисмлари, тизим ва унинг тузилмалари ўртасидаги ўзаро алоқалар ва таъсирларни ўрганишда, қисмларнинг бус-бутунлик доирасида, тузилмаларнинг тизим (система) доирасида бир-бирига таъсири, биргаликда ҳаракат қилиши, маълум функцияларни бажариши, умумий функциянинг у ёки вазибалари қисмлар, тузилмалар ўртасида «тақсимланиши», яъни улар ўртасида ўзига хос «меҳнат тақсимоти»ни тўлароқ ва теранроқ билиб олишда информацион ёндашув катта аҳамият касб этади. Яна ахборотлашув эволюциясига қайтамыз.

Қоғознинг кашф этилиши ва китобот санъатининг вужудга келиши барча билимларни, жумладан, илмий билимларни тўплаш ва авлоддан-авлодга узатиш борасида инқилоб ясади. Дастлаб китоблар қўлёзма шаклида эди. Китоб босишнинг кашф этилиши, матбаачиликнинг вужудга келиши яна бир инқилобга сабаб бўлди. Уч-тўрт нусхада қўлда кўчириладиган, зарурат туғилса, яна кўчириладиган, шу боис жуда чекланган миқдорда ва чекланган даражада маълум-машҳур бўлган илмий билимлар, энди, матбаачилик туфайли, улкан ададларда чоп

этилиш ва улардан дунёнинг истаган минтақасига олиб бориб, фойдаланиш имкони пайдо бўлди. Илмий билимларнинг тўпланиши, мужассамланиши, ўзлаштирилиши натижасида илм-фаннинг тез ривожланиши, унинг янги тармоқлари ва йўналишларининг вужудга келиши туфайли ижтимоий тараққиётга ахборотнинг таъсири йилдан-йил кучая бошлади. XIX аср ёзув машинкасининг, XX асрда телетайп ва компьютерларнинг ихтиро қилиниши, махсус илмий, илмий-оммабоп, адабий, ижтимоий-фалсафий, маънавий-маърифий журналлар қаторида соф илмий, илмий-рефератив журналларнинг, нашрларнинг пайдо бўлиши мазкур жараёни янада жадаллаштирди.

Ахборот соҳасида «портлаш» юз берди. Анъанавий усулларда тўпланган, чоп этилган керакли мавзулардаги мавжуд илмий информацияни излаб топишнинг, таҳлил этишнинг ўзи қийин муаммога айланди. Зарур илмий маълумотни топишдан қайта кашф этиш баъзан осонроқ бўлиб қолди. Илм-фанда такрорланишлар, параллелизм, ҳал қилинган муаммоларни, кашф қилинган ихтироларни қайта ҳал этиш, қайта кашф қилиш ҳоллари кўпайди. Илмий тарқоқлик, такрорланишлар олимларнинг, илмий марказларнинг бир-бирининг тадқиқотлари натижаларидан етарлича хабардор эмаслиги туфайли (махфий, янги технологиялар ва ш.к.лар билан боғлиқ алоҳида тадқиқотлар – бошқа гап ) юз бермоқда.

Масалан, айрим мавзуларга, айтайлик, Амир Темур, Ю.Цезарь, Наполеон каби буюк тарихий шахслар, ёзувчилар, олимлар ҳаётига, фаолиятига, ижодига, алоҳида олинган асарларига бағишланган турли тиллардаги тадқиқотлар, китоблар сони кейинги икки асрда ҳар бири бўйича 3–5 минг ва ундан ортиқ рақамни ташкил этади. Янги тадқиқотчи уларнинг ҳаммасини, биринчидан, тополмайди, бир жойга йиғолмайди, иккинчидан, таҳлил қилиш у ёқда турсин, ҳатто тўлиқ ўқиб чиқишга улгурмайди.

Шу сабабдан барча илмий билимларни (бошқа турдагиларни – тарихий ҳужжатларни, бадий адабиётни ҳам) ахборотлаштириш, компакт дискларга кўчириш, интернет тармоғига жойлаштириш, электрон кутубхоналар ташкил этиш, алифбо тартибида ва тематик жиҳатдан тизимлаштириш долзарб муаммолардан биридир. Ушбу

йўналишда бутун дунёда изланишлар ва амалий ишлар жадал олиб борилмоқда.

Илмий билимларни (бошқа турдаги билимларни ҳам) ахборотлаштириш уларнинг фақат электрон вариантларга ўтказилишинигина англамайди. Шунингдек, уларни мавзуларга, муаммоларга бўлиб тизимлаштиришни ва зарур илмий ахборотни излаб топишнинг қулай сайтларини, порталларни, кодларини, нусха кўчириш, ўқиш, фойдаланиш усулларини яратишни ҳам билдиради. Ҳеч бир олим, тадқиқотчи ўзига керакли илмий ахборотни акс эттирувчи барча тилларни билмайди. Бу эса уларни жаҳоннинг кенг тарқалган асосий тилларига ўгириш ёки техник воситалар ёрдамида таржима қилиш заруратини туғдиради. Илмий ахборотни таржима қилиш, фан соҳалари бўйича рефератив журналлар (янги тадқиқот натижаларини кенгайтирилган аннотацияси, баёни) чоп этиш ва электрон вариантда ҳам акс эттириш ахборотлаштиришнинг яна бир шаклидир. Ахборотлаштириш электрон таржималар, икки ва кўпжилдли луғатлар яратиш билан мувозий олиб борилмоқда. Бундан ташқари, ахборотлаштириш электрон китобларни, мақолалар ва маълумотларни визуал олиш қаторида «овозли» олиш, яъни эшитишга мўлжалланиши керак. Чунки дисплейдаги, экрандаги ёзувни ўқиш киши кўзини тез толиқтиради.

Фанни ахборотлаштириш илмий билимларни ахборотлаштиришга нисбатан кенгрок тушунча. У, юқорида айтилганлардан ташқари, фаннинг ўзини, тадқиқот воситаларини, илмий қурилмалар, лабораториялар, марказларни ахборот технологияларига асосланган компьютер дастурлари (умуман рақамли, дастурий ахборот) билан таъминлашни назарда тутати. Центрофугалардаги, синхрофазотронлардаги, коллайдерлардаги, элементар заррачаларни тезлаштирувчи бошқа қурилмалардаги жараёнларни кўз билан кўриб кузатиш, ҳисоблаб бориш, тадқиқ қилиш жисмонан имконсиз ва хавфли. Бунинг учун электрон ҳисоблаш ускуналари, жараёнларни кузатиб, қайд қилиб борадиган, эслаб қоладиган, хавфсиз экранларга онлайн режимида акс эттирадиган, эслаб қоладиган, кейин уларни секинлаштириб экранларда кўрсата оладиган «ақлли» машиналар – компьютерлар керак. Замонавий физикавий,

кимёвий, биотехнологик экспериментларни, аниқ ҳисоб-китобларга, математик моделлаштиришга асосланган назарий тадқиқотларни ахборот технологиялари ва компьютер дастурисиз бугун амалга ошириш мумкин эмас.

Ахборотлаштириш ҳаттоки янги техника жиҳозлари, асбоб-ускуналар, машиналардан тортиб то маиший рўзгор буюмларининг конструкцияларини ясашгача, уларни синовдан ўтказишгача кириб келди. Тегишли дастурлар билан таъминланган 3D принтерлари бундай буюмлар намуналарини ясаб бермоқда. Биотехнологияларни, ғаровли хужайралардан тананинг керакли органини ўстириб, ишдан чиққанларини янгилашни, генетик модификациялашган организмларни ва ш.к. кашфиётларни фаннинг тегишли соҳаларини ахборотлаштирамасдан, унга ахборот технологияларини жорий қилмасдан, умуман ривожлантириб бўлмайди.

Ахборотлаштириш билиш жараёнини осонлаштириш қаторида ўрганилаётган нарса ва ҳодисалар ҳақидаги билимларни кенгайтиради ва теранлаштиради. Дастлаб инсон ўрганилаётган объектнинг шакли, тузилиши, ўлчовлари ва бошқа миқдорий кўрсаткичларни аниқлайди. Уларни нарса ва ҳодисаларнинг воқе бўлиши, ташқи ахборот дейиш мумкин. Кейин унинг хоссалари, турли шароитда бу хоссанинг ўзгариши, ривожланиши каби ички сифат кўрсаткичларини аниқлайди, ички ахборотларни умумлаштиради. Билиш жараёнида ташқи муҳит ва унга мослашиш туфайли нарса ва ҳодисаларда ҳосил бўлаётган янги ахборот ёки илгари «ўқитилмаган», аниқланмаган ахборот тўпланиб бораверади. Натижада, билимларнинг кенгайиши ва чуқурлашуви юз беради. Бу жараён давом этаверади, тўхтаб қолмайди. *Билиш – бу ўрганилаётган объект ҳақидаги ахборотнинг чуқурлашиб боришидир. Унинг ҳодисадан моҳият ҳақидаги, моҳиятнинг бир сатҳидан янада чуқурроқ иккинчи сатҳи, ундан янада чуқурроқ учунчи сатҳи ва ҳ.к. ҳақидаги ахборотга айланишидир.*

Масалан, замонавий тиббиёт инсонни ўрганишни аввал унинг анатомияси ва физиологиясидан, ҳар бир аъзосининг тузилиши, уларнинг қандай фаолият юритиши ҳақидаги ахборотни тўплаш, таҳлил қилиш ва умумлаштиришдан бошлаган. Кейин аъзоларнинг нормал фаолият

юритиш параметрлари, ўлчовлари, меъёри аниқланган. Агар касаллик юз берса, у ёки бу аъзонинг нормал фаолиятини тиклаш, касалликни даволаш йўллари излаган. Ҳар бир гиёҳ, дори, парҳез, овқатланиш режими, бошқа муолажалар таъсири тўғрисида ахборот тўпланиб, ўзаро қиёслаб, умумлаштириб борилган. Фан ривожланиши инсон аъзоларини чуқурроқ ўрганишга, қон босими, қон таркиби, сийдик, сўлак, ахлат кабиларнинг биохимик таҳлили ёрдамида инсон саломатлиги ҳақида ахборот олиш янада чуқурлашди. Лаборатория таҳлили, рентген XIX аср охири – XX аср бошларида саломатлик тўғрисидаги ахборотни янги сифат босқичига кўтарди. Муолажа ҳам, янги дори-дармонларнинг кашф этилиши, яратилиши ҳам, ўз навбатида, янги сифат босқичига кўтарилди. Бу жараёнинг асосида амалий тажрибалар, назарий изланишлар натижасида тўпланган, таҳлил этилиб, умумлаштирилган тизимли ахборот турибди.

Молекуляр биология ва генетика ривожланиши тиббиётни яна янги сифат босқичига кўтарди. Инсон геномида тўпланган ахборот очилди. Эндиликда тиббиёт инсон ҳақида ДНКлар тузилиши, баъзи бир генларнинг патологияси даражасида мулоҳаза юрита олади. Туғма, ирсий касалликларнинг кўпчилигини тиббиёт даволашни ўрганди. Яқингача инсоннинг айрим ишдан чиққан органларини алмаштириш донорнинг органини унга ўтказиш, трансплантация қилиш орқали амалга оширилган, ҳозир ҳам трансплантация асосий усул бўлиб қолмоқда. Лекин бугун ирсий инженерия, биотехнологиялар ва ахборот технологиялари ёрдамида инсоннинг ишдан чиққан органини унинг ғаровли ҳужайраси ёрдамида сунъий ўстириш, 3Д принтерларида алмашадиган аъзонинг аниқ нусхасини ясаш имкони пайдо бўлди.

Оддий кузатув (ранги, тили, тирноқлари, кўзи, лаби ва баданидаги тошмалар, учуқ, бадан ҳарорати ва ш.к.), сўров (қаери оғриётгани, нима безовта қилаётгани ҳақида) орқали олинadиган касаллик ҳақидаги ички ва ташқи ахборотдан тиббиёт дастлаб биохимик таҳлиллар берадиган ахборотга ўтди. Бу ахборот энди рентген, электрокардиографлар, ультратовуш, томографлар, инсон организмга, қон томирига киритиладиган нано камералар каби уску-

налар берадиган ахборот билан тўлдирилмоқда. Ахборот олишнинг техник воситалари такомиллашиб бораётир. Бугун эса тиббиёт инсон организмнинг яна чуқурроқ сатҳига кириб, ахборот олишнинг янада юксакроқ даражасига чиқди – генетик даражага.

Кўриниб турибдики, тиббиёт(диагностика) ривожланишини инсон организми ва саломатлиги тўғрисида ахборот олишнинг ривожланиши сифатида талқин қилиш мумкин. Муолажани эса турли дори-дармонлар, воситалар, усуллар таъсири ҳақидаги ахборотнинг ривожланиши, дея талқин қилиш мумкин.

Ижтимоий ходисалар, жараёнларни, маънавиятни ўрганувчи фанлар тараққиётини ҳам, информацион ёндашув нуқтаи назаридан, тиббиёт тараққиёти каби тасаввур этиш тўғри бўлади. Масалан, Алишер Навоий ижоди ва асарларини ўрганишни олайлик. Юз йил илгари – XX аср 20–30-йилларида дастлаб Алишер Навоийнинг ҳаққоний таржимаи ҳолини, ёзган асарларининг тўла рўйхатини аниқлаш, бир жойга тўплаш, илмий таҳлил қилиш, ноаниқликларни ойдинлаштириш зарур эди. Чунки Навоий ҳаёти ҳақидаги ҳаққоний далиллар ҳар хил ривоятлар, аниқ исботланмаган тахминлар, фаразлар билан араллашиб кетган эди. Ёзган асарлари ҳар хил кўлёзма китобларда тарқалиб кетган, хаттотлар кўчиришда баъзан хатоларга йўл қўйган. Навоий замондошлари асарларидан, хотираларидан, Навоийнинг ўзининг асарлари, ундан кейин яшаб ўтган тарихчилар, адиблар, алломалар асарларидан Навоийга дахлдор ахборотлар йиғилди, таҳлил этилди. Навоийнинг 500 йиллигига тайёргарлик кўриш жараёнида юртимизда филология илмида алоҳида навоийшунослик соҳаси вужудга келди.

Навоий асарларини ўрганиш ҳам дастлаб уларни катта ададларда чоп этиб, халққа етказиш, асарларнинг мазмунини, етакчи ғояларини, инсонпарварлик моҳиятини тушунтиришдан бошланди. Шундан буён Навоий ҳаёти ва ижоди тўғрисидаги илмий ахборот ҳар томонлама кенгайиб, бойиб, теранлашиб келмоқда. Навоий асарлари луғатлари тузилди, насрий тажримаси амалга оширилди. Аста-секин Навоий олға сурган, ифодалаган ҳар бир фалсафий-гуманистик ғоя, унинг диний-тасаввуфий

қарашлари таҳлил қилина бошлади. Навоий ҳақидаги илмий ахборот бирёқламаликдан кутилмоқда. Энди унинг ҳар бир ғазалини, дostonларини, бадий маҳоратининг фалсафий, диний-ирфоний мазмунини очиб беришга ўтмоқдамиз.

Замон талабларига жавоб берадиган кадрларни тайёрлаш, таълим тизимини – умумтаълим мактабларидан то олий таълимгача ривожлантиришнинг келгуси муваффақиятлари ҳам АТни жорий қилишга боғлиқ. Қадимги дунё, антик давр, ўрта асрлар ва янги давр тарихини ўрганаётган ўқувчи компьютер экранида мавзуга доир маълумотларни, мамлакатларни, воқеаларни, одамларни, меъморий ёдгорликлар ва асору атиқаларни, артефактларни кўриб аниқ тасаввурга эга бўлади. Ёки биология дарсида ўсимликлардаги физиологик жараёнларни, ўсимлик танасида тупроқдан олинган шарбатнинг (сувнинг), минерал модданинг, витаминнинг ҳаракатини ўқитувчи айтаётган, дарсликда ёритилган жараённи ўз кўзи билан экранда кўрса, унинг моҳиятини, механизмини теранроқ тушунади, идрок этади. Таълим жараёни янада интенсивлашади. Хуллас, ахборотлаштириш илм-фанни ривожлантириш ва модернизация қилишнинг янги воситасига ва тенденциясига айланди.

Замонавий фан, ижтимоий ҳодиса сифатида, нафақат олам, воқелик ҳақида объектив, илмий билимлар тўплаш ва улардан амалиётда фойдаланиш воситасидир. У, айни пайтда, ишлаб чиқарувчи кучга айланмоқда. Бу юксак технологияларга асосланган ишлаб чиқариш каторида инсоннинг ўзига, унинг касбий билимлари, маҳорати, малакаси ва меҳнат кўникмасига ҳам тааллуқли. Ишлаб чиқариш конвейери бугун компьютерлар ёрдамида бошқарилади. Хавфли ва ўта аниқликни талаб қиладиган ишлаб чиқариш конвейерлари автоматлаштирилмоқда, уларда ҳар хил дастурлаштирилган ахборотлардан фойдаланилмоқда.

Яна бир муаммо. Табиат ресурслари чексиз эмас, қазилма бойликлар камайиб, тугаб бораётир ёки етишмаётир. Уларнинг ўрнини босадиган сунъий хом ашё, сунъий толалар, синтетик ёқилғи, пластмассалар, полиэтиленлар, сунъий кристаллар, яримўтказгичлар ва ҳ.к.ларга талаб кундан-кун ортиб бормоқда. Буларни ишлаб чиқариш



корхоналарига замонавий илм-фан етказиб бермоқда. Бошқача айтганда, замонавий фан ишлаб чиқарувчи куч сифатида намоён бўлаётир. Бу тенденция йилдан-йил кучайиб, ранг-баранглашиб бормоқда.

Замонавий энергетикани, айниқса, атом электр станцияларини, атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланишни, ҳар хил изотопларни ишлаб чиқариш ва тиббиёт соҳасида қўллашни фан ютуқларисиз тасаввур этиш қийин. Илгари маълум техник детални, бутловчи қисмни ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиш учун аввал унинг эталон намунасини энг малакали, юксак разрядли ишчи дастгоҳда чизмаларасосида яратган. Лойиҳа-конструкторлик муассасаларида юзлаб кишилар унинг чизмаларини тайёрлаган. Заводнинг қошидаги конструкторлик бюросининг инженер-техникалари ва юксак малакали ишчилари юкорида айтилган эталон – намунани ясаган. Энди чизмаларнинг аксариятини компьютер ёрдамида яратиш, рақамли дастурлаштирилган дастгоҳлар ёрдамида эталон – намунани яратиш имкони пайдо бўлди. Дастгоҳни бошқарадиган қурилма хотирасига эталон – намунанинг параметрлари киритилса бас, қолган ишни дастгоҳнинг ўзи бажаради. Юз йил аввал ишчи бошланғич маълумотга эга бўлса, ишлаб чиқариш инструкцияларини ўқиб тушуна олса, кифоя эди. 50 йил бурун малакали ишчидан 7–8 йиллик умумий ва 1–1,5 йиллик касб-хунар маълумотини эгаллаш, чизмаларни тушуниш талаб қилинар эди. Бугун малакали ишчидан ахборот технологияларини касби тақозо этадиган даражада ўзлаштириш, умуман, ўрта махсус билимга эга бўлиш талаб этилмоқда.

Келажакда энергиянинг муқобил турларидан кенг фойдаланиш, унинг улушини йилдан-йил ошириб бориш, инсон соғлиғига зарар етказмайдиган ирсий модификациялашган серҳосил ўсимликлар навларини, чорва моллари, паррандалар зотини етиштириш истикболлари бевосита илмий-техника тараққиётига боғлиқ. Айтилганлардан ойдинлашадикки, фан замонавий жамиятда ишлаб чиқарувчи кучга айланиб бораётир. Юксак технологияларга асосланган иктисодиёт соҳаларида у аллақачон ишлаб чиқариш кучига айланиб бўлди. Масалан, атом электр станцияси илмий-текшириш институтларидан кам

фарқ қилади, биотехнологик ишлаб чиқариш корхонаси лабораторияга ўхшайди. Гап уларнинг ташқи ўхшашлигида эмас, балки иш жараёнининг илмий сифими, ИТИ (илмий-текшириш институтлари) ва илмий лабораториядагидек катталигида. Иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида ҳам бу жараён жадал суръатларда давом этмоқда.

Фаннинг бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айланиши катта ижтимоий ва маънавий аҳамиятга эга. Биринчидан, бу турмуш фаровонлигининг юксалишига хизмат қилади. Иккинчидан, инсонни оғир қўл меҳнатидан, индивидуал технологик хавф-хатардан (масалан, ишчининг чарчок босиб дастгоҳ олдида, шофёрнинг рулда бир неча сония кўзи юмилиб, аварияга учрашидан) халос қилади. Учинчидан, иш куни соатларини қисқартириб, одамларнинг бўш вақтини, дам олиш ва ўз устида ишлаш имкониятларини кўпайтиради. Тўртинчидан, инсон маънавиятини, дунёқарашини янги ижобий билимлар билан бойитади, касбий малакасини юксалтиради. Бешинчидан, халқларни, миллий маданиятларни янада яқинлаштиради.

Лекин, алоҳида таъкидлаш жоизки, фаннинг бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айланиши, у талаб қиладиган кадрларни тайёрлашда илмий-техник ахборотлар ҳажми ва сифати кескин ошиши, агар маънавий тарбияга, таълимни гуманитарлаштиришга етарли эътибор берилмаса, бир томонлама технократик қарашлар кучайишига олиб келиши мумкин. Демак, фаннинг ишлаб чиқарувчи кучга айланиши таълим-тарбия тизимини янада гуманитарлаштиришни талаб қилади.

Глобаллашув ва бошқа объектив зарурат туфайли дунё миқёсида ягона ахборот майдонининг (макони-нинг) вужудга келиши ижтимоий-тарихий тараққиётнинг қонуниятидир. Ягона ахборот майдони – объектив ва зарурий ижтимоий ҳодиса. У кимнингдир, қайсидир гуруҳларнинг, манфаатдор кучларнинг хоҳиш-истаги туфайли пайдо бўлгани йўқ. Ягона ахборот майдони миллий чегараларни билмайди, уни сунъий торайтириш ва чеклаш имконсиз. Фақат радио, телевидение, компьютерлар, мобил ва телефон алоқаларидан воз кечиб, бошқа бирор давлатга фуқароларни деярли чиқармасдан, бегоналарни деярли киритмасдан, яъни миллий маҳдудликка

юз буриб, фақат ўз қобиғига ўралиб, ўрта асрлар турмуш тарзига қайтиб ягона ахборот майдонидан ихоталаниш мумкин. Тарих ғилдираги ортга айланмайди. Бундан ташқари, ҳеч ким шамга, қора мой чирокқа, эшак ва от аравага, омочга, қўшга қайтишни истамайди.

Шундай экан, бизнинг ўзимиз жаҳон ахборот майдонига мослашмоғимиз, зиддиятли ахборотлар қуршовида йўлимизни тўғри топишни ўрганмоғимиз зарур. Бугун ёшларимиз радио, телевидение, матбуот ва интернет орқали ҳар хил маълумотлар, ахборотлар олаётганига фикр билдириб, Ислом Каримов адолатли таъкидлаганидек: «Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди... Биз давлатимиз келажагини ўз қобиғимизга ўралиб қолган ҳолда эмас, балки умумбашарий ва демократик кадриятларни чуқур ўзлаштирган ҳолда тасаввур этамиз»<sup>1</sup>. Айни пайтда болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш зарур. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси 2017 йил 15 августда тегишли қонунни қабул қилди. Сенат томонидан у 24 августда маъқулланди ва Президент Шавкат Мирзиёев уни 8 сентябрда имзолади.

Глобаллашув ва фаннинг бевосита ишлаб чиқариш кучига айланиши, технологиялар янгилианишининг тезлашуви, «ахборот портлаши», ижобий ва салбий мазмундаги ахборотлар ўртасидаги чегаранинг янада нисбийлашиб, кўп ҳолларда йўқолиб, эклектик характердаги ахборотлар кўпайиб бораётгани дунё миқёсида ахборотни тизимлаштиришни, халқаро интернет тармоғини ижобий йўналишда янада ривожлантиришни тақозо этмоқда. Халқаро миқёсда киберхавфсизлик, ахборот хавфсизлиги бўйича самарали ҳамкорликни йўлга қўйиб, ҳуқуқий (халқаро ва миллий ҳуқуқ) жиҳатдан мустаҳкамлаш ҳар

<sup>1</sup> *Ислом Каримов*. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2015. 114-б.

томонлама долзарб муаммога айланди. Халқаро миқёсда сўз эркинлигини, ахборот олиш эркинлигини ва ҳуқуқий, виждон ва эътиқод эркинлигини экстремизм, терроризмни тарғиб этишни олдини олиш зарурлиги билан боғлаб, янгича талқин этиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу тушунчаларнинг ярим аср аввалги талқини бугунги глобаллашув, ахборот технологиялари ва халқаро зиддиятларнинг кучайган даври талабларига етарлича жавоб беролмай қолди.

Глобаллашув инсоният ҳаётининг барча соҳаларини, йўналишларини қамраб олди. Глобаллашувнинг ўзи қайсидир маънода ахборотнинг миқдор ва сифат жиҳатдан тез кўпайиши ва тарқалиши оқибатида вужудга келди. Унинг давом этиши ва ривожланиши яна ахборот ва алоқа тизимларининг ривожланишига боғлиқ. Ижтимоий ҳаёт ва фаолиятнинг ҳар бир шакли, йўналиши, йирик воқеалари ва жараёнига оид ахборотларни тизимлаштириш ва тез тарқалишини таъминлаш глобаллашувни озиқлантирувчи, рағбатлантирувчи омил бўлиб қолаверади. Фаннинг бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айланиши, бир томондан, илм-фаннинг интеграциясини ҳамда дифференциялашувини кучайтириб, янги фанлар, фан тармоқларини шакллантирмоқда. Иккинчи томондан, яна тўпланган илмий билимларни, ахборотларни тизимлаштиришга, интернет тармоғини янада ривожлантиришга эҳтиёжни кучайтирмоқда.

Интернетдаги ахборотларнинг геометрик прогрессияда ўсиши уларни тизимлаштириш қаторида интернет тармоғини бузгунчи ғоялардан, терроризм ва экстремизмни тарғиб этувчи ахборотдан тозалашни, ҳимоялашни долзарблаштирмоқда. Бу борада халқаро ҳуқуқ тизими такомиллашуви, қонун йўли билан интернет тизимига ахборотларни жойлаштириш масалалари тартибга солиниши зарур. Мамлакатлар ўртасида ҳам, интернетнинг Google, Facebook ва бошқа тармоқлари эгалари ва провайдерлари билан ҳам ахборотларни системалаштириш, тармоқни кўпорувчилик, экстремистик, порнографик мазмундаги ахборотдан ҳимоялаш борасида келишувларга эришиш зарур.

Мустақил Ўзбекистоннинг ҳар томонлама барқарор ривожланиши биз жаҳоннинг умумий ахборот маконига, интернет тизимига қандай, қайси тамойиллар асосида интеграция бўлишимизга, барча фойдали, ижобий илмий, илмий-техникавий, технологик, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, бадиий-эстетик ахборотларга кенг йўл очиб, улардан халқимиз кенг қатламларини, биринчи галда, мутахассисликларни эгаллаётган ёшларни баҳраманд этишимизга, ҳар қандай салбий мазмундаги ғояларни, қарашларни тарқатадиган ахборотдан ҳимоялана олишимизга, ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришимизга боғлиқ.

Аслини олганда, компьютер бандилигининг 90 %и – ахборот бандилигидир. Интернет, ижтимоий тармоқлар, инстаграмлар, ҳатто электрон ўйинларнинг аксарияти янги ахборот олишга ёки тарқатишга интилишдир. Банди инсон мияси гиёҳванд мияси каби ташқи қитиқловчига ўрганиб қолган. Усиз қонга адреналин ёки ўзини тинч – хотиржам, бахтли сезиш учун зарур гармонларни етарлича ажратмай кўяди. Фақат гиёҳванддан, алкоголикдан фарқли, компьютер бандиси наркотик ёки спиртли ичимлик эмас, янги ахборот олиши керак. Бу ахборот қандай мазмунда бўлиши, унинг керакли ёки кераксизлиги, фойдали ёки зарарлигининг аҳамияти йўқ. Ахборот бўлса бас. Шу сабабдан ёшларнинг ахборот бандилигига тушиб қолишининг олдини олиш лозим. Бунинг асосий йўллари дан бири сифатли ва фойдали ахборотни ўзлаштириш, реал имкониятлардан келиб чиқиб олишдир. Бунинг асосий воситаси эса китобхонлик, китоб ўқишдир (шу жумладан, электрон шаклдаги китобларни ўқиш). Албатта, мазмуни шубҳали, бузғунчи ғояларни, беҳаёлик ва зўравонликни тарғиб этадиган китобларни ўқиш фойда бермайди. Юксак дид, мафкуравий иммунитет ҳақида кўп гапирилиши бежиз эмас.

Китоб ўқиш орқали ўзлаштириладиган ахборот инсоннинг ақл элагидан ўтади, бемалол таҳлил қилинади. ТВ ва бошқа визуал-электрон воситалар орқали эса тайёр хулосалар, фикрлар одамга синдирилади. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 12 январь фармойиши қабул қилингани сабаби ҳам шунда.

## 23. ЎЗБЕКИСТОНДА МАЪНАВИЯТНИ ИЛМИЙ ЎРГАНИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ БОСҚИЧЛАРИ

Ўзбекистонда алоҳида фанлар тизими орқали маънавиятни ўрганиш йўлга қўйилди. Аммо ҳали бу борада қилинадиган ишлар кўп. Маънавият назарияси, тарихи, методологияси шаклланиши давом этапти. Бу биздан маънавиятимизнинг уч минг йиллик ривожланиш тажрибасини, айниқса, мустақиллик йиллари унга иқтисодиёт қатори устуворлик берилган, жамият тубдан янгиланаётган, фикрлар ва қарашлар хилма-хиллиги, миллий тикланиш ва Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига тенг ҳуқуқли интеграция бўлиш шароитида орттирган тажрибасини ҳар томонлама теран таҳлил қилиб ҳисобга олишни талаб қилади. Зеро, миллий маънавиятимиз тарихий тажрибасини илмий тушуниш, идрок этиш маънавият назариясини шакллантириш ва такомиллаштиришнинг асосий омилларидан биридир.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида маънавиятни илмий ўрганиш ва ривожлантириш босқичларини икки катта даврга – 1991 йилдан 2016 йилгача ва 2017 йилдан кейин, Ҳаракатлар стратегиясидан бошланадиган иккинчи даврга бўлиш мумкин. Биринчи давр, ўз навбатида, турли кичик босқичлардан ташкил топади. Масалан, 1991 йилдан 2000 йилгача бўлган дастлабки тикланиш ва ўтиш босқичи. Бу босқичда маънавиятимизнинг янги ғоявий-мафкуравий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий асослари яратилди. 2000–2016 йиллар янги асосларда ривожланиш – халқ таълими, соғлиқни сақлаш, фан, маданият, ОАВ ва ижтимоий ҳаётнинг гуманитар соҳаларидаги ислохотлар ва янги тажрибалар босқичи бўлди. Биринчи босқичда миллий маънавий тикланишимизнинг ғоявий-мафкуравий асослари қаторида, биринчи галда, сиёсий, ҳуқуқий асослари яратилди. Давлат рамзлари тасдиқланди. 1992 йилда ва ундан кейин Ўзбекистон Конституцияси, «Таълим тўғрисида», «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида», «Жамоат ташкилотлари тўғрисида», «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Сиёсий партиялар тўғрисида» ва бошқа қонунлар қабул қилинди.

Кўппартиявийлик, мафкуравий плюрализм қарор топти. Амалиёт тажрибаси, аҳоли онгининг тайёргарлик даражаси, замон талаблари ҳисобга олиниб баъзи қонунлар такомиллаштирилди, янгилари қабул қилинди. «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури», Миллий истиклол ғояси ва мафкураси юзасидан олиб борилган баҳслар, мулоҳазалар, уларга оид И.Каримов маърузалари ва интервьюлари айнан шу босқичда бўй кўрсатди. Биринчи босқичнинг асосий хизмати – миллий ўзликни англаш, миллий ғурур янги сифат босқичига кўтарилганида, коммунистик ақидапарастлик инкор қилиниб, дунёвий таракқиёт йўли мустаҳкамланганидир.

Таъкидлаш жоизки, жамият соҳасида, жумладан, маънавият бўйича жиддий илмий назария яратиш учун ҳатто бир миллатнинг, халқнинг тарихий тажрибасини ўрганиш камлик қилади. Чунки яшаш ва меҳнат шароитлари, тарихий тажрибаси, диний эътиқоди, маданияти бир-биридан анча фарқ қиладиган халқлар, миллатлар кўп. Улар орттирган маънавий-тарихий тажриба ҳам бир-бирига, табиийки, ўхшамайди. Шу сабабдан маънавият назариясини тўлақонли яратиш учун уларни ҳисобга олиш лозим. Аммо миллий маънавиятимизнинг тарихий тажрибаси асосий «қурилиш материали» бўлиб қолади. Биринчи босқичнинг миллий маънавиятимиз тикланишидаги аҳамияти бекиёс. Уни тўғри ва муносиб баҳолаш учун бироз ортга қайтамыз.

Маънавиятнинг мустақиллик йилларидаги ривожланишини теранроқ тушуниш учун мустабидлик даврини ва мустақиллик учун бевосита 1989 йилда бошланган кураш йилларини эслаш лозим. 1989 йилда ўзбек тилига давлат мақоми берилди, 1990 йилда халқимизга «Наврўз» байрами, Қурбон ҳайити, Рўза ҳайити қайтарилди. Аввал номи қораланиб келган аждодларимиз шахси ва фаолияти қайта баҳолана бошлади.

Ўзбек халқи тахминан 130 йил ўз тақдирини ўзи белгиламасдан, миллий тили, маънавияти ва маданиятини ривожлантиришдаги мустабид ҳокимият кўрсатмаларига амал қилишга мажбурлик шароитида яшади. Айниқса, ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб собиқ СССРда никобланган кўринишда халқларни «руслаштириш» сиё-

сати кучайтирилди. Ислом дини, диний урф-одатлар, маросимлар, байрамлар совет даврида бошданок ўта чекланган, дин намояндалари таъқиб қилинган эди. II жаҳон уруши йилларида бу сиёсат бироз юмшаган бўлса-да, қатъий чекловлар сақлаб қолинди. 80-йиллардан бошлаб «ислом омили»га қарши кураш баҳонасида нафақат диний, шунингдек, нодиний миллий урф-одатларни ҳам чеклаш авж олди. Наврўз байрами тақиқланди. Унинг ўрнига «Навбахор» деган байрамни жорий қилишга уринишлар бўлди. Совет тузуми томонидан Курбон байрами (Ийд ал-Адҳа) ва Рамазон байрами (Ийд ал-Фитр) байрамлари бошданок тақиқлаб қўйилган эди. 80-йиллар ўртасида диний байрамларни норасмий нишонлаган зиёлилар ёки таъзия билан боглик диний маросимларни адо этган мансабдор кишиларга маъмурий чоралар кўрила бошлади.

Миллий маънавиятимизнинг мустақиллик арафасидаги ҳолатини ўзбек тили аҳволи мисолида очиб бериш мумкин. Зеро, тил миллатнинг асосий белгиси бўлибгина қолмай, онгнинг, тафаккурнинг, миллий маданиятининг мавжудлик шакли ҳамдир. Улар тил орқали шаклланади, юзага чиқади ва ривожланади. Ўзбек маданияти, таълим-тарбияси, адабиёти ва санъати, фани, умуман, жамият ҳаёти ўзбек тилида ривожланади. Бошқа тиллардан фақат қўшимча, тўлдирувчи, ёрдамчи воситалар сифатида фойдаланиш мумкин. Бу асосан илм-фанга, ташқи иқтисодий ва сиёсий, маданий алоқаларга тегишли. Лекин мамлакатнинг ички ҳаёти она тили заминида кечади.

Она тилига муносабат муқаррар равишда миллий ғурурга, миллий менталитетга таъсир кўрсатади. Агар она тилига эътибор сусайса, миллий нигилизм кучаяди, маданий мерос унутила бошлайди, миллий номукамаллик туйғуси пайдо бўлади. Ўтган асрнинг 80-йилларига келиб, Ўзбекистонда бундай салбий ҳолатлар яққол кўзга ташланиб қолган эди. Айтилганларга яна «пахта иши», «ўзбеклар иши» деган бўҳтонлар билан қатағон кампанияси фаол ўтказилганини, минглаб одамлар қамалиб ёки терговга қақририлиб сарсон этилганини, кўрқитилганини қўшимча қилиш лозим. Қизил империянинг марказий матбуотида республикамиз номига юлғичлик, ўғрилиқ, қўшиб ёзиш ва сохта маълумот бериш, келишувчилик, боқимандалик



каби ҳар хил тухматлар тинимсиз ёғдирилди. Натижада, четда ўзбекларга нисбатан ишончсизлик, ётсираб қарашлар пайдо бўла бошлади. Булар ҳам миллий ғурурга путур етказди, миллий номукамаллик туйғусини кучайтирди.

Ич-ичидан емирилиб бораётган совет тузумини, қандай қилиб бўлса-да, сақлаб қолишга уриниш, миллий республикалардаги мустақиллик ҳаракатларига барҳам бериш, имкон топилса, давлат тўнтаришини амалга ошириш учун (буни кейинчалик 1991 йил август воқеалари тасдиқлади) собиқ Иттифоқнинг турли минтақаларида миллатлараро можаролар келтириб чиқарилди. Ўзбекистонни эса амалда Марказдан жўнатилган, кейинчалик халқ «десантчилар» деб атаган, маҳаллий шароитни, халқ менталитетини, маданиятини, тарихини мутлақо билмайдиган нолийик кадрлар бошқарди. Халқнинг норозилиги кучайиб борди. Кичиккина бир туртки вазиятни издан чиқариб, портлатиб юбориши мумкинлигини Қувасой, Фарғона, Қўқон, Паркент ва бошқа баъзи шаҳарларда 1989–1990 йилларда юз берган фожиали воқеалар тасдиқлади.

Орадан икки йил ўтгач, СССРда сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий инқироз чуқурлашиб, охир-оқибат, коммунистик империя парчаланди. СССРнинг парчаланиши Югославиядаги каби йирик ички фуқаролар урушига олиб келмаган бўлса-да, силлик кечгани йўқ. Ўзбекистонда сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий барқарорлик саклаб қолинди. 1992 йил декабрь ойида Наманганда диний экстремистик кучлар томонидан маҳаллий ҳокимиятни босиб олиш мақсадида уюштирилган жиноий ҳаракатлар, ундан кейинги баъзи бир хуружлар – террорчи тўдаларнинг Сурхондарё ва Тошкент вилоятининг тоғли туманлари орқали суқилиб кириши, 2005 йилда Андижонда ташкил этилган кўпоровчилик хуружлари республикамизда ҳам вазиятни издан чиқаришдан манфаатдор ички ва ташқи кучлар мавжудлигини яққол кўрсатди.

Собиқ СССР худудида мустақилликка эришган барча республикалар глобал геосиёсий маконга, халқаро муносабатларга алоҳида субъект сифатида қўшилди. Айни пайтда улар бу маконнинг, муносабатларнинг етакчи ўйинчиларининг қизиқиш объектига ҳам айланди. Буюк давлатларнинг геосиёсий рақобати ва ўйинларидан ўзи-

ни четга олиб, у ёки бу тарафда турмаган мамлакатларга нисбатан турли тазйиқлар, шу жумладан, баъзи бир иғволар, «рангли инкилоблар» қўлланилди ёки «саркаш давлатлар» инсон ҳуқуқлари ва демократияни бузишда айбланди. Буюк давлатларнинг айрим яримрасмий ва норасмий доиралари ҳатто ички экстремистик кучларни зимдан қўллаб-қувватлашдан ўзларини тия олмади. Чунки улар ёш мустақил давлатлар ичида ва ўртасида зиддият кучайса, барқарорлик издан чикиб, можаролар юз берса, уларнинг ички ишларига аралашшишга имкон топишдан, ҳатто тинчликни сақловчи кучлар никобида ҳарбий кучларини киритишдан умидвор эди. Бу борадаги таҳдидлар ҳалигача сақланиб қолаётганига 2010 йил апрель ойида Қирғизистон жанубида юз берган фожиали воқеалар, Украинада давом этаётган хунрезлик ва уларга баъзи бир давлатларнинг муносабати мисол бўла олади.

Ҳар бир мамлакатнинг барқарор ривожланиши, айниса, мустақилликка эришган ёш давлатларнинг ижтимоий-сиёсий барқарорлиги моддий-иқтисодий, ташкилий, ҳарбий-сиёсий, дипломатик ва бошқа айрим ижтимоий омиллардан ташқари яна икки маънавий омилга боғлиқ. Биринчиси – халқнинг миллий ўзлигини англаш ва консолидация (ҳамжихатлик, жипслик) даражаси. Ўз миллий манфаатларини маҳаллий, минтақавий, синфий-табақавий, корпоратив манфаатлардан устун қўя олишидир. Иккинчиси – миллат раҳбарлари ва етакчиларининг ватанпарварлиги, миллий ривожланишни тўғри тушуниб, ўз бурчиға содиқлигидир.

Бозор муносабатларини, демократик меъёрларни одамларнинг дунёқарашини, тафаккурини ўзгартирмасдан ҳаётга татбиқ этиб бўлмайди. Бу ислоҳотлар назариясида қайта-қайта таъкидланган. Ислоҳотлар бўйича ҳар бир қабул қилинган қарордан, дастур ва амалий қадамдан халқ хабардор этиб борилди ва борилмоқда. Уларнинг мақсади, мазмун-моҳияти одамларга тушунтирилди.

Айни пайтда шуни алоҳида эътироф этиш лозимки, – катта авлоднинг онгини ўзгартириш маълум доирада, чегарада бўлади, уни тамомила, тубдан янгилаш қийин. Ўтмиш тушунчалари, меъёрлари, қарашлари унинг онгида у ёки бу даражада сақланиб қолади. Ёш авлод эса

янгиликларни тезроқ қабул қилади. Унинг онги, тафаккури, дунёқараши ривожланишга мойил, котиб қолган тушунчалар, турли догмалар ёки эскича қарашлар билан тўлиб қолмаган. Ёшларнинг эътиқоди, кадриятлар тизими шаклланишда давом этади. Ёшлар ислохотлар ғояларини, тамойил ва меъёрларини тезроқ ва теранроқ қабул қилади. Бунинг устига уларда ижтимоий фаоллик ва сафарбарлик катта авлодга нисбатан кучлироқ. Ўзбекистонда ёшлар бутун аҳолининг 64 фоизини ташкил этади (30 ёшгача бўлганлар). Иқтисодиётда банд аҳолининг ҳам катта қисми ёшлар улушига тўғри келади. Авлодларнинг табиий алмашуви жараёнида иқтисодиётга ёшларнинг янги-янги гуруҳлари келиб қўшилаверади. Шу боис ислохотларни аҳоли онги, қарашларини тайёрлаш билан қўшиб олиб бориш деганда, кўпроқ иқтисодиётда банд бўлган ва мустақил ҳаётга кириб келаётган ёшлар ва ўрта авлод назарда тутилади десак, унча ҳато қилмаймиз. Аммо катта авлоднинг ислохотларга муносабати дастлабки босқичларда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Чунки катта авлод доимо иқтисодиётда ҳам, давлат ва жамият бошқарувида ҳам асосий постларни эгаллайди. Яъни етакчилик катта авлод қўлида. «Биз бугун ўтиш даврининг қийинчиликларига қарамасдан, эртага ўрнимизга келадиган ёшлар, фарзандларимиз тўғрисида ўйлашимиз, уларнинг маънавий камолоти ва жисмоний соғлиги, миллатнинг соғлиги тўғрисида қайғуришимиз керак»<sup>1</sup>, – деган эди Ислом Каримов. Шу сабабдан ёш авлод тарбиясига, таълим соҳасини ислоҳ қилишга, янги педагогик технологияларни жорий қилишга, умумтаълим ва ўрта махсус таълимнинг моддий-ўқув базасини тубдан яхшилашга жуда улкан маблағ – миллий даромаднинг, ЯИМ 10–12 фоизи йўналтирилди. Буни бизда ва чет элларда сармоияни (капитални) келажакка сарфлаш, деб атай бошладилар.

1997 йилда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, кейинроқ 2004–2009 йилларга мўлжалланган «Мактаб таълимини ривожлантиришнинг давлат умуммиллий дастури» қабул қилинди. Ундан аввал Болалар спортини

<sup>1</sup> *Ислом Каримов. Бунёдкорлик йўлида. Асарлар, 4-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 1999. 181-б.*

ривожлантириш жамғармаси тузилган эди. Ушбу дастурларни амалга оширишда минглаб янги мактаблар, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари, болалар спорт иншоотлари ва спорт заллари барпо этилгани, реконструкция ва капитал таъмир қилингани, янги олий ўқув юртлари ташкил этилгани, уларда кўплаб ўқув бинолари, талабалар турар жойлари қурилгани, бунга қанча маблағ сарфлангани ҳақида аниқ рақамларни келтириш мумкин. Тўғри, таълим соҳасидаги ислохотлар жамиятнинг тайёргарлик даражасидан, айниқса саноатлашиши ва ишлаб чиқариш ривожланиши, янги иш ўринлари яратиш даражасидан анча илгарилаб кетди. Бу ҳақда сал кейинроқ сўз юритамиз. Аммо амалга оширилган ислохотлар, таълимнинг барча бўғинларида маънавийт асосларини, миллий ғояни ўқитиш, ҳуқуқ ва бозор иқтисодиёти бўйича тушунчалар берилиши, таълимнинг халқимиз тарихи, миллий маданий меросимиз, жумладан, диний кадриятларимиз ва меросимиз билан боғлангани аввалги авлодлардан дунёқараши, онги сезиларли фарқ қиладиган янги авлод-ни тарбиялаш имконини берди.

Халқ таълими, соғлиқни сақлаш, болалар спортга ажратилаётган маблағлар, баркамол авлодни тарбиялаш дастурлари бир мақсадга қаратилган: «Фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва, албатта, бахтли бўлишлари шарт»<sup>1</sup>.

Мустақиллик шарофати билан вужудга келган миллий мактабимизда ёш авлод она тили ва адабиёт, миллий маънавийт асослари қаторида Ўзбекистон Конституциясини, Ватан ва ўлка тарихини, мамлакатимиз табиий ва иқтисодий географиясини ўрганмоқда, миллий кадриятларимизни, жумладан, ахлоқий ва эстетик меъёрларимизни ўзлаштирмоқда. Ўқитиладиган фанларнинг дидактик мазмуни, уларда қўлланиладиган материаллар, далиллар, мисоллар халқимиз ҳаёти, маданиятимиз тарихи, улуғ аждодларимиз сиймоси ва фаолияти билан боғланган. Айни пайтда ўқув дастурлари ва дарсликларининг ҳар бири, баъзи бир камчиликларига қарамасдан, ўз

<sup>1</sup> *Ислом Каримов*. Биз келажагимизни ўз кўлимиз билан қураимиз. Асарлар, 7-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 1999. 290-б.

соҳасидаги жаҳон илм-фани, педагогикаси ютуқларини ўзида мужассам ифода этишга уринган. Жаҳон андозаларига таълим стандартларимиз умуман олганда мос, мазмунан унинг юқори талабларига жавоб беради. Шу маънода бугунги миллий мактабимизда таълим-тарбия нетазига миллий ва умумбашарий кадриятлар уйғунлиги қўйилган, дея оламиз.

Миллийлик ва умуминсонийликни узвий бирлаштириш ислохотлар назариясининг таянч тамойилларидан биридир. Биринчи даврнинг иккинчи босқичида маънавийтни ўрганиш ва ривожлантиришда, маънавий методологиясини асослаш ва чуқурлаштиришда мамлакатимизнинг биринчи Президенти Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асари катта аҳамият касб этди. Муаллиф маънавият миллатни ва инсон эркинлигини нафакат юксалтирувчи, балки уни турли тажовузлардан сакловчи, муҳофаза этувчи қудратли ички куч экани ҳақидаги ғояни илгари суради. Бу ғоя китобнинг номида ҳам ўз ифодасини топган. Муаллифнинг куйидаги фикрлари диққатга сазовор: «Дунёдаги зўравон ва тажовузкор кучлар қайси бир халқ ёки мамлакатни ўзига тобе қилиб, бўйсундирмоқчи, унинг бойликларини эгалламоқчи бўлса, авваламбор, уни қуролсизлантиришга, яъни энг буюк бойлиги бўлмиш миллий кадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга уринади» (11-бет). Китобда «маънавий таҳдид» тушунчасининг мазмун ва моҳияти очиқ берилди. «Маънавий таҳдид деганда, аввало, тили, дини, эътиқодидан қатъи назар, – деб ёзади муаллиф, – ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружларни назарда тутиш лозим, деб ўйлайман» (13–14-бетлар).

Бу фикрлардан шундай хулоса чиқадики, маънавий таҳдид, аввало, инсон эркинлигига қарши таҳдиддир. Бинобарин, маънавий таҳдидга қарши туриш – инсон эркинлигини ҳимоя қилиш демакдир. Муаллиф ёт ғоялардан, маънавий таҳдидлардан фақат миллий ғоямиз, миллий-маънавий кадриятларимиз ёрдамида ҳимояланишимиз мумкинлигига яна бир бор урғу беради. Бунинг учун

халкимиз, айниқса, ёшлар онгига уларни чуқур сингдириб, мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш кераклиги ҳақида муҳим ғояларни илгари суради.

Маънавият – инсоннинг, халқнинг, жамият ва давлатнинг буюк бойлиги ва куч-қудрат манбаи экани, бу ҳаётда маънавиятсиз ҳеч қачон одамийлик ва меҳр-оқибат, бахт ва саодат бўлмаслиги эътироф этилиб, «маънавиятни тушуниш, англаш учун, аввало, инсонни тушуниш, англаш керак» деган теран мазмунли хулоса чиқарилади. Шу тариқа инсон ва маънавият муштараклиги ва диалектикаси очиб берилди. Унга мувофиқ, инсон комил бўлиши, юксалиши учун маънавият юксалиши, инсон том маънодаги маънавий шахсга айланиши керак. Ўз навбатида, комил инсон юксак маънавиятни яратади, маънавиятни ривожлантиради.

Маълумки, ўрта асрларда баркамол инсон ҳақида сўз борганда, бу масала асосан эътиқод, ҳулқ-атвор ва ахлоқ комиллиги нуқтаи назаридан таҳлил этилган, табиийки, шахснинг юксалиши учун жамият томонидан яратиладиган шарт-шароит, объектив ижтимоий-иқтисодий имкониятлар, сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар масаласи четлаб ўтилган. Ўзбекистонда бу масалалар диалектик муштаракликда таҳлил этилмоқда, шу асосда аниқ хулосалар чиқарилмоқда. Масалала ҳар томонлама ёндашиш биз фақат аجدодлар меросига маҳлиё бўлиб қолиш билан чекланмасдан, уни янада бойитиб, унга ўз ҳиссамизни қўшиб, замон билан ҳамқадам юришимиз, дунёвий илм-фан ва технологияларни чуқур ўзлаштиришимиз керак, деган фикрнинг амалий тасдиғидир.

Эндиликда миллий гоё ҳар қайси миллатнинг аجدодлардан авлодларга ўтиб, асрлар давомида эъзозланиб келинаётган энг эзгу орзу-интилиш ва умид-мақсадлари ўлароқ тушунилади. Бундай ёндашиш ўтмишда баъзи мустабид мамлакатларда «миллий гоё» никоби остида ўртага қўйилган, бугун ҳам айрим буюк давлатларнинг сиёсий гуруҳлари томонидан янгича шаклда илгари суриляётган, моҳиятан тажовузкор ғояларнинг (масалан, дунёнинг баъзи ҳудудларини очикдан-очик айрим қудратли давлатларнинг ҳаётий муҳим манфаатлари доирасига қирадиган минтақа, деб эълон қилиш ёки «демократия-

ни олға силжитиш» каби даъволар) миллий гоё сифатида қаралишини инкор қилади. Ҳақиқатан, туб негизда гаразли мақсадлар мужассам бўлган бундай интилишларни миллий гоё эмас, миллатчи, шовинистик ғоялар сифатида баҳолаш ўринлидир.

Ўзбекистонда демократияни ривожлантириш, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари боришда халқимиз маънавияти билан боғлиқ масалалар ҳеч қачон унутилган эмас. Бу эса бозор шароитида маънавий-ахлоқий кадриятларнинг қиммати тушиб кетмаслигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Ислохотларни амалга оширишда халқнинг миллий-маънавий хусусиятларини ҳисобга олиш режали иқтисодиётдан эркин бозор иқтисодиётига, маъмурий-буйруқбозликка асосланган мустабид тузумдан демократик жамиятга ўтиш назарияси яратилиши ва ривожига қўшилган улкан илмий ҳиссадир.

Ислом Каримов бир қарашда оддий туюладиган, лекин болалар тарбиясида муҳим аҳамиятга эга бўлган яна бир масалага алоҳида урғу берган эди: «У ҳам бўлса, дунёга ҳайрат кўзи билан боқиб, ундан ўзича маъно топишга интиладиган мурғак фарзандларимизнинг қизиқиши ва ҳиссиётларига мос кўгирчоқ ва ўйинчоқлар ишлаб чиқариш масаласидир» (156–157-бетлар).

Бу фикрдан барчамиз учун бола тарбиясида иккинчи даражали нарса бўлмайди, деган ибратли хулоса келиб чиқади. Ҳақиқатан ҳам, бола оддий ўйин ва ўйинчоқлар орқали оламни билиб олади, кашф этади, фантазиясини ривожлантиради, инсоний муносабатларни ўзлаштиради.

Юртимизда маънавиятни илмий ўрганиш ва ривожлантиришнинг янги иккинчи босқичи 2017 йилда Ўзбекистонни 2017–2021 йилларда ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинишидан бошланди. Ҳаракатлар стратегияси чорак аср давомида мамлакатимизда амалга оширилган ислохотлар тажрибасини, шу жумладан, маънавият соҳасидаги ислохотларни ҳам ҳар томонлама чуқур илмий танқидий таҳлил қилиш, ижодий ривожлантириш, тегишли ўзгаришлар ва қўшимчалар қилиш асосида ишлаб чиқилди. Ҳаракатлар стратегияси ва Ислом Каримов яратган ислохотлар назарияси ўртасида, бир томондан, ҳақиқий ворисийлик, давомийлик

мавжуд, иккинчи томондан, унга замон талаблари тақозо этган ижодий янгилик – новаторлик ҳос. Ворисийлик маънавий тикланиш, маданий меросга муносабат, маънавий юксалишга илмий ёндашув мезонларининг, тамойилларининг, бу борада белгиланган олий мақсад ва идеалларининг, стратегик вазифаларнинг сақлаб қолинишида намоён бўлмоқда. Айни пайтда маънавиятни ривожлантириш юзасидан давлат сиёсати, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятига, вазифаларига, ёндашувларига аниқлик киритилганида намоён бўлаётир. Маънавиятни ривожлантиришнинг моддий-иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий асослари ҳар тарафлама мустаҳкамланмоқда.

Маънавиятнинг – таълим-тарбия тизими, илм-фан, маданият, адабиёт ва санъат, ижтимоий онгни, миллий ғоя ва мафқурани ривожлантириш, аҳолининг бунёдкорлик, ижодкорлик фаоллигини ошириш бўйича амалга оширилган ислохотлар, йирик дастурлар натижаси, самарадорлиги ёки айрим муаммолари бирданига кўзга ташланиб қолмайди. Бунинг учун камида 20–25 йил вақт, амалиёт синови керак. Мустақиллик йилларида – маънавиятни илмий ўрганиш ва ривожлантиришнинг биринчи йирик босқичи даврида улкан тарихий ютуқлар қўлга киритилди. Биринчидан, халқимизнинг онги, тафаккури ўзгарди. Миллий ўзликни англаш ва ҳаётга муносабати янги сифат касб этди. Халқимиз коммунистик мафқуранинг эркин тафаккурни, эркин ижодни чекловчи тазйиқларидан, бирёқламалиликдан, догматизмдан халос бўлди. Иккинчидан, фикрлар, қарашлар хилма-хиллиги, мафқуравий плюрализм, виждон ва эътиқод эркинлигининг конституциявий ва ҳуқуқий қафолатлари қарор топди. Учинчидан, маданий меросимизнинг аввал халқдан яширилган, қисман унутилган қисми қайта тикланди ва бу иш давом этмоқда. Тўртинчидан, мустақиллик йилларида янги менталитетга эга, мулоқот доираси ота-боболариникига нисбатан таққослаб бўлмас даражада кенг, АКТ, интернет, глобаллашув, «ахборот портлаши», маънавий таҳдидлар қучайган шароитда шаклланган янги авлод ҳаётга кириб келди. Бу авлоднинг қизиқишлари, ҳаётга муносабати, психологияси, амалий интилишлари, талаблари, моддий



ва маънавий эҳтиёжлари, кадриятлар тизими ўрта ва катта авлодниқдан сезиларли фарқ қилади.

Тараққиётимизнинг янги босқичида чорак асрлик ислохотлар тажрибасини, ютуқ ва камчиликларни, аҳолининг онгида юз берган ўзгаришларни, янги авлоднинг объектив ва субъектив эҳтиёжларини ҳисобга олиш зарурлиги аён бўлди. Аҳолининг ижтимоий фаоллигини, давлат ва жамият бошқарувида иштирокини, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга, ўзгаришларга дахлдорлик туйғусини янада ошириш мақсадида 2017 йил «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб белгиланди ва тегишли давлат дастури қабул қилинди. Президент девони қошида Виртуал қабулхона, барча туман, шаҳар, вилоятларда ҳудудий ҳамда республика Халқ қабулхоналари ташкил этилди. Улар нафақат фуқароларнинг ариза ва шикоятлари, шунингдек, уларнинг давлат ва жамият бошқарувини такомиллаштириш, мавжуд муаммоларни ҳал қилиш, ислохотлар самарадорлигини ошириш бўйича таклифларини ҳам ўрганади.

АКТ, интернет, телевидение, электрон ОАВ ривожланиши ва аҳоли учун ахборотнинг асосий манбага айланиши ёш авлодда китоб ўқишга қизиқишни пасайтириб юборди. Нашриётлар АКТ технологияларини ўз ишлаб чиқаришларига жорий қилишса-да, дастлаб электрон китоблар чиқаришга етарлича эътибор қаратмадилар. Айниқса, оммавий маданият, электрон ўйинлар, ижтимоий тармоқлар таъсирида диди саёзлашиб бораётган ёшларнинг бадиий-эстетик эҳтиёжларини етарлича ҳисобга олмадилар. Аксинча, янги пайдо бўлган «электрон нашриётлар» саёзлашаётган, вульгарлашаётган дид, эҳтиёжларга мос маҳсулотлар билан бозорни тўлдириб ташлади. Натижада, бутун дунёда анъанавий шаклдаги китобхонлик, китобсеварлик ёш авлодда сусайиб кетди. Бизнинг мамлакатимиз ҳам бундан мустасно эмас. Шу сабабдан давлатимиз раҳбари 2017 йил 12 январь куни «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида» Фармойиш қабул қилди. Комиссия олдида қўйилган вазифалар орасида «нашриётлар

томонидан чиқариладиган бадий, маърифий, ёшларнинг дунёқарабини кенгайтиришга доир адабиётларнинг (шу жумладан, электрон шаклда) умумий буюртма рўйхатини шакллантириш тизимининг ҳолати»<sup>1</sup>ни ўрганиш ҳам бор.

Таълим соҳасидаги ислохотлар Ўзбекистоннинг жаҳондаги нуфузли университетлар, БМТ, ЮНЕСКО сингари халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилишига сабаб бўлган эди. Очигини айтганда, жаҳоннинг етакчи ривожланган мамлакатлари ҳам амалга оширолмаган 12 йиллик мажбурий таълимни Ўзбекистон жорий этди. Бу тизимнинг ноёб томони шундан иборатки, 9 йиллик умумий таянч мактабидан кейин болалар 3 йиллик касб-хунара коллежларида (90 фоизи) ёки академик лицейларида ўқишлари мажбурий, қайси касбни, ўқув юртини танлаш эса ихтиёрий эди. Аммо аҳолининг аксарияти қишлоқ жойларида ёки қишлоқдан ижтимоий-иқтисодий инфратузилмаси, турмуш тарзи кам фарқ қиладиган, иш ўринлари кам қўрғончалар ва шаҳарчаларда яшайдиган Ўзбекистонда 12 йиллик таълим, айниқса, КҲҚда ўқиш кутилган самарани бермади. Таълим ислохотлари объектив имкониятиларимиз, иқтисодиётимиз ривожланиши даражаси ва кадрларга талаби, эҳтиёжларидан анча илгарилаб кетгани, реал ҳаётдан узилиб қолгани маълум бўлди. Ислохотларнинг мазкур йўналишига жиддий тузатишлар киритишга тўғри келди. Лекин таълим тизимининг ташкилий томонлари анча ўзгариб, 11 йиллик мактаб ўқуви тикланиб, касб-хунара эгаллашга ўқиш иқтисодиёт билан мослаштирилиб, тўлиқ ихтиёрийга айлантирилса-да, таълим ислохотларининг мазмун-моҳияти, асл мақсади ва идеаллари сақлаб қолинди. Ихтисослашган турли йўналишдаги мактаб-интернатлар, хусусий мактаблар, лицейлар сонининг кўпайиши ҳам таълим соҳасини, бир томондан, демократлаштиришга, соғлом рақобатни ривожлантиришга, иккинчи томондан, иқтидорли болалар манфаатини юзага чиқаришга, истеъдодларни тарбиялашни яхшилашга хизмат қилади.

Таълим ислохотларига ўзгариш киритишнинг яна бир жиҳати бор. Бу давоматнинг таъминланиши ва тар-

<sup>1</sup> «Халқ сўзи» газетаси, 2017 йил 13 январь

бия самарадорлигига тааллуқлидир. Маълумки, мактаб тармоғи аҳоли яшашини ҳисобга олиб оптимал жойлаштирилган эди. Ўқувчилар мактабга бориб-келиш учун қийналмасди, транспорт воситаларидан фойдаланишга ҳеч қандай эҳтиёж йўқ эди. Касб-ҳунар коллежлари эса аксарият ўқувчилар яшайдиган жойдан 5–10 км, баъзиларидан ҳатто 25–30 км масофада жойлашган. Ўқишга қатнаш, айниқса, қишда анча муаммо туғдирди. 50 ўринга мўлжалланган ўқувчилар турар жойлари бўлса-да, улар барча ўқувчилар талабини қондирмасди. Натижада, давомат аста-секин пасая бошлади. Узоқ қишлоқлардан қиз болалар 25–30 кмдаги КХК га келишга қийналди. Айримлари 9 синфдан кейин ёки КХК 1-курсидан кейин турмушга чиқа бошлади. Айни балоғот ёшига етаётган болаларнинг бир қисми ота-она назоратидан мустақил бўлиб олиб уйдан четдаги ётоқхоналарда, хусусий квартираларда яшай бошлагани баъзи ҳолларда турли тарбиявий муаммоларни келтириб чиқарди ёки потенциал тарзда уларни ҳосил қила бошлади. Чунки болаларнинг айримлари ҳар хил салбий таъсирдан етарлича ҳимояланмаган эди.

Бугунги кунда наинки мамлакатимиз ёки минтақамиз, балки бутун дунё микёсида диний экстремизм, халқаро терроризм, радикал миллатчилик улкан маънавий ва сиёсий таҳдидга айланмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев тўғри таъкидлаганидек: «Ҳозирги вақтда дунё микёсида ҳукм сураётган таҳликали вазият, сиёсий ва иқтисодий инкирозлардан ташвишга тушмаётган бирорта давлат ёки жамият йўқ десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди. Айниқса, халқаро терроризм, экстремизм, наркотрафик, диний қарама-қаршилик, ноқонуний миграция, одам савдоси, экологик муаммолар, айрим минтақаларда иқтисодий ночорлик, ишсизлик, қашшоқлик кучайиб бораётгани бутун инсониятни қаттиқ хавотирга солмоқда»<sup>1</sup>.

Юқоридаги иқтибос давлатимиз раҳбарининг «Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби» мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқидан олинди. Мазкур нутқ давр

<sup>1</sup> «Халқ сўзи» газетаси, 2017 йил 16 июнь.

талабларидан келиб чиқиб маънавият юксалиши ва тарбия борасида бир неча муҳим вазифалар қўйди. Биринчидан, диний экстремизм ва терроризмга қарши курашда маърифий исломдан фойдаланиш. Ислоний меросимизни теран ўрганиш ва тарғиб этиш мақсадида Тошкентда Ўзбекистон Ислон маданияти маркази, Қашқадарёда Абул Муъин Насафий илмий маркази барпо этилмоқда. Яқинда ишга туширилган Исо ат-Термизий маркази фаолияти йўлга қўйилмоқда. Бутун дунё диний ва илмий жамоатчилиги томонидан эътироф этилган Имом ал-Бухорий маркази халқаро илмий тадқиқотлар марказига айлантирилиб, унинг фаолияти ҳар томонлама янада ривожлантирилмоқда.

Ушбу уносабат билан яна бир нарсани таъкидламоқ керак. Ўзбекистон, Ислон Ҳамкорлиги Ташкилоти Ташқи ишлар вазирлиги Кенгашига раислик қилганда, 2016 йил 18-19 октябрдаги Кенгашнинг 43-сессиясида «Таълим ва маърифат – тинчлик ва бунёдкорлик учун йўл» мавзуси кун тартибига қўйилган эди. Унда ўша пайтда Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Ш.Мирзиёев маъруза қилди. Маъруза тегишли халқаро ташкилотларда кизиқиш уйғотди. «Вашингтон таймс» газетаси Ўзбекистоннинг терроризм ва диний экстремизмга қарши курашда маърифий исломдан фойдаланиш ташаббусини қўллаб катта мақола чоп этди. 2017 йил май ойида Саудия Арабистонида халқаро саммит бўлиб ўтди. Унда «катта-катта давлатлар, араб, мусулмон мамлакатлари ва АҚШ раҳбарияти бир фикрга алоҳида урғу беришди. Яъни улар жаҳолатга қарши маърифат, таълим-тарбияни кучайтириш билан курашиш зарур эканини таъкидлашди»<sup>1</sup>.

Иккинчидан, ёшларни диний экстремистик оқимлар таъсиридан асраш, «Ўз болангни ўзинг асра» даъватини «Ўз уйингни ўзинг асра» даъватига қўшимча қилиш қаторида адашган ёшларни, агар улар жиноят қилмаган бўлса, жамиятнинг тўлақонли аъзолигига қайтариш, уларни жамоатчиликдан ажратиб қўймаслик, аксинча, ҳар томонлама ёрдам бериш вазифаси қўйилди. Учунчидан,

<sup>1</sup> «Халқ сўзи» газетаси, 2017 йил 16 июнь.

таълим муассасалари, меҳнат жамоалари, фуқаролик институтлари, айниқса, маҳалла, диний ташкилотлар, имом-хагиблар, «Нуроний», ёшлар ташкилотларини маънавий тарбия борасида ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш юзасидан фикрлар билдирилди.

Тўртинчидан, диний-маданий меросимиздан миллий маънавиятимизни, тарбияни ривожлантириш мақсадида фойдаланиш учун Самарқандда – Имом Бухорий илмий марказида ҳадисшунослик, Имом Мотуридий маркази қошида калом илми, Фарғонада – Марғиноний илмий марказида ислом ҳуқуқи мактаби, Бухорода – Баҳоуддин Нақшбанд марказида – тасаввуф, Қашқадарёда – Абул Муъин Насафий марказида ақида илмий мактабини ташкил этиш ташаббуси илгари сурилди. Ёшларга ўз имкониятларини тўла юзага чиқариш учун зарур шарт-шароитларни янада яхшилаш, ёшлар тарбияси, айниқса, уюлмаган ёшлар билан ишлашни янги сифат босқичига кўтаришда давлатимиз раҳбарининг «Камолот» ЁИХ IV курултойидаги маърузаси, «Камолот» негизда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилиши муҳим роль ўйнади. Курултойда «Камолот»нинг 16 йиллик фаолияти танқидий таҳлил этилди. Шиддатли ўзгараётган замон талаблари, чақириқлари, маънавий таҳдидлари, тенденциялари ҳисобга олиниб, Ёшлар иттифоқининг вазифалари белгиланди. Улар орасида давлатимиз раҳбарининг «социал лифт» вазифасини бажарувчи ёш кадрлар тайёрлаш тизимини барпо этиш, ёшларни тадбиркорликка жалб этиш билан боғлиқ янги имтиёзлар, иш билан таъминлаш бўйича янги чора-тадбирлар концепцияси, «Ёшлар наشريёт уйи»ни ташкил этиш, 30 июнни «Ёшлар куни» деб эълон қилиш, «Мард ўғлонлар» Давлат мукофотини, «Келажак бунёдкори» медалини таъсис этиш ташаббуслари бор.

Маънавиятни илмий ўрганиш ва ривожлантиришда давлат раҳбарининг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси алоҳида ўрин тутади, десак адашмаймиз. Маърузада маданиятимизни ривожлантиришнинг жуда кўплаб моддий-иқтисодий чора-тадбирлари ва ташкилий масалалари таҳлил қилинди ва аник

вазифалар, ижрочилар, масъуллар белгиланди. Айнан вазифаларнинг аниқлиги, кўлами, ранг-баранглиги, амалий аҳамияти марузанинг маънавийт ривожига аҳамиятини кўрсатиб турибди. Концептуал жиҳатларга келсак, унда асосан аввалги фикрлар аниқлаштирилди ва тасдиқланди. Янгилик сифатида эса куйидаги фикр диққатга сазовор: «Агар «оммавий маданият» таҳдиди фақат четдан – ғарбдан кириб келади, десак, қаттиқ адашамиз. Бу, бало, афсуски, ўзимиздан, ўз орамиздан ҳам чиқиши мумкин»<sup>1</sup>. Илгари оммавий маданият фақат четдан кириб келаётган маънавий таҳдид сифатида нотўғри, бирёклама талқин қилинар эди. Унинг замонавий жамият ва ОАВ, АКТ ривожланиши билан боғлиқлиги, бинобарин, унинг миллий заминда пайдо бўлаётган шакллари тан олинмас ва уларга қарши туриш, курашиш лозимлиги ҳам кун тартибига қўйилмас эди.

Маърузада жаҳолат тушунчаси таҳлил қилиниб, унинг мазмуни, талқини анча кенгайтирилди. «Биз «жаҳолат» деганда, одатда, диний жаҳолат, ақидапарастликни тушунамиз. Лекин бугунги ҳаётини жараёнлар жаҳолат ҳамма соҳада ҳам учраши, агар унга қарши ўз вақтида кураш олиб борилмаса, ўта оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлигини кўрсатмоқда, – дейилади маърузада. – Биз бугун жаҳолат деган балога иқтисодиёт соҳасида ҳам, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият тизимида ҳам, қўйингки, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида дуч келаямиз ва бу иллат кўл-оёғимизда бамисоли кишан бўлиб турибди. Бу кишандан халос бўлмасдан туриб, тараққиёт ва ривожланиш ҳақида ҳеч қандай сўз бўлиши мумкин эмас»<sup>2</sup>.

Адабиёт, санъат, айниқса, кино ва театр санъати соҳасидаги юксалиш вазифалари оммавий маданият ва жаҳолат тушунчаларининг янги талқинини ҳисобга олиб белгиланди.

Ўзбекистонда маънавийтни илмий ўрганиш ва ривожлантириш давом этмоқда. Бу жараён бир зум ҳам тўхтаб қолгани йўқ.

<sup>1</sup> «Халқ сўзи» газетаси, 2017 йил 5 август.

<sup>2</sup> Ўша манба.

## 24. МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТ РИВОЖЛАНИШ КОНЦЕПЦИЯСИ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ

Ҳар қандай ислоҳот, жумладан, маънавият соҳасидаги ислоҳотлар ҳам илмий-концептуал, назарий ва методологик ёндашувлар, таҳлил ва умумлаштиришлар қаторида катта маблағ талаб этади. Чунки эски маданият, мафкура билан боғлиқ муассасаларнинг бир қисмидан воз кечилади, қолганлари қайтадан, янги мафкуравий ва ҳуқуқий асосларда қайта ташкил қилинади. Энг асосийси – янги воқеликка, янги мақсадларга, идеалларга, мафкурага мос янги муассасалар тизими яратилади. Кадрлар тайёрлаш тизими ҳам мазмунан ва ташкилий жиҳатдан қайта кўриб чиқилади, қайта ташкил этилади. Булар миллиардлаб сўм маблағни талаб қилади.

Адабиёт, санъат, тарих, фалсафа, маданият тарихига оид асарлар маданий мероснинг аввал халқдан яширилган қисмини тиклаш, халққа янги олий мақсад ва идеалларни, миллий гоё ва мафкурани етказадиган наشرларни, радио ва теледастурларни яратиш, чоп этиш, эфирга узатиш яна миллиардлаб сўм маблағ ажратилишини талаб этади. Агар етарлича маблағ ажратилмаса, эълон қилинган олий мақсадлар, гоёлар қоғозда қолиб кетади, амалга ошмайди. Натижада, гоёнинг обрўйига путур етади, одамлар уни куруқ шиор, сафсатабозлик сифатида қабул қила бошлайди ва давлатнинг бу борадаги сиёсатига ишонмай кўяди. Шу сабабдан маънавият ривожланиши концепциясининг иқтисодий жиҳатдан таъминланиши муҳим масала эди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида маблағ етишмас, иқтисодий аҳвол анча оғир эди. Аммо ижтимоий соҳа – таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт ўз ҳолига ташлаб қўйилмади. Ушбу муносабат билан Ислом Каримовнинг қуйидаги фикри диққатга сазовор: «Биз учун маънавият, тарихий ва маданий қадриятлар, аҳолининг маънавий, ахлоқий ҳолати, ёш авлодни тарбиялаш энг асосий устувор вазифа бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам биз халқнинг маънавиятига зарар етказган ҳолда

маблагни тежай олмаймиз»<sup>1</sup>. Бу сўзлар энг оғир йиллардан бири – 1993 йил августида ёзилган рисоладан келтирилаётганини ўқувчига эслатиш ортиқча бўлмас. Лекин маънавият юксалишининг иқтисодий жиҳати қанчалик муҳим бўлмасин, концепцияни яратишда сезиларли роль ўйнамайди. Концепция халқнинг менталитетини, асрий орзу-ҳавасларини, олий идеаллари ва мақсадларини ҳисобга олиб шакллантирилиши лозим, у маънавиятимиз юксалиши учун илмий-интеллектуал асос, методологик йўриқнома, йўлчи юлдуз бўлиши керак. Бинобарин, концепциянинг тизим яратувчи бош гоёси – миллий гоё ва миллий мафқурани ифодалаши зарур.

Маънавиятни ривожлантириш концепцияси туб ислохотлар назарияси доирасида миллий тикланиш ва ёш авлодни мустақиллик гоёларига содиқлик руҳида тарбиялаш зарурияти ва амалиёти билан чамбарчаслигида яратилди. Чунки жамиятнинг ҳақиқий бойлиги инсондир, пировард мақсади эса муносиб, фаровон турмуш кечирадиган комил инсондир. Тарбия борасида бу – соғлом авлодни тарбиялаш зарурлигини англатади. Шу сабабдан соғлом авлод учун кураш, жисмонан соғлом, маънан етук авлодни тарбиялаш ислохотлар назариясининг асосий йўналишларидан бирига айланди. Ўзбекистоннинг биринчи ордени ҳам «Соғлом авлод учун» деб аталди.

Мамлакат, миллат келажаги соғлом авлодга, баркамол авлодга боғлиқ. Кейинчалик мамлакатимизда кўпроқ баркамол авлод тушунчаси қўлланила бошлади. Чунки Қадрлар тайёрлаш миллий дастурига ва маънавий-маърифий масалаларга бағишланган чиқишларида, асарларида биринчи Президентимиз Ислом Каримов баркамол авлод тушунчасини асосий таянч тушунча сифатида қўллаган эди. Баркамол авлод тушунчаси илмий-маърифий, маданий меросимизда қабул қилинган «комил инсон» тушунчасига яқин, уни алоҳида шахсга нисбатан қўлланиш шакли эди. Ёш авлод тарбиясига устувор эътибор бериш, биринчидан, ислохотлар назариясидан, иккинчидан эса мамлакатнинг, миллатнинг эртанги келажаги тўғрисида

<sup>1</sup> *Ислом Каримов*. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафқура. Асарлар, 1-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 1996. 331-б.



кайғуришдан келиб чиқади. Ушбу назария асослари яратилишига бағишланган дастлабки асарлардан бири – «Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли» рисоласидаёқ эътироф этилади: Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантиришнинг ўз йўли тўртта асосий негизга асосланади. Улар ҳақда аввал гапирилган эди. Такрорлаб ўтирмаймиз.

Миллий мактабимиздаги таълим-тарбия нафақат ўша тўрт негизга таянади, шунингдек, улар ёш авлоднинг эътиқодига ва амалий интилишларига айланиши лозим. Асарда бу тушунчаларнинг ҳамда маънавий тушунчасининг мазмуни талқин қилинади, халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш, миллий маданиятнинг ўзига хослиги, таълим, илм-фандаги миллий анъаналарни тиклаш ва замон талабларида ривожлантириш ислохотлар учун, мустақил тараққиёт ва келажак учун қандай аҳамиятга эга эканлиги очиб берилади.

Юқорида таъкидланганидек, одамларнинг онги, тафаккурини ўзгартириш, маънавийт масалаларини ислохотлар, миллий тикланиш ва ривожланиш билан боғлаб Ислом Каримов мустақилликнинг биринчи кунларида-ноқ муҳим мулоҳазаларни билдирди, уларни кенгайтириб, чуқурлаштириб борди. Жамоатчилик билан маслаҳатлашди. Айниқса, бу борада 1993 йилнинг апрель ойида бир гуруҳ ёзувчилар билан ўтказилган учрашувни эслаш жоиз. Унда Ислом Каримов «Мафкура масаласида нима қияпмиз? Мафкурани ўзгартиришда, уни соғломлаштиришда ким нима қилиши керак?» деган саволларни қўйди. Орадан бир ой ўтиб, Олий Кенгашнинг XII сессиясида: «Олдимизда турган энг муҳим масала, бу – миллий истиклол мафкурасини яратиш ва ҳаётимизда татбиқ этишдир»<sup>1</sup>, деган вазифага жамоатчилик эътиборини қаратди. Миллий истиклол мафкураси нималарга асосланиши, қандай туйғуларни онгимизга сингдириши ҳақида гапириб, яна қуйидагиларни қўшимча қилди: «Шу билан бирга бу мафкура халқимизда, ўзининг қудрати ва ҳимоясига суянган ҳолда, умуминсоний кадриятларга

<sup>1</sup> *Ислом Каримов*. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Асарлар, 1-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 1996. 203-б.

асосланиб, жаҳон ҳамжамиятидаги мутараққий давлатлар орасида тенг ҳуқуқли ўлароқ муносиб ўрин эгаллашга доимий интилиш ҳиссини тарбияламоғи керак»<sup>1</sup>.

Маърузада олға сурилган гоёлар миллий истиқлол мафкураси, миллий гоё масалаларига олимлар ва жамоатчиликнинг қизиқиши кучайишига сабаб бўлди. Ушбу мавзуда ҳар хил давра суҳбатлари ўтказилди, мақолалар чоп этила бошлади. Турли фикрлар билдирилди. Очиғини айтганда, мавзу илмий жамоатчилик учун мутлақо янги эди.

Коммунистик мафкуранинг узоқ йиллар давомида шаклланган андозалари, ақидавий гоёлари, шиорлари, «дохийлар» асарлари ва компартия ҳужжатлари, кўрсатмалари каби «илк манбалари» бор эди. Миллий истиқлол гоёси ва мафкурасининг эса халқимиз маданий меросидаги ва маънавиятидаги, замонавий ҳаётидаги манбалари, асосий тушунчалари ва тамойиллари аниқланиши, бир сўз билан айтганда, илмий методологик, дидактик асослари ва концепцияси яратилиши керак эди. Давра суҳбатларида, илмий мунозараларда, кўплаб чоп этилаётган мақолаларда жўяли фикрлар, қизиқ мулоҳазалар билан бир қаторда, баъзи бир ўта жўн ёки илмий жиҳатдан асоссиз, баландпарвоз гаплар ҳам анча-мунча айтилди. Айрим қизиққон олимлар ҳатто миллий гоё ва мафкурага расмий давлат мақоми бериш керак, деган фикрларни билдира бошладилар. Баъзи бирлари бизнинг тарихий ва маданий илдишларимиз чуқур, маънавият соҳасида Ғарбдан ўрганишнинг зарурати йўқ, Ғарб мамлакатлари маънавияти инқирозни бошдан кечирмоқда, унда дегуманизация жараёни бошланганига анча бўлган, биз маънавият соҳасида фақат ўз кучимизга таянишимиз керак, қабалидаги миллий маҳдудликка мойил мулоҳазалар юритдилар.

Буларни назарда тутиб: «Лекин аввалги тузумнинг қадриятларини шунчаки инкор этишнинг ўзи ҳеч қандай бунёдкорлик дастурига эга бўлмаган сиёсий ва маданий экстремизм хавфини туғдиришини англаб эдик. Шу билан бирга, ўтмиш қадриятларига, анъаналарига ва турмуш тарзига бетартиб равишда, орқа-кетини ўйламай

<sup>1</sup> Ўша манба, 203-б.

қайтиш бошқа бир кескинликка – ҳозирги даврни қабул қилмасликка, жамиятни янгилаш заруратини инкор этишга олиб келиши мумкин»<sup>1</sup>, – деб огоҳлантирган эди Ислом Каримов. Мазкур хавотирлар собиқ социалистик мамлакатлар ва постсовет ҳудудида, бирида озрок, бирида кўпроқ, ўз тасдиғини топди. Совет мафқурасидан, социализмнинг баъзи бир салбий меросидан, сохта кадриятларидан қутилиш, тозаланиш баҳонасида, айрим ҳақиқий кадриятлар йўқотила бошлади, рус тилини ва маданиятини инкор қилиш кучайди. Ҳатто Россиянинг ўзида бундай сиёсий ва маданий-экстремистик қарашлар анча тарқалди. Масалан, бутун дунё тан олган буюк ёзувчи Максим Горькийга Москвада қўйилган ҳайкал демонтаж қилинди. Ҳайкал фақат 2017 йил августда ўз жойига қайтарилди. Айрим давлатларда сиёсий ва маданий экстремизм оқибатида ўта ўнғ радикал кучлар, хусусан, неофашистлар пайдо бўлишига олиб келди.

Ўнғга ёки сўлга, радикализмга ёки консерватизмга, миллий маҳдудликка оғиб кетмаслик, миллий тикланишнинг фикрлар ва қарашлар хилма-хиллигига асосланган барқарор ижтимоий-маданий тараққиёт йўлига тушиб олиши учун маънавиятни ривожлантириш йўлларини пухта белгилаб олиш керак эди. Ўзбекистонда ҳам дунёвий ва диний радикализм шаклидаги сиёсий ва маданий экстремизмни қўллаб-қувватловчилар бор эди.

Маънавиятни ривожлантириш концепцияси устидаги изланишлар, таҳлиллар мунтазам давом эттирилди. Чунки масала ҳаётини муҳим аҳамиятга эга, ислохотлар тақдири, янгиланаётган жамият ва инсон келажаги билан боғлиқ эди. Маънавият ва миллий ғоя масаласи ислохотлар назариясининг таркибий гуманитар қисмини, ислохотларнинг илмий-интеллектуал негизини ташкил қилади. Қабул қилинган Конституциянинг ҳеч бир мафқура давлат мафқураси мақомига кўтарилмаслиги тўғрисидаги моддаси ҳам сиёсий мазмунга, расмий мақомга эга бўлмасдан, бутун жамиятни, унинг барча ижтимоий қатламларини, табақаларини, турли этник

---

<sup>1</sup> *Ислом Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Асарлар, 6-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 1998. 126-б.*

гуруҳларини бирлаштира оладиган ғоя ва мафқурани яратишни талаб қиларди. Чунки бирлаштирувчи ғоясиз, ижтимоий мўлжал кўрсатувчи, юксак мақсадларни тунтириб берувчи мафқурасиз жамиятда парокандалик юз бериши, баъзи гуруҳлар хато йўлдан кетиб қолиши мумкин эди. Буни ўтмиш тарих ҳам, ўзимизда ва собик иттифоқдош республикларнинг баъзи бирларида содир бўлаётган воқеалар ҳам тасдиқлаб турарди.

Янги мафқуранинг вазифаси эса – янгича, эркин фикрлайдиган, мустақил инсонни тарбиялаш эди. Маънавий тикланиш, миллий ўзликни англаш, ўтмиш тарихимизни, тарихий хотирамизни, аждодларимиз, диний ва дунёвий алломаларимизнинг жаҳон маданиятига қўшган ҳиссасини англаб олиш, ислом дини ва маданияти кадриятларини тиклаш юзасидан мустақилликнинг илк кунлариданоқ ўта муҳим ва улкан одимлар қўйилди, кўплаб чора-тадбирлар, дастурлар амалга оширилди. Жумладан, Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Мирзо Улугбек, Бобур, Алишер Навоий, Аҳмад Фарғоний, Маҳмуд Замаҳшарий, Имом Бухорий, Мотуридий, Марғиноний, Хўжа Аҳмад Яссавий, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Хўжа Аҳрор Вали каби буюк аждодларимиз юбилейлари ўтказилди. Уларнинг ва яна бошқа номлари тилга олинмаган буюк алломаларимизнинг кўплаб асарлари чоп этилди.

Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, Шаҳрисабз, Қарши, Марғилон, Тошкент шаҳарларининг, «Авесто», Маъмун Академияси, «Алпомиш» достонининг юбилейлари нишонланди. Мазкур шаҳарлар, маънавий обидалар тарихи Ватанимиз тарихининг бир узвий бўлаги сифатида илмий баён қилинди. Маданий дастурлар «қайта тикланаётган меросга фарқлаб ёндашишга, энг муҳим, умуминсоний кадриятларни бойитадиган ҳамда жамиятимизни демократиялаш ва янгилаш талабларига жавоб берадиган, ахлоқ жиҳатдан аҳамиятли анъаналарни, урф-одатларни танлаб олиш заруратига асосланган эди»<sup>1</sup>. Чунки вазиятнинг мураккаблигини, миллий тикланиш масаласининг ўта нозик ва зиддиятли эканини назарда тутиш, маданий маҳдудлик

<sup>1</sup> *Ислом Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараккиёт йўлида. Асарлар, 6-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 1998. 98-б.*

ва маданий экстремизмга, миллатчилик ва манманликка оғиб кетмаслик, айна пайтда миллий ғурурни тиклаш талаб этиларди.

Маънавият ва миллий истиқлол мафқураси концепциясини яратишда биринчи Президентимизнинг биринчи чакирик Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари» дастурий маърузаси муҳим босқич бўлди. Маърузада эндиги асосий вазифа одамларни мустақил фикрлашга ўргатиш, ўзига ишончини орттириш экани эътироф этилади. У инсоннинг ҳақиқий эркинлигини тафаккур эркинлиги билан боғлади. Бу совет даврида ижтимоий онг ижтимоий борлик томонидан белгиланади, иқтисодий базиснинг ўзгариши муқаррар равишда мафқуравий устқурмани, одамлар дунёкарашини ўзгартиради, деб, онгни оддий инъикос даражасига тушириб, унинг фаоллигини ўта нисбий баҳолаб, инсон эркинлигини фақат ва фақат ижтимоий тузум белгилайди, деган ақидани аксиома сифатида қабул қилишга одатланиб қолган кишилар учун мутлақо янгилик эди. «Тафаккур озод бўлмаса, онг ва шуур тазйикдан, қулликдан қутилмаса, инсон тўла озод бўла олмайди»<sup>1</sup>, деб баралла айтилди.

Ижтимоий ислоҳотлар, миллий тикланиш, миллий ғоя ва мафқура концепциясини яратишда Ислом Каримовнинг «Тафаккур» журнали бош муҳаррирининг саволларига жавоблари улкан аҳамият касб этганди.

Ана шундай саъй-ҳаракатларнинг навбатдаги ифодаси бир гуруҳ тарихчи олимлар билан 1998 йил баҳоридаги учрашув бўлди. Учрашувда баён этилган фикр-мулоҳазаларнинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» деган сарлавҳада чоп этилиши миллий ғоя ва мафқура масалаларини ўрганиш ва муҳокама этишни янги босқичга кўтарди, янги гоёлар билан бойитди.

Маънавият ва миллий ғоя, мафқура борасидаги тоборо чуқурлашиб бораётган фикр ва таҳлилларнинг тадрижий янги босқичи давлатимиз биринчи раҳбарининг «Тур-

<sup>1</sup> *Ислом Каримов*. Ватан саждагоҳ каби мукаддасдир. Асарлар, 3-жилд. –Т.: «Ўзбекистон», 1996. 34-б.

кистон» газетаси мухбири саволларига жавоблари бўлди. «Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз» сарлавҳаси остида чоп этилган мазкур жавобларда шу пайтгача биз кўпроқ эски тузумни танқид қилиб келдик, «энди инкор қилиш кайфиятидан бунёдкорлик кайфиятига ўтиш пайти келди»<sup>1</sup>, дейилади. Бу шунчаки образли сўзлар эмас, балки жамият олдига, жумладан, ОАВ, маънавий-маърифий соҳа олдига қўйилган ижтимоий вазифа, ижтимоий мўлжал ва илмий тадқиқотчилар, олимлар учун илмий-методологик кўрсатма эди.

Миллий гоя юридик жиҳатдан ҳам, фалсафий жиҳатдан ҳам, тарихий-этнологик жиҳатдан ҳам жуда назик ва чигал, мураккаб масала. Аввало, миллий гоя ва мафқурани Ўзбекистон Конституциясининг 12-моддаси ва бошқа меъёрлари билан, умуман демократик тамойиллар билан уйғунлаштириш лозим эди. Ижтимоий фанлар вакиллари, адиблар ва журналистлар олдига ушбу вазифа қўйилди. Изланишлар ва тадқиқотларга янги йўналиш берилди. Масалага ёндашув тобора ҳар томонламалик, комплекс характер касб этиб борди.

Миллий гоя ва мафқура борасида олиб борилган изланишлар, жаҳон илмий-фалсафий таълимотлари, назариялари тарихини, замонавий қарашларни таҳлил этиш, мамлакатимизда мустақиллик йиллари тўпланган тажрибани, МДХ ва хориж мамлакатларидаги аҳволни ўрганиб умумлаштириш натижалари миллий истиқлол мафқураси концепцияси яратилишига олиб келди. Бу концепцияни Ислом Каримов 2000 йил апрелида илмий ва ижодий жамоатчилик билан учрашувда «Миллий мафқура – давлатимиз ва жамиятимиз қурилишида биз учун руҳий-маънавий куч-қудрат манбаи»<sup>1</sup> маърузасида баён қилди. Унда миллий гоя, миллий мафқура маъно-моҳияти ҳамда миллий гоя нима учун, кимларга кераклиги тўғрисида фикрлар ифодаланди.

Орадан бир қанча вақт ўтиб, «Fidokor» газетаси мухбири саволларига берган жавобларида Ислом Каримов миллий истиқлол мафқураси концепциясининг асосий

<sup>1</sup> *Ислом Каримов*. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Асарлар, 7-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 1999. 146-б.

тушунчаларини, тамойилларини, мақсад ва вазифаларини мустақилликнинг мустаҳкамланиши, ислохотлар стратегияси, жамиятимиз янгиланиши, инсон юксалиши масалалари билан боғлаб янада кенгрок ва теранрок очиб берди. Ушбу маслаланинг кун тартибига қўйилиши сабаблари ҳақида гапириб, эндиликда ядро майдонларида эмас, мафкура майдонларида бўладиган курашлар кўп нарсани ҳал қилишини таъкидлади. Чунки илгари кучли давлатлар заиф мамлакатларни очикдан-очик босиб олиб, хукмронлигини ўтказган бўлса, «ҳозирги вақтда қудратли давлатлар ва муайян сиёсий марказлар ўз мақсадларига эришиш учун аввало забт этмоқчи, ўз таъсир доирасига олмақчи бўлган мамлакатларнинг аҳолиси онгини ўзига қарам қилишга интилади»<sup>1</sup>.

Маънавият, миллий ғоя ва мафкура концепциясининг илмий ва амалий жиҳатдан янги сифат босқичига кўтарилиши Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асари билан боғлиқ. Асар 2008 йилда нашр қилинди. Унда муаллиф жуда улкан илмий назарий материалларни, ўз изланишларини, мулоҳазаларини ҳамда мустақиллик йиллари мамлакатимизда тўплаган тажрибани умумлаштирди.

Миллий маънавият ривожланиш концепциясини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан бойитишнинг янги босқичи 2017 йилдан бошланди. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуни, Президент Шавкат Мирзиёевнинг ушбу соҳа тармоқлари, йўналишларини ривожлантиришга, ташкилий тузилмаларини такомиллаштиришга қаратилган фармонлари, қарорлари, Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонунларига киритилган ўзгаришлар, Ҳукумат қарорлари катта аҳамият касб этади. Улар маънавият соҳасидаги ислохотларни чуқурлаштириш, уларга давр талабларидан келиб чиқиб зарур ва жиддий ўзгаришлар киритишнинг ҳуқуқий асосларини белгилади. Миллий

---

<sup>1</sup> *Ислом Каримов*. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Асарлар. 8-жилд. – Т., «Ўзбекистон», 2000. 491-б.

маънавиятимиз ривожланиши назарий ва амалий концепцияси, айниқса, Президентимизнинг 2017 йил 15 июнь кундаги «Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби» мавзусига бағишланган анжумандаги «Ватанимиз тақдири ва келажаги йўлида янада ҳамжиҳат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қилайлик», 30 июнь кунини Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги «Жисмоний ва маънавий етук ёшлар – эзгу мақсадларимизга етишда таянчимиз ва суянчимиздир», 2017 йил 3 августда Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги «Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир» мавзусидаги маърузаларида янада бойитилди ва ҳаёт билан мустаҳкамроқ боғландики, булар ҳақда аввалги қисмда тўхталдик.

## 25. ЖАҲОН ИЛМ-ФАНИДА МАЪНАВИЯТ МАСАЛАЛАРИ

Ҳозирги замон жаҳон илми-фанида ва ижтимоий-сиёсий ҳаракатларида маънавиятнинг баъзи соҳалари ва ижтимоий шаклларига эътибор кучаймоқда. XIX аср охириги чорагида Европа мамлакатлари маънавий онгида, ҳаётида чуқур ўзгаришлар бўй кўрсата бошлади. Рационализмга ишонч сусайди. Дин ва черковнинг мавқеи умуман тушиб кетди. Адабиёт ва санъатда декаданс (тушкунлик пайдо бўлди). XX аср ибтидосида авангардистик, турли хил модернистик оқимлар кўпайиб кетди. Илмий-техника ютуқлари туфайли оммавий маданият тез тарқалди.

1914 йилда бошланган I жаҳон уруши инсониятга мислсиз қийинчиликлар олиб келди. Австрия-Венгрия, Усмонли турк, Россия империялари парчаланиб кетди. Россияда социалистик инқилоб ғалаба қозонди. Италия ва Германияда фашизм ҳокимиятни қўлга олди. Вайронгарчилик, очарчилик, ишсизлик, жиноятчилик, ногиронлар сонининг уруш туфайли купайиб кетиши, бошқа кўплаб салбий ўзгаришлар анъанавий ва мумтоз қадриятлар деформациялашувига, уларнинг кўпчилигига одамлар ишонмай ва рия этмай қўйишига олиб келди.



Ғарб ижтимоий онгида, маданияти ва ахлоқида юз берган ўзгаришларни англаш, таҳлил қилиш, сабабларини тушунтириш бу борадаги илмий тадқиқотларни жонлантирди. О. Шпенглер, Карл Поппер, Хосе Ортега-и-Гассет, Кассирер ҳаёт фалсафаси, экзистенциализм (Сартр, Камю, Хайдеггер, Марсель, Ясперс), персонализм, феноменология (Гуссерль) оқимлари пайдо бўлди. Лекин II- жаҳон уруши Ғарб маънавиятига ва илмий қарашларига янада катта зарба берди. Қурбонлар, ногиронлар сони I-жаҳон урушига нисбатан 5-6 барабар кўп бўлди. Холокост жараёнида салкам 6 млн яҳудий ўлдириб юборилди. Баъзи бир қишлоқлар бутун аҳолиси, болачақалари билан тўлиқ кириб ташланди ёки тириклайин ёқиб юборилди. Инсон ҳаётининг кадр-қиммати тушиб кетди. Зўравонлик, қотиллик, талончилик, ирқчилик ва ашаддий миллатчилик, доимий хавф ва ижтимоий кўрқув, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг топталиши, сиёсий чақимчилик ва репрессиялар Германия, Италия ва уларнинг иттифоқчи мамлакатларида, СССРда одамлар маънавиятини, қадриятлар тизимини издан чиқарди, салбий томонга ўзгартирди. XX асрнинг 60-70 йилларидан прагматизм, феноменология, экзистенциализм, неопозитивизм аста-секин таъсирини йўқота бошлади. Фалсафий антропология, франкфурт мактаби, структурализм, танқидий рационализм ва ш.к. янги оқимлар таъсири кучайди. Энг асосийси – иккинчи жаҳон урушидан кейин ўн йил ўтиб барча соҳаларда уруш асоратлари тугатилиб, кескин юксалиш юз берди. Мустақилчилик тизими емирила бошлади. Озодлик, тенглик, мустақиллик, инсон ҳуқуқлари, ижтимоий адолат, ижтимоий тараққиёт ғоялари одамлар онгида қаттиқ ўрнашди.

Анъанавий ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий, диний, экологик қарашлар XX аср II ярмида, айниқса, 70–80-йилларда сезиларли ўзгарди. Бу жамият ҳаётида ҳам ўз ифодасини топди. Шарқда эр-хотин, оила аъзолари ўртасидаги муносабатларда патриархалликнинг баъзи авторитар қоидалари анча юмшади, хотин-қизларнинг эркинлиги, ҳақ-ҳуқуқлари, ижтимоий фаоллиги анчамунча ўсди. Шарқ хотин-қизлари орасидан С. Бандранайке (Шри Ланка), И. Ганди (Ҳиндистон), Б.Бхутто

(Покистон) каби президентлар, бош вазирлар етишиб чиқди. Жанубий Корея, Буюк Британия, Германия, Финландия, Литва, Латвия, Лотин Америкасининг қатор давлатлари ва ҳукуматларини хотин-қизлар муайян муддат бошқардилар ёки бошқармоқдалар. Булар гендер тенглиги, феминистик ҳаракат, инсон ҳуқуқлари каби масалаларда қилинган амалий, сиёсий-ижтимоий, илмий-назарий ишларнинг натижасидир.

Лекин ушбу масалаларда бугун, XXI асрда олиб борилаётган илмий тадқиқотлар ва амалий ижтимоий-сиёсий ишларнинг камчиликлари ҳам талайгина. Оила ва никоҳ институтини бекор қилиш (феминистик ҳаракат), биржинсли никоҳларни қонунийлаштириш, гендер тенглигини, инсон ҳуқуқларини, сўз, эътиқод, ахборот эркинлигини формал ва вульгар тушуниш, табиий инстинктни маънавий меъёрлардан устун қўйишни холис илмий ўрганиш шулар жумласидандир. Ахборот технологиялари ривожланиши маънавият, инсон руҳияти, ижтимоий-сиёсий жараёнларни ташкил қилиш масалаларига таъсир кўрсатиш, инсон онги билан манипуляция қилиш имкониятини орттирди. Реклама аллақачон истеъмол товарига айланишга улгурган оммавий маданият маҳсулотларини ва юқори доираларга керакли сиёсий гояларни одамлар онгига сингдиришга хизмат қилмоқда. Хуллас, маънавиятнинг турли соҳаларини ҳар хил сиёсий, иқтисодий доираларнинг геополитик манфаатларидан келиб чиқиб ўрганишга эътибор кучайди. Лекин Ғарбдаги тадқиқотлар кўпинча маънавият атамаси эмас, бошқа атамалар, бошқа конкрет муаммолар билан боғлаб олиб борилади.

Маънавий маданият деганда, Ғарбда кўпроқ диний маданият, черков фаолияти тушунилади. Бу ҳақда биз ўтган мавзуларда гапирган эдик. Маънавият атамаси деярли қўлланилмаса-да, уни онг, тафаккур, ахлоқ, адабиёт ва санъат, ҳуқуқ, сиёсий, диний эътиқодга, илм-фанга оид маданиятнинг алоҳида соҳаси сифатида дифференциал (алоҳида) ёки қисман умумий система сифатида феноменологик, культурологик, семиотик, структуралистик, неопозитивистик, этнологик, социологик, политологик, футурологик тадқиқ этиш кенгайиб бораётир.

Э.Гуссерль, Хосе Ортега-и-Гассет, М.Хайдеггер, К.Ясперс, С.Кьеркегор, О.Шпенглер, Э.Кассирер, Р.Карнап, Э.Фромм, К.Леви Строс маънавият атамасини қўлламасалар-да, маънавий маданият, инсон онги, руҳияти, иродаси, тили, тафаккури, маданиятини, санъатдаги таъсирлаш, ифодалаш, инъикос жараёнларини, яъни кенг мазмундаги маънавиятни ўз қарашлари, олға сурган ғоялари ва концепциялари нуктаи назаридан қисман ёки нисбатан тўлароқ тадқиқ этдилар. Бугунги мавжуд турлича ёндашувларга уларнинг ҳамда XIX асрнинг Ф.Ницше, Ф.Достоевский каби мутафаккирларининг қарашлари анча таъсир кўрсатган.

Ранг-баранг модернистик, постмодернистик, мультикультурализм, цивилизациялараро тўқнашув ва ҳ.к. янги концепциялар олға сураётган ғоялар, шу жумладан, баҳсли ғоялар, улар қўллаган методология, бир томондан, ҳозирги замон жамияти зиддиятларига бориб тақалса, иккинчи томондан, юқорида қайд этилган ва этилмаган XX аср олимларининг қарашлари, методлари таъсири билан боғлиқ. Масалан, феноменологияга Гуссерль асос солган. Феноменологиядан экзистенциализм кўп ғоялар ва услубларни қабул қилган. Экзистенциализм, ўз навбатида, оммавий маданият ва оммавий жамият танқидчиси Ортега-и-Гассет қарашларига ижобий таъсир кўрсатган. Ортега-и-Гассетнинг эса XX аср ижтимоий фикрига, культурологияси, социологиясига таъсири анча сезиларлидир.

Заруратга қараб, биз кейинги машғулотларда Ғарб олимларининг конкрет масалаларга умумий ёндашуви (аввалги мавзуларда уларнинг баъзи бирларини қисман келтириб ўтдик) тўғрисида тўхталамиз.

Маълумки, замонавий жамият турли ижтимоий гуруҳлар, табақалар, қатламлардан иборат. Уларнинг энг йириклари синфлар, энг кичиклари 2–3 маслакдош кишини бирлаштирувчи гуруҳга бўлиниши мумкин. Уларнинг бир-биридан фарқ қилувчи иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий манфаатлари, қизиқишлари бор. Ўз ижтимоий-синфий, гуруҳий манфаатларини англаш, уларга амалий ҳиссий ва мафкуравий-ғоявий муносабат турли ижтимоий гуруҳлар туйғуларига, ижтимоий майлларига, дунёқараши, кадриятлар тизими, маънавияти-

га анча кучли таъсир кўрсатади, бир-биридан уларни фарқлайди. Муайян воқеа, жараён, ҳолат ҳар хил ижтимоий гуруҳларда ўзгача муносабат, кайфият уйғотиши мумкин. Масалан, қандайдир маҳсулотга бозорда талаб ортиши, маҳсулот нархининг ўсиши ушбу маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг кайфиятини кўтарса, уни истеъмол қилувчиларни хурсанд қилмайди. Уларнинг нарх кўтарилишига берадиган баҳоси бир хил бўлмайди.

Одамлар ижтимоий-табақавий белгилардан ташқари, касбларига, билимларига, маданий савиясига, ижтимоий фаоллигига, меҳнат ва ҳаёт тажрибасига, ёшига, жинсига ва яна кўплаб хусусиятларига кўра ҳам фарқланади ва айни пайтда турли тоифаларга, гуруҳларга бирлашади. Бир тоифага, гуруҳга мансуб кишиларнинг туйғу ва ҳиссиётида, ҳаётга муносабатида, баҳолар ва қадриятлар тизимида, қизиқишларида, истак ва интилишларида, идеалларида ўхшашлик, ўзига хос муштараклик бор. Уларнинг кўнгил ва ақл дунёси ўзаро анча-мунча яқин. Масалан, ёшларнинг қизиқишлари, замонавий маданиятга, истеъмол буюмларига, замонавий модага муносабати кекса ёшдагиларникидан кескин ажралиб туради, аммо ўзаро анча яқин. Аёлларнинг воқеа ва ҳодисаларга берадиган баҳолари эркакларникига ўхшамайди.

Турли гуруҳларнинг қарашлари ва қадриятлар, баҳолар тизимида фарқ баъзи масалаларда анча кучли, ҳатто, қарама-қарши бўлиши мумкин. Масалан, ҳокимият учун сиёсий кураш масалаларида. Элитар (юксак) маданият ва оммавий (тубан) маданият маҳсулотларини баҳолашда ҳам баъзи гуруҳлар муносабати ўзаро мос келмаслиги, ҳатто, қарама-қарши бўлиши ҳаётда учраб туради. Масалан, опера, балет, классик мусиқа жанрлари замонавий оммавий мусиқанинг жаз, рок, поп-арт, рэп каби жанрларининг баъзи ишқибозлари томонидан эскирган, қизик эмас, ўз умрини ўтаб бўлган, дея беписандлик билан баҳолаши, аксинча, классик мусиқанинг баъзи шинавандалари юкорида қайд этилган оммавий мусиқани ҳеч қандай эстетик қимматга эга бўлмаган ритмик шовқинсурон, дея баҳолашлари мумкин. Одатда, айнан шундай ҳар хил муносабатлар кенг тарқалган.

Бир даврда, бир жамиятда яшаётганига қарамасдан одамлар, гуруҳлар ўртасида нега бундай ҳар хил муносабатлар, баҳолар кенг тарқалган? Чунки уларнинг психологияси ҳар хил, уларнинг ижтимоий манфаатлари, қизиқишлари, мақсадлари, интилишлари ҳар хил. Баъзан фарқ унчалик катта ва кескин кўриниш олмайди, баъзан, аксинча, кескин кўриниш олади, қарама-қаршилик, конфликт даражасига кўтарилиши мумкин.

Шу сабабдан маънавиятни, унинг ривожланишини, одамларга социал (ижтимоий) таъсирини олдиндан кўра билиш, теран тушунтириш қийин. Ижтимоий психология турли ижтимоий гуруҳларнинг, табақа ва қатламларнинг, шу жумладан, ҳар хил касбларга оид гуруҳларнинг ҳамда меҳнат жамоаларининг руҳиятини, психологиясини, кайфиятини, қизиқишларини, уларни қандай идрок этишини, маънавий ҳодисаларга муносабатини, баҳоларини, ўз қизиқишларини қандай амалга оширишни ва кўплаб шунга ўхшаш психологик масалаларни ўрганади. Турли гуруҳларнинг маънавий фаолиятига, эркин танлаш жараёнига, яратувчанлик фаолиятига табиий ва ижтимоий инстинктларининг таъсири ижтимоий психология ёрдамида теранроқ аңлаб олинади. Жамиятда вужудга келган барқарор муҳит, замонанинг ҳар хил даъватлари, талаблари, ахборот хуружи, турли-туман таҳдидлар, яъни беқарорлик унсурлари ҳам ижтимоий гуруҳлар ва умуман жамият маънавиятига руҳий, психологик босим ўтказди. Бундан ташқари, Фарбда маданий маҳсулотлар ҳам товар. Турли ижтимоий гуруҳлар, қатламлар муайян маданий маҳсулотни қандай баҳоламоқда, қандай харид қилмоқда? Ишлаб чиқарувчилардан нималарни кутмоқда? Ижтимоий психология ушбу масалаларни ўз предметидан келиб чиқиб ўрганади.

Турли ижтимоий гуруҳларнинг, табақалар ва қатламларнинг кайфияти, руҳияти, интилишлари ва жамиятда амалга ошириладиган яратувчанликка, ҳар хил таҳдидларга, замон талабларига муносабатини, фикрини билмасдан туриб, биз замонавий жараёнларни самарали ташкил эта олмаймиз. Шу сабабдан ижтимоий-психологик тадқиқотлар социологик тадқиқотлар билан тўлдирилиши, биргаликда олиб борилиши зарур. Бу айниқса,

TVда қайси вақтда, нимани кўрсатиш ёки турли ижтимоий гуруҳлар учун алоҳида канал ташкил этиш ва ҳ.к. масалаларга тааллуқли.

Социология сўзи, луғавий мазмунига кўра, жамиятшунослик, жамият тўғрисидаги фан, деб таржима қилиниши мумкин. Терминологик мазмуни анча конкрет. Социология фани уч қатламдан иборат. *Биринчиси* – умумназарий социология. У жамият фаолияти ва ривожланишининг энг умумий қонунлари, алоқалари, боғлиқликлари, хусусиятларини назарий таҳлил қилади. Умумназарий социология – бу жамият фалсафаси ёки ижтимоий фалсафадир. *Иккинчиси* – социология фанининг ўз назарияси. У амалий конкрет социологик тадқиқотлар натижаларини умумлаштириш, жамиятда вужудга келган ёки келаётган турли тенденцияларни аниқлаш, уларни назарий жиҳатдан баҳолаш, жамият ривожланишининг умумий ва хусусий қонунларига боғлаш ҳамда социологик тадқиқотларнинг турли назарий концепциялари, методологиясини ишлаб чиқиш билан шуғулланади. *Учинчиси* – амалий социологик тадқиқотлар: кузатишлар, интервьюлар, анкета ёрдамидаги сўровлар, ҳар хил тематик баёнлар, рефератлар, иншолар, маърузалар уюштириш, ўтказиш ва таҳлил қилиш умумлаштириш шакллари.

Конкрет социологик тадқиқотлар қилинаётган ишлар самарадорлигини аниқлашда, маънавий-маданий тадбирларнинг ўтказувчилари, муаллифлари билан унинг истеъмолчилари, аҳоли ўртасида иккитомонлама алоқани таъминлашда, маънавий ишларда турли гуруҳларнинг қизиқишларини, ҳохиш-истакларини, талабларини ҳисобга олишда катта аҳамият касб этади. Ғарб мамлакатларида ижтимоий психология ва социология ёрдамида аҳолининг онги муайян йўналишда шакллантирилмоқда ва бошқарилмоқда.

Ижтимоий-гуманитар фанлар орасида XX асрда жадал ривожланган фанлардан бири – бу социологиядир. Айниқса, амалий социологик тадқиқотлар замонавий жараёнлар ва жамиятнинг актуал ҳаётини ўрганувчи барча фанларга – иқтисод фанидан тилшунослик, адабиётшунослик фанларигача, сиёсатшуносликдан педагогика-психология фанларигача кириб борди. Айни пайтда, со-

циология бошқа ижтимоий-гуманитар фанларнинг баъзи конкрет усуллари ва воситаларини ўзлаштириш ҳисобига бойиб, теранлашиб, кенгайиб бормоқда. Улардан ҳар хил тажрибалар, экспериментлар ўтказишни, масалан, педагогик-психологик экспериментлар ёки аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишнинг турлича кўринишлари ва шакллари кўллаш, у ёки бу йирик дастурларни, тадбирларни идеологик жиҳатдан таъминлаш, аҳоли онгига таъсир кўрсатиш каби усуллар социология фанига мавжуд эди. Уларни социология фани ўзлаштирамоқда. Шу боис социологиянинг жамият маънавий ҳаётидаги таъсири кучайиб бораётир.

Маънавият мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлайдиган «Маънавият методологияси» фани ўқув дастурида юқорида кўриб чиқилган ижтимоий психология, социология қаторида герантология, культурология, футурология фанларида маънавият масалалари талқини, деган савол бор. Дастурни тузувчилар, ўз савияларидан келиб чиқиб, герантологияни маънавиятни ўрганувчи фанлар қаторига киритибди, уни кўриб чиқишимизга тўғри келади.

Герант юнон тилида «қария» деган мазмунни англатади. Герант деб қадимги Юнонистонда оқсоқоллар кенгаши аъзосини атаганлар. Бугунги кунда узоқ умр кўриш масалалари билан шуғулланувчи тиббий-биология фанининг махсус бўлими герантология деб аталади. Герантология кейинги йилларда анча юксак суръатларда ривожланмоқда. У, асосан, тиббиёт-биологик хусусиятларини сақлаб қолган бўлса-да, психологик, социологик, юридик, ижтимоий-сиёсий масалалар билан ҳам боғланаётир. Бу тушунарли, албатта.

*Биринчидан*, узоқ умр кўриш, жисмоний ва ақлий фаолликни сақлаб қолиш учун фақат организм соғлом ва бақувват бўлиши етарли эмас. Энг аввало, инсон ўз ҳаётидан, турмуш тарзидан маълум даражада қониқиш ҳосил қилиши лозим. Рўзғори нотинч, болалари, қариндош-уруғлари, атрофдаги кишилар билан муносабати яхши бўлмаган киши ёки турли қийинчиликлар, омадсизликлар, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, жиноятчилик туфайли ҳаётдан безган кишилар узоқ умр кўришни унчалик ҳам истамайдилар, ўзларини турли хавф-хатар ва касаллик-

лардан эҳтиёт қилмайдилар. Узоқ умр кўриш, тез қариб қолмаслик психологик ва маънавий муҳитга ҳам боғлиқ. Буни мумтоз адабиётимизда «ҳаётга шукроналик», Оллоҳ синовларига розилик, қаноат, деб атаганлар. Умуман, нафс ва хирсни жиловлаш, ўзини ортикча овқатдан, зиёфат ва маишатдан чеклаш, шукроналик, саховат, меҳр-оқибат, ҳасад қилмаслик, қалбан поклик, тозалик ва бошқа кўплаб имон-эътиқод ва одоб-ахлоқ билан боғлиқ тушунчалар герантологик концепцияларни бойитмоқда.

Нохалол, виждони нопок киши кўрқувда, стресс ҳолатида яшайди. У ўзининг бу ҳолатини англамаслиги, кўрқувни онгли равишда сезмаслиги мумкин. Аммо онг-остида бундай кўрқув, стресс доимо мавжуд ва инсон умрини, соғлиғини зимдан эговлайди. Юқоридагилардан ойдинлашмоқдаки, герантология ва маънавият ўзаро боғлиқ. Маънавияти ёки тараққиёт даражаси паст жамиятда ўртача умр кўриш юқори бўлмайди. Одамлар турли касалликлардан, эпидемиялар, очарчиликлардан ташқари, алкоголизм, жиноятчилик, гиёҳвандлик, нотўғри овқатланиш, ўз саломатлигига эътибор бермаслик туфайли ўртача узоқ яшамайдилар. Уларнинг кўпчилигида узоқ умр кўришга қаратилган психологик мўлжал шаклланмайди.

Маънавият ва герантология боғлиқлиги фақат маънавиятнинг узоқ умр кўришга таъсирида эмас, шунингдек, узоқ умр кўрган, ҳаётий тажрибаси катта авлоднинг ёш авлод тарбиясига бевосита таъсирида, ибратида ҳам намоён бўлади. Бу ўзбек халқ эртақларида, мумтоз ва замонавий адабиётда ўз ифодасини топган. Улардан кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Китобнинг бу қисми маънавият методологияси бўлгани учун, ўқув дастурида қўйилган савол унчалик тўғри эмаслигини таъкидлаш лозим. Савол маънавият масалаларининг герантологик талқини эмас, аксинча, герантология масалаларининг маънавий талқини, деб қўйилса, тўғрироқ бўларди. Гап талқин ҳақида кетмоқда. Узоқ умр кўриш, тез қариб қолмаслик назаридан маънавиятнинг талқин қилиш, унинг бошқача илмий талқинларидан нимаси билан фарқ қилиши лозим? Қониқарли жавоб йўқ, бўлиши мумкин ҳам эмас. Савол бироз сунъий. Аксинча, узоқ умр кўришни инсонпарварлик, халқпарварлик, ахлоқ,



хуқук, сиёсат нуқтаи назардан талқин қилиш мумкин. Бундай талқин унинг тиббий-биологик талқинидан аниқ фарқ қилади. Жамиятда қарияларга муносабат, иззат-хурмат, жамиятдаги маънавий муҳит, қарияларнинг ижтимоий муҳофазаси, уларга бериладиган турли имтиёзлар, уларнинг нафақа, дори-дармон, зарур озиқ-овқат, ҳар хил ижтимоий хизматлар билан таъминланиши ва ш.к.лар қарияларнинг умри узайишига ижобий таъсир кўрсатади. Булар эса жамиятнинг маънавиятига, инсонпарварлик даражасига, давлат олиб борадиган сиёсатга бевосита боғлиқ. Хуллас, ўқув дастуримизда мантиқ оёғи осмондан, тескари келтирилган.

Философия ва барча фанлар азалдан келажакда бизни нима кутяпти, эртага ҳаёт қандай бўлади (табиатшуносликда табиат қайси томонга ўзгаради ва ҳ.к.) деган саволларга жавоб излаган, турли хил фаразлар, тахминлар олға сурилган. XX асрда, ҳатто, фалсафа фанида футурология деб аталадиган йўналиш пайдо бўлди. Футурология лотинча футурум – келажак ва логос – таълимот сўзларидан ясалган. Кенг мазмунда футурологияни келажакшунослик, тор мазмунда жамият келажаги тўғрисида назария, деб таржима қилиш мумкин. Футурология, футуризм XX аср бошларидан кўп қўлланила бошлади. Ҳатто бадиий адабиётда ушбу сўз билан аталувчи ўзига хос эстетик оқим вужудга келди. Вл. Маяковский ўз даврида футурист шоир сифатида катта шухрат қозонган эди. Футурологияни бугунги мазмунда илк бор 1943 йилда немис социологи О.Флехтхайм синфийликдан устун турувчи «келажак фалсафаси» сифатида фанга киритди. Футурология 50–60-йиллар бошида барча фанларнинг илмий башоратларини (прогноزلарни) умумлаштурувчи, ижтимоий жараёнлар истиқболини аниқ кўрсатиб берувчи монопол фан мақомига даъвогарлик қилди. Лекин 60-йиллар охиридани у аста-секин машҳурлигини йўқота бошлади. Чунки унинг предмети ва усуллари анча ноаниқ, ягона тизимни ташкил этмас, бошқа фанлар ичида тарқалиб кетган эди. Шу сабабдан атаманинг ўзи кам қўлланиладиган, унинг ўрнига «келажакни тадқиқ этиш» атамаси кўпроқ ишлатиладиган бўлди.

Футурологияда бир неча оқимлар ажралиб туради. Улардан биринчиси постиндустриал, технократик жамият концепциялари билан боғлиқ. У жамият ривожланишини асосан илмий-техника тараққиёти билан боғлайди ва маънавий омиллар аҳамиятини писанд қилмайди, уларни иккинчи даражали деб ҳисоблайди. Бундан ушбу оқимнинг анъанавий кадриятларга, юксак маданиятга, динга, адабиёт ва санъатга беписанд қараши келиб чиқади. Маънавиятга технократик ёндашув бирёқламалиги танқиди муносабати билан бу ҳақда аввалги мавзуда тўхталган эдик. Уларни такрорлаб ўтирмаймиз.

Футурологиянинг иккинчи йўналиши XX асрнинг 60–70-йилларида машҳур бўлган конвергенция назариясидир. У капитализм ва социализм илмий-техника тараққиёти муносабати билан бир хил ишлаб чиқариш технологиялари, маиший турмуш стандартлари, истеъмол товарлари, одамларнинг бўш вақтини ташкил қилиш ва ҳ.к. омиллар таъсирида ўзаро ўхшаш хусусиятларга, белгиларга эга бўлиб боради, деган ғояни илгари сурди. Ғарб капиталистик жамияти синфий қарама-қаршиликларни (конфронтацияни) енгиб ўтиб, ижтимоий шерикликка, ижтимоий муҳофазага эътиборни кучайтирганлиги, социалистик мамлакатларда пролетариат диктатураси ўрнига «халқ давлати» ва баъзи бир либерал демократик ғоялар тарқалаётгани, аҳоли турмуш фаровонлиги ошаётгани илмий далил сифатида келтирилган эди. Конвергенция биологияда икки организмнинг, турнинг бир хил шароитда яшashi оқибатида, табиатга мослашиш қонунига кўра, уларда ўхшаш белгиларнинг пайдо бўлишини англатади. Жамиятшуносликдаги конвергенция назарияси ўша пайтда бир-бирига қарама-қарши турган сиёсий системалар (капитализм ва социализм)нинг муқаррар равишда келажакда ўзаро ўхшаш белгиларга эга бўлишини башорат қилишдир.

Конвергенция назариясининг айрим унсурлари ҳақиқатан юз берди. Социализм сақланиб қолган Хитойда, Куба ва Вьетнамда бозор муносабатлари (бирида кўпроқ, бирида озроқ) ривожлана бошлади. Шимолий Корея Ғарб мамлакатлари билан муносабатида конфронтацион ва маҳдудлик (изоляция) позициясини сақлаб турибди.

Бозор иктисодиётига ўтган собиқ социалистик ва ривожланаётган бошқа мамлакатлар маънавиятида, аҳолиси дунёқараши ва қадриятлар тизимида Ғарб маънавияти унсурлари тоборо кўпайиб бораётир. Бу, айниқса, жаҳонда оммавий маданият тез тарқалаётганида, глобаллашув жамият тараққиётининг асосий тенденцияларидан бирига айланаётганида, маънавий ҳаётнинг кўп соҳаларида ўхшашлик пайдо бўлаётганида кўринмоқда. Айни пайтда кўпчилик ривожланган Ғарб мамлакатларида «социализм» унсурлари – ижтимоий муҳофазасининг турли шакллари ва минимал кафолатлари қарор топди. Айниқса, Швеция, Финляндия, Дания, Швецария, Германия, Франция, Англия каби мамлакатларда. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда, социализм трансформациясидан кейин, конвергенция назарияси ўз долзарблиги ва кўламини йўқотди.

Футурологиядаги оқимларнинг учинчиси – радикал оқим. Унга биноан, «Ғарб цивилизацияси» ҳалокатга маҳкум. Илмий-техника революцияси Ғарб цивилизациясини ҳалок қилади. А.Ускоу (АҚШ), XX асрнинг 60–70-йилларида анча тарқалган Г.Адорно, Г.Маркузе каби олимларнинг «янги сўллар» назарияси, қарашлари ҳам футурологик мазмунга эга. Маънавият соҳасида улар аънавий қадриятларни, ахлоқий, эстетик меъёрларнинг кўпчилигини инкор қилади. Буржуа иккиюзламачи ахлоқининг иллатлари, деб баҳолайди. «Тил инқилоби», «сексуал инқилоб» ва турли хил шунга ўхшаш «инқилоблар», тарих саҳнасидан тушиб кетган Ғарбдаги «хиппи» ва «панк»ларнинг ҳаракати, ёшларнинг баъзи бир ноформал уюшмалари, феминистик ва гендер ҳаракатининг айрим қарашлари, ҳужжатлари футурологиянинг радикал оқимига мансуб дейиш, мумкин. Футурологиянинг радикал қарашларида ҳар хил ҳалокатли конкрет башоратлар талайгина. Ерга астероид келиб урилиши, глобал исиб кетиш, йирик вулқонлар отилиши, янги муз даври, техноген ҳалокатлар, экологик ва демографик ҳалокатлар, цивилизациялараро тўқнашув ва бошқа «башоратлар» шулар жумласидандир.

Рим клуби башоратлари ҳам футурологик мазмунга эга. Айни пайтда, улар илмий-методологик жиҳатдан анча

асослидир. Уларда турли фаразлар, тахминлар вариантлари қайд этилади. Уларни ҳар қандай башоратлар каби юз фоиз эҳтимолликда юз беради, деб бўлмайди. Рим клуби инсоният келажagini аниқ айтиб беришни ўз олди-га мақсад қилиб қўйган эмас. У жамият турли омиллар таъсирида қандай муаммоларга, хавф-хатарларга дуч келиши мумкинлигидан одамларни огоҳ қилиш, уларнинг олдини олиш учун илмий, технологик, иқтисодий кучларни бирлаштириш, ҳамкорлик қилиш зарурлигига жаҳон жамоатчилиги эътиборини қаратган эди. Рим клуби ҳақида Муҳиддин Раҳимнинг «Тафаккур» журнали 2014 йил 4-сонида чоп этилган «Қисматинг надур одамзод ёхуд Рим клуби башоратчилари» мақоласидан батафсил маълумот олиш мумкин.

Маънавият ривожланишига миллатлар тақдири, миллий тиллар келажаги билан боғлаб ҳам қаралмоқда. Глобаллашув шароитида бу борада янги прогнозлар пайдо бўлаётир, эскилари янгича талқинда тикланаётир. Улардан бирига мувофиқ, гўёки, жаҳонда 300 млндан кам халқлар ўзлигини, ўз тили ва маданиятини сақлаб қололмайди, бошқа йирик халқларга қўшилиб ассимиляция бўлиб кетади. Башоратлар орасида Ф.Фуқуяманинг «Тарих интиҳоси» мақоласини алоҳида таъкидлаш лозим. Фуқуяма фикрига кўра, дунёда қандай зиддиятлар, тўқнашувлар, урушлар, инкилоблар юз бермасин, оқибатда ҳаммаси янги келишувлар, демократия ва ҳуқуқ ривожланиши учун янги имконият вужудга келиши билан тугайди. Иккинчи жаҳон уруши оқибатида фашизм яқсон бўлди. Германия, Италия, Япония демократия йўлига ўтди. Совуқ уруш якунида социалистик мамлакатлар, қисман Хитой демократик кадриятларни тан ола бошлади. Ривожланаётган Осиё, Африка, Лотин Америкасида ҳам Ғарб технологиялари, глобаллашув, оммавий маданият таъсирида демократик унсурлар, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, ғоялари тобора кўпаймоқда. Демак, хулоса қилади Ф.Фуқуяма, Ғарб либерал кадриятлари бутун дунёни аста-секин эгаллайди. Ўшанда турли давлатлар, цивилизациялар ўртасидаги сиёсий, маданий зиддиятлар ва курашлар ҳам барҳам топади. Тарих охирига етади, интиҳо топади. Чунки шу пайтгача биз билган тарих турли ғоялар, сиёсий қарашлар, тузумлар, кадриятлар кура-

ши эди. Ҳамма бир хил кадриятлар тизимига ўтса, анъанавий зиддиятлар ва курашлар ўз-ўзидан йўқолади.

Биз бу масалага келгуси мавзуда яна қайтамиз. Фукуяма қарашлари утопик характердаги, аммо яширинча неокOLONиалистик Ғарб космополитик ғояларини тарғиб этувчи мафкурадир. Хуллас, жаҳон илм-фанида маънавийятнинг турли жиҳатлари, маънавий ҳаёт ҳар хил илмий ва эътиқодий позициялардан ўрганилмоқда. Ҳар хил башоратлар, сценарийлар олға сурилмоқда.

Айрим олимлар маънавиятга диний-мистик нуқтаи назардан ёндашадилар. У инсон мутлақо тушунтиришдан ожиз, илоҳий иноят, «қалб кўзи» билан кўрилган ҳақиқат, ғойибдан инсонга кўрсатилган ҳидоят, йўл, ишора, кўнгилга солинган ижод ва фаолият, ботиний илмлар, нозик ва илоҳий ҳис-туйғулар ва ҳ.к. деб тушунтирилади. Анъанавий диний-мистик қарашлар замон таъсирида ўзгариб, янги кўринишлар касб этмоқда. Бугун ҳар хил эзотерик қарашлар, космос (коинот) юбораётган кодлаштирилган белгилар, тимсоллар, рамзлар, салбий ва ижобий энергетика ва шунга ўхшаш қарашлар ҳам жамиятнинг маънавият, маънавий ҳаёт тўғрисидаги тасаввурлари ва қарашларида акс этмоқда.

## **26. ЖАҲОН ФАНИДА ЖАМИЯТ КЕЛАЖАГИ ҲАҚИДА АЙРИМ БАШОРАТЛАР**

XX аср инсоният тарихида энг зиддиятли, қарама-қаршилиқларга, ҳалокат ва йўқотишларга, глобал хавф-хатарга бой аср бўлди. XX асрда икки марта жаҳон уруши, қатор қонли инқилоблар, минтақавий можаролар, урушлар юз берди. XX асрда бир-бирига қарама-қарши икки сиёсий тизим, икки лагерь – капиталистик ва социалистик лагерлар вужудга келди. Улар ўртасида муросасиз кураш 70 йилдан ортиқ давом этди. Бу кураш ижтимоий ҳаётнинг барча асосий соҳаларида – сиёсий, иқтисодий, дипломатик, ҳарбий ва маънавий ҳаётнинг барча соҳаларида олиб борилди. Баъзан сиёсий кураш фуқаролар уруши, жаҳон уруши (иккинчи жаҳон уруши), локал, минтақавий ва муайян мамлакатларда революцион ва контрреволюцион кўзғалонлар, ҳаракатлар кўринишини олди.

Ҳар икки тизим ўз сиёсий даъволарини оқловчи, тажовузкорлигини асословчи мафкуралар, назариялар, таълимотлар яратди, қуролланиш пойгасини авж олдирди. XX асрда «учинчи дунё» деб аталмиш иккала тизимга ҳам кирмайдиган мамлакатларда яримлиберал, эклетик, реформистик, анархистик ёки радикал сиёсий ва диний экстремистик мазмундаги турли хил қарашлар тизими, мафкуралар пайдо бўлди.

Сиёсий баҳслардан ташқари, икки тизим жаҳон миқёсида ОАВ орқали бир-бирига қарши барча масалалар, жумладан, маънавият-маданият масалалари бўйича тизгинсиз тарғибот-ташвиқот олиб борди. Мафкуравий курашда ҳар икки томон вазиятни бўрттириб, далилларни бирёклама талқин қилишдан, керак бўлса, сохталаштиришдан, одамлар эҳтиросларини жунбушга келтириш истагидан тоймади. Маънавий ҳаётда сиёсий мафкуранинг (дунёвий ва диний бўлишидан қатъи назар) таъсири ҳаддан ошиб кетди. Бундай ҳолат сиёсатнинг, ижтимоий ва маданий ҳаётнинг, гуманитар фанларнинг мафкуравийлашуви, деб аталади. Ўта мафкуравийлашган ҳаёт, оқибатда, одамлар онгига тескари таъсир кўрсата бошлайди, ишончсизликни уйғотади. Ҳар икки тизимда яшовчи одамлар ўртасида аста-секин ғарб-либерал ғояларига ҳам, коммунистик ғояларга ҳам ишонч сусайиб, бефарқлик, индефферентлик кучая бошлади.

Икки кутбли дунёнинг барҳам топиши, баъзи бир либерал ҳамда коммунистик ғояларнинг инқирози, унинг асосида фаолият кўрсатаётган маънавий ҳаётнинг инқирозига ва янгиланишига олиб келди. Аммо бу баъзи мамлакатларда ниҳоятда зиддиятли кечмоқда.

Анъанавий кадриятлар ва ғоялар ўрнини доим ҳам улардан илғорроқ ва тараққийпарварроқ, гуманистик ғоялар эгаллаётгани йўқ. Баъзан анахроник, ўз умрини ўтаб бўлган консерватив, реакцион, экстремистик бузғунчи ғоялар ёки тушкунлик, бефарқлик руҳидаги ғоялар ёхуд ахлоқсизлик, худбинлик, нафс, ҳирс, шахватни оқловчи сохта кадриятлар ва ғоялар эгалламоқда. Бефарқлик ва ахлоқсизлик, анъанавий кадриятларни инкор қилиш Ғарб жамияти онгида кучайиб кетди. Ривожланаётган мамлакатлар маънавий ҳаётида, хусусан, ислом мамлакат-

ларида исломни сохталаштирувчи экстремистик руҳдаги қарашлар ва ҳаракатлар вужудга келди. Ривожланган мамлакатларда Ғарб либерализмидан, ахлоқи, анъанавий маънавий кадриятлар тизимидан аҳолининг ҳафсаласи пир бўлди. Улар оммавий маданиятнинг сохта кадриятларига ўта бошладилар. Анъанавий кадриятларнинг инқирози, бузғунчи ғоялар, сохта кадриятларнинг, экстремизмнинг, оммавий маданиятнинг кенг тарқалиши замонавий жамият маънавий ҳаётининг, сиёсий, ахлоқий, ҳуқуқий, эстетик онгининг янги тенденцияларидир.

Бу тенденциялар бир кунда пайдо бўлиб қолгани йўқ. Улар бутун XX аср давомида шаклланди. Шу сабабдан Ғарб олимлари Европа цивилизациясининг, маънавий маданиятнинг инқирози ва сабаблари ҳақида XX асрнинг 20-йилларидан ёза бошладилар, унинг илдизларини, кейинги тенденцияларини таҳлил қилишга уриндилар. Немис файласуфи Освальд Шпенглер 1920 йилдаёқ тахминан 19–20-йилдан кейин янги жаҳон уруши бошланишини башорат қилган эди. Унинг йирик «Европанинг сўниши» (1922 йил тўла нашр этилган) асари, Йохан Хейзинганинг «Эртанги кун соясида. Давримиз маънавий хасталигининг ташхиси» (1935), Эрих Фроммнинг «Эркинликдан қочиш» (1941) асарларини эслаш мумкин. Аслини олганда, бошқа йирик олимларнинг Ғарб маънавияти инқирозини турли фалсафий-онтологик, методологик, гносеологик масалаларига боғлаб таҳлил этган асарлари кўп. Улар маданиятшуносликка эмас, кўпроқ фалсафага ва социологияга оид бўлгани учун номларини келтириб ўтирмаймиз. Лекин Семюэль Хаттингтон, Фрэнсис Фукуяма, Патрик Бьюкенен, Жон Коулман қарашлари тўғрисида қисқача тўхталиш лозим.

Ғарб олимлари яқдиллик билан постиндустриал жамиятда Ғарб маънавий-маданий инқирози чуқурлашиб бораётганини тан олади. Инқироздан чиқиш йўллари ва инсониятнинг маънавий-маданий келажаги тўғрисидаги қарашлари ўртасида ҳам, хусусий масалаларни ҳисобга олмаганда, катта фарқ йўқ. Уларнинг фикрича, Ғарб либерал-демократик кадриятлари, охир-оқибат, дунё микёсида устунлик қилади. Аммо бу қандай, қайси муддатларда юз бериши бўйича фикрлар ҳар хил. Бундан ташқари, кейин-

ги йилларда улар қарашларида пессимистик (тушкунлик руҳидаги) фикрлар кўпаймоқда.

С.Хаттингтоннинг 1994 йилда «Тамаддунлар тўқнашуви» асари нашр этилди. У жаҳон илмий жамоатчилигида катта шов-шувга ва баҳсга сабаб бўлди. Хаттингтон жаҳон халқлари цивилизациясини (тамаддунини) 8 турга бўлади: Ғарб, конфуций (хитой), япон, ислом, ҳинд, славян-православ, лотин америкача ва африкача. С.Хаттингтон фикрига кўра, энди жаҳон уруши ва минтақавий урушлар мамлакатлар гуруҳлари ёки алоҳида мамлакатлар ўртасида юз бермайди. Энди урушлардан мақсад иқтисодий-сиёсий, ҳарбий устунликка эришиш эмас. Энди урушлар цивилизациялар ўртасида юз беради. Улардан мақсад кадриятлар – маданий-ғоявий устунликка эришишдир. Зиддият ва кураш, ҳаттоки, қуролли тўқнашувлар цивилизациялардан ҳар бирининг заифлашуви, пировардида Ғарб кадриятларининг улар томонидан қабул қилинишига ва Ғарб цивилизациясига бўйсунушига олиб келади, деб ҳисоблайди.

Маълумки, 2001 йил 11 сентябрда АҚШ тарихида энг катта террористик ҳуруж содир этилди. Террористлар бир неча пассажир лайнерларини босиб олиб, АҚШнинг икки самоўпар 110 қаватли биносига, Пентагоннинг бир томонига келиб урилдилар. Америка халқининг террористик хавф-хатардан қафолатланмагани ойдин бўлди. Булар америкалик олимларнинг футуристик қарашларига таъсир кўрсатмай қолмади.

С.Хаттингтоннинг «Биз киммиз? Америка миллий идентлигига таҳдидлар» асарида куйидаги фикрларни учратиш мумкин: «Бугунги таҳликали дунёда америкаликларнинг хавф-хатар ва қўрқувга кўникишларига тўғри келади», «мамлакат тараққиётининг ҳозирги босқичида химоясизлик ҳисси – америкаликлар миллий ўзлигининг асосий хусусиятига айланади», «бугун инглиз-протестант маданиятига испанлашув жараёни ва мультикультурализм таҳдид солмоқда... бундай вазиятда миллий яхлитлигимизнинг яқкаю-яғона ҳалосқори эътиқоддир»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Иқтибослар Баҳодир Умаровнинг «Қалбнинг гўзаллиги – бебаҳо бойлик» // «Маънавий ҳаёт», 2013, нишона сонидида чоп этилган мақоласи бўйича берилмоқда.



Маълумки, кейинги ярим асрдан буён АҚШга лотин америкалик, испан тилида сўзловчи халқлар кўплаб келиб қўшилмоқда. Уларни тўлиқ американлашиб кетди, дейиш кийин. Чунки лотин америкаликлар испан тилида сўзлашишларидан ташқари, христианликнинг католик оқимига эътиқод қиладилар (протестантизмга эътиқод қилувчи АҚШликлардан фарқли). Испан тилли католикларнинг америка миллати таркибида кўпайиб кетаётгани, америка халқининг гўёки икки маданиятли икки миллатга айланиб қолиш хавфини туғдирмоқда. Шу сабабдан С.Хаттингтон америка миллий идентлигини сақлаб қолувчи ягона омил инглиз протестант эътиқоди, деб ҳисоблайди. Бунда ҳам тил, ҳам дин ҳисобга олинмоқда. Уларнинг ҳар иккаласи миллий-маданий идентликни белгиловчи омиллардир.

Френсис Фукуяма башоратига кўра, гоёлар, мафкуралар, сиёсий тизимлар кураши сифатида тарих интиҳо топади (воқеалар, ҳодисалар, мамлакатлар ривожланиш жараёни сифатида эмас). Унинг «Тарих интиҳоси» мақоласида тоталитар тузум ва мафкуралар барҳам топиши баробарида жаҳон халқларига либерал демократия таъсири кучайиши, пировардида жаҳонда тўлиқ ғалаба қозониши таъкидланади. У мақоласини М.Горбачевнинг демократик ислохотлари давом этаётган, ҳали СССР, социалистик мамлакатлар тез ўзгараётган бўлса-да, мавжуд ва фашистик режимлар – Испанияда Франко, Португалияда – Салазар, Чилида – Пиночет ҳамда тоталитар мафкуранинг социалистик ва фашистик кўринишларидан фарқ қилувчи ЖАРдаги ирқий кўриниши ва унинг апартеид режими қулаган ёки қулаш арафасида ҳақиқатан либерал-демократик гоёлар кенг тарқалаётган даврда ёзган эди. Орадан бироз вақт ўтиб, социалистик тузум емирилди. Барча собиқ совет республикалари, социалистик мамлакатлар, собиқ ҳарбий режим мамлакатлари – ҳаммаси демократик, ҳуқуқий давлат қуриш мақсадини эълон қилдилар. Ҳаттоки Покистон, Эрон каби ислом республикаларида, ички ва ташқи вазият мураккаблигига қарамадан, демократик сайловлар ўтказилаётир. Жануби-Шарқий, Жанубий Осиё мамлакатларининг кўпчилигида демократия анча барқарорлашган. Япония, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Тайвань, Малайзия каби мамлакат-

ларда, айниқса, Япония ва Жанубий Кореяда демократия Европа мамлакатларидан кам фарқ қилади.

Миллий-ғоявий, сиёсий-ғоявий, диний-ғоявий курашлар барҳам топгач, тарих ҳам ғоялар тарихи сифатида барҳам топади, интиҳосига етади. Шу сабабдан, Фукуяма мақоласидан либерал-демократия жаҳонда ҳукмрон дунёқарашга айланади, бу эса, оқибатда, миллий маданий мерос, қолоқ миллий-махаллий, диний урф-одатлардан, анъаналардан воз кечиш, дунё фуқаросига айланиш имкониятини туғдиради, деган хулоса келиб чиқади. Фукуямадан ўз таржимамизда икки иқтибос келтирамиз:

«Польшадаги каби (СССРда ҳам) марксизм-ленинизм оммани сафарбар этувчи мафкура сифатида ўликдир: унинг байроғи остида одамларни яхшироқ ишлашга мажбурлаб бўлмайди, унинг гумашталари эса ўзларига ишончни йўқотиб бўлган».

«Тарих интиҳоси қайғулидир. Тан олишлари учун кураш, мавҳум мақсадлар учун ҳаётини хавф остига қўйишдан тоймаслик, жасорат, тасаввур ва ғоявийлик талаб қиладиган мафкуравий кураш – буларнинг ўрнига – иқтисодий ҳисоб-китоб, адоғи йўқ техник муаммолар, экология тўғрисида ғамхўрлик ва истеъмолчининг нозик ва инжиқ талабларини қондириш. Посттарих даврида санъат ҳам, фалсафа ҳам йўқ; фақат ўта эҳтиётлик билан қўриқланадиган инсон тарихи музейи бор, холос».

Аслини олганда, бу қарашлар моҳиятан янгилик эмас. Ғояни бутун тараққиётнинг, жумладан, жамият ривожланишининг ҳам субстанционал ўзаги ҳисоблаган Ҳегел ҳам жамиятда ўзаро курашувчан муқобил ғоялар ўрнига умумий барчани яраштирувчи ғоя пайдо бўлса, тарих интиҳо топади, деб ҳисоблаган. У «Рух феноменологияси» асаарида 1806 йилда тарих ўз интиҳосига яқинлашмоқда, деган фикрини билдиради. Француз инқилоби идеаллари Европада Йена жангидан сўнг ҳукмронлик қила бошлади. Ҳегел башорати гўёки амалга ошди (жанг айнан 1806 йилда юз берган). Лекин Ғарбда капиталистик тузум ғоялари енгиб чиқса-да, тарих интиҳо топмади. Янги ғоя – буржуа жамияти ғоясига муқобил коммунистик ғоя шаклланди. Бугун коммунистик ғоя инкирозга учради.

Либерал-демократик ғоя хукмрон. Аммо бу Фукуяма ҳақ бўлиб чиқди, дегани эмас.

Ғарб маънавий инқирозини таҳлил қилувчи ва кескин фикрларни олга суриб, катта шов-шув, баҳс-мунозаларга сабаб бўлган асарлардан бири – Патрик Бьюкененнинг «Ғарбнинг сўниши» асаридир. Патрик Бьюкенен масалага Ғарб мамлакатларидаги демографик вазият ва оила-никоҳ институтининг емирилишидан келиб чиқиб ёндашади. Ғарб мамлакатларида туғилиш йилдан-йил камайиб бораётир. Масала шу қадар кескинлашдики, айрим ғарб халқлари ўзларини сон жиҳатдан қайта тиклаш учун етарли даражадан кам фарзанд кўрмоқда. Масалан, ҳар бир оила икки фарзанд кўрсагина, ўзини сон жиҳатдан қайта тиклайди (ота ва она ўрнига келажақда икки фарзанд қолади). Бьюкенен кўпчилик Ғарб мамлакатлари бўйича туб аҳоли туғилиши коэффицентини ва унинг кейинги йиллардаги пасайиш тенденциясини келтиради. Европанинг ривожланган мамлакатларининг бирортасида туғилиш коэффиценти оила бошига ўртача иккени ташкил қилмайди. Болгарияда ҳатто 0,9 га тенг. Ўсиш ёки аҳоли сонининг камайиб кетмаслиги асосан муҳожирлар ва улардан фуқаролик ҳуқуқини олганлар оиласидаги туғилиш ҳисобидан таъминланмоқда. Европа ва АҚШ, Канада аҳолиси таркибида туб бўлмаган этник гуруҳлар сони кескин кўпайиб бораётир. Улар маҳаллий халқлар қадриятларини, тилини, либерал-демократик қоидаларини секин ўзлаштиряпти ёки бутунлай инкор этмоқда (натураллашмаган муҳожирлар, яъни фуқароликни олмаган муҳожирлар). Бу икки йўналишда ўта жиддий муаммолар туғилмоқда. Биринчидан, Ғарб маданиятига, Ғарб қадриятларига, маънавий-маданий бирлигига хавф солмоқда. Иккинчидан, нолегал ва натураллашмаган муҳожирларнинг ҳуқуқлари бузилишига, кафолатланмаслигига, муҳофаза этилмаслигига олиб келмоқда ва муҳожирлар орасида норозиликни, Ғарб қадриятларини қабул қилмаслик қайфиятини кучайтирмоқда. Улар орасида жиноятчилик ўсмоқда.

Ғарб давлатлари муҳожир ишчи кучини жалб қилмасдан ўз иқтисодиёти, ишлаб чиқариш талабларини тўла қондира олмайди. Маълум миқдордаги муҳожир ишчи ку-

чини таклиф қилишга мажбур. Аҳолиси тез қариб бораётир. Пенсия ва нафақа олувчилар сони, яъни боқимандалар сони тез ўсмоқда. Муҳожирлар ҳисобига нафақат ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш талаблари, шунингдек, солиқ базаси торайиб кетмаслиги ва меҳнат бозоридаги конкуренция (рақобат) таъминланмоқда. Муҳожирларга, айниқса, нолегал, натураллашмаган муҳожирларга маҳаллий ишчиларга нисбатан сезиларли даражада кам иш ҳақи тўланиши хусусий капитал учун ҳам фойдали. Бу маҳаллий ишчи аҳоли ўртасида муҳожирларга нисбатан салбий муносабатни шакллантирмоқда. Натижада, ўнг кучлар, шовинистик ва неофашистик гуруҳлар фаоллашмоқда, либерал-демократик қадриятларга дарз кетмоқда.

Патрик Бьюкенен Ғарбдаги нохуш демографик тенденциялар сабаби, илдизларини ўтган асрнинг 60-йилларида Ғарб ёшларининг «сексуал инқилоб», «ахлоқий инқилоб», «тил инқилоби» ва ш.к. «маданий инқилоб», «феминистик ҳаракат» ва оила-никоҳ институтларини емиришга қаратилган ҳар хил «ахлоқий, ҳуқуқий, маданий толерантлик» ҳаракатларида, оммавий маданиятда кўради. Улар асрий христиан қадриятларига қарши чиқиб, дастлаб абортларни, фуқаролик никоҳлари ва эркин алоқаларни, оқибатда, бир жинсли никоҳларни, гейлар ҳаракатини, секс-шоплар ва ҳ.к.ни легаллаштиришди.

Бьюкенендан бир иқтибос келтирамиз: «Хукмронликни қўлга олган «оммавий маданият» кечаю-қундуз азалий насроний қадриятларни камситиб, ҳатто аёлнинг эри ва болалари бўлиши – табиий эҳтиёж экани ҳақидаги тасаввурлар устидан кулиб келди. Бугунги кунда жамиятимизда аёлни оналик вазифасидан буткул маҳрум этишга интилаётган кучлар пайдо бўлди».

Ғарб олимларининг қарашларидаги хусусий фарқларни эътироф этган ҳолда, уларнинг глобал маънавий инкирозни бартараф этиш юзасидан фикрларидаги ўхшаш ва умумий томонларни таъкидлаш мумкин. Уларнинг фикрича, глобал маънавий инкироздан чиқиш учун Ғарб либерал-демократик ҳамда Ғарб анъанавий мумтоз қадриятларига амал қилиш лозим. Миллий манфаатлардан, тоталитар мафкура ва сиёсатдан воз кечиб, Ғарб

анъанавий (протестантликка асосланган) кадриятларини қабул қилиш (дунёвий шаклда, албатта) керак.

Жон Коулман фикрлари тўғрисида алоҳида ва батафсилроқ гапириш лозим. У америкалик публицист. Ўзининг айтишича, британия махсус (хуфёна) хизматлари собик ходими. У ўндан ортиқ китоблар муаллифи. Асарлари орасида «300лар комитети. Жаҳон ҳукумати сирлари» (1992) алоҳида ўрин эгаллайди. Ж.Коулман дунёни аслида 300 кишидан иборат махфий ҳукумат бошқармоқда, унинг пировард мақсади барча давлатлардаги мустақил миллий ҳокимиятни, демократияни бекор қилиб, ягона тоталитар давлат қуриш ва ўз диктатурасини ўрнатишдир, деб бонг урди. У бўлажак тоталитар диктатуранинг мақсади – ер юзида бир миллиард аҳолини қолдириб, уни тўлиқ ўз измига буйсундириш, ўзига яқин элитанинг қулига айлантириш, деган фикрни зўр бериб асослашга интилади. Жаҳонда, турли минтақаларда содир бўлган ва бўлаётган инқирозлар, сиёсий ва иқтисодий фитналар, тангликлар, инқилоблар, урушлар, терроризм, беҳаёлик, фахш, зўравонликнинг, гиёҳвандликнинг, оммавий маданиятнинг тарқалиши – ҳаммаси 300лар комитетининг иши, деб ҳисоблайди у. Россияда юз берган 1917 йил революциялари (бошқа революциялар қаторида), Биринчи ва Иккинчи жаҳон урушлари, Корея ва бошқа мамлакатларда, минтақаларда юз берган урушлар, можаролар гўёки комитет томонидан режалаштирилиб, амалга оширилган, ва ҳозирги кундагилари амалга оширилмоқда.

Комитет гўёки эркинлик ва демократиянинг сўнгги таянчи АҚШни мавҳ этиш бўйича жуда кенг қамровли ва изчил қўпоровчилик ҳаракати олиб бормоқда. Бу ҳаракат АҚШ жамияти ҳаётининг барча соҳаларини – иқтисодиётини, сиёсий бошқарувини, халқаро сиёсатини, таълим тизимини, маданиятини, ОАВ, маиший ҳаётини, дам олишни ва ҳ.к.ларни қамраб олган. Агар унга қарши турилмаса, АҚШ мавҳ бўлади, конституцияси ва миллий қонунчилиги бекор қилиниб, мамлакат Жаҳон Махфий Ҳукумати қўлига ўтади. Жаҳон Махфий Ҳукуматида дунёдаги аксарият йирик илмий ва тадқиқот марказлари, аксарият давлатларнинг махфий махсус хизматлари (разведкалари), тўлиқ ёки қисман (буюртмасини бажариб)

хизмат қилади. Давлат раҳбарларига, кироларга, президентларга, бош вазирларга турли йўллар билан, ҳар хил ташкилотлар орқали босим ўтказилиб, топширик бериб келинаётир. Бажаришдан бўйин товлаганлари қаттиқ жазоланмоқда: ё ўлдирилмоқда, ё қамалмоқда, ё шармандаю шармисор қилиниб, ағдарилмоқда. Жон Кеннеди (АҚШ президенти), Альдо Моро (Италия бош вазири), Зиё ул-Ҳақ, Беназир Али Бхутто (Покистон бош вазири) ўлдирилиши, муаллиф фикрича, Жаҳон Махфий Ҳукумати томонидан уюштирилган. Ричард Никсоннинг истеъфога чиқиши, Роналд Рейганга уюштирилган суикасд (тирик қолган) ҳам унинг иши.

Жаҳонда юз бераётган барча можаролардан, терроризмнинг авж олишидан, низолардан мақсад – беқарорликни, хаосни келтириб чиқариш. Бу хаосдан фақат Жаҳон Махфий Ҳукумати манфаатдор, чунки хаос ёрдамида истаган мамлакатдаги ҳукуматни ўзига маъқули билан алмаштира олади, керакли минтақаларда ўз таъсирини кучайтиради. Хаосни эса усталик билан ўзи бошқаради, зарур бўлса, уни авж олдиради ёки тезда тугатади. Ж.Коулман махфий 300лар комитетининг мақсадларини 21 банддан иборат тезисларда баён қилади. Асар 1992 йилда нашр этилган. Ўтган чорак асрда муаллиф айтган, башорат қилган баъзи фикрлар жаҳон миқёсида тасдиғини топгандай бўлди, айримлари тасдиқланмади. Ж.Коулман асарида махфий ҳукуматнинг, унга қаршли ташкилотларнинг баъзи усуллари ва мақсадини амалга ошириш механизмлари устида тўхталади. Бизни қизиқтирадиган жиҳати айнан шудир, чунки улар бевосита жамиятни бошқаришнинг, одамлар онгини ўзгартиришнинг методологиясига тааллуқли. Албатта, қўлланиладиган воситалар, усуллар, биринчи навбатда, кўзланган мақсадга боғлиқ. Шу сабабдан 21 мақсаддан айримларини келтириш маъқул (қавс ичида мақсаднинг тартиб рақами берилган):

(2) Миллий ўзликни англашни ва миллий кадр-кимматни, ғурурни тўлиқ емириш.

(4) Онгни бошқариш воситаларидан фойдаланиб, истисносиз ҳар бир кишини назорат қилиш.

(6) Наркотиклар ва наркоманияни легаллаштириш.

(10) Миллатнинг маънавий руҳини кучсизлантириш, оммавий ишсизликни келтириб чиқариш орқали ишчилар синфини руҳий таҳликага ва тушкунликка солиш.

(11) Халқлар ўз тақдирларини ўзлари ҳал қилишларига йўл қўймаслик. Бу мақсадда турли инқирозий вазиятларни уюштириб, уларни «бошқариш».

(12) Сиғиниш учун янги санамлар яратиш ва мавжудларини, жумладан, ифлос дегенерат Мик Жагернинг «Ролинг Стоунз» каби ва «Битлз»дан бошлаб бошқа рок-муסיқа гангстерларини кўллаб-қувватлашни давом эттириш.

(16) Жаҳон иқтисодиётининг умумий инқирозини уюштириш ва умумий сиёсий хаосни келтириб чиқариш.

(20) Бутунжаҳон террористик аппаратини ташкил этиш ва барча террористик фаолият бор жойларда террористлар билан музокара олиб бориш.

Биз келтирмаган мақсадлар орасида мавжуд динларни вайрон этиш, ўзларининг жаҳон черковини яратиш, ҳозир мавжуд диний-экстремистик гуруҳларга ёрдам кўрсатиш, АҚШда таълим тизимини тўлиқ назорат қилиш ва ш.к.лар бор.

Бу ва бошқа мақсадларга эришиш учун, аввало, одамлар онгини, айниқса, ёшлар каби йирик ижтимоий гуруҳлар онгини бошқариш лозим. Одамлар онгини бошқариш учун эса, махфий ҳукуматга хизмат қиладиган «Тависток институти» (Англия Суссек университети қошидаги), Стэнфорд тадқиқот институти ва бошқа «ақл марказлари» тавсиясига кўра, дастлаб улар стресс ҳолатига дучор қилиниши лозим. «Стрессга жавобан йирик ижтимоий гуруҳлар реакциясида таъсир доирасига тортилган аҳоли ўзини шиорлар ёрдамида ҳимоя қилади<sup>1</sup>, бу инқироз манбаини очмайди, бинобарин, реал қарама-қаршиликка олиб келмайди. Иккинчи фаза – фрагментлашиш (майдаланиш), қисмларга бўлиниш. Бу инқироз давом этиши, ижтимоий тартиб синиши ва бузилиб кетиши натижасида юз беради. Изидан учинчи фаза бошланади: аҳолининг бир гуруҳи «ўзини намоён этиш» ҳолатига

<sup>1</sup> Масалан, «бу бизнинг урф-одатларимизга, миллий қадриятларимизга тўғри келмайди». «Бизнинг ота-боболаримиз бундай қилишмаган» ва ҳ.к. қабилдаги шиорлар ёрдамида.

киради ва уюштирилган инкироздан юз ўгиради». Иккинчи фазада, айттайлик, миллий менталитет, жипслик, кадрятларга умумий яқдил муносабат аҳолининг турли гуруҳларида бузилади. Ёшлар ва катта ёшдагилар ўзаро бегоналаша бошлайди, уларнинг қарашлари, диди, ҳаётга муносабати сезиларли фарқланади. Учинчи фазада аҳолининг бир гуруҳи «янги» қарашларни қабул қилмай, бошқалардан гоёвий маҳдудлашади.

Ж.Коулман ёзади: «Тависток ва Стэнфорд методологияси қуйидагича ифодаланади: жамоатчилик онги етарли ўзгартирилмагани (мияси ювилмагани) сабабли ҳали тўлиқ қабул қила олмайдиган ниманидир реклама қилиш зарур бўлса, унда мазкур масаланинг барча жиҳатларини ёритадиган мақолага буюртма бериш лозим. Бошқа усул телевидение жонли эфирида ток-шоу ташкил қилиб, унда экспертлар гуруҳи томонидан маҳсулот ёки ғоя «муҳокама» кўринишида реклама қилинади. Шоу катнашчилари ҳар хил нуқтаи назарларни намойиш этадилар, тарафдорлар ва қаршилар ўз фикрини айтади. Кўрсатув тугагач, муҳокама қилинган масала одамлар онгида мустаҳкам ўрнашиб қолади».

Тўхтовсиз давом этадиган жазавали ахборот хуружи, кетма-кет уюштириладиган фитналар, низолар, ҳар хил инкирозлар, шиддатли ҳодисалар ва уларнинг ОАВда тизгинсиз, ваҳимали талқини одамлар онгини фалаж қилиб кўяди. Муаллиф фикрига кўра, «келажак фалажлари» деб аталадиган усуллар ишлаб чиқилган. Келажак фалажлари шунчалик тез содир бўладиган воқеалар сериясидан иборатки, инсон мияси ахборотни англаб тушуниб олишга ожизлик қилади, чунки онг тушунишнинг, англаб етишнинг миқдор бўйича ҳам, мазмун бўйича ҳам аниқ чегарасига эга. Фалажлар сериясидан кейин аҳолининг таъсирга тортилган гуруҳи шундай ҳолатга тушадики, унинг аъзолари ўзгараётган ҳодисаларга тўлиқ бефарқ бўлиб қолади. Бундай гуруҳларни энди бошқариш осон, улар қаршиликсиз ҳар қандай буйруққа бўйсунади. Келажак фалажларига «Сиёсатни илмий тадқиқ этиш маркази» қуйидаги таърифни беради: «улар инсон онгининг оқилона қарор қабул қилиш учун жавоб берадиган қисмини жисмоний ва психологик синдиришдан иборатдир».



Ж.Коулман Ғарбдаги айрим касбдошларига ўхшаб ваҳима қилиб, одамларни қўрқитишга интилади, сенсацияга ўч. Лекин у келтирган вазларни тасдиқлаш ҳам, инкор қилиш ҳам қийин. Уларнинг аксариятининг манбалари ёпиқ, махфий. Жаҳонда юз бераётган барча воқеалар, ҳодисаларда у 300лар комитетининг ёвуз нияти ва қўлини кўради, яъни, илмий тил билан айтганда, уларнинг сабабларини фақат субъектив омилларга бориб тақайди. Аммо биз биламизки, субъектив омиллар қанчалик катта аҳамият касб этмасин, муайян конкрет воқеалар ва ҳодисаларнинг баъзи ҳолларда ҳақиқатан асосий сабаби бўлмасин, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маданий ҳаёт ўзининг объектив қонунлари асосида ривожланади. Субъектив омиллар қисқа муддатларда конкрет соҳаларда белгиловчи роль ўйнаши мумкин. Масалан, шарт-шароит ноқулай жойда йирик бир қурилишнинг муваффақияти инженер-техник ходимлар ва ишчилар малакасига, уларнинг фидойиларча меҳнат қилишига боғлиқ бўлади. Технологик тараққиётнинг ўзи аҳолининг малакавий умумий савиясини белгилайди. Худди шундай жамият ҳаётининг барча соҳалари умумий ривожланишида объектив омиллар субъектив омиллардан устунлик қилади, белгиловчи роль ўйнайди.

Ж.Коулманнинг қуйидаги фикрида жон бор: «Одамлар етарлича ахборотга эгамиз, деб ўйлайдилар, аммо тасаввур эта олмайдиларки, ўзимники дея ҳисоблайдиган фикрлари аслида Американинг тадқиқот институтларида ва ақлий марказларида яратилган. Ҳеч биримиз ОАВ ва «поллстер»лар бизга ағдараётган ахборот оқимида ўз фикримизга эга бўлишда эркин эмасмиз».<sup>1</sup>

Муаллиф қарашларидаги баъзи вазларни, далилларни жиддий қабул қилиш лозим. Ғарбда ҳақиқатан инсон онгини бошқариш (манипуляция қилиш), ҳар бир фуқарони, умуман, ер юзи аҳолисини интернет, электрон почта, пластик карточкалар ва мобил телефонлар орқали назорат қилиш кучайди (Э.Сноуден маълумотларини эсланг). Оммавий маданиятнинг баъзи маҳсулотлари наркотиклар

---

<sup>1</sup> *Поллстерлар (pollsters)* – ижтимоий фикрни ўрганувчи компаниялар.

каби одамларни ҳаётнинг реал муаммоларидан чалғитиб, манкуртлаштирмоқда. Рок-музыка, электрон ўйинлар, интернет, компьютер, унинг ёрдамида яратиб олинган инсоннинг виртуал дунёси, виртуал мулоқоти, ижтимоий тармоқлар орқали ўз «шахсини», қобилиятини юзага чиқариш ва ш.к.лар инсонни компьютер ва музыка бандисига айлантирмоқда. К.Маркс бир вақтлар дин халқнинг афюнидир, деган эди. Ўтган асрнинг 70–80-йилларида Ғарб олимларининг айримлари эндиликда дин эмас, рок-музыка халқ афюнига айланди, деган фикрни олға сурган эди. Бугунги кунда улар ёнига компьютер, электрон ўйинлар, интернет, ижтимоий тармоқлар, виртуал воқелик, оммавий маданиятнинг сохта қадриятлари кўшилди.

Ўзбекистонда миллий тикланиш ва мустақил тараққиёт назарияси иқтисодиёт қаторида маънавият ривожланишига устуворлик берилгани яхши маълум. Бу ҳақда ўтган мавзуларда кўп гапирилди. Ўзбекистонда маънавиятни ўрганувчи фанлар тизими (маънавиятшунослик) тез ривожланмоқда. Бу борада қилинган ишлар, эришилган ютуқлар хориж мамлакатлар олимлари, сиёсий арбоблари ўртасида қизиқиш уйғотмоқда.

Биз аввалги маърузаларда «маънавият» атамаси инглиз, немис тилларида айнан биз ишлатадиган шаклда қўлланилаётганини айтган эдик. Ғарб мамлакатларида Ўзбекистоннинг бугунги тараққиёт моделида маънавият, маънавий мерос ва миллий ғоя, мафкура қандай аҳамият касб этганини ёритаётган турли мақолалар, тадқиқотлар сони кўпайиб бораётир. Айниқса, маънавий-маданий меросимиз, мумтоз қадриятларимизни, ўзбек энтологиясини, замонавий адабиётимиз, санъатимизни ўрганувчи олимлар, кафедралар, марказлар, институтлар фаолиятини алоҳида таъкидлаш лозим. Ўзбекистон Миллий университети, бошқа олий ўқув юр்தларимиз билан илмий ҳамкорлик ўрнатган хориж университетлари, илмий ва маданий марказлари сони ҳам Хитой, Япония, Жанубий Кореядан тортиб то АҚШгача кўпаймоқда.

Республика раҳбарияти ва ижодкор жамоатчилигимиз маънавиятимизни чет элларда тарғиб этишга катта эътибор қаратмоқдалар. ЮНЕСКО шафелигида Парижда ва бошқа мамлакатлар, шаҳарларда Амир Темур, Улуғбек,

Навой, Бобур, Фарғоний, ал-Бухорий, Мотурудий, Марғиноний юбилейлари, Самарқанд шахрининг 2750, Шахрисабз ва Қаршининг 2700, Бухоро, Термиз, Хива шаҳарларининг 2500, Тошкентнинг 2200, Марғилоннинг 2000 йиллик тўйлари, «Авесто»нинг 3000, Маъмун академиясининг ва «Алпомиш» эпосининг 1000 йиллиги нишонланди. Самарқандда ҳар икки йилда бир марта «Шарқ тароналари», 2018 йилдан Шахрисабзда мақом халқаро мусикий фестиваллари ўтказилмоқда. Унда нафақат жаҳоннинг турли давлатларидан келган хонанда ва соҳнадалар ўз санъатини намойиш қилади, шунингдек санъатшунослар илмий анжуман ва суҳбатларда фикр алмашадилар. Санъаткорларнинг жонли мулоқотлари юртимизда маънавиятни, маънавиятшуносликни ривожлантиришда эришган ютуқларимизнинг жаҳонда тарқалишида муайян аҳамият касб этмоқда. 2014 йилнинг 15–16 май кунлари Самарқанд шаҳрида «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги роли ва аҳамияти» мавзусида бўлиб ўтган халқаро конференция ҳам бу борада жуда катта аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбек адабиёти ва илм-фани, шу жумладан, ижтимоий фанлар вакиллари асарларини чет тилларига таржима қилиш, олимларимизнинг халқаро илмий конференцияларда иштирок этиши, Ғарб ва Шарқ мамлакатларининг етакчи университетларига бориб маърузалар ўқиши, чет эллик олимлар билан биргаликда илмий тадқиқотлар олиб бориши кейинги йилларда ривожланиб бораётир. Бу Ўзбекистонда содир бўлаётган ўзгаришлар қаторида унинг маънавиятшунослик фани эришган ютуқлар билан халқаро ҳамжамиятни таништириш истикболларининг уфқларини кенгайтириши шубҳасиз.

## **IV. МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ МАЪНАВИЯТ ПРАКСИОЛОГИЯСИ СИФАТИДА**

Маънавиятнинг проксиологик аҳамияти, биринчи галда, ижтимоий муҳит яхшиланишида, инсон, миллат иродаси мустаҳкамланишида, асосийси – маънавий тарбия жараёнининг самарали ташкил этилиши ва баркамол авлод, комил инсон вояга етказилишида юзага чиқади. Қуйида тарбия маънавиятнинг праксиологияси эканлигини назарда тутган ҳолда, унинг методологик жиҳатлари тўғрисида ҳам фикр юритамиз.

### **27. ЭРКИН ИНСОН ШАҲСИНИ ЮКСАЛТИРИШ – МАЪНАВИЙ ТАРБИЯНИНГ МАҚСАДИ**

Тарбия маънавий ҳаётнинг асосий йўналишларидан биридир. Тарбиянинг барча шакллари маънавиятга оид ҳодисадир, чунки у инсон онги ва тафаккурига таъсир кўрсатиш, унга аниқ амалий, касбий ёки ғоявий-эътиқодий билим бериш, ниманидир ўргатиш, нимагадир ихлосни, эзгулик, гўзаллик, адолат каби юксак идеалларни, ишончни қарор топтириш орқали инсоннинг ўзини инсон сифатида шакллантиради. Тарбия ақлий меҳнат тури, маънавий ишлаб чиқариш соҳасидир. Тарбиясиз инсон ўзлигини англаб ололмайди, ўзини ва жамиятни такрор яратолмайди. Тарбия ворисийлик юзага чиқишининг зарур шарти ва воситасидир. Аввалги бобларда таъкидланганидек, ҳеч бир авлод ҳамма билим ва кўникмаларни, кашфиётларни, ажодлар қўлга киритган ютуқларни янгидан ихтиро қилмайди. Ҳар бир авлод жамият шу пайтгача эришган барча ютуқларни тайёр ҳолда ўзлаштиради, ўз ҳаёти, фаолияти давомида уларни бировз такомиллаштиради, бойитади ва кейинги авлодга (бола-чақасига) улардан фойдаланишни ўргатади. Ушбу жараён тарбиянинг ўзагини ва мақсад–муддаосини ташкил қилади. Одамларда асл инсоний хусусиятлар: онг, тафаккур, ўзлигини англаш, одоб-ахлоқ ва ҳ.к.лар тарбия орқали вужудга келади. Инсон боласи тайёр онг, тафаккур билан туғилмайди, балки унда англаш ва фикрлаш потенциал

имконият тарзида ирсий тугма бўлади. Мазкур имконият тарбия жараёнида юзага чиқади, воқеалашади.

Инсон ўзлигининг шаклланиши ва юксалишига таълим-тарбия, биринчи галда, маънавий тарбия ёрдамида эришилади. *Маънавий тарбиянинг бош мақсади – инсонга ўзлигини англашидир.*

Жамиятнинг инсонга қўядиган талаблари, ҳаётнинг ўзи каби, шаклан ва мазмунан ранг-баранг. Уларни жамият ҳаётининг турли соҳаларига мос равишда гуруҳларга, йўналишларга ажратиш мумкин. Маънавий тарбия билан жамиятнинг барча институтлари – оила, маҳалла, давлат, жамоат ташкилотлари, ахлоқ, ҳуқуқ, дин, таълим, адабиёт ва санъат, таълим тизимида эса объектив билим берувчи барча фанлар бевосита ёки билвосита шуғулланади.

Маънавий тарбиянинг илмий-методологик масалалари билан фалсафий фанлар, жумладан, маънавиятшунослик шуғулланса, илмий-услубий масалалари билан педагогик фанлар шуғулланади. Биз маънавий тарбиянинг дидактик таъсир кўрсатиш усуллари, воситалари, турли материаллардан, ахборотдан фойдаланиш йўллари, қўллаётган услубияти самарадорлиги ва шу каби педагогик-психологик масалалар устида тўхталмаймиз. Биз фанимиз предметдан келиб чиқиб, кўпроқ тарбиянинг маънавият праксиологияси экани, ушбу сифатда унинг мақсадлари, йўналишлари, вазифалари, умумтараққиёт контекстидаги назарий масалалари, зиддиятлари, уларни ҳал қилишда қандай илмий мўлжаллар, ижтимоий идеаллар назарда тутилиши лозим, деган масалаларга эътибор қаратамиз.

Форобий таъкидлаганидек, ёлғиз инсон ўзининг эҳтиёжларини қондира олмайди. Бунинг учун у жамиятда яшаши, кимлар биландир бирлашиши лозим. Ёлғиз инсонни-ку қўя турайлик, ҳатто ишлаб чиқаришнинг бир тури (йўналиши) билан шуғулланадиган табақа ҳам барча эҳтиёжларини қондиришга ожиз. Масалан, деҳқонлар озиқ-овқат маҳсулотлари етиштирсалар, кийим-кечак, уй-рўзғор буюмлари, меҳнат қуроллари бошқалардан олишга мажбур. Ҳунармандлар ҳам, ўз навбатида, деҳқонлар етиштирган озиқ-овқатга ва хом ашёга, бошқа турдаги хилма-хил буюмларга, маҳсулотларга муҳтож. Узаро муҳтожлик одамларни жамиятга, меҳнат жамоала-

рига бирлашишга, ўзаро мулоқот ва муносабатларга киришишга мажбур этган. Бу эса, ўз навбатида, жамиятда турли меъёрлар, қоидалар бўлишини тақозо этиш баробарида одамларнинг уларга ихтиёрий риоя қилишини, ҳар бир авлод мулоқот ва муносабатга киришиш маданиятини, меъёрлар ва қоидаларни ўрганишини, ўзлаштиришини талаб қилган.

Жамият инсонга зарур барча нарсаларни беради ва ўз навбатида унга кўплаб талаблар қўяди. Жамиятнинг инсонга қўядиган бирламчи талаби, энг аввало, бошқалар билан биргаликда яшаш кўникмалари ва қоидаларини ўзлаштириш ва уларга риоя этишидир. Буларга, биринчидан, биргаликда меҳнат қилиш, ишлаб чиқариш билан шуғулланиш, касбий-малакавий маҳорат; иккинчидан, тақсимот, истеъмол, алмашув (савдо-содик) талаблари, учинчидан, ижтимоий-маиший, ахлоқий-маънавий ва ҳаёт давомийлиги учун зарур бўлган бошқа талаблар, тўртинчидан, оилавий, оилалараро, турли меҳнат жамиятлариаро, уруғ-жамоалар, этник гуруҳлар, қабилалараро, миллатлараро муносабатларга оид талаблар киради. Улар одамлар ўртасидаги, жумладан, оила ва жамоадаги ўзаро муносабатларни тартибга солувчи меъёрлар, урф-одатлар, анъаналар, диний ва эътиқодий алоқалар, маросимлар ва ш.к.ларни вужудга келтиради. Давлат вужудга келгандан кейин, сиёсий ва ҳуқуқий талаблар, миллатлараро, давлатлараро муносабатлар билан боғлиқ меъёрлар ҳам вужудга келади. Бу меъёрларни ҳар бир авлод ўзлаштириши ва ҳаётда қўллаши лозим. Жамият ривожлангани сайин инсонга қўйиладиган талаблар ўсиб, янгидан-янгилари пайдо бўлиб бораверади. Тарбия янги авлодни жамиятга, ҳаётга, меҳнат ва ишлаб чиқариш кўникмаларига мослаштиради. *Ворисийликни таъминлаш баробарида жамият талабларига мослаштириш, «яшашни» ўргатиш, адаптация қилиш тарбиянинг бош вазифасидир.* Тарбия жамиятнинг зарурий институтидир. Бошқача айтганда, тарбия кишилик жамиятининг моҳиятли белгиларидан, унинг мавжудлик шаклларида ва шарт-шароитларидан биридир.

Тарбиянинг вазифаси авлодлар ўртасида ворисийликни таъминлаш ва инсонни жамият талабларига мувофиқ

шакллантириш билан чекланмайди. Чунки, биринчидан, инсон эҳтиёжлари юксаладиган, кенгайган ҳолда такрор тикланадиган мавжудот. Шу сабабдан жамият инсон кўникмалари, билимлари, меҳнат тажрибаси ва маънавий ютуқларини турли усулларда, кўринишларда тўплаб, маданиятда аккумуляция қилиб боради. *Тарбиянинг яна бир асосий вазифаси* инсонга тўпланган ютуқларни, маданий бойликни ўзлаштиришга ёрдам беришдан ташқари, унга кенгайган ҳолда такрор тикланадиган, мудом ўсиб борадиган эҳтиёжларини қондира олишни, яъни *маданиятни яратишни ўргатишдир*. Бунинг учун эса инсонда яратувчилик, ижодкорлик хислатлари шаклланган бўлиши керак. *Яратувчилик, ижодкорлик хислатини шакллантириш маънавий тарбиянинг ана шундай вазифасидир*.

Тарбия таълим билан узвий боғланган, аммо уларнинг ҳар иккаласи мухторий характерга эга. Ишлаб чиқариш технологиялари ривожланиш даражаси ва тенденциялари, одатда, таълимда ва тарбияда, кадрлар тайёрлашда ҳисобга олинади. Илмий-техника тараққиёти тезлашиб, технологиялар дастлаб ҳар 15–20 йилда, кейин 5–10 йилда ўзгара бошлагач, таълим ўз ўқув дастурларини тез ўзгартиришга, мутахассис тайёрлашда объектив малакавий талаблардан ортда қолмасликка интилни ва тарбиядан илгарилаб кетди. Тарбия унга эргашолмай қолди. Чунки тарбия барқарор меъёрлар ва баҳоларга таянади, миллий ва умуминсоний қадриятларни, асл инсоний туйғуларни ёш авлод онгига сингдиради. Шиддат билан геометрик прогрессияда кўпаяётган илмий ва технологик билимларга, ахборотга тарбия ўз усул ва таъсир воситаларини мослаштиролмай қолмоқда. Бундан ташқари, илмий ва технологик билимларнинг ҳаддан зиёд кўпайиши дарс вақтини кўпроқ уларни ўзлаштириш учун ажратишга олиб келаётир.

Хуллас, тарбия замонавий цивилизациянинг тараққиёт суръатларига мослашолмай ёки замонавий цивилизация туйғули янгидан вужудга келган кўплаб инсонларро ҳамда жамият ва инсон ўртасидаги муносабатларни ахлоқийлаштиролмай қолди. Асрлар давомида таълим ва тарбия ўртасида вужудга келган мувозанат бузилмоқда. *Тарбияловчи таълим, таълим берувчи тарбия* деган

иборалар энди анча нисбий бўлиб қолди. Юксак маънавиятга алоқадор илмий ва бадий билимлар ихтисослашуви ҳамда уларни тасвирловчи ғоялар ва образлар тизимининг мудом мураккаблашуви кенг омма тушуниши учун қийинчилик туғдирмоқда. Натижада, уларни содда ифодалашга, кенг омма онгига, савиясига мослаштиришга, оммавий маданият нуқтаи назардан талқин қилишга ҳаракат бўлаётир. Бу ҳам, ўз навбатида, янги билимларнинг тарбиявий салоҳиятини пасайтириб юбормоқда.

Ҳеч бир жамият инсонга ўз имкониятларидан ортиқ нарса бера олмайди ва талаб қилолмайди. Чунки у нафақат тарихан ўз замонасининг иқтисодий, илмий-техникавий ютуқлари билан чекланган, шунингдек, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий ва умуман маънавий эркинликнинг эришилган даражаси билан ҳам чеклангандир. Бундан бир аср бурунги жамият компьютер ва космик кемалар нималигини билмас, бугунги инсон ҳуқуқлари ва демократик эркинликларнинг кўпчилиги тўғрисида тасаввурга эга эмасди. Халқаро ҳуқуқ ҳам ўта адолатсиз, ривожланмаган эдики, ҳарбий жиҳатдан кучли давлатлар камқучлиларини очикчасига босиб олиб, ўз мустамлакасига айлантирар эди.

Бугун инсон ҳуқуқлари, эркинликлари тушунчаси, халқаро ҳуқуқ ва муносабатлар меъёрлари бутунлай бошқача. Постмодерн жамиятда олам ҳақида илмий тасаввурлар, ишлаб чиқариш технологиялари, коммуникация усуллари, истеъмол, турмуш тарзи тубдан ўзгариб кетди. Ҳозирги одамлар онги, тафаккури кўп жиҳатдан ота-боблариникидан фарқ қилади. Ахборот-коммуникация технологиялари инсонга аввалги жамиятларга нисбатан кўпроқ имконият яратди. Лекин, афсуски, бу имкониятлар орасида инсон нафси ва ҳирсини рағбатлантирувчи, маънавиятни ич-ичидан емирувчи омиллар ҳам бор.

Инсон жамиятдан четда, ташқарида бўлолмайди. У ўзининг кичик субмуҳитини яратиб, таркидунё қилганда ҳам жамият таъсиридан қутила олмайди. Авлодларга келсак, жамиятда бир вақтнинг ўзида уч авлод яшайди: катта авлод, ўрта авлод, ёш авлод (бобо, ўғил, набира). Катта авлод (50 ёшдан юқори) жамият талабларидан ортда қола бошлайди. Унинг тафаккури консерватив. Ёш авлод ҳали жамият талабларини тўла ўзлаштиргани йўқ,



лекин радикал фикрлайди, ҳамма нарсани ўзгартиргиси, янгиллагиси келади. Айни пайтда у таълим олаётган, энг янги илмий ютуқларни ва мутахасислик сирларини ўрганаётган авлоддир. У билимга чанқоқ, сўнги технологияларни ўзлаштиришга интилади, шу сабаб гуманитар билимларни, маънавий-ахлоқий, эстетик қадриятларни ўрганишга етарлича вақт ва имкон тополмайди. Натижада, технократик қарашларга мойиллик билдиради. Ўрта авлод – мўътадил ва асосий яратувчи куч. Лекин болачақасини тарбиялашга етарлича вақт тополмайди. Доимо иш, хизмат, бизнес, ойлик маошини, даромадини, оладиган фойдасини кўпайтириш, рўзғор, бола-чақа ташвишлари билан банд.

Одамларнинг аксарияти жамият талабларини фақат ўзига зарур даражада ўзлаштиради. Кўпчилик юксак талаблардан ортда қолади. Жамиятда расм-русум бўлган оммавий маданият маҳсулотларини истеъмол қилиш билан қаноатланади. Алоҳида ижодкор шахслар ўз соҳасида жамият талабларидан анча илгарилаб кетиши, буюк кашфиётлар қилиши мумкин. Лекин жамият бундай ғояларга тайёр бўлмаса, уларни ҳазм қилолмайди. Натижада, ғоялар қоғозда қолиб кетади. Аслида кўпинча алоҳида инсон жамият талабларини тўла бажаролмайди, жамият унга берадиган имкониятлардан тўла фойдаланолмайди. Шу сабабдан ҳаётда ўз ўрнини тополмаган кишилар ёки адашиб нотўғри йўлга кириб қолганлар анча-мунча учрайди. Авлодлар тафаккури ва психологияси фарқ қилиши, одамлар онги, фаоллиги, касби ва жамиятда эгаллаган мавқеи ҳар хиллиги улар ўртасида ҳамда ҳар қайси авлодлар ичида ўзига хос зиддиятларни келтириб чиқаради.

Жамият ўз талабларига нисбатан тўла жавоб берадиган инсон тўғрисида умумий тасаввурларни, ғояларни, мезонларни ишлаб чиқади, уларга тарбияни мослаштиради. Бундай инсон турлича аталиши мумкин: ҳар томонлама уйғун ривожланган шахс, комил инсон ва ш.к. Гап атамада эмас. Гап ўша мезонларнинг таълим-тарбия учун ижтимоий мўлжалга айланишидадир. Комил инсон тушунчасини мутлақлаштирмаслик керак, гарчи у идеал характердаги тушунча бўлса-да. Бу тушунча конкрет-тарихий мазмунга эга. Унга ҳар бир жамият ўз мазмуни-

ни юклайди. «Авесто»да комил инсон эзгу ниятли, эзгу сўзли, эзгу амалли кишидир. У ҳеч қачон ёмон мақсадни кўзламайди, ҳатто ҳаёлига ҳам келтирмайди, ёмон сўзлардан ўзини тияди, бировни ножўя сўз билан хафа қилиб қўймайди, хулқи, ёмон иши, амалий фаолияти билан одамларга зарар етказмайди, фақат хайрли, яхши ишлар билан машғул бўлади.

Қадимги юнонлар инсон комиллигини ақлда, билимда ва жисмонан соғломликда кўришгани сабабли зарур фанларни ўқитиш қаторида жисмоний тарбияга (гимнастикага) жиддий эътибор қаратган. «Соғлом танда – соғлом рух» деган қанотли ибора антик даврдан келаётир.

Азизиддин Насафийнинг комил инсон тўғрисидаги қарашлари «Авесто»дагига нисбатан анча аниқроқ ва бойроқ. У комил инсоннинг нозик таъби, диди, ахлоқ-одоби, саховати, муруввати, масъулияти, эркинлиги, иймон-эътиқоди каби эзгуликни ташкил этувчи кўплаб конкрет хислатларини эътироф ва таҳлил этади. Айни пайтда улар моҳият жиҳатидан «Авесто» идеалларига анча яқин (Насафий, табиийки, ислом маънавиятидан келиб чиқиб, ислом атамаларини қўллайди). У «Авесто» келтирган уч талаб ёнига яна бир талабни – маорифни қўшади. Маориф – Оллохни англаш, зарур диний ва дунёвий билимларни эгаллашни билдиради. Комил инсон, албатта, юқорида «Авесто» да айтилган хислатларга эга бўлишидан ташқари, Насафий назарида яна бир фазилатга – мустаҳкам эътиқодга эга, маърифатли, ҳақиқий мўмин-мусулмон, Ҳаққа, ҳақиқатга, энг асосийси, такомиллашишга, ривожланишга интилувчан бўлиши лозим.

Насафийнинг комил инсони барча аъло фазилатларни ўзида жамлаб, тўлиқ шаклланиб бўлган, бинобарин, қотиб қолган шахс эмас, балки доимий ҳаракатдаги, такомиллашувдаги, ҳақиқатга интилиши тўхтамаган шахсдир. Инсонга ривожланаётган шахс сифатида ёндашув Азизиддин Насафийни ўз замонасининг барча файласуфларидан ва диний мутафаккирларидан ажратиб туради ва замонавий қарашларга яқинлаштиради. Маълумки, та-саввуф мутафаккирлари солиқнинг ҳаққа етишиш йўлидаги турли мақомлари ва манзилларини белгилаган (ҳар бир тариқат ўзича). Лекин охириги манзилга етилгач, ин-

сон тўлик ўзлигидан кечиб, қалбан ҳаққа кўшилиб кетади, ҳар қандай ҳаракатдан, ривождан тўхтайди. Бу дунёда фақат унинг сурати қолган, қалби, руҳи яратган билан. Тасаввуф мутафаккирлари такомиллашиш чегарасини белгилаб кўйган, Азизиддин Насафий эса уни чексизлик билан боғлаган. Шу сабабдан уни тор тушунчадаги тасаввуф мутафаккири, дейиш мумкин эмас. Унинг тафаккури тасаввуф доирасига сиғмайди.

Ўрта асрларда диннинг инсон ҳаётига таъсири жуда кучли эди. Ҳар қандай қадрият динга хизмат қилиши мумкинлиги ёки, ҳеч бўлмаганда, динга зарар келтирмаслиги, муқаддас китобларга зид келмаслиги нуқтаи назаридан баҳоланар эди. Шу сабабдан комил инсоннинг Оллоҳни чин дилдан севадиган, унга интиладиган киши сифатида тушунилиши табиий эди. Ҳаққа интилишни руҳонийлар ҳар хил тушунган. Кимлардир Ҳақ йўлида бу дунёдан воз кечиб (тарки дунё айлаб), зоҳидликда, фақирликда яшаш, кеча-ю кундуз Яратганни унутмасдан, дуо ва ибодатда бўлиш, деб билган. Бошқалар худо яратган неъматлардан юз ўгирмаслик лозим, чунки улар инсон учун яратилган, аммо нафсга ортиқча берилмаслик, оз билан каноат қилиш зарур, деган гоёларни олға сурган. Буюк ватандошимиз Баҳоуддин Нақшбанд мўътадил динийлик ва дунёвийликни ифодалайдиган ҳикматни ўртага ташлаган: «Дил ба ёр, даст ба қор» (Кўнгил худога, қўл ишга).

Ақлий ва жисмоний етуклик ғояси, юкорида айтилганидек, қадим ва антик даврдаёқ турли халқлар томонидан олға сурилган. Инсон, инсонпарварлик масаласи мумтоз маданиятнинг асосий ғояси бўлиб келган. Аммо теранрок назар ташланса, инсон комиллиги масаласида баъзан жамият олға ҳаракатланиш ўрнига ортга кетаётгандек таассурот қолдиради: фирибгарлик, ёлғон, ўғрилик, ҳаромхаришдан ҳазар қилмаслик, порахўрлик, лағанбардорлик кўпайиши, шарм-ҳаё, ор-номус туйғуларининг ўтмаслашиб, меҳр-оқибат пасайиб кетаётгани ва бошқа кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Бундай таассурот бугун пайдо бўлгани йўқ. XVIII асрда Жан-Жак Руссо «ортга, табиат бағрига» чорлаган, замонавий цивилизация инсон табиатига ёт (душман) эканлигига, цивилизациядан узок қабилалар вакиллари ёлғон, ўғрилик ва х.к. иллатлардан

холилигига диққатни жалб этган эди. Лекин орадан ўтган 2,5 аср мобайнида инсон ахлоқи нафақат яхшиланмади, ҳатто бугун – XXI асрда унинг онгли, ақли, маънавий мавжудод сифатида яшаб қолишига хавф-хатар туғилгандай бўлмоқда.

Комил инсон тўғрисидаги замонавий тасаввурлар жуда ранг-баранг ва зиддиятли. Уларда ўтмишдан келадиган баҳслар ва қарашлар қаторида ҳозирги цивилизация зиддиятлари ва имкониятлари акс этган. Ғарбнинг секуляризациялашган, рационализмга асосланган онги, реалистик қарашлари XIX асрда дастлаб идеал инсон тushунчасидан воз кечди. Инсон идеали, ижобий қаҳрамон масаласи ренессанс реализми (Шекспир) ва романтизм адабиётида қолиб кетди. Танқидий реализм юксак идеал ғояни ифодаловчи қаҳрамонни эмас, балки жамиятнинг барча зиддиятларини ўзида мужассам этган типик қаҳрамон образини яратди. Лекин XIX аср иккинчи ярмидан ўзида инсон ва худо ҳислатларини бирлаштирган, ҳаммадан устун, кучли суперинсон ғояси шакллана бошлади. Бунга христиан динининг ақидалари ва Ҳегел каби файласуфлар таълимоти билвосита йўл қўяр эди.

Маълумки, христиан динига мувофиқ, Иисус Христос (Исо Масих) Худонинг биби Мариамдан туғилган фарзанди, айни пайтда Яратганнинг учинчи шамойилидир. Инсон табиатига бағишланган мавзуда аввал таъкидланганидек, Ҳегел инсонни Абсолют Рух ва табиатнинг синтези, деб ҳисоблаган. Қадим ва антик давр асотирларида барча кўзга кўринган қаҳрамонлар – Персей, Геракл, Ахилл ва бошқалар худоларнинг ўғилларидир. Бундай қарашлар шунчалик кенг тарқалганки, ҳатто Александр Македонский, Юлий Цезарь, Август каби буюк ғалабаларга эришган тарихий зотлар ҳам худо фарзандлари сифатида қабул қилинган ва уларнинг шахсига сиғинилган. Лекин XIX аср иккинчи ярмида европаликлар аксарияти Худога ишонмай қўйган. XIX асрда Худонинг ўрнини ҳамма нарса қўлидан келадиган, иш берадиган ва ишдан бўшатадиган, очликка, ўлимга маҳкум этоладиган завод хўжайини ёки унинг бошқарувчиси эгаллади. Кейинчалик улар ёнига идеал суперқаҳрамонлар, «қолоқ халқларга тараққиёт ва маданият» олиб борадиган мустамлакачи – босқинчи,

дунёга ҳукмронлик қилишга интилаётган «малла соч иблис», суперқаҳрамон образлари қўшилди. Колонизм ва фашизм мафкураси билан боғлиқ айрим кескинликлардан воз кечилса-да, суперқаҳрамон гоёси сақланиб қолди. XX аср иккинчи ярмидан идеал шахс деб ишда ва ҳаётда омади чопган, билимли, ташкилотчи-мутахассис (менежер) тушуниладиган бўлди. Бундай шахсни тарбиялашга муносабат Ғарбда амалий прагматик тус олди.

Ғарб мамлакатларида инсон тарбияси масаласи кўпроқ малакавий талаблар, таълим стандартлари, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари каби масалалар билан алмаштирилди. Натижада, таълим-тарбия ва умуман жамият ҳаёти марказига инсоннинг барча эҳтиёжларини (зўравонликдан ташқари), нафақат ўта кўп микдордаги моддий буюмлар, хизматлар истеъмолини, шунингдек, носоғлом жинсий мойилликларни қондиришга қаратилган вульгар антропоцентризм қўйила бошлади. Гуманистик ва диний тушунчалардаги мавҳум идеалистик антропоцентризм вульгар материалистик, гўёки эзгулик ва ёвузликдан ташқарида турувчи, амалда аксилмаънавий антропоцентризм билан алмашди.

Замонавий инсон энди Ғарбда ва мутараққий мамлакатларда нафси, ҳирси ҳакалак отиб кетган, ижтимоий аҳволидан ва ўз-ўзидан мамнун истеъмолчи сифатида жуда тор тушунилмоқда, фақат сиёсий, диний, ирқий, ҳуқуқий, жинсий мойиллик масалаларда толерант бўлса, бас. Булар ҳозирги замон жамиятига хос ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, маданий зиддиятларнинг маънавий ҳаётда, инсоннинг маънавий қиёфасида акс этишидир. Афсуски, Ғарб таълим-тарбия тизимида вульгар антропоцентризм тамойили мумтоз гуманизмга, анъанавий мумтоз кадриятларга емирувчи, вайрон этувчи таъсир кўрсатмоқда. Акс ҳолда, айрим давлатлар, ҳатто Германиядек педагогика, психология фанлари яхши ривожланган мамлакатларнинг баъзи мактабларида эркак ва аёллар жинсий органлари ва қовушувлари ҳақида маълумотлар ҳамда биржинсли алоқалар ва оилалар ҳақидаги дарслар бошланғич синфлардаги «жинсий тарбия» предмети-га киритилмас, балоғатга етмаган болаларга ўқитилмас эди. Суперинсон гоёси бугун асосан жангари фильмлар

ва электрон ўйинларда, аёллар учун гендер масалаларида қолди. (Бу гоёга сал қуйироқда яна қайтамиз). Ғарбда эркаклар «аёллашиб» (феминизация), аёллар «эркаклашиб» (максулинизация) бормоқда. Эркаклар ва аёллар орасида зўр бериб ўртажинслик психологияси (ҳар икки жинс майллари ни ўзида бирлашириш) ва амалиётга татбиқ қилиш (бисексуализм) ташвиқ этилмоқда.

Юқорида таъкидланганидек, уйғун, ҳар томонлама ривожланган шахсни, комил инсонни вояга етказишда жамиятнинг деярли барча институтлари қатнашади. Чунки инсон яшаши учун моддий-иқтисодий шарт-шароитлар, таълим-тарбия, инсонни турли ташқи ва ички хавф-хатар ва таҳдидлардан ҳимоя қилиш, шахс дахлсизлигини ҳамда унинг соғлиғини таъминлаш ва кўплаб бошқа зарур шарт-шароитлар керак. Комил инсонни вояга етказишда маънавий тарбиянинг аҳамияти жуда катта. Истеъмол, иқтисодий шарт-шароитлар ўз-ўзидан комил инсонни тарбияламайди. Улар тарбия учун зарур моддий пойдевор ва имконият яратади. Аммо моддий-иқтисодий омиллар инсоннинг онги, тафаккури, теварак-атрофдаги нарсаларга, ҳодисаларга берадиган баҳоси, муносабати, эътиқоди, дунёқараши қандай бўлишини белгиламайди. Тўқ шароитда ўсган бола тегишли тарбия олмаса, худбин, манман, зўравон, ўз манфаати учун ҳеч нарсадан қайтмайдиган, нафс ва ҳирсга берилган киши бўлиб вояга етиши мумкин. Моддий қийинчиликлар эса инсонга ўз салоҳиятини юзага чиқаришда халақит беради. Етишмовчилик ва оғир шароитда ўсган болаларнинг айримлари, агар яхши тарбия олмасалар, бироз зикна, ҳасадгўй, очкўз, юлғич бўлиб вояга етиши мумкин. Бундайлар ўғирлик қилишга, бирор мансабга илашиб қолса, порахўрлик, маишатпарастлик, турли қинғир-қийшиқ усуллар билан бойлик орттиришга мойил бўлади. Шу сабабдан, тўқликнинг ҳам, етишмовчиликларнинг ҳам инсон маънавиятига салбий таъсири ни фақат тарбия орқали олдини олиш мумкин.

Жамиятнинг моддий-иқтисодий ривожланиш даражасига унинг маънавий, тарбиявий савияси мувофиқ бўлса, инсон ривожини учун имкониятлар кўпаяди. Агар ортда қолса, инсон истеъмолчилик домига тушиб қолади. Ривожланган мамлакатларда инсоннинг истеъмолчилик

иштаҳаси шу даражада ўсиб кетдики, у ўз-ўзини, табиий ва ижтимоий яшаш муҳити – ойкуменасини эмира бошлади. Табиий бойликлар камайиб, чикиндилар кўпайиб, экологик ҳалокат ҳавфи ўсиб бораётир.

Инсон зотини – homo sapiensни – истеъмолчи инсондан химоя қилиш зарурлигини олимлар уқтирмақдалар. Бунга, аввало, тарбия орқали, инсон ижтимоий мўлжалларини ўзгартириш, моддий истеъмолни камайтириб, кўпроқ маънавий истеъмолни юксалтириш ёрдамида эришиш мумкин.

Маънавий тарбиянинг кўплаб йўналишлари, аниқ ташкилий ва услубий шакллари бор. Улар орасида меҳнат тарбияси, ахлоқий, эстетик, сиёсий, ҳуқуқий тарбия, шахс ва жамият манфаатларини уйғунлаштириш алоҳида ўрин тутади. Буларни – замонавий ахборот макони чексизлиги ва чегара билмаслигини ҳамда илмий-техника тараққиёти талабларини назарда тутиши лозим. Айниқса, меҳнат ва касб-ҳунарни эгаллашга қаратилган таълим-тарбия йўналишида.

Биз маънавий тарбиянинг асосий йўналишлари ва шакллари устида кейинги бобларда алоҳида тўхталамиз.

Инсон тарбиясида, шак-шубҳасиз, дин катта аҳамиятга эга. Шахс тарбиясида диннинг ролини бирёқлама баҳолаш ногўри. Аслида бу ҳақдаги баҳслар узок ўтмишдан, қадимги ва антик даврлардан буён давом этиб келмоқда. Узок ўтмишда мунозаралар кўпроқ диний ва атеистик усуллар ўртасидаги тортишув шаклида эмас, балки муайян дин ёки диний оқимни, мазҳабни танқид қилиш, уни янги дин, диний оқим ёки мазҳаб билан алмаштириш, инсонга кўпроқ эркинлик бериш тўғрисидаги фикрларни баён қилиш шаклида олиб борилган. Европада француз маърифатпарварларидан бошлаб динни ва черковни атеистик нуқтаи назардан қаттиқ танқид қилиш бошланди. Маърифатпарварларнинг аксарияти дин инсон эркинликларини, тафаккурини чеклайди, уни турли хурофатларга, уйдирма, афсона ва мўжизаларга ишонтиради, дин хурфикрликнинг душмани, деб ҳисоблаганлар. Европада аста-секин дин ва черков таъсиридан қутилиш – секуляризация қарор топган.

Дин одамларга эзгулик ва ёвузлик, виждон, ҳалол ва ҳаром, гуноҳ ва савоб, жаҳолат ба маърифат каби тунчаларни фарқлашда, эзгуликка интилишда, ёмонлик ва гуноҳдан ўзини тийишда ва шу каби кўплаб ҳолларда ёрдамлашади. У инсонни қийинчиликларга бардош беришга, уларни енгишга, Яратган олдида ўз бурчини бажаришга ундаган, яъни иродасини тарбиялаган. Диний китобларда, диний адабиётларда инсониятнинг маънавият борасидаги билимлари, ғоялари, меъёрлари, қарашлари, таълимлари тўпланиб, жамиятнинг маънавий хазинасини бойитиб келган. Буларни инкор қилиш мумкин эмас.

Янги динлар ёки ислоҳот туфайли пайдо бўлган янги мазҳаблар, оқимлар кўпинча аввалгиларга нисбатан жамият тараққиёти ва инсон тарбияси учун кўпроқ рағбат яратган. Масалан, мумтоз ислом зардуштийлик, монийлик, дастлабки христианлик, буддавийлик, иудаизмга нисбатан шундай рағбатни яратган бўлса, кейинчалик христиан дини доирасида протестантизм шундай роль ўйнади. Аксинча, ислом доирасида, баъзи бир иррационалистик қарашлар, тариқатлар аста-секин ижтимоий тараққиётга тўсиқ бўлди. Бошқа динларда ҳам биз шунга ўхшаган ҳолатларни кузатамиз.

Диннинг инсон тарбиясидаги аҳамияти ҳақида гапирганда, Ғарбнинг секуляризациялашган жамиятидаги баъзи бир ахлоқий бузуқлик, фаҳш, биржинсли никоҳлар ва сексиндустрия қабиларни эсламасликнинг иложи йўқ. Худога ишонмаслик нималарга олиб келиши мумкинлиги ёки худо ўрнини инсон онгида ким эгаллаши лозимлиги масалалари XIX аср охири чораги мутафаккирларини безовта қила бошлаган эди. Буюк рус ёзувчиси, ўзи ўта диндор бўлган Ф.Достоевский «Ака-ука Карамазовлар» романида Иван Карамазов ва бир неча персонажлар номидан «Агар худо йўқ бўлса, унда ҳамма нарса, ҳатто одамхўрлик мумкин», деган хитоб билан жамиятни огоҳлантиришга уринган эди.

Немис файласуфи, христиан динининг ашаддий танқидчиларидан бири Ф.Ницше Ғарб маънавий ҳаёти ва эътиқодининг иккиюзламачилигини, одамларнинг худога ишонмай қўйганини назарда тутиб, «Худо ўлди», дея хитоб қилиб, унинг ўрнини суперинсон идеали эгалла-



ши лозим, деган гоџани илгари сурган эди. Достоевский қахрамони Иван Карамазов ҳам айнан шундай «инсон – худо» гоџасини илгари суради. Ницше асари Достоевский романидан (1878–1880 йиллар) уч йил кейин ёзилган (1883–1884 йиллар). Лекин Ницшенинг Достоевский асарини ўқигани даргумон. Ёттикод масаласида эса уларнинг қарашлари мутлақо тескари: бири диндор, иккинчиси атеист. Демак, ушбу гоџа зиддият ва қарама-қаршилиқларга тўла Ғарб учун пишиб етилган эди. Мазкур гоџанинг маънавий илдишлари эса Ғарб маданиятида, менталитетида азалдан – антик даврдан янги давргача бўлганлиги тўғрисида юқорида айтиб ўтган эдик.

Ницше дард чекишни ҳамдардлик қилишга қарши қўяди. Дард чекиш инсонга ўз-ўзини енгишда ёрдам беради (Selbstüberwindung), ўз устидан ҳукмронликни оширади. Ҳамдардлик, аксинча, кучсизлантиради, «хукмронликка интиладиган иродани» камайтиради. Ницше қарашларида «хукмронликка интиладиган ирода» тушунчаси марказий ўрин эгаллайди. У «Зардушт таваллоси» асарида ёзади: «Оҳ, мушфиқлар ўртасидаги телбаликдан ҳам ортиқроқ телбалик бормикин дунёда?»

Барча севгучиларнинг алам-азоби курсин, уларнинг раҳм-шафқатдан ўзга чўккиси йўқ.

Бир куни иблис шундай деди: «Ҳатто худонинг ҳам ўз дўзахи бор – бу унинг одамларга муҳаббати».

Яқинда унинг шундай деяётганини эшитдим: «Худо ўлди; одамларга раҳм-шафқати боис худо ўлди»<sup>1</sup>.

Ницшенинг суперинсонни турлича, жумладан, салбий, бошқаларга ўз ҳукмини ўтказишга қодир, зўравон мазмунида талкин қилиниши мумкин. Шу сабаб гитлерчилар Ницше сиймосида ўз мафкурачисини, унинг суперинсониди эса дунёга эгалик қиладиган олий ирк вакили – блондин бестия – малла соч иблис, фашист йигити идеалини кўрган эди. Бунга, албатта, Ницше айбдор эмас. Ницшенинг худодан мўъжиза кутмасдан, фақат ўз кучига ишонадиган суперинсонини бир ёқлама ижобий ёки салбий тушунмаслик керак. Ницше эзгулик ва ёвузликдан устун турадиган суперинсон тарафдори эди. Бу

<sup>1</sup> «Жаҳон адабиёти» журнали, 2004, февраль. 11-б.

эса суперинсонни салбий мазмунда тушунишга ҳам ўрин қолдиради. Ницшега вульгар социал-дарвинизм ғоялари анча-мунча таъсир қилган кўринади. Яшаш учун кураша оладиган, ҳукмронлик қилишга интиладиган одамнигина у яшашга ҳақли, деб ҳисоблаган. «Антихристианин» аса-рида қуйидаги фикрларни олга суради:

«Нима яхши? – Инсонда куч ҳиссини, ҳукмронлик-ка интиладиган иродани, қудратни оширадиган барча нарса.

Нима ёмон? – Ожизликдан келаётган барча нарса.

Бахт нима? – Ўсаётган куч, ҳукмронлик ҳисси, янги тўсиқ енгиб ўтилаётганини ҳис қилиш.

Қониқиш эмас, йўқ, – кўпроқ куч, кўпроқ ҳокимият! Тинчлик эмас – уруш, эзгулик эмас – жасорат (Ренессанс услубидаги эзгулик, ахлоқийлик билан аралашмаган – *virtu*).

Ожизлар ва мажруҳлар ўлиб кетсин – инсонсевар-лигимизнинг биринчи қоидаси. Уларга яна ўлишларида кўмаклашмоқ керак.

Ҳар қандай иллатдан нима зарарлироқ? – Ожизларга ва мажруҳларга ҳамдардлик – христианлик»<sup>1</sup>.

Достоевский ва Ницше давридан буён Ғарб жамияти сифат жиҳатдан янги поғонага кўтарилди. Постиндустриал жамият қарор топди. У кўплаб янги зиддиятларни юзга келтирди. Унинг бугунги ҳолатини постмодерн жамият деб аташ қабул қилинган. Постмодерн жамиятнинг асосий белгилари қуйидагилардан иборат: ишлаб чиқаришда юксак технологиялар қўлланилади, ахборот технологиялари нафақат оммавий коммуникация соҳасига, шунингдек, жамият ҳаётининг барча соҳаларига, ҳатто ишлаб чиқаришга ҳам кириб келади, софтвер (электрон алоқа хизматлари) соҳаси ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётнинг узвий тармоғига айланади, жаҳон тараққиётида глобаллашув тенденцияси вужудга келади, оммавий ма-

<sup>1</sup> Ф. Ницше. Антихристианин. Опыт критики христианства // Су-мерки богов. – М.: 1990. с.19 (Ф.Ницше асарини «Анти-Христ» деб атаган. Христиан динида Анти-Христ деганда шайтон тушунилади. Шу боис рус таржимони асарнинг мазмунидан келиб чикиб, унинг номини Антихристианин деб ўгирган – А.Э.)

даният кенг тарқалган ижтимоий ҳодиса сифатида инсон онгини, тафаккури, хулқ-атвори ва жамият менталитетини ўзгартира бошлайди.

Постмодерн жамиятда илмий-техника тараққиёти, ахборот-алоқа технологиялари, ахборот хуружи ва таҳдиди инсонни жуда оғир аҳволга олиб келиши мумкинлиги аёнлашмоқда. «Биз одамларга ўхшаб ишлайдиган машиналар барпо этамиз ва машинага ўхшаб ҳаракат қиладиган одамларни яратамиз. Ўн тўққизинчи асрда кул бўлиб қолиш хавфи мавжуд эди, йигирманчи асрда бу хавф йўқолди, лекин бошқа хатар – роботларга айланиб қолиш хавфи туғилди»<sup>1</sup>, – деб ёзган эди Э. Фромм. XXI асрда кейинги хавф янада кучайди. Инсон энди фақат роботга эмас, компьютер ва глобал алоқа тизимининг, тармоғининг бўлакчасига, мурватига ва бандисига, яъни кулига айланиб қолиш хавфини сезмоқда. Ўргимчак тўри ҳашоратни ўз ўлжасига айлантириб ҳалок этаётганидек, бутунжаҳон тўри – Интернет инсонни ўлжага айлантирмоқда, унинг табиатини ўзгартирмоқда.

Ғарб маънавий инкирозининг асл ва чуқур сабаблари жамиятнинг секуляризациялашувидами деган саволга аниқ жавоб бериш қийин. Секуляризациянинг маълум таъсири борлиги шубҳасиз. Аммо, назаримизда, асосий сабаб кўздан анча яширин. Биринчидан, сабаб турли ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий, синфий, миллатлараро ва халқаро муносабатларга таъсир кўрсатадиган омилларнинг мураккаб мажмуидан иборат. Ғарб индустриал жамиятида инсоннинг ўз меҳнати натижасидан бегоналаштирилгани, ашаддий эксплуатация қилингани ва хўрлангани натижасида синфий кураш, инқилоблар ва урушлар юз берди. Индустриал жамият оёкқа тураётган дастлабки бир-бир ярим аср мобайнида меҳнат муҳофазаси йўлга қўйилмаган, ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалар кўп бўлган. Ишчилар бўлар-бўлмас баҳоналар билан жаримага тортилган, норозилар маошидан, иш жойидан ажралган. Ишлаб чиқарган маҳсулотидан тўлиқ бегоналаштирилган пролетарий анъанавий кадриятларга

<sup>1</sup> Эрих Фромм. Инсоннинг ҳозирги ҳолати // «Жаҳон адабиёти», 2000, март. 116-б.

– эзгулик, адолат, ҳалоллик, садоқат, меҳр-оқибат, ҳақ ва ҳақиқатга ишонмай кўйган. Мулкдан, меҳнат натижасидан бегоналаштирилиш маънавий бегоналашиш учун замин яратган. Иккинчидан, XX асрда фашистик ва большевиктик катагонлар, жаҳон урушлари, уларнинг асоратлари, учинчидан, постиндустриал жамиятда бегоналашувнинг эски шакллари бироз бартараф этилса-да, янги шакллари пайдо бўлиши, глобал муаммолар, айниқса, ядро уруши хавфи, демографик портлаш, экологик инқироз ва бошқа кўплаб таҳдидлар инсон онгига, тафаккурига, ижтимоий идеалларига салбий, емирувчи таъсир кўрсатди. Анъанавий кадрятлар тизими ўзгара бошлади. Бунга яна ашаддий, шафқатсиз рақобатга асосланган бозор иқтисодиёти глобал индивидуализмни озиқлантириб турганини кўшимча қилиш керак.

Ғарб одами инстинктив тарзда ҳаёт лаззатларидан та-тиб қолай, эртага ҳамма нарсадан жудо бўлиб қолишим мумкин қабалида ўзини тутган. Чунки кўчада ёки ишда бахтсиз ҳодисага учраш, ногирон бўлиб қолиш, талончилар, зўравонлар кўлига тушиш, ишсиз қолиш хавфини доимо ҳис қилган. Бу балолардан бирортасига учрасанг, барча нарсадан жудо бўласан.

Постиндустриал, постмодерн жамиятларида мулкдан бегоналашиш маълум даражада бартараф этилиб, ўрта синф салмоғи кескин ўсган бўлса-да, маънавий ҳаётдаги аксарият салбий тенденциялар сақланиб қолди, улар ёнига янгилари қўшилди. Масалан, бир табақага, ҳатто бир оилага мансуб одамларнинг бир-биридан бегоналашуви ва рақобати кучайди. Дам олиш, кўнгил очиш воситасига айланган маҳсулотларга эҳтиёж тез ортди. Уларни ишлаб чиқарувчилар катта фойда олдилар. Маданият маҳсулотлари товарга айланди. Ижтимоий шарт-шароит ва хавф-хатарнинг салбий таъсири секуляризация таъсиридан кучлироқ бўлиб чикди. Чунки секуляризация алоҳида инсоннинг диндор бўлишига, черковга қатнашига монелик қилмайди. Фақат жамият ҳаётига черков ва динни аралаштирмайди. Ибодатни, эътиқодни ҳар кишининг хусусий иши, деб ҳисоблайди.

Ўша даврнинг таникли мутафаккири Эрих Фромм XIX асрнинг асосий муаммоси «Худо ўлди» эди, XX асрнинг

асосий муаммоси «Инсон ўлди» дейишга жазм этди. Албатта, Фромм сўзларини мумтоз маънавий қадриятларга, яъни эзгуликка, инсонпарварликка, гўзалликка, адолатга, эркинликка содиқ инсон қолмаётир, энди кўпчилик ўз худбин манфаатларини ҳамма нарсадан устун кўймоқда, деган надомат мазмунида тушунмоқ керак. Инсон муаммоси постмодерн жамиятда янада кескинлашди. Чунки баъзи бир мумтоз қадриятлар деформацияга учраб, улар ўрнини айрим ҳолларда сохта қадриятлар эгалламоқда. Булар инсон дунёқарашига, қадриятлар тизимига, умуман, маънавий тарбиясига жуда зиддиятли, таъсир кўрсатмоқда. Кўп ҳолларда мазкур қарама-қарши таъсирларни бир-бирдан ажратиб олиш қийин.

Жамиятда ахборотлар оқими шунчалик кучайиб, кўпайиб кетдики, мазкур ҳодиса мутахассислар томонидан «ахборот портлаши», дея баҳоланмоқда. Табиийки, портлаш оқибатлари доим ижобий бўлавермайди, у ларзаларга, ўпирилиш ва вайроналарга ҳам олиб келади. Ахборот портлаши ҳар хил зиддиятли ғояларнинг инсон онгига ёпирилиб келишига сабаб бўлди. Оддий инсон уларнинг мағзини чақиб олишга улгурмаётир, баъзан бунга унинг билими, ақли, тажрибаси етмаётир. Натижада, танлаб тизимлаштирилган ахборот хуружи ва турли PR (пиар)-кампаниялар орқали омма онги бошқарилмоқда.

Оммавий жамият ва унинг имманенти ҳисобланмиш оммавий маданият, гуманизм ғоясини нотўғри талқин қилиб, прагматик вульгар антропоцентризм билан амалда алмаштириш, инсон ҳуқуқларини унинг ахлоқий масъуллигидан, маънавиятидан ажратган ҳолда жамият ҳаётининг, ижтимоий муносабатларнинг асосий мезонига айлантириш маънавиятнинг инкирозигагина эмас, ҳатто кишининг инсоний табиати ўзгаришига сабаб бўлаётир.

Мумтоз инсон ер юзидан йўқолиб кетаётганга ўхшайди, онги сифат жиҳатдан ўзгарган янги субъект эса воқеликни моделлаштиришда, уни ўз ақл-заковати ва руҳияти ёрдамида яратишда қатнашмаётир, – дейди М.Фуко. Чунки у андозалар ёрдамида фикрлашга, масала ечими вариантларидан бирини танлашга ўрганиб қолган. Масалани таҳлил қилишга, ижодий изланишга, ностандарт фикр юритишга, қийинчиликни енгиш йўлини то-

пишга ўргатилмаган. У ўз қарори ва хатти-ҳаракати учун ҳеч қандай жавобгарлик сезмайди. Чунки компьютернинг виртуал оламида ёки электрон ўйинда туғмачани нотўғри босиб қўйса, ҳеч қандай ёмон оқибат юз бермайди. У ўйинини қайта тиклаб, то тўғри жавоб топилмагунча туғмачани босавериши мумкин. У тобора реал ва виртуал муаммоларнинг фарқига бормаёй қолаётир. Шу сабабдан инсонни ўраб турган дунё унинг учун ҳал қилиб бўлмайдиган «муаммолар йиғиндиси»дир, қўшимча қилади Ж. Деррида. Ж.Ф.Лиотар фикрича, инсон борлиқнинг онтологик асосларидан маҳрум, у ўз-ўзини ва атроф муҳитини легитимлаштиришнинг инкирозини бошдан кечирмоқда. Ж.Бодрийер «бизнинг образлар ва белгилар тизимимизда» буюк гуманистик мезонлар «ўчирилган» бўлиб чиқмоқда, дея хулоса қилади. Ушбу муносабат билан Ғарб оммавий маданияти «бир ўлчовли инсонни» шакллантириши тўғрисидаги Г.Маркузе сўзларини, «оммавий» инсонни стандартлаштириш ва конформлаштириш тўғрисидаги Ч.Миллс, «одам-локатор» тўғрисидаги Д.Рисмен ва, ниҳоят, Фроммнинг «инсон ўлди» деган сўзларини бир бор эсланг! Бунга яна Ж.Оруэлл, О.Хаксли, Р. Брэдберн, Р. Шекли каби ёзувчиларнинг антиутопия жанрида ёзилган бадиий асарларида тасвирланган одамлар образларини қўшимча қилиш мумкин. Кўриниб турибдики, Ғарб олимлари, ёзувчилари ташвиш билан замонавий инсон мумтоз тушунчадаги инсондан баъзи бир салбий маънодаги камчиликлари, маънавий-маданий қадриятлари саёзлиги ва заифлиги билан фарқ қилишини қайд этмоқда.

Виртуал воқелик, симулякрлар дунёси, компьютердаги уларнинг қўпвариантлиги ушбу олам билан боғланиб қолган кишининг анъанавий қарашларини, қадриятлар тизимини, қабул қиладиган қарорлари, хулқ-атвори оқибатларига нисбатан унинг жавобгарлик ҳиссини заифлаштириб юборди. Реал ҳаётда инсон кўпинча ўз қарорлари, қилмиши оқибатларини ўйлаб кўради, ўзига ва бошқаларга беҳуда зарар келтирмасликка ҳаракат қилади (гап бу ерда жаҳл устида ёки экстремал ҳолатда нотўғри иш қилиб қўйиши ҳақида эмас, балки унинг ҳаёт кечириши давомидаги хулқи, фаолияти ҳақида кетяпти). Виртуал воқеликда у ҳар қандай масъулиятдан холи. Истаган қарорни қабул

қилиши мумкин. Агар у муваффақиятсиз чикса, бошқа вариантни танлайди. Юқорида таъкидланганидек, керакли вариант топилмагунча, шу ҳолат давом этаверади.

Виртуал воқеликнинг кўпвариантлилиги ва файлларни, ахборотни чексиз алмаштириш имкониятлари инсонни ўйлаш, таҳлил қилиш, ягона тўғри вариантни топиш ташвишларидан қутилтирмоқда. Бу, охир-оқибатда, инсоннинг ўз ҳатти-ҳаракати учун, реал ҳаётга тўғри муносабатда бўлиши учун масъулиятини пасайтирмоқда. Чунки у реал ҳаёт ва ҳаёлот ўртасидаги, реал ва виртуал воқеликлар ўртасидаги фарқни ажратолмай қолмоқда. Айниқса, ёш болаларда бу кўп кузатилмоқда. Фарбдаги айрим болалар электрон ўйинлардаги «қаҳрамонлар» сингари ўзини тутиб, кўлига қурол олиб, синфдошлари, ўқитувчилари ёки кўчадаги одамларга ўқ отган мисоллар учраб турибди. Олимларни ташвишлантираётган масалалардан бири – кейинги авлодларда сақланиб қоладиган масъулият жамият ва инсон нормал ривожланиши учун етарлича бўладими? Қандай қилиб виртуал гипервоқелик, сунъий интеллект жадал ривожланаётган, ишларни тобора электроника ва роботлар бажараётган, инсоннинг ўзи машинага тобора қарам бўлиб бораётган шароитда унда масъуллик туйғусини тарбиялаш мумкин? Демак, тарбия концепцияси, усуллари ва воситаларини тубдан қайта кўриб чиқиш зарурати туғилмоқда.

Таълим-тарбия, биринчи галда, манавий тарбия мазмунини, усул ва воситаларини замон талаблари – глобаллашув, АТ ва оммавий маданият, ахборот хуружи, таҳдидларини ҳисобга олиб, қайта кўриб чиқиш, такомиллаштириш зарур. Ҳақиқий инсонпарварлик (гуманизм) ва вульгар антропоцентризм ўртасидаги фарқни, инсон эркинлиги ва масъулияти бирлигини, мумтоз қадриятлар аҳамиятини янгича очиб бериб, ҳозирги замон воқелиги билан боғлаб талқин қилиш керак.

Таълим ва тарбия – иккитомонлама жараён. Ўқувчи ёки тарбияланувчи бўш идиш эмаски, уни зарур билимлар ва тарбияга оид меъёрлар, қоидалар билан тўлдирсанг. У нафақат тарбиянинг объекти, шунингдек, субъекти ҳамдир, чунки ўз-ўзини тарбиялайди, кўп нарсаларни мустақил ўқиб ўрганади. Бола ўзини қизиқтирган савол

ларга жавоб излайди: китоб варақлайди, интернетдан ахтаради, тенгдошлари ва катгалардан сўрайди. Болада қизиқиш уйғотмайдиган нарсани унга мажбуран сингдириш қутилган самарани бермайди. Айни пайтда болада интилиш бўлмаса, меҳнатсеварлик ва ирода етишмаса, ҳеч қандай муаллим, устоз ундаги қобилиятни, имкониётларни тўла юзага чиқара олмайди. Демак, тарбия ота-она, ўқитувчи, устоз, жамиятнинг тарбияланувчига таъсиридангина иборат бўлибгина қолмай, унинг ўзини ўзи тарбиялаши ҳамдир. «Одамнинг ўзи истамаса, ҳеч қандай ўғит-насихатлар унга тўғри йўл кўрсатолмайди», деган эди атоқли француз адиби Ромен Роллан.

Тарихда из қолдирган, номи машҳур кишилар орасида жуда оддий оилалардан, баъзан камбағал оилалардан чиққанлар кўп. Улар орасида буюк давлат арбоблари, саркардалар, ёзувчилар, рассомлар, бастакорлар, ихтирочилар, инженерлар, ишбилармонлар, менежерлар, спортчилар ва ҳ.к бор. Буюк саркарда Маҳмуд Ғазнавий, мамлук султонлари, Усмонли турк империяси айрим генераллари ва вазирлари қуллардан чиққан. Америка давлати ва миллатининг асосчиларидан бири Бенжамин Франклин, ҳинд халқининг буюк фарзанди Маҳатма Ганди, АҚШнинг қатор президентлари, турли мамлакатларнинг айрим атоқли арбоблари ўртаҳол ҳунармандлар, ўқитувчилар, аптекачилар, кичик тадбиркорлар ёки кичик провинциал амалдорлар фарзандларидир. Айниқса, адабиёт ва санъат аҳли орасида бундай атоқли ижодкорлар кўп учрайди. Улардан айримлари ҳатто бошланғич мактабни тугатолмаган (масалан, буюк ёзувчи М.Горький), лекин мустақил ўқиб билим олган. Уларнинг ҳаммаси учун бир хислат – ўз-ўзини тарбиялаш хос: улар табиат берган истеъдодни, қобилиятни юзага чиқариш учун тинимсиз ўз устида ишлаган, мустақил ўқиб ўрганган, мақсадига эришиш йўлида ҳузур-ҳаловатдан воз кечган, қийинчиликларга, баъзан очлик ва юпунликка чидаган. Бу хислатларни мақсадга интилувчанлик, меҳнатсеварлик ва қатъий ирода деб аташ мумкин. Мана шу уч хислат инсоннинг ўз-ўзини тарбиялашнинг маънавий-ахлоқий таянчини ҳосил қилади.

АҚШда «американча орзу» деган тушунча бор. У ҳаётда ўз ўрнини топишни, имкониётларини юзага чиқариш-



ни, иложини топса, миллионер бўлишни билдиради. Американча орзунинг «ўзини ўзи яшаш» (одам қилиш) деган бошқача ифодаси ҳам бор. Фақат ўз кучига ишонган, иродали, мақсадидан тоймайдиган, ишида янгилик қилишга интилган, қийинчилик ва мувафакқиятсизликлардан кўркмайдиган, курашчан кишигина, охир-оқибат, орзусига эришади. Американинг прагматизмга асосланган ахлоқи ижобий амалий натижаларга эришиш, ҳавойи ҳавас ва лаззатларга ёки мўъжиза кутишга берилмаслик, сидқидилдан меҳнат қилиш ва изланиш гоёсини олға суради. Ғарбнинг ривожланган халқлари орасида америкаликлар энг диндор халқ ҳисобланади. Лекин улар диний меъёрларни, қоидаларни асосан оқилона, реал ҳаёт эҳтиёжларига мослаштириб талқин қиладилар. Протестантизмнинг турли оқимлари ва мазҳаблари прагматизм ахлоқига мос ёки очиқчасига зид эмас.

Афсуски, ўз-ўзини тарбиялаш масаласи ортодоксал динларда – христианликнинг католицизм ва православ оқимларида, буддизмда ва Шарқ динларининг деярли барчасида кўпроқ ички ахлоқий такомиллашиш сифатида тушунилади. Яъни у кўпроқ инсоннинг ички дунёсига қаратилган, ҳаётда, ишда ва мансабда бирор мувафакқият қозонишни, турмуш фаровонлигини юксалтиришни ё тўлиқ инкор қилган, ё иккинчи даражали ҳисоблаган. Чунки улар гўёки одамларни Худодан чалғитадиган ҳирс, нафс, кибру ҳаво кўринишларидир. Натижада, диний тушунчадаги ўз-ўзини тарбиялаш мистик тус олган, маънавият борасида теран ва улкан гоёларни олға сурса-да, амалиётда бирор самарага олиб келмаган, аксинча, пировардида жамиятни инқирозга учратган. Альберт Швейцер таъбири билан айтганда, жонли ахлоқ (яратувчилик) йўлига олиб чиқолмаган. Одамларнинг турмуши ва жамият тараққиёти талабларидан узилиб қолган. Шу сабабдан барча динлар бағрида зоҳидлик (аскетизм), таркидунёчилик, роҳиблик (монах бўлиш), дарвешлик ва қаландарлик (исломда) каби институтлар пайдо бўлди. Ибодат, тақво ва тарбияни турлича талқин қилувчи секталар, фирқалар, мактаблар кўпайиб кетди.

Ўзини ўзи тарбиялаш масаласида икки муқобил, аммо хато қарашларни, ёндашувларни ажратиш мумкин. Бири

юқорида келтирилган диний-мистик қарашлар бўлса, иккинчиси, ўта бир томонлама яланғоч рационализмга, бойлик орттиришга, нафси ва ҳирсини қондиришга, ўз манфаатларини ҳамма нарсадан устун қўйишга асосланган худбинлик, худпарастликдир. Маънавий тарбия жараёнида мазкур қарашлар ва ёндашувларни танқид қилишни эсдан чиқармаслик керак. Ўзини ўзи тарбиялаш инсон шахси, инсоннинг асл табиати юксалишига, инсоннинг жамият билан алоқалари янада мустаҳкамланишига хизмат қилиши, эзгулик, гуманизм ва ижтимоий тараққиёт ғояларига мос келиши лозим. Ўз-ўзини тарбиялаш асосида эзгу мақсадга, эзгу хулқ-атворни, хушмуомалани эгаллашга, ўзига ва жамиятга фойда келтирадиган ишларни қилишга интилиш, бунинг учун зарур билимларни, меҳнат (яратувчилик) кўникмаларини эгаллаш, иродасини чиниктириш ётади. Бу узок ўтмишдан келаётган умуминсоний тажриба ёрдамида қайта-қайта тасдиқланган.

Ўзини ўзи тарбиялаш ўқиш, ўрганиш, юксак марраларга интилиш қаторида ўзини тафтиш қилиш, унинг ёрдамида шахсий нуқсонларни, камчиликларни камайтириб, бошқаларга манзур, ишда муваффақият келтирадиган жиҳатларни мустаҳкамлаб бориш билан боглик. Инсон ўз хулқини, бошқалар билан мулоқот пайти, айниқса, баҳс-мунозаралар пайти ҳамда турли йиғилишларда, мажлис ва анжуманларда кўпчилик орасида қўллаган далиллари, ишлатган сўзлари, ибораларини ва ўзини қандай тутганини, умуман хулқ-атворини ва феълини тафтишдан ўтказиб, таҳлил қилиб бориши керак. Шунда у ўз камчиликлари ва хатоларини сезади, уларни тузатиш, яна қайта такрорламаслик чорасини кўради. Ўзини тафтиш қилиш жараёнида ўзи аниқлаган хатосини тузатиш унга малол келмайди. Биров айтиб ёки танқид қилиб кўрсатган хатосини билиш кишини ўнғайсиз аҳволга солиб қўйиши, хатто, малол келиши мумкин.

Шарқда, хусусан, бизнинг маънавий-маданий меросимизда «Қутадғу билиг», «Гулистон», «Бўстон», «Маҳбуб-ул қулуб», «Қобуснома»га ўхшаш пандномалар, одобахлоққа бағишланган китоблар кўп. Ғарбда ҳам яхши муомала, этикет қоидаларини ўрганиш, бизнес, сиёсат ва бошқа турли соҳаларда амалий муносабатлар ўрнатиш,

жамиятда ўз ўрнини топишга қаратилган асарлар талайгина. Улар орасида Дейл Карнеги китобларига ўхшаш замонавий жамиятда муваффақият қозониш омилларини ёритганлари ҳам бор. Мумтоз ахлоқий асарларни, пандномаларни, ушбу мавзуга бағишланган замонавий китобларни ўқиб-ўзлаштириш, ҳаётдан ўрганиш, ибрат олиш, ўз устида тинмай ишлаш, юксак мақсадларга интилиш ўзини ўзи тарбиялашнинг самарали воситасидир.

Мумтоз алломалар одоб-ахлоқ ва тарбия ҳақида гапирганларида, инсон учун зарур фазилатлар қаторида инсонийликка зид майллар ва сифатлар ҳақида ҳам кўп баҳс олиб борганлар. Чунки муқобил, бир-бирига қарама-қарши сифатлар қиёсланганда, уларнинг ҳақиқий баҳоси, мазмун-моҳияти аниқроқ очилади. Бу усулдан Алишер Навоий барча асарларида моҳирона фойдаланган, айниқса, унинг фалсафий-дидактик асари «Маҳбубул қулуб» мазкур фикрни тасдиқлайди. Бир мисол келтирамиз: «Тилга ихтиёрсиз – элга эътиборсиз... Тилиға иқтидорлиқ – ҳақими хирадманд; сўзиға ихтиёрсиз – лаими нажанд»<sup>1</sup>. (М а з м у н и: *тилиға кучи етмаган киши элнинг эътиборидан қолади. Тилини тийишга қодир – доғишманд файласуфдир. Сўзиға кучи етмаган (вайсақи) – уятсиз тубан кишидир*).

Маънавий тарбияда, айниқса, ўзини ўзи тарбиялаганда инсонга зарур фазилатлар нималигини билиш, ўзлаштириш қаторида инсонга зарар етказувчи майллар ва салбий сифатларни билиш, уларни онгли қабул қилмаслик, улардан сақланишни ҳам ўзлаштириш керак. Бу эса нафақат бузғунчи сиёсий ғояларга, шунингдек, бузғунчи ахлоқий ва салбий ҳисобланадиган индивидуал ва маиший сифатларга ҳам қарши тура олишни билдиради.

Маънавий тарбия инсоннинг асл табиатини мустаҳкамлаш ва янада ривожлантиришга қаратилган экан, у инсоннинг моҳиятли белгилари билан боғланиши лозим. Инсоннинг асл табиати ҳақида гап кетганда, қуйидагиларга урғу берилади:

– инсон – онгли, ақли мавжудот;

<sup>1</sup> Алишер Навоий. МАТ. Т. 14. – Т.: 1998, 93-б.

– инсон – биоижтимоий мавжудот, у фақат жамият-дагина шаклланади, жамиятдан ташқарида инсон боласи ҳалок бўлмай қолганда ҳам, ҳайвондан фарқ қилмайдиган мавжудот бўлиб етишади;

– инсон – яратувчи мавжудот;

– инсон – эҳтиёжлари узлуксиз ўсадиган, юксаладиган мавжудот. Инсоннинг онги, тафаккури унинг учун биринчи моҳиятли белги экан, маънавий тарбия, аввало, уларни янада ривожлантиришга, юксалтиришга хизмат қилиши керак.

Туйғулар, ҳис-ҳаяжонлар, кечинмалар, аввал айтилганидек, инсоннинг кўнгил дунёсини, тафаккур эса ақл дунёсини ташкил этади. Уларни бир-биридан ажратиш ёки бир-бирига қарама-қарши қўйиш мутлақо мумкин эмас. Мумтоз рус ёзувчиси И.А.Гончаров адолатли таъкидлаганидек: «Улуғ муҳаббат теран ақл билан узвий боғланган; ақлнинг кенглиги қалбнинг теранлигига тенг. Шунинг учун ҳам инсонпарварлик чўққисини буюк қалб эгалари забт этадилар: чунки улар – буюк ақл эгалари ҳамдир». *Маънавий тарбиянинг мақсадларидан бири инсоннинг кўнгил ва ақл дунёсини мувозанатга келтириш, уни нафс ва ҳирс домига тушиб қолишдан асрашдир.*

Инсон ижтимоий мавжудот сифатида бошқа инсонлар билан, оиласи, маҳалласи, меҳнат жамоаси, юрти, мамлакати ва бутун жамият билан яқиндан боғланган. Маънавий тарбиянинг асосий вазифаси инсонни ўз-ўзи билан, оиласи, жамоаси, бутун жамият ҳамда табиат билан уйғун яшашга ўргатишдир. Маънавий тарбиянинг ҳар бир йўналиши ва шакли бир-бирини тўлдиради, ҳар қайси ўз усул ва воситаларига эга. Улар бир-биридан ажратилмасдан, маънавий тарбия яхлит, комплекс тизим сифатида йўлга қўйилиши лозим. Энг асосийси, ҳозирги постмодерн жамияти талаблари ва инсонга таҳдидларини ҳисобга олиб, тарбияни яна таълимга яқинлаштириш зарур. *Таълим яна тарбияловчи таълимга* айланиши лозим. Зеро, ҳақиқий тарбия, жумладан, диний тарбия ҳам биринчи галда эҳтиросларга ва насиҳатларга эмас, балки объектив билимларга асосланади. Етарли билимларга эга бўлмаган киши, биринчидан, осонгина ҳар хил бидъат ва хурофотлар, ғаразли тарғибот таъсирига тушиб қолади.

Чунки эшитаётган, кўраётган ҳодисани тўғри таҳлил қилиш, баҳолаш ва нотўғри жихатларини аниқлаш унинг учун кийин. Иккинчидан, унга *ҳаётни теран англашда, уни моделлаштириш ва ўзгартиришда* билим етмай қолади ва унинг яратувчилик, бунёдкорлик салоҳияти пазайиб кетади.

Шу сабабдан ҳар бир авлоднинг ижтимоий ва ижодий фаоллигини ўрганиш мақсадида социометрик кўрсаткичлар ва индикаторлар ишлаб чиқиб, тадқиқотлар натижасини таълим ва тарбия жараёнида ҳисобга олиб бориш зарур. Объектив, теран илмий билимларга асосланмаган тарбия пуч, куруқ сафсатабозлик, самарасиз панд-насихатга ёки турли ғайритабиий, парапсихологик, мистик, эзотерик кучлар билан овутишга ва кўркитишга айланиб қолади. Амалда тескари натижа беради, тингловчиларини тарбиядан бездиради, ё йўлдан уриб, адаштиради.

Ўзбекистонда биз дунёвий демократик давлат курмоқдамиз. Ушбу тушунча давлат ўз фаолиятида диний қоидаларга эмас, юридик қонун ва меъёрларга таянишини, виждон ва эътиқод эркинлиги таъминланишини ифодалайди. Диний эътиқодига кўра бирор киши камситилиши, ҳуқуқлари ва фаолияти чекланиши мумкин эмас. Дунёвий демократик давлатда диний бағрикенглик (толерантлик) тамойилига амал қилинади. Айни пайтда дунёвий демократик давлат ота-оналар ўз фарзандларига диний тарбия беришини тақиқламайди. Мачит ҳузурида дам олиш кунлари диний мактаб ёки диний синф фаолият кўрсатиши мумкин. Лекин булар ҳаммаси қонун доирасида ташкил этилиши, диний-экстремистик ғояларни тарғиб этмаслиги, бошқа динларни танқид қилмаслиги, диндорларни давлат идоралари ва жамоат ташкилотларига қарши гиж-гижламаслиги лозим. Маънавий тарбиянинг вазифаларидан бири – *дунёқарашни толерант шахсни* вояга етказишдир.

Маънавий тарбияда миллий ва умуминсоний кадрятларни уйғунлаштириш зарур. Бунинг учун асл миллий кадрятлар нималигини аниқлаш лозим. Чунки кадрятлар тарихан ривожланади, баъзан эскиради, даврнинг объектив талабларига, ижтимоий тараққиётнинг эришган даражасига мос келмай қолади.

Ҳар қандай ғоя ва тушунча, меъёр, урф-одат, агар миллий манфаатларга, бугунги ва эртанги орзу-интилишларга, тараққиёт талабларига жавоб бермаса, кадрият бўлолмайди. Маънавий тарбия жараёнида миллий кадриятлар доимий равишда тарихий заруратга, тараққиёт талабларига, инсон эркинлиги ўсишига, умумбашарий кадриятларга мослиги жиҳатдан таҳлил қилиниб борилиши зарур. Бирор халқ бошқалар билан алоқа қилмасдан, бошқалардан бирор нима ўрганмасдан яшай олмайди. Тажриба алмашинув кенг маънода моддий ишлаб чиқаришга ҳам, маънавий ишлаб чиқаришга ҳам тааллуқли. Жаҳон халқларининг кўпасрлик тажрибаси асосида шаклланган, тарих синовидан ўтган, фақат бир халқ эмас, бутун инсоният учун фойдали барча гуманистик ғоялар, меъёрлар ва идеаллар умуминсоний кадриятлардир. Ҳақиқий, асл миллий кадриятлар тараққиётга, муайян халқнинг юксалишига хизмат қилгани учун, умуминсоний кадриятларга зид келмайди. Агар зид келса, у эскирган, кадрини йўқотган бўлиб чиқади.

Бузғунчи ғояларга берилиб кетмаслик, қарши тура олиш, уларни ўзига юқтирмасликни тарбиялаш учун инсонга асл кадриятларни сохта кадриятлардан, бунёдкор ғояларни бузғунчи ғоялардан ажратишни ўргатиш керак. Ҳозирги коммуникация технологиялари, ахборот портлаши ва хуружи шароитида мафкуравий иммунитетни миллий ва умуминсоний кадриятлардан фойдаланган ҳолда, инсонда танқидий, ижодий руҳни, эркин ва мустақил фикрлай олиш кўникмаларини тарбиялаш орқали шакллантириш мумкин.

Ўзбекистонда баркамол авлодни тарбиялаш концепциясида мафкуравий иммунитетни шакллантириш масаласига жуда катта эътибор берилаётгани бежиз эмас. Унда маънавий тарбияга ўзини ҳеч кимдан кам деб билмайдиган, миллий номукамаллик туйғусидан холи, боқимандаликнинг ҳар қандай кўринишидан ор қиладиган, кенг дунёқарашга, мустақил тафаккурга эга эркин шахсни вояга етказиш вазифаси юклатилган. Бинобарин, маънавий тарбиянинг пировард мақсади – мустақил тараққиётимиз эҳтиёжларига, миллий ғоямиз талабларига мос эркин инсон шахсини юксалтиришдир.

## 28. МЕХНАТ ТАРБИЯСИ – МАЪНАВИЙ ТАРБИЯНИНГ НЕГИЗИ

Тарбия таркибида яна бир бирламчи асос, негиз мавжуд – бу меҳнат тарбиясидир. Унда, биринчидан, амалда тарбиянинг моҳияти – инсон ўзи учун яшаш муҳитини яратиш, табиатни қайта ишлаш, меҳнат кўникмалари ва билимларини янги авлодга ўргатиб, ворисийликни таъминлаш мужассамлашган. Иккинчидан, тарбиянинг асосий мақсади ва барча шакллари, йўналишлари, усуллари, уларнинг куртаклари меҳнат тарбиясида акс этган. Уруғда ўсимликнинг барча хоссалари, белгилари, ҳосилдорлик имкониятлари, иммунитети, яшовчанлиги яширин бўлганидек, меҳнат тарбиясида инсон маънавиятининг барча ютуқ ва камчиликлари яширин.

Меҳнат қилишга ўрганмаган киши, оқибатда, ўз имкониятларини, истеъдодларини юзага чиқара олмайди. Унинг ақли-заковати жойида бўлгандаям кўпинча боқиманда, текинхўр ёки ёлғончи, фирибгар, қаллоб бўлиб вояга етади. Чунки камроқ ишлаб, кўпроқ топсам, ёлгон ёрдамида бирор нарса ишлаб олсам, дейди. Дангаса, меҳнат қилишни ёқтирмайдиган киши носамимий, лаганбардор, ёлтоқи, ғурури паст, ор-номуси йўқроқ бўлади. У теварак-атрофдагиларнинг, айниқса, ишдаги бошлиқнинг жаҳлини чиқармасликка, балки кўнглини топишга ҳаракат қилади. Уни ишдан қувиб юбормасалар, қолган-қутганларни териб ёки майда қинғирликлар ёрдамида кунини ўтказиб юрса, бас. Антик дунёнинг буюқ файласуфларидан бири Демокритнинг қуйидаги сўзларида меҳнат маънавиятнинг асоси эканлиги яхши ифодаланган: «Агар болалар меҳнат қилишга ундалмаганларида, на саводхонликка, на мусиқа, на гимнастикага, ҳаттоки, инсонда эзгуликни мустаҳкамловчи номусга ҳам ўрганмаган бўлур эдилар. Одатда номус ана шу машғулотларнинг етарлилигидан дунёга келади»<sup>1</sup>.

Кўришиб турибдики, болани ҳалол, ғурурли, ор-номусли киши қилиб вояга етказиш учун уни меҳнатсевар, ўз касбини яхши биладиган этиб тарбиялаш лозим. Бу

<sup>1</sup> *Вл. Воронцов*. Тафаккур гулшани. – Т.: 1981, 413-б.

зарур омил. Шунда унинг тили касбдошлари ва бошқалар олдида қисик бўлмайди, бировларга лаганбардорлик қилишига, турли баҳоналар ўйлаб топишга ҳожат қолмайди. Чунки буюк бобокалонимиз Абу Райҳон Беруний таъбири билан айтганда: «Ҳар бир инсоннинг кадрқиймати ўз ишини қойил қилиб бажаришида». Лекин меҳнатсеварлик, касб маҳорати айtilган юксак инсоний хислатларни автоматик тарзда тарбияламайди. Бунинг учун тарбиянинг яна бошқа шаклларида фойдаланилади. Меҳнат тарбияси маънавий тарбиянинг ўзаги, юзага чиқиши учун бир вақтнинг ўзида восита ва заминдир. Тупроксиз уруғ унмаганидек, меҳнатсиз инсон маънавияти (бинобарин, инсоннинг ўзи) шаклланмайди.

Меҳнат нима? Меҳнат инсон онгининг, тафаккурининг, ижодининг янги яратилган маҳсулот кўринишида воқеалашганидир. Ушбу фалсафий таърифни соддалаштирсак, меҳнат инсоннинг ўз олдига аниқ мақсад кўйиб, табиат берган нарсаларни қайта ишлаши, янги маҳсулот яратишидир. Бир парча ялпоқ тошни олиб, икки томони ни бошқа тош ёрдамида уриб синдириб, учли, киррали кўл қуроли яшашнинг ўзи – бу табиат предметини қайта ишлашдир, уни қисман бўлса-да ўзгартиришдир. Инсон яратган ҳар қандай моддий буюм, предмет, охир-оқибат, табиатнинг қайта ишланган маҳсулотидир. Уй-рўзгор буюмлари, пичоқ, болта, тешадан тортиб мебелларгача, инсон кийимлари-ю, ейдиган овқатигача, яшаш кулбасидан ҳашаматли ибодатхона-ю, кўркам саройларгача, мураккаб машина ва механизмларгача табиат бойликларини қайта ишлаш орқали олинган материаллардан ясалган. Полиэтилен, пластмасса, капрон, нейлон каби сунъий хом ашёлар табиий бирикмаларни қайта ишлаш, кимёвий элементларни синтез қилиш орқали олинган. Электр токи кўмир, газ, сув, шамол, қуёш нуридаги иссиқлик энергияси ва механик энергияни турбиналар, фотоэлементлар ва бошқа қурилмалар, мосламалар ёрдамида қайта ишлаб олинган энергиядир. Адабиёт ва санъат, илм-фан ва диний таълимотлар ҳам меҳнат – ақлий меҳнат, изланишлар мевасидир. Улар бевосита табиатни қайта ишлаш бўлмаса-да, инсон туйғулари ва билимларини қайта ишлаш натижасидир.



Инсон онги ва тафаккури, кўникмалари ўсиб, билимлари кўпайиши жараёнида унинг табиат предметларини қайта ишлаши ҳам чуқурлашиб, ранг-баранглашиб, мураккаблашиб борди, меҳнат мазмунан ва шаклан ривожланди. Инсон мураккаброқ меҳнат куруллари ясади, ҳайвонларни хонакилаштирди, ўсимликларни маданийлаштирди, ғилдиракни, кулолчиликни, пахтадан, жундан ип йигиришни, мато тўқишни кашф этди ва ҳ.к. Француз ёзувчиси Эдмонд Абу «Цивилизация тарихини олти сўз билан ифодалаш мумкин: қанча кўп билсанг, шунча кўп кодирсан» деганда, ҳақ эди.

Меҳнат тушунчаси иш бажариш тушунчасидан фарқ қилади. Ишни машина ва механизмларга, от, эшак, ҳўкиз каби уй ҳайвонларига ҳам бажартириш мумкин. Меҳнат – ижтимоий, фалсафий тушунча. Меҳнат, қандай шаклда бўлишдан қатъи назар, ўз олдига аниқ яратувчилик мақсадини қўйишдир, у онгли жараёндир. Машина ва механизмлар, уй ҳайвонлари ўз олдига ҳеч қандай мақсад қўя олмайди. Ўз ишининг натижаларини англамайди.

Меҳнат жараёнида инсон нафақат табиат яратган нарсаларни, шунингдек, ўз аждодлари аввал яратган нарсаларни-да қайта ишлаб, янгилайди, такомиллаштиради. Меҳнат инсон онги, тафаккури ривожланишининг энг қудратли омилдир. Инсон бир иш қилишдан аввал мияда унинг режасини тузади ёки бирор ишни бажариш (буюм ясаш) жараёнида ўз хатти-ҳаракатининг натижасини олдиндан кўра олади. Шу сабаб у эҳтиёткорлик билан ҳаёлида аниқ мўлжал олиб, аниқ ҳисоб-китоб қилиб ишлайди. Акс ҳолда, ясаётган буюмни бузиб, синдириб, яроқсиз қилиб қўйиши мумкин. Меҳнат инсоннинг тева-рак-атрофга, иш усулига, хом ашё ва ишлаб чиқиладиган маҳсулотларга оқилона тежамкор муносабатда бўлишини тақозо этади. Инсон меҳнат жараёнида камроқ куч-ғайрат сарфлаб кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришга ёки ўша энергияни сарфлаб, сифатлироқ, мустаҳкамроқ буюм ясашга интилади. Бунинг учун у доимо изланган ва изланади. Ўсимликларни, ҳайвонларни чатиштирган, уруғ ва зот саралаган, дарахларни бир-бирига пайванд қилган, далаарни алмашлаб эккан ва ҳ.к. Ҳунарманд ҳар хил тажрибалар ўтказган, янги қотишмалар, эрит-

малар, металлари, қаттиқлиги турлича бўлган тош ва ёғочларни кашф этган, янги усулларни, технологияларни ўйлаб топган. Меҳнат туфайли, биринчидан, инсоннинг ижобий яратувчилик билимлари кўпайиб, тўпланиб борган. Улар турли соҳалар бўйича тизимлашган. Иккинчидан, инсоннинг табиатга, ишлаб чиқаришга, бинобарин, ўз ҳаётига муносабати рационаллик, оқилоналик касб этган. Меҳнат инсоннинг воқеликка рационал муносабатини белгилаш баробарида унга фаол бунёдкор бўлишни, йўқни бор қилиб, яратишни, керакли миқдорда маҳсулот етиштиришни, четдан инъом, мўъжиза кутиб турмасликни ўргатган.

Инсоннинг рационал тафаккури ва турмушга, воқеликка фаол муносабати, яшаш меъёрлари – маҳсулот алмашув, истеъмол, бир-бирини алдамаслик, қўллаб-қувватлаш, ишни пухта ва сифатли бажариш, маҳсулотларни сифатига қараб холис баҳолаш ва кўплаб шунга ўхшаш талаблар, ғоялар, баҳолар, инсон диди, буюмлар ва маҳсулотларга эстетик муносабати меҳнат туфайли шаклланган. Пролетариат дохийларидан бири Ф.Энгельснинг «Маймуннинг одамга айланишида меҳнатнинг роли» деган асари бор. У тарихни материалистик тушунтириш нуктаи назаридан меҳнатнинг инсон онги, тафаккури ривожланишидаги, ҳатто, қисман биологик эволюциядаги ролини очиб берган. Фақат бугунги антропология фани инсон маймундан тарқалмаганини, балки инсон ва маймуннинг ажодлари умумий бўлганини тахмин қилади.

Албатта, инсоннинг биологик ва ижтимоий эволюцияси жуда мураккаб кечган. Ҳалигача у илм-фанга тўла аён эмас, балки тўла аён бўлмасдан қолар. Лекин меҳнат бу жараёнда катта роль ўнагани, шубҳасиз, бор гап. Айтилганларни умумлаштириб, меҳнатга қуйидагича таъриф бериш мумкин. *Меҳнат инсоннинг ўз олдига аниқ мақсад қўйиб, табиат маҳсулотларини қайта ишлаши ҳамда жамият аввал яратган нарсаларни, ғояларни, билимларни, технологияларни бойитиб, такомиллаштириб, янги моддий ва маънавий маҳсулотлар яратишидир.*

Инсон яратган маҳсулотларни моддий ва маънавий маҳсулотларга бўлиш мумкин экан, демак, меҳнатни ҳам икки турга – моддий маҳсулотларни яратувчи жис-

моний меҳнатга ва маънавий маҳсулотларни яратувчи ақлий меҳнатга бўлиш мумкин. Меҳнатга бундай ёндашув нисбий характерга эга, аммо илмий анъанадир. Мураккаб моддий нарсалар, механизмлар, асбоб-ускуналар, машиналар, сунъий материаллар яратиш чуқур илмий-тадқиқотларни, ақлий меҳнатни талаб қилган.

Ўтмишда ақлий ва жисмоний меҳнат ўртасида чегара аниқ кўриниб турган. Бугунги юксак технологиялар даврида моддий ва маънавий ишлаб чиқариш орасида аниқ чегара ўтказиш қийин. Баъзи бир замонавий моддий маҳсулотларни яратиш шунчалик мураккаб ва фан ютуқларига таянганки, уларни анъанавий тушуниладиган жисмоний меҳнат маҳсули, дейиш мутлақо мумкин эмас. Ҳатто «илмий сиғимли ишлаб чиқариш» деган атамалар пайдо бўлди. Масалан, атом энергетикаси, биотехнологик, нанотехнологик, информацион технологик ва шу каби баъзи бир ишлаб чиқариш турларида асосан ақлий меҳнат қўлланилади.

Жисмоний ва ақлий меҳнатни бир-биридан ажратадиган чегара нисбий бўлиб қолганига қарамасдан, улар кутбий ҳодисалар сифатида ҳамон мавжуд. Фақат ўтмишдаги уларнинг ижтимоий қарама-қаршилиги (ақлий меҳнат билан жамиятнинг юқори табақалари, зиёлилари, жисмоний меҳнат билан эса қора авом шуғулланган) кўп жиҳатдан бартараф этилди, тафовут эса сақланиб турибди.

Меҳнатнинг биринчи вазифаси яратувчиликдир. Яратувчилик эса қайта ишланаётган предметнинг моҳиятини, физикавий, кимёвий, биологик хоссаларининг ўзгариши ва ривожланишини, ижтимоий ва амалий фойдасини билишни тақозо этади. Ёғочнинг қаттиқлиги, юмшоқлиги, қайта ишлаш жараёнида турли шаклларга киришини, ундан қандай фойдали буюмлар, жиҳозлар ясаш ёки уй-жойлар куриш мумкинлигини ва усулларини билмаган киши дурадгор бўла олмайди. Бу билимлар илмий-назарий кўринишда эмас, амалий тажриба, кўникма сифатида тўпланади, ривожланади. Айни пайтда, улар жуда узоқ асрлар давомида тўпланган билимлардир. Фан ва техника ривожланиши жараёнида амалий билимлар назарий билимлар билан тўлдирилади ва бойитилади. Айтилган-

лар ишлаб чиқаришнинг ҳар бир турига, ҳар бир амалий касбга тааллуқли. Демак, меҳнат орқали инсон оламни, нарса ва ҳодисаларни билиб олади, ўзлаштиради ва ўзгартиради.

Меҳнат инсоннинг табиатга, ўз турмушига муносабатини аста-секин ахлоқийлик, ижодийлик ва гўзаллик таъмоиллари асосида тарбиялайди. Айниқса, ақлий меҳнат жисмоний меҳнатдан ажралиб чиққандан кейин бу жараён яна-да тезлашади. Ақлий меҳнат илм-фан, адабиёт ва санъат, маданият ривожланишининг, давлат бошқаруви, ахлоқ, ҳуқуқ меъёрлари, турмуш қоидалари такомиллашувининг қудратли омилига айланади. Инсон илм-фан орқали коинот, олис юлдузлар, галактикалар тўғрисида ҳам муайян билимларни қўлга киритди. Мазкур билимлар мудом бойиб, аниқлашиб, янги сифат босқичига кўтарилиб келмоқда. Янги билимлар бугун нанотехнологиялар, биотехнологиялар, информацион технологиялар, ядро технологиялари ва бошқа кўринишларда амалиётга кайтмоқда.

Меҳнат ривожланиши, ишлаб чиқариш тақсимоти ва ихтисослашуви жараёнида турли касблар вужудга келди. Юқорида айтилганидек, бу турли касб эгалари ўртасидаги муносабатларни, маҳсулот алмашувини тартибга солувчи ахлоқий, ҳуқуқий, иқтисодий меъёрлар қаторида касб этикасини вужудга келтирди. Натижада, ижтимоий муносабатлар ва кадриятлар тизими бойиб, такомиллашди. Меҳнат жамиятни ахлоқийлик, ўз муҳитини ва табиатини гўзаллик асосида қайта яратиш омилига айланди.

Ақсарият кадриятлар негизида меҳнат ётади. Эзгулик, адолат, виждон, ҳалоллик, инсонпарварлик, гўзаллик каби маънавиятнинг тамал тошини ташкил этувчи кадриятлардан бирортаси меҳнат жараёнидан, одамларнинг ўзаро муносабатлар ўрнатиб, бир-бирини қўллаб-қувватлаб, биргаликда меҳнат қилишидан ташқарида вужудга келмаган. Гедонизм ва эвдемонизм инсоннинг яшашдан мақсади, деб билган бахт ва ҳузур-ҳаловат (лаззат)га ҳам меҳнат туфайли эришилади. «Бахт ҳавода эсмайди, меҳнатдан келади». Рудакийнинг ушбу сўзлари катта бир ҳақиқатни ифодалайди.

Меҳнатнинг инсон камолотига таъсири ижтимоий шарт-шароитга бевосита боғлиқ. Агар меҳнатнинг ўзи эркин бўлса, яъни меҳнат қилувчи инсон бировга ижтимоий жиҳатдан қарам бўлмасдан, ўз меҳнати натижалари (яратган маҳсулотлари)га эгалик қилса, меҳнатнинг инсон камолотига таъсири кучаяди. Агар инсон бировга қарам бўлиб қолса, ўзи яратган маҳсулотларга эгалик қилолмайди, ундан бегоналашади. Бегоналашуш инсон кадр-кимматини пастга уриб, маънавиятини издан чиқаради, шахсини емиради. Бундай шароитда ахлоқий, ижтимоий-иктисодий, сиёсий зиддиятлар пайдо бўлади. Улар оқилона ечиб борилмаса, турли салбий оқибатларга олиб келади. *Homo homini lupus est* – одам одамга бўридир – деган нақл қулдорлик ва зўравонлик (жиноятчилик) авж олган Қадимги Римда пайдо бўлган. Алоҳида фуқаролар, одамлар ўртасидаги зиддиятлардан ташқари турли синфлар ўртасидаги зиддиятлар жамиятни ларзага солиб турган, турли кўзғалонларга сабаб бўлган. Юкорида зикр этилган Қадимги Римда Спартак бошчилигидаги қуллар кўзғалонини, дунёнинг бошқа мамлакатларида қадимда ва ўрта асрларда содир бўлган кўплаб кўзғалонларни, янги даврдаги революцияларни эслаш мумкин. Уларнинг бош сабаби – бегоналашув, ашаддий эксплуатация, яъни меҳнатнинг эркин эмаслигидир. Қул ясаган буюм, етиштирган ҳосил қулдорники. Қул ўз меҳнат натижаларидан тўлиқ бегоналаштирилган. Ижтимоий қарамликнинг ва бегоналашушнинг қулдорликдан ташқари бошқа шакллари ҳам бор. Феодализм, капитализм жамиятларида, кейинги даврларда, ҳозирги постиндустриал жамиятда ҳам хусусий мулкчилик шароитида меҳнат натижасидан бегоналашуш у ёки бу даражасида сақлаб қолинган. Инсоннинг ўзига ўхшаган инсон ёки давлат томонидан эксплуатация қилиниши ижтимоий қарамликнинг, меҳнат эркин эмаслигининг оқибатидир.

Капитализм ва социализм шароитида инсон юридик жиҳатдан эркин, ҳеч кимга қарам эмас, қонун олдида формал жиҳатдан ҳамма тенг. Аммо кўпчилик одамларда эркин яшаш учун иктисодий манба йўқ. Улар хусусий ёки давлат корхонасида ишлашга мажбур. Унинг малакаси, интеллектуал ва жисмоний кучи, меҳнати товарга

айланган. Бу товарга у ҳақ олади. Меҳнатга адолатли ёки адолатсиз ҳақ тўланиши инсон ва жамият маънавиятига кучли таъсир кўрсатади.

Қайд этиш лозимки, меҳнатга адолатли ҳақ тўлаш, эксплуатацияга барҳам бериш, инсонни ва меҳнатни қарамликдан озод қилиш учун жамиятнинг ўзи эркин ва адолатли бўлиши лозим. Буни ўтмиш мутафаккирлари чуқур англаганлар. Меҳнат эркинлиги ва эркин жамият, меҳнатга ҳақ тўлашнинг адолатлилиги ва адолатли жамият диалектик бирликни ташкил этади. Эркин меҳнат ижтимоий меъёрлар ва муносабатлар адолатли бўлишига замин яратади, ўзи ижодкорлик асосида ривожланиб, ижтимоий тараққиётга ҳам йўл очади. Адолатли ижтимоий меъёрлар ва муносабатлар меҳнат эркинлигига, ижодий ривожланишга, меҳнат бозорида соғлом рақобат ўрнатилишига шарт-шароит яратади. Маҳаллийчилик, коррупция, таниш-билишчилик меҳнат бозоридаги соғлом рақобатга путур етказади, меҳнат тарбиясини издан чиқаради. Чунки тиришқоқлик билан ўқиб-ўрганишдан, малакасини ошириб боришдан фойда йўқ, тепага пора берган ёки таниши бўлган ўртамиёна кишини бошлиқ қилиб кўяверадилар. Эркинлик ва адолатнинг мезонлари нималардан иборат, унга қандай эришилади, деган саволга ўтмиш мутафаккирлари турлича жавоб берганлар. Адолатли жамият тўғрисида батафсил фикрларни биз антик давр файласуфлари, хусусан, Афлотун асарларидаёқ учратамиз. Буддавийлик, христиан, ислом динларида ижтимоий адолат ва тенглик масалаларига жиддий эътибор қаратилган. Томас Мор, Жузеппе Кампанелла каби мутафаккирлар адолатли жамият (давлат)нинг утопик моделларини яратганлар. Улардан аввал антик анъаналарни ривожлантириб буюк ватандошимиз Абу Наср Форобий ўзининг машхур «Фозил шаҳар кишилари» асарини ёзган. Ижтимоий қарамликни йўқ қилиш, одамларнинг тенглигини таъминлаш ғояси Европа маърифатпарварлари, социалист-утопистлари қарашларининг ҳамда турли социалистик таълимотлар (Луи Блан, П.Ж.Прудон ва бошқа анархистлар, К.Маркс, Ф.Энгельс, социал-демократлар)нинг мазмунини ташкил этган. Улар қарашларини умумлаштириб, бир жумлада ифодаласа, қуйидаги хулоса келиб чиқади:

фақат эркин меҳнат адолат ва тенгликни таъминлайди, инсон камолоти учун кенг йўл очади.

Лекин ижтимоий адолатга ва одамларнинг тенглигига, меҳнатнинг эркинлигига эришиш йўллари улар турлича талқин қилганлар. Маърифатпарварлар табақавий имтиёзларни бекор қилиб, қонун олдида жамиятнинг барча аъзолари тенглигини таъминлаш озодликка, тенглик ва биродарликка олиб келади, деб ҳисоблаганлар. Тарих маърифатпарварлар ғоялари амалга ошганда ҳам ҳақиқий адолат ва тенглик қарор топмаслигини, одамлар ўртасида биродарлик эмас, балки ашаддий рақобат юзага келишини кўрсатди. Ғарб мамлакатларида табақавий имтиёзлар аллақачон бекор қилинган, одамларнинг қонун олдида тенглиги, жамиятда қонун устуворлиги асосан жорий этилган. Булар иқтисодиёт ва демократия ривожланишига анча ёрдам берса-да, ижтимоий адолат ва эркинлик муаммоларини тўла ҳал қила олмади. Инсоннинг ишлаб чиқариш конвейери, юксак технологик механизмларнинг бир қисмига айланиб қолиш хавфини туғдирди. Барча кўринишлардаги социалистик таълимотлар эса ноҳаётий, утопик бўлиб чиқди. Ҳатто революцион зўронлик билан катта қон тўкишлар, мислсиз қурбонлар ва қийинчиликлар эвазига СССРда ва айрим давлатларда қурилган социалистик жамият, оқибатда, ноҳаётийлигини кўрсатди, ижтимоий адолат ва инсон эркинлигини таъминлай олмасдан, емирилди. Дастлаб, ҳали социализм камчиликлари тўла юзага чиқмаган пайтда, унинг меҳнатга ғоявий рағбати жуда юқори эди. Одамлар ўзимиз учун, ўз давлатимиз ва келажагимиз учун ишляпмиз, деб каттиқ ишонар эди. Стахановчилар ҳаракати, социализмнинг буюк қурилишларидаги меҳнат жасорати ўйлаб топилган гаплар эмас. Улар ҳақиқатан бор эди. Лекин ўз меҳнати натижасидан беғоналашиши, тақсимотдаги текисчилик, ашаддий давлат эксплуатацияси аста-секин одамларнинг меҳнатга муносабатини издан чиқарди. Соҳталиқ, технологияларга амал қилмасдан сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқариш, кўшиб ёзишлар, технологияларни янгилашга интилмалик ва бошқа иллатларни туғдирди. Меҳнат тарбиясининг издан чиқиши бутун

маънавиятга, бутун тарбия тизимига салбий таъсир кўрсатди.

Социалистик ғояларда ифода топган шиор, мақсадлар кўп ҳолларда мағзи пуч, соглом ниҳол бермайдиган данакка ўхшар эди. Тан олиш лозимки, социалистик таълимотларда, айниқса, марксизмда хатоликлар билан бир қаторда баъзи бир ҳақиқий инсонпарвар ғоялар бор. Бу ғоялар ўз давридаги жамият танқид қилинганда, унинг камчиликлари ва иллатлари сабаблари фош этилганда, муҳолифлар билан баҳс юритилганда билдирилган. Масалан, Маркс ижтимоий бегоналашиш ва капиталистик эксплуатациянинг ўзаро боғлиқлигини, бу ҳодисалар моҳиятини жуда теран аниқлаган. Аммо ишлаб чиқариш воситаларини умумийлаштириш, уларга нисбатан турли жамоавий (коллектив) ва давлат (муниципал ва ш.к.) шакллари жорий қилиш, бегоналашишни ва эксплуатацияни бартараф этади, деб ҳисоблаган. Лекин мулкни умумлаштиришда ва бошқарувни демократлаштиришда, социалистик мулкчиликдан фойдаланишда, жамиятни режалари ривожлантиришда жамият ва давлат родини тўғри аниқлай олмаган. Прудон, Бакунин, Блан ва ҳар хил социалистлар таълимотлари ҳам Марксни қаноатлантирмаган. Улар билан қизгин баҳс, ғоявий кураш олиб борган. Маркс жамият қандай бўлмаслиги кераклигини чуқур англаган ҳолда, қандай бўлиши лозимлигига жавоб тополмаган, баъзи чалкаш ва хато фаразлар қилган. Унинг издошлари (Ленин, Сталин ва бошқалар) мулкни давлатлаштириш, жамият ҳаётини тўлиқ давлат томонидан назорат қилишни ёқлаган ва амалга оширган. Бу бегоналашишни ва эксплуатацияни бартараф этади, деб ҳисобланган. Аммо амалда бундай бўлиб чиқмади: мулкни ва бошқарувни тўлиқ давлатлаштириш меҳнаткашларни нафақат улардан бегоналаштирди, шунингдек, буржуазия томонидан эксплуатация қилинишини давлат эксплуатацияси билан алмаштирди. Давлат мужассамлашган эксплуататорга айланди.

Давлатлаштириш ҳақиқий эркинликка олиб келмаслиги тўғрисида айрим назариячилар аввалдан огоҳлантирган эди. Анархистик таълимот асосчиси П.Ж.Прудон шулар жумласидандир. Ундан бир неча иқтибос келтирамиз: «давлатнинг родини чеклаш – бу озодлик учун ҳаёт,



ё мамот ишидир, жамоа озодлиги учун ҳам, индивид озодлиги учун ҳам...» Давлат корхоналарида «меҳнат регламентлаштирилади ва давлат капитализми сиёсати ёрдамида узил-кесил қарамга айлантирилади... Биз фақат занжирларимизни алмаштирамиз, социал ғоя бир одим ҳам олға силжмайди: биз ҳозиргидек золим кучнинг чангалига тушиб қоламиз, иқтисодий фатализмни айтмаса ҳам бўлади»<sup>1</sup>. Прудон башорати Сталин давридаги СССРдаги аҳволга қуйиб қўйгандек мос келади.

Ленин ва Сталин пролетариат диктатураси ҳар қандай буржуа демократиясидан устун, чунки халқнинг, омманинг эксплуататор озчилик (буржуазия) устидан ҳукумронлигидир, яъни ҳақиқий халқ ҳокимиятидир, деб уқтирганлар. Прудон XIX асрнинг ўрталарида, ҳали Ленин ва Сталин туғилмасдан аввал қуйидагиларни айтиб кетган: «...ёппа демократия гўёки омма диктатурасига таянадигандай туюлади, аммо унда умумий кулликни таъминлаш учун зарур эски абсолютизмдан мерос қолган тамойилларга асосланган қуйидаги тамойиллардан ташкил топган ҳокимиятдан ортиқ ҳокимиятга омма эга бўлолмайди: давлат ҳокимиятининг бўлинмаслиги, ҳамма соҳани камрайдиган марказлаштириш, ҳар қандай индивидуал, корпоратив ва ҳудудий фикрни (бузғунчи ҳисоблаб) йўқ қилиш, инквизиторча полиция»<sup>2</sup>. СССРдаги давлат тузуми айнан Прудон башоратига мос келган эди. Прудондан кейин яшаган П.Кропоткин, швейцариялик Я.Буркхардлар башорати янада ҳайратлироқдир.

Аммо анахаристлар таълимоти бирёклама ва утопик эди. Улар жамият тарақиётида давлат ролини жуда паст баҳолар, баъзан тўлиқ инкор қилар, уни фақат зўравонлик машинаси, деб биларди. Иқтисодда улар коллектив мулкчиликка ёки майда мулкчиликка (ҳунармандчиликка) асосланган жамият тарафдори эди. Тарихий ривожланиш кўрсатдики, давлат ёки йирик корхоналар буюртмасисиз ва инвестицияларисиз технологиялар паст даражада қолиб кетади, ривожланмайди. Давлат технологик

---

<sup>1</sup> Иқтибос «Э.Фромм. Здоровое общество. – М.: АКТ, 2006. С. 333–335» бўйича берилмоқда.

<sup>2</sup> *Ўша манба.* 182-б.

тараққиёт талабларини ҳисобга олиб, умумий ва махсус таълимни йўлга қўяди, мутахассис кадрлар тайёрлашни ташкил этади ва мувофиқлаштиради. У иқтисодий, пул-кредит масалаларини тартибга солувчи қонунлар қабул қилади ва тегишли сиёсат юритади. Буларни анархистлар яхши тушунмаган, улар давлат тузилмасида фақат синфий эксплуатацияга хизмат қилувчи зўравонлик машинасини кўрган, холос.

Коллектив мулкчиликни барча соҳага, жумладан, саноатга жорий қилиб, бозор муносабатларини ривожлантиришга уриниш, ҳатто, давлат институтини тўла сақлаб қолган собиқ Югославияда иқтисодий самара бермади. Шу билан бир қаторда анархистик қарашларда баъзи бир рационал унсурлар бор эди. Фақат шуни қўшимча қилиш жоизки, Ленин сўнгги кунларини яшаётган Кропоткин билан 1921 йил бошларида суҳбатлашгандан кейин НЭП (янги иқтисодий сиёсат)ни жорий қилган, «социализм тўғрисидаги илгариги қарашларимизни тубдан қайта кўриб чиқиш лозим», «социализм – цивилизациялашган кооператорлар жамиятидир» дея эълон қилган эди. Орадан кўп ўтмай Лениннинг ўзи ҳам тўшаққа ётиб қолади. Унинг социализм тўғрисидаги сўнгги фикрларини Сталин ва бошқа сафдошлари инobatга олмади...

Меҳнатни эркин меҳнатга, инсон ривожланишининг янада кучли омилига айлантириш масаласи бутун XX аср давомида олимларни ўйлантириб келди. Бу борада билдирилган барча фикрлар, олга сурилган гоёларни таҳлил этишнинг имкони йўқ. Уларни умумлаштириб айтадиган бўлсак, инсон ўз меҳнати натижаларидан бегоналаштирилмаслиги, иш берувчи ва ишга ёлловчи ўртасида ижтимоий шериклик ўрнатилиши, ҳалол ва сифатли меҳнат муносиб тақдирланиши лозим.

Меҳнат тарбияси совет даврида бирёқлама тушунилар эди. Мактабларда меҳнат дарсларида болалар нималарнидир – ўйинчоқлар, оддий буюмлар ясашга, катта синфларда дурадгорлик, қурувчилик, слесарлик касблари унсурларини эгаллашга ўргатилар, устахонаси йўқ қишлоқ мактабларда кўпинча катта синф ўқувчилари қишда тракторни ўрганиш, баҳорда мактаб ҳовлисини тозалаш, ерни ағдариб бирон нарса экиш билан банд эди.

Улар турли-туман хашарларга, кишлок хўжалиги ишларида ёрдам беришга – гўза яганасига, пахта теримига ва ҳ.к. – жалб этилар, болалар меҳнати эксплуатация қилинар эди. Меҳнат тарбияси текин ишлашга ёки колок жисмоний меҳнатни ўрганишга мажбурлаш сифатида ота-оналар ва болаларни бездириб кўйган эди. Ўқувчилар ўз норозилигини меҳнатдан турли йўллар билан бўйин товлаш, ёки топшириқни сифатсиз, чала бажариш орқали ифодалар эди. Бошқача айтганда, болада меҳнатга кўпроқ салбий муносабат шаклланар эди. Ушбу ҳолат бир неча авлод ҳаётида давом этди ва одамлар онгида ўта салбий из қолдирди. Меҳнат фақат жисмоний ишдан эмас, шунингдек, ақлий меҳнатдан ҳам иборат эканлиги, инсондаги яратувчанлик салоҳиятини ўйғотиш, кўчайтириш лозимлиги унутилган эди. Биз ҳалигача совет даврида меҳнатга ва меҳнат тарбиясига нисбатан вужудга келган бирёклама, кўпинча салбий муносабат иллатларидан кутила олмаётимиз.

Ёшларнинг аксариятига яхши малакали мутахасис, тадбиркор, олим, санъаткор, ёзувчи, шоир бўлиш учун кўп ўқиш, эринмасдан янги ютуқларни ўрганиш, ўзлаштириш, ўз устида ишлаш кераклигини тушунтириш ҳеч қачон осон бўлмаган, бугунги кунда янада қийинлашди. Чунки кўнгил очиш, ҳордиқ чиқариш, ўқишда ва ишда зарур ахборотни кўп бош қотириб ўтирмасдан интернетдан топиш имконияти пайдо бўлди. Улар тинимсиз ортиб, ўсиб бораётир. Шу сабабдан меҳнат тарбияси олдида турган вазифалар ҳам қийинлашиб бормоқда.

Бўлажак ўқитувчи ёки ташкилот раҳбари, менежери, мутахассиси, ота-оналар – ҳамма-ҳамма, истаса-истама-са, у ёки бу даражада тарбия билан шуғулланади. Ҳеч бўлмаганда ёш авлодга, қўл остидаги ходимларга хатти-ҳаракати, фаолияти билан ижобий ёки салбий намунага айланади. Улар бир нарсани чуқур англаб олишлари лозим: меҳнатнинг ижтимоий моҳияти ва вазифалари универсалдир. Меҳнат орқали инсоннинг воқеликка, ҳаётга рационал ва фаол муносабати шаклланар экан, у етарлича рағбатлантирилиши, муҳофаза қилиниши, жамиятда меҳнатнинг нуфузи баланд бўлиши лозим.

Меҳнат инсонни хўрловчи, эксплуатация қилувчи восита эмас, уни улуғловчи, кадр-қимматини оширувчи, ҳаётини фаровон этувчи, ижодий имкониятларини юзага чиқарувчи омилга айланиши шарт. Инсон қаттиқ меҳнат қилиб зўрға кунини ўтказишга, рўзгорини тебратишга етадиган ҳақ олса ёки малакасиз иш билан шуғуллангани учун теварак-атрофдагилар унга беписанд қараса, инсонда ўз меҳнатига, касбига иштиёқ сусаяди, норозилик кучаяди. У жамиятдаги тартиб-қоидаларни, ижтимоий-иқтисодий муносабатларни, тақсимотни адолатсиз, деб ҳисоблайди. «Берганига яраша» қабилида қўл учида, номига ишлайди, топшириқни чала ва сифатсиз бажаради. Касбий маҳорат ва технологик жиҳатдан ўсиш нари турсин, ҳатто ўзидан аввалгилар эришган ютуқларни ҳам қўлламай қўяди, натижада, улар аста-секин унутилиб кетади.

Меҳнатга адолатли ҳақ тўланиши, етарли шарт-шароит яратилиши, инсонни ҳалол ва сифатли меҳнатига қараб кадрлаш, ҳурмат қилиш, нафақат ишлаб чиқариш технологиялари, ишчининг меҳнат унумдорлиги ўсишига, шунингдек, жамиятда ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг сақланишига, мустаҳкамланишига, оқибатда, ижтимоий тараққиётга хизмат қилади. Ижтимоий тараққиёт эса меҳнатнинг универсал вазифаларини янада яққолроқ юзага чиқаради.

Меҳнат тақсимоти, алмашув, технологиялар ривожланиши иқтисодий ва ижтимоий юксалишга, ишлаб чиқариш ва меҳнатнинг ихтисослашувига, кооперациялашувига, кўпукладли иқтисодиёт эса рақобатга, жумладан, ишчилар ўртасида ўзаро рақобатга, меҳнат бозори вужудга келишига кенг йўл очди. Бу, ўз навбатида, ижтимоий муносабатлар ва кадриятлар тизимининг такомиллашувига қўшимча туртки берди. Меҳнат бозори рақобати шароитида ўсиб улғайган киши касбига ва туғилган жойига, «ота-бобосининг мазорига» қаттиқ боғланмайди, турғун бўлмайди. У иш юзасидан турар жойини ва зарур бўлса, қайта ўқиб, касбини ўзгартириб юборишга тайёр. Иш, барқарор даромад, яшаш манбаи топилса, бас. Унинг феъл-атворида турғунлик, лоқайдлик, боқимандалик, бировдан саховат ва марҳамат кутиш ёт. У ўзига, ўз кучига

таянишга ўрганади. Жамият унга иш топишда, янги касб ўрганишда ёрдам беради.

Бизда эса ўтмишдан ва социализмдан қолган иллатлар – давлат ва жамиятга боқимандалик, бифарқлик, ташаббуснинг йўқлиги, фақат талаб қилиш, шикоят ёзиш, «ўзга юртда шоҳ бўлгандан, ўз юртингда гадо бўл» қабилидаги турғунлик ва маҳаллийчилик тўлиқ бартараф этилгани йўқ.

Биз халқимизни, айниқса, ёшларни меҳнат бозори рақобати шароитида яшашга, фаолият юритишга ўргатишимиз керак. Баъзи ёшлар ўз касб сирларини пухта ўзлаштириш, яхши билим олиш зарурлигини, келажакда меҳнат бозорида унга пухта малака керак бўлишини тушуниб етмаётирлар. Улар йўлини қилиб диплом олсам, бас, бу ёғини таниш-билиш ёрдамида эплаб кетаман, деб хато ўйлайдилар. Ривожланган бозор муносабатлари, ҳақиқий рақобат қарор топганидан кейин, хориж тажрибаси гувоҳлик берадики, ҳатто ота ноқобил ўғлига корхонасини қолдирмайди: «мен мисқоллаб, пешона терим билан йиққан маблағимни, қўлим билан қурган корхонамни касодга учратасан», деб, корхонани бошқаришни бола-сига эмас, корхонага фойдаси тегадиган жиянига, яқин қариндошига ёки тегишли бошқарувчи компанияларга топширади, оиласи, меросхўрлари эса мулкдор сифатида фойдадан ўз улушини олаверади.

Меҳнат тарбиясида таълимнинг барча бўғинларида бозорнинг шафқатсиз рақобати ҳисобга олинishi, ўқишга, касб ўрганишга, малакали мутахассисликни ўзлаштиришга халқимизда ва раҳбарларда муносабат тубдан ўзгартирилиши лозим. Меҳнат тарбияси ахлоққа, инсонпарварликка зид келмайдиган ҳар қандай касб, ҳар қандай иш жамиятга керакли эканлигини, ўз ишини ҳалол бажарадиган киши юртдошларига, мамлакатига катта хизмат кўрсатаётганини ёшлар онгига сингдириши керак.

Ҳақиқий ватанпарварлик танлаган касби, банд бўлган соҳасида ҳалол ва унумли меҳнат қилишдир. Ўқитувчи ўқувчиларга яхши билим ва тарбия берса, ватанпарварлик бурчини бажарган ҳисобланади. Худди шундай, ҳар бир ишчи, мутахассис, бошқарувчи, раҳбар ва ҳ.к. ўз ишини виждонан, ҳалол бажарса, ватани бойлигига бой-

лик кўшиб ватанпарварликни намоён этади. Совет дав-ридагидай ватанпарварликни фақат ватан учун кўксини қалқон қилиш, жонини фидо этишга тайёр бўлиш, деб тор тушунмаслик керак. Юрт устига ҳар куни ёв бости-риб келаётгани йўқ. Лекин одамлар, мамлакат ҳар куни яшайди, истеъмол қилади, унинг турли харажатлари бор. Ҳар куни инсондан, фуқародан талаб қилинадиган ватан-парварлик – бу ҳалол ва унумли меҳнат қилиб, ватанни бойитишдир.

Меҳнат тарбияси, маънавий тарбиянинг бошқа йўна-лишлари ва шакллари каби, инсон табиатини мустах-камлайди: ижтимоийлашув даражасини, онги, тафак-курини ўстиради, яратувчилигини юзага чиқаради, эҳтиёжларини юксалтиради. Ижтимоий ишлаб чиқариш-га фаол жалб қилинган киши кўплаб ҳамкасблари билан мулоқотга, алоқага киришади, улар билан бир жамоани ташкил этади. Ўзаро мулоқот ва алоқа жараёнида бошқа-лар фикри, хоҳиши, иродаси билан ҳисоблашишни, май-да шахсий манфаатлардан умумий манфаатларни устун кўйишни, уларни уйғунлаштиришни ўрганади. Жамоа алоҳида шахснинг худбин, гаразли инжиқликларини кў-тармайди. Ўзаро мулоқотда у самимийликни, ҳалолликни, муросағўйликни талаб қилади. Инсон шаклланиши ва ҳаёт кечиришида дастлаб оила, кейинчалик меҳнат жа-моаси асосий роль ўйнайди. Мактаб, ўқув юрти, инс-титут инсон ҳаётида фақат муайян давр – 16–17 йил давомида катта ўрин тутаяди. Инсоннинг жамият билан алоқаларининг катта қисми (35–40 йил) меҳнат жамоаси орқали амалга ошади.

Меҳнат тарбиясининг конкрет шакллари, усуллари, услублари кўп. Уларни турли ижтимоий-гуманитар ва пе-дагогик-психологик ҳамда инженер-техник таълимнинг педагогик йўналишлари ўрганади. Биз меҳнат тарбияси-нинг асосий ижтимоий-фалсафий ва маънавий омиллари тўғрисида қисқача тўхталамиз. Биринчидан, юқорида таъкидланганидек, ҳалол ва самарали меҳнат жамият томонидан маънавий ва моддий рағбатлантирилиши ло-зим. Инсон меҳнатининг ҳажми ва сифатига яраша ҳақ олиши, тўланадиган ҳақ унинг нормал ҳаёт кечириши ва ривожланиши учун етарли бўлиши шарт. Инсон меҳнатга

етарлича ҳақ олса, рўзғори бут, бола чақасига керакли таълим-тарбия бериш, қобилиятларини ўстириш имкониятларига эга бўлади. Қашшоқ, оч-яланғоч оила болаларини мактабдан ташқари таълимга, турли тўғарақларга, санъат мактабларига ва ҳ.к. кўя олмайди. Ҳатто жамият бепул мактаб таълимини жорий қилганда ҳам, қашшоқ оила фарзандлари юқори синфларни кўпинча тугатмайди, ота-онасига ёрдам беришга мажбур бўлади. Бу – *биринчидан*.

*Иккинчидан*, ички бозорда талаб ўсиши аҳолининг харид қобилиятига, яъни одамларнинг ойлик маоши, даромадига боғлиқ. Бозорда талаб ўсмаса, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ўсмайди, бинобарин, технологиялар ривожланишига талаб сусаяди. Демак, меҳнатни муносиб тақдирлаш ижтимоий адолатни, жамиятда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш баробарида маданият, инсон омили ҳар томонлама ривожланишига, ишлаб чиқариш ўсиши ва технологиялар такомиллашишига улкан ижобий таъсир кўрсатади. Меҳнатни муносиб тақдирламайдиган жамият ўз илдизларининг бир қисмини қирқади: одамларда норозилик кайфияти тўпланиб бораверади, охир-оқибат, ижтимоий ларзаларга олиб келади; ёш авлод етарли даражада таълим-тарбия ололмайди; ички бозорда талаб ўсмайди, фан-техника ва технологияларга қизиқиш ишлаб чиқариш субъектлари ва алоҳида мутахассисларда пасаяди.

Социализм даврида ҳақ тўлаш меъёрлари қилинган меҳнатга яраша бўлмагани, кўпинча текислик тамойилига амал қилингани совет иқтисодиётини издан чиқарган эди. Совет раҳбарлари меҳнатга яраша ҳақ тўлаш лозимлигини, пролетариат дохийлари социализмнинг тақсимот принципи – «ҳар кимдан имкониятига қараб, ҳар кимга меҳнатига яраша», – деб белгиланганини яхши билардилар. Аммо бу тамойилни тўлиқ амалга ошира олмадилар. Моддий рағбатни маънавий рағбат ҳисобига қоплашга бўлган уринишлар қисқа муддат одамларни жалб қилсада, қутилган натижани бермади. Стахановчилар ва шунга ўхшаш ҳаракатлар, илғорларни тантанали байрамларда, йиғилишларда қутлаш, депутатликка сайлаш, давлатнинг орден-медаллари билан мукофотлаш ва ш.к. ижтимо-

ий-сиёсий ва маънавий тадбирлар коммунистик партия ва совет давлати томонидан доимо қўлланилган. Лекин кўксингга орден, медаль таққанинг билан рўзгоринг бут бўлиб қолмайди. Оддий меҳнаткашнинг турли даражадаги депутатлиги кўзбўямачиликдан бошқа нарса эмас эди. Йилига икки марта сессияларда бўлиб, аввалдан тайёрланган қарорларни қўл кўтариб тасдиқлаб келарди, холос. Депутат сўзга чиқиши мумкин эди, лекин уни кимдир ё тайёрлаб берарди, ё назорат учун кўриб чиқарди. Меҳнаткашларнинг асосий оммаси эса ҳамма нарсадан четда қолаверди. Хулоса қилиш мумкинки, иқтисодий, молиявий жиҳатдан таъминланмаган маънавий рағбат кутилган самарани бермайди, ҳатто ўзини ўзи обрўсизлантиради. Совет даврининг сўнгги йилларида айнан шундай бўлди: орден, медаль, айниқса, фахрий ёрлик, мақтов қоғози олганлар устидан ҳамкасблари кулар, баъзан масҳара қилишгача боришар эди.

Моддий ва маънавий рағбат фақат биргаликда самара беради. Моддий рағбат мукофот пули эмас, балки, биринчи навбатда, меҳнатга тўланадиган муносиб ҳақ, ҳалол топилган яхши даромаддир. Маънавий рағбат ҳам бир парча мақтов қоғози эмас, биринчи галда ҳамкасблари, жамоатчилик ҳурмати, иззатидир. Ўтмишда, социализмгача бирорта косиб, хунарманд, деҳқон орден-медаль олмаган, аммо ҳамма унга «уста», «устоз» деб мурожаат этган. «Кўли гул»деб алқаган. Унинг жамиятдаги мартабаси, мавқеи, одамлар ўртасидаги ҳурмат-иззати ҳалол ва моҳирона меҳнати билан белгиланган. Иккинчидан, инсон қанча яхши ишласа, шунча тўқ ва яхши яшашини, одамлар ўртасида иззат-эътибори шунча баланд бўлишини, кексалиги яхши таъминланишини жамият кафолатлаши, жамиятдаги муҳит ва қонун-қоида бунга имкон бериши керак.

Бир неча авлод ҳаёти давомида меҳнат қадри, аввал айтилганидек, юқори бўлиб, одамлар бунга амалда ишонч ҳосил қилса, меҳнатга, меҳнат тарбиясига муносабат тубдан ўзгаради. Шунда бирор бошлиқ ишчи ёки мутахассисга нисбатан ноҳолислик қилганида ҳам, сабабни у жамиятнинг ноҳақлигида, адолатсизлигида эмас, бошлиқнинг ноҳолислигида кўради. Адолат учун каттарок



бошлиқларга, касаба уюшмасига ёки судга мурожаат этади. Меҳнатдан қўли совумайди. Чунки жамият ва давлат унинг ҳақ-хуқуқларини меҳнат кодексида кафолатлаган, уларни юзага чиқариш учун тегишли меҳанизм яратган. Меҳнат шартномаси, меҳнатга ҳақ тўлашнинг давлат белгилаган минимал ставкаси (одатда, малакасиз жисмоний меҳнат учун), мулкдор ва ёлланма ишчи ходимлар (касаба уюшмаси) ўртасидаги жамоавий шартнома мазкур меҳанизмнинг унсурлари ҳисобланади. Меҳнат шартномаси ва жамоавий шартномада келишилган фойдани адолатли тақсимлаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, кенгайтириш ёки конъюнктура ёмонлашганда, инкирозлар юз берганда қисқартириш, диверсификация қилиш, корхона акцияларининг бир қисмини ишчи-ходимларга сотиш ва шу каби бошқа масалалар қаторида белгилаб олинади. Бу билан қисман ишчи-ходимларнинг мулкдан ва корхонани бошқаришдан бегоналашгани камайтиради.

*Учинчидан*, инсон ҳалол ва тиришқоқ меҳнати, малакаси ошиши эвазига хизмат поғоналари бўйлаб ўсиши ёки вакансия бўлмаган тақдирда, юқори поғона ходими маошини олишга реал имконият яратилиши зарур. Шунда ходим ўз устида ишлайди, изланади, рационализаторлик ва ихтирочилик тақлифларини тайёрлайди. Лавозим қачон бўшар экан, деб кутиб ўтирмайди. Ёки лавозим тезроқ бўшаши учун уни эгаллаб турган ҳамкасби устидан «юмалоқ» хат ёзмайди. Жамоада ҳасад, бир-бирини алдаш, «тушуриш» камайди. Дарвоқе, рационализаторлик ва ихтирочилик билан шуғулланадиган ишчи-ходимлар кўпчилик илгор мамлакатларда, тақлифининг натижасидан қатъи назар, алоҳида рағбатлантирилади. Агар бирор тақлиф ишлаб чиқаришга жорий этилиб, кўшимча даромад келтирса, ундан муаллиф тегишли улуш олади; чунки киритилаётган тақлиф рационализаторнинг (ихтирочининг) интеллектуал мулки ҳисобланади, ундан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш лозим.

*Тўртинчидан*, шахс ташаббуси ва манфаатларига жамият тўғри муносабатда бўлиши, улар жамоа манфаатлари йўлида қурбон қилинмаслиги лозим. Шарқда суғориладиган деҳқончиликка асосланган қишлоқ ҳаёти, барқарор яримёпиқ табақага айланган шаҳарлик хунар-

мандлар турмуш тарзи жамоа манфаатларини шахс манфаатларидан устун қўйишга азалдан зарурат туғдирган. Бу зарурат ўша давр ишлаб чиқариш имкониятларига мос бўлган. Лекин қарор топган жамоавийлик ўзаро ёрдам каби ижобий меъёрлар қаторида шахснинг индивидуал кизиқишлари ва натижаларига нисбатан беписандлик, шахсий манфаатларни инкор этиш каби салбий меъёрлар вужудга келишига ҳам сабаб бўлган.

Ғарб мамлакатларида биз иккинчи қарама-қарши кескинликнинг гувоҳи бўламиз: жамоавийликка нисбатан беписандлик, индивидуализмни ортикча баҳолаш, мутлақлаштириш. Бу одамларнинг ўзаро бегоналашишини, улар ўртасидаги рақобатни кучайтирди. Айтилганлардан хулоса қилиш мумкинки, шахс, жамоа ва жамият манфаатларини уйғунлаштириш, индивидуализмни жамоавийликка, жамоавийликни индивидуализмга қурбон қилмасдан, уларни мутаносиб равожлантириш меҳнат тарбияси олдида турган асосий вазифалардан бири, инсон тарбиясини янги сифат поғонасига кўтарувчи, самардорлигини оширувчи ижтимоий омилдир.

*Бешинчидан*, меҳнат тарбиясига баракали таъсир кўрсатадиган яна бир омил – инсоннинг меҳнат ҳуқуқи ва интеллектуал мулкнинг давлат томонидан қатъий ҳимоя қилинишидир. Меҳнат қилиш ҳуқуқи яшаш ҳуқуқи каби инсоннинг фундаментал табиий ҳуқуқидир. Жамият уни таъминлаши ва кафолатлаши орқали инсоннинг бировга қарам эмас, балки мустақил бўлишини рағбатлантиради. Ижтимоий адолатни юзага чиқаришда меҳнат қилиш ҳуқуқининг таъминланиши катта аҳамият касб этади. Шу боис инсоннинг ушбу ҳуқуқи ва ақлий меҳнати маҳсулотлари – илмий, бадий гоялар, ихтиролар, ечимлар ва ҳ.к.ларни ҳимоя қилиш жамият аъзоларида меҳнатга нисбатан ижобий муносабатни тарбиялайди ва одамларнинг профессионал жиҳатдан такомиллашувига хизмат қилади.

*Олтинчидан*, жамият инсонга касбий-малакавий жиҳатдан ўсиш учун барча қулайликларни яратиши лозим. Инсоннинг ўз касбий маҳоратини оширишга, жаҳондаги илғор ютуқларни, технологияларни ўрганишга, янгиликларни излашга интилиши, агар тегишли шарт-шароит

бўлмаса, кутилган самарани бермайди. Аввало, инсон касбий-малакавий ўсиши учун ўз соҳасига оид янгиликлардан, ютуқлардан хабардор бўлиши керак. Жамият тегишли ахборот таъминотини йўлга қўйиши лозим. Бу интернет тармоғининг яқин келажакда она тилида яхши ишлаши ва ахборотлар базасининг кескин кенгайиши лозимлигини, тегишли илмий ва технологик янгиликларни ёритувчи махсус журналлар, рефератив ахборот нашрлари бўлишини тақозо этади.

Биринчи галда эса турли малака ошириш курслари, ўқувлари, амалий семинарлар, стажёрлик ёки илғор корхоналарга қисқа муддатли амалий сафарлар ва ш.к. институтлар самарали фаолият кўрсатишини йўлга қўйиш лозим. Малака ошириш меҳнат тарбиясининг муҳим шаклларида биридир. Келажакни ўйлайдиган корхона, компания, давлат илғор технологияларни ўзлаштириш, ишчи ва ходимларнинг малакасини муттасил ошириб бориш тўғрисида қайғурмаслиги мумкин эмас.

Меҳнат тарбияси билан боғлиқ яна бир ўта жиддий муаммо бор: замонавий технологиялар ва ишлаб чиқариш суръатлари жадаллиги, конвейер ортида ишчи-хизматчилар бажарадиган хатти-ҳаракатлар бир хиллиги туфайли уларнинг конвейернинг бир бўлагига айланиб қолиш хавфи ортиб бормоқда. Тўғри, конвейернинг катта қисмини автомат-роботлар эгаллаб, жараённинг ўзи компьютерлар ёрдамида бошқарилмоқда. Лекин ушбу ҳолат янги зиддиятларни туғдирмоқда. *Биринчидан*, инсон ишлаб чиқаришдан сиқиб чиқарилиб, ишсиз қолиш хавфи кучаймоқда.

*Иккинчидан*, ахборот технологиялари туфайли инсон яратувчи, ишлаб чиқариш, ижод қилиш жараёнининг субъекти сифатида ўз айниятини йўқотмоқда, у тобора ўзини компьютернинг бўлаги, компьютер дастурини таъминлашнинг воситаси, деб сезмоқда. Инсон ўзининг яратувчи сифатида мухторийлик ҳақ-ҳуқуқини, легитимлигини бой бераётир. Инсоннинг яратувчи сифатида легитимлиги ва айниятини йўқотаётгани ҳозирги замон цивилизацияси туғдирган энг хавфли муаммодир. Меҳнат тарбиясида бу хавфни минималлаштириш йўллари изланиши ва топилиши зарур. Бунинг учун, балки, меҳнат

тарбиясининг баъзи томонлари қайта кўриб чиқилар, баъзи янги жиҳатлар, усул ва билимлар билан бойитилар. Қандай бўлганда ҳам, мазкур муаммони келажақда четлаб ўтиш мумкин эмас.

## 29. АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ

Кишилик жамияти вужудга келиб дастлабки ривожланиш жараёнида одамлар муносабатини тартибга солувчи қонунлар ҳали бўлмаган. Бу вазифани ахлоқ бажарган. Ахлоқ инсон маънавиятининг хамиртурушидир десак, хато бўлмайди.

Ахлоқий тарбиянинг асосий мақсади ва вазифаси инсонда асл инсоний фазилатларни шакллантиришдир. Лекин бу анча мураккаб ва қийин иш. Чунки, бир томондан, ҳар қандай тарбия асосида билим ётади. Иккинчи томондан, билимлар ўз-ўзидан инсонни тарбияламайди. Улар туйғулар, ишонч, ихлос билан боғлансагина, инсоннинг ички эътиқодига, дунёқараши унсурига айланади. Айниқса, ахлоқий ва эстетик тарбияда ҳис-ҳаяжон, туйғулар дунёси – кўнгил қатта аҳамият касб этади. Инсон кенг билимли, ўз касбини яхши эгаллаган ташкилотчи ва ишчан, аммо айни пайтда худбин, ўз манфаатлари йўлида ҳеч нарсадан тоймайдиган, бағритош золим ҳам бўлиши мумкин. Инсонда инсонийлик биринчи навбатда ақл, касбий билим, маҳорат орқали эмас, кўнгил ва меҳр (ишқ) орқали тарбия топади. Бежиз халқ мақолида «Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин» дейилмайди. Лекин бундан ахлоқий тарбияда ақл иккинчи даражали экан, деган хулоса келиб чиқмайди. Гап бу ерда тарбия нимадан бошланиши ва унинг ҳиссий пойдевори устида кетяпти, холос. Инсоннинг ҳар қандай эътиқоди, жумладан, ахлоқий эътиқоди ақл орқали, ижобий билимлар орқали вужудга келади.

Ахлоқий тарбия, аввало, ахлоқий туйғуларни шакллантиришдан бошланади. Туйғу инсон онгининг воқеликни ҳис-ҳаяжон кўринишида акс эттириши, воқеага, предметга нисбатан инсоннинг бевосита ҳиссий реакциясидир. Қўшниларнинг боласи жанжал қилиб, бири иккинчисини дўппослабди, деган хабар сизда маълум туйғу уйғотади,

лекин тезда ўтиб кетади. Аммо калтак еган ва жанжал қилган сизнинг фарзандингиз бўлса, ҳис-ҳаёжонингиз узоқроқ давом этади. Айрим туйғулар мазмуни ва тузилмасига кўра оддий, айримлари эса мураккаб, ҳатто анча мураккаб бўлади. Масалан, ҳаё, ибo каби туйғулар оддий ахлоқий туйғулардир. Аммо виждон, диёнат, адолат, ватанпарварлик, эзгулик каби туйғулар анча мураккаб тузилишга ва мазмунга эга. Улар инсоннинг туйғуларинигина ифодалаб қолмасдан, балки бутун ахлоқ илмини ва жамият тажрибасини мужассам акс эттиради.

Ахлоқий туйғулар инсонга узоқроқ таъсир кўрсатса, ҳиссий кечинмаларга айланади. Ҳиссий кечинмалар инсон кўнглини тарбиялайди, теранлаштиради ва нозиклаштиради. Бошига ташвиш тушиб, кўп ҳис-ҳаёжонли ўйларни ҳаёлидан кечирган киши ҳаётни, унинг муаммоларини теранроқ, чуқуроқ тушунади. Агар ҳаёт кийинчиликлари уни эзиб, маънавий мажруҳга айлантириб қўймаган бўлса, у шундай муаммоларга дуч келган бошқа кишиларга яқиндан ҳамдардлик қилади, вазиятдан чиқиб олишда сўзи ёки иши билан ёрдам беради. Ахлоқий тарбия, биринчи галда, барча ижобий инсоний туйғуларни шакллантириши ва мустаҳкамлаши лозим

Ахлоқий туйғулар ва кечинмаларни англаб олиш, умумлаштириш асосида ахлоқий ғоялар, тушунчалар, баҳолар, меъёрлар, категориялар, ахлоқий қонунлар вужудга келади.

Инсоннинг энг муҳим белгиларидан бири яратувчиликдир. Инсон ақл-заковати, меҳнати орқали табиатни ўзгартиради, янгилайди, табиатда йўқ нарсаларни яратади. Ахлоқ инсонда яратувчиликни тарбиялайди. Инсонда инсоний фазилатларни, яратувчиликни рағбатлантирадиган ғоялар, кадриятлар эзгулик деб, аксинча, уни бузғунчиликка мойил этиб тарбияладиган ғоялар, усуллар ва ҳ.к. ёвузлик, деб аталади. Ахлоқ одамларни бир-биридан ажратадиган, узоқлаштирадиган, бир-бирига ишончини сўндирадиган ҳар қандай хатти-ҳаракатни чеклайди, қоралайди. Шу сабабдан ёвузлик, золимлик, зўравонлик, ўғирлик, қотиллик, талончилик, ёлгон, худбинлик ва кўплаб шу каби салбий феъл-атвор ахлоқий меъёрларда қораланди, тақиқланди. Ахлоқий меъёрларнинг ундовчи

ва чекловчи вазифалари оқибатда инсон ва жамият ривожига хизмат қилди. Бу нафақат оддий ахлоқий меъёрларга, шунингдек, мураккаб ахлоқий тушунчаларга, категориялар ва қонунларга ҳам тааллуқли.

Лекин унутмаслик керакки, ахлоқий меъёрлар қотиб қолган тушунчалар эмас. Улар жамият тараққиёти жараёнида, объектив шарт-шароитлар яхшиланиши, ишлаб чиқариш ва таъминот даражаси, моддий ва маънавий маданият юксалиши, инсон билимлари ортиб, онги, тафаккури ўзгариши жараёнида ривожланади. Ахлоқий меъёрлар мазмунан бойийди, шаклан такомиллашади, баъзи бир тақиқларидан воз кечади, баъзи бир янги тақиқларни жорий қилади. Масалан, хотин-қизлар эркинлиги, кийиниши, жамоат ишларида қатнашиши ва ш.к. билан боғлиқ кўплаб тақиқлар бугун бекор қилинган. Замонавий жамиятда оила, никоҳ масалаларида эркак ва аёлларнинг тенглиги нафақат ҳуқуқий – юридик жиҳатдан, шунингдек, ахлоқий қарашлар нуқтаи назаридан ҳам тубдан ижобий томонга бурилди. Айни пайтда, экологик масалаларда замонавий жамиятнинг ахлоқий қарашларида янги тақиқлар пайдо бўлди.

Ахлоқий тарбия одамларга одоб-ахлоқ қоидалари, меъёрлари, қадриятларини ўргатиш қаторида уларнинг такомиллашуви учун маънавий-руҳий шарт-шароит, зарур муҳит яратади. Чунки одамларнинг ахлоқий маданияти, ўзига ва бошқаларга нисбатан ахлоқий талаблари, баҳолаш даражаси ўсади.

Ахлоқ категорияларидан келиб чиқиб конкрет тарихий даврда жамиятда ҳукм сураётган талаблар, одатлар, урфлар, давлат юритаётган сиёсат баҳоланади. Ахлоқ категориялари ҳар бир давр меъёрлари, қоидалари маълум йўналишда ва доирада (чегарада) ривожланишини белгилайди. Аммо бу чегарани қатъий ва аниқ чизиб қўймайди. Эркин ва ижодий такомиллашиш учун имконият қолдиради. Бу ҳам инсоният ҳар бир авлодининг ахлоқий онги ва хулқи шаклланиши, такомиллашининг ўзига хос хусусиятидир. Кўпинча бизга ўзгалар тажрибаси, тавсияси камлик қилади. Кўпинча манглайимизни ғурра қилиб, ноҳушликни ўз бошимиздан ўтказ-

магунча, ҳаётдан аччик сабоқ олмагунча, тўғри хулоса чиқармаймиз.

Ахлоқий тарбия одамларнинг ўзаро муносабатини қаттиқ ўзгармас қолишга тиқиб қўймаслиги лозим. Шунда жамиятда маънавий эркинлик, ижодий изланиш, ижтимоий тажриба, ижтимоий расум-русумларни (модани) ўзгартириб туриш, хилма-хилликка интилиш қарор топади. Консерватизм аста-секин енгиб ўтилади. Айни пайтда радикализм (кескин ўзгариш) ҳам чекланади. Маълумки, инсон ёшлиқда радикал фикрлайди, жамиятни тубдан ўзгартиришга мойиллик билдиради. Кексалиқда инсон мавжуд муносабатлар, ота-боболардан қолган барқарор қоидалар ўзгармаслиги, тўлиғича сақланиб қолиши тарафдорига айланади. Кексалиқка консерватизм кўпроқ хос. Ёши кекса кишилардан «одамлар бузилиб кетди, меҳроқибат йўқолиб боряпти», «илгари ундай эди, ҳозир бундай» каби норозилик оҳангидаги сўзларни тез-тез эшитиш мумкин. Таъкидлаш жоизки, бундай сўзларни барча замоннинг барча кексалари гапирган. Илгари ҳатто жамиятнинг, одамларнинг «бузилиб кетаётгани» охирзамон яқинлашаётганининг белгиси сифатида талқин қилинган. Миср папирусларида, Месопотамия сопол тахтачаларида бундан 5 минг йил аввал юқоридаги мазмунда битилган ёзувлар топилган. Антик давр ва ўрта асрларда-ку бундай ёзувлар, китоблар анча кўп учрайди. Ахлоқий тарбия жамият замонга мослашиб, мўътадил ривожланишини, радикализмга ҳам, консерватизмга ҳам берилиб кетмаслигини ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Фалсафа, этика, маданиятшунослик фанлари тарихида ахлоқ категориялари турлича ёритилган. Уларнинг моҳияти, мазмуни, тузилмаси, манбаи ҳар хил тушунтирилган. Чунки улар инсон ҳаёти, дунёқараши, эътиқоди билан бевосита боғлиқ, шу боисдан анча чигал ва мураккаб. Табиийки, бу ахлоқий тарбия мазмун-моҳиятини, методологиясини тушунишни ҳам қийинлаштирган, зиддиятларни кўпайтирган. Ахлоқнинг ўзак категориялари – эзгулик ва ёвузлик мисолида буни очиб бериш мумкин.

«Авесто»да эзгулик ва ёвузлик оламнинг бошида, ибтидосида турган икки куч – Ахура Мазда ва Анхра Майнйў иродаси сифатида талқин қилинади, уларнинг

Ўзаро кураши баён этилади. Табиатнинг жониворлари, ўсимликлари, ғайритабиий (илоҳий) асотирий мавжудотлар – барча-барчаси иккига бўлиниб, Ахура Мазда ёки Анхра Майнӣў қўшинига киритилган. Масалан, асотирий девлар ёки табиатда реал мавжуд илонлар ёвузликка, турли илоҳлар (маъбудлар, фаришталар) ёки типратикан эзгуликка оид ҳисобланган. «Авесто» ўз вақтида тизимлаштирилган таълимотни, қарашларни акс эттирган инсоният тарихидаги биринчи китоб бўлган. Демак, инсониятнинг маънавий ўзлигини англаши эзгулик ва ёвузлик тушунчаларини таҳлил этиш ва баҳолашдан бошланган десак, хато қилмаймиз.

Инсоният эътиқод қиладиган ҳамма динларда эзгулик ва ёвузлик масаласи марказий ўрин эгаллайди. Эзгулик – савоб, инсонни жаннатга муяссар қилади. Ёвузлик – гуноҳ, увол, инсонни дўзах азобига мубтало этади. Дўзах ёки жаннат, қиёмат куни тушунчалари йўқ динларда эса, эзгулик ва ёвузлик инсоннинг янги ҳаёти, қайта туғилиб инсоннинг бирор бошқа мавжудот (ёки инсонга) ўтиши, инкарнациясига (бизда бу «танассух» атамаси билан ифодаланади) таъсир қилади.

Баъзи ёндашувларда эзгулик ва ёвузлик инсон эҳтиёжлари билан боғлаб тушунтирилади. Инсонга фойда келтирадиган, унинг турмушини, одамлар билан муносабатини яхшилайдиган, шахсни камол топдирадиган, ўзини бахтли ҳис этишга ёрдам берадиган ахлоқий ғоялар, меъёрлар, тушунчалар эзгулик деб, инсонга зарар келтирадиганлари, азоб-укубат ва бахтсизликка дуч қиладиганлари эса ёвузлик, деб талқин қилинади. Шу сабабдан баъзи халқларда эзгулик тушунчаси ва моддий бойлик, ҳатто гавданинг етилиб тўладан келиши (инсоннинг семириши) бир хил сўз билан аталган. Масалан, рус тилида «добро» сўзи нафақат ахлоқий тушунчани (категорияни), шунингдек, меҳнат билан топилган бойликни (нажитое добро) ёки бирор кишининг гавдаси тўлишганини («раздобрел») билдиради. Ўтмишда гавданинг тўлишгани соғломлик (яхшилик), озиб кетиш касаллик (ёмонлик) аломати сифатида кундалик онгда ўрнашиб қолган. Бойлик эзгулик бўлса, ҳар қандай йўл билан бойлик тўплаш эзгуликка интилиш деб тушунтирилган, натижада, бу



йўлдаги ноҳалоллик, ёлғон, қаллоблик, эксплуатациядан, кези келганда, тоймаслик оқланган.

Антик даврдаёқ юнонларда инсоннинг яшашдан мақсади бахтли бўлиш (эвдонизм), завқ-шавқ туйиш, лаззатланиш (гедонизм), деган қарашлар қарор топган. Улар эзгуликнинг таркибий қисми ҳисобланган. Лекин бахтнинг ўзи нима, ҳаёт лаззати нима, деган саволга бир хил жавоб берилмаган. Натижада, бахт баъзан бойлик ортириш, тўқ яшаш, хоҳиш-истакларни амалга ошириш имконига эга бўлиш, лаззат ҳам баъзан хуштаъмли овқатларни истеъмол қилиш, нафсини қондириш, айш-ишрат суриш қабилида ўта жўн тушунилган. Бу ҳам ахлоқий тарбияда чалкашлик ва зиддиятларни ҳосил қилган. Бундай тушуниш моддий жиҳатдан яхши таъминланган кишиларнинг бир қисмида нафс ва ҳирсга мойилликни рағбатлантирган. Шу сабабдан ўтмишнинг айрим илғор мутафаккирлари, диний арбоблари маишатпарастликни, нафсни қаттиқ қоралаб, уларни ёвузлик, деб талқин қилган. Антик даврнинг буюк файласуфи Сукротнинг «овқатланиш яшаш учун керак, яшаш овқатланиш учун эмас» деган ҳикмати турли кўринишларда, ифодаларда ҳозир ҳам машҳур. Аксинча, эзгулик, донишмандлар фикрича, нафс ва ҳирсни жиловлаш, ҳаққа, ҳақиқатга интилишдир. Ҳақни эсдан чиқаришда бевосита ёки билвосита сабаб бўладиган ҳар қандай истак-хоҳиш, интилиш ва эҳтиёжни улар ёвузликка киритган. Баъзи таълимотлар, тасаввуф тариқатлари ҳатто ўзликдан кечишни, айрим соғлом эҳтиёжлардан ҳам қутилишни тарғиб этган.

Айрим диний мазҳабларда, оқимларда, тариқатларда, алоҳида қарашларда эзгулик ва ёвузлик масаласи анча кескин ва биртомонлама қўйилишига қарамасдан, умуман олганда, дин ҳамиша эзгуликни ҳимоя қилган (албатта, ўз таълимотидан, тушунчасидан келиб чиқиб). Эзгулик тушунчаси атрофида инсонга, жамиятга, табиатга, ҳар қандай воқеа ва ҳодисага, шу жумладан, алоҳида инсонларнинг конкрет ишига берадиган баҳосини, кенгроқ олсак, амалий муносабатини қурган. «Ўзинга раво кўрмаган нарсани бошқаларга ҳам раво кўрма» деган ахлоқий қонун бир-биридан мустақил ҳолда Конфуций таълимотида (Хитой), Ману қонунида (Ҳиндистон), Тавротда

(Яқин Шарк) ўз аксини топган. Қуръонда ва Пайғамбар хадисларида биз ушбу қонуннинг янада теранроқ ва кенгроқ талқинини учратамиз: «Ўзингга раво кўрмаган нарсани бошқаларга ҳам раво кўрма, ўзинг баҳраманд бўлган неъматдан бошқалар ҳам баҳраманд бўлишига кўмаклаш». Мазкур ахлоқий қонунни одамлар онгига сингдириш барча даврларда, келажакда ҳам маънавий тарбиянинг асосий мақсадларидан бири бўлиб қолаверади. Унинг англаб олиниши ва одамлар орасида кенг тарқалишида буюк мутафаккирлар билан бир қаторда диний китоблар ва диний воизлар катта роль ўйнаган.

Лекин динга хос мантикий ва ижтимоий-маънавий зиддиятлар айрим ҳолларда дин вакиллари ва ташкилотларининг хато қарорларни қабул қилишларига, уларнинг ниятидан қатъи назар, эзгуликнинг ўз диалектик қарама-қаршилиги – ёвузликка айланишига сабаб бўлган. Масалан, христиан католик черкови салиб юришларига, мустамлакачилик урушига, ғайриндиларни оммавий жазолашга, қирғин қилишга, ўз динига мажбуран ўтказишга фатво берган. Рус православ черкови ҳам ундан қолишмаган. Чор мустамлакачилари «За царя, отечество и веру православную» («Подшоҳ, ота юрт ва православ дини учун») шиори остида бошқа халқларни босиб олган, кўпларини мажбуран чўқинтирган, бўйин товлаганларни оммавий қирган. Бугун радикал ислом уломалари жиход никобидаги терроризмни қўллаб-қувватлаётир.

Таъкидлаш жоизки, ўзингга раво кўрмаган нарсани бошқаларга ҳам раво кўрма, деган ахлоқий қонун шаклланиши ва ҳаётга татбиқ этилишига эзгулик ва ёвузлик категорияларидан ташқари яна виждон категорияси ҳам сезиларли ҳисса қўшган. Гарчи виждоннинг ўзини эзгуликнинг муайян кўриниши, деб талқин қилиш мумкин бўлса-да, у инсоннинг ички назоратчиси, ундовчиси, чекловчиси, судьяси сифатида жуда улкан ижтимоий-психологик, аксиологик (баҳолаш) ва ижтимоий мўлжал вазифаларини бажарадики, уни нисбатан мустақил категория сифатида ўрганиш жоиз. Виждон иудаизм, христианлик, ислом динларида алоҳида категория сифатида мавжуд. Буддавийлик, индуизм, конфуцийчилик, даосизм, синтоизм динларида эса виждон тушунчаси эзгулик ва ёвузлик

категориялари доирасида ўрганилади. Шу сабаб уларда ҳатто виждон тушунчасига мос келадиган алоҳида атама йўқ. Лекин бундан мазкур динларга эътиқод қилувчилар виждон тўғрисида тасаввурга эга эмас, унинг талабларига риоя қилмас экан, деган хулоса келиб чиқмайди. Фақат бизда виждон таркибига киритилган ғоялар, тамойиллар, меъёрлар, идеаллар уларда эзгулик ва ёвузлик категориялари, ахлоқий қонунлар, кўрсатма ва талаблар таркибига киритилган, холос. Бизда эса виждон нисбатан алоҳидалашган тизимни ташкил этган. Айнан виждон ўзига раво кўрмаган нарсани бошқаларга беришга, сотишга, ташвиқ этишга, ўзи завқ-шавқ оладиган, лаззат қиладиган нарсани бошқалардан яширишга йўл қўймайди. Шу сабабдан виждон туйғусини ва тушунчасини одамларда шакллантириш ахлоқий тарбиянинг муҳим вазифаларидан биридир. Инсоннинг ўз ноҳўя ишидан виждони қийналиши, хайрли ишидан виждони қониқиши уни нотўғри хатти-ҳаракат содир қилишдан тияди, тўғри саъй-ҳаракатга ундайди. Инсон маънавий эркинликка соф виждони орқали эришади.

Ахлоқий тарбия – эркинлик ва масъулият тарбияси, ирода ва толерантлик тарбиясидир. Ушбу масалада биз бой миллий-маданий меросимизни ва жаҳон халқлари, жумладан, Ғарб халқлари яратган меросни, тарбиявий тажрибани ўрганишимиз лозим. Ғарб ахлоқининг бизга тўғри келмайдиган тамойилларини асосли танқид қилиб, инкор этиш, ўрганишга арзийдиган жиҳатларини қабул қилиш лозим. Маънавий тарбиянинг бирор соҳасида, жумладан, ахлоқий тарбияда ҳам биз миллий маҳдудликка тушиб қолмаслигимиз керак.

Энди ахлоқий тарбия билан боғлиқ айрим тамойиллар ва баҳоларга муносабат билдириб ўтамыз.

Ахлоқий тарбиянинг вазифаси инсонни жамият билан уйғун яшашга, ўз индивидуал манфаатларини бошқалар манфаатлари билан мувозанатга келтиришни ўргатишдир. Аввало, индивидуализм ва коллективизм тамойиллари ҳақида. Ахлоқий тарбияда шахснинг индивидуал манфаатлари, қизиқишлари, ташаббуси ва ш. к.лар ҳисобга олиниб, индивидуализм оқилона чегараларда инкор қилинмаслиги мақсадга мувофиқ. Индивидуализмни

тўлиқ коллективизмга (жамоавийликка) қарама-қарши қўйиш ярамайди. Ё шахс манфаати, ё жамоа (жамият) манфаати қабилда масалани қўйиш хатодир. Масаланинг тўғри ечими – шахс ва жамоа манфаатини бирдек ҳисобга олиш, уларни уйғунлаштиришдир.

Коллективизм туйғуси ва тамойили инсон эҳтиёжларини тўғри тарбиялашнинг, инсоннинг асл инсоний табиатини ривожлантиришнинг муҳим омилдир. Тарбияда индивидуализмга бир томонлама устунлик берилиб, коллективизм етарлича ҳисобга олинмаса, инсон худбин (эгоист), манман, ҳатто юлғич бўлиб ўсади. У ташқи қўринишидан вазмин, камгап бўлиши мумкин, аммо ичида фақат ўзини ўйлайди, ўз манфаатини ҳамма нарсадан устун қўяди, одамларнинг самимийлигидан, ишонувчанлигидан, ёрдамидан ўзининг ғаразли мақсадларида фойдаланади. Ҳамма унинг айтганини қилиши, «унга ёрдам бериши» керак, у эса ҳеч кимга ҳеч нарса қарз эмас – мана худбинликнинг асосий белгиси.

Эгоизм (худбинлик) аста-секин урчиб, эгоцентризмга (худпарастликка) айланиши мумкин. Эгоцентризм – инсон ҳамма нарсанинг марказига фақат ўз шахсини, манфаатларини қўйиши, бошқа ҳар қандай манфаатларга – жамоа, жамият, давлат манфаатларига беписанд қарашидир. «Худпарастни не қилғони ўзига хубдир, бу нописанд феълга тафовут қўпдир»<sup>1</sup>, – дея таъкидлайди Алишер Навоий. У худпарастликни будпарастлик билан тенг қўяди: «Худпараст – будпараст», деб ёзади у «Махбуб-ул қулуб» асарида. Бу ерда Навоий «бутпараст» деганда жоҳил, Ҳақ ва ҳақиқатни танимаган, куфр ботқоғига ботган, имон-этикодсиз, фақат ўзига, ўз нафси ва жиғилдонига, ҳирси ва шаҳватига сиғинадиган кишини назарда тутмоқда.

Эгоизмнинг вужудга келиш сабабларидан бири ўз фарзандини ҳаддан ортиқ эрка ўстириш, унинг барча инжиқликлари, хоҳиш-истакларини амалга ошириш, болада, ўзлари сезмаган ҳолда, истеъмолчилик психологиясини шакллантиришдир. Эгоизмнинг яна бир сабаби нисбатан қобилиятли ёки етакчиликка мойил, иродали шахсларга ёшлиқдан – мактаб, коллеж, олий ўқув

<sup>1</sup> Алишер Навоий. МАТ. 14-жилд. – Т.: 1998. 73-б.

юртида, кейинчалик меҳнат жамоасида, синфдошлари, курсдошлари, ҳамкасблари томонидан алоҳида эътибор берилиши, «тан олиниши»дир. Агар қобилиятли киши буларни ҳурмат ва ўзига билдирилган ишонч, бу ишонч-ни оқлаш керак, деб эмас, балки шундай бўлиши керак, чунки мен улардан устунман, кучлиман, ақллироқман, деб қабул қилса, унинг эгоист бўлиб вояга етиши муқаррар. Шу сабабдан тарбия жараёнида оиладан бошлаб, айниқса, мактабда қобилиятли болаларга тўғри йўналиш бериш, бошқаларнинг сенга кўрсатаётган эътиборини, ҳурматини оқлашинг керак, деган қарашларни улар онгига сингдириш лозим.

Эгоизмга, одатда, альтруизм муқобил ҳисобланади. Альтруизм шахсий манфаатларни ўйламасдан, ўзини бошқаларга бағишлаш, улардан қўлидан келган ёрдамни аямасликдир. Альтруизм беғаразликнинг юқори кўриниши сифатида ахлоқий жиҳатдан маъқуланса-да, унга муносабат бир хил эмас. Баъзилар альтруизмни дон-кихотлик, савдойиликнинг бир кўриниши, шахснинг ўзига нисбатан етарлича масъулиятда бўлмаслиги, деб ҳисоблайди. Альтруизм зарур ҳолларда қатъият кўрсата олмай, ўзганинг эгоизмига ён босишга олиб келиши, жамият манфаатларини ҳимоя қила олмасликка, ижтимоий принципсизликка сабаб бўлиши мумкин. Тарбия жараёнида альтруизм эгоизмнинг тўлиқ муқобили бўла олмаслиги, баъзи ҳолларда у эгоизмни озиклантирувчи, унга шароит яратувчи, баъзан ҳатто ватанпарварлик бурчини бажаришда қийинчиликлар туғдириши мумкинлигини эсдан чиқармаслик керак. Бизда эгоизм худбинлик, альтруизм эса муравват ва футавват, деб аталган. Альтруизмга футувват кўпроқ мос келади. Футувват ҳам ўзини бошқаларнинг ҳожатини чиқаришга бағишламоқ, ўзгаларга беғараз ёрдам бермоқ, ҳамдард бўлмоқдир. Алишер Навоийнинг ушбу

*«Муравват борча бермакдур, емак йўқ,  
Футувват борча қилмоқдир, демак йўқ», –*

байти ҳар икки тушунчанинг моҳиятини қисқа ва жуда теран ифодалайди. Гарчи футувват кейинчалик тариқат билан бирлашиб кетиб, суфиёна мазмунда талқин қилинган

бўлса-да, аслида у дунёвий умуминсоний моҳиятга, мазмунга эга бўлган ва уни сақлаб қолган. Футувватнинг умуминсонийлиги ундан диний ва суфиёна мазмунда ҳам фойдаланиш имконини берган. Н.Комилов тўғри таъкидлаганидек: «Тасаввуф футувватда юксак ғояларнинг амалий-ижтимоий татбиқини кўрган бўлса, футувват тасаввуфда назарий-этиқодий тағзаминни топган эди»<sup>1</sup>. Футувватга ислом адабиётида, биринчи галда, Ўрта Осиё ва Эрон адабиётида, фалсафий ва диний таълимотларида юксак ижобий муносабатни кўрамиз. Футувват мўғул зулми даврида сарбадорлар, жавонмардлар ҳаракатининг ғоявий мафкурасини, шиорини ташкил қилган.

Аммо кундалик маиший ҳаёт қийинчиликлари авомни, нафс ва ҳирс эса ўзига тўқ кишиларни (бир гуруҳ зиёли, имон-этиқоди мустаҳкам фидойи кишилардан ташқари) мурувват ва футувватнинг юксак ғоялари ва мезонлари асосида эмас, ўз фойдасини кўзлаб, «сиздан угина, биздан бугина» талабларига мувофиқ яшашга ундади. Футувват аҳлини баъзилар девоналар деб, девоналикни эса ақлдан озганлик, деб баҳоладилар. Девоналик ахлоқлик эмас. У суфий ҳолатини англатувчи тушунча. Футувват эса девоналик эмас, аммо девоналикдан холи ҳам эмас.

Ватанпарварлик ҳақида аввалги бобларда кўп гапирилган эди. Уларни такрорлаб ўтирмасдан, яна бир эслатмоқчимизки, ҳақиқий ватанпарварлик – бу юрт равнақи йўлида ўз касби доирасида ҳалол меҳнат қилиш, ўз хизмат вазифаси ва бурчини ҳалол бажаришдир. Маънавий тарбиянинг барча йўналишларида, хусусан, ахлоқий тарбияда ватанпарварлик меҳнатсеварликка, масъулиятга, бурч ва виждон амрига айлансагина рўёбга чиқиши мумкинлигига эътиборни қаратиш лозим. Туркий халқларда муҳтожларга, ғариб ва мусофирларга беғараз ёрдам бериш ағалик, аталик, ахийлик (ахий – бобо) каби атамаларда ифодаланган. Бугун «оталик» тушунчасида бевосита ва беғараз ёрдам кўрсатиш мазмуни сақлаб қолинган. Масалан, мактабнинг оталик ташкилоти унга моддий-ўқув базасини мустаҳкамлашда, аълочи ўқувчилар ва фаол

<sup>1</sup> Н. Комилов. Тасаввуф. – Т.: «Movaraunnahr» – «O'zbekiston», 2009. 110–111-бетлар.

ўқитувчиларни моддий рағбатлантиришда, байрамларни ўтказишда ёрдам кўрсатади.

Оталиқ ва оғалиқ тушунчалари нафақат ижтимоий-маиший мазмунда, шунингдек, ижтимоий-сиёсий мазмунда ҳам қўлланилган. Тахт ворисининг тарбиячиси ёки унинг номидан ҳокимиятни вақтинча бошқарувчи киши оталиқ деб аталган. Оғалиқ ҳам шунга ўхшаш мазмунда, тахтга (ҳокимиятга) яқин киши сифатида бирор ҳудудни мухторий бошқарувчиси, тахт ворисига ҳомийлик қилувчи киши мазмунида қўлланилган. Шу сабаб оталиқ ва оғалиқ тасаввуфда мурувват ва футувват кўринишларини ифодаловчи атама бўлиб расмийлашмаган. Аммо ахийлик Туркия ва Яқин Шарқдаги баъзи тариқатларда атамага айланган. Ахий сўзи бугунги ўзбек тилида истеъ-молдан чиқиб кетган. У бобо ва оқсоқол сўзлари билан алмаштирилган. Н.Комилов «Тасаввуф» асарида футув-ват тарофдорлари жавонмардлар, ахийлар, фатийлар деб аталганини қайд қилади ва «ахий» сўзини дўст, биродар деб талқин қилади.<sup>1</sup>

Суфийча атама мазмунида бу тўғри. Чунки бир шайх-нинг, пирнинг (ахийнинг) муридлари ўзаро дўст, биродарлардир. Дарвоқе, арабча «шайх» оқсоқол деган мазмунни билдиради. Аслида туркий «ахий» – «бобо»<sup>2</sup>, «оқсоқол» тушунчаларини англатишини билиб қўйиш ортикчалик қилмас.

Ахлоқий тарбияда космополитизмга муносабат масаласини четлаб ўтиб бўлмайди. Космополитизм кўпинча ватанпарварликка қарама-қарши қўйилади. Космополит бутун ер куррасини ўз ватани деб билади. Унинг учун миллат туйғуларидан, ватан туйғусидан, миллий манфаатлардан гўёки умумбашарий манфаатлар устун. Космополитизм совет мафкуравий баҳоларига мувофиқ миллий нигилизмнинг кўринишларидан бири ҳисобланган. Иккинчи жаҳон урушидан кейин СССРда космополитизмга, Ғарб олдида қуллуқ қилишга қарши кураш ниқоби остида аслида тафаккур эркинлигига, одамлар ташаббусига

<sup>1</sup> Н.Комилов. Тасаввуф. – Т.: «Movaraunnahr» – «O‘zbekiston», 2009. 105-б.

<sup>2</sup> Э.Воҳидов. Сўз латофати. – Т.: «Ўзбекистон», 2014. 41–42-б.

хамда яхудий миллатига мансуб зиёлиларга қарши сиёсат олиб борилган. Урушдаги ғалабадан кейин одамлар катагон йилларида вужудга келган ижтимоий кўркувдан анча халос бўлган, ички ва ташқи душманларни енгдик, энди эркин ва яхши яшаймиз, деган умид уларда пайдо бўлган эди.

Яхудийлар масаласига келсак, уруш йиллари бутундунё яхудийлари СССРга Гитлер кирғичидан уларни ҳалокатдан халос қилувчи куч сифатида қараган ва СССРга ҳар томонлама ёрдам уюштирган эди. Сталин уларни урушдан кейин яхудий давлати Исроилни тузишида қўллаб-қувватлашга, ҳатто Қрим худудидан жой беришга ваъда берганди. Урушдан кейин, турли сабабларга кўра, собик антигитлерчилар коалицияси бўлиниб кетди ва ўзаро мухолифларга айланди. Икки тузум ўртасида совуқ уруш бошланди. Табиийки, йирик яхудиё банкирлари, капиталистлари ўз ҳукуматлари томонида бўлди. Оддий яхудийлар эса аросатда қолди. Ҳар икки тузум ҳам ички ва ташқи мақсадлар йўлида ахлоқни сиёсатга қурбон қилди. СССРда космополитизмга қарши кураш авж олди, АҚШда амалда коммунистларга қарши Маккарти қонуни қабул қилинди. Ҳар икки давлатда шпиончилик васвасаси кучайди. СССРда космополитизмга ватақпарварлик ва интернационализм (социалистик байналмиллик) қарши қўйилган.

Космополитизм сунъий ўйлаб топилган тушунча эмас. Унинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий ва бошқа озиклантирувчи омиллари ва сабаблари бўлган. Турли тарихий даврларда космополитик ғоялардан Европада диний ва сиёсий мустабидликка, шовинизм ва миллатчиликка, иркчилик ва шу каби ўта кескин қарашларга ва сиёсатга қарши мафкуравий курашда фойдаланилган. Кейинчалик ундан мустамлакачилар ҳам фойдаланишга ҳаракат қилганлар.

Космополитик ғоялар тўлиқ йўқолмайди. Бугун уни глобаллашув тенденцияси ва оммавий маданият озиклантириб турибди. Уруш ва тинчлик муаммоси, демографик аҳвол ва озик-овқат таъминоти, бошқа глобал муаммолар, айниқса, иқлим ўзгариши, табиий катасклизмлар, пандемиялар хавфи каби муаммолар ер қуррасини бу-



тун инсоният учун ягона ватан, ҳар бир шахс сайёрамиз тақдири учун масъул эканлигини эслатиб, космополитик туйғу учун замин яратаверади.

Ахлоқий тарбия орқали инсонда эркинлик ва масъулият туйғуларини шакллантириш муҳим. Эркинлик ва масъулият диалектик бирликни ташкил этади. Улар айрича ҳолда мавжуд эмас. Масъулиятсиз эркинлик – бу бошбошдоқлик, анархия, чекланмаган худбинлик ва ҳ.к.лардир. Эркинлик – бу масъулиятдир, масъулиятсизлик ва худбинлик эса – карамликдир, ўз нафси ва ҳирсига кулликдир.

Аксилахлоқий ғоялар, тушунчалар, афсуски, ҳаёт қийинчиликлари таъсирида, ижтимоий ва инсонлараро муносабатларда масала ечимининг нотўғри, адолатсиз, аммо осон йўлини танлашнинг салбий тажрибаси сифатида вужудга келган. Қийналиб, меҳнат қилиб топишдан кўра, баъзан вазифани суиистеъмол қилиб, пора олиб ёки ўғирлик қилиб топиш осонроқ. Аччиқ ҳақиқатни айтиб, айбни тан олишдан, ёлғон айтиб, айбни яшириш осонроқ. Лекин аслида бу «осон» ҳисобланган тушунчалар эрта-ми-кечми жамиятга, одамларга жуда катта зарар келтиради. Шунинг учун қадим замонлардан улар аксилахлоқий ҳисобланган ва қораланган.

Эркинликнинг фалсафий таърифи англаб олинган зарурат (Ҳегел), англаб олинган зарурат бўйича ҳаракат (Энгельс), замонавий социологик ва политологик талқинда танлаш учун вариантлар (имкониятлар)нинг кўплиги эканлигини (Миллер) яна бир бор эсласак, эркинлик эзгулик ва ёвузликни аниқ фарқлаб, гуманистик виждонни тарбиялаш асосида вужудга келиши аёнлашади. Лекин булар билан чекланмайди. Эркинлик ахлоқий танлашда намоён бўлади. Шу сабабдан у ирода билан ҳам боғлиқ. Бинобарин, эркин шахсни вояга етказиш учун унда мустаҳкам иродани, қарор қабул қила олишни, ўз хатти-ҳаракатини, қабул қилган қарорини танқидий баҳолаб, унга зарур ҳолларда тузатиш кирита олиш масъулиятини тарбиялаш талаб этилади.

Ахлоқий ғоялар, меъёрлар ривожланишини кўрсатувчи мезон – бу жамиятда инсон эркинлигининг ўсиши, кадр-қимматининг ортишидир. Инсон эркинлигини,

онги ва тафаккурини чеклашдан, уни ҳукмрон диний ёки сиёсий мафкурага, урф-одат ва анъаналарга мажбуран буйсундиришдан воз кечишда, виждон ва эътиқод эркинлиги таъминланишида, фикрлар ва қарашлар хилма-хиллиги қарор топишида, инсонпарварлик ғояси бойиб, инсон жамият тараққиётининг мақсадига айланишида ахлоқ ва умуман маънавият ривожи намоён бўлади. Мазкур жараёнда ахлоқнинг чекловчи, тақиқловчи меъёрлари нисбатан камайиб (тўлиқ йўқолиши мумкин эмас, тақисиз, чеклашсиз жамият тизими бузилади), ундовчи, рағбатлантирувчи меъёрлари кўпайиб, кучайиб боради. Ахлоқий тарбияда инсонга ўзини тийишни, салбий нарсаларни қилмасликни ўргатиш баробарида ижобий, савоб ишлар қилишга эҳтиёж туғдириш, эзгуликка бефарқ, индеферент бўлмасликни шакллантириш муҳимдир. Бундай ахлоқий тарбиянинг муҳим ундовчи вазифаси – фаол ҳаётий позицияни эгаллашни тарбиялаш эканлиги аёнлашади.

Ахлоқий талаблар, меъёрлар инсонни жамиятнинг бошқа аъзолари билан уйғунликда яшашга, жамият институтларидан тўғри фойдаланишга, одамларга ва жамиятга қўшилиб, унинг бир тўлақонли аъзоси бўлишга ўргатади. Шу сабабдан болаларда, ёш авлодда ахлоқий талабларни тарбиялаш билан ота-оналар, оила, маҳалла, боғча, мактаб, меҳнат жамоаси, жамоат ташкилотлари – жамиятнинг асосий бўғинлари ўз ваколатлари доирасида шуғулланади. Уларнинг фаолияти яна-да самаралироқ бўлиши учун, тарбия ишларини мувофиқлаштириш мақсадга мувофиқ.

Ҳар қандай тарбия икки томонлама жараёнлигини, бола нафақат тарбиянинг объекти, шунингдек, субъекти ҳам эканлигини (ўз ўзини тарбиялашни) назарда тутсак, боланинг бошқалардан олаётган ўрнаги, шахсий кузатувлари ва тажрибаси унинг қандай инсон бўлиб шаклланишида катта роль ўйнаши ойдинлашади. Жамиятдаги шиорларнинг, мафкуравий тарғибот-ташвиқотнинг ҳаётга, ҳақиқатга мослиги ёки мос келмаслиги ёшларга кучли таъсир кўрсатади. Шу сабабдан тарбия жараёнида ҳақиқий қийинчиликларни, муаммоларни улардан яширмаслик, фақат сабабларини тўғри тушунтириш керак. Ярим ҳақиқатни айтиш, фақат ютуқларни кўз-кўз қилиб, камчи-

ликларни хаспўшлаш, муваффақиятсизликлар сабабини «объектив» сабабларга (об-ҳаво, курғоқчилик ва х.к.) ёки ташқи муҳолифлар кирдикорларига, жаҳон иқтисодиёти конъюнктурасига келтириб боғлаш, ўз хатоларимиз борлигини тан олмаслик тарбия ишига зарар келтиради.

Ахлоқий танлашнинг мазмун-моҳияти ҳам аксилахлоқий тушунчалардан устун бўла олиш, ҳалокатли ёвузлик йўлидан кетмаслик, эзгуликка, инсонпарварликка, виждонга содиқ қолишдир. Ахлоқий танлашда инсон ўз худбинлиги, нафси, ҳирси, ҳасади, кўрқоклиги ва бошқа камчиликларидан устун кела олиши лозим. Зарур ҳолларда у сиёсий режим қутқусига, мукофотларига учмаслиги ёки таъйиқидан кўрқмасдан, халқига, ватанига содиқ қолиши, инсоний бурчига, виждонига ҳилоф иш қилмаслиги керак. Бу энди шунчаки оддий ахлоқий танлаш эмас, маънавий жасоратдир.

### 30. ЭСТЕТИК ТАРБИЯ

Эстетик тарбия манавий тарбиянинг муҳим шакллари билан биридир. У инсонда гўзалликка, оламни «гўзаллик қонунлари бўйича» қайта яратишга интилишни тарбиялайди. Инсоннинг моҳиятли белгиларидан бири – моддий ва маънавий эҳтиёжлари юксаладиган мавжудот эканлигидир.

Эстетик эҳтиёжлар – уйғунликка, гармонияга, симметрияга интилишга, буюмларни қулай ва бежирим қилиб ишлашга уриниш, табиатга тақдидан қуй тўқиш, рақсга тушиш, хиргойи, хониш қилиш, сурат чизиш ва ш.к. гўзалликлар яратишга интилишни шакллантирган. Меҳнат, ахлоқий ва эстетик эҳтиёжлар инсонда кўнгиш, қалб деган нарсани тарбиялаган. Қалб, кўнгиш ҳайвонларда йўқ. У фақат инсонда пайдо бўлди.

Одамларда атроф-муҳитга, яшаш ва меҳнат қилиш шароитига мос гўзаллик тушунчалари ва меъёрлари вуҷудга келган. Улар халқлардан халқларга, замондан замонга ўзгариб борган. Лекин гўзаллик асосида умуминсоний баъзи бир мезонлар доимо сақланиб турган. Булар шаклда буюмнинг, асарнинг томонлари, қисмлари мутаносиблиги, симметрияси, уйғунлиги, мазмунда таъсирчан

образлар оркали эзгулик ва инсонпарварлик ғояларини ифодалаш ҳисобланган.

Эстетик тарбия тарбиянинг бошқа шакллари, айниқса, ахлоқий тарбия билан узвий боғланган. Чунки инсоннинг гўзаллик тўғрисидаги тасаввурларига ахлоқий, ҳуқуқий ва бошқа кўплаб қарашлар таъсир кўрсатади. Масалан, одамлар шер, йўлбарс, қоплон, бургут, лочин, қарчиғай каби йирткич ҳайвон ва қушларни шokol, калхат каби ўлаксахўрларга нисбатан чиройлироқ ҳисоблайди. Улар одамлар онгида куч, мардлик, жасорат тимсолига, ўлаксахўрлар эса номардлик, кўрқоклик, текинхўрлик тимсолига айланган. Одамлар ахлоқий мезонлар ёрдамида ҳайвонларга, қушларга ўз эстетик муносабатини белгиллаган. Аслида ўлаксахўрлар, табиат санитарлари ўларoқ, йирткичларга нисбатан кўпроқ фойда келтиради.

Йирткичларда гавда, башара тузилиши ов қилишга, ўлжасини тезроқ қувиб етишга, сакраб ташланишга, тезроқ бўғизлашга мўлжалланган. Шунга яраша баъзи йирткичларнинг, масалан, қоплонларнинг оёқлари ва думлари узун. Аммо гавдасининг анатомик пропорциялари ўлаксахўрларникидан унчалик фарқ қилмайди. Демак, гап бу ерда анатомик тузилиш, симметрия, тана аъзоларининг ўзарo уйғунлиги ҳақида кетмаяпти. Табиатда бирор жониворнинг гавдаси носимметрик, айттайлик, бир оёғи узун, иккинчиси калта бўлса, у яшаб қололмайди. Табиатга мослаша олмайдиган турлар аста-секин йўқолади. Формал нуқтаи назардан табиатда гўзал ёки хунук ҳайвоннинг ўзи йўқ. Ҳайвонларга одамларнинг эстетик муносабати уларнинг уйғунликни, симметрияни, мутаносибликни формал тушуниш билан эмас, аксинча, ҳайвонот оламига жамият қадриятларидан, биринчи галда, ахлоқий туйғулардан келиб чиқиб ёндашиши билан боғлиқ. Балким, бу одамлар ҳайвонларни жонли мавжудодлар сифатида ўзларига яқин ҳисоблаганлари туфайлидир. Жонсиз табиатга нисбатан эса одамлар айнан юқоридаги формал мезонларни – симметрияни, мутаносибликни, ранглар жироси ўзарo уйғунлигини ва ш.к.ларни ҳисобга олиб баҳо беради. Шу сабабдан эстетик тарбияда қарашларнинг нисбийлигини, гўзалликнинг ахлоққа зид келмаслигини, гўзаллик меҳнат, ижодий изланиш ва мукамалликка ин-

тилиш туфайли юзага келишини ёшлар онгига етказиш, эътиқодига айлантириш лозим.

*Эстетик тарбиянинг пировард мақсади инсонда гўзалликка йўғрилган яратувчилик эҳтиёжини шакллантириш, қондириш ва ривожлантириш орқали маънавиятни юксалтиришидир.* Инсонда гўзаллик туйғусининг, нозик диднинг ўсиши, юксак идеалларнинг қарор топиши унинг маънавий дунёси ривожланишига хизмат қилади.

Эстетик тарбия эстетик туйғуларни тарбиялашдан бошланиб, эстетик тафаккурни ўстиришда давом этади ва эстетик идеални шакллантиришда дастлабки якунига етади. Инсон эҳтиёжлари, талаблари доимий ўсгани сабабли, унинг идеаллари ҳам ўсади, ўзгаради. Шу сабаб эстетик тарбия, маънавий тарбиянинг бошқа шакллари каби, узлуксиз ривожланади. Эстетик онг, ахлоқий онг каби, туйғулардан, табиийки, бу сафар эстетик туйғулардан бошланади. Ҳар бир инсонда гўзалликни ҳис қилиш, ундан завқланиш, оддий тил билан айтганда, «маза қилиш» туйғуси бор. «Мана бу нарса бежиримгина, чиройликкина, нозиккина экан» ёки «мана буниси унча ўхшамабди», «сал дағал чиқибди» ва шу каби сўзлар ва ибораларни кўп эшитамиз. Одамларга нисбатан ҳам, бирор ҳодиса, воқеаларга нисбатан ҳам шунга ўхшаш баҳолар тез-тез қулоққа чалинади. Хушқомат, хушрўй, сулув, барно, истараси иссиққина ёки уларнинг акси – ёқимсиз, ранги совуқ, ва ҳ.к., «мана бу спектаклни маза қилиб кўрдим», ёки «спектакль жуда зерикарли экан» каби иборалар инсоннинг кўрган, эшитган, томоша қилган нарсаларига ҳамда мулоқотда бўлган бошқа кишига нисбатан бевосита эстетик муносабатини, аниқроғи, эстетик объект туғдирган туйғуни ифодалайди. Инсонга муайян объект ё ёқади, ё унчалик ёқмайди ёки унда кескин салбий ҳис-ҳаяжон уйғотади. Аксинча, инсоннинг кўзига чиройли, яхши кўринадиган нарса унинг ижобий ҳис-ҳаяжонига сабаб бўлади. Баъзан улар анча узоқ давом этиб, эстетик кечинмаларга, завқ-шавққа айланади. Завқ-шавқ инсонда мақсадли эстетик интилишни, эстетик идеални вужудга келтиради. Бундай мақсадли интилиш, танлаш, «ёктириш» эстетик дид дейилади.

Дид кўпроқ индивидуал хусусиятга эга. Ўз асосида анча собит, барқарор. Аммо маънавий муҳит таъсирида ривожланишга, нозиклашишга, теранлашишга ва, аксинча, баъзан дағаллашишга, саёзлашишга, қашшоқлашишга мойил. Маънавий муҳит жамиятда, катта ижтимоий доирада қарор топган маънавий талаблар, қоидалар, меъёрлар, идеаллар билан тугамайди. У индивиднинг «кичик давраси» – яқин улфатлари, гуруҳи – субмуҳитда давом этади. Яқин улфатлар давраси – субмуҳит «катта» муҳитнинг барча талабларига бирдек риоя қилиб ўтирмайди. Баъзан беҳаё, ноахлоқий, порнографик маҳсулотлар ва суҳбатларга ўрин бериши мумкин. Балоғатга етаётган, физиологик «қизикишлари» уйғонаётган ўсмир бундай даврага тушиб қолса, унда носоғлом эстетик дид, зўравонликни, бузуклик, фаҳш, беҳаёликни тараннум этувчи, ундан завқлантирувчи (уларни эстетиклаштирувчи) тубан, порносанъатга мойиллик шаклланиши мумкин. Шу сабабдан болалар, ўсмирлар нима ўқиётганини, қандай видео ва телефильмларни кўраётгани, ўсмирнинг «кичик давраси» қизикишлари, суҳбати мавзуларидан отаоналар, таълим муассасалари хабардор бўлгани маъқул. Лекин болаларнинг ҳақ-ҳуқуқлари чекланмаслиги, бузилмаслиги, улар устидан ноқонуний мафкуравий назорат ўрнатилмаслиги шарт. Жуда нозик йўл топилиши, ўсмирларга нисбатан ахлоқий босим, дағаллик, бирёклама панду насихат усули эмас, балки ўзаро ишончга асосланган «тенгҳуқуқли» суҳбат ўтказиш мақсадга мувофиқ. Албатта, ўсмирнинг қизишларидан, ҳар бир кадамидан хабардор бўлиш иложсиз. Шу сабабдан эстетик тарбия, биринчидан, ахлоқий ва маънавий тарбиянинг бошқа шакллари билан узвий боғлиқликда олиб борилиши мақсадга мувофиқ. Иккинчидан, болада юксак эстетик дидни тарбиялаш лозимлигини унутмаслик керак.

Юксак эстетик дид адабиётга, санъатга, дизайнга, кийиниш урфига, ҳаёт ва табиат гўзалликларига нисбатан тўғри муносабатда бўлиш, гўзалликни ҳис эта олишдир. Ушбу маънода эстетик дид мафкуравий иммунитетнинг ажралмас қисмидир. Диди яхши ривожланган инсон ялтироқ, саёз ва сохта гўзалликка учмайди, хунуқликнинг барча кўринишларини инкор этади. Эстетик диди ривож-

ланган шахс яланғоч инсон тасвирланган скульптура ёки мойбўёқ суратда шахвонийликни эмас, балки уйғунлик, гўзалликни кўради ва у қай даражада маҳорат ва таъсирчан тасвирланганини баҳолайди.

Бузғунчи ғоялар фақат сиёсий мафкурага дахлдор ғоялардангина иборат эмас, улар адабиёт, ТВ, кино, сәнъат, оғзаки латифалар, мода ва ҳ.к. орқали тарқаладиган сохта, аҳамияти паст, ҳатто аксилахлоқий, аксилинсоний ғоялардан ҳам иборатлигини назарда тутсак, дид тарбияси мафкуравий иммунитетнинг муҳим қисми эстетик иммунитетни шакллантиришда катта аҳамият касб этишини англаймиз.

Эстетик тафаккурни ва идеални тарбиялаш ёшларга биринчи галда эстетик тушунчалар, ғоялар, категориялар, қарашлар, назариялар, таълимотлар тўғрисида холис илмий билим бериш, турли қарашларнинг, талқинларнинг кучли ва заиф томонларидан уларни хабардор этишдир. Гўзалликни қабул қилиш ва баҳолашда эркин, танқидий ва конструктив фикрлайдиган ёшларни тарбиялаш, уларда ҳар қандай ноҳаётий, ўлик андозаларга, ташқи жозоба ва гўзалликка учмасликни, гўзалликни мазмундан, ғоядан, моҳиятдан излашни ўргатиш эстетик тарбиянинг асосий вазифасидир. Лекин бу осон ҳал қилинадиган вазифа эмас. Аввало, бу масала гносеологик-методологик жиҳатдан мураккаб. Зеро, эстетик категорияларда объективлик ва субъективлик узвийлашиб, бирлашиб кетган. Уларни бир-биридан ажратиш қийин. Маънавият унсури ўларок бадиий асарлар, ҳодисалар, уларни мужассам акс эттирувчи эстетик категориялар муайян тарихий давр дунёқараши билан, муайян шахс ёки миллат (жамият) манфаатлари, мақсадлари ва ижтимоий мўлжалларини тўғри ёки нотўғри (хато) англаш билан боғлиқ.

Эстетик тарбия инсонга ҳақиқий гўзалликнинг моҳияти, мазмуни тўғрисида холис ва ижобий билимлар бериб, гўзалликка интилиш эҳтиёжини ўстирмоғи, уни инсоннинг идеалига айлантирмоғи лозим. Буюк рус ёзувчиси Ф.М.Достоевский бежиз «гўзаллик дунёни халос этади (кутқаради)» демаган. Биз эзгулик ва инсонпарварликни, эркинлик ва яратувчиликни ўзига амал қилиб олган комил инсонни тарбияламоқчи эканмиз, унга асл

гўзаллик нималигини англатишимиз, уни эътиқодининг узвий унсурига айлантирмоғимиз лозим.

Шу сабабдан эстетик тарбиянинг мақсад ва вазифаларидан бири инсонда гўзалликка ошuftалиқни шакллантириш, хунуқликни рад этишни, онгли равишда унга қарши туришни тарбиялашдир. Хунуқликка муросасизлик, уни онгли инкор қилиш эса мафкуравий иммунитет юзага чиқишининг белгиларидан биридир.

Эстетик тарбиянинг асосий вазифаларидан бири ўқувчиларда, аҳолида юксак бадиий дидни, фожеавийлик ва комедиявийликка нисбатан тўғри муносабатни шакллантиришдир. Биз ўтган мавзуларда фожеавийлик ва комедиявийлик моҳият-мазмунини тушуниш тарихан ўзгарганини таъкидлаган эдик.

Эстетик тарбия инсоннинг дидини, кўнглини, асл инсоний туйғулари ва эстетик мўлжалларини шакллантириш, ижодий фантазиясини уйғотиш баробарида бадиий билишнинг, завқ-шавқнинг янги турларини, кўринишларини ўзлаштиришда, эскиларини теранлаштиришда унга ёрдам беради.

Эстетик ғоялар, тушунчалар, меъёрлар инсон ва жамият билан бирга ривожланиб, ўзгариб боради. Бу ижтимоий онг ва тажриба ўсиши, инсоннинг олам ҳақидаги тасаввурлари, билимлари, жумладан, бадиий ва эстетик тасаввурлари, билимлари кенгайиб, яратувчилик маҳорати ўсиши билан боғлиқ. Тараққиёт жараёнида бадиий ижоднинг янги-янги турлари ва жанрлари вужудга келди, баъзи бирлари бошқалари билан алмашди.

Адабиётда дастлаб кўшиқлар ва эпик қиссалар, достонлар, йирик қаҳрамонлик эпоси жанрлари устунлик қилган бўлса, кейинчалик лириканинг турли жанрлари, фалсафий-дидактик асарлар, замонавий адабиётда эса ҳикоя, қисса, романлар ва ш.к. жанрлар пайдо бўлди. Техника ривожланиши билан киносанъати, ТВ ва видеофильм жанрлари туғилди. Мусиқа санъатидаги ўзгаришлар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Жаз, электр мусиқа асбоблари ёрдамида ижро этиладиган жанрлар вужудга келди. Дизайн, саноат ва офис архитектураси ва кўплаб шу каби замонавий технологиялар билан боғлиқ жанрлар ривожланди. Саноат технологияларининг санъ-



атга, дизайнга кириб келиши, янги талабларни тез ҳисобга олиш имкониятлари пайдо бўлиши «мода» деган тушунчага кенг мазмун бағишлади.

Моданинг бевосита гўзалликка алоқаси йўқ, гарчанд модадан қолган буюм омма кўз ўнгида чиройини йўқотган, аксинча, модадаги буюм эса чиройли кўринса-да. Бу аслида психологик муносабат. Модадан қолган буюм эскирган, охорини йўқотгандек, модадаги буюм тоза, охорлидек одамлар томонидан қабул қилинади. Мода айни пайтда истеъмолчиларнинг жамиятда тарқалган актуал долзарб талабларидир. У кўпроқ оммавий ахборот воситалари, плакатлар, баннерлар, эълонлар, турли намойишлар, кўргазмалар орқали истеъмолчиларда шакллантирилган муваққат истеъмол истагидир. У, бир томондан, инсоннинг ранг-барангликка интилиш психологиясини ҳисобга олади; иккинчи томондан – ишлаб чиқариш технологияларидаги янги ўзгаришларни, ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобатни акс эттиради. Мода омманинг муваққат истеъмол интилиши ўлароқ субъектив ходисадир. Ундаги объективлик эса вақтинчалик бўлиб, фақат унинг технологиялар, кўпроқ функцияларни бажариши билан боғлиқ жиҳатидир.

Инсоннинг ҳақиқий дидини, ҳаётга эстетик муносабатини шакллантиришда, умуман, эстетик тарбияда мода эмас, балки мумтоз адабиёт ва санъат ҳал қилувчи роль ўйнайди. Чунки уларда олға сурилган ғоялар даврлар синовидан ўтган. Вақт таъсирида майда, ўткинчи, муваққат туйғулар, баҳолар ва бошқа камчиликлар эса тушиб қолади ёки муҳлис томонидан актуал қабул қилинмайди. Мумтоз адабиёт ва санъат асл миллий кадриятлар, миллий ўзликни англаш манбаларидир. Улар орқали маънавий-мафкуравий, шу жумладан, эстетик иммунитет шаклланади. Лекин мумтоз адабиёт ва санъат инсондан маълум дидни, тайёргарликни талаб этади. Мусиқа бобида ҳеч қандай билимга эга бўлмаган киши шошмақомни ёки симфонияларни тинглашдан тез зерикади, кийналиб кетади. Мумтоз адабиётни ҳам ўқиш осон эмас. Масалан, Навоий асарларини тушуниш учун XV аср ўзбек тилини, кўплаб арабча ва форсча сўзлар мазмунини билиш, ислом

асослари, Куръони карим ва ҳадиси шарифлар, тасаввуф тўғрисида муайян тасаввурларга эга бўлмоқ лозим.

Шу сабабдан мактаб дарсликларида мумтоз адабиётимиз наъмуналарининг аслияти уларнинг оддий тилга баён қилинган шарҳи билан бирга берилиши мақсадга мувофиқ. Мактабларда мусиқа ва расм дарсларида ушбу санъатларнинг фундаментал тушунчаларини ўқувчилар онгига етказиш ва амалиёт билан боғлашга эътибор кучайтирилиши керак. Эстетик тарбия таълим тизимидан кейин ҳам тўхтатилмаслиги лозим. ОАВда адабий ва бадиий танқид бўлимлари бўлмоғи лозим. Республиканинг етакчи газета ва журналларида мамлакатимиз маданий ҳаётидаги, хусусан, театрларимизда саҳналаштирилган янги спектаклларга, филармонияларимизда ижро этилган мусиқа асарларига, янги кинофильмларга танқидий тақризлар чоп этилиши орқали омманинг диди тарбияланиши лозим.

Ҳозирги замон оммавий маданияти яратган янги жанрлар – поп-арт, рокн-рол, рок, рэп ва ҳ.к., клиплар, мелодраматик сериаллар, электрон ўйинлар ва шу кабилар инсон диди ва тафаккурининг ривожланишига унчалик асқотмайди. Аксинча, меъёридан ортиқ истеъмол қилинса, кишини мусиқа бандисига, компьютер бандисига, виртуал дунё бандисига, ур-ўйқит ва конхўр, даҳшатли сериаллар, дидсизлик ишқибозига айлантиради. Замонавий оммавий санъат жанрларининг ғоявий саёзлигидан ташқари мазмуни ва шаклида миллийлик белгилари минимал даражага тушиб қолган ёки батамом йўқолган. Албатта, улар инсоннинг хордик чиқариш ва дам олиш эҳтиёжларини қондиради. Одамларни ўйин билан банд этади. Аммо оммавий санъатнинг баъзи маҳсулотлари ва жанрлари инсон табиатидаги тубан инстинктларни кўзгайди, тубан ҳис-туйғуларни эстетиклаштиради. Ғарб оммавий маданиятининг маънавий «мустамлакачилик» вазифасини ҳам унутмаслик керак.

Инсонда гўзаллик, нафосат туйғуларини, нозик дидни, дағал, қўпол, носулув (хунук) нарсаларга қизиқмаслик, уларни инкор қилишни тарбиялаш, юксак эстетик мўлжаллар ва идеалларга қизиқтириш учун уни болаликдан ошуфталикка, туғилган ери, она табиати гўзаллик-

ларини севишга ўргатиш, миллий ва жаҳон адабиёти, санъатига қизиқтириш лозим. Боланинг халқ ўйинлари, кўғирчоқлари, эртаклари, дostonлари қаҳрамонлари, халқ кўшиқлари, куйлари сеҳри таъсирида эстетик қизиқишлари вояга етиб, кучайиб борса, унда миллий қадриятларга ҳам, умуминсоний қадриятларга ҳам ижобий муносабатлар ва интилишлар мустаҳкамланади. Ислом Каримов бежиз «Юксак маданият – энгилмас куч» асарида дунёга ҳайрат кўзи билан боқувчи мурғак боланинг эстетик тасаввурлари ва ҳиссий дунёсини, инсоний қалбини шакллантиришда миллий кўғирчоқларнинг, ўзбек халқ эртаклари ва дostonлари асосида яратилган мультфильмларнинг аҳамияти тўғрисида тўхталмаган.

Инсон вояга етиши давомида миллий ва жаҳон адабиёти, санъати мумтоз намуналаридан баҳраманд бўлиб бориши лозим. Мактаб дарсликларини яратганда, ўқиш китобларини, хрестоматияларни тузганда, «мактаб кутубхонаси» серияси рўйхати аниқланаётганда буни назарда тутиш керак. Эстетик тарбияда, айниқса, эстетик онгда миллийлик унсурлари сақланиши ва ривожланишида фольклор билан бир қаторда халқ амалий безак санъати – халқ заргарлик буюмлари, турли тақинчоқлар, нақшлар, ўймакорлик, ганчкорлик, сирланган кулоллик буюмлари, кашталар, сўзаналар, безакли халқона кийимбошлар ва ҳ.к. аҳамияти катта. Улар болани аждодларининг асрий тажрибаси билан, миллий ҳаётнинг, миллий маданиятнинг фусункор олами билан боғлайди.

Эстетик тарбиянинг пировард мақсади, маънавий тарбиянинг бошқа шакллари каби, комил инсонни шакллантиришга, инсон истеъдоди ва ижодий имкониятларини юзага чиқаришга хизмат қилишдир.

### 31. СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯ

*Сиёсий ва ҳуқуқий тарбия* маънавий тарбиянинг муҳим йўналишлари ва шакллари сифатида инсон омилини ривожлантиришга, *инсоннинг эркинлик даражасини, яратувчилик, ижодкорлик имкониятларини юзага чиқаришга қаратилган*. Сиёсий ва ҳуқуқий маданият қанча юқори бўлса, жамият шунча самарали ривожланади, ижтимоий-

маънавий муҳит яхши, сиёсий барқарорлик мустаҳкам, инсон шунча эркин бўлади. *Мустақил Ўзбекистонда сиёсий ва ҳуқуқий тарбиянинг асосий мақсади – инсон эркинликлари ва ҳуқуқларини жамиятнинг бош қадриятига, халқни амалда ҳокимиятнинг бирдан-бир манбаига айлантиришига, демократик ҳуқуқий давлат, очиқ фуқаролик жамияти ривожланиши учун зарур бўлган маънавий шарт-шароит яратиши, жамиятнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришидир.* Одамлар онги, дунёкараши, эътиқоди, ижтимоий мўлжаллари ва идеаллари юқорида қайд этилган мақсадларга қаратилиши ва уларга эришиш талабларига мос бўлиши лозим. Бунинг учун улар тегишли даражада сиёсий ва ҳуқуқий билимларга, қарашлар тизимига эга бўлишдан ташқари, сиёсий ва ижтимоий фаоллик кўрсатишлари, жойлардаги аҳволга, турли амалдорлар ишларига танқидий баҳо бера олишлари керак. Шунда улар ўз ҳақ-ҳуқуқларини юзага чиқара олади. Ўзбекистон тараққиётини 2017–2021 йиллар давомида янги босқичга кўтаришга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг биринчи йили, 2017 йил, «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб эълон қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва виртуал қабулхонаси ташкил этилди. Таъкидлаш жоизки, «халқ билан мулоқот ва инсон манфаатларини таъминлаш – бу вақтинчалик кампания эмас, балки давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб, доимо эътиборимиз марказида турадиган масаладир»<sup>1</sup>. Қабулхоналар аҳолининг сиёсий ва ҳуқуқий фаоллигини оширишда, уларнинг давлат сиёсатига, турли бўғин раҳбарлари ишига ўз муносабатини билдиришда, ҳақ-ҳуқуқларини юзага чиқариши ва ҳимоя қилишда катта роль ўйнамоқда. Бошқача айтганда, қабулхоналар сиёсий ва ҳуқуқий ҳимоя билан бир қаторда тарбия институтига ҳам айланмоқда. Халқаро экспертлар ва сиёсатшунослар ҳам қабулхоналар, айниқса, Президентнинг виртуал қабулхонаси ташкил этилганига жуда юқори

<sup>1</sup> *Шавкат Мирзиёев.* Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби // «Халқ сўзи», 2017 йил 16 июнь.

баҳо бердилар. Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ суд-хуқуқ тизимида бошланган чуқур ислоҳотлар ҳам халқнинг ижтимоий адолатга, хуқуқий амалиётга бўлган ишончини мустаҳкамламоқда. Сиёсий ва хуқуқий тарбиянинг самарадорлигини оширишда хуқуқий амалиётнинг аҳамияти ҳақида сал қуйироқда тўхталамиз.

Ҳар бир давлат ўзига сиёсий жиҳатдан содиқ фуқароларни тарбиялашга ҳаракат қилади. Айнан ушбу ҳолат кўплаб зиддиятларни туғдиради. Бир томондан, ватанпарварлик, туғилган юртига, она тилига, маданиятига, урф-одатларига муҳаббат кўпчилик одамлар учун табиий туюлади. Бу туйғу, биринчи галда, сиёсий эмас, ахлоқий ҳисобланади. Лекин Ватанга муҳаббат бошқарув режимига содиқлик дегани эмас. Давлат ҳокимияти тепасига турли сиёсий партиялар, жумладан, нодемократик характердаги партиялар, гуруҳлар келиши мумкин. Улар халқпарвар сиёсат юритмаслиги, турли корпоратив гуруҳлар манфаатини халқ манфаатидан устун қўйишлари мумкин. Одатда, бундай режимлар инсон хуқуқлари ва демократик эркинликларини анча чеклайдилар. Қонун устуворлигини, давлат хавфсизлиги ва истиқболларини баҳона қилиб, танқидий фикрни, сўз, матбуот эркинлигини қисиб қўяди. Хўш, шундай давлат ҳокимиятига содиқлик кўрсатиш керакми? Давлат идоралари эса ҳар бир фуқародан айнан шуни талаб қилади. Кўнмаганлар, жазоланмаганида ҳам, давлат ишончини, у билан бирга ҳаётда муваффақиятга эришиш имкониятларини йўқотади. Бундан ташқари, ҳамма кишилар ҳам бирдай курашчан эмас. Кўпчилик муросагўйликни, тинч-осойишта ҳаёт кечиришни маъқул кўради.

Агар демократик давлатлар ижтимоий адолатни мустаҳкамлаш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш учун сиёсий ва хуқуқий тарбияга бирдай эътибор қаратсалар, нодемократик давлатлар, ўз келажагидан кўрққани сабабли, сиёсий тарбияга хуқуқий тарбияга нисбатан кўпроқ эътибор беради. Улар сиёсий тарбияни ўқув жараёнига жорий қилиш қаторида ОАВ ва махсус тарғибот-ташвиқот тизими орқали ўз сиёсатини оқлашга, одамларга маъқуллатишга интилади. Лекин бу жараён силлиқ кечмайди. Чунки таълим тизими ходимлари,

профессор-ўқитувчилари, оммавий ахборот воситаларида хизмат қиладиган виждонли журналистлар, муҳолиф партиялар режим сиёсатини танқид қилади. Жамият, сиёсий қарашларига кўра, яқдил бўлмайди. Аммо нодемократик, айниқса, тоталитар давлатларда одамларнинг сиёсий қарашларида ташқи яқдиллик кўпроқ. Бунга сабаб, биринчидан, юқорида айтилганидек, аҳолининг аксарияти тинч-осойишта яшашни афзал кўради, сиёсий жиҳатдан индефферент, бепарк. Иккинчидан, аҳолининг бир қисми онги остида ижтимоий кўркув, давлат ҳокимиятига қарши фикр билдирса, жазоланиш, қатағонга учраш хавфи архетип сифати мавжуд. Учинчидан, давлатнинг тизимли ва муайян мақсадни кўзлаб олиб борган тарбияси натижа-сида, аҳолининг анча қисми онги ўзига хос тарзда зомби-лаштирилган ва манипуляция предметига айланган. Шу сабабдан, диктатура шароитида аҳоли ўртасида муҳолиф қарашлар кенг тарқалмайди, нисбатан яқдиллик вужудга келади.

Демократик давлатлар сиёсий тарбияни тўла моно-поллаштирмайди. Фикрлар хилма-хиллиги, мафкуравий плюрализм, сўз эркинлиги, эркин ОАВ қарашлар ранг-баранг бўлишига хизмат қилади. Сиёсий тарбия либерализм муҳитида табиий-тарихий, баъзан стихияли, баҳсларга, зиддиятларга бой ҳолда кечади. Демократик, эркин жамият аъзолари сиёсий қарашлари яқдил эмас. Уларда ўта ўнг қарашлардан ўта сўл қарашларгача учратиш мумкин. Шу сабабдан баъзи бир неофашистик, сиёсий экстремистик қарашлар айрим нодемократик мамлакатларда умуман учрамаслиги мумкин, чунки қонун билан тақиқланган. Аммо баъзи демократик мамлакатларда улар мавжуд. Демократик мамлакатлар аҳолисини сиёсий толерантлик руҳида тарбиялашга интилади. Фақат мавжуд конституцион тузумни куч билан ағдариб ташлашга чақириш тақиқланади. Толерантликни шакллантириш сиёсий-мафкуравий тарбиянинг асосий вазифаларидан биридир. Шу сабабдан, демократик давлатларда тафаккур эркинлиги, одамларнинг сиёсий ташаббускорлиги, ўз норозилигини уюшиб ифода эта олиши (митинглар, йиғилишлар, намойишлар орқали) билан нодемократик давлатлар аҳолисидан ажралиб туради.

Сиёсий тарбияни мустақил Ўзбекистонда қандай ташкил этиш керак. Биз эркин, демократик мутараққий давлатлар қаторидан жой олмоқчимиз. Бизнинг миллий ғоямизнинг асосий тушунча ва тамойиллари орасида ҳам, Ўзбекистон Конституциясида ҳам умуминсоний демократик қадриятлар, принциплар – миллатидан, тилидан, динидан, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар тенгхуқуқликлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик, ижтимоий шериклик, мафкуравий плюрализм ва бошқа сиёсий-демократик қадриятлар ўз ифодасини топган. Биз умуминсоний ва миллий қадриятларимизни уйғунлаштириш асосида ижтимоий ҳаётимизни ривожлантираемиз. Бу сиёсий ва ҳуқуқий тарбияга ҳам тааллуқли. Бизнинг халқимиз психологиясига митингбозлик, намойиш қилишлар унчалик хос эмас. Муросагўйлик, катталар маслаҳатига қулоқ тутиш анча кенг тарқалган. Аммо халқимиз совет даврида шикоят, ариза ёзишга ўрганган эди. Шуларни назарда тутиб, Президентнинг Виртуал қабулхонаси, ҳар бир туман, шаҳар, вилоят ва республикамизда Президентнинг Халқ қабулхоналари ташкил этилди. Бу аҳолининг манфаатларини юзага чиқариш воситаси қаторида унинг сиёсий ва ҳуқуқий онгини ўстириш омилидир. *Сиёсий тарбиянинг мақсади конформист, лоқайд, ёки сиёсий радикал шахсни тарбиялаш эмас. Балки сиёсий маданияти юксак, ўз манфаатларини жамият манфаатлари билан уйғунлаштира оладиган, сиёсий фаол ва эркин конструктив фикр юритадиган, саъй-ҳаракатлари тарихий заруратга, жамиятни ривожлантиришига мос кишини тарбиялашдир.* У жамиятни бошқаришда қатнаша оладиган, сиёсий жиҳатдан масъулиятини тўғри тушундиган шахс бўлиб етишиши лозим.

Сиёсий тарбиянинг праксиологик мақсади сиёсатчи арбобларни тайёрлаш эмас. Бунинг учун давлатнинг кадрлар тайёрлаш тизими, шу жумладан, давлат идоралари ва турли соҳалар учун раҳбар кадрларни тайёрлаш тизими мавжуд. Сиёсий тарбиянинг праксиологик мақсади жамиятда юксак сиёсий маданият ва фаолликни, сиёсий толерантлик ва сиёсий иммунитетни, сиёсий ирода ва барқарор, узлуксиз эркинлашиб борадиган сиёсий муҳитни шакллантиришдир.

Сиёсий ва ҳуқуқий тарбия инсонда ижтимоий туйғуларни, адолатга интилишни, одамларга тенг кўз билан боқишни, уларнинг сиёсий қарашларига, шахсий ҳуқуқларига ҳурматли, эҳтиром билан муносабатда бўлишни шакллантиришга йўналтирилиши лозим. Одамлар онгида ирқчилик, миллатчилик, уруғ-аймоқчилик, айирмачилик, гуруҳбозлик каби туйғуларга ва қарашларга нисбатан салбий ва танқидий муносабат қарор топиши керак. Бошқаларга тенг кўз билан қараш ҳамда ўз сиёсий ва юридик ҳақ-ҳуқуқларини юзага чиқаришни, ҳимоя қилишни, конун доирасида яшашни ва фаолият юритишни ўргатиш орқали инсоннинг *ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш сиёсий ва ҳуқуқий тарбиянинг бош вазифаларидан биридир.*

Адолат ҳуқуқнинг ва давлат бошқарувининг асосий мезонидир. Араб тилида адолат ва адлия сўзларининг ўзга-бир. Шарқ ва Ғарб мутафаккирлари адолатли жамият қуриш, адолатли давлат бошқаруви ва суд тизимини яратиш тўғрисида кўп бош қотирганлар, ажойиб ғояларни олға сурганларки, улар бугунгача аҳамиятини йўқотган эмас.

Адолат ғояси Ўрта Осиё мутафаккирлари асарларида ҳар томонлама очиб берилган. Одил (адолатли) ҳукмдор образи ва ғоясини биз Алишер Навоий «Хамса»сининг ҳар бир достонида, «Маҳбуб-ул қулуб» асарида учратамиз. Навоий ушбу ғояни теурийлар давлатини мустаҳкамлаш, тож талашишлар ва айирмачиликка барҳам бериш, мамлакатда яшовчи барча табақа, тоифа ва синфларнинг жипслигини таъминлаш, ташқи хавфдан сақланиш каби масалалар билан боғлайди. Адолат халқ тинч-осойишталиги ва маъмуриги, мамлакат ободонлиги омилдир. Навоийнинг устози Жомий адолатни, ҳатто, диний мансубликдан, диндорликдан устун қўйган:

*Нуктаи хуш гуфтааст он дурбин,  
Адл дорад мулкро қоим, на дин,  
Куфркеше, ку ба адл ояд фарех,  
Мулкро аз золими диндор бех.<sup>1</sup>*

<sup>1</sup> Жомий ва Навоий. – Т.: «Фан», 1996. 15-б.



(М а з м у н и: *У узоқни кўрувчи одам яхши сўз айтган: мамлакатни дин эмас, адолат сақлайди. Адолат билан машхур бўлган кофир юрт учун диндор золимдан кўра яхшироқдир.*)

Адолатни эътиқодий қадриятлардан устун қўйиш лозимлиги исломда аниқ кўрсатилган: «адли соат хабара мин ибодат ул-сақлин» – бир соатлик адолат, инсу жинс ибодатидан яхшироқ»<sup>1</sup>. Ушбу ибора турли вариантларда учрайди. Амир Темур шиори бежизга «Куч – адолатда» бўлмаган. Шаҳрисабздаги Амир Темур бино эттирган Оксарой битиклари орасида «Ал-адл асос ал мулк ва шиор ал-мулк» – «Адолат – давлат асоси ва подшоҳлар шиоридир» – деган ёзув учрайди. Шундай қилиб, адолат сиёсий тузумнинг ва сиёсий фаолиятнинг асоси, инсонга ва ҳокимиятга муносабатнинг мезони бўлмоғи лозимлиги ислом маънавиятининг, бағрикенглигининг талабларидан биридир. Адолат толерантликнинг мавжудлик шакллари-дан ва шартларидан биридир.

Айни пайтда толерантлик нисбий тушунча эканлигини унутмаслик керак. Терроризм, экстремизм, инсонга қарши зўравонликларнинг ҳар қандай шаклини тарғиб этувчи ғояларга нисбатан толерантлик тамойилини қўллаб бўлмайди. Бундай ғояларга нисбатан нафақат толерантлик, бағрикенглик қилиш, ҳатто бефарқлик, лоқайдлик кўрсатиш гуманизмга, инсонпарварликка, эзгуликка хиёнатдир. Хулоса қилиш мумкинки, *сиёсий ва ҳуқуқий тарбия терроризм, экстремизм, инсонга қарши зўравонликни тарғиб этувчи ғояларга нисбатан мафкуравий иммунитетни ва гоёвий қарши кураша олишни шакллантириши лозим.* Тарбия жараёнида бағрикенглик, адолат билан бир қаторда ўзида бузғунчи ғояларни, мафкуравий тоқатсизликни, сиёсий ва ижтимоий адолатсизликни инкор этиш туйғусини қарор топтириши керак.

Ҳуқуқий тарбиянинг асосий мақсади инсонга, халқнинг вакили сифатида, давлат ҳокимиятининг манбаи эканлигини англатиш. Бу инсоннинг ўз ҳуқуқлари ва демократик эркинликларини билиши қаторида ўзлигини англашининг бош мезонидир. Замонавий жамиятда ин-

<sup>1</sup> Алишер Навоий. 14-жилд. – Т. МАТ. 12-, 274-6.

соннинг ўзлигини англаши тафаккур ва эътиқод билан боғлиқ умумфалсафий тамойиллардан ташқари, биринчи навбатда, ўз ҳақ-ҳуқуқларини, имкониятларини, жамият унга нисбатан қўядиган талабларни (ўз масъуллигини) билишдан бошланади. Ҳуқуқий тарбия инсонга ўз кадр-қимматини англади, уни юзага чиқариш, ҳимоя қилиш, ривожлантириш имконини беради. Инсон кадр-қимматини белгиловчи омиллар кўп. Биринчи навбатда улар инсоннинг ақл-заковати, истеъдоди, яратувчилиги ва ижодкорлигига боғлиқ. Лекин булар инсон кадр-қимматини белгиловчи шахсий – субъектив омиллардир. Фақат уларнинг ўзи етарли эмас. Буюк истеъдодга эга шахс, меҳнатсевар бўлса-да, ижтимоий қарам, қул ёки крепостной бўлиши мумкин. Бундай шароитда унинг кадр-қиммати тўлақонли юзага чикмайди. Тоталитар диктатураларда ҳам буюк истеъдод, ижодкор шахс давлатга қарам. Давлат истаса, қаттиқ назорат остида уйда ёки ёпиқ (махфий) институтлар, конструкторлик бюроларида унга ишлашга руҳсат этади, истаса – ГУЛАГ тизимидаги шарашка деб аталган махсус ташкилотларда, лагерларда ишлатади. Ҳоҳласа, тузум ва халқ душмани, деб эълон қилади ва ҳатто ҳаётдан маҳрум этади. Шу сабабдан адолат ва қонун устуворлигининг давлат миқёсида таъминланиши инсон кадр-қимматини юзага чиқаради.

Ҳуқуқий тарбия жамият ҳаётининг барча соҳаларида – иқтисодда (бизнесда), сиёсатда, маиший ва оилавий турмушда, таълим, соғлиқни сақлаш, дам олиш, маданий эҳтиёжларни қондириш, спорт билан шуғулланиш, истеъмолда (жамият неъматларидан баҳраманд бўлишда) ва ҳ.к. инсонга манфаатларини тўғри англаб, уларни ҳимоя қилишни, айна пайтда, уларни бошқалар манфаатлари билан мувозанатга келтиришни, жамият талабларига мослаштиришни ўргатади. Бу билан жамият қонунийлик асосида барқарор ривожланиши учун зарур ижтимоий-сиёсий муҳитни яратади, турли конфронтацион қарама-қаршиликлар вужудга келишининг ҳуқуқий жиҳатдан анча олдини олади. Демак, ҳуқуқий тарбия жамият ижтимоий ларзаларсиз барқарор ривожланишининг, одамларда сиёсий ва ижтимоий-ижодий ташаббус ўсишининг муҳим шартларидан биридир.

Хукукий тарбия конун меъёрларини ўргатишдан, билим беришдан бошланади. Ҳар қандай билим хукукий онг ва тафаккурнинг ходисасига айланиши учун инсоннинг, аввало, ишончига, эътиқодига айланиши лозим. Бунинг учун эса инсоннинг олган хукукий билимлари, шаклланган қарашлари жамиятдаги амалиётга мос келиши керак. Яъни жамиятда шундай амалий-хукукий макон, муҳит шаклланиши лозимки, унда аксарият ҳолларда конун устуворлиги ва барчага бирдайлиги таъминланмоғи зарур. Акс ҳолда, хукукий тарбия ва хукукий амалиёт бир-бирига мос келмаса, хукукий билим ишончга, эътиқодга айланмайди. Тўғри, ҳуқуқ ва амалиёт тўла-тўқис юз фоиз мос келадиган идеал жамият бўлмайди. Ҳар қандай жамиятда ҳам сут эмган бандалар хато қилади, суд-ҳуқуқ тизими ҳам бундан мустасно эмас. Лекин хукукий амалиётдаги хатолар, айниқса, ғаразли мақсадларни кўзлаб атайлаб содир этилган хатолар кўпайиб кетмаслиги, тизимдаги хатоликларнинг, жумладан, сунистеъмомчиликларнинг олдини оладиган, тузатадиган, минималлаштирадиган таъсирчан механизм ишлаб чиқилган бўлиши шарт. Шунда хукукий тарбиянинг самарадорлиги ошади. Бундай механизм яратилмаса, хукукий тарбия қуруқ сафсатабозлик ва ноҳаётий ташвиқот даражасига тушиб қолади.

Хукукий давлат конун устуворлиги ва барчага бирдайлигини, ҳаммининг конун олдида тенглигини таъминловчи механизм яратилган жамиятнинг сиёсий ташкилотидир. Хукукий тарбия ҳар бир фуқарога ушбу механизмдан фойдалана олишни ўргатади. Лекин хукукий давлат тушунчасига юридик нуқтаи назардангина эмас, кенг маънавийлик, ахлоқийлик нуқтаи назардан ҳам ёндашиш мақсадга мувофиқ. Агар тор юридик нуқтаи назардан ёндашилса, унда ахлоқийлик иккинчи даражали ҳисобланиб, инсоннинг сиёсий, диний, шахсий зўравонликка ва экстремизмга бевосита амалий алоқаси йўқ, аммо шахсий фикр сифатида айтадиган ноахлоқий ғоялари ва муносабатлари сўз эркинлиги, фаолият эркинлиги сифатида талқин қилиниши мумкин. Ғарбда вольгар антропоцентризм, ахлоқий бузук, беҳаё асарлар, шахвоний ҳиссиёт ва муносабатларни очиқча кўрсатадиган маҳсулотлар, турли хил секс-шопплар, баъзи бир триллер фильмлар сўз

ва ахборот эркинлиги каби ҳуқуқий тушунчалар ёрдамида оқланмоқда. Аслини олганда, улар нафақат маънавий тарбияни, шунингдек, ҳуқуқий тарбияни ҳам издан чиқаради. Чунки зўравонликни, «душманларини» ҳеч иккиланмасдан яқсон этадиган «суперқаҳрамонларни», шахвоний эҳтирослари тизгин билмайдиган кимсаларни китобларда ўқиб, фильмларда кўриб ўсган болаларда раҳм-шафқат, муҳаббат, ҳаётга ошуфталик туйғулари етарлича шаклланмайди, кемтик бўлади. Баъзи ҳолларда улар иккиланмасдан қотилликка қўл уради. Шу сабабдан қонун устуворлиги тамойили маънавийликдан, ҳуқуқий тарбия маънавий тарбиянинг бошқа шаклларида ажратилмаслиги, ҳуқуқий давлат маънавий давлат ҳам бўлиши лозим. Уларнинг диалектик бирликни ташкил этувчи тушунчалар эканлиги тарбия жараёнида ҳисобга олиниши зарур.

Мафкуравий плюрализм ва муҳолифатга нисбатан ҳукуматнинг муносабати жамиятнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятидан келиб чиқади. Қонун устуворлиги ва барчага бирдайлиги таъминланган, аъзолари қонунга ихтиёрий риоя қиладиган, толерантлик қарор топган жамиятда мафкуравий плюрализм ва конструктив муҳолифат мамлакат тараққиётининг муҳим омилига айланади. *Бинобарин, қонун устуворлиги ва барчага бирдайлиги тамойилини, қонунга ихтиёрий риоя қилиш зарурлигини ижтимоий онгининг, жамият маънавиятининг етакчи қадриятларидан бирига айлантириш сиёсий ва ҳуқуқий тарбиянинг вазифалари қаторига киради.*

Одамлар онгига, ишлаб чиқарувчилар, хизмат кўрсатувчилар, савдо-сотик билан шуғулланувчилар, давлат идоралари, жамоат, нодавлат нотижорат ташкилотлари хизматчилари – ҳуллас, ижтимоий муносабатларнинг барча субъектлари онгига инсон ҳуқуқларининг давлат ҳуқуқидан, халқаро ҳуқуқнинг миллий ҳуқуқдан устуворлигини тарбия жараёнида сингдириш зарур.

Аҳолининг сиёсий ва ҳуқуқий саводхонлиги, фаоллиги юқори бўлгандагина, давлат идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишнинг реал имконияти вужудга келади. Сиёсий ва ҳуқуқий тарбия савиясини кўтаришда таълим муассасалари қаторида ОАВ ва маънавий-маърифий тадбирларнинг аҳамияти катта.

Айниқса, ТВ орқали кизиқарли, таъсирчан тайёрландиган тематик спектакллар ва телефильмларнинг таъсири кучли, аудиторияси улкан. Агар уч-тўрт ҳуқуқшунос телеэкранга чиқиб у ёки бу қонунни шарҳласа, тушунтирса, маъруза қилса, очиғини айтганда, кўпчилик телетомошабинларда катта қизиқиш уйғонмайди (Аслида бундай кўрсатувлар ҳам керак). Улар телевизорларини бошқа каналга ўтказади. Агар кўрсатув детектив воқеа ёки фуқаролик низосини кўриб чиқаётган суд мажлиси, унда айбловчи ва оқловчиларнинг кураши, ўз фикрларини қонунларнинг тегишли моддалари билан далиллаши, суд жараёнида судьянинг процессуал талаблар асосида айбловчи ёки оқловчи илтимосларини баҳолаши, қўллаб-қувватлаши ёки рад қилиши одамларнинг муайян қонун меъёрларини билиб олишларида маърузага нисбатан кўпроқ амалий фойда беради. Шу сабабдан аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга комплекс ёндашмоқ, барча воситалардан фойдаланмоқ керак.

Демократия қарор топиши ва ривожланиши учун одамларнинг сиёсий ва ҳуқуқий онги, фаоллиги юқори бўлмоғи лозим. Ўз навбатида, демократия ривожланиши одамларнинг сиёсий ва ҳуқуқий онги, фаоллиги юксалиши учун шарт-шароит ва турли имкониятлар яратади. Демократия, сиёсий ва ҳуқуқий онг юксалиши ўзаро диалектик боғлиқ, бир-бирини тақозо этувчи ҳодисалардир.

Тоталитар жамиятда инсонда фуқаролик эмас, балки режимга садоқат кадрланади. Ёлпасига ўрнатилган назорат, жазо олишдан кўрқув инсондаги ташаббусни ва танқидий-ижодий руҳни сўндиради. Уни конформистга, сиёсий вазиятга мослашувчи, бефарқ кишига айлантириб қўяди. Шу боис тоталитаризм ўз ҳақ-ҳуқуқини юзага чиқара оладиган фуқаро ва унинг фаол, аниқ ҳаётий позицияси юзага келишига тўсқинлик қилади.

Ҳар бир фуқаро демократиянинг моҳиятини тўғри англаб, уни нафақат охлократия ва анархиядан, шунингдек автократиядан – раҳбарнинг ўзгалар фикри билан ҳисоблашмасдан, ёлғиз бошқаришидан, бошқаларнинг унга куллик қилишидан ҳамда волонтаризмдан – шарт-шароит ва объектив ижтимоий қонунларни менсимасдан, фақат қатъий хоҳиш-иродага таяниб жамиятни бошқаришга

қаратилган усулдан фарқлай билиш керак. Сиёсий ва ҳуқуқий тарбия мазкур мақсадга хизмат қилади.

Демократия фуқаролардан ўз манфаатларини давлат ва жамият манфаатлари билан уйғунлаштира олишни талаб қилади. Акс ҳолда, одамларнинг жамиятга қўядиган талаблари нотўғри, ҳаддан зиёд бўлиши, худбинлик касб этиши, ёки аксинча, улар шахсий манфаатларини етарли даражада юзага чиқаролмасдан қолишлари мумкин. Биз шундай ижтимоий муносабатларга, қонун-тартибот ва ахлоқ тизимига, шундай маънавий муҳитга интилмоғимиз керакки, унда алоҳида шахс ва бутун жамият манфаатлари, заррача бўлса-да, зарар кўрмасин. Бинобарин, сиёсий ва ҳуқуқий тарбия шахс ва жамият манфаатларини уйғунлаштиришга замин яратмоғи керак.

Ўзбекистон демократик ислохотларни чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлидан собитқадам бормоқда. Таълим тизимини ислоҳ қилиш жараёнида таълим муассасаларида сиёсий ва ҳуқуқий билим олишга мўлжалланган тегишли предметлар ўқитилмоқда. Уларнинг мазмуни ва ўзаро давомий боғлиқлигини таҳлил этиб, такомиллаштириб бориш керак. Меҳнат жамоаларида сиёсий ва ҳуқуқий тарбиянинг мақбул шакллари ривожлантириш мақсадга мувофиқ. Уни қасаба уюшмалари (меҳнат ҳуқуқи ва муҳофазаси, ижтимоий шерикчилик ва жамоавий шартнома талабларини бажариш ва ш.к.), маънавий тарғибот бўлимининг, Ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилотлари (ҳуқуқий тарбиянинг барча шакл ва йўналишлари) орқали янада кучайтириш мумкин.

Мустақиллик даврида демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ҳалқимизнинг кўпасрлик давлатчилик тажрибасидан, жойларда ўзини ўзи бошқариш фуқаролик институти (маҳалла) тажрибасидан ва жаҳон халқлари ютуқларидан фойдаланилмоқда. Ёш авлодга мазкур тажриба ва ютуқлар мазмун-моҳиятини тўғри ва теран тушунтириш лозим. Мустақиллик йилларида янги асосларда қайта тикланган ва янгитдан вужудга келган фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ишида аҳолининг фаол иштирок этишига эришиш зарур. Бунинг учун эса сиёсий ва ҳуқуқий тар-

бияни кучайтириш талаб этилади. Сиёсий ва ҳуқуқий тарбия фақат оммавий, жамоавий тадбир ўтказишдан, маъруза ва суҳбатлардан иборат бўлиб қолмаслиги лозим. Тарбиянинг барча йўналишлари каби, сиёсий ва ҳуқуқий тарбияда оммавий, жамоавий ва индивидуал тадбирлар биргаликда олиб борилиши, ўз-ўзини тарбиялаш механизми фаоллаштирилиши лозим.

### **32. ИЛМИЙ ДУНЁҚАРАШ ВА ҲАЁТГА ОҚИЛОНА МУНОСАБАТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ**

Инсоннинг нарса ва ҳодисаларга муносабати, одамлар билан алоқалари, ҳулқ-атвори, келажак режалари, орзу-ҳаваслари унинг дунёқарашига боғлиқ. Дунёқараш инсоннинг борлиқ ва ҳаёт, эзгулик, гўзаллик, ҳақиқат ва ш.к.лар тўғрисидаги тизимлашган собит билимлари, қарашлари, ишонч ва эътиқодидир. Эътиқод дунёқарашнинг мағзини, ўзагини ташкил қилади. Дунёқараш кенг мазмунда социумнинг барча ҳодисалар, предметлар ва масалалар бўйича барқарор тасавурлари, устун тушунчалари, фикр-мулоҳазалари, хулосалари ва идеалларидир.

Дунёқарашсиз инсон йўқ. Аммо одамларнинг дунёқарашлари ўртасида фарқ бор. Дунёқарашни тўлиқ бири-бирига мос икки кишини топиш мумкин эмас. Чунки ҳар бир индивид бармоқ изларига ўхшаб онги, тафаккури, билимлари, ҳис-ҳаяжони, қизиқишлари, ҳаётий тажрибасига кўра ноёб, такрорланмасдир. Алоҳида индивидлар каби ижтимоий гуруҳлар дунёқарашни ўзаро фарқ қилади. Турли тарихий даврларда яшаган кишилар дунёқарашлари ўртасидаги фарқ катта бўлади. Ҳатто бир тарихий даврда, бир тузумда яшайдиган уч авлод қарашлари бир хил эмас. Катта авлод бироз консерватив, ёш авлод бироз радикал, ўрта авлод мўътадил қарашларга эга бўлиши тўғрисида биз аввалги бобларда гапирган эдик. Бундан ташқари, уч авлоднинг қадриятлар тизими, диди, баҳолаши, интилишлари ўртасида муайян тафовут кўзга ташланади.

Дунёқараш инсоннинг қандай шароитда, маънавий муҳитда вояга етгани, олган билими, тарбияси, ҳозир яшаётган шароити, моддий ва маънавий эҳтиёжлари, кенг

маънода манфаатлари қай даражада қондирилаётгани, ижтимоий аҳволи, жамиятда тутган мавқеи ва мақоми билан боғлиқ. Шу сабабдан ҳар хил ижтимоий синфлар ва табақаларга мансуб кишилар дунёқарашни бир-биридан ажралиб туради. Лекин бу фарқни марксизм-ленинизм таълимоти каби мутлақлаштирмаслик, курашчан партиявийлик ва синфийлик нуктаи назаридан ёндашиб, дунёқарашга, мафкурага сиёсий-конфронтацион (сиёсий қарама-қарши туриш) мазмун бағишламаслик керак.

Илмий дунёқарашни тарбиялаш деганда барча билимларни ўзлаштирган роботсимон, компьютерсимон киши қарашларини эмас, балки ўз мутахассислиги, ҳаётнинг асосий соҳалари бўйича илмий ва оқилона қарашларга эга бўлган ёки ҳар ҳолда мистика ва хурофотга, иррационализмга берилиб кетмайдиган, билмаган нарчасига жавобни илм-фандан ахтарадиган киши қарашлари назарда тутилади. Илмий дунёқарашни тор тушуниб, технократик қарашлар билан чалкаштирмаслик керак.

Таълим-тарбия ва ўқув тизими, аҳоли ўртасида олиб бориладиган маънавий-маърифий ишлар ёш авлодда, аҳолида илмий дунёқарашни шакллантиришга қаратилмоғи, таълим-тарбияга аралашиб кириб қолган ноилмий, мистик, эклектик қарашларга, «яланғоч» рационализмга таянадиган технократик қарашларга танқидий баҳо бермоғи лозим. Инсон диний-фантастик, мистик ҳамда технократик ғоялар, тушунчалар ва қарашлар моҳияти тўғрисида объектив илмий тасаввурга эга бўлмоғи, уларнинг самарасиз, баъзан ҳатто зарарли эканлигини билмоғи лозим. Шунда у ёпирилиб келаётган ҳар хил ахборотдан сарагини саракка, пучагини пучакка ажрата олади. Акс ҳолда, улар ўртасидаги фарқни аниқ билмасдан, эклектик фикрлаб юраверади.

Бундай ҳол, ноҳолис субъектив ёндашувларнинг, баҳоларнинг устунлик қилишига уриниш мустақилликнинг дастлабки йилларида кузатилди. Атеистик сиёсатдан воз кечилиб, виждон эркинлиги кафолатлангач, аҳолининг бир қисми дунёвий меъёрларни диний меъёрлар билан чалкаштириб, аралаштириб юборди. Диний меъёрларни ҳатто давлат ва жамиятни бошқариш тамойилига айлантиришни, Ўзбекистонни ислом республи-



ликаси деб эълон қилишни талаб қилган кимсалар пайдо бўлди. Улар халқни чалғитишга, давлат ҳокимиятига босим ўтказишга уришиб кўрдилар. Ҳозиргача динни никоб қилиб, ғаразли сиёсий мақсадларни кўзлаётган кимсалар мамлакатимиз ичида ва ташқарисида мавжуд.

Биз маънавий таҳдидларга, жумладан, диний-экстремистик ташвиқот-тарғиботга қарши мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш зарурлиги тўғрисида кўп гапирамиз. Ушбу ва яна қатор бошқа масалаларда мафкуравий иммунитет айнан объектив тўғри билимлар бериш, илмий дунёқарашни шакллантириш орқали ҳосил қилинади.

Дунёқарашда икки жиҳат – бир-биридан ажратиб бўлмайдиган объективлик ва субъективлик мавжуд. Объективлик, биринчидан, онгимиздан ташқаридаги унга боғлиқ бўлмаган воқеликнинг онгимизда адекват (аслига мувофиқ, мос, тўғри) акс этишидир. Иккинчидан, объективлик, илм-фан ва ижтимоий тажриба ривожланиши жараёнида ҳосил бўлган, воқеликни адекват, тўғри акс эттирадиган ғоялар, образлар, тушунчалар, тасаввурлар тизимидир. Улар мазмунан объектив, холис. Лекин инсон уларни тафаккури ёрдамида англаб олади, акс эттиради, ифодалайди. Англаб олинган, инсон билимларининг, қарашларининг бир бўлагига айланган воқелик сифатида эса у субъективдир. Бошқача айтганда, *объектив олам инсон онгида субъектив акс этади.*

Инсоннинг миёсидаги фикр-ўйларини, хаёли ва туйғуларини ушлаб, кўриб, ҳидлаб, эшитиб бўлмайди. Агар инсон уларни нутқда, тилда, ёзувда, ҳаракатда, суратда, ҳайкалда ёки бошқа бир усулда ифодаламаса, акс эттирмаса, биз уларни умуман сезмаймиз. Шундай қилиб, инсон онги, тафаккури, туйғулари, эҳтирослари ва ҳ.к.ларда объектив реалликнинг тушунча ва образларда акс этиши, инъикоси – субъективдир. Дунёқараш тушунчалар ва ғоялар тизими сифатида субъектив ҳодисадир. Дунёқараш инсоннинг ҳаётий тажрибаси, жамиятда олган тарбияси, фаннинг объектив далиллари ва хулосалари асосида шаклланади ва унинг онгида акс этиб, унинг субъектив эътиқодига, қарашларига айланади.

Дунёқарашни шакллантиришда, тарбия жараёнида мутаассибликнинг (фанатизмнинг) олдини олиш зарур.

Фанатизм муайян ғояга (кўп ҳолларда хато ёки сохта ғояга) қаттиқ ишониб, ўзгача фикрларни, муқобил ғояларни тўлиқ инқор қилиш, уларга нисбатан тоқатсиз, муросасиз бўлиш, зарур вазиятларда уларга қарши қаттиқ курашиш, ўз ғояси йўлида ҳеч нарсадан тоймасликдир. Мутаассиблик дунёқарашни ўта чеклайди ва унга деструктив мазмун бағишлайди. Аммо мутаассиб бўлмаган мистик ва технократик қарашлар ҳам инсонпарвар, илмий дунёқараш қарор топишига салбий таъсир қилади.

Ўз эътиқодига, ғоясига содиқликни мутаассибликдан фарқлаш керак. Олимнинг кашф этган янгилиги, олға сурган янги илмий ғояси унинг учун ҳаёти мазмунига, асосий қадриятига айланиши мумкин. У ўз ғоясидан, дунёқарашидан воз кечолмайди. Воз кечса, бутун умри давомида қилган ишларида, илмий тадқиқотларида маъно-мазмун қолмайди, ҳаёти ёлғон, сохта ва пуч бўлиб чиқади. Шу сабабдан Сукрот эътиқодидан қайтишдан кўра, қатл қилинишни афзал билган. Улуғбек қатлининг кўзга кўринмас сабаби аслида ота ва ўғил ўртасидаги зиддият эмас, Улуғбекнинг илмий-рационалистик дунёқарашга содиқ қолганида, диний мутаассибларга ён босмаганида яширинган. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Улуғбек ва дин намояндалари ўртасидаги муносабат узок йиллар давомида жуда зиддиятли ва муросасиз кечган.

Шарқ ва Ғарбнинг буюк олимлари доимо илмий ва диний қарашларни чалкаштирмаслик зарурлигини таъкидлаганлар. Аммо Европа Маърифатпарварлигигача дин ҳукмрон мафкура сифатида фанга босим ўтказишга, уни ўзига бўйсундиришга ҳаракат қилган. Антик дунёнинг даҳо олимларидан бири, атом назариясининг асосчиси Демокритдан бизгача бирорта тўлиқ асар етиб келмаган. Ваҳоланки, унинг ғоявий муҳолифи Платон (Афлотун)дан 15 жилдик асарлар сақланиб қолган. Биз Демокрит қарашлари ҳақида унинг илмий муҳолифлари келтирган иқтибослар, танқидий шарҳлар орқали биламиз.

Инсоният тарихида энг буюк олимлардан ҳисобланган Абу Райҳон Беруний ёзган асарларнинг фақат бешдан бир қисмигина сақланиб қолган. Фараз қилиш мумкинки, Берунийнинг ислом таълимотига мос келмайдиган асарлари

уламолар томонидан маъқулланмагани учун вақт ўтиши билан қайта кўчирилмаган ва йўқолиб кетган. Уламолар маъқулламаган асарлардан ҳеч ким фойдаланмаган, ундан иқтибос келтиришга, шарҳлашга журъат этмаган. Авайлаб асралмаган, 1–2 нусхада китобат этилган асарлар моғор босиб, чириб кетган. Берунийнинг кўчирилмаган 1–2 нусхадаги бундай асарлари Ғазнавийлар саройига янги сулола Ғўрийлар томонидан ўт кўйилиши туфайли ёниб кетган бўлиши ҳам мумкин. Агар улар 5–6 нусхада кўчирилиб, турли жойларга юборилганда, сақланиб қолармиди?

Берунийнинг бошқа бир даҳо замондоши Абу Али Ибн Сино тириклигидаёқ куфрда айбланган. Гиж-гижлар шу даражагача етганки, Ибн Сино «Агар мен кофир бўлсам, дунёда мусулмоннинг ўзи йўк», дейишгача борган. Форобий, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек ва бошқа буюк олимлар аслида Оллоҳга сидқидилдан ишонганлар, исломнинг талабларини тўла-тўқис бажарганлар, эътиқодлари баланд бўлган. Фақат улар имон-эътиқод масаласини олам сир-асрорларини илмий билиш билан чалкаштирмаганлар. Оллоҳ ақл ва тафаккурни, илмий истеъдодни, қобилиятни инсонга оламни, табиат сирларини билиш учун берган, агар инсон оламни илмий ўрганмаса, Оллоҳни яхши танимас, унинг ҳақиқатини чуқур билиб ололмас эди, ҳақиқатга интилиш, ҳақиқатни илм-фан орқали кашф этиш Оллоҳ кўрсатмасини, унинг инсонга юклаган бурчини бажаришдир, деб ҳисоблаганлар. Оламни Оллоҳнинг тажаллиси деб ҳисоблаган таълимот (тасаввуф) тарафдорларига улар, гар табиат Оллоҳнинг шуъласи экан, демак уни билиш бевосита Оллоҳни танишнинг бир зарурий усулидир, қабилида жавоб берганлар.

Фан ва диннинг олам ва борлиқ ҳақидаги зиддиятларни ҳал қилиш зарурати, охир-оқибат, «икки хил ҳақиқат» таълимотини вужудга келтирди. Ушбу таълимотга дунёвий илм-фан ва фалсафани, хусусан, Ибн Синони Ғаззолий ва ислом илоҳиятчиларидан ҳимоя қилиш учун буюк даҳо Ибн Рушд асос солди. Ибн Рушдгача ҳам баъзи бир илмий ҳақиқатлар дин назарида ёлғон бўлиши, аксинча, баъзи бир диний ҳақиқат фан назарида ёлғон бўлиши мумкин, деган гоёлар бор эди. Аммо

Ғаззолий «Таҳофут ал-фаласифа» ва «Китоб ихё улум ад-дин» асарларида илм-фан ва фалсафага қилган хужуми, илмий-рационалистик дунёқарашни тўлиқ инкор қилиб, идрок ва тафаккур диний ҳақиқатга асосланиши зарур, деган даъволаридан кейин Ибн Рушд «икки хил ҳақиқат» таълимотини олға сурган эди.

Аслида Ғаззолийнинг дунёвий илм-фанга муносабати ўта зиддиятли бўлган. У фанларни ёппасига инкор этмаган, ҳисоб илми, ҳандаса ва илми нужумни (астрономия) инкор қилмаган. Уларни амалий ҳаёт учун зарур ва фойдали ҳисоблаган. Уларнинг илмий натижалари ва рационалистик усулини тан олган. Лекин, барибир, уларни назарий онг ва дунёқараш даражасида иккинчи даражали ҳисоблаган.

Ибн Рушднинг ушбу таълимоти Европада фаннинг черков таъсиридан аста-секин кутулишига катта ёрдам берди. Уни Брабандлик Сигер, Дунс Скотт, У. Оккам, Уйғониш даврида эса Помпанацци ва умуман падуя мактаби ривожлантирди. «Икки хил ҳақиқат» таълимоти Ғарбда илмий рационализмни сақлаб қолиш ва ривожлантириш учун интеллектуал шарт-шароит яратди. Шарқда эса у кенг тарқалмади. Диний-мистик қарашлар йилдан-йил устунлик қила бошлади. Оқибати маълум.

Авэрроизм (Ибн Рушд таълимоти) Европа илм-фани ва тафаккур тарзига жуда самарали таъсир кўрсатган бўлса-да, католик черковининг мавқеи ҳар жиҳатдан кучли эди. У ўз талимотига очиқча зид келадиган ҳар қандай назария ва унинг муаллифларига қарши курашар эди. Рим католик черковининг суди – инквизиция итальян олими Жордано Брунони гулҳанда куйдирган. Галилео Галилейни эса ер ўз ўқи ва қуёш атрофида айланади, деган илмий ғоясидан воз кечишга мажбур этган. Акс ҳолда, Галилейни ҳам Бруно қисмати кутар эди. Европа Маърифатпарварлик давридан – XVII–XVIII асрдан бошлаб католик черковини аста-секин танқид қилиш бошланиб, муттасил кучайиб борди. Капиталистик муносабатлар ривожланиши ҳамда фалсафа, илм-фан, адабиёт ва санъат орқали олға сурилган инсонпарварлик, эркинлик ва тенглик ғоялари таъсирида жамиятнинг секуляризациялашуви бошланди. Европада диний мафкура XVIII охири

– XIX асрда ҳукмронлик мавқеини йўқотди, инквизиция суди бекор қилинди.

Аввалги бобларда айтиб ўтганимиздек, бу даврда ислом мамлакатларида биз тескари манзарани кўрамыз: диний догматизм ва анъанавийлик ижтимоий ҳаётни ўзига тўлиқ буйсундириб олди. Илм-фан ва илмий рационалистик дунёқараш бундан ҳаддан ташқари зиён кўрди.

Фан ва дин тўғрисида аввал билдирилган баъзи фикрларни яна эслатиш жоиз. Уларнинг ҳар иккаласи ижтимоий ҳодиса, инсон ижодий фаолияти натижасидир. Жамиятдан, инсондан ташқарида – табиатда на фан, на дин бор. Улар инсоннинг муайян маънавий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш учун вужудга келган. Уларнинг ҳар иккаласи ижтимоий онг шакллариدير. Бирида (динда) далилсиз, исботсиз илоҳий ишонч устунлик қилса, иккинчисида (фанда) аниқ далиллар ва мантикий исбот асосидаги ақлга таянган дунёвий ишонч устунлик қилади. Ҳар иккаласи ҳам ўз фикрларини, ғояларини, қарашларини, ҳулосаларини тизимлаштиради, фалсафага, мантиққа мувожаат этади.

Совет давридаги динга нисбатан юритилган нотўғри сиёсат, виждон ва эътиқод эркинлиги тамойили бузилганлиги қораланиб, мафкуравий хилма-хиллик (плюрализм) эълон қилинган, жамият аъзоларининг бир қисмида (улар орасида айрим олимларгача бор) фан ва динни механик қориштиришга уринишлар кўзга ташлана бошлади. Юкорида таъкидланганидек, ҳаттоки Қуръони каримдаги оламнинг Оллоҳ томонидан яратилиши тўғрисидаги оятлар ҳозирги замон квант физикаси назарияларига тўлиқ мос келишини эътироф этиб чиққанлар бўлди. Дарвиннинг эволюцион назариясига ҳужумлар бошланди. Ақли етган ҳам, етмаган ҳам билағонга айланди. Аслида уларнинг, айримлари ҳисобга олинмаганда, кўпчилиги на фандан, на диндан етарлича билимга эгадирлар. Натижада аҳоли, айниқса ёш авлод дунёқарашига иррационал, эклектик тасаввурлар, мистика, хурофот ва бидъат унсурлари аралашиб қолмоқда, уларни ижтимоий мўлжаллар ва идеалларни тўғри танлашда чалғитмоқда. Шу сабабдан илмий дунёқарашни тарбиялашда мантикий чайқовчилик усуллари, иррационал ва эклектик ёндашувлар танқидига,

воқеа ва ҳодисаларни холис ва ижодий баҳолашни ўргатишга эътибор кучайтирилиши керак.

Виждон эркинлигини нафақат диндорларга ўз диний эҳтиёжларини қондириш учун тўла шароит яратишни, зарур бўлса, химоя қилишни, шунингдек, диндор бўлмаган фуқароларни ҳам уларга мажбуран диний эътиқодни тиқиштиришдан, тажовузкор диний секталар ва оқимлардан химоя қилишни билдиради. Ушбу тамойил тарбия жараёнида ҳар бир кишининг онгига сингдирилиши керак.

Юқориди таъкидлаганидек, илмий-рационал дунёқараш – конкрет тарихий ҳодиса. Оламни, нарса ва ҳодисаларни билишда фан ўз замонаси имкониятлари, тараққиёт даражаси билан чекланганлигини айтиб ўтган эдик. Илмий билиш узлуксиз давом этадиган, вақти-вақти билан буюк кашфиётлар қилиб, янги сифат босқичига кўтариладиган жараёндир. Мазкур жараёнда ўрганилаётган нарса ва ҳодисаларнинг воқелигидан, яъни ташқи кўриниши, шакли, тузилмаси, хатти-ҳаракати, хоссасидан уларнинг ички мазмунига, ички хоссасига, моҳиятига кириб борилади. Бошқача айтганда, билимларимиз шаклдан мазмунга, воқелиқдан моҳиятга қараб ривожланади.

Илмий билиш чуқурлашиб борган сайин мавжуд муаммоларга ечим, саволларга жавоб топилиб бораверади. Аммо, аввал таъкидлаганимиздек, янада янги илмий муаммолар ва саволлар вужудга келаверади. Бу илмий билиш жараёнининг, умуман, инсон билимлари ривожланишининг қонуниятидир. Янги муаммолар ва саволлар туғилиши агностик, мистик, диний ва бошқа тусдаги иррационалистик қарашлар, мантикий чайқовчиликлар учун асос бўлолмайди.

Таълим тизимида, маънавий-маърифий тадбирларда фан ва техника ютуқларини кенг тарғиб этиш зарур. Айниқса, коинот, ўзга галактикалар, экзосайёралар, молекуляр биология, генетика ва биотехнологиялар, ахборот-коммуникация технологиялари ва шу каби дунёқарашнинг фундаментал масалаларини ўргатувчи фанлар ютуқларини ёйиш керак. Таълим-тарбия ва маънавий-маърифий жараёнларда интерфаол усуллардан ва мониторларда фан ютуқларини намоиш этувчи клиплар ва қисқа ҳужжатли фильмлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Ёшлар орасида ҳар хил диспут ва дискуссиялар уюштириш керак. Уларда илмий қонунларга ва объектив ҳақиқатга турли экстрасенслар, кароматчилар, парасихологлар ва шу каби «ғайритабiiий қобилияти» бор кимсалар даъволари қай даражада мослиги, ўзга сайёраликларнинг кемалари ерга келиши мумкин ёки мумкин эмаслиги каби кўплаб қизиқарли масалаларни муҳокама мавзусига айлантириш керак.

Худди шундай илм-фан ютуқларини амалиётга жорий қилишнинг ахлоқий муаммолари, масалан, ҳайвонларни ва инсонни клонлаштиришни баҳслар мавзусига айлантурса бўлади. Ҳар ҳолда, бу йўналишда тарбия фаол олиб борилиши зарур. Акс ҳолда, кўплаб ёшлар онги, дунёқарашида тўғри ғоялар қаторида турли мистик, сохта ва ёлғон ғоялар кўпайиб бораётир. Сохта ғояларга қаттиқ ишонадиган киши фаол бўлса, ўз қарашларини бошқалар ўртасида ёйишга, биринчи галда, болалари ва оила аъзоларига мажбурий сингдиришга уринади. Кези келганда, маънавий тажовузкорликдан қайтмайди. Сохта ғояларга қаттиқ ишонадиган киши бўш-баёв бўлса, ўзгалар қўлида қуролга айланиб қолиши ҳеч гап эмас.

Интернет макони муттасил кенгайиб, ҳар хил ижтимоий тармоқлар, замонавий алоқаларда рақамли технологиялар жадал қўлланилаётган шароитда дунёқарашни шакллантиришда янги ижобий имкониятлар билан бир қаторда янги зиддиятлар ва муаммолар вужудга келди. Аввал таъкидлаганимиздек, ахборот портлаши оқибатида кўпчилик одамлар ёпирилиб келаётган ҳар хил ахборотни танқидий англаб олишга, баҳолашга ожиз. Шунингдек, махсус танлаб олинган ахборот ёрдамида оддий фуқаролар, жамоатчилик онгига хуруж қилинмоқда, ижтимоий онг бошқарилмоқда. Бу нафақат геосиёсий мақсадларни кўзлаган доираларга, шунингдек, ҳар хил ахлоқий, бузғунчи ғояларни (биржинсли никоҳлар ва гомосексуализмга ўхшаш), тажовузкор диний ва мистик қарашларни тарқатишга уринаётган гуруҳларга ҳам тааллуқли.

Реал ҳаёт, реал муаммолар виртуал ҳаёт, виртуал муаммолар билан алмаштирилмоқда, уларнинг виртуал ечимлари инсон онгига, дунёқарашига, кадриятлар тизимига салбий таъсир кўрсатмоқда. Тарбия жараёнида бунини эъти-

бордан қочирмаслик керак. Илгари тарбия реал ҳаётнинг реал масалалари билан шуғулланар эди. Ҳозирги шароитда эса тарбия реал ҳаётнинг реал муаммолари билан бир қаторда виртуал ҳаётнинг, виртуал оламнинг сунъий ўйлаб топилган, аммо баъзан инсоннинг инсоний табиатига тажовуз қилувчи, уни ич-ичидан емирувчи, компьютернинг асирига, машинанинг қулига ёки янги кибернетик организмга (киборгга) айлантириш хавфи каби муаммолар билан ҳам шуғулланишга мажбур.

Ахборот эркинлиги, ахборот бозорида рақобатнинг кучайиши, геосиёсий таъсир ва хукмронлик учун буюк давлатлар ўртасидаги рақобат, демократияни олға силжитиш баҳонасида баъзи давлатларда «рангли инқилоблар»ни амалга оширишга уринишлар, неоколониалистик сиёсат ва «икки хил стандартлар»ни қўллаш мафкуравий курашни кучайтирмоқда. Замонавий дунёнинг ушбу зиддиятли манзараси мафкуравий иммунитетни тарбиялаш масаласи долзарблигини янада оширмоқда.

Юқорида эътироф этилганидек, илмий дунёқарашни тарбиялаш барча масалаларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг асосий ва ҳал қилувчи омилдир. Лекин тарбия жараёнида психологик омиллар ҳисобга олинмиши зарур. Чунки болалар яшайдиган оила муҳити, оилада олган тарбияси ҳар хил бўлади. Баъзи ота-оналар зиёли, ўқимишли, илғор қарашларга эга, баъзиларнинг билим даражаси унча юқори эмас, ўзлари қоқоқ урф-одатларга мойил, баъзилари ўта диндор, аммо дин асосларини яхши билмайди. Табиийки, улар болаларига ҳар хил тарбия беради. Шу сабабдан маънавий тарбияда, жумладан, илмий дунёқарашни шакллантиришда ҳаммага бир хил ёндашиб, бир хил талаблар қўйиб бўлмайди. Болаларнинг маданий савияси, оилавий қадриятлар тизими, психологик муҳити ҳисобга олинмиши зарур. Бу эса тарбия жараёнига умумий ёндашувлар билан бир қаторда индивидуал ёндашувни тақозо этади.

Бозор муносабатлари, хусусий мулк, хусусий бизнес ривожланиши жамиятдаги бир тоифа одамларда нафсни, бойлик ва фойда кетидан қувишни, баъзи бир инсонийлик меъёрларига беписанд қарашни келтириб чиқарди. Оқилоналик ва асл гуманистик рационализм ўрнини



«яланғоч», «меркантил рационализм» эгалламоқда. Технократик қарашлар каби, меҳр-оқибатсиз, ҳис-туйғусиз, фақат тубан моддий манфаатдорликка қаратилган меркантил рационализм хавфли. У инсон маънавиятини ичичидан емиради. Илмий дунёқараш меркантил рационализм асосида вужудга келмайди.

Ўзбекистонда маънан етук баркамол авлодни тарбиялашда илмий дунёқарашни шакллантириш жуда улкан аҳамият касб этади. Биринчидан, бу ёш авлоднинг ҳаётга тўғри муносабатини, ижтимоий мақсадларни, мўлжалларни тўғри танлашга хизмат қилади. Илмий дунёқарашга эга бўлмаган авлод, миллат ижтимоий ривожланиш йўлларини белгилашда адашиб кетади, уни келажакка эмас, балки ўтмишга ёки реал мақсадларга эмас, балки ҳавойи орзу-ҳавасларга йўналтириши мумкин.

Шарқ халқлари тарихи бунини кўрсатиб турибди. Улар IX–XII асрларда жаҳондаги юксак ривожланган, пешқадам халқлар эди. Бутун жаҳон илм-фани, маданияти улар ортидан эргашар, улар ютуқларини ўзлаштиришга ҳаракат қилар эди. XVI асрдан бу халқлар дунёқарашини диний-мистик, иррационалистик ва догматик қарашлар устунлик қила бошлади. Натижада, жамият таназзулга, қолокликка юз тутди. Охир-оқибат, мусулмон мамлакатларининг мутлақ кўпчилиги миллий мустақиллигидан айрилиб, Европа мамлакатларининг мустақиллигига айланди.

Иккинчидан, буюк бобомиз Абу Райҳон Беруний таъкидлаганидек: «Билимсиз кишиларнинг кўнгли хурофотга мойил бўлади». Илмий дунёқараш устунлик қилган жойда ҳар хил хурофот, бидъат, мистика, фолбинлик, экстрасенслик, сохта табиблик каби қаллобликлар камаяди. Одамлар турли алдоқчи ва фирибгарларнинг тузоғига камроқ тушади. Жамиятда маънавий муҳит анча соғломлашади.

Учинчидан, одамлар турли ғайритабиий мўъжизаларга кўз тутиб, умид қилиб турмасдан, ўз кучига, ақл-заковатига таяниб иш қилади. Ижодкорлик, яратувчилик қобилияти ортади. Шахсга сиғиниш ва доҳийпарастлик камаяди. Жамиятда кечаётган жараёнларга, турли шахсларнинг ишларига, шу жумладан, одамларнинг ўз-ўзларига танқидий

ва холис баҳо бериши сезиларли равишда ортади. Бу эса кейинги ривожланиш учун жуда зарур ва фойдали.

Илмий дунёқараш – иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ҳукукий, ахлокий, эстетик, фалсафий қарашларнинг, самарали яратувчилик амалиётининг, умуман, ижтимоий тараққиётнинг назарий-интеллектуал ва руҳий-маънавий негизидир.

### **33. МИЛЛИЙ, ЖАМОАВИЙ ВА ШАХСИЙ МАНФААТЛАРНИ МУВОЗАНАТГА КЕЛТИРИШ ВА УЙҒУНЛАШТИРИШ**

*Манфаатлар тушунчаси* фалсафа, тарих, иқтисод, социология, сиёсатшунослик, психология каби ижтимоий-гуманитар фанларнинг мураккаб ва зиддиятли тушунчаларидан биридир. У шунчаки маълум мақсадга интилишни, эҳтиёжларни қондиришни, воқеалар ва муносабатларнинг муайян тарзда кечишидан фойда кўришни англатибгина қолмайди. У узоқ муддатли стратегик мақсадларни, яхши яшашга ва тараққиётга интилишни, тинч ва осойишта, барқарор юксалишни, келажакдан, орзу-ҳавасларни амалга оширишдан умидворликни ҳам англатади. Манфаатлар иқтисодий ва сиёсий тажовузкорлик, геосиёсий ҳукмронлик руҳида ҳам талқин қилинади. Бу синфий эксплуатацияни, давлатлар ўртасидаги урушларни, мустамлакачиликни оқлашга асос бўлган. Бугун ҳам унинг айрим кескин ва кўпол шакллари илгаригидек халқаро муносабатларда тан олинмаса-да, неомустамлакачилик, баъзи геосиёсий, инсон ҳуқуқлари ва демократик эркинликлар ниқоби остидаги кўринишлари мавжуд. Шу сабабдан мазкур тушунчани кўплаб фанлар ўрганади ва ҳар қайси фан унга ўз мазмунини юклайди.

Инсон яшаши, бола-чақасини боқиши учун унга доимий даромад манбаи (иш жойи) керак. У турмуш фаравонлиги йилдан йилга ўсишини хоҳлайди. Булар инсоннинг иқтисодий эҳтиёжларидир. Инсон фақат ейиш-ичиш учунгина тирик эмас. Унга бошқалар билан мулоқот керак. У она тили, оиласи, уруғ жамоаси, элати, миллати келиб чиқишини, тарихини, урф-одатларини, халқининг дostonлари, кўшиқлари, адабиёти ва санъати-

ни, бошқа халқларнинг кадриятларини билгиси келади. Одамлар бола-чақаси яхши билим олишини, касб-ҳунар ва мутахасислик эгаллашини, яхши тарбия топиб, ҳаётда бировдан кам бўлмасдан, соғлом ва бақувват ўсишини истайди. Булар унинг ижтимоий ва маънавий-маданий эҳтиёжларидир.

Инсон тинч-осойишта ва эркин ҳаёт кечиришни, мамлакати, юрти тинч, сиёсий барқарор, кўни-кўшниси ҳам тинч-омон, жамиятдаги умумий муҳит хайрихоҳ, меҳрокибатли, яратувчиликка мойил, барча бўғинлардаги давлат амалдорлари халқпарвар, адолатли бўлишини орзу қилади. Булар инсоннинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва ахлоқий эҳтиёжларидир. Мазкур эҳтиёжлар бошқача шаклда ва мураккаброқ кўринишда оилага ҳам, давлат ва жамиятга ҳам хос.

Эҳтиёжларнинг қондирилиши инсон ва жамият амалий фаолиятининг асосий мақсадидир. Айнан эҳтиёжларнинг қондирилишида *манфаат(лар) юзага чиқади. Ёки манфаат(лар) эҳтиёжларни қондиришига интилишдир, дейиш мумкин.*

Атокли француз мутафаккири К.А.Гельвеций «Ақл тўғрисида» асарида жамият ҳаёти ва ривожланиши манфаат қонунига бўйсуннишни, очлик ва муҳаббат дунёни бошқаришини таъкидлайди. У шундай ёзган: «Агар табиий олам ҳаракат қонунига бўйсунса, маънавий оламнинг манфаат қонунига бўйсунниши ундан кам эмас. Ер юзида манфаат барча жонзодлар кўз ўнгида ҳар қандай предметнинг турини ўзгартира оладиган қудратли сеҳргардир»<sup>1</sup>. Гельвеций фикри кейинги файласуфлар томонидан ривожлантирилди. Фақат файласуфлар ўзларининг илмий ва ижтимоий-сиёсий, ахлоқий позицияларидан келиб чиқиб масаланинг у ёки бу томонига кўпроқ урғу бердилар. Ҳегел манфаатларини кўпроқ инсон руҳи феноменологияси билан боғлаган: «Тарихга яқиндан назар ташлаб шунга амин бўламызки, одамларнинг ҳаракати уларнинг эҳтиёжларидан, эҳтиросларидан, манфаатларидан...келиб чиқади»<sup>2</sup>, деб таъкидлайди у.

<sup>1</sup> К.А.Гельвеций. Об уме. – М.: 1938. С. 34.

<sup>2</sup> Гегель. Соч., 8-жилд. – М.–Л.: 1935. С. 20.

Марксизм шахсий, индивидуал манфаатлар қаторида синфий, миллий ва халқаро манфаатлар тўғрисида ҳам фикр юритади. Бунда у синфий манфаатларнинг устуворлигини тан олади. Капитализм шароитида миллий манфаатлар ўрнини миллий буржуазия манфаатлари эгаллайди, деб ҳисоблайди. Марксизм-ленинизмга биноан, пролетариатнинг ватани ҳам, миллий манфаати ҳам йўқ. Унинг фақат синфий манфаати бор. Синфий манфаат уни бошқа эзилган халқлар ва жаҳон пролетариати билан бирлашишга ундайди. Буни унинг ўзи англай олмаслиги мумкин. Худди шундай жаҳон буржуазияси инқилобий пролетариатга қарши бирлашишдан, жаҳонни мустамлакага айлантириб, бўлиб олишдан манфаатдор. Лекин миллий буржуазиянинг тор, ғаразли иқтисодий ва сиёсий манфаатлари улар ва бошқа мамлакатлар буржуазияси орасида зиддиятларни, ҳатто урушларни келтириб чиқарди.

Марксизм-ленинизм манфаат(лар) тушунчасини анча кенг таҳлил қилди. Аммо масалаларга тор инқилобий, синфийлик ва партиявийлик нуқтаи назаридан ёндашди. Манфаатлардаги зиддиятларни, алоҳидаликни мутлақлаштирди, умумийликни инкор қилди. Умумийлик асосида синфий манфаатларни муросага келтириш, имкон қадар уйғунлаштириш, мулкдор (буржуа) ва ишга ёлланувчи (пролетарий) ўртасида ижтимоий шериклик ўрнатишга ҳаракат қилишни оппортунизм, ревизионизм, хоинлик, штрейкбрехерлик ва ш.к. салбий баҳолар билан «сийлади». Марксизм-ленинизм ижтимоий шерикликни қатъиян рад этиб, фақат муросасиз синфий курашни ёқлади. Бу ундаги айрим тўғри илмий-фалсафий хулосаларни оқибатда обрўсизлантирди.

Манфаат(лар) – нисбий тушунча. У давр ва шароит талабларига, сиёсий ва иқтисодий конъюнктурага мувофиқ ўзгариб боради. Манфаат(лар) шахсни жамоа ва жамият билан боғлайди, бирлаштиради, чунки унинг асосида зарур эҳтиёжлар ётади. Шу сабабдан манфаат ўзаро эҳтиёжларни қондиришга қаратилган социумнинг турли даражалари ўртасидаги зарурий алоқалар ва уларнинг социум томонидан англаниши десак, хато қилмаймиз.

Манфаатларни, эҳтиёжлар каби, соғлом ва носоғлом манфаатларга бўлиш мумкин. Инсон ва жамият ривожла-

нишига, ҳаёт фаровонлиги ва маънавий юксалишига хизмат қиладиган манфаатлар соғлом манфаатлардир, улар асл инсоний эҳтиёжлардан келиб чиқади. Носоғлом манфаатлар нафс ва хирсга айланади, маънавиятга салбий таъсир кўрсатади. Оқибат натижада уларни қондириш учун ё бировни эксплуатация қилиш, алдаш, ҳақидан уриш, фирибгарлик қилиш, ё ўғирлик, зўравонлик қилиш, ё ахлокий бузқликнинг, қонунбузарликнинг бошқа шаклларида фойдаланиш керак. Маънавий тарбия инсонда соғлом эҳтиёжларни шакллантириши, унга соғлом манфаатларни носоғлом манфаатлардан фарқлашни ўргатиши зарур.

Жамият барқарор ва самарали ривожланишининг сиёсий, иқтисодий, ахлокий, ҳуқуқий ва бошқа кўплаб ижтимоий омиллари бор. Улар орасида шахсий, жамоавий-корпоратив, ҳудудий-минтақавий манфаатлар, давлат манфаатлари ва умуммиллий манфаатлар алоҳида ажралиб туради. Улар орасида анча-мунча фарқ мавжуд. Бу эса уларни ўзаро мувозанатга келтиришни, уйғунлаштиришни тақозо этади. Акс ҳолда турли манфаатлар тўқнашуви жамиятдаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий барқарорликни издан чиқариб юборади, таракқиётни ортга силтаб ташлайди, ҳатто мамлакатни парчалаб юбориши ёки унинг мустақиллигини йўқотишга сабаб бўлиши мумкин.

Ижтимоий ҳодисаларни турли мезонлар ва тамойиллар асосида таснифлаш мумкин. Бу манфаат(лар) тушунчасига ҳам тааллуқли. Биз юқорида келтирганлардан ташқари ўзга мезонлар, тамойиллар олинса, тасниф манзараси бошқача кўриниш ҳосил қилади. Айниқса, давлат бошқаруви, сиёсий партиялар фаолиятида стратегик ва тактик манфаатлар сезиларли, баъзан анча кучли аҳамият касб этади. Бундай пайтларда тактик манфаатлардан келиб чиқиб ўзаро мухолиф партиялар вақтинча мурсога бориши, коалицион ҳуқумат таркибига кириши ёки парламентда бирлашган мухолифат ташкил қилиши кузатилади. Лекин стратегик манфаатларда умумийлик кам бўлса, бундай коалиция ва шериклик, бирор жиддий муаммо юзага келганда, ўзаро келиша олмасдан тарқаб кетиши ҳам кенг тарқалган ҳодисадир.

Турли даражадаги социумлар манфаатларини муво-  
занатга келтириш, уйғунлаштириш учун, аввало, манфа-  
атлар мазмун-моҳиятини, намоён бўлиш шаклларини ва  
ҳар хил манфаатлар ўзаро муносабатлари хусусиятлари-  
ни, зиддиятларини, уларни оптимал ривожлантириш йўл-  
ларини жамият аъзоларига, субъектларига тўғри тушун-  
тириши лозим.

Темир курулларга ўтилиб меҳнат унумдорлиги, етиш-  
тирилган маҳсулотлар ҳажми ортиши жараёнида индивид  
ўз манфаатларини чуқурроқ ва кенгроқ англай бошлади,  
уларни маҳалладошлари, қишлоқдошлари, жамоаси ман-  
фаатларидан фарқлаб, ҳатто баъзан уларга қарама-қарши  
қўя бошлади. Ортиқча ишлаб чиқилган маҳсулотлардан  
бир қисмини ўзи ва оиласи учун ўзлаштиришга ҳаракат  
қилди. Ибтидоий тузумда ҳамма нарса ўртада, умумий  
эди. Чунки ортиқча маҳсулот ишлаб чиқилмас, уруғ-жа-  
моа фақат биргаликда яшаб қолиши, очликни ва ташқи  
хатарларни бартараф этиши мумкин эди. Шу сабабдан  
ибтидоий жамиятда индивидуал, шахсий манфаатлар ри-  
вожланмас, тан олинмас эди. Лекин бу ибтидоий одамлар  
индивидуал фазилатларнинг, ҳислатларнинг фарқига бор-  
маслигини, кадрламаслигини билдирмайди.

Уруғ-жамоада, қабилада ботирлик, жасурлик, овда ва  
жангдаги моҳирлик каби индивидуал хусусиятлар жуда  
юқори баҳоланган. Худди шундай ташкилотчи, ишнинг  
кўзини биладиган доно оксоқоллар, жўяли маслаҳат бе-  
радиган кишилар, моҳир усталар, айниқса, уруғ-жамо-  
анинг асотирларини, ривоят ва афсоналарни, мардлиги ва  
қаҳрамонлигини, эътиқоди ва маънавий қадриятларини  
сақловчи, авлоддан-авлодга етказувчи, маросим ва урф-  
одатларни бошқарувчи, аждодлар руҳи билан боғланиб  
турувчи кишилар – қушночлар, табиблар, шомонлар,  
афсунгарлар, шоирлар, бахшилар таъсири кучли бўлган.  
Одамлар уларда ғайритабиий қобилият ва куч бор, деб  
ишонган.

Ибтидоий одамлар индивидуал фарқларни тушун-  
салар-да, индивидуализм тамойилини ёқламаган, шахс  
манфаатларини жамоага қарама-қарши қўймаган. Ҳали  
жамият бу даражагача ўсиб етилмаган. Меҳнат куруллари  
ва ишлаб чиқаришнинг ўсиши, яшаш учун зарур мини-

мал маҳсулотлардан биров кўпроқ маҳсулот етиштирилиши уни хусусий шаклда ўзлаштиришга ва шахсий манфаатларнинг вужудга келишига замин яратди. Шахсий манфаатлар билан биргаликда индивидуализм пайдо бўлди. Индивидуализм инсоннинг ўз шахсий эҳтиёжларини англаши ва қондиришга интилиши бўлиб, уларни жамоаси манфаатларидан ажратиш, маълум даражада қарама-қарши қўйишдир.

Хусусий мулк ва жамият ривожланиши жараёнида индивидуализм кучайиб, мураккаблашиб борди. Бунга инсоннинг моддий-иқтисодий манфаатлари қаторида бошқалардан ажралиб туриш, омма орасида йўқолиб қолмаслик истаги, ўз қобилиятларини, имкониятларини юзага чиқаришга уриниши ҳам таъсир кўрсатди.

Индивидуализмнинг моддий-иқтисодий, ижтимоий-психологик, сиёсий, маънавий-ахлоқий, ижодий-интеллектуал илдизлари мавжуд. Биз истаймизми-йўқми, ҳар бир инсон ўзлигини, ўз «мени»ни сақлаб қолишга, ҳимоя қилишга интилади. Шу сабабдан индивидуализмни тўғри ва холис баҳолаш керак. Замонавий жамиятда уни тўлиқ инкор қилиш ярамайди. Фақат шахс манфаатларини ва дунёқараши мустақиллигини, сўз ва қарашлар эркинлигини ортиқча баҳолаб юбормаслик керак.

Тарбияда ва ҳаётда индивидуализмни жамоавийликка, ватанпарварликка қарама-қарши ёки улардан устун қўйиш ҳатодир. Индивидуализмни ортиқча баҳолаш, унга устунлик бериш муқаррар равишда инсон тарбиясини бузади, уни худбин, юлгич, зўравон ёки бўш-баёв, иродасиз, текинхўр, боқиманда қилиб вояга етказди. Индивидуализм тамойили жамият қарашларида, маънавияти ва сиёсатида устунлик қилса, у оқибатда эгоцентризмга, асл гуманистик қадриятларнинг деформациясига олиб келади.

Индивидуализмни тўлиқ инкор қилиш ҳам салбий оқибатларни келтириб чиқаради: инсон мақсадга эришишнинг воситасига айланиб қолади. Унинг яратувчилик интилишларига, ижодий изланишларига, ижтимоий ташаббусларига беписанд қаралади. Инсон меҳнати ва ижоди етарлича рағбатлантирилмайди, жамият унинг ҳатто соғлом манфаатлари билан ҳисоблашмайди. Ота-боболардан келаётган урф-одатларга, қоидаларга, турмуш

тарзига, яъни анъанавийликка қатъий амал қилинади. Жамият ҳаётида турғунлик бошланади, ўтмиш қадриятлари, анъаналари, ишлаб чиқариш муносабатлари, турмуш тарзи консервация бўлиб қолаверади. Бу ҳол асрлар мобайнида давом этавериши, ўзгармаслиги мумкин. Қадимги цивилизациялар, Шарқ халқлари тарихи буни исботлаб турибди. Шу сабабдан тарбия жараёни инсон онгида индивидуализм ва жамоавийликни ўзаро мунозанабга келтиришга қаратилиши лозим.

Индивидуализмни қўллашда, инсонни рағбатлантиришда, шахс қарашлари ва хоҳиш-истаклари билан ҳисоблашишда меъёр туйғусига, аниқ мезонларга таяниш маъқул. *Бундай мезон шахс интилишлари, хоҳиш-истакларининг амалга оширилиши бошқаларга, жамиятга зарар келтирмаслигидир.* Албатта, шахснинг худбин манфаатлари, жамият ахлоқига, ҳуқуқий меъёрларига зид қарашлари ва талаблари маъқулланиши мумкин эмас. Кимнингдир манфаатини бошқа бир кишининг ёки жамоанинг манфаатини, ҳуқуқини поймол қилиш ҳисобига қондириш ярамайди. Бундай ҳолларда мураса йўли танланса, томонлар ўзаро келишса, бир-бирига оқилна ён босса, айти муддао бўлади. Бир шахснинг манфаатларини иккинчи шахс ёки жамоа манфаатлари фойдасига қурбон қилиш ҳатодир.

Жамоавийликнинг ўзи нима? Жамоавийлик инсоннинг ижтимоий мавжудотлигидан келиб чиқадиган муҳим сифатидир. Ушбу масала буюк аждодимиз Абу Наср Форобийнинг «Фозил кишилар шахри» асарига ҳар томонлама таҳлил қилинган. Инсон яшаш, ўзига зарур моддий ва маънавий маҳсулотларни ишлаб чиқариш, ўзининг ранг-баранг ва муттасил ўсиб борадиган эҳтиёжларини қондириш учун бошқа ўзига ўхшаш инсонлар билан бирлашиши, бир-бирини қўллаб-қувватлаши, ҳар хил вазифаларни, масъулиятни бўлиб олиши, ўз хатти-ҳаракатларини бошқалар билан мувофиқлаштириши лозим. Демак, *жамоавийлик инсоннинг зарурий сифат белгиси, ижтимоийлик воқе бўлишининг аниқ кўринишларидан биридир.* Бир жамоага бирлашган одамлар қанчалик аҳил бўлсалар, ўз мажбуриятлари ва бурчларини ҳалол бажарсалар, ўзаро ёрдам яхши йўлга қўйилган бўлса, жамоанинг иш-



лари шунча олға кетади, ижобий натижалари, ютуқлари шунча кўпаяди.

Жамоалар сонига, турмуш ва меҳнат фаолиятига кўра ҳар хил бўлади. Оила ҳам жамоа, маҳалла ҳам жамоа. Завод ёки фабрикада ишловчилар, илмий текшириш ёки соғлиқни сақлаш муассасаларида хизмат қилувчилар ҳам жамоа. Йирик жамоалар ичида кичик, нисбатан алоҳидалашган жамоалар – биригада, цех, курс, факультет, лаборатория ва ҳ.к. тузилмалар жамоаси ажралиб туради.

*Жамоавийлик тушунчаси ижтимоий зарурият тугдирадиган жипслашиш, бирлашиш, ўзаро ёрдам, бурч ва ўзаро мажбурият туйғуси ва меъёрини англатади.* Шарқ халқларида жамоавийлик туйғусининг кучли бўлишига сабаб, суғориладиган деҳқончилик азалдан ҳар йили биргаликда ариқ ва зовурларни қозишни, тозалашни тақозо этган. Дарё билан баъзи қишлоқлар орасидаги масофа бир неча километрни ташкил этган. Ёлғиз деҳқон бундай масофадан даласига сув олиб келолмаган. Бу ҳақда аввалги бобларда қисман гапирилган эди. энди батафсилроқ тўхталиш зарур. Ариқ ва зовурларни қозиш, тозалаш умумий ҳашар ёрдамида амалга оширилган ва Ўрта Осиё халқларида ҳайров қозиш деб аталган. «Ҳай» – арабча тирик(лик), «ров» – форсча йўлни англатади. Демак, ҳайров – тирикчилик йўли деган мазмунни беради. Сув йўли (арик)нинг «ҳаёт йўли» деб аталишида улкан маъно бор. Ҳайров қозиш, у билан боғлиқ одамларнинг бирлашиши, жамоавийлик ҳаётий заруратга айланган. Суғориладиган деҳқончилик, ердан жамоа бўлиб фойдаланиш ерга нисбатан хусусий мулкчилик ўрнатилмаслигига сабаб бўлган. Мазкур омил жамоавийлик психологияси ва мафкурасини мустаҳкамлаган. Аҳоли сони ўсиши жараёнида кўриқ ерларни ўзлаштириш, экин майдонини кенгайтириш, оилалардаги одам сонидан келиб чиқиб, дала ерларни тақсимлаш, ҳосилни йиғиштириб олиш ва тирикчиликнинг бошқа кўп масалалари одамлардан биргаликда ҳаракат қилишни, ўзаро ёрдам кўрсатишни талаб қилган.

Ташқи душманлардан мамлакатни, кўчманчи чорвадорлардан экинзорларни ҳимоя қилиш зарурияти ҳам жамоавийликни тақозо этган. Жамоавийлик туйғуси айнан

дехконларда, ўтроқ қишлоқ аҳолисида кўчманчи чорвадорларга ва ишлаб чиқариши индивидуал тарзда кечадиган шаҳарлик хунармандларга нисбатан бироз кучлироқ ривожланган. Сабаби – ишлаб чиқариш хусусиятларининг ҳар хиллигидир.

Хунарманд меҳнати кўпроқ индивидуал, оилавий. Бошқа ҳамкасблари манфаатлари билан уни, биринчи галда, сотадиган маҳсулотининг ёки олаётган хом ашёнинг нархи барқарор бўлиши бирлаштиради. Маҳалладаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт ва алоқалар қишлоқдагидан анча-мунча фарқ қилади ва оилавий жиҳатдан бироз алоҳидалашган, ўзаро камроқ боғланган. Йилнинг катта қисмини яйловларда ўтказадиган, бу пайтда бир-биридан узоқда жойлашган чорвадорлар ўртасидаги алоқалар янада заифроқ. Шаҳарларда аҳоли зич яшаганлиги боис, биргаликда турмуш кечиришнинг қатъий меъёрлари вужудга келган. Бу, биринчи навбатда, санитария ва гигиена қоидаларига, қудуқлар, ҳовузлар, ариқларни, кўчаларни тоза тутиш, урф-одатлар ва маросимларни ихчам, тартибли ўтказиш, исрофгарчиликка йўл қўймаслик ва ш.к. кўплаб талабларни, уларга қаттиқ риоя этишни вужудга келтирган. Бу одамларнинг ўзаро масъулиятини, жавобгарлигини, маиший маданиятини, жамоавийлик туйғусини кучайтирган. Шаҳарларда ўзаро бегоналашиш қишлоқларга нисбатан сезиларлироқ бўлса-да, жамоавийликнинг ишлаб чиқариш билан эмас, турмуш тарзи, маданияти ва тозалик билан боғлиқ жиҳати устунроқдир. Акс ҳолда, ўтмишда шаҳарларда юқумли касалликлар тез тарқалган, одамлар жиддий зиён кўрган. Хунармандлар ва чорвадорлар ўртасида ҳам ўзаро ёрдам, ҳашарлар одат бўлган. Лекин улар уй-жой қуриш, таъмирлаш, бирор марака ўтказиш ёки чорвадорларда жун қирқиш, тўл олишдаги ёрдам кўринишларидан ташкил топган. Ҳайров қазиш, зовур тозалаш каби бир неча ҳафталаб давом этадиган ёппа жамоавий меҳнатга айланмаган.

Юқорида қайд этилган омиллар ва айтиб ўтилмаган бошқа омиллар (қариндош-уруғчилик каби) Шарқ мамлакатларида жамоавийликни мустаҳкамлаган, унинг индивидуализмга нисбатан устунлик қилишини белгиллаган.

Европа мамлакатларида табиий-иқлим шароити Шарқ мамлакатларидан анча фарқ қилган. Зироатчилик (деҳқончилик) ерни суғоришга асосланмаган. Ер эгалари биргалликда ҳайров қазиш, зовур тозалаш каби тадбирларга зарурат сезмаган. Ҳар бир деҳқон, ер эгаси ўзича даласида меҳнат қилган. Фойдаси ва зарари унинг ўз зиммасига тушган. Ишлаб чиқариш юзасидан жамоа олдида унинг ҳеч қандай мажбурияти бўлмаган. Ерга нисбатан хусусий мулк ҳуқуқи ўрнатилган. Ердан индивидуал фойдаланилган. Табиийки, бундай аҳвол одамларда жамоавийликдан кўра кўпроқ индивидуализмни тарбиялаган.

Ўрта асрларда Ғарб иқтисодий ва ижтимоий-мулкий турмуш тарзидан келиб чиқадиган кескин индивидуализмнинг олдини олиш ёки иложи борича юмшатиш борасида христиан дини анча ҳаракат қилди. У ҳамдардлик, яқинини (бошқа кишиларни) худони ва ўзини севгандек севиш, кибру ҳаво (ўта мағрурлик) улкан гуноҳ эканлиги тўғрисидаги ғояларни олға сурди. Лекин у, бошқа динлар каби, инсоннинг маънавий эркинлигини бирёқлама, диний мазмундаги нажотга интилиш сифатида талқин қилди. Илм-фан, маърифатни чеклаб қўйди. Натижада, черковнинг индивидуализмни танқид қилиши кутилган самарани бермади, чунки бу юқори ва ўрта ҳол табақалар томонидан черковнинг инсон устидан маънавий ҳукмронликка интилиши сифатида қабул қилинди.

Ғарб мамлакатларида индустриал жамиятнинг, капиталистик бозор муносабатлари ва ашаддий иқтисодий рақобатнинг, хусусан, меҳнат бозорида рақобатнинг вужудга келиши индивидуализмни янада кучайтирди, кескинлаштирди. Индустриал жамият, бозор иқтисодиёти ва рақобат ишчи кучи ва капитал эркин бўлишини, эркин ҳаракат қилишини, тадбиркорлик фаолияти ва мулк ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилинишини, қафолатланишини такозо этади. Шу сабабдан аста-секин инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг жамият назарида кадри ортиб борди. Постиндустриал жамиятда мазкур масалада жиддий олға силжишлар кузатилди. Қонун устуворлиги ва ҳаммага бирдайлиги таъминланса-да, ушбу масалага жамият кўпроқ формал-ҳуқуқий жиҳатдан ёндашгани боис, кескин индивидуализм таъсирида мумтоз гуманизм, кўп-

чилик мумтоз маънавий кадриятлар деформацияга учради, маънавий ҳаётда эгоцентризм ва вульгар антропоцентризм қарор топди.

Ғарбча талқин қилинадиган инсон ҳуқуқлари ва вульгар, меркантил антропоцентризм моддий-иқтисодий, маданий ва физиологик (жумладан, шахвоний) эҳтиёжлари чекланмаган инсон нафси ва хирсларини қондиришни ҳаётнинг мақсадига айлантиради. Шу сабабдан бугунги Ғарб жамияти маънавий инқирози негизида турган омиллар орасида кескин индивидуализм марказий ўринни эгаллайди, дейиш мумкин.

Ғарбдан фарқли ўлароқ, Шарқ мамлакатларида жамоавийликка устунлик берилиши инсон эҳтиёжлари ва ҳуқуқларига нисбатан анча беписанд қарашлар қаторида умуммиллий манфаатларни ҳам яхши англамасликка сабаб бўлди, уруғ-аймоқчилик, маҳаллийчилик, айирмачилик каби иллатларни келтириб чиқарди. Маҳаллийчилик, ўз навбатида, миллий жипсликка салбий таъсир кўрсатди, айирмачилик ҳаракатини озиклантириб турди. Ягона этносни ташкил қиладиган кўп халқлар XX асргача турли хонлиқлар, амирликлар, князликларга бўлиниб яшади. Марказлашган йирик давлатлар вужудга келганда ҳам бир-икки авлод умри мобайнида майда давлатларга парчаланиб кетаверди. Шарқ халқларида мустамлакачилик давригача жамоавийлик тамойили қишлоқ жамоаси, маҳалла ва меҳнат жамоаси, диний жамоа манфаатларини англаш ва ҳимоя қилиш даражасида қолиб кетди, миллий бирлашиш, ягона ички бозорни қарор топтириш, маҳаллийчилик ғовларини олиб ташлаш, умумий миллий манфаатларни англаш даражасига кўтарилмади. Бу борада, афсуски, ҳозиргача баъзи бир муаммолар сақланиб қолган.

Шу сабабдан *жамоавийлик тамойилини, бир томондан, индивидуализм билан, иккинчи томондан – умуммиллийлик тамойили билан уйғунлаштириш, мувозанатга келтириш зарур.* Уруғ-аймоқчилик, маҳаллийчилик, айирмачилик қарашларини юктирган киши тўла-тўқис маънода ватанпарвар бўлолмайди ёки унинг ватанпарварлиги чекланган, ноқис бўлади. Ватанпарварлик фақат юртини, она тупроғини, халқини севишдан иборат туйғу эмас, у ватани манфаатларини теран англашни, уларни юзага

чиқаришни, уларни маҳаллий, гуруҳий, минтақавий манфаатлардан зарур ҳолларда устун қўя олишни билдиради.

*Инсонда соғлом эҳтиёжларни шакллантириши, жамоасига ва ватанига, халқига ҳалол хизмат қилиш зарурлигини эътиқод даражасига кўтариш орқалигина шахс, жамоа ва умуммиллий манфаатларни уйғунлаштиришнинг маънавий-интеллектуал асосини яратиш мумкин.*

Турли даражадаги манфаатларни мувозанатга келтиришнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, маиший-маданий асослари, таълим ва тарбия, тарғибот ва ташвиқот каби воситалари бор. Энг аввало, шахс меҳнати (ақлий ва жисмоний) сифати ва миқдорига, амалий натижаларига мос тақдирланиши керак. Ҳар бир кишининг турмуш даражаси меҳнатига яраша бўлиши керак, биргаликда ўсиши керак. Одамларнинг меҳнати муҳофаза қилиниши, эртанги кунга ишончи кафолатланиши зарур. Бу инсон ва жамият иқтисодий манфаатларини уйғунлаштиришнинг иқтисодий пойдеворини, асосини яратади. Айни пайтда инсон умуман жамиятда эмас, балки конкрет жамоада меҳнат қилади. Жамоанинг, корхона эгасининг ҳам ўз манфаати бор. Корхона давлатга, акциядорлик жамиятига ёки хусусий шахсга тегишли бўлиши мумкин. Мулкдор корхона фаолиятдан мумкин қадар кўп фойда олишга интилади. Бундан ташқари, корхонада меҳнат қиладиган ҳар бир ишчи-ходимнинг ўз манфаати бор. Корхона маҳсулоти, фаолияти рақобатдош ва харидоргир бўлиши талаб қилинади. Акс ҳолда, корхона синиб қолиши ҳеч гап эмас. Бундан мулкдор ҳам, ишчи-хизматчилар ҳам зарар кўради. Меҳнат жамоасининг умумий корпоратив манфаати, у мулкдор ва ишчи хизматчилар томонидан қай даражада англанишидан қатъи назар, объектив мавжуд.

Корпоратив манфаатлар жамоа аъзоларини бирлаштиришга, улар ўртасида вужудга келадиган зиддиятларни ўзаро келишув, мулкдор ва ёлланма ишчи-хизматчилар ўртасида шартнома тузиб тинч йўл билан келишув орқали ҳал қилишга асос бўлиши мумкин. Миллий ғоя тамойиллари кўрилаётганда ижтимоий ҳамкорлик ҳақида гапирилган эди. Яна кўшимча қилиш зарурки, шартномада меҳнат муҳофазаси, ишчи ва хизматчиларнинг

малакасини ошириш, дам олиш, даволаниш, пенсияга чиққандан кейин қўшимча нафақа олиш ва ш.к. ижтимоий муҳофазалардан тортиб, олинган қўшимча фойдани қайта тақсимлашгача, ёки бозорда конъюнктура ёмонлашиб, корхона даромади пасайганда, иш ўринларини қисқартириш ва ойлик маошларни қайта кўриб чиқишгача бўлган масалалар ўз аксини топади. Бундай ҳужжат жамоавий шартнома, деб аталади. Унинг амалга оширилиши эса ижтимоий шериклик дейилади. Ижтимоий шериклик ҳуқуқий мақоми ҳар хил бўлган субъектлар (синфлар ва табақалар) шериклигидир. Мулкдор номидан уни корхона маъмурияти, ишчи-хизматчилар номидан уларнинг касаб-ба уюшмаси ёки ваколатли бошқа бир органи (сайланган комиссияси, вакиллар гуруҳи) амалга оширади. Икки корхонанинг ҳамкорлиги ижтимоий шериклик дейилмайди, балки иқтисодий шериклик, кооперация, иқтисослашиш ва ҳ.к. деб аталади. Ижтимоий шериклик ҳар хил ижтимоий синфлар, табақалар ўртасидаги ҳамкорлик ва ўзаро масъуллик, жавобгарлик алоқаларидир.

Ижтимоий шериклик давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари, давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасида ҳам вужудга келиши мумкин. Чунки уларнинг ҳуқуқий мақоми, жамиятда тутган ўрни кескин фарқ қилади. Икки корхонанинг мақоми эса бир хил.

*Ижтимоий шериклик шахс, жамоа, давлат ва жамият манфаатларини уйғунлаштиришнинг муҳим омили бўлибгина қолмай, синфий кураш ва ижтимоий ларзаларнинг олдини олувчи, ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминловчи омил ҳамдир.* Шу сабабдан таълим-тарбиянинг барча бўғинларида, айниқса, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртларида ушбу масалага маънавийт асослари, ҳуқуқ таълими, иқтисодиёт назарияси, сиёсатшунослик, социология предметлари доирасида тегишли соатлар ажратиш мақсадга мувофиқ.

Таълим-тарбия жараёнида ёшларда инсон эҳтиёжларига, фикрлари, қарашларига ҳурматли муносабатни, айти пайтда холис ва танқидий ёндашишни шакллантириш зарур. Инсон ўз эҳтиёжларини етарли даражада тўғри англамаслиги, ўз ҳиссасини ортиқча баҳолаб, шун-

га яраша ортиқча талаб қўйиши мумкин. Жамоада унга ётиғи билан ҳақиқий аҳволни, корхона ва жамоа манфаатларини тўғри тушунтириш, зарур ахборот ва маълумотлардан хабардор этиш керак. Кўпинча тўлиқ ахборотга эга бўлмаган ёки нотўғри маълумотни эшитган кишиларда норозилик кайфияти туғилади.

Хом сут эмган бандасида баъзан иззатталаблик, шуҳратпарастлик, ўзини ортиқча баҳолаш, манфаатпарастлик каби салбий хусусиятлар учраб туради. Бундай кишилар билан эҳтиёткорлик билан, ғурурига тегмасдан, тарбиявий иш олиб бориш керак. Кишининг камчиликларини холис, аммо ўзига хайрихоҳлик билдириб, танқид қилиш лозим. Бола онгига ёшлигидан халқимизнинг «дўст ачи-тиб гапиради, душман кулдириб» деган мақолининг мазмун-моҳиятини сингдириш мақсадга мувофиқ. Шунда у катта бўлганида, танқидни тўғри қабул қила олади.

Айни пайтда танқид ва танқидбозликни ўзаро фарқлаш талаб қилинади. Ҳақиқий танқид мавжуд камчиликларни реал бартараф этишга қаратилади. Унда танқид қилувчининг хайрихоҳлиги, холислиги билиниб туради. Ҳақиқий танқид яратувчилик ва улкан тарбиявий салоҳиятларга эга. Танқидбозлик эса реал камчиликларни эмас, балки сохта камчиликларни қоралайди ёки пашшадан фил ясайди, иккинчи даражали, бачкана, баъзан умуман аҳамиятсиз нарсаларни сунъий пуфлаб шиширишга, сохта ўйлаб топилган нарсага катта шов-шувли ижтимоий маъно беришга ҳаракат қилади. Унга холислик ва хайрихоҳлик етишмайди. Нохолис танқидбозлик танқид қилинувчида норозилик уйғотади, у ўзини адолатсиз камситилган, қораланаётгандек сезади. Танқидбозлик меҳр-оқибатни совутади, одамларни ўзаро узоклаштиради, бегоналаштиради. Танқидбозлик адолатсизлик ва бузғунчиликнинг яримширин кўринишларидан биридир.

Лекин холис танқид ҳам ҳар кимга ёқавермайди. Чунки инсон эҳтиросли мавжудот. Эҳтирослар айрим ҳолларда унга воқеаларни, танқидни тўғри қабул қилишга ҳалақит беради. Баъзан танқид қилинаётган киши танқидчининг менга нисбатан ҳасади, адовати борлиги учун ёки муваффақиятларимни кўролмагани учун обрўйимни тўкишга, жамоа кўз ўнгида мени шарман-

да қилишга уринаётир, деган ўй-хаёлда бўлади. Тарбия жараёнида бундай ҳолат ҳам назарда тутилиши ва холис танқидга нисбатан тўғри психологик муносабатни шакллантиришга қаратилиши керак.

Бозор иқтисодиёти ва рақобат шароитида хўжалик юритувчи субъектлар манфаатлари тўкнашади, улар ўзаро мураккаб, зиддиятли муносабатларга киришади. Баъзан уларнинг манфаатлари мос келади, баъзан мос келмайди. Корхоналар, агар бир-бирининг маҳсулотларига муҳтож бўлса, ўзаро кооператив алоқалар ўрнатишлари мумкин. Амалиётда кооператив алоқаларнинг турли кўринишлари, хусусан, бир гуруҳ кичик ва ўрта корхоналарнинг йирик корхонага бутловчи қисмлар, хом ашё ёки яримтайёр маҳсулотлар етказиб бериши кенг тарқалган. Йирик корхоналар ўзларининг кичикроқ турдош ҳамкорларига буюртмаларининг бир қисмини ўтказиб, кооперация асосида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳажмини ва сифатини ошириши, нархини арзонлаштириши мумкин. Ёки бир гуруҳ ўрта корхоналар йирик корхоналар билан бозорда рақобат қила олишлари учун турли кўринишда ўзаро бирлашишлари мумкин. Айтилганлар корхоналар корпоратив (жамоавий) манфаатларининг мос келишига мисолдир.

Лекин аксарият ҳолларда хўжалик юритувчи субъектларнинг манфаатлари мос келмайди. Улар ўртасида доимий рақобат кузатилади. Ҳатто йирик корхона билан кооперациялашган кичик ва ўрта корхоналар ўзига ўхшаган бошқа корхоналар томонидан бозорда босим сезади. Чунки улар сифатлироқ ва арзонроқ бутловчи қисм, яримтайёр маҳсулот ва хом ашё етиштириб, йирик корхона билан кооператив алоқага киришиши, рақибини сиқиб чиқариши ҳеч гап эмас. Бозордаги эркин савдо-сотикдан ташқари рақобат шароитида юқори нарх-навони ушлаб туриш, кўпроқ фойда олиш ниятида баъзан компаниялар ўзаро келишишга, айрим маҳсулотлар ва хизматлар бозорини биргаликда монополлаштиришга ҳаракат қилиш ҳоллари учраб туради. Шу сабабдан аксарият мамлакатлар монополияга қарши ва рақобатни ривожлантиришга қаратилган қонунлар қабул қилган.

Мазкур қонунлар давлат томонидан жамоавий-корпоратив манфаатларни оддий истеъмолчилар ва жамият ман-



фаалари билан мувозанатга келтириш, уйғунлаштириш юзасидан юритилаётган иктисодий сиёсатнинг ажралмас қисмидир. Давлат монополчиликка қарши курашиш қаторида солиқ ва бюджет сиёсати, аҳолининг камтаъминланган ва муҳтож қисмини муҳофаза қилиш, ижтимоий дастурларни амалга ошириш орқали шахс, меҳнат жамоаси ва жамият манфаатларини мувозанатга келтиради. Нафақат аҳолининг муҳтож қатламлари ижтимоий муҳофаза қилинади, шунингдек, хўжалик фаолиятининг ижтимоий аҳамияти юқори бўлган корхоналарни преференциялар ва имтиёзлар бериш орқали ва қонунда кўзда тутилган бошқа усуллар ёрдамида қўллаб-қувватлайди, рағбатлантиради.

Демократик давлат мулкнинг барча шакллари тенг-хуқуқлилигини қонунда мустаҳкамлабгина қолмай, амалда таъминлайди. Шахсий, хусусий, жамоавий, акциядорлик, аралаш мулклар, давлат мулки (муниципал, республика, баъзи давлатларда федерал шакллари бор) ортида турли даражадаги социумнинг манфаатлари турибди. Уларни ўзаро мувофиқлаштириш, уйғунлаштириш жамият барқарор ривожланишининг асосий омилдир. Давлат ҳокимиятининг мустақил тармоғи – судлар хўжалик субъектлари ўртасидаги низоларни, ўзаро даъволарни кўриб чиқиб, ҳал қилади. Хўжалик суди қарори турли юридик шахслар, жамоалар манфаатларини давлат томонидан мувозанатга келтиришдир. Агар даъвогар солиқ органлари, маҳаллий ҳокимият ва ижроия ҳокимиятининг бошқа идоралари бўлса, унда суд қарори корпоратив ва давлат манфаатларини мувозанатга келтиришга мисол бўлади. Фуқаролик ишлари бўйича суднинг корхона ва унда ишловчи шахс ўртасидаги даъволарни кўриб чиқиб, қабул қилган қарори шахс ва жамоа манфаатларини мувофиқлаштиришга мисолдир. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Жамият аъзолари ижтимоий муҳофазадан, ижтимоий дастурлар мазмунидан, тадбиркорлар ва корхона ишчи-ходимлари давлат томонидан берилаётган имтиёзлардан, ёрдамлардан қанчалик яхши хабардор бўлсалар, шунчалик давлат сиёсатини қўллаб-қувватлайдилар, жамиятда ижтимоий-иктисодий ва сиёсий барқарорлик

мустаҳкам бўлади. Шу сабабдан таълим-тарбия ва маънавий-маърифий ишларда ушбу масалалар турли даражада – маҳаллаларда, меҳнат жамоаларида тарғиб этилиб, ОАВларида ёритиб борилиши керак.

Одамлар меҳнат қилувчи ва истеъмолчи сифатида ўз ҳақ-ҳуқуқларини ва давлатнинг ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тартибга солиш вазифаси ва ҳуқуқларини яхши билишлари керак. Бу – шахс, меҳнат жамоаси, жамият манфаатларини уйғунлаштиришнинг ҳуқуқий-интеллектуал асоси бўлади.

Жамият ривожланиши жараёнида унда фикрлар, қарашлар ранг-баранглашиб, инсоннинг эркинлик даражаси ортиб боради. Лекин бу жараён ҳеч қачон силлиқ кечмайди, зиддиятларга, курашларга бой бўлади. Айрим даврларда баъзи давлатларда ортга кетиш, ҳар хил диктатураларнинг ўрнатилиши, инқирозлар ва урушлар туфайли инсон ҳуқуқлари, манфаатлари бузилиши, демократия чекланиши кузатилади. Бундай ҳолларда давлат, аниқроғи, ҳукмронлик қилаётган сиёсий режим манфаатлари шахс ва жамият манфаатларини ўзига буйсундиради. Фақат режимга яқин кишилар, компаниялар манфаатлари зарар кўрмайди. Аммо ҳозирги замон ўрта асрлар ва ҳатто XX аср ҳам эмас. Репрессив, тоталитар режимлар жуда узоқ умр кўролмайди. Эртами-кечми диктатуралар, эркинликни бўғадиган сиёсий режимлар қулайди, демократияга, фикрлар, қарашлар хилма-хиллигига, ҳақиқий кўппартиявийликка йўл очилади. Фикрлар, қарашлар хилма-хиллигини тан олиш, давлатнинг ўз конституцияси ва қонунларида мустаҳкамлаб қўйиши манфаатларни уйғунлаштиришнинг маънавий-ҳуқуқий асосларидан биридир.

Манфаатларни мувозанатга келтириш ва уйғунлаштиришни тарбиялашнинг маънавий асослари ҳақида гап кетганда, аҳолини, ёшларни миллий ғояга содиқлик руҳида тарбиялаш жуда катта аҳамиятга эгаллигини алоҳида таъкидлаш лозим. Миллий ғоянинг ҳар бир асосий тушунча ва тамойили алоҳида ва ҳаммаси биргаликда нафақат шахс, меҳнат жамоаси, давлат ва жамият манфаатларини, шунингдек, мамлакатда яшовчи турли миллат ва элатларнинг ҳамда диний конфессиялар манфаатла-

рини уйғунлаштиришда катта роль ўйнайди. Шу сабабдан миллий ғоя асосий тушунчалари ва тамойилларини аҳоли ва ёшларга ўргатаётганда, уларнинг турли манфаатларини уйғунлаштириш аҳамиятини таъкидлашни ёдда тутиш лозим. Миллий ўзликни англаш даражасини янги сифат поғонасига кўтариш керак. Уни тор этник ўзликни англашдан Ўзбекистоннинг кўпмиллатли ягона халқи сифатидаги ўзлигини англаш даражасига кўтариш ҳақида қайғуриш, бунга таълим-тарбияни онгли равишда йўналтириш зарур.

Демократия манфаатлар ўртасидаги зиддиятларни бекор қилмайди, фақат уларнинг оқилона, қонуний, кўпчиликка маъқул ечимини топиш механизминини яратади. Ана шундай механизмлар тизимига давлат идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, эркин мустақил ОАВ орқали давлат идоралари ва алоҳида амалдорлар, компаниялар, холдинглар, банклар, корчалонлар фаолиятига баҳо бериш, камчиликларни танқид қилиш, зарур ҳолларда парламент ёки мустақил комиссиялар текширувини талаб қилиш, давлат органлари раҳбарларининг, депутатларнинг сайловчилар олдида ҳисоботини уюштириш ва ш.к. лар киради.

Фуқаролик жамияти институтларининг фаоллашуви шахс, жамоа, давлат ва жамият манфаатларини мувозанатга келтиради. У давлат бошқарувининг бюрократлашиб кетишининг олдини олиш, тийиб туриш омилидир. Давлат ҳокимияти уч тармоғининг мустақиллиги, вакиллик органларида муҳолифат, партиявий фракциялар фаолият юритиши манфаатларни мувозанатга келтириш ва тийиб туриш механизмларидан биридир. Бу механизмлар самарали ишлаши учун аҳолининг, жамиятнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти, фуқароларнинг фаоллиги юқори бўлиши керак. Демократия шароитида сиёсий партиялар манфаатлари ҳокимият учун курашда, сайловчиларни ўз томонларига оғдиришга уринишларда, парламент баҳсларида ўзаро тўқнашади. Сиёсий партиялар ўртасидаги курашнинг асосий ва ҳал қилувчи ҳаками – халқдир. У ўз ҳукмини, қарорини сайловларда овоз бериш орқали чиқаради. Лекин сайловчилар тўғри қарор қабул қилишлари учун сиёсий партиялар фаолиятдан,

уларнинг ютуқ ва камчиликларидан етарлича хабардор бўлишлари лозим.

Албатта, сиёсий партиялар ўзларига тегишли ОАВ орқали ва сайлов кампаниялари пайтида олиб бориладиган тарғибот-ташвиқот ёрдамида керакли ахборотни тарқатади, ўз ютуқлари ва муваффақиятларини, ташаббуслари ва амалий ишларини бўяб-бежаб кўрсатишга ҳаракат қилади. Аммо ҳақиқий манзарага, ҳар бир партияга ҳолис баҳони эркин, мустақил ОАВ, жамоат ташкилотлари, фуқаролар беради. Сўз эркинлиги, мустақил ОАВ, нодавлат нотижорат ташкилотлари сиёсий партиялар, давлат идоралари фаолияти тўғрисида ҳолис ахборот ва ҳолис баҳо берилишида, бинобарин, жамият демократиялашувида, шахс ва жамият манфаатлари зарар кўрмаслигида, ижтимоий адолат бузилмаслигида катта аҳамият касб этади. Шу сабабдан эркин ОАВ, фуқаролик институтларини ривожланиши, манфаатларни уйғунлаштирилиши тарбиялашнинг зарур шартидир.

Ижтимоий адолат, қонун устуворлиги, шахс, хўжалик юритувчи субъект ва жамият манфаатларини мувозанатга келтириш ва уйғунлаштиришнинг яна бир муҳим шартидир. Виждон ва эътиқод эркинлигининг, миллатлараро ва диний конфессиялараро тенгҳуқуқлилиқнинг таъминланиши жамиятнинг демократлашувига ва ижтимоий адолат мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Ўзбекистон қонун устуворлигини ва ижтимоий адолатни ҳаётга жорий қилиб, ҳуқуқий демократик давлат ва очиқ фуқаролик жамиятини қарор топтириш ва ривожлантиришга йўл тутган. Ўзбекистон мустақил тараққиётининг беш устувор тамойили ишлаб чиқилган ва изчил қўлланмоқда. Беш тамойил тараққиётнинг ўзбек модели негизини ташкил этади. Улар республикамазни ривожлантириш баробарида шахс, меҳнат жамоаси ва жамият манфаатларини уйғунлаштиришда катта аҳамиятга эга. Масалан, иктисоднинг сиёсатдан устунлиги ва мафкурадан холилиги тамойили иктисодий сиёсат бирор бир ижтимоий гуруҳ, табақа, синф ёки сиёсий партия манфаатлари фойдасига эмас, балки ҳар бир фуқаро, оила, меҳнат жамоаси ва бутун халқ, жамият манфаатларини кўзлаб олиб борилишини англатади. «Давлат – бош ислоҳотчи»

тамойили аҳамияти тўғрисида гапирадиган бўлсак, юқорида айтиб ўтилган – аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, корхоналарга преференциялар ва солиқ имтиёзлари бериш, мулкнинг барча шаклларини ҳимоя қилиш, хўжалик низоларини ҳал қилиш каби мисолларнинг ўзиёқ ушбу тамойилнинг манфаатларни уйғунлаштиришдаги ролини очиб беради. Кўшимча яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Қонун устуворлиги ва барчага бирдайлиги, аҳолининг муҳтож қатламларини ижтимоий муҳофаза қилиш тамойилларининг шахс, жамоа ва жамият манфаатларини уйғунлаштиришдаги аҳамияти шундоққина кўриниб турибди. Ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш, бунда «фалаж терапияси»дан воз кечиш, аҳолининг, хўжалик субъектлари ва бутун жамиятнинг ислохотларнинг навбатдаги босқичига тайёргарлигини, ресурс ва маблағларнинг етарлилигини, яъни объектив ва субъектив имкониятларни ҳисобга олиш барча даражадаги манфаатларни ҳимоя қилишни ва мутаносиб ривожлантиришни билдиради.

Ижтимоий муҳофаза тамойилини амалга ошириш механизми юзасидан яна шуни кўшимча қилиш жоиз: Ўзбекистонда ижтимоий муҳофаза аниқ манзилли ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари иштирокида амалга оширилмоқда. Маҳалла ҳимояга муҳтож оилаларни ўз комиссиялари йиғилишларида аниқлайди, маҳалла аҳли буни кўриб, кузатиб, бинобарин, назорат қилиб туради. Бу Ўзбекистонда *миллий даромадларнинг ижтимоий ҳимояга ажратилган қисмини қайта тақсимлашда аҳоли бевосита иштирок этмоқда, деганидир*. Аҳолининг бевосита миллий даромаднинг ижтимоий муҳофазага ажратилган қисмини қайта тақсимлашда қатнашиши мамлакатимизда демократия ва фуқаролик жамияти ривожланишининг, манфаатлар уйғунлаштирилишининг юксак намунаси.

Таълим-тарбия ва маънавий-маърифий ишларда тараққиётнинг ўзбек модели ва унинг асосий тамойилларини аҳолига, ёшларга тушунтириш, ушбу тамойилларга ижобий муносабатни шакллантириш турли даражадаги муносабатларни тўғри англашга, уларни мувозанатга келтириш ва уйғунлаштиришга ёрдам беради. Бу борада зарур

маънавий муҳитни вужудга келтиради. Юқоридагилардан аён бўладикки, шахс, жамоа, давлат, жамият манфаатларини уйғунлаштиришни тарбиялаш учун:

1) таълим-тарбия жараёнида жамият аъзоларида, ёш авлодда соғлом эҳтиёжларни шакллантириш; индивидуализм ва жамоавийликни бир-бирига карама-қарши қўймаслик;

2) алоҳида фуқаролар, барча ижтимоий гуруҳлар, табақалар, синфлар эҳтиёжлари эркин ривожланиши ва қондирилиши учун зарур шарт-шароит яратилиши, манфаатларни мувозанатга келтиришнинг ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий, суд, ҳакамлик, бошқа омиллари ва механизмларини такомиллаштириб бориш;

3) жамият аъзоларини танкидий фикрлашга, ахлоқий меъёрларга, қонунга ихтиёрий риоя этиб яшашга ўргатиш; маҳаллийчилик, гуруҳбозлик, уруг-аймоқчилик, айирмачилик, миллатчилик каби иллатларга қарши курашиш;

4) фикрлар, қарашлар хилма-хиллигини, диний бағрикенгликни, айни пайтда, мафкуравий иммунитетни, миллатлараро тотувликни, барча соҳада ижтимоий адолатни ва ижтимоий шерикликни қарор топтириш;

5) меҳнат жамоалари, турли мулк шакллари, ҳудудлар, сиёсий партиялар манфаатларини мувозанатга келтирувчи маънавий асос – миллий ғояни янада кенг, чуқур тарғиб этиш, аҳолига унинг мазмун-моҳиятини батафсил тушунтириш;

6) кўппартиявийликни, демократияни, эркин ОАВ ва фуқаролик институтларини ривожлантириш талаб этилади.

#### **34. МИЛЛИЙ ИДЕНТИК (АЙНИЯТ) ВА МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ**

Миллий тарбия ва миллатлараро муносабатлар маданиятини юксалтириш Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва жамиятимиз миллий ғоясидан келиб чиқади. Ўзбекистон фуқароларининг миллатидан, тилидан, динидан, жинсидан қатъи назар тенгҳуқуқлилигини таъминлаш, озод ва обод Ватанда эркин ва фаровон яшаш,

аҳолида, ёш авлодда юксак ижтимоий мўлжалларни, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни тарбиялашни тақозо этади. Таълим-тарбия тизими ислохотлари ва умуман демократик ислохотларни чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш пировардида миллий ғояни, унинг асосий тушунча ва тамойилларини амалга оширишга ёрдам беради.

Миллий тарбия ва миллатлараро муносабатлар масаласи долзарблиги ҳеч қачон, ҳар ҳолда, яқин асрларда пасаймайди. Мамлакат ичидаги муаммолар муваффақиятли ҳал этиб борилса-да, халқаро миқёсдаги рақобат ва интеграция миллий манфаатларни ҳимоя қилиш, миллий идентликни, она тили ва миллий маданиятни сақлаб қолиш заруратини бекор қилолмайди.

XX асрда миллат, миллийлик, миллатлараро муносабат тушунчалари мазмуни анча ўзгарди. Бугун мазкур тушунчалар нафақат ўзларининг анъанавий, мумтоз мазмунини, яъни этник тарихий бирликнинг юқори шакли (миллат)ни, унга мансуб нарсалар, ҳодисалар ва белгилар, хусусиятлар (миллийлик)ни, турли этнослар ўртасидаги алоқалар (миллий муносабатлар)ни англатади. Шунингдек, улар муайян давлат халқи, фуқаролари, давлатларнинг ўзи, унинг этносоциал, этномаданий хусусиятлари, давлатлар, халқлар ўртасидаги ташқи алоқалар, этник ва диний-конфессионал ички муносабатларни ҳам ифодалайди. Булар ҳақда биз аввалги ўринларда гапирган, миллат ва миллийлик тушунчалари намоён бўлиш шакллари қисқача эътироф этган эдик.

Замонавий жамиятда миллий муносабатлар жуда зиддиятли роль ўйнамоқда. Бир томондан, миллатларнинг яқинлашуви, Европа Иттифоқига ўхшаш тузилмалар, айниқса, бир неча давлатлар тузган ШХҲга ўхшаш иқтисодий ва маданий ҳамкорлик ташкилотлари сафи кенгайиб бораётир. Бошқа томондан эса, давлатлар, минтақалар ўртасида рақобат, буюк давлатлар ўртасида геосиёсий кураш кучаймоқда. Бу курашда ҳамма омилардан, шу жумладан, ахборотлар урушидан, цивилизациялараро тўқнашув каби сохта назариялардан, оммавий маданиятдан, диндан, айирмачиликдан, миллатчиликдан, нарқобизнесдан ва ҳ.к. фойдаланилмоқда. Ҳатто бир халқ

икки динга эътиқод қилса, ички муносабатлар жуда зиддиятли ва мўрт бўлиши, мамлакатнинг худудий ва миллий яхлитлигига хавф туғилиши мумкинлигини XXI аср воқеалари кўрсатди. Яқин Шаркнинг айрим мамлакатларида суннийлар ва шиавийлар, Украинада жанубийшарқий вилоятлар (аксарияти проваслав) ва ғарбий вилоятлар (кўпчилиги униат католик черковига ва қисман протестант оқимларига мансуб) аҳолиси ўртасидаги келишмовчиликларни ҳокимиятга интилувчи кучлар сунъий равишда миллатлараро зиддиятлар даражасига кўтариб, амалда қонли тўқнашувларни, ҳатто айрим мамлакатларда фуқаролик урушларини келтириб чиқармоқда.

Глобаллашув ривожланган мамлакатлар этник қиёфасини ранг-баранглаштириб юборди. Европа, Шимолий Америка мамлакатларига ривожланаётган мамлакатлардан кўплаб муҳожирлар иш излаб келиб, кўпчилиги доимий яшаш учун қолиб кетмоқда. Европага асосан африкалик ва осиелик муҳожирлар, АҚШ ва Канадага кўпроқ мексикалик ва жанубий америкаликлар келиб ўрнашмоқда.

Муҳожирларнинг кўпчилиги Европа воқелигига, маданиятига тўла интеграция бўлишни истамади. Улар учун ўз миллий идентлигини сақлаш янги яшаётган мамлакати тилини, маданияти, урф-одати ва қонунларини етарли даражада ўрганиш заруриятидан устун келди. Муҳожирларнинг аксарияти кундалик турмуш, мулоқот ва иш талаб қиладиган даражада тилни ва баъзи тартиб-қоидаларни чала-чулпа ўзлаштириш билан чекланиб қолаверди. Айниқса, диний эътиқоди янги мамлакати динидан фарқ қиладиган муҳожирлар бу борада анча ажралиб туради.

Ўз навбатида Европанинг қатор мамлакатларида муҳожирларга нисбатан беписанд карашлар, уларни иккинчи даражали инсонлар деб ҳисоблаш, баъзи маҳаллий ёшлар ва неофашистик гуруҳлар томонидан очикчасига ирқчилик ва шовинистик муносабатда бўлиш, ҳатто зўравонлик қилиш, дўппослаш каби ҳодисалар муҳожирларда Европа маданияти ва қадриятларига, ижтимоий тузумига нисбатан инкор этиш кайфиятини туғдирмоқда. Шу сабабдан халқаро миллий муносабатларга нисбатан ички



миллий муносабатлар айрим ҳолларда ўткирроқ намоён бўлаётир. Улар баъзан бироз юмшаб, барқарорлашса-да, аммо муаммо тўлиқ йўқолмаётир. Албатта, ташки миллатлараро муносабатлар ҳам долзарблигича қолмоқда, ҳатто минтақавий можароларга сабаб бўлмоқда. «Араб баҳори» деб аталган, Ғарб мамлакатлари томонидан сунъий уюштирилган «рангли инқилоблар»дан кейин сўнги 5-6 йил ичида Ғарб мамлакатларини фуқаролик уруши домида қолган мамлакатлардан борган қочоқ муҳожирлар босиб кетди. Натижада, жуда кўплаб янги муаммолар пайдо бўлди. Улар орасида энг хавфлиси терроризмнинг авж олиб бораётганидир.

Азалдан кўпмиллатли бўлган мамлакатларда миллий масала ўзининг анъанавий муаммолари билан бир қаторда шу пайтгача кузатилмаган янги томонлари, жиҳатларини намоён қилмоқда. Маҳаллий бўлмаган элатлар, миллатлар вакиллари тарихий ватанлари маданияти, тили, ўтмиши билан кўпроқ қизикмоқда. Уларнинг асосий қисми интернет тармоғи орқали тарихий ватанларидаги воқеалардан хабардор бўлмоқдалар, қавмдошлари билан электрон алоқалар ўрнатиб, мулоқот қилмоқдалар. Бу эса уларнинг онгига ҳар хил таъсир кўрсатмоқда. Хуллас, миллатлараро муносабатларни оқилона ташкил этиш ва бошқаришга XXI аср янги талаблар қўймоқда. Бунга яна, юқорида айтганимиздек, буюк давлатларнинг геосиёсий рақобати, жаҳон миқёсида таъсир доирасини кенгайтиришга уринаётиб, турли минтақаларда ички этник, диний-конфессионал ва ҳудудий низоларни рағбатлантираётганини қўшимча қилиш лозим.

Турли объектив ва субъектив омиллар миллий идентлик тушунчаси мазмунига таъсир кўрсатмоқда. Миллий идентлик нима? Тор маънода у инсоннинг ўзини у ёки бу этносга мансуб, деб ҳисоблашидир. Бироз кенгроқ маънода инсоннинг ўзини бир этнос билан эмас, балки муайян мамлакат халқи билан узвий боғлаши, ўз тақдирини унинг тақдири билан бир, деб билишидир. Шу сабабдан миллий идентлик тушунчасини миллий мансублик эмас, миллий айният, деб ўгириш жоиз.

Кенг мазмунда миллий идентлик умуммиллий ўзликни англаш, мамлакати халқининг тарихини, тилини,

маданиятини, олий мақсадларини, ютуқ ва камчиликларини, асосий муаммоларини билиш, халқининг келажаги учун қайғуриш, халқига хизмат қилишдир. Бу ерда этнос тушунчаси эмас, халқ тушунчаси қўлланилаётгани бежиз эмас. Гап шундаки, этник ўзликни англаш қанчалик муҳим бўлмасин, кўпмиллатли мамлакатда миллий индентлик, биринчи галда, айнан ўша мамлакат халқининг умумий манфаатларини англаш ва уларга хизмат қилишни билдиради. Масалан, АҚШда туғилиб ўсган, этник келиб чиқиши немис ёки итальян бўлган фуқаро этник илдизларини билганда ҳам, ўзини америка миллати, америка халқи вакили деб ҳисоблайди.

Кўпмиллатли мамлакатларда миллий индентлик этник индентлик тушунчасидан кенгрок, унга мос келмайди. Номини мамлакатга берган (титул миллат) ёки сон жиҳатдан кўпчиликни ташкил этадиган миллат учун этник ва миллий индентлик формал, ташқи жиҳатдан анча мос келади. Аммо конкрет олинган инсон учун титул миллат вакили бўлиш автоматик тарзда унинг миллий индентлигини таъминламайди. Асосий мезон унинг онги, миллий ўзлигини англаш даражасидир. Агар у миллий нигилизм, миллий номукамаллик туйғусини ҳис этса, унга соғлом миллий ғурур етишмаса ёки ўтакетган худбин, фақат ўз фойдасини ўйлайдиган, жиғилдони, нафси учун халқи, мамлақати манфаатларидан воз кечадиган киши бўлса, унинг миллий индентлиги шубҳа остида қолади. Аксинча, мамлақатига, халқига, ватандошларига ҳалол хизмат қиладиган камсонли этник ғуруҳ вакилининг миллий индентлиги, ватанпарварлиги эса шубҳа уйғотмайди.

Миллий индентлик туйғуси халқи, унинг келажаги учун қайғуришдир. Бу эса нафақат халқининг ютуқларини билишдан, улар билан фахрланишдан, халқини турли тажовузлардан ҳимоя қилишдан, шунингдек, ундаги мавжуд камчиликларга қарши курашишдан, халқини юксалтириш истагидан ҳам иборатдир. Ушбу маънода *миллий индентлик туйғуси ватанпарварликда юзага чиқади*. Аҳолида, айниқса, ёшларда ватанпарварликни тарбиялаш миллий индентликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Халқ, миллат ҳаётида, турмуш тарзида учрайдиган камчиликларни, миллий менталитетдаги баъзи бир колок

ғояларни, қарашларни, колоқ урф-одатларни бартараф этиш миллий идентликни тарбиялашнинг муҳим вазифасидир. Таълим-тарбия жараёнида фақат халқимизнинг, аждодларимизнинг ўтмиш ютуқларини мақташгина эмас, шунингдек, бугунги кунда учрайдиган камчиликларни, ондаги колоқ қарашларни, айрим кишиларга хос бўлган баъзи бир иллатларни ҳам ҳолис танқид қилиш керак.

Боқимандалик, порахўрлик, коррупция, ўз муаммосини ечишнинг осон йўлини ахтариб, кимгадир хушомад қилиш, совға-салом бериш йўллари ахтариш, ҳар хил илтимосларни ёки ошна-оғайничиликни ахлоқ ва ҳуқуқ меъёрларидан, жамиятдаги тартиб-қоидалардан, давлат ва халқ манфаатларидан устун қўйишга мойиллик ёки айрим ёшлар ўртасида ҳалол ва тиришқоқлик билан ўқиб, мутахассислик эгаллашдан кўра, бир йўлини қилиб диплом олишга уринишлар ва ш.к. камчиликларни бартараф этмасак, улар миллий тараққиётимизга ҳалақит бераверади. Миллий идентлик туйғуси ва ғояси миллий жипсликни (консолидацияни) мустаҳкамлашнинг зарур шарти, маънавий асосидир. Бунинг учун ҳар қандай кўринишдаги маҳаллийчиликка, уруғ-аймоқчиликка, гуруҳбозликка, айирмачиликка қарши курашиш талаб этилади.

Миллий тарбия ва миллатлараро муносабатларни тақомиллаштиришда соғлом миллий ғурурни тарбиялаш жуда катта аҳамиятга эга. Энг аввало, аҳолида, ёшларда буюк аждодларга муносиб фарзанд бўлиш, уларнинг ишларини давом эттириш, жаҳоннинг тараққий этган халқлари қаторига қўшилишга интилишни тарбиялаш лозим. Соғлом миллий ғурур ман-манликдан, бошқа элат ва миллат вакилларига беписанд қарашдан, миллатчилик ва шовинизмдан, миллий маҳдудликдан кескин фарқ қилади. Халқимиз тарихи, ўтмиши билан ҳаққоний фахрланган ҳолда, ундаги ютуқ ва камчиликларга, уларни келтириб чиқарган сабабларга, омилларга ҳолис ва танқидий муносабатда бўлиб, йўл қўйилган хатоларни тақрорламаслик учун тарихдан сабоқ чиқармоғимиз зарур. Шунда биз келажакка дадил қадам ташлаш учун таянч топамиз. Халқни севиш, ватанпарварлик фақат ўтмишни идеаллаштириб, тинмасдан мақташдан иборат эмас, балки собитқадамлик билан халқнинг дунёқарашини, онгини ўстириш, турмуш

тарзини такомиллаштириш, ҳаётини янада фаровонроқ ва эркинроқ қилишга ҳисса қўшишдир.

Миллий тараққиётнинг маънавий-тарбиявий омиллари жуда мураккаб, улар ранг-баранг шаклли, кўп таркибли ва кўп қатламлидир. Аҳолида, айниқса, ёш авлодда исломга оқилона, тўғри муносабатни тарбиялаш ўта долзарб, ўта зарур вазифалар қаторига киради. Ислом давлат сиёсати, иқтисодиёт, таълим, илм-фан, соғлиқни сақлаш, адабиёт, санъат ва жамият ҳаётининг бошқа айрим мухторий соҳаларига аралашмаслиги керак. Замонавий тараққиётни динийлик эмас, дунёвийлик негизидagina таъминлаш мумкин. Хорижий ислом мамлакатлари тажрибаси буни тўлиқ тасдиқламоқда. Иқтисодий муносабатларни тартибга солишда, иқтисодиётни бошқаришда исломнинг ўрта асрларда шаклланган талабларига мойил давлатлар тараққиётда юксак натижаларга эриша олмадилар. Айрим нефть ва газ захираларига бой ва уларни сотишдан катта фойда олаётган мусулмон мамлакатларида турмуш анча юксак даражага кўтарилганига қарамасдан, ижтимоий-маданий ривожланиш, инсон омили юксалиши ҳавас қилгудек эмас. Табиий бойликлари кам мусулмон мамлакатлари эса ҳамон қоқоқ. Ва, аксинча, мусулмон мамлакатлари ўртасида иқтисодиётни ва давлат сиёсатини диний мафкурадан халос этган Малайзиянинг қазилма бойликлари кўп эмас, аммо тараққиёт суръатлари ва турмуш даражаси анча баланд.

Юқорида билдирилган фикр муносабати билан яна бир бор ўзбек модели беш асосий тамойилининг биринчиси – «иқтисоднинг сиёсатдан устунлиги ва мафкурадан холилиги» тамойили эканини эслатиш зарур. Мафкурадан хошлик диний мафкурадан хошликни ҳам англатади.

Хорижий мусулмон мамлакатларида кузатилаётган ашчиқ сабоқлардан яна бири – бу исломнинг сиёсийлашуви, сиёсий ҳокимият учун кураш куролига айланиб қолаётганидир. Ҳокимият учун курашаётган сиёсий гуруҳлар ўз тарафдорлари сафини кенгайтириш мақсадида эътиқодий-мазҳабий фарқларни атайлаб бўрттириб, мамлакат ички барқаролигига хавф туғдирмоқда. Сиёсий курашларда баъзи гуруҳлар диний экстремизм ва терроризмни қўллашдан тоймаётир. Тўғри, ҳар қандай

экстремизмни, шу жумладан, сиёсий экстремизмни келтириб чикарувчи сабаблар битта ёки иккита эмас. Улар хилма-хил, баъзан чукур яширинган. Улар орасида иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий-маданий, лисоний, диний-эътиқодий, миллий-этник ва бошқа сабаблар бор. Биргина иқтисодий сабабларнинг ўзи турли-туман бўлиши мумкин.

Уруғ-аймоқчилик, маҳаллийчилик, гуруҳбозлик сиёсий ёки диний экстремизмни келтириб чикариши ҳеч гап эмас. Масалан, бирор давлатда, ҳатто вилоятда ҳокимият теппасига келган киши теварагига фақат ўз шаҳридан ёки гуруҳидан бўлган кишиларни тўплаб, бошқа «бегона» кадрларни, ишчанлиги ва қобилиятига қарамасдан, раҳбарлик лавозимларига яқин йўлатмаса, эртами-кечми норозилик вужудга келади. Ҳокимиятни қонуний демократик сайловлар воситасида янгилаб туришнинг иложи бўлмаса, сиёсий кураш ноқонуний, зўравонлик кўлланиладиган экстремистик кўринишлар олиши мумкин. Экстремизмнинг асосий сабаби ижтимоий адолатнинг қайсидир ижтимоий гуруҳларга нисбатан ҳақиқатан бузилиши ёки уларнинг адашиб, алданиб ўзини жабрланган, деб ҳисоблашидир. Бу меҳнатга ҳақ тўлаш ёки деҳқончилик учун томорқа, сув ажратиш, қишлоқларни ободонлаштириш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ш.к. ижтимоий-иқтисодий масалалар бўладими, ёки она тилида ўқиш, таълим олиш, этномаданиятини ва урф-одатларини сақлаб қолиш, диний эҳтиёжларини эркин қондириш (бошқа дин ёки мазҳабга мансуб гуруҳлар учун) каби маънавий масалалар бўладими – фарқи йўқ. Сиёсий ва диний экстремизмни озиклантириб турувчи омиллардан яна бири – турли бузғунчи ғояларни тарғиб этиб, ижтимоий адолат гўёки расмий ҳокимият вакиллари, у ёки бу раҳбар, сиёсий гуруҳ, партия ёхуд этник гуруҳ томонидан бузилаётир деб, аҳолининг бир қисмини чалғитишдир. Аслини олганда, барча динлар, улар қаторида ислом зўравонликни, тажовузни қоралайди. Экстремизм динларнинг эътиқодий мазмунидан, муқаддас китоблар кўрсатмаларидан келиб чикмайди, балки у диний ғояларни, меъёрларни ғаразли талқин қилиш, одам-

ларни диний мутаассибликка ундаш ва атайлаб чалғитиш оқибатидир.

Мафкуравий курашнинг бундай шакллариға ҳам тайёр бўлиш, ҳар бир соҳада ижтимоий адолат бузилишининг олдини олишға интилиш зарур. Ўзбекистонда эътиқод ва виждон эркинлиги конституциявий меъёр орқали мустаҳкамланган. Уни амалға оширишға қаратилган тегишли қонун қабул қилинган ва амалий механизм яратилган. Ўзбекистонда давлат тузуми дунёвий ва демократик характерға эға. Бу диндорларнинг диний туйғуларини ҳурмат қилиб, диний эҳтиёжларини қондириш учун зарур шарт-шароит яратишни, уларни ҳимоя қилишни билдиради. Бу, шунингдек, бошқа дин вакиллари ва динға ишонмайдиган фуқаролар ҳам давлат томонидан ҳимоя қилиниш ҳуқуқларига эға эканлигини англатади. Фуқароларнинг эътиқод ва виждон эркинлигини таъминлаш, уларни жангавор атеистлар хуружидан-да, диний экстремистлар тажовузидан-да ҳимоя қилишни билдиради. Шу сабабдан таълим-тарбия жараёнида ҳар қандай сиёсий ва диний экстремистик ғояларни фош қилишға, уларға қарши аҳолида, ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришға эътибор кучайтирилаётгани бежиз эмас. Бундан кейин ҳам экстремизмға қарши амалий ва ғоявий кураш сусайтирилмаслиги лозим.

Ўзликни англаш, миллий идентликни тарбиялаш соғлом миллий ғурурни тарбиялаш билан бевосита боғлиқ. Миллий ғурурни тарбиялаш ўзининг қатор маънавий омиллари ва шартларига эға. Биринчидан, таълим-тарбия жараёнида ёшларға Ватанимиз тарихини, аجدодларнинг буюк ишларини, фидокорлигини аниқ мисоллар орқали етказиш лозим. Ёшларимиз қандай буюк зотларнинг фарзандлари эканлигини, аجدодларнинг хатоларини такрорламаган ҳолда, уларға муносиб давомчилар бўлишлари лозимлигини тўғри англашлари керак.

Иккинчидан, уларнинг замонавий илм-фан, техника, технологияларни яхши ўзлаштиришларига, хорижий тилларни ўрганиб, жаҳон маданиятидан етарлича хабардор, сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари кенг бўлишиға эришмоқ керак. Ёшларимиз, халқимиз замонавий ижтимоий-иқтисодий, технологик, гуманитар талабларға жавоб бера

оладиган, халқаро миқёсда ракобат қила оладиган бўлишлари шарт. Бунинг учун аҳоли кенг қатламлари, айниқса, ёшлар орасида илғор ижтимоий мўлжалларга, юксак марраларга интилишни тарбиялаш талаб этилади. Агар биз фақат ортга қараб, ўтмиш қадриятларимизга маҳлиё бўлиб қолаверсак, фақат уларни такрорлашга, замонга мослаштиришга ҳаракат қилсак, кўп нарсага эриша олмаймиз. *Тараққиёт такрорлаш эмас, олга одимлаш, ижод қилиш, янгилик яратишдир.* Таълим-тарбия ҳар бир инсонда айнан ижодкорлик, яратувчилик эҳтиёжини шакллантирсанин, миллий ғурур учун маънавий негиз яратади.

Учинчидан, республикамиз ва халқимиз жаҳон миқёсида аҳамиятга эга бўлган янги ютуқларни қўлга киритиши лозим. Биз турмуш фаровонлигини, одамларнинг яшаш сифати кўрсаткичларини, шаҳар ва қишлоқларимиз ободончилигини мутаракқий мамлакатлардаги даражага етказишимиз шарт. Илм-фан, замонавий технологиялар, адабиёт ва санъат соҳасида юртимиз вакиллари ҳар хил лауреатликларни, конкурсларда бош совринларни, ғолибликларни қанча кўп қўлга киритса, ўзбек муаллифлари асарлари чет элларда қанча кўп нашр этилса, саҳналарда қўйилса, бизни жаҳон танийди, жаҳон ҳурмат қилади. Спорт соҳасида эришиладиган ғалабалар ҳақида ҳам шундай дейиш ўринлидир. *Миллий ғурурнинг асосини биз ўзимиз ҳақимизда нима деб ўйлашимиз эмас, балки билишимиз, ақл заковатимиз, маданиятимиз, турмуш фаровонлигимиз ҳамда жисмоний абжирлигимиз, маҳоратимиз билан эришган амалий ютуқлар, уларнинг бошқалар томонидан тан олинishi ташкил этади.*

Миллатлараро тотувликни, жипсликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун, биринчи галда, республикада яшайдиган барча миллат ва элатларнинг тенгхуқуқлилиги таъминланиши керак. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 18-моддасида «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар» дейилган. Ушбу конституциявий меъёр изчил амалга оширилмоқда. Бирор фуқаро миллий белгиларига, диний мансублигига, ижти-

мой аҳволига қараб камситилаётгани йўқ. Конституция-мизнинг 8-моддасини эсласак, унда Ўзбекистон халқини, миллатидан қатъи назар, давлатимиз фуқаролари ташкил этиши белгилаб қўйилган. Ушбу меъёрдан республикамиз Конституцияси ва қонунларида белгиланган ҳуқуқлар барча ўзбекистонликларга, миллатидан қатъи назар, бирдек тааллуқли эканлиги келиб чиқади.

Миллатлараро муносабатлар юксалиши учун юридик тенгҳуқуқлилиқдан ташқари, мамлакатда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маданий ҳаёт фикрлар, қарашлар, ижтимоий институтлар хилма-хиллиги, эътиқод ва виждон эркинлиги шароитида ривожланиши жуда муҳимдир. Чунки ҳар бир миллат ва элатнинг турли хил манфаатлари, эҳтиёжлари, уларни эркин ифода этиш ва амалга ошириш зарурати бор. Шу сабабдан мафкуравий плюрализм, толерантлик ва виждон эркинлиги, институционал хилма-хиллик кўпмиллатли давлат учун барқарор ривожланиш шарти ва омилларидир. Бу борада нафақат давлатнинг қонунлари ва сиёсати, шунингдек, титул миллатнинг бошқа элат ва миллат вакилларига толерант муносабати, ёрдам беришга тайёрлиги, уларнинг тақдири учун, маънавий-маданий хусусиятларини сақлаб қолиши учун масъулиятни тўлиқ ҳис қилиши ҳам катта аҳамият касб этади. Маиший даражада титул миллатнинг калондимоғлиги, бошқаларининг тили, урф-одатлари, маданияти ва динига беписанд қараши уларнинг миллий ғурурига салбий таъсир кўрсатади.

Таълим-тарбия жараёнида бошқа этник гуруҳлар вакилларини бевосита ёки билвосита камситишнинг ҳар қандай кўриниши зарарли иллат, адолатсизлик ва миллатчилик эканлигини ёшларга тушунтириш, уларда бундай иллатни инкор қилиш, ватандошлар тақдири учун масъулилик туйғусини шакллантириш керак. Ушбу муносабат билан Ислом Каримовнинг қуйидаги фикри эътиборга сазовордир: «Республика аҳолиси ўртасида кўпчиликни ташкил қиладиган ўзбек миллатининг муқаддас бурчи она тилини, ўз миллий маданиятини ва тарихини тиклашдангина иборат эмас, балки биргаликда ҳаёт кечирувчи камсонли халқларнинг тақдири учун, уларнинг ўзига хос маданий-маънавий хусусиятларини сақлаб қолиш учун



уларга тенг шароит ва имкониятлар яратиб бериш борасида масъул бўлишдан ҳам иборатдир».

Таълим-тарбия ва маънавий-маърифий ишларда «Ўзбекистон – умумий уйимиз», «Шу азиз Ватан барчамизники» каби ғоялар тарғиботига кенг ўрин ажратиш керак. Совет даврида эришилган барча ютуқлар турли элат ва миллатларнинг ҳамкорлиги, ўзаро ёрдами натижасидир. Ва, аксинча, совет тизими парчаланишининг асосий сабабларидан бири миллий манфаатларни мувозанатга келтира олмаслик, миллатлараро муносабатларда ижтимоий адолатнинг бузилиши бўлди. Собик СССРда халқларнинг ҳақиқий иттифоқи, федератив давлат вужудга келмаган эди. СССР деб аталган ўта марказлашган унитар давлатни ҳақиқий федерация ёки конфедерацияга айлантиришга қаратилган янги адолатли иттифок шартномасини тузишнинг иложи топилмагани, охир-оқибатда, СССРни парчалаб юборди. СССРнинг сўнгги йилларига келиб, биринчидан, миллатлараро муносабатларнинг қарор топган маъмурий буйруқбозликка асосланган бошқариш ва тартибга солиш механизми ҳаётдан анча ортда қолиб кетди. Демократия ва либерализм ғоялари жаҳонда анча кенг тарқалган, инсон ҳуқуқларининг давлат ҳуқуқидан устуворлиги, ишчи кучи ва капиталнинг жаҳон миқёсида эркин ҳаракат қилиши тан олинган эди. Фикрлар ва қарашлар хилма-хиллигига ҳамда толерантликка умуминсоний қадрият, демократия ва либерализм мезони сифатида қаралар эди. СССРда эса синфийлик ва партиявийлик, жанговор атеизм тамойиллари ҳукм суради, ўзгача фикрлайдиганлар таъқиб қилинади, фақат Сталин давридагидан фарқли, жисмонан йўқ қилинмас, лагерларга ташланмас, балки диссидент сифатида сургун қилинади ёки мамлакатдан қувиб юборилар эди. Ушбу масалада ҳеч қандай аввалги хизматлар ҳисобга олинмас эди. Иккинчидан, миллий республикаларда янги саноат объектлари қуриш, шаҳарларни ривожлантириш, ҳатто, ерларни ўзлаштириш кўплаб русийзабон ишчиларни кўчириб келиш, аҳоли таркибини сунъий кўпмиллатли қилиш учун баҳона бўлди. Бу, аслида, ниқобланган руслаштириш сиёсати эди. Чунки қайси миллат ва элат вакили бошқа республикаларга келмасин, у ўз она тилида эмас, бал-

ки ҳамма учун тушунарли рус тилида бошқалар билан мулоқот қиларди, унинг болалари рус мактабларида ўқир эди. Маҳаллий тиллар аста-секин чекланиб борилди. Миллий республикалар ўз табиий бойликларига эгалик қилолмади. Уларни иттифок вазирликлари тасарруф этар ва фойдани Марказ кўрарди.

Бундай ўта марказлашган, адолатсиз, бюрократлашган Иттифокда демократик ислохотлар ўтказиш, миллат ва элатларнинг ҳуқуқларини ошириш талаб этилар эди. Аммо ўша даврдаги СССР президенти М.Горбачев, СССР Олий Совети Президиуми раиси А.Лукьянов, СССР Министрлар Совети раиси Н.Рижков ва бошқа раҳбарлар иттифокдош республикалар ҳуқуқини оширишни, ҳокимиятни номарказлаштиришни, ҳақиқий демократик ислохотлар ўтказишни истамадилар. Чала тадбирлар, баландпарвоз гаплар ва ваъдалар ёрдамида мавжуд статускони (ҳолатни, мақомни) сақлаб қолишга уриндилар. Натижада, жамиятда чуқур сиёсий инқироз пишиб етила бошлади. Бу пайтга келиб жаҳонда иқтисодий конъюнктураси СССР учун ўта ёмонлашиб, нефть нархи жаҳон бозорида икки баробар тушиб кетган эди. Оқибатда, социалистик тузумнинг системали инқирози юз берди. Кўпмиллатли СССР, Югославия, ҳатто икки ўзаро жуда яқин қардош миллатлардан ташкил топган Чехословакия парчаланиб кетди.

Гап социалистик мамлакатлар, айникса, СССР раҳбарларининг замон талабларини ҳис этмайдиган қариялардан иборат бўлганида ёки уларнинг дунёқараши ва умумий савияси пастлигида эмас эди. *Гап СССР ва унга яқин, унинг таъсиридаги социалистик мамлакатларнинг қотиб қолганида, туб янгиликларни қабул қилолмаслигида, ўз принципларидан воз кеча олмаслигида, ички муаммолар, жумладан, кўпмиллатли давлатларда миллатлараро муносабатларда ҳал қилинмаган муаммолар кўпайиб, критик нуқтадан ўтиб кетганида эди.* Озарбайжон ва Арманистон ўртасида Тоғли Қорабоғ Автоном республикаси учун содир бўлган уруш, Молдавияда Олднепр аҳолиси ва молдаванлар, Грузияда абхазлар ва грузинлар ўртасидаги илк тўқнашувлар, сўнг жанубий осетинлар ва грузинлар ўртасидаги зиддиятлар, Фарғона, Ўш воқеалари

СССР парчаланмасдан аввал бошланган эди. СССР парчаланганидан кейин можаролар кучайиб, анча вақт давом этди. Югославия парчаланиши Сербия, Хорватия, Босния ва Герцоговина ўртасида қиргин-барот урушга олиб келди. Кейинчалик серблар ва косоволик албанлар ўртасида қонли можаролар юз берди ва охир-оқибатда Косово Сербия таркибидан ажралиб чиқди.

КХДР, ХХР, Куба ва Вьетнам каби мамлакатларда социалистик тузумнинг сақланиб қолганлиги сабаблари ҳақида гапирадиган бўлсак, энг аввало, бу мамлакатларнинг деярли бир миллатли эканлигини қайд этиш лозим. Хитойда уйғурлар, тибетликлар ўртасидаги норозилик ва айирмачилик ҳаракати мавжуд. Улар иккаласи ва бошқа миллий озчиликни ташкил этувчи халқлар (манжурлар ва ш.к.) биргаликда ҳаммаси Хитой халқининг тахминан 5-6 фоизини ташкил этади. Аҳоли миллий таркиби вазият кескин ўзгаришига кучли таъсир кўрсатмайди. Хитой ҳукумати озчилик миллатлар яшайдиган ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига кейинги вақтларда эътибор қаратмоқда. Узоқ вақт хитойликлар учун қўлланилиб келинган бир оилага бир бола тамойили озчилик миллатларга нисбатан қўлланилмас эди. Социализм сақланиб қолган давлатларда сиёсий бошқарувда компартия роли, маъмурий-буйруқбозлик усули (КХДРда репрессив усул) ўзгартирилмади. Хитой иқтисодиёт соҳасида 1970-йиллардан ислохотлар ўткази бошлади. Мулкчиликнинг нодавлат шакллари ривожланишига йўл очди. Иқтисодиёт соҳасида Дэн Сяо Пин коммунистик синфийлик ва партиявийлик тамойиллари ўрнига прагматизм, амалда фойда берадиган тамойилни олға сурди. Оддий халққа тушунарли бўлиши учун бу шундай ифодаланди: «Мушукнинг ранги қандайлигининг аҳамияти йўқ, у сичкон тутса, бас». Иқтисодиётда Хитой бозор муносабатларини изчил ривожлантириб келмоқда. Ижтимоий-иқтисодий ҳаёт ўзгариши жамият сиёсий ва маънавий ҳаётига, маданиятига янгиликлар олиб кирмоқда.

Хуллас, кўпмиллатли мамлакатларда миллатлараро муаммоларнинг меъёридан ортиб кетиши, уларни ҳал қилиш учун жамиятда демократия ва фикрлар хилма-хиллигининг етишмаслиги, пировардида, жамиятни чуқур

инқироз домига тортади. Миллатлараро муносабатлар жамият барқарорлиги, мамлакат тақдирига ҳал қилувчи таъсир кўрсата оладиган омиллар қаторига киради. Хориж мамлакатлари тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ҳатто бир миллат вакиллари ўртасида диний муштаракликнинг йўқлиги, уларнинг турли конфессияларга мансублиги вайронкор омилга айланиши мумкин. Баъзи мамлакатларда турли омиллар аралашиб кетган: титул миллат икки, ҳатто уч-тўрт конфессияга бўлинган (Ливан), бундан ташқари бошқа конфессияларга мансуб озчиликни ташкил этувчи ҳар хил этнослар яшайди. Ливан, Сурия, Ироқ каби мамлакатлардаги ички зиддиятлар айнан юкоридаги сабабларга бориб боғланади. Кўпмиллатлилик, кўпконфессиялик потенциал тарзда зиддиятларга бойдир. Шу сабабдан аҳолида, ёшларда толерантликни тарбиялаш улкан ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маданий аҳамиятга эга. Толерантлик ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаш, мустаҳкамлаш қаторида турли миллат ва элатларнинг бир-биридан ўрганишига, миллий маданиятларнинг ўзаро бойиши ва яқинлашувига хизмат қилади.

Ўзбекистонда диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик миллий ғоянинг асосий тамойилларидан ҳисобланади. Миллий ғояга содиқлик руҳида ёшларни тарбиялаш мазкур тамойилларни улар томонидан онгли равишда қабул қилиб, ўз амалий қўлланмасига айлантиришни англатади.

Кўпмиллатли мамлакатда миллий идентлик масаласи анча мураккаб ва зиддиятлидир. Айниқса, собиқ социалистик мамлакатларда. Чунки уларда масалага сталинча нуқтаи назардан ёндашиб, этник мансубликка ортиқча аҳамият берилган. Фуқаролик паспорти ва ишга қабул қилиш анкетасининг миллатини кўрсатувчи алоҳида банди бўлган. Сталин собиқ СССРни тузиб (1922 йил декабрь), миллий чегараланиш деб аталмиш тадбирини ўтказганда, империалистик «бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил» тамойилини қўллаган эди. Тилда улуғ совет халқининг бирлиги, халқлар дўстлиги мадҳ этилса-да, амалда иттифоқдош республикалар ўртасида зимдан бир-бирига ишонмаслик, шубҳа, носоғлом рақобат ва эътироз рағбатлантириб борилган, миллат ва элатларни

факат этнос мазмунидаги талқини устунлик қилган. Бу миллий идентликни тўғри тушунишни анча чеклаган.

Жаҳондаги этник таркиби собиқ СССРдан-да хилма-хилроқ мамлакатлар (масалан, АҚШ) тажрибаси кўрсатмоқдаки, миллий идентлик деганда, фуқароларнинг яшаётган давлати фуқаролари, халқи билан ўзини бир деб ҳисоблаши ички миллатлараро муносабатларни кўп муаммолардан халос қилади. Бунинг устига жамиятда демократик меъёрлар, қонун устуворлиги ва толерантлик қарор топган бўлса, муаммолар кескинлиги анча камаяди, минималлашади.

Миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришга комплекс ёндашиш керак. Миллат тушунчасини таърифлашга диний, этник ёндашувлардан ташқари бошқа ёндашувлар, хусусан, ойкуменистик, социологик, культурологик, политологик, ҳуқуқий ва ҳ.к. ёндашувлар борлигини янги авлод билиши, уларнинг баъзи бир фойдали жиҳатлари, камчиликлари ва чеклангани тўғрисида ҳам тасаввурга эга бўлиши миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришга ёрдам беради.

Ҳар бир миллат ва элатнинг иқтисодий, ижтимоий-маиший, маданий эҳтиёжлари бор. Камсонли этнослар гуҷ яшайдиган туманлар, маҳаллалар ва қишлоқларда турмуш шароити, ижтимоий-иқтисодий инфратузилма титул миллат яшайдиган маҳаллалар, қишлоқлардагидан кам бўлмаслиги керак. Улар маданий эҳтиёжларини етарлича қондириш, она тилларини ўрганиши учун миллий-маданий марказлар ташкил қилиш мақсадга мувофиқ. Агар уларнинг сони ўта камлиги учун алоҳида мактаблар ва синфлар ташкил этишнинг иложи бўлмаса, миллий маданий марказлар қошида она тилини ўрганиш тўғарақлари ва гуруҳларини ташкил этиш мумкин.

Ўзбекистон айнан шундай йўлдан бормоқда. Республикамизда ўзбек тилидан ташқари мактаб таълими қорақалпоқ, рус, тожик, козоқ, туркман, қирғиз тилларида олиб борилмоқда. Қорақалпоқ ва рус тилларида таълимнинг барча босқичлари йўлга қўйилган. Ўзбекистонда бугун 140 дан ортиқ миллий маданий марказлар фаолият юритмоқда. Уларга давлатимиз, маданият муассасалари, нодавлат ноижорат ташкилотлари, хўжалик юритувчи

субъектлар, тадбиркорлар ва алоҳида фуқаролар ҳар та-монлама ёрдам бермоқда.

Турли миллат ва элат вакиллари ўз қобилиятлари ва истеъдодларини, яратувчилик имкониятларини юзага чиқариши, ўзини шахс сифатида намоён этиши учун ша-роитлар яратилган. Уларнинг ҳалол ва баракали меҳнати, республикамиз иқтисодиётига, илм-фани ва маданиятига, миллатлараро муносабатлар ривожланишига қўшаётган ҳиссалари давлат томонидан муносиб тақдирланмоқда. Ўзбекистон Қаҳрамони олий унвонини, республикамиз орден ва медалларини, илм-фан, адабиёт ва санъат, мада-ният ва спорт, иқтисодиёт соҳаларида бериладиган фах-рий унвонларни олган ватандошларимиз орасида респуб-ликамызда яшаётган барча миллат ва элат вакиллари бор.

Ўзбекистонда Ийд ал-Адҳа ва Ийд ал-фитр (Қурбон ҳайит ва Рамазон ҳайит) қаторида Пасха, Рождество, Пей-сах, Пурим, Ханука каби бошқа динларнинг байрамлари нишонланади. Ислом обидалари қаторида черковлар, ибо-дат уйлари, жумладан, Тошкентда, Самарқандда, Навоий шаҳарларида проваслав ибодатхоналари, Тошкентдаги католик костел, Самарқанддаги Арман Апостол черкови капитал таъмирланди. Юртимизда ташкил этилган рус проваслав черкови епархиясининг 125 йиллиги, Еванге-лие-лютеран жамоаси 100 йиллиги, Арман Апостол чер-ковининг 100 йиллиги нишонланди. Тегишли миллий-ма-даний марказлар улар билан яқиндан алоқа боғлаган.

Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатида, маҳаллий вакиллик органларида, ижроня ва суд ҳокимиятнинг турли бўғинларида ўзбеклар билан бир қаторда бошқа миллат ва элатлар вакиллари фаолият юритмоқда. Хўжалик юритувчи субъектлар бошликлари, мутахасислари таркиби тўғрисида ҳам шундай дейиш мумкин.

Турли миллат ва элатларнинг сони ва мавқеига қараб ҳокимият ва бошқарув органларида ўз вакиллари бўли-ши миллатлараро муносабатларда ижтимоий адолатнинг, тенгҳуқуқликни таъминлашнинг муҳим кўрсаткичидир. Шуни доимо эсда тутиш лозимки, ҳаёт давом этаверади, авлодлар табиий-тарихий жараёнда янгилашиб бораверади, мустақил ҳаётга янги авлодлар кириб келаверади. Бу

эса миллатлараро толерантлик ва муносабатлар маданиятини мудом давом эттириш, замон даъватлари ва талабларига мувофиқ такомиллаштириб боришни тақозо этади. Бинобарин, миллатлараро тотувлик, жипслик, умумий тақдиримиз бирлигини янги авлод онгига сингдириш, миллатчилик ва шовинизмнинг ҳар қандай кўринишига қарши курашиш масаласи долзарблигини йўқотмайди.

Таълим-тарбия жараёнида миллий нигилизм – ўз халқи руҳий кучига, ақл-заковатига ишонмасликни, миллий кадриятларни, миллий хусусиятларни инкор қилишни, глобаллашув ва оммавий маданият таъсирида беватанлик туйғусига берилишни танқид қилиш унутилмаслиги керак. Совет даврида социалистик интернационализм (байналмилалчилик) тарғиб этилиб, одамларда, айниқса, рус бўлмаган халқларда миллий нигилизм пинҳона шакллантирилар эди. Советларнинг социалистик интернационализмни, синфийлик ва партиявийлик тамойилларини қўллашдан мақсад – коммунистик мафкура асосида миллат ва элатларни, шу жумладан, рус халқини ҳам, тарихий хотирасидан, миллий-маданий меросидан иложи борича узоқлаштириш, рус тилида гаплашадиган «совет халқи» деган кишиларнинг янги тарихий бирлигини шакллантириш эди.

Биз Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига тенг ҳуқуқли интеграция бўлиши тарафдоримиз, шу жумладан, маданият соҳасида. Миллий маҳдудликнинг, изоляционизмнинг ҳар қандай кўринишидан воз кечганмиз. Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамиятини ҳар томонлама ривожлантиришни мақсад қилиб қўйганмиз. Жаҳоннинг илғор ютуқларини ўрганиямиз ва бундан кейин ҳам давом эттираемиз. Лекин, айни пайтда, биз ўзлигимизни, тилимизни, маданиятимизни сақлаб қолишни, янада ривожлантиришни, Ўзбекистоннинг кўпмиллатли аҳолиси ўзини ягона халқ, деб ҳисоблашини хоҳлаймиз.

Таълим-тарбия, маънавий-маърифий ишлар ушбу мақсадларни юзага чиқаришга, халқимиз савиясини юксалтиришга, жипслигини мустаҳкамлашга хизмат қилиши лозим.

## МУНДАРИЖА

1. Маънавиятнинг илмий-методологик асослари .....	3
2. Маънавиятга илмий ёндашув ва тамойиллар моҳияти .....	13
3. Маънавиятнинг фалсафий-онтологик мазмуни .....	29
4. Маънавиятнинг методологик моҳияти .....	38
5. Олий таълим бакалавр босқичида маънавиятни ўрганувчи фанлар дастурларининг қисқача методологик таҳлили .....	45
6. Маънавиятнинг гносеологик асослари .....	56
7. Маънавиятнинг праксиологик мазмуни .....	67
8. Маънавиятнинг аксиологик тамойиллари .....	76
9. Ижтимоий онг шакллари ва маънавият .....	87
10. Илм-фан ва маънавият .....	95
11. Ижтимоий фанлар ва маънавият .....	106
12. Маънавият тизимида диннинг ўрни .....	117
13. Маънавият ва ахлоқ .....	133
14. Маънавият ва нафосат .....	146
15. Маънавият ва адабиёт .....	166
16. Маънавият ва сиёсат .....	180
17. Маънавият ва ҳуқуқ .....	196
18. Маънавият ва мафкура .....	209
19. Маънавият ва миллий ғоя .....	220
20. Экологик маданият ва маънавият .....	231
21. Глобаллашув ва маънавият .....	245
22. Маънавий ҳаётда ахборотлашув ва модернизация жараёнлари .....	253
23. Ўзбекистонда маънавиятни илмий ўрганиш ва ривожлантириш босқичлари .....	269
24. Миллий маънавият ривожланиш концепцияси: назария ва амалиёт .....	286
25. Жаҳон илм-фанида маънавият масалалари .....	295
26. Жаҳон фанида жамият келажаги ҳақида айрим башоратлар .....	308
27. Эркин инсон шахсини юксалтириш – маънавий тарбиянинг мақсади .....	323
28. Мехнат тарбияси – маънавий тарбиянинг негизи .....	250
29. Ахлоқий тарбия .....	371
30. Эстетик тарбия .....	386
31. Сиёсий ва ҳуқуқий тарбия .....	394
32. Илмий дунёқараш ва ҳаётга оқилона муносабатни шакллантириш муаммолари .....	406
33. Миллий, жамоавий ва шахсий манфаатларни мувозанатга келтириш ва уйғунлаштириш .....	417
34. Миллий идентлик (айният) ва миллатлараро муносабатлар маданиятини юксалтириш .....	437



**АБДУРАҲИМ ЭРКАЕВ**

## **МАЪНАВИЯТШУНОСЛИК**

**Маънавият методологияси ва праксиологияси**

*2-китоб*

*Тошкент «Маънавият» 2018*

*Мухаррир Ф. Эргашев*

*Мусаввир Ш. Соҳибов*

*Мусаҳҳих М. Хасанова*

*Компьютерда тайёрловчи Ш. Соҳибов*

Лицензия АІ №189, 10.05.2011 йилда берилган.

Босишга 25.10.2018 йилда рухсат этилди. Бичими 84x108  $\frac{1}{32}$ .

Таймс гарнитураси. Офсет босма усулида босилди. Шартли б. т. 23,94.

Нашр т. 21,12. 2000 нусха. Буюртма № 18-59. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриётида чоп этилди. 100047. Тошкент,

Тараккиёт 2-берккўча, 2-уй. Шартнома № 12-18.

*Mancini*

ISBN 978-9943-04-366-4



9 789943 043664